

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚУМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

НАСР

С.ДОВЛАТОВ. Ажнабий аёл. Қисса	3
К.С.ДУГГАЛ. Кузнинг тўлиной кечаси. Қисса	62

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Ж.Г.БАЙРОН. Нурли оламлар	57
Н. ГУМИЛЁВ. Орзулар салтанати	109

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Ф.ЛАРОШФУКО. Максимлар	112
П.КАПИЦА. Ижодий “бебошлик” ҳақида	138

ПУБЛИЦИСТИКА

В.МАУ. Зиёлилар: тарих ва инқилоб	144
---	-----

НОБЕЛ МАЪРУЗАЛАРИ

И.БУНИН. Нобел кунлари	159
------------------------------	-----

Декабр 2000

АДАБИЙ ТАНҚИД

У.САИДОВ. Эдип айборми ёхуд инсонийлик масъулияти ҳақида ..164

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

А.ИБРОҲИМОВ. “Бобурнома” урду тилида 170
Т.ФАФУРБЕКОВ. Беназир бастакор 173

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Г.Р.ЛОТМАН. Ротшильдлар — банкирлар қироллари 177

ЖАҲОН КУЛАДИ

Тарихий латифалар 203
2000 йилда “Жаҳон адабиёти”да эълон қилинган асарлар 205

Бош муҳаррир:
Озод Шарафиддинов

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат Мирзо
(бош муҳаррир муовини)
Амир Файзулла
Асрор Мўминов
Абдуҳамид Пардаев
(масъул котиб)
Ортиқбой Абдуллаев

Жамоатчилик кенгаши:
Юсуф Абдуллаев
Аслиддин Болиев
Одил Ёқубов
Хайрулла Жўраев
Неъматулла Иброҳимов
Жўра Йўлдошев
Абдулла Орипов
Жавлон Умарбеков
Рустам Шоғуломов
Тўлапберган Қайипберганов
Саидахрор Фуломов

қў
-лс
нқ
қў
-нк

Жаҳон адабиёти, 12. 2000

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:
700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир А. ФАЙЗУЛЛАЕВ
Рассом М.КАРПУЗАС
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳ Г.АҲМЕДОВА

Теризга берилди 03.11.2000 й. Босишга рухсат этилди 22.01.2001 й. Бичими 70х108, 1/16.
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18.2. Нашриёт босма тобоғи 20 0.
Жами 1600 нуска. К-8388 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«MushTapi-BFS» хусусий фирмаси компьютерида терилиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти. 2000 й.

Сергей ДОВЛАТОВ

Ажнабий аёл

Қисса

Америкадаги ёлғиз рус аёлларига —
меҳр-муҳаббат, андуҳ ва умид билан.

ЮЗ САККИЗИНЧИ КЎЧА

Даҳамизда ғалати воқеа юз берди. Маруся Татарович лотин америкалик Рафаэлни севиб қолди. У икки йилгача иккиланиб юрди, ниҳоят тақдирга тан берди. Аслини олганда Маруся учун тақдирга тан беришдан бошқа йўл йўқ эди.

Кўчамизда яшовчиларнинг ҳаммаси ташвишда эди: бу ёғи қандоқ бўларкан? Ахир, биз бундай ишларга жиддий қараймиз.

Биз — бу супермаркет теварагида асосан руслар истиқомат қилувчи олти ғиштин уй фуқаролари. Яъни собиқ совет фуқаролари. Ёхуд газеталар ёзганидай учинчи тўлқин эмигрантлари.

Бизнинг даҳа эса темир йўлдан то синагоггача¹ чўзилган. Сал шимолроқда Мидоу кўли, жануброқда — Квинс-хийбон. Бизлар ўртадамиз.

108-кўча — бизнинг марказий йўлимиз.

Бизда рус дўконлари, болалар боғчалари, суратхона ва сартарошхоналар бор. Рус саёҳатлар идораси мавжуд. Рус адвокатлари, ёзувчилари, ҳақимлари ва молмулк савдоси билан шуғулланувчи даллоллар ҳам топилади. Рус қароқчилари, жиндилари, шунингдек, фоҳишаларидан ҳам камчилигимиз йўқ. Ҳатто рус кўрмушиқачиси ҳам бор.

Маҳаллий аҳоли бизни хорижийлар ҳисоблашади. Инглизча гапиришлари билан ҳушёр тортамин. Бундай ҳолларда:

— Русча гапиринг! — дея илтижо қиламиз.

Бунинг натижасида маҳаллий аҳолининг айримлари бизнинг тилимизда гапирадиган бўлишди. Таомхонадаги хитой мени кўрди дегунча саломлашади.

— Хайрли тонг, Салозениса! (Солженицин демоқчи).

Бу ердаги америкаликлар асосан немис яҳудийларидан иборат. Учинчи эмиграцияда кўпроқ яҳудийлар келишган. Бошқалар йўқ ҳисоби. Шу боисдан тезда тил топишиб кетамиз.

Шунинг учун ҳам ерлик аҳоли:

— Сиз Россияданмисиз? — деб сўрашади. — Идиш² тилида гапирасизми?

Бизнинг даҳада яҳудийлар билан бир қаторда корейслар, ҳиндлар, араблар ҳам яшашади. Қора танлилар нисбатан кам. Лотин америкаликлар кўпроқ. Транзисторли бу кишилар бизлар учун сирли кўринади. Биз уларни билмаймиз. Ҳар қанда уларни ҳуш кўрмаймиз ва кўрқамиз.

Ғилай Фрида норозилик билдиради.

— Ўзларининг кўтир Африкаларига жўнашса-чи!

Фриданинг ўзи Шклов шаҳридан. Лекин Нью-Йоркда яшашни маъқул кўради.

¹ Синагога. — яҳудийлар эҳроми.

² Идиш — яҳудий тили.

Агар бизнинг даҳамиз билан яқиндан танишмоқчи бўлсангиз, идоровий ашёлар дўкони ёнига туриб олинг. Бу дўкон юз саккизинчи ва олтмиш тўртинчи кўчалар чорраҳасида. Имкони борича барвақтроқ келинг.

Ана таксичиларимиз: Лёва Баранов, Перцович, Еселевскийлар йўлга чиқишяпти. Учаласи ҳам миқтидан келган, тунд, дадил кишилар.

Лёва Баранов олтмишдан ошган. У собиқ рассом — молотовчи. Лёва ўз мартабасининг дастлабки босқичида фақат Молотов расмини чизарди. Унинг расмлари қанчадан-қанча уй-жой бошқармаларида, поликлиникаларда, маҳаллий кўмиталарда, ҳатто собиқ черковларда ҳам намойиш этилган.

Малакали ишчи башарасини эслатувчи бу министр қиёфасининг энг нозик қирраларини ҳам пухта ўрганган Баранов гаров ўйнаб Молотов расмини ўн сонияда нўзиб ташларди. Тагин кўзини боғлаб чизарди.

Кейин Молотовни олиб ташлашди. Лёва Хрущевни чизишга уриниб кўрди. Лекин удадалай олмади. Ўзига тўқ деҳқон қиёфасини тасвирлашга Барановнинг кучи етмади.

Брежнев билан ҳам худди шундай бўлди. Опера кўшиқчисининг афт-башарасини чизишни Баранов эплай олмади. Шундан кейин Лёва алаמידан абстракционистга айланди. Рангли доғлар, чизиклар, айқаш-уйқаш аллабалоларни чиза бошлади. Бунинг устига ичадиган, тўполон қиладиган қилиқ чиқарди.

Кўшилар Лёва устидан милиционерга шикоят қилишди.

— Ичиб олади, тўполон қилади, қандайдир мавҳум нарсалар билан шуғулланади...

Охири Лёва кўчиб кетди. Кўчганда ҳам Америкага қараб жўнади. У ерда машина рулига ўтиридю тинчиди қолди. Тўғри, бўш вақтларида тулпор миниб турган Рейганни тасвирлайди.

Еселевский Киевда марксизм-ленинизмдан дарс беради. Диссертация ёқлаб фан номзоди бўлди. Энди фан доктори унвонини олишга тайёрланарди.

Кунлардан бир кун булғористонлик олим билан танишиб қолди. Меҳмон Еселевскийни Софияга илмий анжуманга таклиф қилди. Бироқ Еселевскийга виза беришмади. Афтидан яхудийни чет элга юборгилари келмади.

Еселевскийнинг ҳаётда илк бор кайфияти бузилди.

— Шунақами ҳали?! — деди у. — Унда мен Америкага кетаман!

Шундай деди-ю, кетди-борди.

Фарбда Еселевскийнинг марксизмдан ҳафсаласи бутунлай пир бўлди. Эмигрантнинг газеталарида аламзада мақолалар эълон қила бошлади. Кейин бу газеталар ҳам кўнглига урди. Унинг машина рулига ўтиришдан бошқа иложи қолмади.

Перцович эса Москвада ҳам шофёр бўлиб ишларди. Чет элда ҳам унинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгармади. Рост, анча кўп маош оладиган бўлди. Бунинг устига такси ҳам унинг ўзиники эди...

Ана, суратхоҳа соҳиби Евсей Рубинчик келяпти. Тўққиз йил бурун у корхона сотиб олганди. Ушандан бери қарз тўлайди. Қолган пули замонавий техника сотиб олишга кетаяпти.

Ўн йилдирки, Евсей макарон ейди. Ўн йилдирки, у ҳарбий ботинка кияди. Ҳечқиси йўқ, — деб юпатади хотинини, — бизнес ўғлимизга қолади. Унғача қарзлар тўлаб бўлинади. Аммо, — дейман унга мен, — янада замонавий техника чиқади...

Хув анови шошиб келаётган киши Фима Друкер бўлади. У бошловчи ношир. Тонгги газетани олишга ошиқаяпти. Ленинградда у машҳур библиофил саналарди. Уззукун китоб бозорида изғиб юрарди. Олти минг камёб, ҳатто ноёб китоб тўплаган.

Америкада Фима ношир бўлишга қарор қилди. У рус адабиётига унутилган дурдоналар: Олейников ва Хармс шеърларини, Добочин, Агеев, Комаровский насрини қайтариб бериш истагида ёнарди.

Друкер савдо марказига фаррош бўлиб ишга кирди. Хотини тиббий ҳамшира сифатида ишлай бошлади. Бир йил ичида улар тўрт минг доллар тўплашга муваффақ бўлишди.

Фима бу пулга шинам идора сотиб олди. Ўз фирмаси учун зангори қайднома-

лар, авторучкалар, шахсиятномалар буюртма қилди. Котиба ёллади. Яна кимни дёнг — Эренбургнинг набирасини.

Ўз корхонасини у “Рус китоби” деб атади.

Друкер америкалик таниқли филологлар — Роман Якобсон, Малмстед, Эдвард Браун билан танишди. Агар Роман Якобсон Цветаеванинг кўпчилик билмайди-ган шеърини эслатса, Фима шошиб:

— “Кўприклар мажмуи”, ўттизинчи йил, икки юз олтмиш тўртинчи бет, — дея илова қиларди.

Филологлар уни ақл-заковати ва беғаразлиги учун яхши кўришарди.

Фима илмий анжуманларга ҳамиша қатнашар, танаффусларда Жорж Нива, Оттенберг ва Раннит билан суҳбатлашарди. Вера Набокова билан ёзишиб турарди. Ундан олган телеграммаларни эҳтиётлаб асарди. Телеграммаларда эди: “Катъиян эътироз билдираман”, “Мутлақо рози эмасман”, “Шартлари мақбул эмас” дейилган бўларди.

У ўзига “Ефим Г. Другер, ношир” деган резина муҳр буюрттирди. Шу билан пули ҳам тугади.

Друкер Михаил Баришниковга мурожаат қилди. Баришников унга бир ярим минг сўм ҳамда уқалашни ўрганиш ҳақида яхши маслаҳат берди. Друкер унинг маслаҳатини менсимай Амхерстга конференцияга жўнади. У ерда Вейдле ва Карлинский билан танишди. Уларни ўз билимдонлиги билан лол қолдирди. Бу иккала кекса олимга улар эрдан чиқарган кўплаб мақолаларини эслатди.

Орқага қайтаётганда Юрий Ивасканикига кириб ўтди. Кекса шоирникида бир ҳафта яшади, Вагинов ҳамда Добичин ҳақида суҳбатлашди.

Яна пули тугаб қолди.

Шунда Фима ноёб кутубхонасининг бир қисмини сотди. Тушган пулга Фейхтвагнернинг “Яхудий Зюсс” асарини қайта нашр этди. Бу “Рус китоби” деган нашриёт учун галати танлов эди. Фима бизнинг эмигрантларни яхудий мавзуи қизиқтирса керак, деб ўйлади, шекилли.

Китоб биттагина хато билан чиқди. Унинг муқовасида йирик ҳарфлар билан “Фейхтвагнер” деб ёзилганди. Китобнинг сотилиши жуда сустретди. Уйда эркинлик йўқ эди, лекин китобхонлар бор эди. Бу ерда эса эркинлик етарли эди, аммо китобхон етишмасди.

Бу пайтга келиб Друкернинг хотини ажралишга ариза берди. Фима идорасига кўчиб ўтди. Идоранинг биноси “Яхудий Зюсс” китоби тахланган қутилар билан тўла эди. Фима ана шу қутилар устида ухларди. “Яхудий Зюсс”ни кўп сонли оқиналарига ҳада қиларди. Эренбург набираси иш ҳақини ҳам китоб билан узарди. Ҳатто бу китобларни рус дўконида қолбасага айрибошлашга ҳам уриниб кўрди.

Энг қизиғи шундаки, уни хотинидан бошқа ҳамма яхши кўрарди...

Ана, “Днепр” дўконининг соҳиби Зяма Пивоварев ўз молларини тахляпти.

Иттифоқда у ҳуқуқшунос эди. Америкада эса биринчи кунданоқ юк ортувчи бўлиб ишлади. Кейин сабзавот дўконига оддий ишчи бўлиб ўтди. Бир йилдан сўнгра шу дўконни сотиб олди. Энди уни моллар билан машҳур “Демша ва Разин” фирмаси таъминлай бошлади. Бу ерда Вологда мойи, Рига шпротлари, Гуржистон чойи, Украина қолбасаси сотиларди. Бу дўконда қаҳрабо маржон, электр самовар, ёғоч матрешка ва Шалаяпин тобоқларини харид қилиш мумкин эди.

Зяма қарийб кечаю кундуз тиним билмасди. Тушум ҳам шунга яраша эди. Маҳаллаиздагиларнинг кўпчилиги ундан қарздор эди...

Балиқ дўкони ёнида публицист Зарецкий сайр қилиб юрибди. У каттакон кўппак етаклаб олган. Спорт кийимида, тепакал бошига целлофан халта кийиб олибди.

Иттифоқда Зарецкий маданият арбоблари ҳақидаги оммабоп асарлари билан машҳур эди. Тадқиқотлари “Самиздат” да ҳам босилиб турарди. Унинг тугалланмаган “Тоталитаризмда секс” деган китоби ана шундай тадқиқотлардан эди. Мазкур китобда таъкидланишича, совет аёлларининг тўқсон фоизи эҳтироссиздир.

Тез орада жазоловчи идоралар унинг изига тушишди. Зарецкий хорижга кетишга мажбур бўлди. У божхонада тарихий баёнот берди:

— Мен Россияни тарк этаётганим йўқ! Россия мени тарк этаётир!

Кузатиб қолувчиларнинг барчасидан:

— Академик Сахаров шу ердами? — деб сўраб чиқди.

Самолётга ўтириш олдида у яхшилаб парвариш қилинган майсазорга қараб дадил одимлади. Ғурбатга рус тупроғидан бир сиқим олмоқчи эди. Милционерлар уни қувиб юборишди. Шунда Зарецкий ҳайқирди:

— Мен Россияни этикларим пошнасида олиб кетаман!

Америкада Зарецкий ўқитувчилик қилди. У ҳаммани ўқитар — ўргатарди. Яхудиёларни православликка, славянларни — иудизмга, Америка контрразведкачиларини — ҳушёрликка.

У бор кучи билан демократия учун курашарди.

— Демократияни жорий қилиш учун барча воситалардан фойдаланиш лозим, — дерди у. — Ҳатто атом бомбасидан ҳам!

Маълумки, америкадагилар эшитиши учун секин гапириш керак. Зарецкий бунга фаҳлмасди. У барчага бақриб гапирарди. Зарецкий социал таъминот ҳодимларига бақриарди. Муҳожирларнинг кундалик газетаси муҳарририга, касалхонада ҳамширага дўқ қилиб бақриарди. У ҳатто суваракларга ҳам бақриб берарди.

Натижада унга эътибор бермайдиган, парво қилмайдиган бўлишди. Шунга қарамай, у муҳожирларнинг барча йиғинларида қатнашар ва бақришда давом этарди. У ғарб демократияси хавф остида, Жеральдина Фарраро — совет жосуси деб қичқирарди. Америка адабиёти умуман йўқ, — дерди у. — Супермаркетларда бундай гўшт сотилапти. Гарлемни бомбардимон қилиш керак, — дерди бақриб. Ундан кўрқисар ва ҳурмат қилишарди.

Ана, истеъфодаги диссидент Каравасев келяпти. Кўлида қоғоз халта. Унда пивоводан бўшаган тунука банкалар. Юзида ташвиш.

Иттифоқда у таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси эди. Тузум билан курашда чинакам мардлик кўрсатди. Қамоқхоналарда уч муддат ўтириб чиқди. Етти марта очлик эълон қилди.

Учинчи муддатдан кейин Каравасевни Ғарбга қўйиб юборишди. Дастлабки пайтларда у мухбирларга интервьюлар берар, маърузалар ўқир, қандайдир жамғармалар таъсис этарди. Кейин унга бўлган қизиқиш камайди. Энди қорин ҳақида ҳам ўйлаш керак эди.

Каравасев инглиз тилини билмасди. Дипломи ҳам йўқ эди. Қамоқхоналарда ортирган юк ортувчи, нон кесувчи сингари касблари Америкада асқотмай қолди.

Каравасев рус газеталарида ҳамкорлик қиларди. У биргина мавзуда — Россиянинг келажаги ҳақида ёзарди. У келажакни ҳозирги кундан кўра яхшироқ тасвирларди. Бу пайғамбарларга хос нарсаси.

Америкадан Каравасевнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бу ерда унга совет ҳокимияти, марксизм ва жазо маҳкамалари етишмасди. Бир сўз билан айтганда, у қарши чиқадиған ҳеч нарсаси йўқ эди.

Қамоқхоналарда ортирган касаллиги унга ногиронлик ҳуқуқини берарди. Каравасев кўп ичарди. Яхшиямки маҳалламизда кечаю кундуз пиво сотиларди.

Ана, сирли жамоат арбоби Лемкус “шевроле” рулига ўтирмоқда. Иттифоқда Лемкус оммавий ўйинларнинг моҳир ташкилотчиси эди. Оммавий сайилларни бошлаб ўтказарди. Биринчи май намойишларида тантанавор нутқларни қотирворарди. Юбилей нутқлари, кантаталар ёзар, автоҳаваскорлар учун шеърини йуриқлар тўқирди. Ёшларнинг тўйларида тамада — ўртани олиб борувчи сифатида яхши даромад қиларди. Цирк масхарабозлари учун қизиқ хангомалар ижод қиларди. Масалан:

— Вася, нима бўлди? Нега хафасан?

— Шундоқ кўз ўнгимда бир одам кўлмакка йиқилиб тушди.

— Шунга хафа бўлдингми?

— Бўлмасам-чи! Ахир ўша одам мен эдим-да!

Лемкус сиёсий таъқиблар туфайли кетди. Таъқиблар эса ўз навбатида ўта бесўнақайлиги натижасида юз берганди.

Бу шундай бўлганди. Лемкус Куролли Кучларнинг 60 йиллигига бағишлаб кантата ёзган эди. Кантата Зобитлар уйида ижро этилди. Бошловчи матнини Лемкуснинг ўзи ўқирди. Залга олти юздан зиёд армия ва флот вакиллари тўпланганди. Тантанали байрам концерти радио орқали бутун шаҳарга эшиттирилган эди. Кантатанинг якунловчи қисмида шундай сўзлар бор эди:

Бизларни тинч ухласин дея,
Сиз қоядек турдингиз маҳкам.
Бунинг учун доно партия
Мукофотлар лойиқларни ҳам!

Сўнги иборани Лемкус алоҳида иштиёқ билан хитоб қиларди — “Мукофотлар лойиқларни ҳам!” Худди шу пайт унинг бошига мувозанат учун тепага илинган брезент қоп тушиб кетса бўладими?!

Лемкус ҳушидан кетди. Томошабинларга унинг қоп остида қолган оёқ кийими аранг кўринарди. Уч дақиқа ўтмай милиционерлар чопиб қолишди, яна уч сониядан сўнг томоша зали бутунлай ўраб олинди. Лемкусни ҳибсга олиш учун ҳушига келтиришди.

КГБ майори уни атайлаб қилинган кўпорувчиликда айблади. Коммунистик партияни таҳқирлаш учун бошловчи бошига атайлаб қопни тушириб юбординг деди майор.

— Ахир, бошловчи ўзим эдим-ку, — ўзини оқламоқчи бўлди Лемкус.

— Инчунун, — деди майор.

Қисқаси, Лемкус таъқибга учради. Уни мафкуравий ишлар билан шуғулланишдан маҳрум этишди. Чунки Лемкус бошқа иш билан шуғулланишни хаёлига ҳам келтирмасди-да. Пировардида Лемкус Иттифоқни тарк этди. У тўрт ой давомида ўз касбида ишлади. Муҳожирларнинг Ниагара шаршарасига оммавий саёҳатини уюштирди. Утиришларда тамада бўлиб хизмат қилди. Шеърлар, қофияланган эълонлар, табриклар, кантаталар ёзди. Менга, масалан, куйидаги сатрлар ёдланиб қолди:

Умр бўйи КГБдан қақшаб биз,
Эслаб у кунларнинг аччиқ нафасин.
Энди деймиз: жонажон Америкамиз
Бизни ёвуз душманлардан асрасин.

Лекин Лемкусга жуда кам ҳақ тўлашарди. Бу орада унинг иккинчи фарзанди туғилди. Энди уни баптистларга рўпара қилишди. Зеро, баптистлар учинчи эмиграция билан қизиқишгаётган эди. Улар учун муҳожирлар, янги кўчиб келганлар орасида ўз одамлари бўлиши лозим экан. Улар россиялик қочоқлар эътиборини ўзларига қаратмоқчи эдилар. Баптистлар Лемкусни қадрлашарди! Чунки у оилапарвар одам эди, чекмас, ичишга унча ружу қўймаганди. Лемкус шу тариқа диний арбобга айланди. Қандайдир сирли дунёвий радио эшиттиришларни бошқарарди. У мунтазам равишда “Худони қандай англаш керак?” деган эшиттиришни олиб боради.

У художўй ва ғамгин бўлиб қолди. Кўпинча нигоҳини ерга қадаб пичирларди:

— Агар Тангрига маъқул бўлса, Фира тушлик учун бузоқ гўштидан овқат тайёрласа...

Маҳалламизда уни товламчи дейишади...

Ху-ув ана, бурчакдан бурилиб кетаётган кишини кўряпсизми? У Аркаша Лернер бўлади. У мол-мулк савдоси билан шуғулланади. Ҳозир ҳам эрталабки ноушта учун қандайдир масаллиқ қидириб кетяпти, шекилли.

Лернер ўз фаолиятини Белоруссия телевидениесига режиссерликдан бошлаган эди. Унинг хотини телестудияда сухандон бўлиб ишларди.

Лернерлар аҳил ва бахтли яшашарди. Уларнинг яхшигина хонадони, иккита маоши, ўғиллари Мишавой, машинаси бор эди.

Аркадий Лернерни ўз ишининг устаси деб билишарди. Қисқа метражли кўрсатувлари юксак қадрланарди. Унинг теварагида социалистик реализм билан жўш урган ҳаёт қайнарди. Девор-дармиён кўшниси сув қувури техниги Берендеев хотинини қалтакларди. Деразалари тагида маст-аласт кишилар шовқин солишарди. Телестудия директори ашаддий антисемит эди.

Шундай қилиб, Лернерлар чет элга кетишга қарор қилишди. Бунинг устига айни ўша пайтда кўплар иттифоқдан кетиб қолишаётганди. Улар орасида Лернерларнинг энг яқин дўстлари ҳам бор эди.

Америкада Лернер бир йилгача диванда чўзилиб ётди. Хотини “Александрс” да сотувчи бўлиб ишларди. Угли яхудийлар мактабига қатнарди.

Лернер телевидениеда ишлашни орзу қиларди. Аини пайтда у ўзини муҳожирларга хос тутмасди. Ўзини давлат мукофотларининг собиқ совриндори сифатида мақтамас, диссидентлик борасидаги хизматларини бўрттириб кўрсатмасди. Фарб санъати тангликни бошидан кечирмоқда, деб таъкидламасди.

Дўстлари уни продюсер билан учраштириб қўйишди! У рус мумтоз асарларини экранлаштириш ниятида эди. Унга славянларга мансуб режиссёр керак эди.

Учрашув “Блоу-ап” ресторанининг даҳлизида бўлиб ўтди.

— Режиссёрмисиз? — сўради америкалик.

— Нима десам экан... — деб жавоб қилди Лернер.

— Яъни?

— Сўнгги йил ичида мен ҳаддан ташқари инқирозга учрадим.

— Лекин, сизни режиссёр бўлган дейишяпти.

— Бўлган эдим. Аниқроғи рўйхатда шундай эдим. Менга режиссёрлик унвонини олтиш еттинчи йилда беришди. Унгача эса мен ёрдамчи бўлиб ишлардим.

— Режиссёр ёрдамчисими?

— Ҳа. Унга ароқ ташиб турадиган ёрдамчи.

— Сизни истёдодли режиссёр бўлган дейишади, ростми?

— Истёдодли? Биринчи марта эшитиб турибман. Қилган ишим мени қаноатлантирмасди.

— О, кей. Мен классикларни экранлаштириш билан шуғулланаман.

— Менинча, барча экранлаштиришлар бир тийинга қиммат.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Мен, ҳалиги, янги мавзу маъқул демоқчийдим.

— Масалан?

— Айтайлик, табиат ҳақида...

— Э-э, — деди америкалик, — табиат ўзини қопламайди.

Лернер эътироз билдирди:

— Санъат сотилмайди!

Шу билан гап ҳам тугади. Улар келиша олишмади. Лернер яна уч ой диванда чўзилиб ётди. Лекин шуни ҳам қайд қилиш жоизки, унинг молиявий ишлари ёмон кетмасди. Афтидан, Лернер моддий фаровонликнинг қандайдир махсус инъомидан фойдаланарди. Умуман, ишончим комилки, камбағаллик ва бойлик туғма сифатдир. Масалан, айтайлик, сочнинг ранги ёки мусиқавийликдек. Биров камбағал бўлиб туғилади, бошқаси эса бой. Бу ўринда пулнинг сира аҳамияти йўқ.

Камбағал бўлса ҳам пули кўплар оз дейсизми?! Ёки ёнида ҳемири йўқ шаҳзодалар камми?!

Камбағаллар ҳар қандай шароитда ҳам зарар кўришади. Уларга ҳар қадамда жарима солишади, ҳатто кучуклари белгиланмаган жойни ифлос қилса ҳам пул тўлатишади. Шўрликнинг чақаси тушиб кетса ҳам думалаб аллақандай тешикка шўнғийди.

Бойларда эса бутунлай аксинча. Улар эски камзулларининг чўнтагидан пул топишади. Лотереяларига доим ютуқ чиқади. Қандайдир нотаниш қариндошларидан мерос сифатида дала ҳовли оладилар. Уларнинг кучуклари кўрғазмаларда пул мукофотига лойиқ кўрилади.

Афтидан, Лернер бадавлат қилиб яратилган эди. Чунки тез орада у пуллик бўлиб қолди. Аввало уни маҳаллий тиш техниканинг кўппағи қошиб олди. Лернерга каттагина товон тўлашди. Кейин Лернерни бир чол қидириб келиб қолди. Бу чол империалистик уруш арафасида Лернернинг бувасидан уч червон қарз олган экан. Ўтган етмиш йил ичида уч червон бир неча минг долларга айланибди. Шундан кейин Лернерга танишларидан биттаси мурожаат қилиб қолди:

— Менда бир оз пул бор эди. Шуни олиб сақлаб қўйгин. Кейин, агар мумкин бўлса, ошиқча саволнинг сира кераги йўқ.

Лернер пулни олди. Савол беришга уринмади ҳам.

Орадан бир ҳафта ўтиб, унинг ҳалиги танишини Атлантик-Ситида отиб қўйишди.

Кўп ўтмай Лернер ҳовли сотиб олди. Бир йил ичида ҳалиги ҳовлининг нархи

уч баробар кўтарилди. Лернер уни пуллаб, учта бошқа уй сотиб олди. Шу тариқа, у молк-мулк олиб-сотиш билан шуғулланадиган бўлиб қолди.

Борган сари дивандан камроқ турадиган бўлиб қолди. Пули эса борган сари кўпая борди. Энди у пулни аямай сарфляпти. Асосан озиқ-овқатга.

Америкада у ўн икки йилдан бери яшайпти. Шу давр ичида атиги биттагина китоб сотиб олди. Китобнинг номи жуда маънодор. Ўзиям “Эрталабки нонушта учун юз долларни қандай сарфлаш керак” деб аталади...

У нонушта қилиб бўлгач, телефонни узиб кўяди-да, пинакка кетади. Ҳатто чекишга ҳам эринади.

Сезиб турибман, муқаддима жуда чўзилиб кетди. Энди Маруся Татаровичга қайтсак ҳам бўлар.

ЯХШИ ОИЛАДАН ЧИҚҚАН ҚИЗ

Марусянинг отаси ишлаб-чиқариш техника комбинатининг бош директори эди. Уни Фёдор Макарович дейишарди. Онаси шаҳардаги энг йирик тикиш корхонасини бошқарди. Исми-шарифлари Галина Тимофеевна эди.

Марусянинг ота-онаси амалпараст эмасдилар. Аксинча, улар оддий, уятчан, ҳатто нўноқ кишилар бўлиб кўринишарди.

Фёдор Макарович, масалан, трамвайга чиқишга уяларди, официантлардан тортинарди. Шунинг учун ҳам у шаҳар кўмитасининг қора машинасида юрарди, озиқ-овқатни эса хуфия-тақсимотчидан оларди.

Галина Тимофеевна ҳам ўз навбатида, бақирқ-чақирқдан жуда кўрқарди ва ёмон ходимни ишдан бўшатиш билан маҳалла кўмитаси шуғулланарди. Галина Тимофеевна эса стахановчиларга мукофотлар топширишарди.

Марусянинг ота-онаси юқори мартабалар учун яратилмаганди. Уларни бунга фуқаролик шароити мажбур қиларди.

Ҳар қандай кишига номенклатура¹ бўйича тез кўтарилишни кафолатлайдиган далиллар бўлади. Бунинг учун тўртта энг оддий сифатга эга бўлиш лозим. Бу аввало — рус, партия аъзоси, қобилиятли ва ҳушёр бўлиш демакдир. Шу сифатларнинг ҳаммаси бўлиши ниҳоятда зарур. Улардан бирортаси бўлмаса, демак сиз ҳеч нарсага ярамайсиз.

Рус, партия аъзоси, қобилиятли ароқхўр ярамайди. Рус партия аъзоси ва ичмайдиган тентак — умри тугаб бораётган қиёфа. Партиясиз — барча сифатларга эга бўлгани ҳолда ҳам ишончсиз ҳисобланади.

Ниҳоят, ичмайдиган, қобилиятли яҳудий коммунист — ҳатто менинг ҳам ғашимни келтиради.

Марусянинг ота-онаси мана шу сифатларнинг барчасини ўзларида мужассамлаштирган эдилар. Улар рус, партияга аъзо, ичмайдиган, ўта қобилиятли бўлмаса ҳам, етарли даражада интизомли эдилар.

Улар урушдан олдин турмуш қуришганди. Фёдор Макарович йигирма уч ёшида муҳандис бўлди. Галина Тимофеевна тикувчи бўлиб ишларди. Кейин ўттиз саккизинчи йил бошланди. Албатта, бу жуда кўрқинчли давр эди. Лекин ҳамма учун эмас. Кўпчилик Дунаевскийнинг ҳаётбахш мусиқасига рақс тушарди. Бундан ташқари нарх-наво йилдан йилга арзонлашиб борарди. Увилдириқнинг бир килограмми ўн икки рубл турарди. Уни ҳар қадамда топса бўларди.

Албатта, бегуноҳ кишиларни отишарди. Барибир бир кишининг отиб ташланиши кўплаб бошқалар учун фойда бўларди. Битта қандайдир маршалнинг қатл қилиниши унинг ўнлаб хизматдошларининг мартабаси ошишини кафолатларди. Бўшаган ўринга генерални ўтказишарди. Шу генерал лавозимини полковник эгалларди. Полковник ўрнига майор ўтирарди. Тегишли тарзда капитан ва лейтенантлар унвони ҳам оширилари.

Биргина халқ комиссарининг отилиши ўнлаб хизмат ўринларининг ўзгаришига олиб келарди. Бу ўзгаришлар, табиий, юқорига қараб бўларди. Қуйи бюрократлар тўдаси хизмат пиллапояси бўйлаб кўтарила бошладилар.

¹ ИКНИ Номенклатура — юқори ташкилот ҳисобида турувчи.

Фёдор Макарович меҳнат қилаётган заводда саккизтача кишини ҳибсга олишди. Улар орасида коргоҳ бошлиғи ҳам бор эди. Фёдор Макарович унинг лавозимини эгаллади.

Унинг хотини ишлаётган фабрикада бригада бошлигини қамоққа олишди. Унинг ўрнига Галина Тимофеевнани ўтказишди.

Ҳибсга олишлар икки йилча давом этди. Шу давр ичида Фёдор Макарович унча катта бўлмаган бир корхонанинг бош технологи бўлиб олди. Галина Тимофеевна маҳсулот сотиш бўлими мудирасига айланди.

Кейин уруш бошланди. Металлургия заводи ва тикув фабрикаси тезда кўчириб олиб кетилди. Новосибирскда улар қиз кўришди. Қизчага Маруся деб исм кўйишди.

Марусянинг ота-онаси жабҳа ортида керак одамлар эдилар. Уларга хандақларда эмаклар юришга тўғри келмади. Ҳолбуки, кўплаб маъмур ходимлар урушга жўнашганди. Уларнинг яхшилари ҳалок бўлишди. Фёдор Макарович билан Галина Тимофеевнанинг эса лавозимини кўтаришди. Бунинг учун уларни айблашга кимнинг ҳаққи бор?..

Олтмишинчи йилларга келиб Марусянинг ота-онаси ўрта бўгин номенклатурасида мустаҳкам ўрнашиб олишди. Улар корхона раҳбари ва маҳаллий кенгашларнинг ноиблари эдилар. Уларда барча тегишли имтиёзлар — улкан хонадон, дала ҳовли, ёнғоқдан ишланган фин мебелли мавжуд эди. Шундоққина деразалари тагида навбатчи машина ҳозир у нозир турарди.

Фёдор Макарович раҳбарлик қилаётган корхона намунали ҳисобланарди. Етмишинчи йилда унга Леонид Ильич Брежнев ташриф буюрди. Шунда Фёдор Макарович намуна кўрсатди.

Завод бошқаруви биносининг олди майдони кўкаламзорлаштирилган эди. Кўкаламзорга одатдагича: “Майсазорда юриш таъқиқланади” деган шиор илинганди. Саркотиб келганида октябрь ойи эди. Бу пайтда майсалар сарғайганди. Шунда Фёдор Макарович ўтларни бўяш тўғрисида фармойиш берди. Дарҳол майсазорни бўяб чиқишди. Бунинг учун буёқ пуркагичдан фойдаланилди. Майсазор субтропик зумрад тусга кирди.

Брежнев келди. Аёнлари билан бирга завод бошқармасига кирди. Майсазорга нигоҳ ташлади-ю, ҳазиллашди:

— Демак, юриш таъқиқланади-а? Қани, биз бир кўрайлик-чи!

Шундай деб Брежнев майсазор устидан юриб кетди.

Ҳамма кулиб, қарсақ чалиб юборди. Фёдор Макарович кулаётиб табрик нутқи битилган ёрлиқни тушириб юборди. Брежнев Фёдор Макаровични кучоқлаб, деди:

— Қани, азамат, хўжалигингни кўрсат!

Шу пайтдан бошлаб Брежнев Фёдор Макаровични ўз ҳимоясига олди.

Маруся ўзига тўқ аҳил оилада ўсди. Ҳовлида доим итоаткор, яхшигина кийинган болалар қуршовида бўларди. Улар яшаган уй шаҳар фирқа кўмитасига қарашли эди. Уй ёнида мунтазам милиционер навбатчилик қиларди.

Маруся бахтли қиз бўлиб улғайди. У мактабда яхши ўқирди, рақс тўғарагига қатнардди. Унинг роляси, рангли телевизор, ҳатто кучуги ҳам бор эди. Кино, театр, музейларга бориб турарди. Физкультура билан шуғулланиши жинсий егилиш азобларини енгиллаштирганди.

Мактабни битиргач, Маруся маданият институтига осонгина кирди. Одатда, бу институтни битирганлар бадиий ҳаваскорлик ишлари билан шуғулланадилар. Бироқ Маруся ўзига тузукроқ иш топишга ишонарди. Айтайлик, радио ёки мусикий журналда. Бу борада унга ота-онаси ёрдам бериши мумкин эди.

Марусяни ўн уч ёшидан яхши тарбия кўрган, зукко, зиёли ўсмирлар қуршаб олганди. Маруся улар билан дўстликка шу қадар кўниккан эдики, севги ҳақида камдан-кам уйларди. Уни қуршаган ёш йигитлардан ҳар бири унга содиқ мухлис эди. Мухлисларнинг ҳар бири Макаровичнинг бу ёқимтой, сарвқомат ва қувнок қизига уйланишга тайёр эди.

Лекин бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Гап шундаки, Маруся бориб-келиб яҳудийни севиб қолди.

Болалиги бахтли ўтганларнинг ҳаммаси интиқом ҳақида унутмасликлари до

зим. Улар ўзларига тез-тез: “Охири нима бўларкин?” деган саволни бериб туришлари керак.

Кувноқ кайфият, соғлиқ, гўзаллик — менга қанчалик қимматга тушаркан? Меҳрибон, бадавлат ота-онамнинг менга кўрсатган мурувватини нима билан узаман?

Мана, Маруся ўн тўққиз ёшида Цехновицер деган умидсиз фамилияли бир яҳудийни севиб қолди.

Моҳият эътибори билан, яҳудий — бу фамилия, касб-кор ва қиёфадир.

Яҳудийларнинг бетараф фамилияли, ўрта миёна касб-корли, космополит қиёфали нозик нухалари мавжуд. Бироқ Маруся танлаган яҳудий бунақалардан эмасди.

Уни тўла қилиб Лазарь Рувимович Цехновицер дейишарди. У озгин, бурни узун, жингалак соч эди. Скрипка чалишни ҳам ўрганганди. Бу ҳам етмаганидек, ҳар қандай яҳудий сингари Цехновицер ҳам Советларга қарши эди. Маруся уни истеъдоди, озгинлиги, заковати ва заҳарханда юмори учун севиб қолганди.

Марусянинг ота-онаси, гарчи яҳудийларга қарши бўлмасалар-да, жиддий ташвишга тушиб қолдилар.

Галина Тимофеевна норасмий вазиятда:

— Яхшиси, мен ишга яҳудийни оламан, — деб такрорлашни яхши кўрарди. — Яҳудий ҳар ҳолда ичмайди!

— Бунинг устига, — дея кўшимча қиларди Фёдор Макарович, — яҳудий ўйлаб ўғирлайди. Яҳудий ишхонадан керакли нарсанигина олиб кетади. Ўрис бўлса-чи, дуч келган нарсани олиб кетаверади...

Лекин, барибир, Марусянинг ота-онаси ташвишга тушиб қолишди. Бунинг устига Цехновицер уларга шубҳали шахс бўлиб кўринди. У ҳар куни кечаси гарб радиосини тинглар, йиртиқ пойафзалда юрар ва тинимсиз ҳазиллашарди. Тагин денг, Марусяга Бабел, Платонов, Зошченколарнинг гоъвий гўр китобларини берарди.

Куевинг яҳудий бўлса — шунинг ўзи фожиа, — деб ўйларди Фёдор Макарович. — Лекин набираларнинг яҳудий бўлиши — ҳалокат! Буни тасаввур қилиш ҳам қийин!

Фёдор Макарович Цехновицер билан гаплашишга қарор қилди. У ҳатто қизишиб кетиб, Цехновицерга пора бермоқчи ҳам бўлди. Лекин Галина Тимофеевна анча ақллироқ экан.

У Цехновицерни қатъият билан уйига таклиф қила бошлади. Унга ғамхўрлик кўрсатиб, парвона бўлди. У билан бирга Говоров, Чичибабин, Линецкий, Шумейко¹ларнинг болалари ҳам чақириларди.

Цехновицер бу гуруҳ орасида ўзини бегонадай ҳис қиларди. Унинг онаси трамвай кондуктори бўлиб ишларди, отаси урушда ўлганди.

Макаровичлар уйда тўпланувчи ёшлар Жанубга, Болтиқбўйига бориб келишарди. Яхши кийинишарди. Ресторанлар, театрларга боришни яхши кўришарди. Чайқовчилардан жаз мусиқа сотиб олишарди.

Цехновицерда пул бўлмасди. Унинг учун ҳамиша Маруся тўларди.

Бунинг эвазига Цехновицер Марусянинг дўстларига нафрати орта борарди. У бадавлат йигитларни калтафаҳмлиқда, сурбетликда, ҳаёсизликда айблар, натижада ўзи яккаланиб қоларди.

Борди-ю, Цехновицерга: “Мангодан ичиб кўр” дейишса, афтини буриштирарди.

— Менга нон кваси маъкул!

Агар у билан дўстона гаплаша бошлашса, қошини чимириб:

— Менга осойишталик маъкул! — дерди.

Натижада Марусянинг Цехновицердан кўнгли қолди ва Дима Фёдоровга кўнгли қўйди.

Генерал Фёдоровнинг ўгли жарроҳликка ўқирди. У муаммолари олдиндан ҳал қилинган, шўх ва хушрўй йигит эди. Унда ҳамма нарса яхши эди. Бошқача бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасди.

¹ Г о в о р о в — маршал, Ч и ч и б а б и н — академик, Л и н е ц к и й — “Совфракт” фирмаси директори, Ш у м е й к о — МҚ йўриқчиси.

Унинг фахрланса арзигулик отаси бор эди. Хонадонлари Шчорс кўчасида жойлашганди. Дима у ерда бувиси билан яшарди. Шунингдек, унда дала ҳовли, мотоцикл, севган ҳунари, кучуги ва ов милтиғи ҳам бор эди. Фақат яхши бир оиладан чиройли ойимқизни топиб уйланиш қолганди.

Дима Фёдоров бешинчи курсда уйланиш тўғрисида бош қотиришга тушди. Шунда у Маруся билан танишиб қолди. Орадан олти ҳафта ўтиб никоҳдан ўтишди. Яна уч кундан сўнг ёш келин-куёв Қримга жўнашди.

Кузда ота-оналари уларга икки хонали уй совға қилишди. Марусянинг эр-хотинлик ҳаёти шундай бошланди.

Дима уззу-кун академияда қолиб кетарди. Маруся диплом ҳимоясига тайёрларди. Кечқурунлари улар телевизор томоша қилишар ва чақчақлашиб ўтиришарди. Шанба кунлари кинога боришарди. Меҳмон кутишар, ўзлари ҳам танишларникига ташриф буюриб туришарди.

Маруся Димани севишига ишончи комил эди. Ахир уни ўзи танлаган эди-да.

Дима ғамхўр, ақлли, боадаб эди. Тартибсизликка тоқати йўқ эди. Ҳар куни эрталаб ён дафтарига қайдлар ёзиб борарди. Дафтарида “ўйлаб кўриш”, “бажариш”, “қўнғироқ қилиш” сингари рукнлар бўларди. Баъзан: “Виталий Луценко билан саломлашмаслик” ёки “Алешковичнинг сурбетлигига парво қилмаслик” деб ёзиб кўярди.

Шанба куни “Маша” деган ёзув пайдо бўлди. Демак, кино ёки театрга бориш, ресторанда овқатланиш, муҳаббат...

— Мен расмиятчи эмасан, — дерди Дима. — Тартибсизликка тоқатим йўқ, холос.

Дима яхши одам эди. Унинг нуқсони камчилиги йўқлиги эди. Маълумки, камчиликлар кишини кўпроқ жалб қиларди. Ҳар нарсаси тўкис одамга унча эътибор ҳам қилишмайди.

Орадан бир йил ўтиб ундан Марусянинг кўнгли бутунлай совиди. Лекин Дима ўзини шунчалик бенуқсон тутардики, Маруся унга нафратини айтишга баҳона тополмасди. Шу тариқа улар яхши яшашарди.

Рост, ҳамма нарса яхши бошланишининг ўзи кулфат эканини кўпчилик билмайди. Демак, бу фақат бахтсизлик билан тугаши мумкинлигини билдиради.

Худди шундай бўлди.

Аввалига Диманинг отаси, генерал қазо қилди. Сўнгра ичкиликка берилган онаси жиннихонага тушди. Шундан кейин меросхўрлар — уч ака-ука ва бир сингил, кимга нима тегиши керак, деб гап талашиб, жанжаллашиб қолишди.

Генералнинг энг қимматбаҳо буюмлари прокуратура томонидан мусодара қилинди. Хусусан, Сталин совға қилган қилич, ёқут қадалган югослав ордени давлат тасарруфига ўтиб кетди.

Қисқаси, бир ой ичида Дима оддий одамга айланди-қолди. Ҳамон садоқат билан аспирантлигини давом эттирарди.

Баъзан Маруся хитоб қиларди:

— Ҳеч бўлмаса, ичиб келсанг-чи!

— Ароқхўрлик — ихтиёрий жинниликдир, — дерди Дима.

Маруся яна бўш келмасди.

— Рашк қилиш, — дерди Дима, — бошқаларнинг хатоси учун ўзингдан ўч олишдан бўлак нарса эмас.

Бахт-саодатли одам учун энг оғир синов тўсатдан муваффақиятсизликка учрашдир. Дима борган сари паришонхотир ва ғамгин бўлиб борарди. Энди ресторанга кирса ҳам котлет ва компот буюрарди. Чет эл костюмини фавқулодда ҳоллардагина киярди. Маруся ота-онасининг молиявий ёрдамидан истиҳола қиларди.

Бу ҳам етмагандек, Маруся унга хиёнат қила бошлади. Яна денг, танламай, тинимсиз илакишадиган бўлиб қолди. У эрининг дўстлари, танишлари, такси ҳайдовчилар билан ҳам дон олишиб юрадиган одат чиқарди. Маданият институти ўқитувчилари, трамвайда учратган йўловчилардан ҳам тап тортмади. Ҳатто тўсатдан пайдо бўлиб қолган Цехновицер билан ҳам ҳамтўшак бўлди.

Аввалига Маруся ўзини оқлашга ва алдашга уринарди. Қандайдир қўшимча машғулотлар ва семинарларни ўйлаб топарди. Гоҳо ўзини ўлдирмоқчи бўлган ду-

гонасиникида уйқусиз тонг оттирганини гапирарди. Баъзан Дергачёвдаги қариндошларникига борганини баҳона қиларди.

Кейин муттасил алдайвериш ва ўзини оқлаш Марусянинг жонига тегди. Ҳар хил уйдирмалар тўқийверишдан чарчади.

Эрталабга яқин уйига қайтиб келаркан, йўлда бирор нарса ўйлаб топарман, лифтида эсимга келар, таваккалига бирор нарса дерман, деган хаёлда бўларди.

— Қаерда эдинг? — сўрарди Дима ҳайрат билан.

— Менми? — хитоб қиларди Маруся. — “Қаерда” деганинг нимаси?! Қаерда эмиш! Айтайлик, танишларимникида. Мен танишларимни кўриб келишга ҳаққим борми?

Агар Дима ҳадеб сўрайверса, Маруся тезда асабийлашарди.

— Мени шароб ичди деб ҳисоблайвер! Мени бузуқ аёл деб ҳисоблайвер! Биз ажралишганмиз деб ҳисоблайвер!

Маълумки, никоҳда тенглик бўлмайди. Ким камроқ севса, устунлик ўша томонда бўлаверади. Агар буни устунлик деб ҳисоблаш мумкин бўлса, албатта.

Маруся ўттиз ёшга чиққанда шунга англаб етдики, турмуш ҳузур-ҳаловатдан иборат экан. Қолган ҳамма нарсани кўнгилсизлик деса ҳам бўлади.

Ҳузур-ҳаловат — бу гуллар, ресторанлар, муҳаббат лаззати, чет эл буюмлари ва мусиқа. Кўнгилсизлик — бу пул бўлмаслиги, миннат қилиш, касаллик ва айбдорлик ҳисси.

Маруся ҳузур-ҳаловатга берилди, кўнгилсизликдан четлаб ўтишга уринди. Унинг Димага раҳми келарди. Маруся виждони қийналаётганини ҳис қилиб, ачиши билан:

— Хоҳласанг, — дерди, — бирорта қизча билан таништириб қўяман.

— Нима учун? — сўрарди Дима ҳайрат билан.

Тез орада Маруся билан Дима ажралишди. Маруся ота-онасиникига кўчиб ўтди. Ота-онаси аввалига хафа бўлишиди, кейин тезда тинчланишди. Дима Фёдоров энди эр сифатида унча қизиқтирмасди. Маруся бўлса яна яхши оиладан чиққан қайлик, оймқиз бўлиб қолаверди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Маруся машҳур дирижёр Кажданни севиб қолди. Кейин таниқли рассом Шарафиддинов юрагидан урди. Бу рассомга Ҳайдар Алиевнинг ўзи ҳомийлик қиларди. Сўнгра донг таратган кўзбоғловчи Мабисни ёқтириб қолди. Бу фокусчи шундоққина одамлар кўз ўнгида аёлларни аралаб ташларди. Уларнинг ҳаммаси Марусядан кексароқ, унинг отаси қатори эдилар.

Маруся Каждан билан Болтиқбўйи ва Урални айланди. Шарафиддинов билан Алупкада яшади. Кўзбоғловчи Мабис билан эса бутун кутб орти бўйлаб учиб юрди.

Кейинчалик Каждан илонбалиқдан заҳарланиб ўлди. Шарафиддинов бўлса вилоят фирқа қўмитасининг тазйиқи билан Марусяни ташлаб, касал хотини ҳузурига қайтди. Мабис эса Франк-фуртга гастролга борганида, у ерда сиёсий бошлана олишга муваффақ бўлди. Қисқаси, уларнинг ҳаммаси Марусяни ташлаб кетишди. Шунда бирдан Маруся ташвишга тушиб қолди. Унинг барча дугоналари оилали, турмушлари тўкис эди.

Албатта, унинг барча дугоналари ҳам бирдек яхши яшамасдилар. Уларнинг баъзилари эрларига зулм ўтказарди. Кўпларига эрлари хиёнат қиларди. Лекин барибир... уларнинг бошларида эрлари бор эди. Эри борлигининг ўзиёқ уларни атрофдагилар кўзи ўнгида қадрли қилиб кўрсатарди.

Эр жуда ҳам зарур эди. Ҳеч бўлмаганда нафрат буюми сифатида ҳам эр бўлиши керак эди.

Бу пайтда Маруся ўттизни қоралаб қолганди. У аллақачон туғиши керак эди. Яна икки-уч йилдан кейин кеч бўлишини Маруся яхши биларди.

Маруся ташвишга тушди. Худди аввалгидек, бўйдоқ эркаклар унга алоҳида эътибор билан қарашарди. Кўпгина аёллар ҳамон бурунгидек унга ҳасад қилишарди. Ресторанлар, театрлар, нуфузли дўконлар — буларнинг ҳаммаси унинг хизматига тайёр эди. Лекин ташвиш ҳисси камаймасди. Балки ойдан-ойга зўрайиб борарди.

Шунда Маруся ҳаётининг уфқида машҳур эстрада қўшиқчиси Бронислав Разудалов пайдо бўлди. Ҳозир унинг номини эслашмайди. Лекин олтмишинчи йилларда у Хиль, Кобзон, Долинскийларга нисбатан машҳурроқ эди.

Разудалов Марусянинг барча талабларига мос келар эди. У келишган, истей-додли, машҳур эди, мўмайгина пул топар эди. Энг муҳими хушчақчақ, енгил ва беғам яшарди.

Маруся ҳам унга ёқиб қолди, чунки сарвқомат, қувноқ, енгилтак эди. Никоҳдан ўтишди. Разудалов тез-тез гастролларга чиқиб турарди. Уни кузатиб-бориш Марусяга жуда ёқарди.

Аввалига унинг ёнида бўларди. Кечкурунлари унинг концертларида ўтирарди. Кундузлари воситачи дўконларни айланарди.

Кейин унда мажбуриятлар пайдо бўлди. Маруся афишалар буюрадиган бўлди. Маҳаллий газеталарда ижобий тақризлар уюштирарди. Ҳатто ҳисоб-китоб ҳам олиб борарди. Бу эса Марусядан алоҳида касбкорликни талаб қиларди. Ахир унга фақат қўшиш ва кўпайтиришгина тўғри келарди-да.

У пайдо бўлганига қадар концертларни Разудаловнинг ўзи олиб борарди. То-мошабинлар билан мулоқот унга жуда ёқарди, айниқса қишлоқ жойларда у жуда кифтини келтирарди. Жумладан, у саҳнага чиқаркан, концертни бошлашдан олдин шундай дерди:

— Айрим хонандаларнинг овози чиройли бўлади. Баъзилар эса юракдан қуйлашади. Менда эса овоз йўқ...

Орага жимлик чўкарди.

— Юрак ҳам йўқ...

Қаҳқаҳа ва қарсақлар остида Разудалов сўзига якун ясарди:

— Нима билан куйлайман — ўзим ҳам ҳайронман!

Аста-секин Марусяга бошловчи лавозимини ишонадиган бўлишди. Маруся ўзига учта концерт кўйлаги тиктирди. Саҳнада назокат билан юришни ўрганиб олди. У парда ортидан дадил юриб чиқарди-да, залнинг биринчи қаторида ўтирганларга завқли нигоҳ ташларди. Кейин баланд овозда эълон қиларди:

— Марҳамат қилиб қаршиланглар: Эстрада артистлари Бутуниттифоқ қоңкурсининг совриндори Бронислав Разудалов!

Разудаловнинг концертлари муваффақиятли ўтарди. У ишқий мавзуда кўпроқ куйларди. Қўшиқларининг мазмуни тахминан шундай бўларди:

Сен “йўқ” деб хитоб этдинг,

Мен “ҳа” дея эшитдим.

Қўл бўйида йўқолди излар,

Изларми ё, адашдик бизлар.

Сен “ҳа” деб хитоб этдинг,

Мен “йўқ” дея эшитдим...

Разудалов хушчақчақ одам эди. У қўшиқ айтар, рақсга тушар, оғзига келган гапни валақлайверарди. Бунинг учун унга яхшигина тўлашарди.

Бироқ, тез орада Маруся Разудаловнинг ҳаётсеварлиги жуда узоқларга бориб тақалишини сезиб қолди. У эрининг хиёнат қилаётганини ҳис этди. Унинг шубҳаланганича бор эди. Зеро, эрининг чўнтагидан аёлларга тегишли турли-туман нарсалар чиқа бошлади. Ниҳоят, бир куни биттаси билан қўлга туширди.

Уша куни Маруся эрини бошлаб калтаклади. Разудалов саҳнага қорақўзойнак тақиб чиқди. Чап қўли шалпайиб турарди.

Марусянинг таъналарига Разудалов кулги билан жавоб қайтарарди.

— Маруся, — дерди у, — нега ҳамма нарсага жиғибийрон бўлаверсан!? Мен сени маданиятли, тушунадиган аёл деб ўйлардим. Мунча бидъатга берилмасанг?..

Разудалов ўзининг енгил-елпи ҳаёт кечириб ақидасига содиқ қолди, лекин алдашга ўрганди. Ҳадеб алдайверганидан дудуқланадиган бўлиб қолди. Фақат саҳнадагина дудуқланмасди.

Марусяни эса рашк азоби қийнади. Эрини кечаси билан кутиб чиқарди. Ажрашаман деб дўқ қиларди. Эрининг нега хиёнат қилаётганига сира тушунмасди. Ахир Маруся уни чин дилдан севарди-ку!

Эр уйга тонг отарда кириб келди. Ундан шароб ва атир-упа ҳиди анқирди.

— Гаплашиб қолиб кетибмиз, биласанми, ҳалиги... ичдик, санъат хусусида баҳслашиб...

— Қаерда эдинг?

— Ҳалиги... Голошчекин бор-ку, ўшаникида. Сенга салом деворди.

Маруся ёзув дафтаридан Голошчекин телефонини қидириб топди.

— Илья Захарович касалхонада, — деди кўрслик билан аёл овози.

Маруся гезариб, Разудаловга ташланди:

— Демак, сен Голошчекиникида бўлдингми? Демак, тонг отгунча санъат ҳақида баҳслашдингларми?

— Қизиқ, — ҳайратланди Разудалов. — Шахсан мен ўшаникида эдим...

Шунда Маруся илк бор: буёғига қандай яшаш керак? — деб ўйланиб қолди.

Ҳар хил ўйлар унга тинчлик бермасди...

Бир йилдан сўнг у ўғил туғди.

Ҳамма нарса аввалгидай давом этарди. Разудалов сафарларда бўларди. Қайтиб келгач эса, тезда ғойиб бўларди. Маруся уни янги хиёнат пайтида қўлга туширгач, у ўзини оқлай бошлади:

— Тушунганг-чи, мен артистман ахир. Менга янги-янги илҳом керак...

Маруся яна ота-онасиникига кўчиб ўтди. Галина Тимофеевна нафақа олар. Фёдор Макарович ҳали ишларди.

Кутилмаганда Разудалов гул ва шампан шароби кўтариб келиб қолди. Ўзининг ижодий ютуқлари ҳақида завқланиб гапирди. Цензурадан шикоят қилди. Унинг энг яхши кўшиғи — “Лабларингдан шарбат ичмоқ истайман” ни тақиқлабди.

Галина Тимофеевнани бетакаллуфона “ойижон” деб чақира бошлади. Ҳазили ҳам жуда галати.

— Федя амаки, — дерди у, — мен билан ҳазиллашманг. Ахир, мундоқ олиб қарасак, сиз ҳеч кимсиз. Мен бўлсам, биласизми, Макаровичнинг куёвима!

Разудалов коньякдан ичиб, устига шапман шаробидан сипқориб, бир даста эзиланган пул қолдирарди-да, чиқиб кетарди. Оталик ташвишини тортмасдан ўғлининг пешонасидан ўпаркан:

— Катта қалб эгаси бўлиб ўсасан, деган умиддаман, — дерди.

Вақти-вақти билан Маруся жонидан тўйиб кетарди. Разудаловга ўзимни ўлдираман, деб пўписа қиларди. Худди ўша дамларда эстрада хонандаси ижодида янги кўшиқ пайдо бўлди:

Сен ўзингни чўктириш учун
Дарё томон олганинда йўл,
Видолашиб кетгил мен билан,
Хайр, дея силтаб қолай қўл!
Дарёгача кузатиб, кўзим —
Чуқур жойни кўрсатай ўзим...

Шунда эртақлардагидек Цехновицер пайдо бўлди. У Марусяга ўқиш учун “Гулаг архипелаги” китобини берди. Чет элга кетишни маслаҳат қилди.

— Сохта никоҳдан ўтамиз-да, яҳудийлар сифатида жўнаб кетамиз.

— Қаёққа? — сўради Маруся.

— Мен, масалан, Исроилга. Сен — Америкага. Ёки Францияга...

Маруся хўрсинди.

— Францияда нима қиламан, ахир отам шу ерда-ку...

Лекин барибир Маруся чет элга кетиш ҳақида ўйлайдиган бўлди. Биринчидан, бу жуда расм бўлганди. Бирин-кетин маданият ходимлари жўнай бошлади. Ҳайкалгарош Неизвестный Америкага жўнади. У ерда “Ҳаёт дарахти” лойиҳасини амалга оширмақчи эди. Савка Крамаров тўсатдан диний ҳиссиётларга берилиб, Ватанни тарк этди. Боря Сичкин яширин концертлар уюштиргани учун турмага тушмай деб қочиб қолди. Тескаричи шоир Купершток ҳам кетиб қолди. У бир шеърда ғурур билан шундай ёзганди:

Менким — ўғли яҳудий Куперштокнинг,
Ворисиман Пушкин ҳамда Блокнинг!

Ёзувчилар, рассомлар, артистлар, мусиқачилар кетишарди. Хусусан, фақат яҳудийлар жўнаб кетишарди. Ўзларида яҳудий қони борлигини исботлаган рус-

лар, гуржилар, молдаванлар, латишлар жўнаб кетишарди. Қисқаси, жўнаб кетувчилар муаммоси ижодий доираларда кенг муҳокама қилинарди. Шу боисдан ҳам Маруся бу ҳақда кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Унинг ижодий ҳаёти ўнгидан келмади. Бошқа турмуш қурмади. Кўплаб дўстлари эса унинг ҳасадини келтирарди.

Маруся ота-онасининг уйида ўзини қариялар уйидагидек ҳис қиларди. Ҳозирча ҳамма нарса муҳайё эди-ю, истиқболда ҳеч вақо кўринмасди. Уйқу, телевизор, таъминот бўлимидан келувчи тайёр маҳсулотлар. Куёвлар ҳам Фёдор Макаровичнинг югурдаклари. Улар асосан отасига ёқишга интилувчи одамлар эди.

Маруся ҳис қиларди: яна уч йил — кейин ҳаммаси тамом бўлади.

Цехновицер бўлса ҳамон сохта никоҳ, айнан сохта никоҳ ҳақида гапирарди.

Бунга жавобан Маруся:

— Аввал мени аёл сифатида севардинг-ку, — дерди.

— Ҳозир мен сенга инсон сифатида қараяпман, — деб жавоб берарди Цехновицер.

Маруся хафа бўлишни ҳам, қувонишни ҳам билмасди. Барибир хафа бўлди.

Афтидан, аёлларнинг феъли шунақа — ўз жазманларидан ажраб қолишни ёқтиришмайди. Ҳатто Цехновицерга ўхшаган бўлса ҳам...

Оғзида эмиграциядан осони йўққа ўхшайди. Амалда эса кўплаб муаммоларга дуч келаркансан.

Ота-онаси нима бўлади? Одамлар нима дейди? Муҳими, у Фарбда нима қилади?

Цехновицер билан никоҳдан ўтишнинг ўзи бир муаммо. Куёвда мундоқ тузукроқ костюм ҳам бўлмаса керак. Инспекторга никоҳ сохта деб айта олмайсан-ку, ахир...

Кейин синагог ёнида қандайдир учрашувлар бошланди. “Жўнаб кетувчилар учун эсдалик” беришди. Хорижий журналистлар суҳбатлар уюштиришди.

Маруся сўл тасвир кўргазмасига қатнайидиган бўлиб қолди. Ўз “Олимпия” машинкасида Шаламов ва Домбровскийнинг тақиқланган ҳикояларини кўчирди. Хемингуэйни оригиналда ўқишга уриниб кўрди.

Ота-онаси ниманидир сезишарди, лекин индашмасди. Маруся уларга тушунтиришга уриниб кўрди. Бу қандай бўлганлигини гапирмаган маъқул. Ҳолбуки, бундай жанжаллар номенклатурадаги кўпчилик оилаларда содир бўларди.

Ота-оналар ўз болаларини сотқинликда айблашарди. Болалар эса бу қилиқлар учун ота-оналаридан нафратланишарди.

Ўзаро таъналар ўрнини хўнграб йиғлашлар эгалларди. Ҳақоратлар ўпишишлар билан алмашарди.

Фёдор Макарович қизи жўнаб кетса, нафақага чиқиб кетишини яхши биларди. Галина Тимофеевна қизини бошқа кўролмаслигини сезиб турарди.

Октябрь ойида Маруся Цехновицер билан никоҳдан ўтди. Янги йилга уларга кетиш учун рухсат тегди. Тўққизинчи январда Австрияга етиб олишди.

Фарбга ўтиб олгач, Цехновицер дарҳол ўзгарди-қолди. У яҳудий ватанпарварига айланди. Ўзини доно қилиб кўрсатар, олти қиррали юлдуз тақиб юрар, яҳудий аёлга уйланишни орзу қиларди.

Сохта никоҳ шартларини Цехновицер ҳалол бажарди. Хотинини Фарбга олиб кетди. Эвазига барча харажатларини Маруся тўлади. Ҳатто унга чемодан ҳам олиб берди.

Кўп ўтмай улар ажралишди. Цехновицер Исроилга учиб кетди. Маруся Америка рухсатини олишни кутарди.

— Исроилда қандай яшайсан? — дерди Маруся. — Ахир у ерда фақат яҳудийлар яшашади-ку!

— Ҳечқиси йўқ, — дерди Цехновицер, — ўрганаман...

Маруся учун Цехновицер билан ажралиш жуда оғир эди. Нима бўлганда ҳам у Марусянинг ўтмиш ҳаётидаги ягона киши эди.

Маруся уни кузатгани аэропортга бормади. Кичкина Лёвушканинг уч кундан бери томоғи оғрирди.

Маруся Цехновицернинг автобусга ўтириб жўнаб кетишини деразадан кузатиб турди. Цехновицер буюк гоғлар юки остида жудаям бесўнақай кўриниб кетди.

Бир ҳафтадан кейин Лёвушканинг томоқ безини олиб ташлашди. Уни шифохо-

нага Толстой жамғармасидан келган Кук хоним олиб борди. Бу пайтга келиб виза олинган эди.

Яна ўн олти кундан сўнг Марусяни олиб учган самолёт Кеннеди аэропортига қўнди. Унинг қўлида маккажўхори қаламчалари солинган халтача бор эди. Ёнида уйқусираб Лёва зўрга одимларди. Иккита занжини кўриб, йиғлаб юборди.

— Лёвка, ўчир овозингни! — бақириб берди онаси. Кейин қўшиб қўйди:

— Овози худди отасиникига ўхшайди-я...

ҲАЛОКАТДАН СЎНГ

Аэропортда Марусяни холасининг қизи Лора билан Фима кутиб турарди. Лоранинг онаси — Надя хола оддий корректор бўлиб ишларди. Унинг эри — Савелий амаки эса жисмоний тарбиядан дарс берарди. Лора отасининг фамилияси билан Мелиндер деб аталарди.

Макаровичлар Мелиндерларни унча ёмон кўришмасди. Улар баъзан Лорани дала ҳовлиларига олиб кетишарди. Ҳар замонда ўзлари ҳам Дергачевога бориб туришарди. Бир пайтлар Маруся холасининг қизига қўйлак ва нимчасини ҳадя қилганди.

— Кўк нимчамни олақолгин, яшилини эса ўзим кийиб тураман, — дерди у.

Маруся бу гапимдан Лора хафа бўлади деб хаёлига ҳам келтирмасди. Умуман холаваччалар унчалик иноқ эмасдилар. Маруся чиройли ва енгилтак эди. Лора эса ўқимишли ва юввош эди.

Марусянинг ҳаёти жўшқин ва қувноқ ўтди. Лора бўлса ғамгин яшади.

Маруся баъзан шикоят қилиб қоларди:

— Эркакларнинг ҳаммаси мана шунақа сурбет!

Лора совуққонлик билан қошини чимирарди:

— Менинг танишларим, масалан, ўзларини сипо тутишади.

— Мақтанган нарсангни қара-ю... — дерди унга жавобан Маруся.

Макаровичлар Мелиндерлардан тортинмасдилар. Лекин Мелиндерлар бошқа ижтимоий доирадан эдилар. Қадимда бунини “қашшоқ қариндошлар” деб аташарди. Шунинг учун ҳам холаваччалар камдан-кам кўришардилар.

Маруся кимдандир Лоранинг турмушга чиққанини эшитганди. Лекин унинг эри — Фима билан танишиш Марусяга Америкадагина насиб этди...

Эмиграция Лора билан Фима учун тўй сайёҳати бўлди. Улар Нью-Йоркка жойлашишга қарор қилишди. Бир йилдан кейин инглизча унча-мунча гаплашадиган бўлиб қолишди. Фима ҳисоб-китоб ўқишига ёзилди. Лора маникюрша¹га шогирд тушди.

Уларнинг иши юришиб кетди. Бир неча ойдан сўнг иккаласи ҳам ишга жойлашди. Фима бой тўқимачилик корпорациясида ишлай бошлади. Лора америкалик мижозларга хизмат қиладиган сартарошхонага ўрнашди.

— Бизда русларга умуман хизмат кўрсатилмайди, — дерди у. — Чунки бизда нарх-наво анча баланд.

Лора йилига ўн беш минг доллар оларди. Фиманинг ойлиги икки баробар зиёд эди.

Тез орада улар хусусий уй сотиб олишди. Бу гиштин уй Форест Хиллсда жойлашганди. Ўша пайт бу теварақдаги уйлар жуда қиммат турарди. Бу ерда асосан корейслар, ҳиндлар, араблар яшарди.

— Руслар билан биз умуман бориш-келиш қилмаймиз, — дерди Фима.

Фима билан Лора ўз уйларини жуда ёқтириб қолишди. Уйнинг сув қувурини ва томини Фиманинг ўзи созлаб чиқди. Гаражга электр ўтказди. Лора пардалар тикди ва сопол жиҳозлар сотиб олди.

Уй жуда шинам ва чиройли эди. Журналист Зарецкий бу уйни “мавзолей” деб атади. Қариянинг бошқалар ютуғига ҳасад қилаётгани кўриниб турарди.

Лора билан Фима ёш бахтиёр жуфтлар эдилар. Бахт улар учун табиий ва соғлиқ

¹ М а н и к ю р ш а — пардоз-андозчи

сингарии уйғун эди. Ҳар қандай кўнгилсизлик касал кишилар қисмати деб ўйлашарди улар.

Лора билан Фима айрим муҳожирлар ёмон яшашпти деб эшитишарди. Журналист Зарецкийга ўхшаш соғлиги ёмон, феъли расво кишилар шундай яшашса керак.

Лора билан Фима жуда иноқ яшашарди. Улар шундай яхши яшашардики, баъзан Лора:

— Фимка, мен бирам бахтлиманки! — деб хитоб қиларди.

Улар шундай яхши яшашардики, ҳатто ўзларига унча-мунча кўнгилсизликлар ўйлаб топишарди. Кечқурун Фима қовоғини уйиб:

— Биласанми, — дерди, — эрталаб велосипедчини уриб юборишимга сал қолди.

— Эҳтиёт бўл, — дерди Лора кўзларини пирпиратиб. — Илтимос қиламан, эҳтиёт бўл!

— Ташвишланма, Лорик, — дерди Фима, — мен ўта ҳушёрман.

— Велосипедчи-чи? — сўрарди Лора...

Шундай вақтлар бўлардики, Фима уйга афтини бужмайтириб кириб келарди.

— Кайфиятинг йўқми, — деб сўрарди Лора. — Нима бўлди?

— Жаҳлинг чиқмайдими?

— Гапира қолсанг-чи, ҳозир дод девораман...

— Хафа бўлмайман, деб қасам ич.

— Гапир.

— Фақат жаҳлинг чиқмасин. Мен сенга Италия этигини сотиб олдим.

— Вой тентак-ей! Тежаймиз деб келишгандик-ку! Қани, кўрсат-чи...

— Менга жудаям ёқиб қолди. Бирам сотиб олгим келдики... Рангини айтмайсанми? Жигарранг...

Шанба куни эрталаб Фима билан Лора узоқ овқатланишди. Кейин дўконга боришди. Сўнг телевизор кўришди. Кейин айвонда ухлаб қолишди. Бир вақт кўнги-роқ жиринглади. Венадан телеграмма келган экан. Маруся 264-рейс билан эрталаб учиб келди. Соат етти яримга аэропортга етиб боришди.

Марусяни кувонч билан қаршилашди. Биринчи кечасиёқ соат учгача ўтиришди. Болакай ухлаб қолди. Телевизор улаб қўйилганди. Фима коктейл тайёрлади. Маруся ва Лора аввалига гиламда ўтиришди. “Бу ерда одат шунақа”, деди Лора. Кейин диванга ўтишди.

Лора ўнинчи бор сўради:

— Нега кетиб қолдинг, яна ёш бола билан?

— Ўзим ҳам билмайман... Шундай бўлиб қолди.

— Тескаричилар, яҳудийлар ёки жинойтчилар юртини тарк этиши тушунарли, сени нима жин урди?

— Менинг кайфиятим ёмон эди.

— Яъни?

— Менга ҳамма нарса бўлиб ўтгандай кўринди...

Маруся уни тушунишларини истарди. Ҳолбуки, ўзи кўп нарсани тушунмасди.

— Сенда чиндан ҳам ҳамма нарса бўлган эди. Уйин-кулги дейсанми, жазманлар, кийим-кечак... Яна нима етишмасди? Ҳай-ҳуйт деб жўнайверадими одам...

— Мен туш кўрдим.

— Масалан?

— Гўё менда қанот пайдо бўлган эмиш. Шаҳарлар устида учиб юриб, чироқларни ўчираб эмишман.

— Чироқларни? — қизиқиб қолди Фима. — Тушунарли. Фрейдга кўра, бу — ҳирсий қониқмаслик. Чироқлар — олат рамзидир.

— Қанотлар-чи?

— Қанотлар ҳам, — жавоб берди Фима, — олат рамзи ҳисобланади.

— Афтидан, сизнинг Фрейднингиз ҳам Разудаловдан қолишмайди. — деди Маруся. — Фикри-хаёли сайру саёҳатда, айшу ишратда.

— Лекин, барибир, — сўрарди Лора, — нега кетиб қолдинг? — Ахир, сиёсат сени қизиқтирмасди. Моддий жиҳатдан ҳамма нарсанг тўла-тўкис эди. Антисемитизмдан¹ озор кўрмаган бўлсанг...

— Шуниси етмай турувди!

¹ Антисемитизм — яҳудийларга нисбатан душманлик сиёсати.

— Унда гап нимада?

— Ҳеч нарсада. Жўнаб кетдим — тамом-вассалом. Сени кўргим келди. Фима-ни кўргим келди...

Радиодан куй тараларди. Стаканларда муз шиқирлади. Уйда янги ёпилган нон ҳиди анқирди. Ташқари дераза ортида зимистон.

— Фимажон, муз жавонидан кейн¹ олиб келсанг-чи?

Лора уйининг яхшилигидан, деворда Шемякин литографияси осиглигидан, муз жавонида торт борлигидан жуда хурсанд эди. Гаражда япон машинаси тургани, жавонлар яхши кийим-кечак билан тўлалигидан унинг жонига аро кирарди.

У эрталабданоқ эрига тайинлаганди:

— Майли, яшасин. Майли, қанча керак бўлса, бизникида шунча қолсин... Ёшликдаги дилсиёхликлари учун ундан ўч олиб ўтирмайман... Биз бундан устун туришимиз керак... Ёмонлигига яхшилик билан жавоб қайтарайлик... Сен нима дейсан?

— Сенинг борлигингга шукрлар бўлсин, дейман!

— Мен ҳам сенинг борлигингга шукрлар айтаман!

Лора Марусяга свитер билан уй шиппаги ҳадя қилди. Маруся уларни кийиб кўрмади ҳам...

Лора Маруся билан ўғлига алоҳида хона ажратиб берди. Маруся Лорага ҳатто миннатдорлик ҳам билдирмади. Муз жавонидан кўнглинг тусаган нарсани олиб еявер, — деди Лора. Маруся картошка чипси билан кифояланди, холос.

Театрлар Марусяни қизиқтирмасди.

Дўконларда фақат болалар ўйинчоғини кўздан кечирарди. Тунги Бродвей унга сершовқин ва ифлос бўлиб кўринди.

Шу тариқа бир ҳафта ўтди.

Шанба куни меҳмон келди. Жи Кей Эплбаум — сергап, бақалоқ киши эди. У Фима ишлайдиган корпорацияда менежер эди. Тўртовлашиб сосиска қовуришди. “Бадвайзер” ичишди.

Бу сафар Жи Кей бир ўзи келганди. Олдин, деб айтди Лора, у қайлиғи Карен Роучни ҳам олиб келганди.

— Карен қани? — деб сўрашди.

— У мени ташлаб кетди, — деди бақалоқ. — Роса алам қилди-да. Кейин ўзимга яхши машина сотиб олдим, уйимни алмаштирдим. Энди бахтлиман...

Эплбаумга Маруся ёқиб қолди. У рус тилини ўрганишни хоҳлади. Маруся унга бир неча рус лапарларидан айтиб берди. Фима таржима қилиб турди.

Эплбаум хайрлашиб, жўнаб кетгач:

— Менингча, у аҳмоқ! — деди Маруся. Лоранинг жаҳли чиқди:

— Жи Кей — асаблари мустаҳкам америкалик, холос. Руслар доим шикоят қилгани қилган. Америкаликлар бутунлай бошқача. Уларнинг кўпчилиги — некбин кайфиятда бўладилар.

— Америка кучли, хушқомат ва сурбет кишиларни ёқтиради, — деб тушунтирди Лора. — Бу ерда омадсизларни ёқтиришмайди... Фақат ўзинггагина ишонишинг мумкин...

— Америкада, — сўз қотди Фима, — ҳар кун кийимингни янгилаб туришинг керак. Бир куни кийимини алмаштириш эсимдан чиқиб қолган экан, Эплбаум:

— Қасрда ётиб қолдинг, ошно?! — деб сўради.

Кундуз кунлари Маруся Лёвушка билан овора бўларди. Унчалик ташвишли нарсанинг ўзи йўқ эди. Бунинг устига Маруся йўргакнинг ўрнига қулай ва арзон дайпердан фойдаланарди.

Барбда Марусяга маъқул келган нарса ана шу дайперс эди. Бундан ташқари чипси, писга ва ранг-баранг қоғоз идишлар унга жуда маъқул бўлди. Овқатини еб бўлиб, ўзини ташлаб юбораверсан.

Маруся иш топиши керак эди. Чунки Лёвушкани боғчага жойлаштиришди. Аввалига у йиғлади. Бир ҳафтадан кейин инглизча гапириб қолди.

Маруся эса ҳамон нима билан машғул бўлишни ўйларди. Иттифоқда у кенг

¹ К е й н — торнинг бир тури.

ихтисосли зиёли эди. Истаган жойида ишлай олиши мумкин эди. Маданият вазирлигидан тортиб район газетасигача бўлган ишларни эплай оларди.

Бу ерда-чи? Кино, телевидение, радио, матбуот? Қарга бормасин камида инглиз тилини билиши керак эди.

• Ҳисоб-китоб иши билан шуғулланиш, тиббий ҳамшира ёнида энага бўлиб ишлашни жинидан ёмон кўрарди.

Унинг эътиборини заргарлик буюмлари рекламаси тортарди. Бу нарса қимматбаҳо буюмларга алоқадор эди. Маруся эса қимматбаҳо буюмларнинг фарқига борарди.

Заргарлик курслари 14-кўчадаги оддий блоklarдан қурилган уйнинг бутун учинчи қаватини эгаллаганди. Курсларга жаноб Хичби раҳбарлик қиларди. У мўътадил ичиб юрадиган зобитни эслатувчи бир киши эди. Хичби таржимон орқали Марусяга шундай деди:

— Мен ўн йил рассомликка ўқидим. Лекин бахтсиз заргар бўлиб қолдим. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю?!

Борисполдан муҳожир бўлиб келган Лёня унга таржимон бўлиб ишларди. Лёня келгусида заргарлик буюмлари дўкони очиш ниятида эди.

Барча талабаларни гуруҳларга бўлишганди. Ҳаммаларига ўқув-иш қуроллари берилганди. Ҳар бир гуруҳда ўқитувчи бор эди. Марусяга Краковдан қочиб келган пан Венчислав Глинский ўқитувчилик қиларди. У кун бўйи чекар, сигарет кулининг ўз устига тўқилганига ҳам парво қилмасди.

Машғулотлар қарийб бўлмасди. Ким нимани хоҳласа шуни қиларди. Бири кавшарласа, бошқаси бурғулар, яна бирови тунукадан турли шакллар ясарди.

Талабалар орасида бир неча қора танли бор эди. Улар соатлаб мусиқа тинглашар, курсиларда тебраниб ўтиришарди. Ҳар бирининг ёнида, ерга транзистор қўйилган бўларди. Баъзан Маруся ғалати ҳидни ҳис қиларди. Таржимон Лёня бу марихуана деб тушунтирди.

Марусянинг қўшниси ювош ва хушмуомала хитой эди. У мис симдан ингичка ўрим ясарди. Маруся ҳам шу ишни қиларди. Кейин Маруся тунукадан “М” ҳарфини кесиб олди. Четларини эгов билан текислади. Занжирга тақиш учун махсус тешик ясади. Кулонга ўхшаш тақинчоқ бўлди-қолди. Хитой уни маъқуллаб бош ирғади.

Пайшанба куни Маруся 73 доллар олди. Бу стипендия дегандай гап. Маруся бу пулга Лёвушкага калит билан бураса юрадиган ўйинчоқ мотоцикл, холавачасига гул, Фимага эса яримта виски олди. Колган қирқ долларни рўзгор учун асраб қўйди.

Лора пулни олгиси келмади. Маруся туриб олди:

— Ахир, мен сизларга анча-мунча қарздорман.

— Ишлаб топасан, — деди Фима. — Кейин устамаси билан қайтарасан...

Лекин заргарлик машғулотлари чоршанбада тўхтаб қолди.

Аввалига ҳаммаси яхши кетаётганди. Маруся оловда латун табақни эритаётганди. Уни қисқич билан ушлаганча канифолга чўзилган эди, тобоқча сирғалиб тушиб кетди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Тез орада Марусянинг лакланган этиги қўнжидан тутун чиқа бошлади. Яна бир сониядан сўнг чинқириги транзисторлар овозини босиб кетди. Аксига олиб этигининг молния тасмаси сира очилмасди. Атрофини ўраб олганлар нима бўлганини билолмай ҳайрон эдилар.

Агар Шустер бўлмаганида иш чатоқ эди. Шустер бу ерда фаррош бўлиб ишларди. Эмиграцияга қадар Риганинг бокс бўйича ёшлар командасини машқ қилдирганди. Элик ёшида ҳам жўшқинлигини сақлаб қолган, мушаклари бўртиб турар, сержаҳдроқ эди. Қора танлиларни жини суймасди.

Қора танли йигитлар ҳамон чекишиб, курсиларда тебраниб ўтиришарди. Марусянинг чинқиригига парво қилишмасди.

Шустер бироз кутди. Кейин жаҳл билан қичқирди:

— Қани йўқолларинг!

Йигитлар миқ этишмасди.

— Кимга айтаяпман!

Қора танли йигитлар минғирлашганича ўринларидан туришди:

— О'кей! О'кей...

Шустер орқа чўнтагидан бренди идишини олди. Уни Марусянинг лакли этиги кўнжидан қўйди. Ниманингдир пишиллаб, кейин тингани эшитилди.

Шустер Маруся этигининг занжирини узди. Маруся йиғларди.

— Оёғингизни дўхтирга кўрсатинг, — деди Шустер. — Шундоққина бурчакда шаҳар шифохонаси бор.

— Қани менга кўрсатинг-чи, — деди қаердандир пайдо бўлган Глинеский.

Лекин Шустер елкаси билан унинг йўлини тўсди.

Ҳақим Марусянинг оёғини кўздан кечиргач, машғулотлардан кетишга рухсат берди. Маруся чўлоқланиб уйига қайтди-ю, шу бўйи машғулотларга қайтмасликка қарор қилди.

Фима билан Лора унинг қароридан ранжишмади.

— Бошпананг бўлса бор, — деди Лора. — Оч қолмайсан. Ташвиш қилмасдан инглиз тилини ўрганавер. Бирор иш чиқиб қолар.

— Сендан қандай заргар чиқарди, — қўшиб қўйди Фима. — Ўзинг олтинсан-ку!

— Лекин олтинлигимни ким ҳам биларди, — деди Маруся кулиб.

Маруся шу тариқа уй бекаси бўлиб қолди.

Эрталаб Фима билан Лора ишга шошишарди. Фима ўз машинасида жўнар, Лора автобус бекатига югурарди.

Аввалига Маруся уларга эрталабки нонушта тайёрламоқчи бўлди. Кейин қараса, бунга асло ҳожат йўқ экан. Фима бир финжон қаҳва ичар, Лора йўл-йўлакай олма ерди.

Маруся соат ўнда уйғонарди. Лёвущка бу пайтда телевизор кўриб ўтирган бўларди. Наридан-бери нонушта қилишгач, боғчага йўл олишарди. Қайтиб келгач, Маруся русча газетани варақлар, эълонларни диққат билан ўқирди.

Манхэттенда аёл сартарошлар курси очилибди. Суғурта компанияси ёш номусли агентлар ёллайди. Тунги рус клубига официантлар керак, эркаклар бўлгани маъқул. Қизиқ, шундай ёзилибди: “официантлар, эркаклар бўлгани маъқул...”

Булар ҳаммаси бор, лекин унчалик жалб этмасди. Кимнингдир сочини олиш керакми? Кимнидир суғурта қилиш?..

Баъзан шундай эълонлар ҳам учраб қоларди:

“Ўзига тўқ эркак ҳар қандай ёшдаги, зиёли аёл билан танишишни орзу қилади. Суврати бўлса яна ҳам яхши”. Пастига майда ҳарфлар билан: “Фақат Харбиндан бўлмасин” деб ёзилибди.

Фақат Харбиндан бўлмасин, дегани нимаси? — ҳайрон бўларди Маруся. Буни қандай тушунмоқ керак? Шўрлик Харбин унга нима ёмонлик қилган экан? Балки, унинг ўзи Харбин шахридан. Эҳтимол, бутун Харбинликлар уни ўта безори ва қаллоб сифатида яхши билишар? Яна суврат сўраганига бало борми?

Кундузи у дўконга борар, кир ювар, инглизча ўрганишга тиришарди. Соат учда Лёвущкани боғчадан оларди. Соат олтига Фима билан Лора қайтиб келарди. Кечқурунлари телевизор кўриб, коктейл ичиб ўтиришарди.

Шанба кунлари шаҳар айланишарди. Музейларга боришарди, япон ресторанларига киришарди. Юл Бриннер иштирок этган мусиқали комедияни томоша қилишарди.

Шу тариқа сентябрь ҳам ўтди. Куз кирди. Ҳолбуки, майсалар ҳали ям-яшил, кун май ойидагидек иссиқ эди...

Маруся борган сари келажак тўғрисида кўпроқ ўйларди.

Қачонгача Лорага қарам бўлиб юради? Қачонгача бировлар нонини ейди? Бировлар уйда қачонгача яшайди? Қисқаси, бу қачонгача давом этади?

Маруся ўзини худди қариндошларининг дала ҳовлисида яшаётгандек ҳис қиларди. Эртами, кечми уйига қайтиши лозим эди.

Лекин қаерга?

Ҳозирча эса Марусянинг қорни тўқ, соғлиғи яхши эди. Кийим-кечаги етарли. Рўзғор учун ишлатиладиган пул қутичада. Ҳаёт эмас, партия ходимлари учун санаторий дейсиз. Мана шуларни деб, шунча йўл босиб келдимми?

Умуман, ташвиш ҳисси кундан-кун ортарди...

Бир куни Маруся ота-онасига хат ёзди:

“Қадрли ойи, адажон!

Мени қарғаётганингизни билиб турибман, лекин бекорга хафа бўлаяпсизлар. Гап шундаки, ёзадиган тайинли гапнинг ўзи йўқ. Нимани ҳам ёзардим.

Лазька тарихий юртига кетди. У ерда фақат яҳудийлар яшаса ҳам, бир амаллаб кун кўрамиз, дейди.

Яна нима десам экан?

Вена — дарё бўйидаги тинчгина шаҳар экан. Ҳамма Донау, Донху, деб оғиз кўпиртиради. Дунай бор-йўғи дарё экан-ку.

Опера театри ҳам бор, шекилли. Лекин, негадир мен уни пайқамадим.

У ерда кишилар Кино уйидагидан ёмонроқ, бироқ, Фан ва техника уйидагидан яхшироқ кийинишган.

Австрияда биз уч ҳафта яшадик. Меҳмонхонадан ташқарига қарийб чиққанимиз йўқ. Дарбонлар жуда қаттиққўл. Пулсиз бир қадам силжишга қўйишмайди. Умуман, тушунарли. Бир аёл бутунлай қип-яланғоч юрибди денг. Адам кўрса, ҳай-ҳайлаб қоларди. Бу борада эркинлик керагидан ортиқча экан.

Лёвага пайпоқ ва жемпер сотиб олдим. Ўзимга ҳеч нарса олганим йўқ. Америкага қарийб етти соат учдик. Самолётда бизга кино кўрсатишди. Биласизми нимани? Ухлаб тушингизга ҳам кирмайди. “Етти азамат”. Шунча йўл юриб келиш шартмиди, дейсиз.

Лора билан Фиманикига жойлашдик. Лёвка боғчага боряпти. Мен ҳали ҳам нима билан машғул бўлсам экан деган ўйдаман.

Бу ерда эркинлик Австриядагидан ҳам кўпроқ экан. Махсус дўконларда каучукдан ясалган жинсий аъзолар сотилаётир. Тушунаяпсизларми? Ойижоним ҳозир ўзларини ташлаб юборсалар керак?

Ҳозир Америкада қора танлиларни оломон қилмай қўйишган. Энди бу ерда ҳаммаси аксинча. Қисқаси, ҳали кўникканимча йўқ. тез орада яна ёзаман. Хат ёзингизлар. Сизларни кучиб қолувчи онгсиз қизингиз Маруся”.

ИСТЕЪДОДЛАР ВА МУХЛИСЛАР

Бир куни Зарецкий кириб келди. Уй соҳибларининг йўқлигини билиб, андиша изҳор қилди:

— Кечирасиз, кўнгироқ ҳам қилмасдан кириб келаверибман...

— Ҳечқиси йўқ, — деди Маруся, — фақат мен уй кийимидаман...

Зарецкий маданиятни ва аёлларни севарди. Маданият унинг учун маош манбаи, аёллар бўлса илҳом буюми эди. Яъни, у маданият билан прагматик нуқтаи назардан, аёллар билан эса беғаразлик туфайли шуғулланарди. Беғаразлик ғояси эса шаҳвоний ночорлик ифодаси эди.

Гап шундаки, Зарецкийни эҳтирослар зиддияти қийнади. У аёлларни тезда кўндирарди, лекин уларни таҳқирларди. Унинг эркалашлари ҳақоратлар билан аралашиб кетарди. Зарецкий ахлоқли бўлишга қизгин даъват қилар, лекин уша заҳоти уни бузишга майллик туғдирарди. Бунинг устига у ёш эмасди. Самолетларни урушгача бўлганидек, аэроплан деб атарди.

У зефир ер, қаҳва ичар ва Марусянинг оёқларидан завқланарди. Маруся ҳалатининг этаклари қайрилган, ички кўйлагининг тепасидаги тугмалари ечилганди.

Зарецкий қизиқиб қолди:

— Тирикчилик учун пулни қаердан оляпсиз?

— Ҳали ишлаётганим йўқ, — деди Маруся.

— Агар сир бўлмаса, айтинг-чи, келгусида нима қилмоқчисиз?

— Билмадим. Умуман, мен мусиқа мутахассисман.

— Агар сизнинг имкониятларингиз менда бўлганда эди. Холливудни кўзлар дим.

— У ерда ўзлариники ҳам етарли. Муҳими, уларга ўта озгинлар керак.

— Мен дўстларим билан гаплашишим мумкин, — ваъда қилди Зарецкий.

Кейин кўшиб қўйди:

— Сизда ишим бор эди. Мен ҳозир “Тоталитаризмда жинсий алоқа” деган китоб устида ишлаяпман. Шу муносабат билан тўрт юздан зиёд аёл билан гаплашдим. Уларнинг ёшлари ўн олтидан эллик еттигача. Савол жавоблар ишланиб тартибга солинди. Қисқаси мен сизга савол бераман. Қисқа, лўнда ва уялмасдан жа-

воб беринг. Бу соф илмий тадқиқот, билдингизми. Уят-пуют деган нарсани йиғиштирасиз. Қани, ўтиринг-чи...

Зарецкий портфелини олди. Унинг ичидан магнитофонни чиқарди. Кейин ён дафтари ҳамда авторучкасини олди. Магнитофон ҳимоя тасмаси билан боғлаб ташланган эди.

— Диққат, — деди Зарецкий, — бошладик.

Сўнг микрофонни озига тутиб бидирлай кетди.

— Тўрт юз ўттиз тўққизинчи мавзу. Саксон бешинчи йилнинг ўн олтинчи апрели. Америка Қўшма Штатлари, Нью-Йорк. Форест Хиллс. Суҳбатни Натан Зарецкий олиб боряпти.

Кейин Марусяга ўгирилди:

— Ёшингиз нечада?

— Ўттиз тўртда.

— Эрга текканмисиз?

— Ажрашганман.

— Никоҳгача жинсий алоқада бўлганмисиз?

— Никоҳгачами?

— Ҳа, яъни дефларацияга учраганмисиз?

— Нимага?

— Бокиралигингизни қачон йўқотгансиз, деяпман.

— Шунақами... Менга декларация бўлиб эшитилди...

Маруся қизариб кетди.

— Эсимда йўқ, — деди Маруся.

— Нима эсингизда йўқ?

— Олдинми ёки кейинми?

— Нимадан олдинми ёки кейинми?

— Сиз эрга тегишдан олдинми ёки кейинми деб сўрадингиз.

— Хўш, олдинми ёки кейинми?

— Менимча, олдин.

— Венгрия воқеалари нима деганингиз?

— Шахсга сигиниш қораланганидан олдинми ёки кейин?

— Кейинроқ бўлса керак.

— Аниқроқ-чи?

— Кейин.

— Яхши. Мастурбация билан шуғулланасизми?

— Ойда бир марта, одатдагидек...

— Нима одатдагидек?

— Ҳалиги... Аёллар иши-да...

— Мен мастурбация ҳақида сўраяпман.

— Вой, худойим-ей! — деди Маруся.

Зарецкийни тўхтатиш учун нимадир ҳалақит берарди. Нимадир Марусяни уялганича валдирашга мажбур қиларди...

— Билмайман... Эҳтимол... Балки...

Зарецкий бўлса баттар руҳланиб тинимсиз бидирларди:

— Сохта андишани қўйсангиз-чи! Риёкорлик ахлоқини эсдан чиқаринг энди! Инсон пушти муқаддас! Совет ҳокимияти инсонни табиий қувончдан маҳрум этади! Тоталитаризмда климакс демократик мамлакатларга қараганда анча олдин бошланади!..

Маруся бошини ликиллатади:

— Бўлмасам-чи ...

Зарецкий бирдан бутунлай ўзгарди қолди. Елкаларини ғалати қимирлата бошлади. Бўғилганча пичирлашга ўтди:

— О, Маша! Сен Россиянинг ўзи мисолсан! Мўғуллар булғаган, большевиклар зўрлаган, шунга қарамай бокиралигингни мўъжизакорона асраб қолгансан! Рухсат эт, кирайин яшил водийларингга!

Зарецкий бостириб кела бошлади. Кремплин шимининг олди дўппайиб турарди. Кўзларидан ўт чақнарди. Магнитофоннинг овози тинди.

— Қанийди измингни менга берсайдинг, — шивирлади Зарецкий. — Сени шон-шухратга кўмиб ташлардим!

Маруся бир сония ўйланиб қолди. Бу маҳмадана чолдан фойда йўқ ҳисоби. Қувонч ундан ҳам камроқ. Бунинг устига болани олиб келишга бориш керак.

Зарецкий унинг белидан олди. Бу рақсга тушамиз дегани эди.

Марусянинг боши қотди. Олим одам-у, қилиғини қаранг. Муҳими, болани боғчадан оладиган вақт бўлди...

Зарецкий тажрибали хотинбоз эди. Бу борада ўз усули ҳам бор эди. Аввало у меҳмон бўлиб борган аёлникида ярим кечагача ўтириб қоларди. Қарабсизки, автобуслар юрмай қўйган, кетишнинг иложи йўқ. Таксида кетай деса — қиммат... Кейин “мана шу креслода ўтириб чиқишимга рухсат этасизми?” дейди. Ёки “ёнингизга дўстларча чўзилсам майлими?” Сўнгра қалтираб, жазавага тушарди. Бундай ҳолларда уни итариб ташлашга ҳеч қайси аёлнинг юраги бетламасди. Қондирилмаган ҳирсдан асаби жунбушга келиши мумкин. Юраги бардош бермасачи...

Зарецкий йиғлашга тушар ва жанжал бошларди. Дўқ урар ва талаб қиларди. У севаман деб қасам ичарди. Бунинг устига биргаликда илмий иш қилишга таклиф этарди. Шунда энг кўрс аёллар ҳам унга ён босишга мажбур бўлишарди.

Ҳа, кечалари шундай бўларди. Лекин кундузлари бу усули қўл келмасди.

— Мен ҳозир келаман, — деди Маруся.

Орадан дақиқа ўтмай Маруся кийиниб чиқди.

Зарецкий қовоғини уйиб, магнитофонни портфелига жойлади. Кейин эса ғамгин бир ҳолатда:

— Сен — Сфинксан, Мария, — деб қўйди.

— Бу нима аҳмоқлик?! — жеркиди Маруся. — Шунақаям бемаънилик бўлади-ми! Мен бошқани севсам-чи?

Зарецкий истеҳзоли бир оҳангда қаҳ-қаҳ урди. Метрога жетон олди-да, жўнаб қолди.

Шу кундан бошлаб Марусянинг тинчи бузилди. Куёвлар ва жазманларнинг кети узилмасди у яшайдиган уйдан. Афтидан боши очиқ аёлларнинг қандайдир оҳанрабокси бўлса керак. Айниқса гўзал аёлларнинг.

Эркаклар унга ҳамма жойда гап отишарди. Дўконларда, автобус бекатларида, уйи олдида, газета сотиш масканларида, ҳамма жойда уни гапга тутишарди. Баъзан америкаликлар, кўпинча ватандошлар сўз қотишарди.

Улар Марусяга телефон қилишар, қандайдир бўлмағур таклифлар билан уйига келишарди. Ҳатто шеър битилган мактублар юборишарди. Масалан, Караваев деган тескарочи унга “Маруся! Азизимдир сенга Русь?!” деган шеър юборди.

Караваев билан Маруся дорихонада танишган эди. У аёлни Сахаровни ҳимоя қилиш учун ўтказиладиган намойишга таклиф қилди.

— Боламини кимга қолдираман? — деди Маруся.

Караваевнинг жаҳли чиқди:

— Агар ҳар ким фақат ўз боласи ҳақида қайғурадиган бўлса, Россия ҳалок бўлади.

Маруся эътироз билдирди:

— Аксинча. Агар ҳар ким ўз боласига ғамхўрлик қилса, ҳаммаси яхши бўлади.

— Сиз Ғарбнинг ифвосига учган кўчманчи экансиз, — деди Караваев. — Фақат ўзингизни ўйлайсиз.

Маруся ўйланиб қолди. Биттаси большевиклар булғаган Россиянинг ўзисан, дейди. Бошқаси Ғарбнинг ифвосига учган деб атайди. Кимман мен ўзи?

Караваев уни янги Россия учун биргаликда кураш олиб боришга чақирди. Маруся рад этди.

Ношир Друкер Марусяни курашга давъат этди. Лекин кўчманчилар бирлиги учун курашга!

— Биз камчиликмиз, — деди у. Биз рус маданияти негизида бирлашишимиз керак.

Друкер Марусяни ўзининг омборхонага айлангирилган уйига таклиф этди. Георгий Иванов, Набоков, Ходасевич дастхат ёзиб берган ўнлаб ноёб китобларни кўрсатди. Унга “Фейхтвагнер”ни тақдим этди. Яна бирлик ҳақида гапирди.

— Бизларни кўп нарса бирлаштиради. Тил, маданият, фикрлаш тарзи, тарихий ўтмиш...

Лекин Марусянинг дарди бошқа эди. Друкер билан бирлашиш унинг ҳаётий

муаммоларини ҳал қилолмасди. Марусяни ўтмиш эмас, келажак қизиқтирарди. Шунинг учун ҳам:

— Дўст бўламиз, — деб қўя қолди.

Друкер тиржайиб, рози бўлди.

Таксичилар бўлса, дадил ҳаракат қилишди.

— Флоридага учамиз, о'кей? — деди Перцович. — Йўл, меҳмонхона, сайру саёҳат харажатларини ўз бўйнимга оламан, о'кей? Қулинг ўргилсин туфли олиб бераман, о'кей?

— Лекин менинг болам бор.

— Бу мени қизиқтирмайди, о'кей.

— Майли, ўйлаб кўраман...

Еселевский ўзини анча камтар тутди. Унга Лонг-Айленддаги арзон меҳмонхонани, туфли ўрнига шоколадни таклиф қилди.

Маруся рад этгач, сираям хафа бўлмади. Қайтага енгил тин олди.

Баранов ўзини ҳаммадан кўра яхшироқ тутди. Зўр олижаноблик кўрсатди.

— Мен ҳафтасига етти юз доллар ишлайман, — деди у. — Шундан икки юзини муттасил ичаман. Агар истасангиз, шунинг юзини сизга бераман. Ўзим, шундай. Бу менга ҳатто фойдали. Камроқ ичаман.

— Жуда ноқулай, — деди Маруся.

— Нимаси ноқулай? — ҳайрон бўлди Баранов. — Пул бўлса бор... Кўнглингизга ёмон гап келмасин тагин. Аёллар мени қизиқтирмай кўйганига анча бўлди. Бундан йигирма беш йил олдин мен аёл билан алкоголь ўртасида иккиланардим. Энди бу тамом бўлди. Кескин курашда алкоголь голиб чиқди.

— Мен ўйлаб кўраман, — деди Маруся.

Евсей Рубинчик ҳам ёрдам қўлини чўзишга тайёрлигини билдирди. Тагин бегараз денг. Марусяга вақтинчалик иш ваъда қилди.

— Чизасизми? — деб сўради.

— Нима бўлишига қараб, — жавоб берди Маруся.

Рубинчик тушунтирди:

— Рангли суратларни туш билан безаш керак.

— Қанақасига?

— Лабини, яноқларини бўяш керак... мижозларга маъқул келиши учун...

Маруся ўйлаб кўрди — таниш юмуш.

— Менга қанча тўлашади?

— Соатига уч доллардан.

Рубинчик “сим” қоқаман деб ваъда берди.

Дин арбоби Лемкус ҳам Марусяга қизиқиб қолди. Аввало у Марусяга инглиз тилида босилган “Инжил”ни ҳада қилди. Кейин худо ҳам иши юришмаган ёлғизларни яхши кўришини айтди. Ниҳоят, у дунёда яхши шароитлар ваъда қилди.

— Қачон шунақа бўлади? — уҳ тортди Маруся.

— Бу Тангрининг иродасига боғлиқ, — деди Лемкус.

У пул — ёвузлик, дея такрорлашни яхши кўрарди.

— Айниқса, йўқ пуллар, — тасдиқлади Маруся.

“Днепр” дўконининг соҳиби Зяма Пивоваров унинг кулоғига пичирлаб кўярди:

— Янги кулчалар олинди. Ўзингизга ўхшаган бўрсилдоққина...

Мол-мулк билан савдо қилувчи Лернер:

— Атлантик-Сити томонларга бир бориб келмаймизми? Йигирма минг ютуққа эга бўлишинг мумкин.

Лернер бу ғоясини амалга оширишга ҳали муваффақ бўлганича йўқ. У ҳатто Марусянинг телефонини ёзишга ҳам эринди.

Тўрт ой шу тариқа ўтди-кетди. Кунлар ўта бошлади.

ЎШАЛАР ВА ГОНЗАЛЕС

Бу пайтга келиб мен бир ярим йил мобайнида анча-мунча америкалик бўлиб қолдим. Асосан адабиёт соҳасида қалам тебратиб кун кўрардим. Китобларим яхши таржима қилиниб чиқариларди. Ҳамкасбларимдан бири:

— Довлатов таржимада қайтага яхши бўлиб чиқяпти, — деб ҳазиллашишни хуш кўрарди.

Тақризчиларимнинг мақташларини айтмайсизми.. Мени совет Керауаки деб аташар, йўл-йўлакай Достоевский, Чехов, Гоголни ҳам эслаб туришарди.

Тақризлардан бирида шундай дейиларди:

“Довлатовнинг қаҳрамонлари Солженицинникига нисбатан анча ёрқин гавдаланади...” Бундай тақризлар мени унча қизиқтирмасди. Бунинг устига менинг ҳақимда нима ёзганларига парво қилмасдим. Тўғри, агар ёзишмаса хафа бўлардим...

Лекин, барибир, менинг романларимнинг сотилиши сушт эди. Бу ерда америкаликлар ўз адабиётини маъқул кўришади. Таржима қилинган асарлар унча яхши кетмасди.

— Америка ҳақида ёз, — деб маслаҳат берди менга адабий вакил. Америка ҳаётидан бирор воқеани олиб ёзгин. Ахир, бу ерда анчадан бери яшяпсан-ку.

У янглишаётганди. Мен яшаётганим Америка эмас. Мен руслар мустамлакасида яшардим. Бу ерда қанақанги Америка воқеаси бўлиши мумкин! Масалан, шундай бир воқеани олайлик. Кирхона билан банк оралиғида гуржи Дариташвили кабоб пишириб сотади. Қандайдир бир аёл унга норозилик билдираяпти:

— Нима учун сиз жаноб Лернерга кабобнинг каттасини бердингиз-у, менга зигирдайини чўзясиз?

— Э-э, — дея қўл силтайди гуржи.

— Хўш, нима учун?

— Э-э, — такрорлайди гуржи.

— Мен талаб қиламан, устингиздан шикоят қиламан! Буни шундай қолдирмайман? Нима учун?

Гуржи афтини буриштириб, қўлларини осмонга кўтаради:

— Нима учунми? Шунинг учунки, у менга ёқади!..

Менингча, бу тайёр мавзу. Лекин унда америкача нима бор?

Бир маҳал денг, телефон жириглаб қолди. Гўшакдан Маруся Макаровичнинг овози эшитилди:

— Менга сигарет олиб келгин. Олиб кела оласанми?

— Бирор нарса бўлдими?

— Унчалик эмас. Кўзимнинг таги кўкарган. Кўчага чиқишга уялаяпман. Пулини тезда қайтараман.

— Қаердан орттирдинг?

— Сенинг нима ишинг бор? Пўстинни сотдим.

— Мен пулни айтайтганим йўқ. Кўзинг нега кўкарганини сўраяпман?

— Рафка билан айтишиб қолдим.

— Ҳозир етиб бораман...

Мен Маруся билан бундан бир йил олдин, ўша рус телевидениеси билан боғлиқ машҳур иғвогарлик пайти танишган эдим.

Иккита корчалон Лелик билан Маратик шаҳар марказида бир идора очишганди. Рус газеталарига эълон беришди. Барибир уйга махсус репродукторлар ўрнатишни ваъда қилишганди. Қисқаси, Америка телевидениеси кўрсатувларини русчага ўгирмоқчи бўлишди.

Бу нарса нафақахўрларга, айниқса маъқул тушди. Кексалар жон-жон деб пул юборишди. Лелик ва Маратик ишга олти нафар ходимни таклиф қилишди. Иккита котоба, битта мусаҳҳиҳ, қоровул, реклама вакили ва мени ижодий ходим сифатида ишга олишди.

Мен ишда “Чемодан” деган китобимни ёзардим. Котибалар кун бўйи гап сотишади. Вакил реклама берувчилардан йўқ телевидение учун пул ундирди. Мусаҳҳиҳ шеър ёзарди. Қоровул — самбо бўйича Молдованинг собиқ чемпиони, ичимлик ва югуриш билан овора.

Қоровул Лелик ва Маратикка керак эди. Алданган мижозлар келиб қолса асқатиши мумкин.

Котибалардан биттаси Маруся Макарович эди. У менга дарров ёқиб қолди. Хушқомат, келишган эди-да.

Мен дарров тушундим. Маруся жамоамиз учун сира мос эмасди. Мана, масалан, характерли воқеа.

Иккинчи котибанинг эри бор эди. У хотинининг туғилган кунда унга билак узук совға қилди. У бўлса, билакузукни ишга тақиб келди — мақтаниш учун. Маруся билакузукни кўлида айлангириб кўрди-да, мақтади.

— Қандай ажойиб! Иттифоқдалигимда менда ҳам битта шунақаси бор эди. Фақат у платинадан эди...

Шундан кейин котоба Марусяни ёмон кўриб қолди...

Маруся ўзининг бой берилган имкониятларини тез-тез эслаб турарди. Машҳур эри ҳақида кўп гапирарди. Ондатра пўстинини диванга ёйиб қўйишни яхши кўрарди.

Жамоа эса ўз аъзоларининг соддароқ бўлишларини тақозо этарди.

Маруся билан мен уч марта қаҳва ичиб, бафуржа гаплашганман. У менга ўзининг ўтмишини гапириб берди. Биз маълум даражада дўстлашиб қолдик.

— Уйланганлигингиз чатоқ экан-да! — деди Маруся. — Иккаламиз тил топишиб кетган бўлардик. Муҳими — рафиқангиз жуда маъкул аёл экан...

Ишга жойлашгач, Маруся бир уйда ижарада турадиган бўлди. Пулни Лорадан қарзга олди.

Ўша пайтлар бизнинг даҳада тўрт юз долларга хонадонни ижарага олса бўларди.

Тўсатдан Лелик билан Маратик эълон қилиб қолишди:

— Биринчи ойга ҳеч ким иш ҳақи олмайди. Анъанамиз шунақа. Ахир, биз янги фирма тузямиз-ку.

Орадан тўрт ҳафта ўтди. Корчалонлар ғинг дейишмасди. Улардан пул ҳақида сўраб қолишса, дарров инглиз тилида гапиришга ўтишарди.

Бизни алдашганини тушундим. Фирма соҳиблари ҳузурига кирдим. Улар ҳақида нима ўйлаётганимни тўқиб солдим. Шундай қаттиқ-қаттиқ гапирдимки, даҳлиздагиларга ҳам бемалол эшитиларди.

Маруся ҳайратланди:

— Сиз шунақа гапларни биласиз деб сира ўйламаган эканман.

Қисқаси, телевидение туғилмай туриб бўғилди. Алданган муштарийлар Лелик билан Маратикни ҳануз қидириб юришибди.

Икки корчалоннинг ғойиб бўлиши рус матбуотида фельетон чиқишига олиб келди. Фельетончилар Лелик билан Маратикни давлат хавфсизлиги томонидан юборилганига ишонч билдиришганди. Мақсад — капиталистик тизимни ич-ичидан емириш.

Шундан кейин ҳисобчи Фалькович “Астория”га ишга кирди. Эри бор котоба қизининг олдига — Торонтога учди. Реклама вакили магнитофон ёзувлари билан савдо қилишга киришди. Мен яна бечораҳол эркин ижодкор аҳволига тушиб қолдим. Қоровул Яков Смирновнинг соқчиси бўлиб ишлаяпти. Айтишларича, Смирнов ундан ҳайқармиш.

Маруся бўм-бўш хонада, пулсиз қолди. Мен уни икки марта машинада турли ташкилотларга олиб бордим. Бир-иккита уй жиҳозларидан топиб бердим. Эски телевизоримизни ҳам унинг хонадонига олиб бориб қўйдим. Унинг учун яна нима қилишим мумкин эди? Нима, энди хотиним билан ажрашиб ўтираманми?

Балзан кўчада учрашиб қоламиз. Нима билан кун кўраяпсан, деб сўрашнинг ўзи аҳмоқлик. Эҳтимол, бирор нафақа олишга муваффақ бўлгандир.

Маруся Лёвушка касал деб айтганди. Мусиқадан дарс беришга уриняпман, кичик болалар боғчаси очсаммикин? — деди у.

Мен зўр бериб эшитмасликка ҳаракат қилардим. Бунақа гапларни ҳадеб эшитаверсанг диққатинг ошади. Муҳтожнинг муҳтожга қандай ёрдами тегиши мумкин, дейишади-ку, ахир.

Худди шунда ҳалиги Лотин Америкалик пайдо бўлди. Маруся у билан қачон танишганини эслай олмайди. Йўлдами, лифтдами-ей, кўрганди, шекилли. Ҳа, Маруся унинг шалағи чиққан машинасида ўтирганини эслади. Улар “Дель Монико” ресторанидан қайтиб қелишаётганди. Лёвушка машинада ухлаб қолган эди. Маруся шундоқ қараса, Лотин Америкаликнинг сохта узукли кўли Марусянинг кафтини силаяпти.

— Ноу!¹ — деди Маруся, ҳалиги кишининг қўлидан ўз қўлини тортиб оларкан.
 — Вай нот², — сўради Лотин Америкалик, Марусянинг тиззасига қўлини қўйиб.
 — Ноу, — деди Маруся тиззасидан унинг қўлини сураркан.
 — Вай нот? — сўради Лотин Америкалик Марусянинг қўйлаги ёқасини тузатган бўлиб.

— Ноу.

Маруся унинг қўлини тушириб тиззасига қўйди.

— Вай нот?..

Лотин Америкалик қўлини Марусянинг сонига қўйди.

Маруся унинг қўлини олиб ташлади.

— Вай нот?..

Унинг бир қўли Марусянинг қўйлаги тугмаларини пайпасларди. Иккинчи қўли зўр бериб аёлнинг тиззаларини икки ёққа айиришга уринарди.

Маруся ҳангу-манг бўлиб қолганди: “Машинани қандай бошқаряптикин? Аникроғи нима билан бошқаряпти?” Ҳолбуки, машина бир текис юриб кетяпти. Фақат бир мартагина бегона “мерседес”ни эзиб ўтишди.

Лотин Америкалик шундаям қўлларини олмади. Фақат тиззаларини қимирлатарди.

— Эсинг жойида эмас, шекилли, — деди Маруся бақириб.

Рафаэль машинасини тўхтатмасдан, чўнтагидан кўк фломастер олиб, ўзининг нейлон жемпери кўкрагига юракнинг расмини чизди-да, Марусяни ўпишга тушиб кетди. Энди у Марусяга бутунлай ўгирилиб олганди. Рулни эса (Марусянинг таъкидлашича) орқаси билан бошқариб борарди.

Маруся уни уйга таклиф қилишни истамасди. Бўм-бўш хонасидан уяларди. Лёвушка пачақланган дермантин креслода. Марусянинг ўзи букилган йиғма каравотда ухларди. Биз буларни кўчадан топиб келтиргандик. Музлатгичда кўкарган товук оёқларидан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Шундай аҳволда меҳмонга бало борми?

Рафаэль бўлса машинанинг юкхонасини очди. У ердан букланиб полиэтилен қопга жойланган кўрпачани олди. Яна бир шиша ром, бир неча пепси-кола, тўртта апельсин чиқарди. Кўрпача яп-янги эди.

Маруся энди ҳайратланмай қўйганди.

— Исминг нима? — деб сўради. — Вот из ё нейм?

— Рафаэль Хосе Белинда Чикориллио Гонзалес, — деди Лотин Америкалик.

— Қисқа ва аниқ, — деди Маруся. — Сени Рафаэль деб чақираман.

— Рафа, — тасдиқлади Лотин Америкалик, кейин қўшиб қўйди:

— Мусья!

У дарҳол ейимлик ва ичимликни чўнтақларига жойлади. Лёвушкани елкасига олди. Кўрпача (мен бунга шахсан ишонаман) ўзи юмалаб кетаверади.

Айни пайтда Лотин Америкалик бўш қўли билан Марусяни силашда давом этарди. Тагин денг оғзида сигарет. У ғоз юриб бориб эшикни очди.

Бирдан нимадир чирсиллагандай бўлди. Маруся сергак тортди. Лотин Америкалик шими дўппайиб турганидан унинг асов айғири жунбушга келганини ҳис этди.

Яна бир нарсани қайд қилиш жоиз. Улар лифтдан чиқаётганда бола уйғониб қолди. У кўзларини пирпиратиб Рафаэлга қаради-да, сўради:

— Сен кимсан? Менинг отаммисан?

Шунда Лотин Америкалик нима жавоб қилди деб ўйларсиз? У шундай деди:

— Вай нот?

ГАП-СЎЗЛАР

Мен машинага ўтирдим. Анча юрганимдан кейин Маруся сигарет олишни илтимос қилгани эсимга тушди. Орқага қайтдим. Ниҳоят, унинг уйи олдида машинани тўхтатдим. Ҳар эҳтимолга қарши қўлимга бирор нарса олсаммикин? Ахир, ўзимни ҳимоя қилишим керак-ку. Рафаэль менга ташланиб қолса-чи...

¹ Ноу (инг.) Йўқ, бўлмайд.

² Вай нот (инг.) Бўлса нима қилибди?

Мен қўрқоқ эмасман. Лекин биз бегона юртдамиз. Тилни қарийб билмаймиз. Қонунлар билан ҳам унча яхши таниш эмасмиз. Қуролга ўрганганимиз йўқ. Бу ерда эса ҳар икки кишидан бирида тўппонча. Агар бомба бўлмаса...

Бунинг устига Лотин Америкаликлар негрлардан баттар дейишади. Ахир негрлар икки юз йил қул бўлишган, бунинг таъсири озми-кўпми сезилиб туради. Лотин Америкаликлар-чи? Ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бақувват, сурбет ва тажовузкор...

Муштлашиш, албатта, Ленинградда ҳам бўларди. Лекин унақа жиддий асоратларга сабаб бўлмасди.

Эсимда, бир сафар ҳангомалашиб ўтирган эдик. Насрнавис Стукалин ичиб олиб, адабиётшунос Зайцевга дўқ урди:

— Ҳозир башарангни ёраман.

— Ундай қилолмайсан, — деди Зайцев. — Чунки мен толстойчиман... Мен ҳар қандай зўравонликни рад этаман. Агар чап юзимга урсанг, ўнг юзимни тутиб бераман.

Стукалин ўйлаб турди-да:

— Роса аҳмоқ экансан-у, — деди.

Биз хотиржам бўлиб ташқари чиқдик. Жанжал бўлмаса керак, деб ўйлагандик. Бирдан талотўп бўлиб қолди. Югуриб хонага кирдик. Қарасак, Стукалин ерда чўзилиб ётибди. Толстойчи Зайцев бўлса унинг башарасига муштлапти.

Лекин уйда бундай жанжаллар оғриқсиз ўтарди. Бу ерда-чи?

Майли, бўпти. Бора қолай, дейман. Қўнғироқни босаман.

Эшикни Маруся Макарович очади. Ростдан ҳам кўзининг таги кўкариб кетибди. Бунинг устига пастки лаби ёрилган, пешонаси тирналган.

— Қарама! — дейди.

— Қараётганим йўқ. Қани у?

— Рафками? Қаёққадир қочиб қолди.

— Балки, сени шифохонага олиб бориш керакдир, — дейман.

— Кераги йўқ. Атир-упа билан бежаб ташлайман.

— Унда полицияга қўнғироқ қил.

— Нимага? Шунгаям ота гўри қозихонами? Нима қилибди — испан биттасининг кўзига мушт туширибди. Агар у мени чавақласа ёки отган бўлса бошқа гап.

— Унда, — дейман, — телефон қилмаса ҳам бўлади.

— Бемаънилиқ, — деди Маруся.

— Балки ўн икки кунга қаматтириш керакдир. Танобини тортиб қўйиш учун.

— Нима учун? Жанжал қилгани учунми? Мана шу телбавор Нью-Йоркда-я? Ахир, бу ерда турмага тушиш Марс ёки Юпитерга тушишдан мушкулроқ-ку! Бунинг учун бу ерда камида юзта одамни ўлдириш керак. Тагин бошлиқлардан. Уйлашимча, бу ерда қамоққа қирқ йил навбат туриш керак. Сен бўлсанг — қамашади, дейсан... Муҳими, ташвишланма. Буни ўзим ҳозир бўяб ташлайман...

Хонага кўз югуртирдим. Марусянинг уйи бутунлай ўзгарибди. Турли-туман жиҳозлар. Диван, кресло. Уч гилдиракли велосипед. Деразаларда парда...

— Эшикни яхшилаб беркитиб ол, — дедим Марусяга.

— Бефойда. Унда калит бор.

— Моддий жиҳатдан сал-пал қарашиб турадимми?

— Унча-мунча... Умуман, саховатли. Турли-туман кийим-кечак сотиб олаверди. Айниқса. Лёва учун. Афтидан, испанлар болажонга ўхшашади.

— Яна оқ бадан аёлларга ҳам десанг-чи...

— Бу рост. Бу борада Рафага гап йўқ. Ҳақиқий пионер!

— Бу нима деганинг?

— Павлик Морозов сингари. Ҳамиша тайёр! Фикри-ёди — отиб олишу, кўрпага кириш! Шаҳватдан, куч-қувватдан ҳам худо берган экан. Баъзан ўйлаб қоламан — уни турбинага улаб қўйса қандай бўларкан! Шунча қувват бекор кетяпти, ахир... Пул маъносида у хасис эмас. Кино, театр, ресторон бўлса аямайди. Бироқ хўжалик учун юзталиқни кўзи қиймайди. Ёки фаҳми етмайдимми. Ахир хонадон учун ижара ҳақи тўлашим керак-ку...

Маруся ошхона жавони эшигини пана қилиб кийимини алмаштирди.

— Қаҳва ичасанми?

— Йўқ, раҳмат... Ўзи нима билан шуғулланарди?

— Қаёқдан билай.

— Наҳотки?

— Нимадир сотади. Балки сотиб олади. Қаердадир икки ойча ўқиди, шекилли. Қисқаси, Спиноза эмас, ҳар ҳолда. Баъзан: “Қаердан келгансан?” деб сўраб қолади. “Ленинграддан” дейман. — “Ҳа, биламан, бу шаҳар Польшада...” — Бир куни қарасам газета ўқияпти. Ҳайрон қолдим — саводли экан, шунисига ҳам шукр...

Маруся қаҳвадан ҳўпларкан, давом этди:

— Улар бу ерда бутун бир уруғ: онаси, ака-укалари, опа-сингиллари. Унча-мунча ўзига яраша одамлар, Рафадан бошқаси. Онасининг Бруклинда тўртта уйи бор. Рафка, умуман ишбилармон эмас. Пул ҳам унча қизиқтирмайди. Унга шимини тез-тез ечиб туриш, ҳирсини қондириш бўлса...

— Майли, — дейман, — кейин нима бўлади?

— Қайси маънода?

— Сенга уйланиш нияти борми?

— Уни кўпроқ нима қизиқтиришини айтдим-ку сенга. Нафсини қондирса бўлди.

Бошқа ҳеч нарсани ўйламайди...

— Демак, ҳеч қанақа умид йўқ?

— Қанақа умид? Бу ерда келажак ҳақида ўйлашни ким қўйибди? У Иттифоқда эди келажак тўғрисида бош қотириш. Бу ерда эса, яшайсанми — шу бас...

— Лёвушка ҳақида ҳам ўйлаш керак-ку.

— Керак. Ўз ҳақимда ҳам ўйлашим лозим. Эрга тегиш эса шартмас. Икки марта эрга тегдим, нимаси яхши? Мана, мен сенга айтай. Бир вақтлар мен концерт сафарларида бўлардим. Ўша жойлардаги меҳмонхоналарда сафардагилар билан яшашга тўғри келарди. Уларга икки сўм қирқ тийин тўлашарди. Бир кеча-кундузга. Улар ана шу арзимас чақа билан кун кўришлари керак эди. Яъни: уч марта овқатланишлари, устига сигарет сотиб олишлари, йўл ҳақи, майда-чуйда харажатлар, албатта, бир оз ичишлари керак эди. Ҳа, яна аёлларига совға-салом дегандай. Бунинг устига имкони бўлиб қолса, бегона хонимлар билан ҳирсини қондиришга... Шуларнинг ҳаммаси икки, пардон, сўм қирқ тийинга...

— Буни нимага гапираясан?

— Ўшандан бери ана шу сафарчиларни кўргани кўзим йўқ. — Маруся афтини алам билан буриштирди. — Атрофинга бир қарагин. Мен ўзимизнинг муҳожирларни айтаяпман. Ахир, уларнинг барчаси — сафарчилар-ку! Ҳар бирининг қўлида икки сўм қирқ тийин. Ундан кўра Рафаэль ўзининг, ҳалиги шаҳвати билан тузукроқ эмасми?!

— Менинг қўлимда ҳам икки-ю қирқми? — сўрадим мен.

— Айтайлик сенда тўрту саксон. Ҳа, айтмоқчи мен сенга сигаретнинг пулини беришим керак-а? Лекин кўпчиликда иккию қирқ... Бу ерда биттаси бор — Чернгович, гараж соҳиби. Хотини тиббиёт соҳасида ишлайди. Иккови биргаликда минг олти миш доллар топишади. Кечқурунлари қандай кўнгилушлик қилишларини биласанми? Қора “Олдсмобил”га кириб олишади-да, Тамара Миансарова кассеталарини эшитишади. Ҳар оқшом шу. Қасам ичишим мумкин. Хотини дўқоңчада “Панорама”ни бошидан охиригача ўқийди. Феликс эса кассета эшитади. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю! Бунақанги ишлаб ҳузурини кўролмайдиган ватан ҳўкизларидан калтафаҳм Рафа яхши эмасми?

— Гараж соҳиби аёлини дўшпосламаётгандир.

— Албатта. Ошиқча гап-сўзларни хоҳламайди-да.

Кийиниб ва бўяниб олгач, Маруся анча далиллашди. Шу пайт постда кўнгироқ жиринглаб қолди. Маруся пуштиранг тугмачани босаркан:

— Фантомаснинг қайтиши, — деб қўйди. Кейин секингина қўшиб қўйди.

— Сен билан муштлашиб юрса-я? Агар жанжаллашадиган бўлса, бир адабини бериб қўй.

— Уҳ-ҳў, — дедим, — жуда қизиқ бўлади-ку! Менинг нима дахлим бор? Ўзи қанақа, бақувватми?

— Горилладай келади. Манави чироқни кўряпсанми?

— Кўряпман. Хўш, нима қилибди?

— У ҳамийша ана шу чироққа тегиб кетади.

— Ахир унга мен ҳам тегаман-ку.

— Сенинг бошинг тегади, унинг елкаси.

Яна кўнғироқ жиринглади. Бу сафар унинг овози жуда яқиндан эшитилди. Шу заҳоти кулфда калит буралди. Эшик очилиб гавдали киши кўринди.

Эллик ёшлардаги бу одам жигарранг футболка, тор спорт чолвориди эди. Бошига оқ дока ўралган, ўнг қўли ганчланган, оёғини судраб босарди.

Мен энгил тин олдим. У кўринишидан ваҳший эмас, балки жабрдийдани эслатарди. Юзини аянчли буриштириб турарди. Хонани йод иси босиб кетди.

— Манави таъвияни кўриб қўй энди, — деди Маруся.
Мени кўриб Рафа анча сергак торгди:

— У мени дўппослади, жаноб! Нимага? У аввалига мени кийим илгич билан савалади. Лекин илгич синиб кетди. Кейин мени соябон билан ура кетди. Соябон ҳам синиб кетди. Шундан кейин теннис ракеткасини қўлга олди. Аммо ракетка ҳам чидамади. Шунда мени тишлади. Ўзим қўйдириб берган тишлар билан ғажиб ташлади-я, мен шўрликни. Шу инсофданми?

Рафа йиғламсираб давом этарди:

— Мен шифохонага мурожаат қилдим, жарроҳга бордим. Жарроҳ: “Тажовузчилар қўлига тушиб қолибсан-да”, деди. “Доктор! Тажовузчилар тишламайди, — дедим мен. — Мени рус аёли шу қўйга солди...”

— Топган гапини қаранглар, — деди Маруся.

Рафа сўзида давом этди:

— Мен уни севаман. Мен унга гуллар ҳадя қиламан. Ширин сўзлар билан эркалайман. Уни ресторанларга олиб бораман. Бунга жавобан нима эшитаман, денг? У мени қари қўтир негритос деди. Мендан пул талаб қиляпти. Бу хоним... Менга гапириш жуда оғир, шундай бўлса ҳам айтаман. Бугун у менинг тулпоримга тупурди.

Мен тушунмай қошимни чимирдим.

— Асов айғиримга туфлади.

Мен яна тушунмадим.

— Қисқаси, у менинг жунбушга келган шаҳватимга туфлади. Билмадим, балки Россияда бу бир одатдир? Лекин менга жуда алам қилди.

Мен Марусядан сўрадим:

— Нима бўлди ўзи?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Менга пул керак бўлиб қолди, уй ҳақини тўлашим керак эди. У бўлса “йўқ” деди. Сенга доим пул керак, дейди. Мен бўлсам сен нотаваонсан, дедим. Мен ўн йил буюк артистга, рус синатрасига хотин бўлганман. Сен унинг пойабзалини тозалашга ҳам арзимайсан. Сен дедим, қора қўтирсан. У бўлса “сени севаман”, деди. Қарагин сени қандай яхши кўраман. Бир маҳал, қарасам шимини туширяпти. “Тупурдим ўша хазинангга” дедим. Шундай дедим-у, менга мақтаниб кўрсатаётган ҳалиги нарсасига туфладим. У бўлса мени “қанжиқ” деб сўқди. Мен кийим илгични олдим. Натижада жанжал бошланди...

— Билиб қўйинг, — деди Рафаэль. — Мен қаршилиқ кўрсатмадим. Мен фақат юзимни беркитдим. У мени бурчакка қисиб олиб савалайверди, савалайверди. Уни итариб юборишга мажбур бўлдим...

Рафаэль соддадил ва хусуматсиз одам сифатида таассурот қолдирди. Унга қараб раҳмим келиб кетди. Тортинибгина диван четига ўтирди.

— Сизлар ярашишларинг керак, — дедим Марусяга. — Унга қаҳва таклиф қил... Стокан ром яна ҳам яхши бўларди.

— Яна нима дейсан?! — деди Маруся.

Шунга қарамай музлатгичдан япалоқ шишани олди.

Қизиқ бир гуруҳ вужудга келди. Кўзи кўқарган аёл. Шу аёл уриб абжағини чиқарган Лотин Америкалик ҳамда мен — бу ерга нима сабадан келганлиги номаълум бир одам. Ўртада энди ичила бошлаган ром шишаси.

— Сен Сержиога бир қара, — деди Маруся Рафаэлга. — У буюк ёзувчи. Пул муаммоси унда борлиги табиий. Сен-чи? Бир тийинга қиммат одамсан. Бундай тузукроқ пул топсанг бўлмайдим...

Унга жавобан Рафаэль тишларини гижирлатди:

— О, Раша! Крейзи рашен вумен!

— Бу одам менга ёқяпти. Уни тинч қўйгин. Бунинг устига фойдаси тегади. Инглизчани ўргандим-да...

Биз бир оз ичдик. Маруся чой дамлади. Рафаэль ўзида йўқ хурсанд. У Марусяга еб қўйгудек тикилар, ҳеч бўлмаса қўйлагини силаб қўйгиси келарди.

Рафаэлнинг марксчи эканини билиб, янада хайратландим. Бу одамни сиёсат умуман қизиқтирмаса керак, деб ўйлагандим.

У бирдан хитоб қилиб қолди:

— Мен русларни ҳурмат қиламан. Улар жуда ажойиб кишилар. Худди полякларга ўхшайдилар, лекин идиш тилида гаплашадилар. Руслар адолатга эришганликлари учун уларни ҳурмат қиламан. Пулни миллионерлардан тортиб олиб, камбағалларга бўлиб беришди. Энди миллионерлар уззу-кун ишлашади, камбағаллар бўлса, буйруқ бериш ва ичиш билан овора. Мана бу — адолат. Октябрь инқилобига машҳур партизан — Толстой бошчилик қилди. Охир-оқибатда у “Тулаг архипелаги” асарини ёзди.

— Ё, Тангрим, — деди Маруся.

Лотин Америкалик давом этарди:

— Америкада адолат йўқ. Кино юлдузларни миллионерлар олади, фабрикада ишловчи аёллар эса камбағалларга қолади. Қани бунда адолат? Ҳамма нарса умумий бўлиши керак. Автомобиллар, пул, аёллар...

— Ўҳ-ҳў, иштаҳа зўр-кў, — деди Маруся.

— Нима, шу яхшими, кимнингдир миллионлаб пули бўлса-ю, кимдир чақа сана-на? Ҳамма нарсани адолатли тақсимлаш лозим.

Мен унинг гапини бўлдим:

— Менимча, бу фойдасиз. Бировлар миллионер бўлиб, бошқалар камбағал бўлиб туғилади. Ҳамма нарсани баббаравар бўлдик, дейлик. Хўш, нима ўзгаради. Орадан беш йил ўтмай пуллар миллионерларга қайтиб келади. Камбағаллар эса ғам ва ташвиш орттирадилар, холос.

— Эҳтимол, сен ҳақдирсан. Бунинг устига Америкада инқилоб ҳали бери юз бермайди. Бу ерда бойлар ва полициячилар жуда кўп. Бироқ, ўйлашимча, келгусида инқилоб барибир юз беради. Ҳақимлар ва адвокатларни кун бўйи ишлашга мажбур қиламиз. Оддий кишилар эса, жаз мусиқасини тинглаб, марихуана чекишади ва аёлларга хушомад қилишади.

— Қандай одамлигини кўряпсанми? — деди Маруся. — Шунақаям бўладими?

— Уни тинч қўйсанг-чи, — дейман. — Умуман, ёмон одамга ўхшамайди. Мулоҳаза юритиши ҳам, Плеханов, ҳатто Чернишевский даражасида...

Биз яна ичдик. Менинг бу ердалигим Рафаэлга оғир ботаётганини ҳис қилдим. Ҳолбуки, у Марусянинг қўлига қўлини ниқтаб:

— Қўявер, Сержио шу ерда қолаверсин, — дерди. Шошилиб қаёққа ҳам борарди? Келинлар, яна уч дақиқа ўтирайлик. Атиги уч дақиқа.

— Лекин мен кетишим керак, — дедим. Биз хайрлашдик. Рафаэль қувончининг чеки йўқ эди. У ганчланган оғир қўли билан қорнимга дўстона бир туширди.

Маруся мени кузатиб эшикка чиқди.

— Сигарет учун манави пулни олиб қўй.

— Тентаклик қилма, — дедим мен.

— Нега энди! Агар сен мен билан яшаганинда бошқа гап эди. Унда тушунса бўларди!

Шунда мен уни бирдан ўпиб олдим. Лифтнинг эшиги шарақлаб очилди.

— Чао! — деб қолди Маруся орқамдан.

Уйга қараб борарканман, негадир ўзимни бахтсиз ҳис этдим. Бирам ичгим келдики...

Лекин қизимни кўрдиму, ўзимга келдим. Ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетдим.

КЎЧАДА ВА УЙДА

Миш-мишлар бизда тез тарқалади. Агар сизни ҳали охири тўқилмаган янгиликлар қизиқтирса, рус дўконининг ёнида бир пасгина тўхтаган. Энг яхшиси — “Днепр” дўконига бир мўралаб ўтинг.

Бу бизнинг клуб. Бизнинг анжуман. Бизнинг уюшма. Бизнинг ахборот агентлигимиз.

Бу ердан истаган маълумотни олишингиз мумкин. Газетада чиққан мақолани муҳокама қилишингиз мумкин. Тан соқчиси, шофёр ёки пуллик қотилни ёлласа ҳам бўлади. Юз долларга машина олиш ҳеч гапмас. Она юртда тайёрланган валкордин сотиб олиш, ҳатто қувноқ ва унча талабчан бўлмаган аёл билан танишингиз мумкин.

Айтишларича, бу ерда марихуана ва қурол-яроғ сотишармиш. Хорижий валюта айирбошланармиш. Хуфия битимлар тузилармиш.

Бу ерда бизнинг даҳа кишилари ҳақида ҳамма нарса маълум. Масалан, Зяма Пивоваров набира кўрди. Унинг исмини Бенжи қўйишди. Хуқуқ ҳимоячиси Караваяев тоталитаризм қурбони бўлган Брежневнинг қизи Галинани ҳимоя қилиб мақола ёзди. “Рус китоби” дўкони соҳиби Фима Друкер “Япон эротикаси” альбомини қайта нашр қилаяпти. Баранов, Еселевский ва Перцович биргаликда ланчонет¹ сотиб олишди.

Ҳамма биладик, фотоширкат хўжайини Евсей Рубинчик хотинига мутонли пўстин олиб беролмади. Григорий Лемкус Афродита деган қанжигини эрга берди. Омадли Лернер “Родос” расмлар галереясига кирувчиларнинг миллионинчиси бўлди ва уч юз доллар билан тақдирланди. Яна шуниси маълумки, Лернер бу галереяга авваллари сира кирмаган эди.

Зарецкийнинг яширин равишда Солженицин ҳузурига борганини ҳам ҳамма билди. Улар икки дақиқа суҳбатлашишгани ҳам маълум. Зарецкий Исаичнинг секс ҳақида қандай фикрдалиги билан қизиқибди. Бунинг ҳаммаси “денгиз орти телбалига, дажжол тухмати” дир деган жавоб олибди.

Хуллас, бу ерда ҳамма нарсани билишади. Ҳар кимдан хабарлари бор. Мана, ниҳоят, Маруся билан Рафаэль ҳақидаги гап ҳам тарқалди. Мазмуни тахминан қуйидагича:

— Анави бурчакдаги уйда яшовчи бор-ку, ўшаникига битта испан кириб юрибди. Тагин, ошқора денг. Тавба, шунчалар ҳам паст кетадими аёл деган?!

Эркаклар бу мавзунини муҳокама қила туриб қувноқ кўз қисшарди. Аёллар жаҳл билан қошларини чимирадилар.

“Бу сариқ хоним сира бўш келмаяпти”, — дерди эркаклар.

“Заррача виждони бўлсаям майли эди” дерди аёллар қатъий.

Аёллар, одатдагича, Марусяни қоралашарди. Эркаклар хайрихоҳлик билдиришарди.

Рафа эркаклар тасавурида гангстер, ҳатто террорчи эди. Аёллар эса уни пиёниста ҳисоблашарди.

Аёлларнинг фалсафаси шундай: “Болалик ёлғиз онамисан, бир тийин пулинг йўқми, бас, гердайма. Сал пастроқ туш, оддийроқ яша”. Улар Марусяга ўхшаш оғир аҳволдаги аёллар ҳорғин, бечораҳол ва қарам бўлишлари керак деб ҳисоблашарди. Агар у касал, асаби ишдан чиққан бўлса, янаям яхши. Шунда аёлларнинг унга раҳмлари келади. Ҳатто, ёрдамлашадилар ҳам.

Акс ҳолда-чи? Шунчалик мағрурми, билганини қилсин... Умуман, “Сенга раҳм қилишимни истайсанми? Унда кел, ялиниб-ёлвор, ночорлигингдан бир ҳузур қилай!”

Маруся ташландиқ ва хўрлангандек тутмасди ўзини. Тезда машина ҳайдашни ўрганиб олди. Рус дўконларига тез-тез келиб турар, тансиқ таомлардан сотиб оларди. Мен ўзим ҳам Рафа нима билан шуғулланишини ҳалигача тушунмасдим. Маруся ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Шунга қатъий ишонч ҳосил қилдимки, камбағаллик — туғма сифат. Бойлик ҳам. Ҳар ким ўзига ёққан нарсани танлайди. Қизиги шундаки, кўпчилик камбағалликни танлайди. Рафаэль билан Маруся бўлса бойликни маъқул кўришди.

Рафаэль ўзини юнон корчалони Аристотель Онассиснинг талтайтирилган ўғлидек тутарди. Чўнтагида ҳемири йўғу, бадавлат отасининг миллиардларига ишонгандек юрарди. У истаган жойидан қарз оларди. Кредит қоғозларини расмийлаштирарди. Молиявий мажбуриятлар оларди.

Айш-ишрат қилар, оқибати нима бўлишидан ташвишланмасди.

¹ Ланчонет — энгил машина.

Маруся аввалига асабийлашди, кейин кўникиб кетди. Америка — бой мамлакат. Ахир унда кимдир гам-ташвишсиз яшаши керак-ку!

Улар мана шундай яшашарди.

Жамият уларни танбаллик, қаллоблик, гиёҳвандлик учун кечириси мумкин эди. Қисқаси, бепарволикдан бошқа ҳамма нарсани кечира оларди.

Ғилай Фриданнинг жаҳли чиқиб:

— Мен ҳам бирор Чиполлинони топиб олишим мумкин! — дерди алам билан.

Бошқа юртдошларимизнинг мулоҳазаси ҳам ундан қолишмасди. Жумладан, Зарецкий шундай дерди:

— Манави Лотин Америкаликни бир кўриб қўйинглар. Панжалари ва қулоқ супраларига эътибор беринглар-а... Шундоққина рўпарамизда лотент-дискурсанди моносексопатнинг ўзига хос вакили.

Энди Маруся Фёдоровнага қаранглар. Унинг қорни ва тос суякларига эътибор беринглар. Ахир бу релевант-мифизирланган полисексуалитетнинг аини кўриниши-ку! Қисқаси, улар бир-бирига асло мос эмас...

Лемкус кўзларини яширишга уринади:

— Тангри — бу муҳаббатдир!

Ҳуқуқ ҳимоячиси Караваев хитоб қилади:

— Бутун Хельсинки гуруҳи қамоққа олинган бир пайтда зинога берилиш ахлоқсизлик ва уят!

Ношир Друкер уни қувватлагандай қўшиб қўйди:

— Толстойни Достоевский билан чалкаштирадиган одамнинг нимасига учдийкин? Шахсан мен бунга сира тушунолмайман.

Аркаша Лернер аламзада оҳангда такрорлади:

— Чиройли аёлларни нуқул гуржилар илиб кетишади... Нима? Испанми? Э, бари-бир гўр-ку!

Дўкон хўжайини Зяма Пивоваров ҳақиқий қорчалондай мулоҳаза юритади:

— Нима, камёб моллар харидорини топмай ўтадимиз?

Қалбан расом бўлган Евсей Рубинчик бўлса:

— Уларнинг кўриниши ёмон эмас, — деб қўйди. — Икковини саккизга ўн икки бичимида акс эттирсам дейман...

Баранов, Еселевский ва Перцович енгил-елпи ҳазил билан чекланиб қўя қолишди. Хусусан, Перцович Марусяга шундай деди:

— Сен Мусяхон, дўстларингни унутма. Агар эрга тегадиган бўлсанг, мени ўғил сифатида асраб ол. Акс ҳолда олтмиш тўртга кириб, машина ҳайдашга кучим қолмади...

Мен Рафаэль билан дўстлаша олмадим. Чунки биз бошқа-бошқа одамлармиз. Ҳолбуки, тез-тез учрашиб турамиз. Бизнинг даҳамиз ўзи шунақа.

Айтайлик, сиз кимнидир қидирмоқдасиз. Манзилини суриштириш шарт эмас. Марказий кўча бўйлаб сайр қилсангиз бас. Бир банка пиво олинг. Битта музқаймоқ енг. Сигарет тутатинг.. Излаётган одамнингизни учратмай иложингиз йўқ. Ҳеч бўлмаганда у ҳақда тўла маълумотга эга бўласиз. Албатта — уни ёмонловчи маълумот оласиз...

Маруся уч марта зиёфат берди. Хотиним билан мени ҳам таклиф қилди. Чучвара тугибди. Рафани тергагани-тергаган:

— Чекмасанг-чи! Камроқ е! Энг муҳими камроқ гапир! Шунга яхши билгинки, бу ерда энг аҳмоғи ўзингсан.

Рафаэль бунга хафа бўлмасди. Чиндан ҳам унинг чакаги тинмасди. Асосан миллионер бўлиш ҳақида гапирарди. Тезда бойиш режасини тузарди. У болалар учун ейиладиган шахмат лойиҳасини ишлашга уринди. Ниҳоят, аёлларга ейиладиган лозимлар яратиш ҳақида бош қотира бошлади.

Уни қийнаётган нарсани ишни бошлашга маблағ йўқлиги эди.

— Акаларимдан сўрашим мумкин, — дерди у. — Улар менга ишоняшади. Қўнгироқ қилсам бас...

— Акаларинг сенга қарашишмайди, — эътироз билдирарди Маруся. — Ўзинг буни жуда яхши биласан. Улар тентак эмаслар.

— Ҳа, пул беришмайди, — маъқуллайди Рафа. — Рост айтаяпсан. Лекин мен ҳозир сўрашим мумкин. Ишонмайсанми?

У америкалик сифатида бутун вужуди билан бойишни орзу қиларди. Лекин, айни пайтда инқилобчи бўлгани учун ҳам у адолатга эришишни истарди.

— Барча одамларга ўхшаб, мундоқ ишласанг-чи... дерди Маруся.

Рафа қатъий эътироз билдирарди.

— Нега мен ишларканман. Муштумзўрлару бойваччалар, қозилар ишласин.

Унинг гапида умуман мантиқ йўқ эди.

Бир куни Марусяларникида ўтирган эдим. Рафа қаердандир югуриб келди. Ранги оқарган, ҳаяжонда эди. Остонадан туриб қичқирди:

— Ажойиб ғоя! У бизга уч миллион доллар олиб келади. Муваффақият қозониш юз фоиз кафолатланади. Ҳеч қандай хавфли жойи йўқ. Уч ҳафтадан кейин сунъий эмчак фабрикаси очамиз!

— Нима? — сўради Маруся.

— Сунъий эмчак!

— Тушунмадим, — дедим мен. — Қанақа эмчак?

— Қанақа бўларди, оддий аёллар эмчаги.

Рафа бармоғини кўксига ниқтаб давом этди:

— Бу жуда оддий нарса-ку. Аёлларга бир қарагин. Айниқса, ёшроқларига. Ахир уларнинг ҳаммаси сийнабандсиз юришади. Кўйлақларидан билиниб турсин дейишади-да.

— Хўш, нима қилибди?

— Мен уларни узоқ кузатдим ва бирдан...

— Камроқ кузатгин, — кесатди Маруся.

— Мен узоқ кузатдим ва бирдан ҳангу манг бўлиб қолдим. Ёшлар учун бу жуда яхши. Кексалар учун ачинарли ҳол. Улар ҳам кўкраклари бўртиб туришини хоҳлашади. Бўртиб турсину силкинмасин... шунда мен ўйлаб топдим, — деди Рафа тантанавор. — Бунга қандай эришишнинг йўлини топдим.

— Хўш?

— Диққат қилинглр-а. Кампир сийнабандни тақади. Сийнабандни резина эмчакка кийдиради. Кейин устидан нимчасини кияди.

— Хўш нима қилибди?

— Нима қиларди. Кўкраги бўртиб туради, билқилламайди ҳам.

— Сен ҳали шу ифлосни сотасанми? — сўради Маруся.

— Бўлмасам-чи, чекланмаган миқдорда. Бу ахир хомхаёл-ку! Мен хомхаёлни сотаман. Ҳар донасини қирқ центдан. Бундан миллионлаб доллар ишлайман. Чунки Америкада энг харидорғир мол хомхаёл... Бошланғич маблағни топсам бўлди. Тахминан йигирма минг...

— Бу жинни бўлиб қолганга ўхшайди, — деди Маруся. — Крейзи! Бу далил! Лекин Лёвкага жуда ўрганиб қолган. Унга ўйинчоқ сотиб олади. У билан чўмилишга боради. Яқинда балиқ овлагани боришди. У Лёвүшкани ўзи билан тенг кўради. Ҳатто Лёва ундан ақллироққа ўхшайди...

Бир куни Маруся бизникига келиб қолди.

— Қаҳва борми? — деди. Бир оз ўтирмақчиман. Соат бешларга яқин Рафа ҳам келади. У боғчадан Лёвүшкани олиши керак.

Хотиним муз жавонини очди.

— Вой, қўйсангиз-чи! — деди Маруся. — Мен парҳездаман.

Биз қаҳва ичиб, сиёсатдан гаплашиб ўтирдик. Горбачёв шахсиятини ва у ўтказётган ислохотларни муҳокама қилдик.

— Агар у ёқда ўзгаришлар бўлса, — деди Маруся. — Ҳаммадан олдин мен эшитаман. Чунки биринчи бўлиб отамни ишдан бўшатишади. Унинг ўзи менга шундай дерди: “Эсингда бўлсин. Мен ҳануз бундай масъулиятли лавозимда эканман, коммунизм сен билан ойнингга хавф сололмайди...”

Шу пайт пастандан кўнғироқ қилишди.

— Бу Рафа, — деди Маруся.

Бир оздан сўнг Рафа кириб келди. Ташқари дўзахдай қизиб кетганини айтиб ром билан пепси-кола ичиш истагини билдирди.

— Кирмаган тешиги йўқ бунинг, — деди Маруся кулиб, — ҳатто дўзахни ҳам кўрибди...

Кейин сўради:

— Бола қани? Ҳовлидами?

— Ҳозир ҳаммасини тушунтираман.

Маруся ўрнидан туриб кетди:

— Лёвушка қаерда?

— Ташвишланма. Ҳаммаси жойида.

Рафа яна ичди. Стаканни столга қўйди-да, менинг орқамга ўтиб:

— Мен уни йўқотиб қўйганга ўхшайман, — деди кўрқа-писа.

— Нима?

— Машинадан йиқилиб тушганми, деб ўйлайман. Фақат сен ҳовлиқмагин...

Аммо биз зинапоядан пастга чопа бошлагандик. Олдинда — Маруся. Унинг орқасидан мен. Кейин менинг хотиним. Энг орқада чопиб келаётган Рафаэль гап-давоом этарди:

— Биз Грэнд Сентрал орқали келаётгандик. Кўприкка бурилдик. Лео орқа ўриндиққа ўтиб олди. У ерда янги ўйинчоқлар ётганди. Кейин бирдан “бенг” деган товуш эшитдим. Мен ўйинчоқ бомба портладими, деб ўйладим.

— Ўлдираман, — деб бақирди Маруся қадамани тезлатаркан.

Биз йўлни кесиб ўтадиган жойга қараб чопаётгандик. Рафа сигара чекканича югурарди. Уй шиппагида чиққан хотиним орқада қола бошлади. Учраган одамлар четга чиқиб, бизга йўл бўшатишарди.

Кун иссиқ, жазирама авжида эди. Асфальт юзасини бензин ҳовури қоплаганди. Аэропорт томонда реактив моторларнинг гувуллаши эшитиларди. Юз саккизинчи кўча нур тушиб қорайган фотографияга ўхшарди.

Йўл устидан ўтган кўприкдан чапроқда бир тўда оломонга кўзимиз тушди. Улар полициячини ўраб олишганди. Маруся додлаганича олдинга ташланди. Кишилар унга йўл беришди. Қўлида ўйинчоқ гранатани маҳкам қисганича йиғлаётган Лёвушкага кўзимиз тушди. Унинг тиззалари сидирилганди. Бошқа ҳеч жойида жароҳат йўқ эди.

— Сизникими? — сўради полициячи жаҳл билан.

Маруся Лёвани қўлига олди.

— Яхшиямки, ҳеч нарса қилмапти, — деди биттаси.

— Бунақа ота-онани судга бериш керак, — деди бошқаси.

Бу орада бошқа санқилар етиб келишди:

— Нима бўлди?

— Машинадан йиқилиб тушибди...

— Яхшиямки, самолётдан қуламабди.

Биз уйга йўл олдик. Рафаэль ўзини четроқда тутарди. Кейин бирданига:

— Менимча, бу ишни ювиш керак, — деб қолди.

У “Нилуфар” ресторанига қараб бир қадам ташлади. Худди шу пайт Маруся унинг қулоғи тагига қарсивлатиб туширди. Бу шапалоқ Андриано Челентанога минглаб мухлислари қарсак чалгандай жаранглаб кетди.

Рафа ҳатто киприк ҳам қоқмади. Фақат қўлларини кўтариб:

— Мен таслимман, — деди...

Июлда Маруся туғилган кунини нишонлади. Уйига йигирматача меҳмон тўпланди. Биринчидан, қариндошлари Фима билан Лора. Кейин, Зарецкий — тўй генерали сифатида. Лернер даврабоши ролида. Рубинчик ишбилармон доиралар вакили бўлиб. Ношир Друкер — маданият намояндаси. Пивоваров — бундай кечаларнинг доимий қатнашчиси тимсолида. Баранов, Еселевский ва Перцович халқ сифатида. Караваяев — даҳадаги бошқача фикрловчилар номидан. Ниҳоят, Григорий лемкус, таклифсиз, аммо болалари билан.

Зарецкий Марусяга атиргул тақдим этди. Лернер — ўнта шампан шароби олиб келди. “Рус китоби” дўконининг хўжайини Друкер — араб эртаклири жилдини ҳада этди. Караваяев Белоцерковский фотосуратини топширди. Унга “Сабр-қаноат — бизнинг даҳшатли қуролимиз!” дасхати ёзилганди. Рубинчик ўттиз саккиз доллар ва олтмиш тўрт центга маннордер тутқазди. Қариндошлари Фима билан Лора электр елпигич беришди. Пивоваров — ўз дўконидан арава тўла буюм совға қилди. Баранов, Еселевский ва Перцович биргалашиб Марусяга янги телевизор олиб беришди. Лемкус уни ўз дуоларидан баҳраманд этди. Мен хотиним билан қаҳва қайнатгич тақдим этишни лозим топдик.

Рафани кутяпмиз. Негадир кечикяпти. Маруся тушунтирди:

— У телефон қилди. Аввалига Манхеттендан. Кейин Лонг-Айленддан. Ярим соат олдин эса — Жексон-Хайтсдан сим қоқди. Ҳозир бораман деб айтди. Балки пул қарз олиш учун қариндошларникига боргандир. Эҳтимол тузукроқ совға қидираётгандир. Лекин бу шарт эмас. Муҳими — эътибор.

Уни кутишга қарор қилдик. Аркаша Лернер тез-тез дастурхонга кўз ташлаб кўярди. Бошқалар ҳам асабийлашганди. Хусусан, Рубинчик:

— Барибир овқат қишда яхшироқ кетади, — деб қўйди. — Ёзда ҳам ёмон ейилмайди-ю, лекин қишдагичалик эмас-да.

Унга жавобан Аркаша Лернер тўнғиллади:

— Менимча, қишни кутиш — аҳмоқлик!

У шундай деб дастурхонга қўлини чўзди.

— Бўлмаса, қани, марҳамат дастурхонга, — деди Маруся.

Меҳмонлар апил-тапил ўтира бошлади.

— Мен сизга яқинроқ ўтираман, Мария Фёдоровна, — деди Зарецкий.

— Мен эса семгага¹, — деди Лернер.

Кўнғироқ жиринглади. Маруся лифтга югурди. Ҳадемай Рафаэль кириб келди. Қўлида каттакон жигарранг қоғоз халта. Унда нимадир типирчиларди. Рафаэль халтадаги нарсани креслога ташлади. У улкан яшил тўтиқуш экан.

— Вой, худоим-эй, — деди Маруся. — Бу нимаси тагини?!

— Бу Лоло! Нақ уч юз доллар тўладим. Хурсандмисан?

— Ё алҳазар! — деди Маруся.

— Аниқроғи икки юз олтмиш... Ўзи уч юз доллар туради. Мен бўлсам икки юз олтмишга олдим. Яна такси...

Лоло товукдай келарди. Ям-яшил бу қушнинг попуғи сариқ, бўйни оловранг, тумшуғи қора эди. У креслодан жавонга, жавондан қандилга учиб ўтди. Қандилдан карнизга сакради. Кейин пардага осилиб пастга тушди-да, телевизорнинг устига ўтди. Ўтириб олди. Ойнаи жаҳоннинг лакланган тепасида ахлат уюми пайдо бўлди.

Ишини бажариб бўлган Лоло керилиб чинқирди. Кейин норози оҳангда бидирлай кетди:

— Шит, шит, шит, шит, фак, фак, фак, фак...

— Дуруст одамлар қўлида бўлган, шекилли, — деди Маруся.

— Қани энди мен ҳам инглизчани шунчалик гапиролсам, — деди ҳайратланган Друкер.

Бу пайт тўти столга чиқиб олди. Газакларга бир-бир қараб, стол бўйлаб юра бошлади. Панжасини майонезга ботириб, булғади. Сардина балиғининг думидан тишлади-ю, қандилга учиб ўтди.

Маруся Рафаэлга мурожаат қилди:

— Қафас қани?

— Пулим етмай қолди.

— Ҳаммаёқни булғаб ташлайди-ку!

— Бу табиий. Бу турган гап, — тасдиқлади Зарецкий.

— Нима қилиш керак?

Рафа Марусяга юзланди:

— Сен хурсандмисан?

— Менми? О, шодлигимнинг чеки йўқ! Менга ўзи фақат шу етмай турувди!

Биз бир амаллаб Лолони кийим жавонига қамаб қўйдик. Лоло бундан ўта норози бўлди. У бош оғриғига ароқ тополмаган совет қора ишчисидай сўкина бошлади. Жавоннинг юпқа тахтасини тимдалаб, баққуват тумшуғи билан тўқиллата бошлади. Кейин тинчиб қолди, ухлади, шекилли.

— Эртага бирор нарса ўйлаб топармиз, — деди Маруся. Кейин қўшиб қўйди: — Қани энди дастурхонга!

Сал ўтар-ўтмас қадаҳ, финжон, стаканлар жаранглашга тушди. Лернер ҳайқирди:

— Туғилган кунингиз билан!

¹ Семга — балқ турн.

Қизариб кетган Маруся:

— Сизни ҳам, — деб қўйди.

Соат тунги бирларда тарқалишдик. Йўл-йўлакай Марусянинг муаммоларини муҳокама қилиб борардик.

— Шундай соғлом аёл, — деди Зарецкий. — Кечирасизлар, ишламайди, қандайдир ёввойи билан яшапти. Кун бўйи бўш. Кийгани мўйна ва замш тагин. Стаканлаб ичади. Бегашвиш... Ҳолбуки, Афғонистонда қон тўкиляпти, бу ерда эса шампан шароби дарё бўлиб оқаяпти. Неопалда болалар очликдан қириляпти, бу ерда эса қандайдир ирkit тўти сардина ёмоқда! Қани адолат?!

Кулгим қистади.

— Беадаб, — бақириб берди Зарецкий.

— Адолатдан ҳам юксакроқ нарсалар бор-ку! — дедим унга.

— Ўҳ-ҳў, — деди Зарецкий. — Жуда қизиқ-ку! Қани гапиринг, жон-жон деб эшитаман. Диққат, жаноблар! Хўш, нима экан адолатдан юксакроқ?

— Истаган нарсангиз, — дедим.

— Аниқроқ айтилса-чи?

— Янада аниқроқ айтилса — раҳм-шафқат...

УЙИМГА КЕТГИМ КЕЛЯПТИ

Куз кирди. Бизнинг даҳамиз чўзилган диққинафас ёздан кейин зўрга ўзига келди. Уйларга ўрнатилган совутгичлар ўчирилди. Бақалоқлар қалта иштонларини ечиб, кремплин шимларини кийдилар. Аёллар туппа-тузук либоеларга бурканишиб, янада жозибадор бўлиб кўринишди. Тутун ва бензиннинг оғир иси чирий бошлаган япроқларнинг ҳидига сингиб кетди.

Марусяни тез-тез учратиб турардим. Баъзан қаҳвахонага кирардик. Маруся шиқоят қилиб қоларди:

— Сен тасаввур ҳам қилолмайсан! Рафа билан Лоло худди эгизакларга ўхшашади. Шу маънодаки, иккаласи ҳам ўта масъулиятсиз. Иккаласи ҳам фақат бир хил сўзларни билишади.

— Ҳалиям ишламаяптими?

— Лоломи?

— Йўғе, Лоломас, Рафа?

Маруся кулиб юборди:

— Сен уни ким биландир адаштиряпсан, шекилли. Мен Лолонинг ишлашига ишонишим мумкин. Гарчи бу эҳтимолдан анча узоқ бўлса ҳам...

Марусяга коктейл — лимонадли жин келтиришди. Менга икки ичимлик ароқ.

Биз алоҳида столга ўтиб олдик.

— Ахир қандай кун кўраяпсизлар? — сўрадим мен.

— Ўзим ҳам билмайман. Мен бир идорада ишлаб кўрдим. Табиий хўжайин ёпиша бошлади. “Юр, меҳмонхонага борайлик, — дедим унга. — Яйраб, кўнгил ёзасан, юз доллар тўласанг бўлди”. У бўлса: “Мен сени номусли аёл деб ўйлабман” дейди. “Ор-номусли аёл сенга миллионга ҳам кўнмайди”, — дедим.

Мен унинг гапини бўлдим:

— Маруська, нима бало, эсинг жойидами? Ахир, сен фоҳиша эмассан-ку! Нима бу бемаъни гаплар?!

— Хўш, ўзинг менга нима маслаҳат берасан? Қандайдир қасанги ресторанда идиш-товоқ ювайми? Дастурловчиликка ўқийми? Ёки юз саккизинчи кўчада ерэнғоқ сотайми? Яхшиси қайтиб кетишга рухсат сўрайман!

— Қаёққа? Москвагами?!

— Москвага бўлса ҳам! Нима қилибди?! Қамашмайди-ку, ахир. Сиёсатга ара-лашмасам...

— Эркинлик-чи?

— Бошимга ураманми эркинлигингни! Менга тинчлик керак. Умуман, менга эркинликнинг нима кераги бор, ахир отам бор-ку?!

— Ўҳ-ҳў, зўрсан-ку!

— Эс-хушли одам Москвада ҳам эркин.

— Эс-хушлиларни кўп кўрганмисан?
 — Улар ҳамма жойда ҳам камроқ.
 — Сен эсдан чиқарибсан. Сурбетлик, сохтакорлик...
 — Москвада сурбетлик қилишади, лекин ҳар ҳолда ўзингникилар-ку.
 — Ана шуниси даҳшат-да!
 — Умуман, ҳаёт расво. Рафага ишониб бўлмайди. Ўзи шунақа, бугун ялиниб келади, эртага кўринмай қолади. Бирор ҳафта қаерлардадир дайдиб юради. Кейин яна телефон қилади. Бир сафар саёқ юриб, қайтиб келгач, шимини ечса, вой тавба, иштонида лаб бўёғи. Худо урсин, агар! Э-э, уни рашк қилишнинг ҳам фойдаси йўқ. Унга қараганда Лоло тузук. Хотин-халажларга тентираб юрмайди...

— Лёва-чи? — сўрадим мен.

— Аёлларга айланишга Лёва ҳали ёш.

— Мен аҳволи қандай деб сўраяпман?

— Ҳа-а. Яхши. Унга гап йўқ. Рафа билан муносабати жуда зўр...

Мен нарироқда ўтирган таниш рассомга қўл силтадим. Унинг хотини Марусяга қараб-қараб кўярди. Худди мени шубҳали даврада кўриб қолишгандай. Энди гап-сўзларнинг кўпайишини кўрасиз. Дарвоқе, гийбатлар аллақачон бошланганди. Кайфиятим бузилди. Хизмат ҳақини тўладим ва биз чиқиб кетдик...

Орадан бир ҳафта ўтди. Қаердадир Марусянинг совет элчихонасига борганини эшитдим. Уйига қайтиб кетишни сўрабди, дейишди.

Аввалига ишонмадим. Лекин гап-сўзлар кўпаяверди. Ҳамма ҳар хил гапира бошлади. Жумладан Рубинчик:

— Унинг иши билан элчихонанинг учинчи котиби Балиев шуғулланапти, — деди.

Мен Марусяга сим қоқдим.

— Нима гап? — деб сўрадим.

— Агар хоҳласанг учрашайлик, — деди Маруся.

— Қаерда?

— Фақат “Днепр” дўконида эмас.

Биз Остин-стритда учрашдик. Бир оз гилос сотиб олдик. Пресвитериан черкови яқинида майсазорга ўтирдик.

— Сени мен билан кўришса, — деди Маруся, — яна кўнгилхиралик бўлади.

— Хотиним билиб қолса демоқчимисан?

— Хотинингмас, муҳожирлар жамоаси...

— Тупурдим ҳаммасига... Сен ростдан ҳам элчихонага бордингми?

— Бордим. Нима бўлибди.

— Хўш, нима дейишди?

— Нима дейишарди. “Кечиришга арзигулик ҳеч нарса қилганингиз йўқ, Мария Фёдоровна, дейишди. Уни аввало қозониш керак”.

— Нима билан тугади?

— Ҳеч нарса билан.

— Буёғига нима бўлади?

— Билмайман. Фақат шуни биламанки, уйга кетгим келяпти. Мен ҳақимда қай-гуришларини истамайман. Отам билан онам яшаётган жойга боргим келяпти... Бу ерда-чи? Испан, тўтиқуш, қандайдир аҳмоқона эркинлик... Мен, эҳтимол, тўтиқушни эмас, кўппакни, бошимда бир эркак бўлишини хоҳлаётгандирман...

— Кўппагинг бор-ку, ахир, — дедим. — Мен шундай кўппак бўлолмайманми?

Маруся гапдан тўхтаб, тескари бурилди. Орага узоқ жимлик чўкди.

— Жаҳлинг чиқдими?

— Нега жаҳлим чиқаркан? Сени ўн беш йил олдин учратганимда бошқа гап эди...

— Мен унчалик қари эмасман.

— Сенинг хотининг, боланг бор. Умуман, тушунарли. Фақат шунчакиликка мен истамайман.

— Фақат шунчакиликка ўзим ҳам рози эмасман.

— Инчунун. Бу мавзунинг бас қилайлик.

— Бас қилдик.

Гилосни еб бўлдик. Данақларни майсалар устига сочдик.

Жимликни бузиш учун сўрадим:

— Ўз ишларинг ҳақида гапириб берасанми?

Шундан кейин мен ундан қуйидагиларни билиб олдим.

Августда Марусянинг кайфияти бузилди. Ҳаммаси майда-чуйда кўнгилсизликлардан бошланган эди.

Лёвущка шоколад еса, аллергияси кўзийдиган бўлди. Рафа пайшанба куни чиқиб кетганича дараги йўқ. Лоло яна бир қафасни синдирди. Холбуки, у оғир мис симидан тўқилган эди. Телефон ҳақи ҳали тўланмаган эди.

Худди шу пайтда газеталарда эълон пайдо бўлди. Хоҳловчилар совет фильми “Даурия”ни кўриши мумкин. Фильм Совет Иттифоқининг БМТдаги ваколатхонаси воситасида намойиш этилади. Кириш bepул. Миш-мишларга қараганда, шампан шароби ва бутербродлар ҳам тақдим этиларкан.

Маруся фильмини кўришга қарор қилди. Лёвущкани қариндошлариникида қолдирадиган бўлди.

Томоша зали унча катта эмас, бунинг устига совуқ экан. Фильм унча яхши таассурот қолдирмади. Америкалик томошабинларни отишма-ю ур-сур билан ҳайратга солиш қийин. Лекин фильм тугагач, томошабинларни ароқ ва бутерброд билан сийлашди. Шампан ҳақидаги миш-мишлар тасдиқланмади.

Марусянинг ёнига қирқ ёшлардаги келишган бир киши келди.

— Логинов Олег Вадимович, — деб таништирди ўзини.

Кино ҳақида гаплашишди. Кейин, умуман, ҳаёт ҳақида гап кетди. Олег Вадимович қимматчиликдан шикоят қилди...

— Мария Фёдоровна, сиз буёқларга қандай келиб қолдингиз?

— Аҳмоқлигим туфайли, — деди Маруся.

— Отангиз — обрўли одам. Онангиз масъул ходима. Ўзингизнинг топиш-тутишингиз ёмон эмасди. Ойига камида юз сўмдан кам алимент олмасдингиз...

— Бахт пулда эмас-ку...

— Рост айтасиз... Лекин нимада ўша бахт? Сиёсатга аралашмасдингиз. Моддий жиҳатдан камчилигингиз йўқ эди. Беташвиш яшардингиз... Қариндошларингизни соғиниб қолдингизми? Ахир уларни чет элдан ўзимизга чақиртириб олишимиз мумкин эди-ку...

— Билмадим. Тентак эканман...

— Бу гапингизга ҳам қўшиламан. Энди режаларингиз қандай?

— Қайси маънода?

— Буёғига қандай яшамоқчисиз?

— Бир амаллаб... Мен Америкадан нолиётганим йўқ. Бу ерда яшаш менга ёқди.

— Бўлмасам-чи... — қувватлади уни Логинов. — Буюк мамлакат. Лекин биз бу ерда бегонамиз, эътиқодимиздан қатъи назар...

Маруся эҳтиром билан тасдиқлади. Суҳбатдошининг “биз” дейиши унга ёқиб тушди. Ахир, Логинов муҳожир билан дипломатни бирлаштириб айтди.

— Эҳтимол, мен яна юртимга қайтишга ижозат сўрарман. Кечиринглар, мен онгсиз аҳмоқни дерман.

Логинов ўйлаб қолди, иржайди ва деди:

— Кечирим сўраш учун ҳам, Мария Фёдоровна, хизмат қилиш керак...

Маруся ўрнидан туриб, этагини қоқди. Кеч кира бошлаганди. Мен ҳам ўрнимдан турдим:

— Кейин нима бўлди?

Улар менга телефон қилишди.

— Ким — улар?

— Совет элчихонасидан иккитаси.

— Юрақол, йўл-йўлакай гапириб берарсан, — дедим Марусяга. — Бирор жойда қаҳвахўрлик қилармиз.

Биз етмишинчи кўчадаги қаҳвахонага кирдик. Мусиқа қулоқни қоматга келтирарди. Биз кўчанинг нариги бетидаги мексикаликлар қаҳвахонасига киришга мажбур бўлдик.

— Шундай қилиб, кейин нима бўлди, — сўрадим мен.

Маруся Логинов билан пешайвондаёқ хайрлашди. У кузатиб қўяман деса, қаршилик кўрсатишга тайёр эди Маруся. Лекин, Олег Вадимович деди:

— Агар истасангиз, мен сизга қўнғироқ қиламан...

Эҳтимол, у ўз бошлиқларидан қўрқатгандир, ўйлади Маруся. Ёки мени кузатиб қўйгиси келмадимикин.

Маруся уйига қайтаркан, йўл-йўлакай ўзини койиб кетди. “Бунчалик ошкора гапиришимнинг нима кераги бор эди...” — ўйлади у.

Энди ватанига қайтиш ҳақида ўйлаш ҳам унга бемаъни туюла бошлади. Қамаб қўйишса-чи? Тавба-тазарру қилишга мажбурлашса-чи? Умуман, менинг мусофир бўлишимга сира дахли йўқ Американи ёмонлашнинг нима кераги бор...

Орадан уч кун ўтди. Маруся ҳалиги бемаъни сўхбатни унута бошлади. Бунинг устига Рафа яна пайдо бўлди. Ўзида йўқ хурсанд. Иш билан Канадага борганини гапирди. У сукунатни тўплаш бўйича корпорация тузган эмиш.

— Нимани? — сўради Маруся.

— Сукунатни?

— Ўҳ-ҳў, — деди Маруся, — янгиликка ўхшайди.

Рафаэль оғзи қулоғида, хитоб қиларди:

— Мең миллионлаб пул топаман! Мана кўрасан! Миллионлаб!

— Жуда яхши-да. Ўзи қарзларни тўлашга қоғоз келиб турувди.

— Менга қара. Гоям нимадан иборатлигини биласанми? Ҳаётимизда шовқин жудаям кўп. Бу ўта зарарли. Одамнинг асабига таъсир қилади. Кишилар шунинг учун асабий ва ёвуз бўлиб қолишган... Одамларга оддий жимлик, сукунат етишмайди. Шундай экан, биз уни йиғамиз, сақлаймиз ва сотамиз.

— Килолабми?

— Нега килолаб? Кассеталарда. Ҳар бир кассета рақамланган бўлади. Масалан, биринчи рақамли сукунат: “Тоғларда тонг отиши”. Бешинчи рақамли сукунат: “Шаҳвоний ҳузур”. Тўққизинчи рақам: “Авиаҳалокатдан кейинги сукунат” ва ҳ.к...

— Телефон учун пул тўлаш керак, — деди Маруся.

Рафа эшитмасдан пивоҳўрликка жўнаб қолди.

Шу пайт телефон қилиб қолишди:

— Биз совет элчихонасиданмиз, — деди паст овоз.

Орага жимлик чўкди.

— Алло! Биз билан учрашиш ниятингиз борми?

— Қаерда?

— Хоҳлаган жойингизда. Эллик тўртинчи кўчадаги “Шанхай” ресторани сизга маъқулми? Чоршанба куни. Соат учда.

— Сизларни қандай танийман?

— Сизни ўзимиз топиб оламиз. Олег Вадимович бизга тушунтирди. Ташвиш тортманг. Фақат кечикманг. Шуни ҳисобга олингки, биз Вашингтондан атайлаб учиб боряпмиз.

— Мен келаман, — деди Маруся.

Кейин ўйлаб қолди: “Бу ерда жазманлар метрога доллар сарфлашдан қўрқишади. Улар бўлса Вашингтондан учиб келишяпти. Арзимас нарса бўлса ҳам, ҳар ҳолда ёқимли”.

Маруся айтилган пайтда белгиланган жойга етиб борди. Ресторанда иккитаси кутиб турарди. Битгаси анча ёш, футболкада. Иккинчиси — галстук таққан, ўн ёшлар чамаси каттароқ. Худди шуниси ўзини Балиев деб таништирди. Ёшроғи қўлини чўзди: — Жора.

Тушлик пайти тугаган бўлишига қарамай, ресторанда одам гавжум эди. Кондиционерлар ишлаб турибди. Ёшгина хитой қизи уларни дераза олдидаги жойга бошлаб борди. Ҳар бирининг қўлига овқатлар рўйхатини тутқазди. Жора диққат билан ўқишга киришди.

Балиев лоқайдлик билан:

— Менга ҳамишагидай, — деди.

— Мен овқатланмайман, — деди Маруся шоша-пиша.

— Ихтиёрингиз, — деди Балиев.

Жора норози бўлди:

— Хафа қиялсиз, онагинам! Зиддиятга боряпсиз! Демак, халқаро кескинлик

ўчоғини вужудга келтиряпсиз! Нима кераги бор! Келишайлик, ишчанлик вазият-да гаплашайлик.

Шунда Балиев бақриб берди:

— Жим бўлинг!

Маруся икковининг икки хил одам эканини яққол ҳис этди. Жора қувноқ ва очиқ кўнгил бўлса, Балиев унинг акси, тунд ва қаттиққўл. Лекин иккаласининг орасида қандайдир келишув борлиги сезилиб турарди.

— Бардам, бўлинг, онагинам! — деди Жора. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади!

Балиев норози бўлиб, қовоғини солди:

— Нима қилишга ўзим ҳам ҳайронман, Мария Фёдоровна. Бундай ишларда қарорни Москва чиқаради. Айти пайтда кўпгина нарса бизнинг тавсиямизга ҳам боғлиқ.

Хитой қиз чой олиб келди. Таъзим бажо келтириб, орқага қайтди.

Жора орқасидан бақриб қолди:

— Тезроқ бўл, азизим! Чаққон-чаққон!

— Қани гапиринг-чи, — деди Балиев.

— Нимани?

— Бу ёққа қандай келиб қолганингизни.

— Нимасини айтаман. Умуман, яхши яшардим. Аҳмоқлигим туфайли бу ерларга келиб қолдим. Энди гуноҳимни ювмоқчиман. Озодликдан маҳрум этишса ҳам майли.

Жора яна жиззакилик қилди:

— Қўйсангиз-чи, онахон. Ҳозир кимни қамашяпти? Турмага тушиш учун ҳам унча-мунча хизмат қилиш керак. Жосуслик ва шу сингари...

Балиев аниқлик киритди:

— Баъзан мустасно ҳам бўлади.

— Полицайлар учун! Мария Фёдоровна онгсизлиги туфайли қилган бу ишни.

— Умуман, — дея тасдиқлади Балиев, — қоида шунақа. Лекин, барибир, ке-чиришлари учун хизматдан қолмаслик керак. Бу қанақа хизмат бўлади — у ёғини элчихонада гаплашамиз.

— Мен у ёққа боришим керакми?

— Қанча тез борсангиз, шунча яхши. Сизни ҳар душанба кунни кутамиз. Соат бирдан олтигача. Адресни ёзиб олинг.

— Ана энди, — деди Жора, — расмга олинса бўлади. Протокол учун эмас, албатта.

У чўнтагидан фотоаппарат чиқарди. Балиев Марусяга яқинроқ сурилиб ўтирди.

Фотографиянинг уларга нима кераги бор, ўйлади Маруся. Далил учунми?

Элчихонага бориш Марусяга малол келди. Барибир бориш керак. Номига бўлсаям.

Маруся эрталаб олтида йўлга чиқди. Дераза оша дарёлар, тоғлар лип-лип ўта бошлади.

Кейин у бир соатча Вашингтон бўйлаб айланди. Қурилиш ҳавозаларининг кўплигини айтмаса агар, лол қолдирадиган ҳеч нарса кўрмади.

Элчихона биноси яшил дарахтлар орасидан зўрға кўзга ташланарди. Айлана-сига тортилган панжара яхшилаб бўялган. Маруся ёпиқ эшиклар олдида бир оз кутгач, тугмачани босди.

— Кутиб туринг, — деган овоз эшитилди.

Даҳлиз деворида герб, телеқурилма осиглиқ. Ён верида таниш портретлар, барқут парда, музлатгич. Кресло, стол, “Огонёк” журналлари.

Кўп кутмади. Уч киши бўлиб чиқиб келишди. Жора, Балиевнинг ўзи, яна кўзойнакли биттаси.

— Чарчамадингизми? Яхши етиб келдингизми? Пепси-колага қалайсиз? — расмийчиликдан сўнг Балиев мақсадга кўчди:

— Танишинг: Кокорев Гордей Борисович.

— Шунинг учун ҳам биз уни КГБ деб атаемиз, — қўшимча қилди Жора.

Кокорев унинг сўзини бўлди:

— Менга қулоқ солинг. Келинг, далилларни бир жамлаб кўрайлик. Мария ма-

Марович деган кимса юртини тарк этади. Кейин у яна юртига қайтиб кетишни сўра-япти. Баъзилар учун ватан ўйинчоқдек бир гап бўлиб қолганга ўхшайди. Иста-сам чиқиб кетаман, хоҳласам яна қайтиб келаман. Худди бозордагидек, хоҳла-ганда олиб, хоҳламаганда сотиб дегандай... Ҳолбуки, бу сотқинликдан бошқа нар-са эмас. Демак, гуноҳингизни ювишингиз керак. Шундан кейин Макарович хо-ним сизни ватанга қайта қўйиш керакми, йўқми деган масала ҳал этилади. Соци-алистик одамгарчиликнинг ҳам чеки-чегараси бор, ахир.

— Бор, — тасдиқлади Жора.

Орага жимлик чўкди. Кондиционер ғувуллади. Музлатгичга жон киргандай “ти-риллаб” кўярди.

— Ҳўш, ўзингиз менга нима маслаҳат берасиз? — сўради бўшашиб Маруся.

— Сиз, Мария Фёдоровна, ёзинг, — деди Кокорев.

— Нима?

— Мақола, хабар ёки шунга ўхшаш бир нарс.

— Менми? Нима ҳақда ёзаман?

— Нима ҳақда бўларди, ҳамма нарсани ёзинг. Беташивиш ва камчиликсиз яша-ганингизни. Цехновицернинг гаплари сизга қандай таъсир қилганини, қандай қилиб нотўғри қадам босганингизни ёзинг. Ҳозир қандай афсусланаётганингиз, пушай-мон бўлаётганингиз эсингиздан чиқмасин. Тушунарлими? Фикр-мулоҳазаларин-гиз билан ўртоқлашинг...

— Қаёқдан оламан?

— Нимани қаёқдан оласиз?

— Ўша фикрларни-да.

— Фикрларни мен бераман, — деди Жора.

— Фикр — муаммо эмас, — рози бўлди Кокорев.

Балиев кутилмаганда гап қотди:

— Баъзиларда фикр бор. Бошқаларда эса ҳамфикрлар.

— Яхши, — деди Маруся, — мен фикримни қоғозга туширдим ҳам дейлик.

Кейин нима бўлади?

— Кейин биз уни босиб чиқарамиз. Сиз билан юз берган воқеа бошқаларга иб-рат бўлсин.

— Ким босиб чиқаради? — сўради Маруся.

— Истаган газета. Бизнинг тавсиямиз билан! Истасангиз “Литературная газета”.

— Ёки “Нью-Йорк таймс”, — қўшиб қўйди Жора.

— Ахир, мен ёзишни билмайман-ку.

— Қўлингиздан келганича ёзасиз. Нима, бу шеърмиди, сизга? Муҳими — факт бўлса, бас. Агар керак бўлса, ўзимиз таҳрир қиламиз.

— Буёққа қаранг, онахон, — деди Жора тиржайиб, — рози бўлақолинг, бизни қийнаманг.

— Довлатовдан илтимос қиламан, — деди Маруся.

— Кимдан? — қайта сўради Кокорев.

— Нима, сиз Довлатовни билмайсизми? У худди Тургеневга ўхшаб ёзади, ҳат-то ундан яхшироқ ҳам ёзади.

— Агар Тургеневдай ёзса, бўлади.

— Унда, бўш келманг, — маслаҳат берди Кокорев.

— Уриниб кўраман...

Қовоқхонада бизлар, фокстерьер кўппаги етаклаган қандайдир маст киши ва ўйчан қора қиз қолдик. Бу қиз нашаванд бўлса керак, зўрға тирикка ўхшарди.

— Унга шампан қўй, — деди Маруся.

— Шампан хоҳлайсизми? — сўрадим мен ҳалиги қиздан.

Қиз менга ҳайрат билан қаради-да, тескари ўгирилиб олди. Менинг мурожатим унга ёқмади, шекилли. Ҳатто ёнидаги сумкасини турибдими, йўқми, деб текшириб қўйди.

— Нега унақа қияпти? — сўради Маруся.

— Сен Ленинградда эмассан, ахир, — дедим.

Биз ташқари чиқдик. Шаррос ёмғир қуаяпти. Сув билан тўла кўчаларда маши-налар қайиқ мисоли сузаётганга ўхшайди.

Ҳаво совуди. Қани энди бирор машина тўхтаса... Синагог яқинидагина машина тўхтатишга муваффақ бўлдик. Биз чиққан кўҳна “Чекер” дан намиққан кийим ҳиди анқирди.

— Нима бало, сен чиндан кетишга қарор қилдингми? — сўрадим Марусядан.

— Менга қолса ҳеч иккиланмасдан шартга жўнаб кетардим. Лекин мана бу аҳмоқона гап-сўзларсиз...

— Мақола нима бўлди?

— Нима бўларди. Ўзи ойимга йилда бир мартагина хат ёзаман. Ўшандаям гиж-ғиж хато билан. Агар сен ёрдамлашворсанг.

— Яна нима дейсан?! Менга ортиқча жавобгарликнинг нима кераги бор? Сени қамаб қўйишса-чи?

— Қамашса ҳам майли, — деди Маруся ва менга сурилиброқ ўтирди.

— Ҳеч бўлмаса қўлингни олгин, — дейман унга.

— Вой-бўй, ноз қилдиларми?!

— Таксида дон олишиш, кечирасан-у, менга тўғри келмайди.

— Бунинг устига, — гапга аралашди шофёр, — мен русчани яхши тушунаман.

— Ё Танграм! Мунча онгли бўлиб кетибди булар, — жеркиб берди Маруся нарироқ суриларкан.

Шунда мен шофёрнинг тиззасида русча газетани кўриб қолдим. “Ливия танкери ёндириб юборилди”, “Шульцнинг сандиночиларга қарши лидерлар билан учрашуви”, “Футбол бўйича жаҳон чемпионати”, “Бронислав Разудаловнинг бўлажак гастроллари” деган сарлавҳаларга кўзим тушди.

Ие, бўлиши мумкин эмас! Қайтадан ўқийман: — “Бронислав Разудаловнинг бўлажак гастроллари”. Нью-Йорк, Чикаго, Филадельфия, Дейтрот... ансамбли жўрлигида...”

— Газетангизни бир дақиқага бериб туринг-чи, — дедим.

— Нималар ёзишибди, — сўради Маруся. — Рейганга суиқасд қилишибдими? Большевиклар билан уруш бошланибдими?

— Ма, — дейман, — ўқи...

— Ё Танграм! — деди Маруся. — Шуниси етмай турувди!

“ҚЎШИҚ” ОПЕРАЦИЯСИ

Разудаловнинг гастроллари уч ҳафта давом этиши керак эди. У Бруклинда ўн олтинчида бошланарди. Кейин Квинсда. Шундан сўнг эса Чикаго, Филадельфия, Дейтройт ва Торонтода ўтади.

Афишаларда: “Қўшиқ инсон билан қолади”, деб ёзилганди. Унинг тағида яшил барқут пиджакдаги киши сурати берилган. У мавж уриб турган галлазор фониди олинган бўлиб, кўзлари ҳасрат тўла ўсмирни эслатарди.

Бундай афишалар бизнинг даҳада кўплаб ёпиштириб ташланганди. Биргина Зяма Пивоваров дўконида шундай афишадан бештаси бор эди.

Бизнинг даҳадагиларнинг бу гастролга қизиқишлари бежиз эмасди. Марусянинг ўғли Разудаловдан эканини ҳамма биларди. Бу ерда Разудаловнинг Маруся билан учрашуви серташвиш кечиши ҳам ҳеч кимга сир эмасди.

У хонанда, совриндор, совет санъати юлдузи, Марказий Қўмита аъзоси эди. Маруся бўлса, ахлоқсиз бир аёл.

Партия аъзоси Разудалов Маруся билан учрашишни хоҳлармикин? Бизнинг даҳага ҳам келармикан?

Қисқаси, биз ҳаммамиз бундай учрашувдан ташвишда эдик. Шундай бўлди ҳам.

Газетада “Қўпоровчи микрофон олдида” деган мақола босилди. Унда Разудаловни “Кремль тўғрайи” деб аташибди. Унинг гастролларини эса “сиёсий десант” сифатида таърифлашибди.

Бу ҳам етмагандай, мақола муаллифи хитоб қилади:

“Келгинди гастролчи, ўртоқ Разудалов қўшиқлари нима ҳақда? Яҳудий халқнинг фожиаси ҳақидами? Қамоқда қон қақшаб ётган Ирина Ратушинская ҳақидамикин? Большевиклар хонавайрон қилган иқтисодиёт тўғрисидами? Ёхуд жазоловчи руҳиятдан сўзлар эканми?”

Йўқ!

У бошқача мадҳиялар тўқийди. Унинг қўшиқлари Ватан фаровонлиги йўлидаги меҳнат ҳақида куйлайди. Сохта дўстлик мадҳ этилади уларда. Муҳаббат ҳақида куйланади бу қўшиқларда.

Ва буларнинг ҳаммасига давлат хавфсизлик кўмитаси дирижёрлик қилади.

Лубянкадан келган бу гастролчининг бизга нима кераги бор? Буларнинг орқасида кимлар турибди? Уларга тўланган валюта қандай мақсадларга хизмат қилади?!”

Бу мақола катта шов-шувларга сабаб бўлди. Ҳар куни янги-янги мақолалар босилиб турди. Катта баҳс бошланиб кетди. Баҳсларда эмиграциянинг энг нуфузли кишилари иштирок этдилар.

Баъзи бировлар Разудалов концертларини бойкут қилишни талаб этардилар. Бошқаларнинг фикри эса аксинча: “Нега энди? Ким хоҳласа борсин. Ахир биз совет увилдиригини еяпмиз-ку, Распутин билан Беловни ўқийётганимиз йўқ-ку, ахир!

Публицист Нотан Зарецкий энг даҳшатли бўлиб чиқди. У Разудаловни ўғирлаш ғоясини ўртага ташлади. Кейинчалик уни Сахаровга ёки Ратушинскаяга алмаштириб олишимиз мумкин, — дерди у.

Зарецкийни қўлловчи кузгунлар кўпчилик экан. Концерт залига бомба қўйишмоқчи, деган миш-мишлар тарқалди.

Мен Марусяга кўнғироқ қилдим:

— Сен борасанми?

— Қаерга?

— Разудалов кечасига.

— Бораман. Мана шу мияси айниган барча демократия учун курашчиларга қасдма-қасд борганим бўлсин. Сен-чи?

— Мен Игтифоқда ҳам эстрадани унча ёқтирмасдим.

— Шу ҳам гап бўлди-ю...

Кейин Маруся менга гапириб берди:

Концерт яхши ўтди. Учтами ёки тўрттами безори бўлди. Зарецкий: “Циммерманга озодлик!” деган шиорни кўтариб олибди. “Циммерманнинг ўзи ким?” деган саволга Зарецкий жавоб қайтарди:

— Зўрлагани учун қамалган.

— Москвадами?

— Йўқ, Хартфорд яқинидаги шаҳар турмасида.

Залдан туриб Разудаловга қичқиришди:

— Нега Исроилга кетмаяпсан?

— Биродарлар, ахир, мен яҳудий эмасман. Бунинг учун кечирим сўрайман.

— Ўзи анча қариб қолибди, — деди Маруся. — Бироқ овози ҳануз жарангдор.

Қўшиқлари ҳамон ўша-ўша...

Кейин унга саволлар беришди. Сиёсатдан бўлак саволлар ҳам бўлди. Масалан, биттаси:

— Марсда ҳаёт борми? — деб сўради.

— Тўлиб ётибди, — жавоб берди Бронислав.

— Демак, бизга ўхшаган одамлар ҳам бор экан-да, у ерда...

— Албатта.

— Ундай бўлса нега ҳадеб бошимизни қотираверишади? Учар ликопчалар тушади дейишадими-ей. Шундай тез учар аппаратлари бор экан, нега алоқа ўрнатилмади қўрқишади?

— Чунки, — дейди Бронислав, — ҳаддан ташқари ақлли-да улар.

— Россияда коммунизм тез орада қуриладими?

— Бунчалик шошилишнинг нима кераги бор. Олдин борини эплаб олайлик.

Маруся жимиб қолди.

— Сен уни кўрдингми? — сўрадим Марусядан. — Учрашдингми?

— Ҳа, кўрдим.

Концерт ўн иккиларда тугади. Маруся билан Лёва саҳнага яқинроқ боришди. Рафаэль ўзини анча сипо тутди. Ичимлик топиб келиш учун югуриб кетди.

Одамлар тарқалмасди. Разудалов саҳнага чиқди, таъзим қилди, тисарилиб қай-

тиб кетди. У чарчаганди. Қучоғи хризантема ва гладиолусларга тўлиб кетди. Томшабинлар тинимсиз қарсак чалар, қичқиришарди.

Ҳаяжонланиб кетган хонанда хушёрликни йўқотди. У: “Лабинг шарбатидан ичмоқ истайман” қўшиғини куйлаб юборди. Ҳолбуки, бу қўшиқ советларга қарши деб цензура томонидан тақиқланганди.

Маруся охиригача эшитмади, олдинга сурилди. У боши узра тўрт букланган қоғозни кўтариб турарди. “Агар мени кўришни истасанг — сим қоқ. Мария” деб ёзилганди қоғозга. Унда телефон ва манзил ҳам кўрсатилганди.

Маруся Разудаловнинг номани илиб олганини кўрди. Афсуски, у Марусянинг юзини кўролмади. Шу билан концерт тугади. Маруся Лёвушка билан ташқари чиққанида ёмғир ёғарди. Қараса, Рафаэль машинада ўтирибди. Маруся унинг ёнига чўкди.

— Мен сени кутиб ўтириб, йиғлашимга сал қолди, — деди Рафа.

— Ана, холос!

— Мен сени анови ўрис билан кетасан, деб ўйладим.

— Тўтини кимга қолдириб кетаман?!

— У жуда яхши куйларкан.

— Лоломи?

— Лоломас, анови ўрис. У бу ерда Леннон, ҳатто Пресли ўрнини босиши мумкин.

— Ҳа, албатта.

Шу пайт Разудалов оркестри билан чиқиб қолди. Уларни иккита машина кутиб турарди. Бизгаси кўк лимузин, бошқаси зангори микроавтобус.

Разудалов ташвишли кўринарди. Марусяга у кимнидир ахтараётгандек бўлиб туюлди. Ўз мухлисларининг саволларига айқаш-уйқаш жавоб берапти. Эҳтимол, элчихона вакиллари гапираётгандир. Микроавтобус рулида ўтирган Жора эмасмикан? — деб ўйлади Маруся. Ҳамманинг кўз ўнгида совет артистига ташланиш ақлданмикин? Яна бола билан. Уни обрўсизлантиришнинг нима кераги бор. Хоҳласа — телефон қилади.

Маруся ўғлига мурожаат қилди:

— Лёвушка, қарагин. Ҳув, гул кўтариб турган амакини кўряпсанми?.. Унинг кимлигини биласанми?

Жавоб бўлмади.

Бола Рафаэль Чикориллио Гонзалеснинг пинжида ухлаб ётарди.

— Кетдик уйга, — деди Маруся.

Кечаси соат бирда Разудалов меҳмонхонадан телефон қилди. Аввалига йигирма мартача: “Маша, Маша, Маша...” деб такрорлади. Сўнг титроқ овоз гапира бошлади. Бироқ бу овоз куйлаётгандаги овозига сира ўхшамасди.

— Бизни огоҳлантиришди... Шундай битим бор экан, қайтмайдиганларнинг ҳаммасини уйларига жўнатиб юборишаркан...

— Нима, сен ҳам қайтмайдиганларданмисан?

— Худо асрасин, нималар деяпсан? — кўрқиб кетди Разудалов. — Ахир мен МК аъзосиман... Ўзинг қандайсан?

— Қандай бўларди. Яхши. Ҳаммаси жойида. Лёвушка соғ-саломат.

Орага жимлик чўкди. Сўнг Разудалов гапира бошлади:

— Ҳа, Лёвами? Эсимда... Ўғлим. Албатта, эсимда... Маллавой. Ўзи яхшими?

— Яхши...

— Мактабга боряптими?

— Ҳа, боряпти, болалар боғчасига.

— Жуда соз! Ўзинг-чи?

— Нима ўзим?

— Ўзинг қандайсан, деяпман?

— Турлича.

— Эрга тегмадингми?

— Йўқ.

— Ота-оанг қандай?

— Буни сен яхшироқ биларсан.

— Ҳа, албатта-я... Соғ-саломат бўлишса керак... Нега соғ бўлишмасин?

Айниқса, отанг. Уларни кўрмаганимга бир ярим йил бўлди...

— Менинг кўрганимга ҳам шунча бўлди. Ўзинг қандайсан?
 — Менми? Яхши юрибман, Куйляпман. Бир неча мукофотлар совриндори-ман... Меъда ярасини орттириб олдим.
 — У сенга нимага керак бўлиб қолди?
 — Бу нима деганинг?
 — Э-э, ҳазиллашяпман. Уйландингми?
 — Йўғ-е.. Никоҳ сиртмоғи, кечирасан-у, менга бўлмас экан. Бунинг устига ҳам-мани фақат омонат дафтарчам қизиқтиради... Ҳа, айтмоқчи, алиментни олиб ту-рибсанми?
 — Кўявер... Энди эсингга тушдими? Сен яхшиси, учрашамизми, йўқми, шуни айт?

Яна орага жимлик чўқди.

Рафа уйғониб қолди. Сиполик билан ҳожатхонага йўрғалди.

Разудалов бўлса ҳамон индамасди. Кейин маънос овозда:

— Мен, умуман, қарши эмасман... Биласанми, нима? Бу ерда “Рома” меҳмон-хонасида қаҳвахона бор. “Мариас” деб аталади...

— Бу “Маруся қошида”, “Мария ҳузурида” дегани...

Тасодифни қаранг.

— Сен эртага, соат ўн бирга ўша ерга келгин. Мен дераза олдида ўтираман. Сизлар шундоқ ёнидан ўтиб кетасизлар...

“Ё худо, — ўйлади Маруся, — совриндор, хизмат кўрсатган артист. Яна дунё-даги шунча нарсага аъзо бўла туриб... Уғлини кўришга қўрқади. Шунақаям бўла-дими?!”

— Майли, — рози бўлди Маруся. — Мен келаман.

— Ўттиз бешинчи ва еттинчи кўчаларнинг бурчаги. Соат ўн бирда.

— Келишдик...

Мана, ўттиз бешинчи ва еттинчи кўчаларнинг бурчаги. Мўъжазгина меҳмон-хона қошидаги қаҳвахонанинг деразаси очиқ. Ичкаридаги столда эллик ёшлардаги эркак ўтирибди. Шими яхшилаб дазмолланган. Портсигарида Кремль тас-вири. Сочи оқара бошлаган.

У қаҳва буюради. Буюриладиган овқатлар рўйхатини четга суриб қўяди. Вал-ютани тежаш керак.

У сигарет олиб чека бошлайди. Сигарети советларники. Махсус кийимдаги қиз унинг ёнига келади.

— Кечирасиз, бу ерда гиёҳ чекиш мумкин эмас. Теварак тўла полициячи.

— Тушунмаяпман.

— Бу ерда гиёҳ чекиш мумкин эмас. Тушунмаяпсизми. — “гиёҳни” чекманг!

Эркак инглизчани унча яхши билмайди. Шунга қарамай, бу ерда чекиш та-қиқланганини тушунди. Ҳолбуки, атрофдагилар чекиб ўтиришибди. У сигарети-ни ўчиради.

Нарироқда ўтирган бир занжи унга кўзини қисиб қўйди. Бу — хафа бўлма де-гани. Ахир, марихуана — тараққиёт юраги!

Разудалов тиржайиб финжонни кўтаради. Дунё йўқсиллари бирлиги — мана шунақа бўлади...

Соат миллари ўн бирга яқинлашяпти. “Гимбес” дўкони ёнида башанг оқ кўйлак кийган аёл. Унинг ёнида юмалоқ юзли болакай. Оғзига конфет солиб олган, ше-килли.

— Ойижон, кетдик, — дейди у. — Юра қолинг. Сув ичгим келяпти... Юрақо-линг энди...

Онасининг кўзи Разудаловга тушади: “Оҳ, шўрликкинам, — ўйлайди алам би-лан. — Буларнинг нима кераги бор?! Бари, бари фойдасиз...”

Маруся Лёвушкани етаклаб дераза олдидан ўтиб кетади. Уларнинг келажаги — бурчак ортида, шовқин суронли Нью-Йорк кўчаларида, ўтмиши эса официант қиз билан ҳисоб-китоб қиларкан, уларнинг ортидан қараб қолади.

Ўтмишлари ортда, уларга етиб олмоқ истайди. Эшикка қараб юради. Қатъи-ятсизлик билан тўхтади.

Бу фожеага алоқадор учинчи кимса ҳам бор. У Маруся кетидан яширинча пой-лаб юрган Рафаэль бўлади. Тунги кўнғироқ уни ташвишга солди. Ҳалиги лаъна-

ти ўрис унинг муҳаббатини ўғирлаб кетади, деб қўрқаётир. Шунинг учун ҳам изма-из пойлаб келаётир. Ана у қаҳвахона деразаси олдидан ўтди. Кўзлари Разудалов кўзлари билан тўқнашди. “Инқилоб ҳақимлар, қозилар, машҳур кишилар тоифа-сини абадиян йўқ қилади”, — деган фикр кечади хаёлидан.

Разудалов ҳам ўз навбатида: “Турқинг қурсин” дейди ичида. Тагин: “Худди капитализм иржайиши” деб ўйлайди.

Маруся Лёвушка билан сабзавот расталари бўйлаб юрди. “Стейшенери” дўкони олдида қадамини сал секинлатди. Метро беқатига бурилишди. Рафаэль орқаларида изма-из келарди.

Лёвушка “Музқаймоқ” деб ёзилган дўконча олдида тўхтади.

— Йўқ, — деди Маруся. Бўлди энди.

— Ойижон!

— Бўлди, дедим-ку! Ахир эрталаб единг-ку музқаймоқ.

— У аллақачон эриб бўлди, — деди Лёва

Маруся ўғлининг қўлидан тортди. У оёқ тираб туриб олди.

Шу пайт:

— Тўхта! Мария, қизишмагин! Лео, кўз ёшингни арт! Мен тўлайман! — деган овоз янгради.

Шундай деб Рафаэль (бу, албатта, ўша эди) чўнтагидан юз долларликни чиқарди.

Бир оздан кейин эса қичқирди:

— Такси! Такси!

УШЛАНГЛАР... ТЎТИҚУШНИ!

Орадан бир йилга яқин вақт ўтди. Польшада “Бирдамлик” тор-мор келтирилди. Жанубий Африкада швед дипломати Иен Торнхольмни еб қўйишди. Филиппинда муҳолиф фирқа раҳбарини кимдир отиб ташлади. Мелитополь яқинида ТУ-129 кулаб тушди. Жеральдина Фарроронинг эрини қаллобликда айблашди.

Бизнинг даҳамизда эса ҳаёт осойишта кечарди.

Фима билан Лора Бразилияга боришди. Ёқмади дейишди. Фотоширкат хўжайини Евсей Рубинчик янги техника ўрнига Эрдельтерьер сотиб олди. Баптистлар йиғилишида овоз бераётиб Лемкуснинг елкаси чиқиб кетди. Натан Зарецкий матбуотда маҳаллий иқлимни қаттиқ қоралади. Зяма Пивоваров “Днепр” дўконида қаҳва қурилмаси ўрнатди. Аркадий Лернер гаражи учун уч долларга эллипич харид қилди. Ефим Друкер ўз нашриётининг номини “Кўринмас китоб” деб ўзгартирибди. Каравасев автомобил ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилган террорчи ва ўғри Буэндиани ҳимоя қилиб мақола ёзди. Баранов, Еселевский ва Перцович ланчонетни балиқ овлаш катерига алмаштиришди.

Маруся октябрдан бери телефон қилгани йўқ. У қандайдир айтиш қийин бўлган жойда ишлаётганмиш, деган гап тарқалди. Гўё порнографик киноларда суратга тушаётганмиш.

Уйига икки бор қўнғироқ қилдим. Тушолмадим. Ҳақини тўламагани учун телефонни узиб қўйишибди. Галати-ку, ўйладим мен, — порнография билан қашшоқлик бир-бирига қандай мос келиши мумкин?!

Марусянинг Рафаэлдан ташқари бешта жазмани бор дейишди.

Улардан бири — КГБ полковниги. Бу ҳам менда шубҳа туғдирди. Телефонсиз бунақа бўлиши мумкин эмас.

Маруся юртига қайтапти, дейишди. Э-э, у аллақачон Москвада, дейишди бошқалари. Марусяни Лубянкада сўроқ қилишяпти, деганлари ҳам бўлди.

Шуниси қизиқки, бу гапларга бизнинг аёлларнинг жаҳли чиқди. Унинг кимга кераги бор, дейишди. Худди Лубянкага тушиш шарафли бир ишдек.

Рафаэль ҳақида ҳам гап тарқатишди. Гўёки у героин ва марихуана сотиб юрармиш. Полиция ўнинг изига тушган эмиш. Бу Рафаэль дегани ҳам майда безори, ҳам ашаддий гангстер экан. Барибир борадиган жойи турма. Яъни, Лубянкага тушмасдан иложи йўқ. Тўғри, маҳаллий аҳамиятга молик бўлганига. Айтайлик, Алякатрасга. Тагин нима бало деб ҳам аталарди бу ерда?!

Бу пайтлар менинг ишим анча юришиб кетганди. “Минта” китобим инглиз тилида босилиб чиқди. “Озодлик” радиосида ҳафталик эшиттиришларим сони кўпайди. Пачоқланган “Крайслер”ни анча шинам “Импала”га алмаштирдим. Дала ҳовли олиш ҳақида ўйлай бошладим. Ва ҳоказо.

Бошқаларнинг омадсизлиги мени, албатта, ташвишга соларди, лекин олдингичалик эмас. Бу ўзи одамларга хос нарса.

“Менинг ёшимдаги нуфузли кишилар, дер эдим мен, — жамиятга эмас, балки тангрига ва онлага тегишли бўлиши керак...”

Шу пайт Маруся кўнгироқ қилиб қолди. (Телефон ҳақини тўлаган, шекилли).

— Нима гап? Рафами? Ёки Лёвушкага бирор нарса бўлди? Айтсанг-чи, нима бўлди?

Маруся йиғлаб юборди. Мен жуда кўрқиб кетдим.

— Муська, — дейман унга, — тинчлан, ўзингни бос! Нима бўлди? Ахир ҳамма нарсанинг чораси бор.

У бўлса ўкириб йиғлади, гапиролмайди. Ниҳоят, йиғи аралаш:

— Лоло, — деди.

— Вой худойим-ей! Унга нима қилди?

— Учиб кетди!

Маълум бўлишича, ярамас тўти яна бир қафасни синдирибди. Гладдиолусли вазани ағдарибди. Марусянинг атир-упасини титибди. Сўнг ошхонага кириб печеньени еб қўйибди. Кейин ҳожатхонага ўтиб, очик деразадан қочиб қолибди.

Марусяни юпатишга уриндим:

— Қайтиб келади. Ҳадеб куйинаверма. Барибир учиб келади.

— Ҳечам-да! Лоло ўлгудай қайсар. Яқинда газета билан бир ургандим, — деди Маруся. — Форест Хиллсда ягона эркак битта ўша эди... Менинг бошқа ҳеч кимим йўқ...

У ўкиниб-ўкиниб йиғларди. Марусянинг сабр косаси тўлиб турган экан, шекилли. Лолонинг учиб кетиши унга сўнги томчи бўлиб қўшилибди.

Ҳаммаси жойида. Буни мен ўзимдан яхши биламан. Шунақа бўлади. Ҳаётда: иш юришмайди, қарзлар йиғилиб қолади. Кишини ваҳима босади. Мана, ижодим юришмаябди, навбатдаги қўлэзмам бир неча йилдан бери нашриётда ётибди. Журналларда бемаъни тақризлар босилди. Тишларимни тузаттиришим керак. Бу ёқда қизимнинг соғлиги жойидамас. Хотиним ажрашаман деб пўписа қилаётибди. Энг яхши дўстим қамоқда. Қисқаси, ҳамма ишим чаппасига кетяпти.

Бу ҳам етмагандек, шимнинг тугмаси узилади. Ёки, масалан, юзингга нарса тошади. Сенда қандайдир гумон пайдо бўлади: мана шу лаънати тугма бўлмаганида ёки юзимга нарса тошмаганида, қандай яхши яшардим, дейсан... Шунақасиям бўлади...

Маруся бўлса ҳамон жазавада:

— Лаънатлар бўлсин! Россия, эмиграция, Америка!

— Қаердан телефон қиляпсан?

— Уйдан.

— Бизникига кела қол.

— Лёвушкани овқатлантиришим керак. Рафа ҳозир келиб қолади... Мен уларга нима дейман? Вой худойим-эй, уларга нима дейман?!

Маруся яна йиғлашга тушди.

Соат олтиларга Рафа келди.

— Нима гап? — сўради у.

— Лоло! — деди зўрға Маруся.

— Кутиб тур! — деди-да, Рафа чиқиб кетди.

Соат олти яримда у Жамайкага етиб борди. У ерда акаси Рауль “Омад сўқмоқлари” деган хизмат корхонасига хўжайинлик қилади. Ёш нозим Рафага акаси йўқлигини айтди. У тиш табибига кетган экан. Эртага эрталаб келармиш.

— Афсус, — деди Рафаэль. — Қани, ўрнингдан тур-чи!

Ёш нозим ҳайрон бўлиб қошини чимирди.

— Тур ўрнингдан! — дўқ қилди Рафаэль.

У нозимни итариб ташлади-да, пультага ўтирди. Микрофонни улаб, дона-дона гапирди:

— Диққат! Диққат! Диққат!

У бир оз нафасини ростлаб, давом этди:

— Биродарлар! Диққат қилинглр! Микрофон олдида Рафаэль Хосе Белинда Чикорилло Гонзалес!

Ҳамма, ким йўлда бўлса! Ҳамма, ким рулда бўлса! Йўловчи-ю, йўловчисиз, пуллигу, пулсиз — ҳамма эшитсин! Кўнглида гам, қалбида алам, кўзида нур, юзида ҳузур бўлганлар тингланг. Мен сизларга мурожаат қиляпман, азиз дўстларим!

Яшил тўти йўқолиб қолди. Ушланглр тўтиқушни! Яшил тўти йўқолиб қолди! Ушланглр тўтиқушни!

Шунда бизнинг ажойиб даҳамизда гаройиб воқеалар юз бера бошлади. Кўчалар бўйлаб ўнлаб машиналар изғиб қолди. Улар чироқларини тинимсиз ёқиб-ўчи-рар, сигнал беришарди.

Пульт устига энгашган Рафаэль маълумотларни тўплай бошлади.

— Алло! Мен — ўттиз саккиз, икки, ўн бир. Континенталга буриляпман. Олисдан номаълум яшил нарса кўзга ташланыпти... Кечирасиз, босс, бу светофор экан!

— Ҳай! Мен — Лу Рамиресман. Олтмиш тўртинчи бўйлаб Александресга кетяпман. Олдиндаги “ноль-бир” манзили доирасида тез учиб кетаётган яшил қушни кўраёпман. Изига тушдим... Етай деб қолдим. О, Каррамба! Бу “Боинг Ал Италия” экан...

— Ҳой босс! Мен — Фреди Аламо бўламан. Ўн икки, қирқ олтиман. Елаустоун бўйлаб, Жуэл авенюга қараб кетяпман. Иккита ажойиб филиппинлик дўндиқчалар изидан тушдим. Сизни кутаман, босс! Нима? Тўтиқуш? Унда йўлни Ғарбга бураман...

Орадан бир соат ўтиб, Форест Хиллснинг барча йўллари айғоқчиларга тўлиб кетди. Кетма-кет ҳисобот келиб турибди:

— Бос! У яшил, лекин ҳуряпти! Менимча, бу бўялган такса¹ бўлса керак!

— Босс! Мен уни ушлаб, юкхонага қамаб қўйдим. Каттагина гапирувчи тўти. “Мен — Моргулис” деб аниқ айтаяпти.

— Босс! Товус ҳам бўлаверадими? Нима? Қардан телефон қиляпсан, дейсизми? Мадоу паркдаги зоосекшдан...

Бизда гап тезда тарқалади. Соат тўққизларга Баранов, Еселевский ва Перцовичлар йўлга чиқишди. Уларнинг кетидан Евсей Рубиңчик ҳам ўз “Олдсмобил”и-да йўлга чиқишди. Пивоваров ўз рефрежератор-тракини ҳайдаб чиқди. Аркаша Лернер яшил “Вольво”сини олиб чиқди. Лемкус эса баптистлар жамоаси томонидан берилган пачоқ “Харлей Девидсон” мотоциклини ҳайдаб қолди.

Караваев билан Зарецкий соқчиликка пиёда чиқишди. Публицист Зарецкий каттакон транспарант кўтариб олганди. Унга: “Ушланглр тўтиқуш ва Ефим Друкерни” деб ёзилганди.

— Друкернинг нима алоқаси бор? — деган саволга тушунтирарди:

— У менинг “Тоталитаризмдаги секс” деган асаримни нашр қилиши керак эди. Мана, уч йилдирки, уни ушлолмаёпман...

Шуниси қизиқки, Ефим Друкер ҳозир бошқа кўчада соқчилик қиларди. Лекин Караваев билан Зарецкийдан анча олисроқда...

Форест Хиллс устини гала-говур қоплади.

— Ушланглр тўтиқушни! Ушланглр тўтиқушни! Ушланглр тўтиқушни!

Бу пайтда Маруся Лёвушкани овқатлантириб бўлиб, телевизорни қўйди. Чиройли кийинган ва хушрўйгина оймқизга ўхшаб қолган Майкл Жексон ингичка овозда қийқирарди:

Мен булутлар оралаб,
Йиллар ошиб бораман.
Ёмон ҳаво ёришар
Дея шошиб бораман!

¹ Такса — кўшпакнинг бир тури.

Кўчадан Лотин Америкалик болакайлар қийқириғи эшитилиб турарди. Марусянинг қора кўзойнагини тақиб олган Лёвушка ўзини ойнага соларди. Ошхонада тостер¹ чирсилларди.

Маруся музлатгичдан бир шиша ромни олди ва ўзича ўйлади: “Ҳозир ичиб оламан-да, эрталабгача йиғлайман. Нима бўлса бўлар...”

Бирдан кимнингдир буйруқона овози эшитилди:

— Шит!

Маруся аланглади — ҳеч ким йўқ.

Ўша овоз қатъийроқ таъкидлади:

— Фак!

Маруся ўрнидан турди.

Тагин ўша овоз:

— Шит!

Икки сониядан сўнг:

— Фак!

Шундан кейин бидирлай кетди:

— Шит, шит, шит, фак, фак, фак.... Шит, шит, шит, фак, фак, фак...

— Лоло! — хитоб қилди Маруся, дераза олдига югуриб бориб, пардани кўтарди.

Тўти дераза рафида турарди. Ям-яшил, сариқ тожли, қизғиш ёлли ва қора тумшуқли тўтиқуш. Думининг ярми юлинган.

Кўнғироқ жиринглади. Маруся телефонга чопди. Рафа шубҳали сўради:

— Ёлғиз эмасмисан?

— Йўқ, ёлғизмасман, — хитоб қилди Маруся. — Тезроқ кел!

* * *

Маруся Макарович уйига энгил машиналар қаторлашиб кела бошлади. Машиналар юкхоналарининг қулфлари ёқимли шилқиллашга тушди. У ердан турли-туман боғламалар, бўғчалар, саватлар олина бошлади.

Баранов, Еселевский ва Перцович ялтироқ бўйинбоғларини ечмай туриб, болгалар билан қуролланиб ишга киришди. Улар бўлак-бўлак ҳолда олиб келинган икки кишилик каравотни тахлай бошлашди.

Евсей Рубинчик пайвандланган чўян қафасни инқиллаганча кўтариб келди. Лолога мўлжалланган бу қафасга Рафаэль ҳам сигарди.

Аркаша Лернер Марусянинг ҳузурига жуда энгил келди. У долларга сотиб олинган Нью-Йорк лотореяси чиптасидан олиб келганди. Шу кунни тўрт миллиондан ошиқроқ пул ютуғи ўйналарди.

“Днепр” дўкони соҳиби яна бир арава озиқ-овқат, мева-сабзавот олиб келди. Лекин бу сафар аравача мельхиор² дан эди.

Друкер бир юз ўн саккиз жилдлик “Жаҳон саргузашт ва фантастика кутубхонаси” билан чекланди.

Аммо ҳуқуқ ҳимоячиси Караваев ҳаммани лол қолдирди. У боши гаранг ва маҳзун бир аҳволда кириб келди. Маруся Макарович шарафига ўзини ёндириш маросимини ўтказмоқчи бўлди. Шундоққина Марусянинг лифти ёнида. Ёнаётган Караваевни французларнинг “Люамель” брендиси³ билан ўчиришга улгуришди. Буни қарангки, унинг яшил синтетик пиджаги ўтга чидамли матодан экан.

Караваев сал-пал тинчлангач, мулойимлик билан сўради:

— Менинг ичимдаги оловни ўчириб бўлмайдами?

Унга ўша “Люамель” дан қуйиб беришди.

Публицист Нотан Зарецкий совғаси ҳаммага таъсир қилди. У Марусяга ноёб эсдалик ҳадя этди. Бу диссиндент Шафаревичнинг ўз қўли билан ёзилган яширин

¹ Тостер — нондан сухари тайёрлайдиган электр асбоби.

² Мельхиор — мис билан никель аралашмаси.

³ Брендис — ароқнинг бир тури.

қўлёмаси эди. “Даргумон” деб номланган бу қўлёмаси шундай ёзилганди: “Шафаревич. Олтмиш еттинчи йилнинг йигирма биринчи апрели...”

Соат еттиларга яқин Марусянинг уйига ҳашамдор қора лимузин яқинлашди. Ундан Гонзалес фамилияли ўн тўртта испан тушди. Булар: Теофилио Гонзалес, Хорхе Гонзалес, Жессика Гонзалес, Крис Гонзалес, Пи Эйг Ар Гонзалес, Лосарилли Гонзалес, Марио Гонзалес, Филуменио Гонзалес, Ник Гонзалес ва Руаль Гонзалес. Улар орасида Арон Гонзалес ҳам бор эди. Бусиз мумкин эмас.

Маълум бўлишича, лимузин куёвга ҳада экан. Келинга эса атайлаб серенада¹ тайёрлаб келишибди.

Турли-туман ноз-неъмату гуллар билан безалган дастурхон ёзилди.

Рафаэль қора шим-костюмда, келин ҳошияли оқ кўйлақда. Меҳмонлар юзида табассум. Лоло ҳам сўкинмасди. Лёвущка одатдагидай лунжига конфет солиб олибди.

Муסיқа янграяпти. Ҳамма кимнидир кутяпти. Ростини айтсам, кимни кутишаётганини фаҳмлаб турибман. Улар тирик муаллифни кутишяпти.

Мана, биз ҳам, рафиқам ва қизим билан кириб бордик. Маруся кутилмаганда йиглаб юборди...

Энди мен лом-мим демайман. Чунки яхши нарсалар ҳақида гапиролмайман. Нимага деганда биз фақат ҳамма жойда кулгили, обрўни тўкадиган, аҳмоқона ва ачинарли нарсаларнигина кўришга одатланганмиз. Ҳозир буларни гапирсам гуноҳ бўлади.

Қисқаси — шунинг учун ҳам лом-мим демайман.

ТИРИК МУАЛЛИФНИНГ МАРИЯ ТАТАРОВИЧГА МАКТУБИ

СЎНГ СЎЗ ЎРНИДА

Муся!

Сен “импотент”² эмасмисан? — деб мендан жуда кўп сўрардинг. Афсуски, йўқ. Ҳозирча бу дардга чалинмаганман.

Агар шундай бўлсам, унда далилни шарҳлаш керак бўлади..

Рухсатинг билан сенга айтмоқчиманки, менинг импотенциямнинг номлари — Елена, Ника, онам. Умуман, тушунарли.

Ҳа, мен боғлиқман. Лекин мен ўзимни боғлаб турган риёзат занжири, кишан, бўйинтуруқ, шоти ва пихларимни жон дилимдан яхши кўраман.

— Сен — қаҳрамон, мен муаллифман. Сен менинг гаройиб қаҳрамонимсан. Эшитаётганинг ҳамма нарсани мен гапиряпман. Содир бўлган нарсанинг ҳаммасини мен бошимдан ўтказганман.

Мен — қасоскор, итоаткор, нўноқ, баттол муаллифман. Мен билганларнинг ҳаммаси менда яшайди. Улар менинг жиззакилигим, баттоллим, кибру-ҳаволигим, беғамлигимдир.

Мен — муаллиф, сизлар менинг қаҳрамонларимсиз.

Биласанми, баъзан ўз-ўзимдан бақиргим келади:

“Ё Раббим! Бу қандай бахт, қанчалар шараф! Рус алфавитини билганим — тақдир мени алқаганидир!”

Қисқаси, бир-биримизга ҳаққимиз, даъвоимиз йўқ. Тангри сизга омад берсин...

Агар Худо йўқ десангиз, Муся, унда ўзингиз ҳаракат қилишингизга тўғри келади. Шу билан сўзим тамом-вассалом. Нуқта.

*“Октябрь” журналининг
1990 йил, 4-сонидан олинди.*

¹ Серенада — мадҳия қўшиқ.

² Импотент — шахвоний ҳирсдан маҳрум.

Пётр ВАЙЛ хотирлайди

— Ўз вақтида Бродский Довлатов ҳақида: “У мен охиригача ўқийдиган ягона замонавий рус ёзувчисидир деган эди”. Худди ана шу сифат — қизиқтирувчанлик билан Довлатовнинг ўзи ҳам фахрланар эди. “Серёжа Довлатов ҳақида” деган эссесида Бродский: ўн-йигирма йил ўтгач, Довлатов тан олинган рус ёзувчилари сафидан ўрин эгаллайди, деб ёзган эди. Бу жуда аниқ башорат. Ҳолбуки, узоқ вақт мобайнида Довлатовга кулгили воқеалар ҳикоячиси сифатида қараб келишган. Дарҳақиқат, кўп ўтмай Довлатов энг машҳур, энг севиб ўқиладиган рус носирига айланди. Бу анча ҳайратомуз, зеро Довлатов насрида ҳеч қандай ғайри оддий хусусият йўқ. Унинг услуби муътадил, тили равон, мавзулари ўта жўн. Баъзан унинг ёзганлари латифага ўхшаб кетади. Хусусан, унинг “Тўй бола” ҳикояси, “Тоққа қараб”, “Кимнингдир ўлими ва бошқа ташвишлар” сингари асарларидан латифа ҳиди келиб туради. У чинакам ҳикоянавис эди. Ўз мўлжалини жуда камтарлик билан Куприн деб атагани ҳам бежиз эмас. Гарчи Куприн энг буюк рус ёзувчиларидан бўлмаса ҳам, яхшигина ҳикоянавис эди. Шунинг ўзиёқ Довлатовнинг диди қандай бўлганини кўрсатиб турибди.

Бу, албатта, қандайдир адабий ўйин эди. Ўйиннинг устаси эса Довлатов ҳисобланарди. Табиий, Куприн билан Довлатовни таққослаш мумкин. Бунда, ўйламанки, ҳозирги китобхонлар ҳеч иккиланмасдан Довлатов фойдасига қўл кўтарган бўлардилар. Борди-ю, у ўзини Толстой ёки Чехов билан ёнма-ён қўймоқчи бўлса, демак, билатуриб ўзини иккинчи ёки учинчи ўринга маҳкум этган бўлур эди.

Довлатовнинг чинакам муҳлиси бўлган кўплаб кишиларни учратганман. Турли ёшда бўлган бундай кишилар ҳар қайси ижтимоий қатламлар орасида топилади. Менинг 82 яшар қайнотам унинг ашаддий муҳлиси. Унинг асарларини қўлдан қўймай ўқиётган кўплаб ўн олти яшар қизчаларни биламан. Эҳтимол бу унинг ақл ўргатишга уринмаслигидандир. Бу нарса ўзи XIX аср рус адабиётида етишмас эди. Довлатовнинг тили ва услуби — унинг ўз иқтидори, ҳикоянинг тузилиши эса фарб адабиётига хосдир, дейиш мумкин. Довлатов, умуман, ғалати маълумотга эга эди — у XX аср Америка адабиётини жуда яхши биларди. Айни пайтда антик адабиётдан ёки Шекспирдан деярли беҳабар эди. Мен у билан Скот Фицжеральднинг “Буюк Гэтеби” ёки Сэлинджер ҳақида соатлаб гаплашганман. Албатта, у ҳам барча ўз тенгқурлари қатори қачонлардир Хемингуэйга сажда қилган, кейинги йилларда эса, аксинча, ундан юз ўгирган. Лекин Америка мактабининг таъсири сезилиб турибди — қисқа жумлалар, босиқ юмор...

— *Ҳамма соҳада воситалар хасислиги, демоқчисиз-да.*

— Шундай. Довлатов — ўта минималист, бу эса ўқувчини ўзига тортади. Китобхон ўзини қаҳрамонгагина эмас, балки муаллифга ҳам ўхшатишга ҳаққи бор-ку, ахир. Бундай имконият эса ҳамиша ҳам туғилавермайди. Айниқса, адабиёт узоқ вақт фуқаролик тартиблари ўрнини эгаллаб келган Россияда шундай эди, ёзувчи шоҳсупага қўйилар, унга пастдан туриб юқорига қаралар эди. Довлатов билан эса ёнма-ён туриш мумкин эди (гарчи айнан унга пастдан юқорига қарашга тўғри келса ҳам, чунки унинг бўйи 1 метр 96 см. эди).

— *Демак, адабиётда сиз ҳозир айтиб ўтгандай Довлатовнинг ўз йўли бор. Лекин Сорокин ёки Пелевин йўллари ҳам бор-ку, ахир. Сизнингча, улар бир-бирини инкор этмайди?*

— Улар ёнма-ён яшайвердилар ва бунинг учун қувониш керак. Маданиятда айириш — ҳамиша кулфат, қўшиш ва кўпайтириш эса фақат фойда. Лекин мен Пелевин ҳар қанча машҳур бўлишига қарамай, ибодатхона ёзувчиси деб ўйлайман, Довлатов бўлса халқ ёзувчисидир. Ҳатто 82 яшар қайнотамга маъқул кела-

ётган Сорокин асарларини қандай ўқишини тасаввур қилишим қийин. Довлатов эса ҳамиша севиб ўқиладиган ёзувчидир. Унинг ўз муваффақиятини кўролмаётгани менга жуда алам қилади. Ҳолбуки, у буни кўришни жуда истарди. У шуҳрат қозонишни орзу қилмасди. Буни тасаввур ҳам қилолмасди. Мана у шуҳрат қозонди, уни бевақт ўлим тезлаштирди. У ўз шуҳратигача атиги бир неча ойгина яшай олмади.

— *Менимча, унинг бундай шуҳрат қозонишида дўстлари доираси, “Звезда” журнали, Довлатовни адабиётшунослик истеъмолига олиб кирган Андрей Арьев анчагина роль ўйнайди.*

— Ҳа, албатта. Бу ролни баҳолаш қийин. Лекин, барибир, Довлатов турли сарҳадларни, масалан, Москва билан Ленинград ўртасидаги сарҳадларни хатлаб ўтишга муваффақ бўлди. Эсимда, бир сафар Сахалин шимолидаги Оха шаҳрида бўлгандим. Хароб бир жой, зилзиладан қаттиқ шикастланган, қандайдир нефть институти зўрға кун кўраётти, лекин маҳаллий телестанция ишлаб турибди. Ана шу телестанцияда мендан Довлатовни сўраб суриштирди, яна шундай назокат билан сўради билан тенг! Демак, барча мактаб, дўстона доиралар ва гуруҳлар сарҳадлари оша кенг ёйилишига муваффақ бўлибди. Афсуски, энди у орамизда йўқ. Уни ўз ватандошлари кўролмаганлари айниқса ачинарли. Уни телеэкрандан тушмаслигига шубҳа қилмайман. Довлатов телеюлдузларга хос барча фазилатларга эга эди: келишган суҳбатдон. Буни тасаввур қилиш қийин, лекин у жуда сўзамол эди. Соф тилда гапирар, сира сўкинмасди. Суҳбатда, баҳсларда бўш келиши мумкин эди. Лекин тарихдан гап очилдими, бас, жимгина ўтириб тинглаш ҳузур берарди.

— *Сиз уни шахсан яхши танирдингизми?*

— Бўлмасам-чи. Уни 1978 йили Нью-Йоркка келганидан бери яхши танирдим. Биз дарҳол дўстлашиб кетдик, танишувимизнинг илк кечасиёқ “сен”лаша бошладик. Бу унинг учун ҳам, мен учун ҳам одат эмасди. Билишимча, у билан гаплашган сўнгги одам ҳам мен бўламан. Мен у билан эрталаб соат 8 да гаплашгандим, 10 га бориб оламдан кўз юмди.

— *Сизда “Бир куни биз Довлатов билан” жанридаги воқеалардан бирортаси йўқми, мабода?*

— Мен гапиришдан кўрқаман, чунки Довлатов билан нимаики юз берган бўлса, унинг ўзи ёзиб улгурган. Бундан ташқари, унинг жозибаси замонавий рус адабиётига ёмон хизмат қилди. Китобхон ҳам, ҳамкасб — адиблар ҳам унинг ютуқлари сирини нимаданлигини қидириш билан овора...

— *Уни такрорлаш учун-да.*

— Худди шундай. Ҳамиша ютуқ алгоритминини топиш мумкиндек кўринади. Довлатов ҳақиқий исмлар, аниқ воқеаларни қаламга олди — шу тариқа ювинди адабиёт оқимига кенг йўл очилди.

— *Менинг-ча, бу нарса ҳозирги ижодиётдаги энг жирканч ҳодиса бўлса керак, ачинарлиси шундаки, уни Довлатов яратди.*

— Ҳа, лекин табиийки, бунда унинг айби йўқ. Ярим кундалик ҳолидаги наср бутунлай, уятли ҳақоратномага айланди-қўйди. Ҳолбуки, Довлатовнинг ўзи буни сира хоҳламасди. Журналистикадаги айрим ҳоллар бундан мустасно, албатта. У ўта қизиққон эди — сал нарсага портлаб кетарди — яҳудий-арман қон аралашмасининг ҳосиласи ўзини кўрсатиб турарди. Тезда жаҳли чиқар, хафа бўлар, лекин дарҳол эсидан чиқарарди. Лекин ўзи кимнидир хафа қилиб қўйдим, деган фикрни

хаёлига сиғдиролмасди. У хафа қилган одамидан кечирим сўраш, бир-икки оғиз ширин сўз айтиш учун Нью-Йоркнинг нариги чеккасига боришдан эринмасди.

Довлатовнинг “Қайдлар дафтари”да мен ҳам борман. Мендан ўша ерда ёзилгани ростми, деб сўрашганда, албатта йўқ, дейман. Лекин ўша дафтардаги уйдирмага тўла қўшиламан. Муҳими ана шунда.

— *Бадший жиҳатдан тўғри, шундайми?*

— Шундай. Бу борада сира янглишмасди. Умуман Довлатов сира рус ҳодисаси эмас. Чунки унда ҳиссиёт мезони истеъдодга нисбатан анча катта роль ўйнайди. Анъанавий рус тушунчасига кўра, унда истеъдод унчалик кўп эмасди — қандайдир мавзуларни ўйлаб тополмасди. Шу боисдан ҳам унинг жуда кам яшаганлиги ўта ачинарлидир. Чунки истеъдод сўниши мумкин, бундай фазилатлар эса узоқ яшайди.

— *Демак, унинг Ғарбга бориб қолганлиги, эҳтимол, ташқи эмас, балки ички қонуниятдир?*

— Албатта. У Ғарбга ёзувчи бўлиш учун кетганини бир неча бор гапирганди. У хориждаги турмушга унчалик уйғунлаша олмасди. Масалан, инглизчани унчалик яхши гапира олмасди. Сўзга ўта эътибор берганидан бу ҳолатидан жуда уяларди. Ғарбдаги ҳаёт услубига жуда тез мослашиб кетди. Бу ҳаёт унга маъқул келганди. Менга ҳада этган бир китобига “Дороз Довлатовдан” деб ёзганди. У ерда у ўз ўрнини топгандай эди. Узоқ йиллар ҳар бир куним унинг кўнғироғи билан бошланарди. У эрталаб соат олти ярим, еттиларда телефоен қиларди (биз иккаламиз ҳам жуда барвақт турардик), лекин бир нарса менга жуда ғалати туюларди. Нью-Йоркда шунча вақт яшаб, бирор марта “Метрополитен” музейига тушмагани мени ажаблантирарди, умуман бошқа бирор музейга бормаган эди. Бордию унинг ҳузурда Вена музейида Брейгелнинг 12 та картинаси бор, дегудай бўлсангиз, дарҳол: “Бундай кераксиз билим сенга нима кераги даркор?!” деб жеркиб берарди.

— *Бу ҳам минимализмнинг кўриниши-да.*

— Худди шундай. Америкадан у менга нисбатан ақллироқ фойдаланди. У Америкадан ҳаётга бошқа муносабатда ва шахсга ҳурматда бўлишни ўрганди. Бу куруқ гап эмас, ахир. Америка автобуси қийналмай чиқиб олиш учун ногирон одам олдида “тиз чўкишини” кўрсанг, юрагинг хапқириб кетади; бундай икир-чикирларни Довлатов яхши илғаб олди ва қадрлади. Яна Бродский ёзганидек, уларнинг авлодлари мустабид жамият ичида ўзларини озод сезган биринчи кишилар авлоди эди. Довлатов эса ана шундай озодликни ғарбда топганди.

— *Ҳолбуки, айни шу нарса маънавият ҳақида бизлар севиб лоф урадиган ҳар қандай ваъзларимизга зиддир. Зеро, маънавият, қадрият ҳақида гапирамиз-у, айни чоғда ўша ногиронни тупроққа қорамиз.*

— Ҳа, Путин мамлакатни чечен уруши билан боғлиқ таҳқирланиш ботқоғидан олиб чиқди, деган ҳавойи гаплар ҳам шундай даъволар сирасидан ҳисобланади. Сира ақлим бовар қилмайди, ўқитувчилар маош олишмаётгани нега ҳеч кимнинг иззат-нафсига тегмайди. Буларнинг ҳаммаси бегоналарни имкон борича кўпроқ ўлдирадиган, лекин ўз фуқароларига ёрдам бермайдиган давлатгина буюқдир, деган ўрта асрлар ақидасидан бошқа нарса эмас.

— *Лекин, барибир, Довлатов ўша ҳаётга қанчалик мослашмасин, менинча, уни муҳожир ёзувчи деб бўлмайди.*

— Йўқ. Умуман, ҳозир муҳожир рус адабиёти ҳақида гапириш ўринсиз. Шундай адабиёт бўлиши учун мавзу керак. Мавзу — икки дунё орасидаги узилишдир.

Бундай узилиш биринчи “ўтувчи”ларда. Ҳаммаси табиий равишда, қайта қуриш билан узилди-қўйди ва худого шукр.

— Сиз Довлатовни сиғинадиган шахсга айлантиришга уринишни зарарли деб ҳисоблайсизми?


— Ҳа, бу қўпол парадокс. Айниқса, унинг асарларида ақл ўргатадиган нарсанинг ўзи йўқлигини ҳисобга олганда мантиққа тўғри келмайди. Лекин, менингча, унинг зарари йўқ. Россияда ёзувчиларга авайлаб муносабатда бўлиш шиддат билан сусайиб бормоқда. Лекин ҳали Америкадагичалик вазиятга тушиб қолингани йўқ.

Зеро, сен меҳмон бўлиб борсанг-у, адиб эканлигини айтиб қолсанг, сени юпатишга ҳаракат қилишади. Ҳечқиси йўқ, сиз ҳали бирор касб эгаллашга улгурасиз. Бироқ Россияда ҳам ҳамма нарса шу йўналишда ҳаракат қиляпти, шунинг учун ҳам ташвишланишга ҳожат йўқ. Аммо ёзувчи шахсига ҳали-ҳамон қандайдир аҳамият берилаётир. Ва бу жараён Россияда ҳали анча вақтгача давом этади. Шундай экан, ҳали ёзувчи шахсига сиғинишга уриниш бўлиши турган гап.

“Литературная газета” санинг
2000 йил, 37-сонидан олинди.

Суҳбатдош
Татьяна ВОЛЬТСКАЯ

Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси



Жорж Гордон БАЙРОН**Нурли оламлар****МЭРИОНга**

Нечун ғамга ботдинг, Мэрион,
 Ранжитдимми бирон беимон?!
 Малаксиймо чеҳрангга рости,
 Ранжу алам ярашмас асти.
 Дарди ишққа йўлиқдингми ё,
 Фавворадай тўлиқдингми ё?
 Муҳаббат, оҳ, ҳам қувонч, ғусса,
 Гоҳо шод, гоҳ қайғули қисса.
 Гарчи қилар телба-девона,
 Бироқ бу дард сенга бегона.
 Билмам нечун ботибсан ғамга,
 Не кам, айтгил, сендай санамга?!
 Офтобдай чарақла дилдор,
 Қолмагай ҳеч қалбингда ғубор.
 Бўлгай десанг жумла эл банда,

Жилва қилгай чеҳрангга ханда.
 Чарақлагай кўзларинг юлдуз,
 Табассум қил, қошлари қундуз.
 ... Маликаси қалбимнинг бўлак,
 Давъатимга қулоқ тут, малак.
 Қанча чарос бўлмагай кўзлар,
 Болдан тотли бўлса-да сўзлар,
 Сунбул сочлар қайта-қайта дом,
 Тикса-да боз, инон, дилором.
 Яккаш оний кўрсатгай таъсир,
 Йўқ, бутунлай қилолмас асир.
 Олам бино бўлгандан буён,
 Ишқ бобида муқаддас мезон:
 Юрак ила меҳрга тўла,
 Қозонилар севги бир йўла!

**АНГЛИЯДАН ЖўНАБ КЕТИШ ЧОҒИДА
 БИР ХОНИМГА БАҒИШЛАГАНИМ**

Фурсат етди! Гувиллар уммон,
 Сафарга шай кема ҳам шул он.
 Елқанини ўйнайди шамол,
 Фурсат етди дегандай, алҳол,
 Кетар бўлдим юртимдан такрор,
 Ёлғиз сени севарман, эй ёр!

Тўйдим ғариб ҳаётдан, нетай,
 Ҳасратимни оҳ, кимга айтай.
 Ёлғиз сафар — ягона нажот,

Ортиқ васлинг бегона, ҳайҳот,
 Ортда қолди барчаси, эсиз,
 Эй ёр, сени севарман ёлғиз.

Гоҳ йиғлатиб, қувонтирган гоҳ,
 Кўпдан менга бегона нигоҳ,
 Гарчи менга оғирдир ғоят,
 Унутарман бир кун ниҳоят.
 Гар тор қафас қадрдон гўша,
 Юрагимга ҳоким тек ўша.

Абдул ХАМИД
таржималари

Жорж Гордон Байрон (1788-1824) жаҳон шеърляти сол-номасида чақмоқдай ёркин из қолдирган шоир. У озодлик ва ҳақиқат жарчиси сифатида нафақат ёниб ижод қилган, балки миллий-озодлик курашининг илҳомчиларидан бирига айланган. Афсонавий шахс даражасидаги шоирнинг қатор лирик шеърлари, "Шийлон тутқуни" достони ва "Манфред" драматик достони ўзбек тилига ўғирилган. Ҳукмингизга ҳавола қилинаётган лирик шеърлар Байрон асарларини ўзбекчага таржима қилиш борасида навбатдаги қадам ҳисобланади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

57

Якка-ёлғиз мардона, шоввоз,
Долғаларга чиқарман пешвоз.
Чор-атрофга назар ташлайман,
Дўст тополмай дилим ғашлайман.
Оч домига тортар оломон,
Ёлғиз сени севарман ҳамон.

Узундан ҳам узун йўл босиб,
Топарман бир макон муносиб.
Лекин латиф хаёлинг, эй ёр,
Ҳаловатим ўғирлар такрор.
Ҳажринг аро қоларман якка,
Сендан ўзга сифмас юракка.

Ҳатто қашшоқ дайди ҳам ғариб,
Бир бошпана топгай ахтариб.
То бор экан савобталаб жон,
Яккаланиб қолмас ҳеч қачон...
Қай бир зотдан кутай, айт, мадад,
Ёлғиз сени севиб то абад.

Саргаштаман — бу қисмат надир,
Қай бир юртда топарман қадр?
Учрармикан жонини нисор —
Айлагувчи фидойи бир ёр?
Сен-чи ҳануз сир бермайсан, сир,
Ёлғиз сенга бўлсам-да асир!

Қалбим каби жўшқин, беором,
Денгизларда улоқиб сарсон,
Тоғу ўрмон, қирларда хиром —
Айлаб умрим ўтса беармон.
Зиндонсан сен, Англия, зиндон,
Озод қалбим ҳурликка ташна.
Барчасидан юз буриб хандон —
Хур ҳилқатга бўлсайдим ошна.

Дов-дарахтлар бағрида, ё раб,
Унут бўлгай қуллару хонлар.
Лаганбардор, ялтоқи хароб,
Турланувчи манфур бўҳтонлар.
Муҳаббатга муҳиб, асира,
Бокира ишқ, бокира имон,
Шовуллаган тўлқинлар узра,
Қояларда кезай беармон.

Гарчи гўрман, аёндир бироқ —
Мен — дунёга, дунё менга ёт.
Кўринмагай йилт этган чироқ,
Зимистон тек, зулмат, зулумот.
Тушларимда ахир инчунун,
Толе кулиб боққан, толе хур.
Қалбим кўзин очдинг не учун,
Эй Ҳақиқат, эй илоҳий нур.

Недан маҳрум, неларга эга,
Кимлар эдик, айландик кимга?
Тегирмоннинг тошидай тақдир,
Ожизларни енгмоғи ҳақдир.
Олов-оташ қалбим мардона,
Мангу сени севар ягона.

Хаёлимга ҳоқим қай жонон,
Билмагай ҳеч сергап оломон.
Ишқимни рад этмиш қай малак,
Сенга аён — мен шўрлик ҳалак...
Бу дунёда саноқли сарбаст,
Биргина ёр ишқи ила маст.

Севмоқни боз айладим хаёл,
Паривашни фаришта тимсол.
Ҳажринг бағрим этмаганда қон,
Севар эдим такрор бегумон.
Ўзга ҳурни севоғим оғир,
Ёлғиз сени деганман, ахир.

Нигоҳингга, оҳ, сеvimли ёр,
Тўёлмадим, ҳайҳот, сўнгги бор...
Сендан жудо кўнглимга мискин —
Олис сафар ҳам малҳам, таскин.
Гар Ватандан, толедан йироқ,
Ёлғиз сени севарман бироқ.

* * *

Қайда қалбим саҳобалари,
Қайда ошна, қайда дўст-ёрон.
Наҳот ёт ҳам бегона бари,
Дардларимга бўлолмас дармон.
Фақат сархуш этганда шароб,
Оний сурур инар юракка.
Давраларда яйрайман шитоб,
Бироқ қалбаң яккаман, якка.

Бетайинлар — на дўст, на душман,
Сафсатаси ёқмагай асти.
Қай бирлари бадавлат, манман,
Қай бирининг боз дароз дасти.
Қайда холис дўстлар бегубор,
Жондан азиз ёронлар қани?
Хор бу каслар не учун даркор,
Касларки сур, манфур, бемаъни.

Сен эмасми муҳтарам Аёл,
Бахт, Саодат, Толе беармон.
Бироқ васлинг ё раб, бу не ҳол,
Ортиқ масрур этмас ҳеч қачон.
Юрагимни бездирган ғариб —
Қашшоқ қисмат, сендан кечиб воз,
Дардларимга дармон ахтариб,
Бўронларга чиқай боз пешвоз.

Саҳроларга бош олиб кетсам,
 Йўқ, йўқ, Сизга ихлосим қатта.
 Оташ қалбим, ростини айтсам,
 Долғаларда яйрар, албатта.
 Юксакликлар қалбим этган ром,
 Юксакликлар қалбимга ҳамроз.
 Тубанликдан кечиб батамом,
 Озод қушдай боз айлай парвоз.
 Ўтиб бўлди ҳаётим магар,
 Гарчи етди видо маҳали.
 Мени ҳеч ким севмаса ҳам гар,
 Севишни боз истайман ҳали.

ЎТТИЗ ОЛТИ ЁШГА ТЎЛГАН ТАВАЛЛУД КУНИМДА

Кундан-кунга яқин интиҳо,
 Эсар фасли ҳазон еллари.
 Қаро қабр кутар оч, юҳо,
 Бағримда тек армон унлари.

Гар дилимда аланга, учқун,
 Ҳамон ёнар ва боз ўт олар,
 Руҳимни шод айламоқ учун,
 Ёқилган шам бўлиб туюлар.

Гарчи кулиб боқмади тақдир,
 Халоскорим бўлдинг муҳаббат.
 Йиллар абгор айлаган тақир,
 Дилимга ёр ўзинг то абад.

Надоматлар пайтимас бу он,
 Тўрт тарафда шодлик, тантана.
 Гулчамбарлар ёқутдай алвон,
 Ғолибларга интизор, ана.

Юнонистон! Қиличинг, туфинг,
 Ўғлонларинг чорлайди жангга.

Завол билмас зафар, ютуфинг,
 Фидо минг жон она Ватанга.

Қанот боғла беором руҳим,
 Сор лочиндай парвозга шайлан.
 Надоматим, афсус, андуҳим,
 Шижоатга, шиддатга айлан.

Жасоратни касб айла боз,
 Пуч орзулар этмагай асир.
 Ишқ Тангриси чертаётган соз,
 Қалбингга йўқ, қилмагай таъсир.

Чекма қанча алам-изтироб,
 Ёшлигинг ҳеч келмагай қайтиб.
 Жангга отлан ёвқур ҳам шитоб,
 Жангга отлан алёрлар айтиб.

Мардлигингга элу юрт шоҳид,
 Кўкрагингни қалқон қил, қалқон.
 Шер йигитга кетмоқдан шаҳид —
 Зиёд толе бўлмас ҳеч қачон!

* * *

Кунинг битди, қахрамон, бироқ,
 Бошлангуси мангу ҳаётинг.
 Завол билмай то абад порлоқ —
 Алёрларда яшагай отинг.
 Ватан учун фидо этган жон,
 Завол билмай яшар бегумон.

Элу юртинг то эмин-эркин,
 Хотираңгни эъозлар мудом.
 Орамизда йўқсан ва лекин,

Йўқлаб сени кўтаргаймиз жом.
 Жасоратинг, эй мардона зот,
 Бағишлагай бизга қўш қанот.

Қутлуғ номинг янраган палла,
 Ғанимларга дунё бўлгай тор.
 Хонандалар қуйлагай ялла,
 Жасоратинг шаънига такрор.
 Хотираңг боз баҳодирона,
 Қуйлагаймиз мағрур, мардона!

КАТУЛЛГА ҶХШАТМА

Чарос шахло кўзингдан, жонон,
 Боз бўсалар олсам беармон!
 Бўсалар боз айласа сархуш,
 Асрлар-да ўтса мисли туш.
 Муҳаббатдан ким бўлган безор?!
 Бўсаларим ёндиргай такрор.

Бор дунёга бегона, бефарқ,
 Бўсаларнинг уммонида фарқ
 Боз беадад бўсалар олсак,
 Саногига етолмай қолсак.
 Ҳижрондан ҳеч гап очмагил, ёр,
 Сендан айро тушмасман зинҳор!

ПРОМЕТЕЙ

Эй довьюрак жасур паҳлавон,
 Аламдийда қисматимизга,
 Шармандали исматимизга
 Хайрихоҳ боз тикилдинг шоён.
 Бунинг учун, ё раб, мукофот,
 Бўлди сенга бесаноқ офат.
 Боз бандига айландинг ўзгун.
 Нимта айлар бағрингни қузғун.
 Ҳам оёғу қўлингда кишан,
 Ҳам таққир у лаънатга нишон.
 Ўртанса-да азобда жонинг,
 Ичга ютиб фарёд-фигонинг,
 Маъбудларга ғаним, тошбағир,
 Ялинмассан мардона, мағрур.

II

Эй баҳодир! Қирғин-барот жанг,
 Долғалардан чиққансан омон.
 Қийноқлару азоб беомон,
 Қилолмагай ҳолингни ҳеч танг.
 Қаҳри қаттиқ беаёв қисмат,
 Боис бўлиб аччиқ хусумат,
 Ҳаётингни азобга қўйди,
 Жигар бағринг беаёв ўйди.
 Мангу азоб-уқубатни боз,
 Шон-шарафдай этдинг сен ҳамроз.
 Қасирғалар соҳиби шўрлик,
 Сендан такрор кўрди зўр хўрлик:
 Қийноқларни билиб сен афзал,

Қисматини унга муфассал,
 Сўйламадинг, нигоҳинг бироқ,
 Тақдирдан айлади огоҳ.
 Шўрликни боз ваҳима қучди,
 Найзалардай чақмоқлар учди...

III

Олижаноб, ҳотамтойлигинг,
 Мурувватга беҳад бойлигинг,
 Жиноятга йўйдилар, алҳол —
 Орзуларинг топди боз завол.
 Кулфатларга чек қўйиб такрор,
 Қилолмадинг бизни бахтиёр!
 Орзуларинг бўлса-да барбод,
 Қисматга бош бермайн озод,
 Мағрурлигинг бизларга ибрат,
 Ҳизрсифат соҳиби қудрат.
 Йўлларимиз ёритган зиё,
 Эй мадаккор азиз-авлиё!
 Одамзотнинг шулдир қисмати,
 Манглайида тақдирнинг хати,
 Феълида гар саркашлик зоҳир,
 Тақдирга тан бергайдир охир...
 Бироқ қалби барқарор қоя,
 Эзгу ўйга ҳамроҳ, ҳамсоя,
 Аксарият минг дард, минг алам,
 Бўлар унинг дардига малҳам.
 Ажални ҳам енгиб мардона,
 Яшагай боз голиб, фарзона!

ДАМЕТ

Кап-катга одаму эси паст, басир,
 Тек турфа куфроний ишларга асир,
 Қўрқмас ҳеч Худодан, элдан уялмас,
 Шайтони лаъиндан фарқи йўқ хуллас.
 Онадан туғилган шундайин худбин,
 Шамолдай беқўним, беҳаё, бадбин.
 Қизларни алдашга устаси фаранг,

Бандаки, дуч келган ҳоли бўлар танг.
 Ашаддий қароқчи эсини еган,
 Манглайда тамғаси “нобакор” деган!
 Боз қонга бўялган ҳар икки дасти,
 То ҳануз қилмишин қўймайди асти.
 Гар йўлга сололмас бандаси ожиз,
 Худо жазосини берар шубҳасиз.

ЗАМОН

Учқур Замон! Не бир насллар,
Карвонингда бор жумла жаҳон.
Турнақатор ўтгай фасллар,
Бешафқатсан, ёвқур беомон.

Бўлсанг-да гар бешафқат очун,
Нолимасман ғамбода, мискин.
Ёлғизгина бир бошим учун,
Бир гўшадан топарман маскан.

Яхши-ёмон кезде ҳамнафас,
Ҳамроҳларим ўтгандан буён,
Бўлак ҳеч не қўрқита олмас,
Бардош ила тўзим топгай жон.

Балоларни ёғдир майлига,
Балоларга айлагил дучор.
Гирифторман йиллар хайлига,
Азоб-уқубатга гирифтор.

Бу азоблар дардимга дармон,
Малҳам бўлгай қаттол қаҳринга.


Бахти бутун мамнун, беармон,
Боз муносиб лутфу меҳринга.

Лочиндайн учқур парвозинг,
Бағримизни ўртагай такрор.
Тутқич бермас кўкларинг, ёзинг,
Куз-қишингда шундай шиддаткор.

Гарчи толдим зулмат қаърида,
Гарчи тилди бағрим аламлар.
Коинотнинг сирли бағридан,
Чорлади боз нурли оламлар.

Ёруғ бўлса ойнинг ўн беши,
Ўн бешида ҳукмрон зулмат.
Ботди, нетай, толе қуёшим,
Бундан буён ғам-алам улфат.

Қисматимиз азалдан аён,
Поён билмас чексиз замонсан.
Бу оламда жумла тирик жон,
Барчасига боз беомонсан.



Картар Сингх ДУГГАЛ

Кузнинг тўлиной кечаси

Қисса

18

Азонда Дамаянтий энаганинг “хоним, хоним” деган ваҳимали қичқиригидан чўчиб уйғонди. Ёнидаги каравотда эри эса маст уйқуда ётарди.

— Хоним, Миннийни безгак тутяпти! — хонага югуриб келган энага деярли бақириб деди. — Баданига қўл теккизиб бўлмайди. Бечора қизча ўзини билмай ётибди...

Дамаянтий ўқдай учиб, қизи ётган хонага етиб келди. Ростдан ҳам қизининг иситмаси жуда кўтарилиб кетганди. Термометр қўйган эди, симоб 105 рақамига¹ бориб тақалди. Термометр Дамаянтийнинг қўлидан тушиб, чил-чил бўлди. Зудлик билан докторга қўнғироқ қилишди.

Доктор келганда иситма тушиш ўрнига, яна ҳам кўтарилиб, 106 га етган эди.

— Қизчанинг ўпкаси шамоллабди, — деди доктор беморни текшириб туриб, — менимча, уни касалхонага ётқизмаса бўлмайди.

— Кечаси уйқуси яхши эди-ку, — деди Ашок Пурий ҳеч нарсадан хабари бўлмаса ҳам.

Дамаянтий “сен қаёқдан биласан, аллақаёқларда айшингни суриб юрувдинг-ку”, дегандек эрига ўқрайиб қараб қўйди. Кечаси билан тортган азобини қай тил билан айтсин онаизор?

— Касалхонада бўш ўрин топилармикан? — деди доктор шубҳа билдириб.

— Ўзим директорга қўнғироқ қиламан, битта ўрин ҳам гап бўлди-ю, — деди Ашок Пурий ва телефон қилгани чиқиб кетди.

— Доктор, қизим... — Дамаянтий ташвишланди.

— Ҳа, қизалоқнинг анча тоби қочган, — деди доктор ва укол қилишга тайёрлана бошлади. Бу орада қизчанинг пешонасига пайдарпай нам босилмоқда эди.

— Директор йўқ экан, — деди Ашок Пурий қайтиб келиб.

— Бошқасидан сўраб кўрсангиз-чи, — ногаҳон Дамаянтийнинг оғзидан чиқиб кетди. Шундай дейишга деди-ю, гўё биров оғзига тарсаки ургандай мум тишлаб қолди.

Яна уч-тўрт жойга қўнғироқ қилгандан кейингина Ашок Пурий касалхонадан битта ўрин топишга муваффақ бўлди.

Дамаянтий қизини касалхонага ётқизгани ўзи ҳам боришини айтди. У дамбадам “Минний қизалоғим! Минний жоним!” деб қизини чақирар, бироқ Минний на қўзини оча олар, на жавоб қайтара оларди.

Рулга Ашок Пурийнинг ўзи ўтирди.

Мўна операция қилиб бўлингандан кейин кўп ўтмаёқ кириб кўриш учун Ҳардевга рухсат берилди. Палатага қадам қўйиши билан у бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди: хотинининг ранги девордай оқариб, чўпдай озиб кетган эди. Тўнқариб осиб

Охири. Боши аввалги сонда

¹ Кўпгина чет эл мамлакатларида термометр ўлчами биздагидан фарқ қилади (тарж.)

қўйилган шишачадан бемор томирига қон юборилмоқда. Худди шундай бир шишадан глюкоза ҳам томирига улаб қўйилган. “Жони қил устида турибди”, — дафъатан миясига келган бу машъум фикрдан Ҳардев чўчиб кетди. Буни пайқаган сезгир ҳамшира “ўзингизни босинг” — деб қўйди оҳиста. Бу ерда яна бир қанча бемор бор эди. Мўна келишидан сал олдин бир аёл жон берган бўлиб, қариндош-уруғлари олиб кетиш тараддудини кўришарди. Мўнанинг ўнг томонида ётган бир йигитнинг оғзи, боши, қўллари, хуллас, бутун гавдаси оппоқ дока билан чирмаб ташланганди. У тинмай вой-войлар, уфлаб пишқираб, ўзини ҳар ёққа урарди. Унга цилиндрдан кислород берилаётган эди. Чап томонда ётган аёлнинг оёғи осиб қўйилганди. У ҳам дамбадам “Рам-Рам” деб қўярди. Фақат Мўна ҳамма уқубатдан биратўла халос этилгандай жим ётарди. Ҳардев хотинига нима дейишини билмай, ҳайрон бўлиб тургани устига Рўжий келиб қолди. У операция шу қадар тез тугайди деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Манорама ташқарида қолганди. Касалхонанинг бу қисмида фақат беморга қарайдиган ҳамшираларгина ичкарига кириши мумкинлигидан Манорама ташқарида қолганди. Рўжийга кўзи тушиши билан Ҳардевнинг кўзларидан ёш тирқираб кетди. “Мўнани қара, тамом бўпти-ку,” дегандай у бемор томонга ишора қилди. Шу дам ҳамшира одоб билан уни палатани холи қолдиришини сўради. Рўжий ҳам шуни кутиб турганди. Ҳардев рафиқасини Рўжийга топшириб, палатадан чиқиб кетди. Ҳардевини ичкаридан кўз ёш қилган ва чуқур қайғуга ботган ҳолда чиққанини кўрганлар, ҳойнаҳой бу одамнинг бемори дунёдан ўтибди-да, деган хаёлга боришди. Қўрққанидан Манораманинг тили калимага келмасди.

Бироздан кейин ичкаридан Рўжий чиқиб келди ва Ҳардевга тасалли бера бошлади. Кейин Манорамага врачларнинг тили билан беморнинг ҳақиқий аҳволини тушунтириб берди.

— Бугун тушгача, бўлмаса кечгача, албатта, бемор реанимациядан палатага олиб чиқилади, — деб Рўжий буларни ишонтирди-да, ўзи ичкарига, ёлғиз қолган Мўнанинг олдига қайтиб кириб кетди.

Шу пайт ҳамшира келиб:

— Ҳардев сиз бўласизми? — деди.

— Ҳа, менман.

— Сиз қон беришингизга тўғри келади. Сизнинг беморингизга бир литр қон қўйилди. Касалхонамизда шундай қоида бор.

— Қон ўрнига пул ола қолмайсизми? — сўради Манорама.

— Йўқ, бизда қон сотилмайди. Қонга қон топширилади, — деб жавоб берди ҳамшира бошидаги оқ рўмолини силкитганча.

— Ҳечқиси йўқ, мен қон беришга розиман, — деди Ҳардев ва ҳамшира билан ичкарига кириб кетди.

Қон олиб бўлгач, врачлар Ҳардевга бир пиёла чой беришди. У энди ярим соатча дам олиши лозим эди. Вақт ўтиши учун Ҳардев рўпарасидаги столда қалашиб ётган газеталардан бирини олиб, кўз югуртира бошлади.

Газетада бир ҳикоя босилган бўлиб, у бир насаро ҳамшира тўғрисида экан. Ҳамшира ўзининг илиқ табассуми ва мулойим муомаласи билан беморларга далда ва таскин берар, палаталарга бир-бир кириб, эринмасдан ҳар бир беморнинг томирини ушлаб кўраркан. “Бугун ҳар кунгидан яхшисиз, яна уч-тўрт кун ичида, бутунлай соғайиб, отдай бўлиб кетасиз” дея кўрпа-ёстиқларини тўғрилаб қўяр, сочларини тарар, қандай овқатни кўнгли тусаганигача сўраб кўрар экан. Бир бемор йигит унга ошиғи беқарор бўлиб қолибди. Чунки ҳамширанинг кунда палатага очиқ чеҳра билан кириб келишини у ўзича “мен учун шундай қилади” деган хаёлга бориб юраркан. Бу орада ҳамширага уйланиш орзуси ҳам кўнглида ниш урибди. Насаро қизи бўлса нима бўлибди?

Касалхонадан чиққанидан кейин, албатта, шунга уйланаман, деб ўзига-ўзи сўз берибди. Ота-онаси унинг қилмишидан хафа бўлса бўлар. Унга ширинсўз, дилбар хотини керакми? Очиқ чеҳра, феъли кенг, ажойиб уй бекаси керакми? Болаларига меҳрибон она керакми? Бир куни йигит врачнинг рухсати билан жойини ўзгартириб олибди. Янги жойдан ҳовлидаги майсазор кафтдагидай кўриниб тураркан. Эртасига эргалаб, ҳалиги ҳамширанинг йўлига кўз тутиб ўтирса, бирдан қўшни палатадан унинг овозини эшитиб қолибди. Ҳамшира буларга қандай муомала қилса,

қўшни палатадагиларга ҳам шундай ширин гаплар айтиб, кўнгилларини кўтарар, ҳол-аҳволларидан хабардор бўлар экан.

Ҳикояни ўқир экан, Ҳардевнинг дилида қандайдир туйғу пайдо бўлганини ҳис этди. Мўна ҳам шундай адашиб унинг ҳаётига кириб келмаганмикан? Ҳардев газетани столга ташлади-да, шартта ўрнидан туриб, Мўнадан хабар олгани кетди. Мўнанинг узоқ йиллар меҳнати сингганини ҳисобга олиб, унинг учун олдиндан бир жой банд қилиб қўйилган эди. Бироқ бадавлат Ашок Пурийнинг обрўи олди-да Мўнанинг узоқ йиллик меҳнати бир чақага арзимаё қолди — унинг ўрнига жаноб Пурийнинг қизи Минний ётқизилиб, энди биронта беморни уйига жўнатишга тўғри келганди. Палата оз бўлганидан доим навбатда турганларнинг сон-саногии бўлмас, тавсиячилар олдида касалхона ходимларининг юзи шувут бўлар эди.

Охири Мўнани ётқизиш учун беморлардан бирини уйига жавоб беришга қарор қилинди.

— Шу ҳам иш бўлдими?! — деди Ҳардев гап нимадалигидан хабар топгач, жаҳли чиқиб.

— Пул нималар қилмайди, — маънос жавоб берди унга ҳамшира.

19

Мўна учун сақлаб қўйилган койкага ётқизиладиган бемор ўз қизи эканидан Ҳардев мутлақо беҳабар эди.

Мўна ётқизилган палата билан ҳалиги палата эшиклари йўлакнинг икки томонида бўлиб, эшиклари ҳам бир-бирига қараган эди. Пардалари кўтариб қўйилса, иккала палатага кириб-чиқиб турганларни бемалол кўрса бўларди.

Палатага кўчириш ҳам ташвишли бўлди. Ҳардев аввал палатага глюкоза олиб кириб, керагидай ўрнатиб қўйилсин, ҳеч бўлмаганда системани бемор билан бирга олиб кирилсин деб, қайта-қайта ўқдиради. Ҳозир глюкоза беришни бир нафас ҳам тўхтатиб бўлмасди. Аксига олиб, Мўна ётадиган палатадан штатив олиб қўйилганди. То штатив топилгунча Ҳардев глюкоза шишасини қўлида кўтариб, ўзи “штатив” бўлиб турди.

Шу орада Манорама қаршидаги палатага Дамаянтийнинг қизи ётқизилганини айтиб қолди. Буни эшитиб Ҳардев бир зум довдираб, юзи девордай оқариб кетди. Бечора Ҳардев!

Ҳардевнинг бошидан ўтганлари унча-мунча Манораманинг ҳам қулоғига чалинганди. Шу боисдан ҳам ҳозир бу хабарни айтиши ноқулай бўлди. Бироқ шундай қўшни палатага кириб келган кишиларни кўриб, бирдан оғзидан чиқиб кетди.

Бу ташвишлар камлик қилгандай Ҳардев қизи Миннийни ўйлай бошлади. Нима бўлди экан бечора қизга? Аҳволи қандай экан? Куни кеча музқаймоқ олиб бериб, боғдан уйига кузатиб қўйган эди-ку. Ҳойнаҳой, бир кор-ҳол юз берган. Миясида шундай ўйлар чарх уриб, Ҳардевнинг шиша тутган қўли тўсатдан чайқалиб кетди.

— Дебий оға, — деди Манорама буни кўриб, — шиша чайқалмаслиги керак. Қўлингиз толиққан бўлса, келинг, мен кўтариб тура қолай.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ, ўзим кўтариб туравераман, — деди Ҳардев ҳушини тўплаб. Барибир хаёли ҳамон қизида эди. Муштдеккина жон, қай бахтсиз ҳодиса туфайли касалхонага тушди? Манорама нега илгарироқ айтмади? Дарвоқе, уларга нима — Дамаянтий бамисоли кўзга тушган чўп-ку.

Ҳуши ўзига келиб қолган Мўна Ҳардевга бориб Миннийнинг ҳолидан хабар олинг демоқчи бўлар эди. Бироқ шу бир оғиз гапни айтишга ҳам ҳоли йўқ эди унинг. Шу боис кўзлари жовдираб, эрига имо қилишга тиришарди-ю, уддасидан чиқолмасди.

Бирор кор-ҳол бўлмаса, Миннийни касалхонага ётқизишармиди — шуни ўйлаб Ҳардевнинг тобора боши қотмоқда эди.

Мўна ажал чангалидан қутулиб қолган бўлса-да, ҳали у хатар батамом даф бўлмаганини ўйлаганида Ҳардев ух тортиб юборар эди.

— Дебий оға, келинг, шишани мен кўтарай, сиз бирпас дам олинг.

Аёлларга хос мулоимлик билан айтилган бу гапдан Ҳардев чўчиб тушди. Назарида, Манорама бақириб гапиргандек туюлди унга. Бироқ Ҳардев унамади.

Қайси бирига бўлсин у — Миннийгами, Мўнагами?

Бир тўхтамга келолмай, Ҳардевнинг боши симиллаб оғрир, вужуди қайнаб парча-парча бўлиб кетаётгандек ҳис этарди.

Шу топ ёғоч штатив кўтарган Рўжий жавраганча кириб келди:

— Тавба, тавба! Жуда худо урган касалхона экан-ку бу. Нима қаердалигини ҳеч ким билмайди-я. Дебий оға, қаршидаги палатада Дамаянтийнинг қизи ётибди. Бечора қаттиқ шамоллаб қолибди. Уша палатада битта эмас, иккита штатив турган экан. Биттасини кўтариб келавердим.

Рўжий билан Манорама иккала штативни ҳам созлаб, глюкоза шишчасини шунга ўрнатиб қўйишди. Қўли бўшаган Ҳардев олдида турган стулга оғир чўкди. Бироқ хаёли қаршидаги палатада эди. Борай деса, Мўнани ёлғиз қолдиришдан кўрқади — ҳаёти қил устида турибди.

Бош врач айланиб, беморларни бир-бир кўриб чиқа бошлади. Мўнани текшириб бўлгандан кейин у шундай деди:

— Глюкозани тўхтатманг. Қонни эса, энди, менимча, беришнинг ҳожати йўқ.

— Доктор, қаршидаги палатада ётган қизчанинг аҳволи қалай? — Манорама чиқиб кетаётган докторни саволга тутди.

— Ҳозир яхши. Ҳуши жойига келиб қолди. Иситмаси ҳам туша бошлади. Нақ она сутимизни оғзимизга келтириб юборди-ку. Икки тарафлама зотилжам-а! Одамларга ҳайронсан, шамоллаб юрган болага музқаймоқ беришибди-я! Шуниси ҳам борки, бадавлат хонадонларда болани алоҳида хонада ёлғиз ўзини ётқизишади. Бола-да, тунда кўрпани тепиб, усти очилиб қолади, бу билан ота-онанинг неча пуллик ишлари бор

— Энди кўркмаса бўладими? — Ҳардевнинг кўнглини тинчитиш учун Манорама такрор сўради.

— Мутлақо. Қизча кўзларини очди. Ҳамшира билан гаплашяпти. Ҳа, бир оз толиққан. Бу ўткинчи, албатта. Болани гул дейдилар-ку.

Мўнанинг кўзи илинди. Доктор ҳаммага жим бўлинглар ишорасини қилиб, чиқиб кетди.

Бироздан кейин Рўжий билан Манорама Ҳардевнинг шунча қолинглар деганига ҳам қарамай, бу ерни тарк этишди. Каллаи саҳардан бери тинмаган югур-югур иккаласининг ҳам тинкасини қуриртганди.

Ҳардев бир неча кунга бир ҳамшира ёллади. Ўзи кечаси диванда ётиб, ҳамшира эса беморнинг олдидаги стулда ўтириб, касал боқадиган бўлди.

Ҳардев кечаси Миннийнинг ёнида ким қоларкин деб шуни билишга қизиқарди. Тун чўксин-чи, ўзи аста палатага бориб, анигини билиб чиқади. Бадавлат одамлар эмасми, албатта, бир энага билан ҳамширани боғлаб қўйишса керак. Лекин Дамаянтий боласини бировларга ишониб қўядиган аёллардан эмас. Шундай бўлса-да, ҳинд аёлининг қўли боғлиқлиги ҳаммамизга аён-ку! Эри судраб бўлса ҳам уйига олиб кетади. Бунинг устига палаталарда ётиб қаровчилар учун ҳеч қандай шароит йўқ эди. Диванда ётишни Дамаянтий хаёлига ҳам келтирмайди. Тайёр энага бор-ку. Миннийнинг энагаси онадай бўлиб қолган. Минний деса жонини беради. Бир ҳисобдан энага олиб ётгани ҳам яхши. Чунки у хоҳлаган пайтида қизининг олдига кириб, хоҳлаганча гаплашиб ўтира олади. Қуруқ сўз билан бўлса ҳам бемор қизига тасалли бергани қолади-ку. Бошқа нима ҳам қила оларди. Худодан нажот тилаш керак бўлса, армонсиз тилаб ётибди. Бир Миннийга эмас, Мўнага ҳам.

Анчадан сўнг Рўжий билан Манорама гулдонда гул ва баркашда мева харид қилиб келишди-да, касалхонага қўйиб кетишди. Ҳардев эшик пардасини қия кўтариб қўйди-да, келиб курсига ўтириб олди. Минний ётган палатага ким кириб-чиқаётганини кузата бошлади. Келиб-кетувчиларнинг кети узилмасди. Бойларнинг ишидан ҳайрон қолсан, одам. Ҳатто касалхонада ётиш ҳам улар учун қандайдир ҳашам, мартаба ҳисобланарди. Ҳойнаҳой, жаноб Пурий “бу касалхонадан осонликча ўрин топиб бўлмайди, лекин менга ўша заҳоти жойни тўғрилаб бериши” дея оламга жар солаётган бўлса керак. У ёқда онаси касал ётибди. Мўнанинг операция бўлганини яширгани учун синглиси ҳали роса таъзирини эса керак. Узоқлигини ўйлаб Ҳардев уйдагиларни ташвишга қўйиб ўтирмай деди. Бир ҳисобдан тўғри ҳам қилди.

Кечкурун Мўнани текширгани даволовчи врач аёл келди. Улар анчагача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Кетар чоғида Ҳардев уни йўллаккача кузатиб чиқди. Хилватда у Ҳардевга қараб деди:

— Мўнанинг иситмаси чиқаяпти. Бу яхшиликдан дарак бермайди.

Келувчилар билан кўришиш вақти тугаб, Ҳардев врач аёлни машинасига солиб юборди ва касалхонага қайтди. Шу вақт жаноб Ашок Пурий бир неча ўртоқлари билан лифтдан чиқиб келди.

“Наҳотки, Дамаянтий қизининг олдида қолган бўлса?” — кўнглидан кечирди Ҳардев. Лифтдан чиқиб, хонаси томон йўл оларкан, беихтиёр қадамлари Минний ётган палатага тортди. Аввалига, “ке, қўй, бекорга Дамаянтийнинг дилини хуфтон қилмай” деб ўйлади ҳам, бироқ барибир кўнгли бўлмади, тўғри қизи ётган палатага кириб кетди. Бу пайтда Дамаянтий душхонада экан. Қизчанинг олдида энага ўтирарди. Ҳардезни кўриб, Миннийнинг чеҳраси ёришиб кетди. Ҳардев унинг қўлидан тутиб, сўзлаша бошлади. Шу он Дамаянтий душхонадан чиқиб келди-ю, Ҳардезни кўриб қошларини чимирди.

Энага “мен ҳозир” деди-ю, ниманидир баҳона қилиб, ташқарига чиқиб кетди.

— Сиз бу ерга нега келдингиз? — кутилмаганда кўпол оҳангда савол берди Дамаянтий. — Шу муштдеккина жонда нима қасдингиз бор эдики, совуқда музқаймоқ едирасиз? Тагин бир эмас, икки ликобча-я! Ўлдириш ниятингиз бор экан, захар бериб қўя қолмайсизми? Унинг ҳам жони тинчирди, менинг ҳам. Айтдим-ку, энди мени ҳам унутинг, болани ҳам деб...

— Ойи, амакимлардан нега хафа бўляпсиз? — деди Минний онасига тикилганча.

— Биров билиб қолса, одамларнинг юзига қандай қарайман? — гўё қизининг саволини эшитмагандай гапида давом этди Дамаянтий. — Бегуноҳ гўдакка нима деб жавоб бераман? Қайси гуноҳи учун бу норасида элнинг қарғишига гирифтор бўлади? Одамлар бу сирнинг тагига етса борми, болани тирик қўймайди...

Ҳардев қўлларини қовуштирганча айбдорлардек бош эгиб турарди.

— Одамлар болаларга жонини фидо қиладилар! Фарзанд учун улар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Мен бўлсам узоқдан сизни кўришим билан “ўғри, ўғри” деб бақириб, болани қўриқлай бошлайман. Ўзингиз ўйлаб қаранг, бу сирни отаси билгудай бўлса, нималар бўлишини биласизми?

— Отаси ҳам билиши керак! — деди-да, Ҳардев палатадан чиқиб кетди.

Минний “амаки!” деб чақирганича қолаверди.

Мўнанинг палатасига киришдан олдин Ҳардев анчагача йўлакда у ёқдан-бу ёққа юриб, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Миннийнинг “амаки, амаки” деб чақирган овози келарди.

Мўна ҳам уйғонган эди. Врач аёл иситма операцияники бўлса, бунинг қўрқадиган жойи йўқ, борди-ю, операцияга алоқаси бўлмаган иситма чиқса, шубҳасиз, хатарли, деган эди.

20

Ҳардезни уйқу босиб келмоқда эди.

Дамаянтий яна уни қувиб юборди. Яна унинг туйғуларини менсимай, қаттиқ хафа қилди. Хотинлик садоқати деб у наҳотки ўз муҳаббатидан воз кечишга тайёр бўлса? Наҳотки, севгилсининг ғурурини, ҳис-туйғусини ер билан яксон этишга журъат қилса?!

Ҳардев бир неча йиллар муқаддам, яъни уйланганидан кейин Дамаянтийнинг унга ўз севгисини изҳор қилган дамларни эслади. Маҳбубаси билан ўтган фараҳли тунлар, интизорликда кечган узоқдан-узоқ кундузлар бир-бир унинг кўз олди-дан ўта бошлади. Ва ниҳоят бир нозик дамда ўзининг бир умрлик эркини гаровга қўйиб, хотинининг доимий ғуломига айланиб қолганини эслади.

Шундоқ барно аёлдан бу қадар худбинлик чиқишини у хаёлига келтирганмиди?

“Энди Дамаянтийга қиё боқсам кўзим чиқсин. Шундай онлар бўладики, бола-

сини отаси билан бир карра кўриштирмагунча кўнгли тинчимаЙди. Одамзотда озгина инсоф бўлиши керак-да”, — деб дилидан кечирди Ҳардев.

Дамаянтий-чи, пул деса ўзини томдан ташлайди, шоҳона турсам, шоҳона еб-ичсам, шоҳона кийинсам дейди. Оқшомлар клуб ва ресторандан бери келмайди. Ҳақиқатни бўйнига олишдан шунақанги қўрқадики... Тўғри яшаш унинг учун ўлимдан қийин — унга шунақа энгли ҳаёт бўлса, йўқ, иккинчи унга рўпара бўлмайди Ҳардев. Бундай аёлнинг юзини тескари қилсин.

Мўна эса бутунлай бошқа олам — у муҳаббат мужжасимаси, фидойилик тимсоли, ишқ қурбони! Ухлаяптимиқан ё уйғоқмиқан дея Ҳардев дам-бадам ўша томонга қараб кўярди. Ҳардев учун у ўзининг бор аёллик дунёсини қурбон этишдан тоймайди! Баркалла!

Бир вақт унга Мўна инграётгандай туюлди. Ҳардев даст ўрнидан туриб, хотинининг олдига келди. Ҳамшира донг қотиб ухлаб ётарди. Ҳардев Мўнани билагидан тугган эди, бемор киприкларини аранг кўтариб, унга қаради. Ҳа, иситма кўтарилиб, дард хуружга олмоқда эди. Ухлаб ётган ҳамширага қараб, Ҳардевнинг чапараста жаҳли чиқди, “тонг отиши билан ҳайдаб юбораман”, деб қўйди кўнглида. Докторни чақирмаса бўлмасди, бу аҳволда иситма багтар кўтарилиб, беморнинг аҳволи яна ҳам оғирлашиши мумкин.

Шу он кимдир эшикни аста чертди. Бирдан ҳамшира ҳам уйғониб кетди. Эшик иккинчи бор тақиллади. Ҳардев лўкидонни суриб, эшикни очди. Йўлакда кўзлари ҳалқа-ҳалқа ёш, сочлари тўзғиган, юзлари ҳорғин... Дамаянтий турарди.

Ҳардев ташқарига қадам қўйди. Дамаянтий ўзини унинг бағрига отиб, маҳкам қучоқлади. Жувон пиқ-пиқ йиғлаганча Ҳардевни қучоғидан қўйиб юбормай, уни ўз палатасига бошлади.

Минний оташ бўлиб ётар эди. Навбатчи врач иситмани туширишга ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам, бўлмаётганди. Энага билан ҳамшира эса навбатма-навбат қизнинг пешонасига нам латта босар эди. Қизгина алаҳсираб, нуқул “амаки, амаки” дерди, холос.

— Қизимга бир нарса бўлса, мен тирик юролмайман, — дерди Дамаянтий оҳуриб. — Деразадан ўзимни ташлайман. Болам учун ўлишга тэйёрман. Қизимни касал қилгунча мени касал қилсанг бўлмасмиди, худо! Ундан кўра менинг жонимни олсанг бўлмасмиди?! Ё тавба, кеча ўйнаб юрган эди-я, бугун бўлса бунақа... Ҳа, бироз бўшашгандай бўлаётганди.

Ҳардев қизчанинг койкасига ўтириб, унинг лов-лов ёнаётган бошини қўлига олди ва меҳр билан манглайдан ўпди. Ўпди-ю, бирдан ўзини йўқотиб, телбаларча қизчанинг сочидан, кўзларидан, қулоқларидан, ёноқларидан, бўйин ва елкаларидан ўпа кетди. Оталарча меҳр билан аста “Минний” деб чақирди. Худди йўқотиб қўйган буюмини топгандай қизча дарров кўзини очди. У каравотда ўтирган Ҳардевни кўрди-ю, узоқ тикилиб қолди. Кейин аста қўлини кўтариб, Ҳардевнинг қўлига қўйди. Ҳардев лаҳза сайин қизининг иситмаси тушаётганини ҳис этди. Минний тилга кириб, оз-оз сўзлаша бошлади. Ҳамма ҳайрон: шунча укол, шунча дори-дармонлар кор қилмаган қиз Ҳардевни бир карра кўриши билан соғая бошласа?

Дамаянтий Ҳардевга ўз миннатдорчилигини қандай изҳор қилишни билолмай ожиз эди.

Ҳардев Миннийни бағрига олди-да, сочларини силаб, чайқатиб тебрата бошлади. У меҳр тўла кўзларини қизидан олмас, қараб тўймасди. Минний донг қотиб ухлаб қолди. Ҳардев Миннийни авайлаб койкасига ётқизиб қўйди-да, хотинининг олдига ўтди. Мўна ҳам, ҳамшира ҳам уйқуда эди. Ҳардев Мўнанинг томирини ушлаб кўрди, иситма тушмаганди. У югуриб бориб, докторни чақириб келди. Доктор келиб, беморни текшириб кўрган бўлди-да, дори-дармон берар экан, “қолганини жарроҳ билади” деб чиқиб кетди.

Бироқ Мўнада ўзгариш сезилмасди. Тонггача касал боққан Ҳардев жуда ҳолдан тойганди. Эрталаб Мўнанинг отаси ва Ҳардевнинг онаси бемордан хабар олгани келиб кетишди. Дамаянтий ҳам бир-икки Мўнанинг аҳволини сўраб кетганидан сўнг Ҳардевни ваҳима боса бошлади: нега булар бунчалик ҳол сўраб қолишмаса?

Жарроҳ келди. У беморни узоқ кўздан кечирди. Устма-устига бир нечта укол

қилди. Сўнг бир-биридан тажрибали тўртта врач бир жойга йигилиб, ўзаро бир нималарни маслаҳатлаша бошладилар.

Улар тарқалишаётганда касалхона бош врачининг паст овозда жарроҳга: “Бу беморни зиммангизга олиб чакки қилибсиз”, дегани Ҳардевнинг қулоғига чалинди.

Ниҳоят, бир амаллаб Мўнанинг иситмасини туширишди. Оғриқ ҳам босилгандай бўлди. Бироқ касалхона врачларининг чехрасидаги ташвиш ҳамон йўқолмаганди. Ҳардевнинг кўнгли гаш эди. У пайт пойлаб шифокор ҳузурига кирди-да, “Мўнанинг соғлиғи хусусида бор ҳақиқатни айтинг”, деб илтимос қилди.

Жарроҳ аёл очиққина бўлиб, у чиндан ҳам бор гапни айтди-қўйди:

— Бу ерда сир тутадиган ҳеч нарса йўқ, — деди у. — Ўзим сизни қақриб айтмоқчи бўлиб юрुвам. Хотинингиз рақ бўлган. Бугун йиғилган коллега ҳам шунини тасдиқлади. Ҳозирча бемор сал ўзига келгандай бўлади. Бироқ беш-олти ойдан кейин дард яна хуруж қилиб, оқибати кўнгилисиз бўлиши мумкин. Шунинг учун хотинингизни Бомбейга олиб боришингизни маслаҳат берар эдим. Бироқ бундан бирон-бир натижа чиқишига кўзим етмайди. Чунки бу дардни фақат Америкада муолажа қилинади. Жаноб, сиз хафа бўлмасангиз ҳам бўлади, сабаби: орангизда бола йўқ. Дард эса сиз билан биздан сўраб келмайди, тақдирга тан беришга мажбурмиз...

Ҳардев курсида ўтирганча ҳайкалдай қотиб қолганди. Кўз олди қоронғилашиб, ҳеч нимани кўрмас, ҳеч нарсани эшитмас эди. Ҳатто қачон ўрнидан туриб, хотинининг олдига келди — ўзи ҳам билмайди. Ичкарида бир гала қиз ва жувон Мўнанинг кўнглини кўтариб, ширин-ширин сўзлар билан тасалли берар, хонани гулнинг хушбўй ҳиди тўлдирганди.

21

Миннийнинг тоби қочиб қолиб, Дамаянтий эри билан бўлган машмашани ҳам унутиб юборганди. У ёқда эса синглиси турмушга чиқиб, укаси уйланаётганди. Ҳар икки тўй ҳам Минний касалхонадан чиқишига қараб қолганди. Уйга келди-ю, Дамаянтий тўй тараддудига киришиб кетди. Чиқаётган синглиси билан келаётган келинга бош-оёқ сарпо олиш лозим эди. Опа бўлиш қийин экан, сингил билан уканинг кўнглини баравар олмаса яна бўлмайди. Айниқса отаси “қизим бой одамнинг хотини бўлган”, деб унга катта умид боғлаганди. Сўнгги пайтларда укасининг бозори синиб, минглаб рупия камомад чиққанидан танг аҳволда қолганди. Ҳаммасига Дамаянтий балоғардон бўлиб турибди. Асли ўзининг кўлидан нима келади дейсиз, айланиб-ўргилиб шу эрига ялинади. Эрининг ҳалигидақа юриш-туришларига чидаб, орқага ташлашлари боиси ҳам шунда. Қариндош-уруғларининг дасти калталиги ҳаммасига чидашга мажбур қилади. Ахир отаси оз эмас-кўп эмас нақ йигирма минг рупия сўради. Шунда ҳам жаноб Пурийга балли, бир оғиз бир нима демай пулни шундоқ Дамаянтийнинг кафтига қўйди. Одамгарчилик бундан ортиқ бўладими?

Касалхонадан қайтганларига неча кун бўлган бўлса, шу муддат ичида Дамаянтийнинг боши тўй ташвишларидан чиқмай қолди. Ниҳоят, тўйга икки кун қолганда қизи Миннийни етаклади-да, жўнаб кетди. Эри бироз кейин борадиган бўлди.

Ашок Пурий ҳамон хушторининг олдига боришни қанда қилмаганди. Мадҳу исмли бу жувон бир нарсага ақли етмай ҳайрон эди — ўша куни ҳамма сирни фош қилиб ташлаганига қарамай, нега ҳеч бир ўзгариш сезилмайди? У Ашокнинг эшигидан бош суқиб киришидан бутунлай умидини узиб, тайёр пулдордан маҳрум бўлдим; деб юрганди. Ҳатто бир зўр можаро чиқишини кутганди. Бироқ, бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди! Мадҳу ўзининг ҳусн-жамоли ва ёшлигига шунчалик бино қўйган эдики, бир жазмандан жудо бўлиш парвосига ҳам келмаётганди. Ундайларнинг қанчаси оёғи остида ётибди. У ҳар қанча гуноҳ, ҳар қанча маломат бўлса кўтарадикки, хиёнатга тоқат қилолмасди. Хиёнат қилганни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ.

Ўша куни шаробдан кайфи баланд Ашок Пурий билан айш қилиб ўтираркан, Мадҳу унинг хотини ҳақида сўраб қолди.

— Хотинимни қўявер, — деб жавоб қилди Ашок Пурий. — Эрининг давлати соясида қандини уряпти. Хотинларимизнинг шундан бошқа нима иши ҳам бор ўзи?

— Агар у иккаламизнинг яқинлигимизни билиб қолса нима бўлади?

— Нима бўларди, мени тириклай ейти-да, у ялмоғиз. Уйимга қадамимни бос-тирмайди сўнг.

— Агар устимизга келиб қолса-чи?

— Худо кўрсатмасин! Худди пешонамдан отади-я! Қизини олади-да, бу даргоҳни елкамнинг чуқури курсин деб чиқиб кетади. Хотиним шунақа баджаҳл.

— Ундай бўлса, эртадан бошлаб меникига изингизни босманг!

— Нималар деяпсан! Мен ҳали Дамаянтий отасиникига кетса, иккаламиз ҳар кунни маишат қиламиз, деб юрибман.

— Ашок! Мен ёлгонни қанчалик ёмон кўришимни биласиз-а! Ҳар қанча гуноҳ қилсам ҳам, ёлгонга тоқатим йўқ. Яллачи онам Мунаввар исмишни Мадҳуга алмаштирган кунни ҳар қанча гуноҳга йўл қўйсанг ҳам ёлгон гапирмайсан, деб онт ичирганлар. Йўқ, бировларга хиёнат қилолмайман. Мен билан айш қилгани келган ҳамма жазманларимнинг уйига телефон қилиб, тўғрисини айтганман. Уч-тўрт кун бурун Дамаянтийга ҳам айтган эдим.

— Нима?! — Ашок Пурий деярли қичқириб юборди.

— Ўзингизни босинг. Шунча кундан бери ҳеч гап йўқми, билингки, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолган.

— Хўш, бу билан нима демоқчисан? — Ашок Пурий ташвишланиб сўради.

— Олинг, яна бир қадаҳ кўтаринг, — деди Мадҳу қадаҳга шароб қуйиб узатар экан. — Сиз гоят бахтли одамсиз. Мен чинакам бахтиёр одамни биринчи марта кўриб турибман. Ўша кунни хотинингизга ҳамма сирни айтдим. Қорнимда болангиз гимирлаётганигача яширганам йўқ. У бўлса нафасини ичига ютиб эшитди.

— Мадҳу! Сен мени хонавайрон қилибсан! — деди Ашок Пурий кайфи бутунлай тарқаб.

— Асло ундай эмас, жоним, — деди Мадҳу уни қучоқлаб. — Одамни ёлгон хонавайрон қилади, ҳақиқат эмас. Ҳақиқат кишини жин кўчалардан олиб чиқиб, катта йўлга бошлайди. Онамнинг оналари шаҳардаги танг кўчалардан бирида фоҳишалик қилар эдилар. Лекин сира касалари оқармади-оқармади. Онам эса шаҳардаги бойлар маҳалласида шу касбни гуллатдилар. Ҳақиқатни яширишдан нима фойда? Бизнинг ишимиз шу: куйлаймиз, ўйнаймиз, шариф зотлар учун хасми ҳалоллингиз бахш этолмаган ҳузурни муҳайё қиламиз. Кун бўйи ишлаб чарчаганларнинг ҳордигини чиқарамиз. Биргина табассумимиздан ўзингизни отдай ҳис қиласиз. Қуйиб берган бир қадаҳ шаробимиздан жаннатга киргандай бўласиз. Хўш, бу савоб эмасми? Савоб иш туфайлидан, мана, кам бўлганимиз йўқ. Касбимизнинг ривожини берди. Биз бу касбимиздан асло уялмаймиз. Бу ерга ҳар тоифа одамлар ташриф буюради — бири амалдор, бири сармоядор, бири зиёли. Бизга ким бўлса ҳам барибир, ишимиз — кириб келган одамнинг яхшилаб кўнглини хушлаб қўйиш. Токи жамиятимиз шу йўлдан бориб-бориб биронта бурилиш ясалмас экан, унинг бир чеккасидаги бизнинг ўрнимиз ҳам йўқолмай тураверади. Азалдан шундай бўлиб келганми, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

— Мадҳу, ростини айтсам, сен мени ўлдирдинг. Ҳа, ўлдирдинг!

— Мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ. Сиз бир ўғил боланинг отаси бўлиш арафасида турибсиз. Сиз менга қоп-қоп ваъдалар берар эдингиз. Одамларнинг онаси бир фоҳиша аёл эди деб ўғлингиздан ҳазар қилишга йўл қўймайман, жаноб Ашок Пурий! Мен ўзимни бутунлай сизга топширганман. Одатда хотинлар ўзларини вақти-вақти билан бировга ана шундай ҳавола этишади. Мен эса сизга дунёдаги энг пок, энг табаррук бисотимни инъом этганман. Мен сизни юрагимнинг тўрига ўтқазиб, бўлажак ўғлингизга она бўлганман. Сиз бўлсангиз мени хиёнатнинг зулмат пардасига чулғамоқчи бўлдингиз. Болангизни бағримга олиб, тун-кечалар йўлингизга нигорон қилмоқчи бўлдингиз. Болангизга қараб кўз ёшимни шашқатор оқизмоқчи бўлдингиз. Йўқ, жаноб Ашок Пурий, чучварани хом санабсиз. Сиз Мадҳунинг совунига кир умбабсиз ҳали. Ҳа, ҳали ҳам кеч эмас, ўйлаб кўринг, истасангиз, пуштингизни тушириб, йўқотиб юборишим ҳам мумкин... Кетаяпсизми? Хуш келибсиз бўлмаса. Бу даргоҳ эшиги энди сиз учун умрбод берк!

Ашок Пурий тез-тез юриб зинадан тушиб кетди.

Бачадони олиб ташланганини Мўна касалхонада билган эди. Ўзи ҳамшира бўлиб ишлаган одамдан бунинг сир тутиб бўларканми? Бу воқеадан Дамаянтий ҳам воқиф бўлди. Чунки Мўнага қарайдиган ҳамширалар Миннийга ҳам қарар эдилар-да. Бунинг устига бош врач ҳам ҳамма беморлар устидан баравар назорат юритарди. Дамаянтий касалхонада қолган пайтлари кунда бир-икки бориб, Мўнанинг ҳолидан хабар олиб турарди. Кундузи Ҳардев ишига кетар, Дамаянтийнинг бемор жувонга ичи ачирди. Бечора Мўна ўн гулидан бир гули очилмай сўлди. Бир умр бағрида бола олиб ўтиш бахтидан жудо бўлди. Бир умр эшигида бола кулгуси эшитилмайди, болани кўриб, кўзи яйрамайди.

Дамаянтий, қўлимдаги болани қандай орттирганимни на Мўна ва на бошқа ҳамширалар билади, деб ўйларди. Ҳардев энди Мўнадан фарзанд кўролмаслигини ўйлаб, ўзича суюнди ҳам.

Машъум дардга гирифтор бўлганини эса Мўна касалхонадан чиқиб, уйга келгандан кейин пайқади. Баданида ўқтин-ўқтин қандайдир дард хуруж қилиб, бир неча бор касалхонага қатнашга тўғри келди. Ана шу қатнашлардан бирида оғзи бўшроқ бир ҳамшира унга сирни очиб қўйди. Уйга қайтиб келди-да, Мўна Ҳардевга “айтинг, ҳамширанинг гапи ростми” деб маҳкам ёпишиб олди. Шунча алдаса ҳам бўлмади, охири Ҳардев ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди.

Бироқ Мўна кўрқоқ қизлардан эмас эди. Қўрқиб ўрнига фақат:

— Ҳеч ким бу дунёда осмонга устун бўлиб қолмайди. Ажалим етмай туриб нега ўларканман? — деди, холос.

— Ҳардев қандай қилиб бўлса ҳам пул топишга, Мўнани чет элга олиб бориб даволатишга қарор қилди. Бироқ пулни қаердан олади?

Унча-мунча топган-тутганини ҳам Мўнанинг врачларига совуриб адо қилди. Сўнгги чора уйни сотиш эди. Бироқ уй онасининг номида. Ўғлининг нијатидан хабар топган онаси кўз ёш тўкишга тушди. Бу гап Мўнанинг ҳам қулоғига етиб борди-ю, туз тотмай қўйди. Ҳардев бу уйни сотмайман деб тавбасига таянгандан кейингича қайнона-келиннинг кўнгли жойига тушиб, ўзининг ҳам қулоғи тинчиди.

Кира ҳақлари, емак-ичмак харажатлари ва даволатиш ҳақлари — ҳаммасини хомчўт қилиб чиққан эди, нақд эллик минг рупия керак бўлар экан. Шунча пулни ким берай деб турибди унга! Айтмоқчи, уйни гаровга қўйса нима қипти? Шу ҳақда онасига ёрилган эди, онаси бунга ҳам рози бўлмади. Мўна ҳам меҳрибон қайнонанинг раъийга қарши бир нарса дейишга журъат қилолмади.

Мўнанинг ота-онаси куёвларининг пулдан қисилганини эшитган заҳотлариёқ нақд йигирма минг рупияни Ҳардевнинг кафтига қўйиб кетишди. “Нега менга худодан кўра кўпроқ бандаларининг раҳми келади?” дея Ҳардев ич-ичидан ўкинди.

Яна ўттиз мингга қаердан топади? Ҳазилакам пулни ўттиз минг рупия! Бироқ ҳаёти қил устида турган тирик инсон олдида бу пул ҳеч нарса эмаслигини ҳамма ҳам тушунавермайди-да.

Мўнанинг дарди тобора хуружга олмоқда эди. Кимдир, беморнинг ўзини ёлғиз юборилса, харажати камроқ бўлади, деб маслаҳат солди. Маслаҳат чакки эмасди-ю, бунга кошки Мўна рози бўлса. Ўлсам қўлингизда ўлай, бўлмаса керак эмас чет эли, деб туриб олди. Ҳардевнинг кўнглидан, Дамаянтийдан пул сўраб кўрсаммикан, деган фикр кечди. Бироқ бу фикрни қанчалик тез ўйлаган бўлса, шунчалик тез қайтди. Қандай қилиб унинг олдида пул сўраб боради? Унинг эр-каклик иззат-нафси, гурури қандай йўл қўяди бунга? Бир ҳисобдан пул сўраб борганининг нимаси айб экан? Дамаянтий у пулларни пешона тери билан топмаган-ку. Бари текинга келади. Кейин, Ҳардев пулни еб кетарга эмас, қарзга олади. Ҳар ойда тўлаб-тўлаб қутулади-да. Агар Мўна соғайиб кетса, бир умр топганини Дамаянтийга беради!

“Йўқ!” дерди Ҳардевнинг юрагидан бир овоз. Дамаянтий дунёга жар солиб, сени шармандан шармсор қилади. Қизининг ўзини пеш қилиб, эл ичида обрўйинг-ни тупроққа қоради.

Бироқ нима қилиб бўлганда ҳам Мўнанинг жонини сақлаб қолиш зарур эди. Йўқса, ўлимимни билиб туриб ҳаракат қилмади, деган маломатга қандай чидайди Ҳардев, юзимни сидириб, тўғри Дамаянтийнинг олдида борсаммикан, деб йўлга

отланар, бироқ оёғи ўз-ўзидан тўхтаб қоларди. Телефонда айтақолай деб гўшакка қўл чўзарди-ю, қўли гўшакка етмай орқага қайтарди. Икки энлик хат ёзиб юбора қолай, деб энди ручкани қўлига олиши билан ручка қўлидан тушиб кетарди. Нима қилиш керак? Ҳардевнинг боши хумдай шишиб кетганди.

23

Тўй тарқади. Бироқ Дамааянтий уйига қайтишни хаёлига ҳам келтирмаётганди. Бораман-да, қолиб кетадиган ишим борми деб, гоҳ уни баҳона қиларди, гоҳ буни. Ўша кунги телефондаги гаплардан кейин Дамааянтийга уйи балодай кўришиб қолганди. Туриб-туриб у ўзини ўзи ёмон кўриб кетарди. Ҳозирча у бу ҳақда эрига оғиз очгани йўқ. Ҳозирча Ашок Пурийнинг луқмасидан куни ўтиб турибди. Айниқса, хотини уйда йўқлигидан фойдаланиб у шу кунларда роса айшини суриб юрган бўлса керак?! Сурса ундан нарига. Хўп, эрига оғиз очди ҳам дейлик, кейин нима бўлади? Иккаласи жикқамушт бўлади, бақириб-чақиришади, — охири ажрашишади. Дамааянтий ўзини сўнгги жангга шайламоқда эди. Очликка, камчиликка бир амаллаб чидар, битта қизини боқиб, эгнини бутлар, лекин мана бунақа жирканч турмушга асло чидаёлмайди. Эрининг хиёнаткорлигини, оиласига бевафолигини ўйласа, Дамааянтийнинг қони қайнаб кетарди. Энг ёмони шундаки, у юриб-юриб қаёқдаги фоҳишадан бўлган болага ота бўлиб ўтирса-я! Чаккибосарлик ҳам эви билан-да! Ишда ушланиб қоляпман деб, кунда баҳона қилади, ўйнаши билан айшини суриб-суриб келади. Нега ичиб келадиган одат чиқарди деса, гап бу ёқда экан-да. Аҳвол шундай давом этаверса, бир кунмас-бир кун у ўзига бир дарди бедавони орттириб олиши ҳеч гап эмас. Дамааянтий энди қизимнинг юзига қандай қарайман деб халитдан юзи куярди. Ярим тунгача эрининг йўлига кўз тутарди, эримнинг жон-гани омон бўлсин деб, ибодатхонада худого ёлборарди, эримнинг касби корига ривож бер деб, тилак тиларди. Эри бўлса-чи? Уни чўридай хор қилиб, уйга ташлаб қўйди, хизматкор-қаролларга қоровуллик қилишдан бошқа иши бўлмади, рўзғордаги ҳамма иш-юмушларни унинг гарданига юклаб қўйди.

Бирдан Ҳардеви ўйлаб кетарди Дамааянтий. Унинг ишқида девона бўлган Ҳардев! Ҳали-ҳалигача уни деб жонини беришга тайёр, шўрлик. Кўзларида ҳамон тубсиз муҳаббат денгизи мавж уради. Уйланишга Мўнага уйланди, лекин Дамааянтийни юзта Мўнага олмайди. Бир йилда бир марта бўлса ҳам Дамааянтийни кўрмаса туropolмайди. Кузнинг тўлиной кечаси! Қизчасини қанчалик яхши кўради! Тавба, бир карра қўлига олиши биланоқ, қизалоқнинг иситмаси тушди-қўйди-я! Ўлим тушагида ётган Мўнани ташлаб бўлса ҳам ўша куни Миннийнинг ёнидан жилмади. Дамааянтийнинг биргина ишораси билан ҳамма нарсани унутиб, ўша заҳоти буларнинг палатасига учиб келди. Бўлмаса, Дамааянтий унга қандай қўполлик қилмаганди. Бошқа одам бўлганда қайта юзига қарамасди. Ҳардев эса зиғирча хафа бўлмади. Одам эмас, фаришта у!

Тўй ташвишларидан қутулган Дамааянтий ана шундай хаёлларга кўмилиб ўтирарди. Сўнг қизчасининг бошини силаб, меҳр билан боқаркан, Минний қайта-қайта саволлар берар эди: “Ойи, йиғлаясизми?”, “Ойи, кўзларингиз нега ёш?”, “Ойи, нега бир кулиб, бир йиғлаясиз?” ва ҳоказо.

Шу вақт отасининг қишлоқдаги бир уйи ёмғирдан ивиб, қулаб тушибди, деган нохуш хабар келди. Зарарни аниқлаш мақсадида ўша куни отаси қишлоққа отланди. Қишлоқ аҳли биров туриб фойдаланмаганидан кейин ким ҳам қарарди, деб бутунлай ташлаб қўйганди. Бироқ Дамааянтий одамларнинг гапига парво қилмади, ўзи миниб келган машинага отасини ўтқазди-да, ўша куни уйни кўргани бирга жўнаб кетди.

Қишлоқ унчалик узоқ эмасди. Дарёнинг сўлим қирғоғида жойлашган бўлиб, тахминан бир минг-бир минг икки юз хонадон истиқомат қиларди. Кўчаларга асфальт ётқизилган, электр чироқлари ўтказилган, ҳатто бошланғич мактаби ҳам бор. Яқинда медпункт очилади деган гаплар ҳам юрибди.

Неча йиллардан бери Дамааянтийнинг қишлоққа биринчи келиши эди. Киндик қони тўкилган қишлоғи эсидан ҳам чиқиб кетибди. Энди эса жонажон қишлоғини кўриб, дарров ёқтириб қолди. Одамлари содда-содда, ҳаммаси бир-бирига ўхша-

ган, ҳам меҳнаткаш, ҳам художўй. Гурудворини айтмайсизми, ёғ тушса ялагудай. Булар эрталаб қишлоққа кириб келишганда, қироатхонлик давом этиб, ногора овози янграрди. Дамааянтий қишлоқ одамларидаги бу ихлосу тақвони кўриб ҳайратда қолди.

Йиқилган бинони қайта тиклаймиз деб, Дамааянтий оёқ тираб туриб олди. Отасининг моддий аҳволи ўзига маълум, шунинг учун у ҳамма харажатларни ўз гарданига олди. Йилда бироз қишлоқда яшаш соғлиққа кони фойдалигини уқтиргани-уқтирган эди.

Дамааянтий берган пулга уйнинг йиқилган қисми тикка бўлди-ю, биратўла қолган қисмларини ҳам таъмирдан чиқариб кўяқолишди. Ҳовли деворсиз бўлиб, кўни-кўшнилари иноқлигидан девор ҳам ортиқча эди. Бу хонадонга электр билан водопровод ўтмай қолган экан. Дамааянтий, қишлоқда қишлоқча яшаш керак, электр билан водопровод бўлса шаҳардан нима фарқи қолади, деб бу нарсаларга қарши туриб олди. Кўз олдига қудуқдан сув тортиб келаётган Миннийни келтирди-ю, мамнун жилмайиб кўйди.

Отасиникига қайтиб боргандан кейин ҳам у янги уйнинг кам-кўстларини битиришга ўзим бош-қош бўлиб турай деб, яна анча кун қолиб кетди. Охири бўлмади, ўз уйинг ўлан тўшагинг, деганлари жуда тўғри экан — бир кун шартта машинасига ўтирди-да, қишлоқдан уйига йўл олди. Йўл бўйи юраги бир тутам бўлди. “Йўқ, бунақа рўзгорнинг тагидан ўт кўйиб юбораман, орзуларимни ер билан яқсон қиламан” деб ўзича дилидан ўтказиб борар эди у. Кўп ўтмай у ўзини яна кўчада кўради. Тўрт томони қибла бўлади. Унинг жонига оро кирувчи, мушқулидан қутқарувчи ҳеч кими бўлмайди. Сўққа бошига қаердан бошпана топади?

Дамбадам қишлоқдаги уй кўз олдига келиб, Дамааянтий ўша ерга кўчиб кетишни орзу қила бошлади. Очликдан қийналса қийналар, қора меҳнат қилиб бўлса ҳамки, битта фарзандини боқиб олар, аммо мана бу заҳарли ҳаётга ортиқ тоқат қила олмайди. Эр аллақасқларда фоҳиша хотинлар билан айшини суриб келсинда, чордевор ичида ўтирган хотини уни ярим тунлари оёғига бош уриб, кутиб олсин, шу ҳам тирикчилик бўлдимиз? Ундан ўлиб кўя қолагини афзал эмасми?

— Ойи, нега ҳадеб бошингизни қимирлатасиз? — ора-чора Минний онасига савол ташлаб кўяди. Онаси жавоб ўрнига меҳр ҳам мунг тўла кўзларини қизига тикиб, яна хаёлга толади.

Йўл-йўлакай Дамааянтий эри билан учрашганда гапни нимадан бошлаш режасини тузиб кетди.

“Бугун тагин ҳаялладингизми?” — деб сўрайди Дамааянтий.

“Ҳа, бироз ушланиб қолдим”, дейди эри.

“Шу кунларда тез-тез ушланадиган бўлиб қолдингиз, тинчликми ўзи”, дейди Дамааянтий.

“Ҳа, ишлар ҳам шунақа кўпайиб кетди десанг-чи...”

“Иш кўпайиб кетса, одам хотинини ҳам эсидан чиқариб юборар экан-да?” Дамааянтий овозини баландлатади.

“Нима эди?” Ашок Пурий хотинига таажжуб билан қарайди.

“Гап шундаки, сиз ташқарида ялло қилиб юришга ўрганиб қолгансиз”.

“Қасқдаги гапларни гапирасан-да”, дейди эри ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб.

“Қасқдаги гаплар эмас бу, мен ўзимнинг хотинлик ҳуқуқимни талаб қилияман”, дейди Дамааянтий бўғилиб.

“Хўш, нима демоқчисан?” хиёл тутилиб гапиради Ашок Пурий. Ҳаяжонланганида шунақа тутилиб гапирадиган одати бор ўзи унинг.

“Демоқчиманки, қачонгача сиз фоҳишаларникида айш қиласиз?” қичқиради Дамааянтий.

“Беҳуда гапларни кўйсанг-чи, хотин. Бунақа гапларни эшитишга тоқатим ҳам, вақтим ҳам йўқ”, Ашок Пурий энди чинакам бойларга хос такаббурлик билан жавоб беради.

“Беҳуда гаплар эмас, ҳақиқат бу! Сиз кунора битта фоҳишаникида қолиб, айш қиласиз”.

“Бўҳтон!”

“Сиз унинг боласига ота бўлаётганингиз ҳам бўҳтонми?” Дамаянтийнинг кўзларидан дувиллаб ёш тўкилади.

“Бўлмагур гаплар”

“Уша туғиладиган боланинг онаси телефонда менга айтган бўлса-чи” Дамаянтий уввос тортиб йиғлай бошлайди. Буни кўриб Ашок Пурий каловланиб қолади. Қизариб-бўзаради, кўзлари жавдирайди...

Шундай хаёллар билан у уйига етиб келди. Ваъда қилинганидан роса бир соат кечиккан эди. Айвонда Ашок Пурий тоқати тоқ бўлиб кутиб турарди.

24

Машина тўхташи ҳамон Ашок Пурий югуриб келиб, Дамаянтий билан Миннийнинг кучоғига оларкан:

— Бир соатдан бери йўлларингга қарайвериб, кўзларим тешилди, — деди. Ичкарига киришгач, қизчасини узоқ эркалади. Хотини билан у ёқдан-бу ёқдан гаплашган бўлди-да, йўлга отлана бошлади.

— Мажлис бор эди, — деди узр сўраган оҳангда, — ўзи шундоқ ҳам кечикдим. Ишдагилар пойлаб қолишди.

У шартга машинасига ўтирди-да, “мажлис тугаши билан етиб келаман”, деганча кетди-борди.

“Яна ўша гап!” кўнглидан кечирди Дамаянтий алами бўғзига тиқилиб. Тунда эри қайтиб келгач, чиндан катта жанжал бўлишини кўз олдига келтирди. Телефон жиринглади. Ҳардев экан.

— Дамму, биламан, бу ишим ақлдан эмас, лекин мени кечирасан, деб умид қиламан. Мен сен билан ҳозир, шу топда учрашишим керак. Муҳим иш бор. Ҳаёт-мамонт масаласи.

— Қандай муҳим иш экан? — гижиниб сўради Дамаянтий. — Ўзи уйга ҳозир келиб турибман.

— Хабарим бор. Сени шунча кундан бери тоқатсизлик билан кутаётган эдим. Дамму, сени кўрмасам бўлмайди.

— Ахир, Дебий, йўл азоби гўр азоби... Ашок ҳам ҳозиргина...

— Ашокнинг чиқиб кетганидан ҳам хабарим бор. Шунинг учун ҳам кўнғироқ қияпман-да.

— Яъни, сен бизникига келмоқчимисан?

— Йўқ десанг, ташқарида, боғда кута қол. Бир хилватроқ жойда гаплашсак яхши бўларди. Бор йўғи беш минутгина вақтингни оламан, ундан ортиқ эмас. Нима қилай, шундай қилишга мажбур бўляпман.

Дамаянтий бирон қор-қол юз берганини англайди. Бунинг устига Ҳардевининг овозини эшитиши биланоқ юрагининг аллақасери жиз этгандек бўлди. Қандай хўп деганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Минний аллақачон донг қотиб ухлаб ётарди. Дамаянтий, беш минут бўлса, айвонда туриб гаплашиб олаверамиз, деб ўйлади-да, айвонга чиқиб, Ҳардевини кута бошлади.

Ха, у Ҳардевини севади. Айниқса, севгилиси дилгир чоқларида келиб, маҳбубасини бағрига олишини жуда-жуда истарди.

... Ҳардевининг илтимосини эшитиб, Дамаянтий ўйлаиб қолди. Йигирма минг ҳазилакам пул эмас-да. Бунинг устига у яқиндагина отаси учун шунча пул сўраб олганди. Кунда-кунда хазинасидан шунча пул чиқариб беравериш Ашок Пурийга малол келмайдими? Ўзи-ку, эри учун тирик товон, бу ҳам етмагандай энди давлатига хўжайинлик ҳам қилсинми? Лекин бош уриб келган кимса анов-манов одам эмас, ўзининг Ҳардеви-ку! Тиз чўкиб ёлборапти, ўзи ҳам адои тамом бўлибди, шўрлик. У ёқда эса бир аёлнинг ҳаёти қил устида турибди. Бунақа пайтда пулнинг юзига бориб бўлармиди. Пул — қўлнинг кири, бугун бор бўлса, эртага йўқ. Ҳе-йўқ, ўша Мўна учун пул берадимми?! Қачон қарасанг, унга хиёнат қилгани-қилган. Уша манжалақининг жонини сақлаб қолиш учунми? Дамаянтийнинг зардаси қайнади.

— Дебий, мен эрим билан гаплашиб кўрай-чи, — деди тўсатдан Дамаянтий бошини орқага силкиб. — Рози бўлса, эртага ишхонангга қўнғироқ қиламан.

Ҳардев бошини эгганча изига қайтди. Ҳатто Минний ҳақида бир оғиз сўраш миясига келмади. Дамаянтийнинг ўзи ҳам бир нарса демади. Дарвозага етганда Ҳардев тўхтаб, орқага қайтди-да, бировни қидираётгандай атрофга аланглай бошлади. Бироқ у ерда жон асари кўринмасди. У тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашганча қайтиб кетди.

Ҳалигина Дамаянтийнинг кўнглидан нималар кечаётган эди-ю, энди нималар бўлмоқда! Хотинига бевафолик қилиб, дўзах азобига қўйгани учун эрни юмма талаш ўрнига яна пойига тиз чўкиб, ёлворишга мажбур бўляпти. У яна оғзига толқон солишга мажбур. Ашок Пурийнинг чангалидан қутулиб чиқиш унинг пешонасига ёзилмаган экан. Хотинлик ҳуқуқини тиклаш ўзи унга буюрмаган экан. Тавба, пул деган бало шунчалик зўр бўлар эканми? У одам танасини эмас, виждонини ҳам сотиб олишга қодирми?

Дамаянтий ўзи билан ўзи олиша бошлади.

“Мўна сенга ким бўлибди ўзи?”

“Ҳардев Мўнани севади.”

“Қайтанга шу зирапча суғуриб ташланса яхши бўлмасмикан?”

“Ҳардевдай инсон шунинг кўйида адои тамом бўлади”.

“Ҳардев менга ким бўлибди ўзи?”

“Мен Ҳардевни севаман.”

“Севсанг нима бўлибди?”

“У мени ҳамон севади.”

“Ҳардев Мўнани севади, шунинг учун ҳам уни деб ўляпти.”

“Ҳардев аввал мени севган. Кўз очиб кўргани менман. Мени унутолмайди.”

“Бекорга кўнгилчанлик қиялсан.”

“Ҳардев қизимнинг отаси... Йўқ, йўқ, Миннийнинг отаси Ашок пурий, ҳа, Ашок Пурий.”

Дамаянтийни танг қолдирган нарса шу бўлдики, шу куни кечқурун мажлисдан сўнг Ашок Пурий тўғри уйига келди. Дарвозадан машина кириб келаётганини кўрди-ю, Дамаянтийнинг дилида қандайдир бир илиқлик пайдо бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, у шоша-пиша эрига Мўнанинг аҳволи оғирлигини, жувонга ёрдам бермаса бўлмаслигини тушунтира кетди.

Ашок Пурий ўйлаб-нетиб ўтирмай йигирма минг рупияни хотинининг кафтига қўйди. Яна қанақа ёрдам керак бўлса, бунга ҳам тайёр эканини айтди.

— Дамму, биласанми, — деди у жиддий тусда, — бу жуда ёмон касаллик. Синглим ҳам шу касалликка гирифтор бўлган эди. У пайда қўлимиз қисқа эди. Шўрлик, не азобда ўлиб кетди. Бу пулни синглим Зитани даволашга сарф қилдим, деб ҳисоблайман.

Дамаянтий эрининг сахийлигидан ҳайратда қолди. Қалби дарё одам Ашок Пурий!

— Мўна, қизим Миннийнинг ҳамшираси, дояси эди, — гапида давом этди Ашок Пурий. — Бу жувоннинг бизга хизмати сингган. Миннийни қўлимизга олиб берган шу Мўна эмасмиди?

Сўнгги гапидан Дамаянтий сесканиб тушди. Ялт этиб эрига қаради. Йўқ, Ашок Пурий жиддий гапирарди.

Эртасига Дамаянтий Ҳардевга атайлаб телефон қилмади. Унинг вужудида қарама-қарши туйғулар жанг қиларди. Пулни олгач, Ҳардев Мўнани олиб, чет элга жўнайди. Шундан қачон қайтиб келишини худо билади. Умрбод у ёқларда қолиб кетса-я. Ҳардевнинг бу пулни олгани — Мўнанинг соғайиб кетгани, бу эса Ҳардев бир умр Мўнаники бўлиб қолади деган сўз эди. Ашок Пурийнинг аҳволи эса ҳалигидақа, бедананинг уйи йўқ, қайга борса питбилдиқ. Пулдорларга ишониб бўладими, эртага нима қилиб, нима қўйишини ким билиб ўтирибди. Дамаянтийнинг ёрдам берадиган бошқа кими бор?

Йўқ, йўқ, бундай разиллик қилиш унинг қўлидан келмайди. Кўнглида бунчалик қабиҳ ўйлар қаёқдан пайдо бўляпти ўзи? Дамаянтий бирдан ўзидан-ўзи нафратлана бошлади.

Шу кунларда қуёш ботар-ботмас эри машинада тўғри уйга кириб келарди.

“Ушланиб қолиш”лар йўқ. Иш вақти тугаши билан ҳеч қасққа бурилмай, тўғри уйга қараб келади. Келади-да, гоҳ Дамаянтий, гоҳ Миннийни ўйнатгани олиб кетади. Хизматкорларнинг гапига қараганда, кейинги пайтларда Ашок Пурий бирон марта ҳам бемаҳалга қолмаган эмиш.

“... Балки кимдир Дамаянтийни алдагандир? Балки лақиллатмоқчи бўлгандир? Ҳозирги кунда минг хил ҳийла-найрангнинг гувоҳи бўласан, одам. Балки биронта ниёти бузуқ аёл буларнинг турмушига раҳна солишига қасд қилгандир”.

Шуларни кўнглидан кечирар экан, Дамаянтийнинг кўзига эри яхши кўриниб кетди.

Эртасига у Ҳардеври чақирди-да, омонатни унинг кўлига тутқазди. Ҳардев Дамаянтийга қандай миннатдорчилик билдиришни билолмай, лол эди...

25

Рўжий билан Манорама кечки овқатни ётоқхонада эмас, шаҳардаги биронта ресторанда ейишга қарор қилишди. Пардоз-андоз қилиб кўчага чиқишлари ҳамон машиналарида келаётган Дамаянтий билан Ашок Пурийга дуч келишди. Ашок Пурий иккаласини ҳам машинасига ўтқазиб олди. Қизлар овқатлангани ресторанга кетишгаётганини айтишган эди, эр-хотин уларни клубга таклиф этишди.

— Ҳам қорнингизни тўйдирасиз, ҳам ўйнаб-яйрайсизлар, — деди Ашок Пурий қизларнинг кўнглини кўтариб.

Йўл бўйи улар фақат Мўна тўғрисида гаплашиб кетишди.

— Шўрлик, дард бир ёпишганча сира аримаяпти-да, — деди Дамаянтий. — Эшитишимча, ҳали бу дарддан ҳеч ким омон қолмаган эмиш.

Клубда одам гавжум эди. Ранг-баранг сорийлар кўзни олади. Мусиқанинг азбаройи баландлигидан ҳеч нимани эшитиб бўлмасди. Ширакайф кишилар бир-бирларини қучоқлаганча рақс тушаётганини кўриб, Рўжий билан Манорамадаги зеркишдан асар ҳам қолмади.

— Энди Рўжий ё Манорама билан рақс туш, — деди ҳозиргина даврани бирга айланиб келган Дамаянтий эрига қараб кула-кула. Худди шуни кутиб тургандек, Рўжий билан Ашок Пурий тўшларини бир-бирига маҳкам босиб, қўлларини қўлларига чалиштирганча давра ичига кириб кетишди. Ҳар иккови гоҳ давра ўртасида пайдо бўлар, гоҳ хилват бурчакларга кириб, кўздан йўқолар эди.

Дамаянтий эса ўз хаёли билан ўзи овора: “Агар эрим ичиб, кайфи ошиб қолса, шунча кундан бери юрагимни кемириб келаётган дардимни бугун, албатта, ёрман”, деб ўзига-ўзи сўз берди.

Бироқ гоҳ хотини, гоҳ Рўжий ва Манорама билан бирга рақс тушаётган Ашок Пурий сира тутқич бермасди. Рақс ҳам тугаб, ҳамма қадаҳ уриштира бошлади. Рўжий ва Манорама ҳам Ашок Пурий билан қадаҳ уриштирди. Ҳамма кўтарилган бир неча қадаҳдан кейин овқатга ўтирди. Ашок Пурий бир дунё овқат буюрди. Рўжий билан Манорама умрларида бунчалик тўйиб ва маза қилиб овқатланмаган бўлишса керак. Кетишларида эса Дамаянтийни чарчоқ енгиб, машинадаёқ ухлаб қолди. Рўжий билан Манорама қачон тушиб қолишди-ю, булар қачон уйга етиб келишди, ҳеч нима билмайди.

Дамантий эрталаб кўзини уйқудан очди. Қараса, каравотда юз-тубан ётибди. Қизи мактабга кетган, эри энди ишга отланиб турган экан. Дамаянтий ётган жойида чоғ буюрди ва чойдан апил-тапил ичиб, яна бошини ёстиққа буркади.

“Қўрқоқман! Қўрқоқман!” қайта-қайта такрорлади у ўзини-ўзи койиб. “Асли ўзим ярамас хотинман. Чиндан қўрқоқман! Телефон ҳақида сўз очишим билан қайтанга эрим оёғимга йиқилмайдими? Йиқилади. Хўш, бу кечириб бўладиган иш эканми? Мутлақо! Эрининг бегона аёллар билан айш қилиб юришига қайси хотин чидаб тура олади? Барибир эрим билан ажрашишимга тўғри келади. Унинг ўзидан, данғиллама ҳовлисидан, машинасидан, мол-дунёсидан — ҳаммасидан воз кечишимга тўғри келади, кейин Минний қимматбаҳо мактабда ўқишдан маҳрум бўлади. Кунда ҳар хил сорийлар, турли-туман тақинчоқлар тақиндан бир умр бенашиб бўлади. Маликалардай бир жойга ўгириб, қаролу чўриларга ҳукм юргизиш тушига ҳам кирмайди. Шу нарсалар важдан ҳам Ашок Пурий олдида оғиз очол-

май қоламан. Арзимаган нарсани баҳона қиламан-да, орқага ташлайвераман, орқага ташлайвераман. Бу қўрқоқлик бўлмай нима?”

Бироқ Дамаянтийнинг миясида бунга қарши фикрлар чарх ура бошлайди: “Хўш, ўзим-чи, ўзим, жуда Ашок Пурийга нимани қойил қилиб қўйдим? Вафоними? Садоқатними? Пайтида Ҳардев билан роса айшимни сурмадимми? Ўғил дардида Ашок Пурий ўзини ўтга-чўққа урса, бунинг нимаси ёмон экан? Умрим шу ботқоққа ботиб ўтаркан-да”, ўйлади Дамаянтий алам билан уҳ тортиб. Пешонамга севимли эр сизмагани рост экан-да. Наҳотки, ўз эримга бўлган муҳаббатимни ўзга бир эр билан баҳам кўрсам? Наҳотки? Наҳотки?..”

Яна Дамаянтийнинг дилидан қуйидаги нидо эшитила бошлади: “Сен ўзинг Ҳардевени севасан-ку! Ўзга эрдан бўлган қизнинг онаси эканингни унутдингми? Бировларни алдашинг мумкин, лекин ўзингни ўзинг алдаёлмайсан-ку. Аввалбошдан сувни лойқалатган ўзинг-ку, нега энди эрингни қисти-бастига оласан?”

Дамаянтий саросима ичида ён-верига аланг-жаланг қарай бошлади.

“Сен билан ўша фоҳиша ўртасида қандай фарқ бор? Ўша бозори хотин билан, ўз танини бировнинг мол-дунёсига сотиб юрган ўша хотин билан сенинг ёрангда қандай тафовут бор? Сен айшу фароғатингни, номусингни ўйлаб, ўзинг заррача ҳам севмайдиган бир киши билан ёстиқдош бўлиб юрибсан. Сен уни алдаб тузоғингга илтириб олгансан. Ясама ноз-карашмалар билан унинг пинжигга тикиласан. Миссис Пурий деган сохта ном билан ўзингни-ўзинг хурсанд қиласан”.

“Миссис Пурий, сен ҳамон биринчи хушторингни севасан. Ҳали-ҳамон юрагинг унга боғлиқ. Ўзингни бирон-бир эр кишига чин дилдан фидо қилмай туриб, унинг пушти камаридан бўлган болага она бўлолмайсан!”.

Шундай олди-қочди хаёллардан Дамаянтийнинг боши тарс ёрилгудай бўларди.

26

Мадҳу ростдан ҳам Дамаянтийга телефон қилиб, сирни фош этган бўлса, нега Дамаянтийдек жангари хотин эрининг сочларини битталаб юлиш ўрнига шу пайтгача жим юрибди? Ё бориб Мадҳунинг таъзирини бериб қўйсинми? Ёки Мадҳу найранг ишлатдикиан?

Ашок Пурий бу сирнинг тагига етолмай ҳайрон эди.

Мана, неча кунлик сабабсиз танаффусдан кейин бугун у огоҳлантириб ҳам ўтирмай, тўғри Мадҳунинг уйига йўл олди. Аксига олиб, Мадҳунинг тоби қочиб қолган экан (у боласини олдирган эди), бироқ Ашок Пурийдек улфатижон одамлар учун унинг эшиги ҳамиша очиқ. Хизматкор уни Мадҳунинг ётоқхонасига бошлади. Мадҳу юзларида ўша-ўша илиқ табассум ила каравотига ёнбошлаганча мехмонни қарши олди.

— Хотинингиз терингизни шилиб, ковуш қилиб кийгандир деб ўйловдим, — деди у ҳазиллашиб.

— Мени роса лақиллатдинг-да, Мадҳу, — деди Ашок Пурий. — Боламга она бўлишни зиммангга олмаганигда ўшанда тўғри юзимга айтган бўлардинг.

— Нима қилди?

— Уйингизга телефон қилдим, деб мени алдабсан-ку.

— Нима демоқчисиз бу билан? — ҳайрон бўлиб сўради Мадҳу.

— Яъни, хотинингга ҳеч ким телефонда ҳеч нарса демабди-ку. Юз минг рупияга гаров ўйнайман! — деди Ашок Пурий жиддийлашиб.

Мадҳу қадаҳга шароб қуйиб узатди.

— Тўғрисини айтинг, ростдан ҳам Дамаянтий телефон борасида сизга ҳеч нима демадимми?

— Ёлғон гапириб ўлибманми, Мадҳу, ҳеч гап йўқ, сув қуйгандек жимжит,

— Дамаянтий ҳам, сизлар яшаётган жамиятнинг ҳам ҳсли бирдай хароб. Ҳозирги аёлларга қойил қолмай иложинг йўқ. Улар учун уй билан бозор баб-баравар бўлиб қолган. Баъзан менга фоҳишахонадаги хотинлар уй бекаларидан кўра покдоманроқ туюлади.

— Гапингга тушунолмадим.

— Тушунмаганингиз маъқул. Бўлар иш бўлди.

— Энди-да?

— Ашок жаноблари, худо урсин агар, ўша куни азбаройи ғазабланганимдан телефонда ҳамма гапни айтиб ташлаган эдим — сизнинг бу ерга келишларингиз-у, қорнимдаги гумонамгача.

Ашок Пурий кулди.

— Жоним, телефон балки бошқа бировникига тушгандир? Бировнинг оиласи бузулиб кетган бўлса-я?

— Йўқ, йўқ, Ашок, бундай бўлиши мумкин эмас. Сизнинг уйингизга телефон қилган эдим. Мен худди Дамаянтийнинг ўзи билан гаплашдим. Гап шундаки, ҳозирги ўрта даражадаги аёллар шароит билан мурасасозлик қилишга одатланганлар. Эрларининг ҳар қандай гуноҳини кечириб юбораверишади. Борди-ю, овқатлангани уйга кечроқ кириб келсангиз, бунга тоқатлари чидамайди. Болаларингизга қаттикроқ гапириб қўйсангиз, хотиндан балога қоласиз. Лекин бегона аёл билан ётганингизда қўлга тушиб қолсангиз ўзини кўрмаганга солиб кетаверади. Агар Дамаянтий ўз оғзи билан “ҳа, мен фоҳишаникига бориб юришингизни биламан”, дейдиган бўлса, ўз-ўзидан равшанки, у сиз билан ажрашиши керак бўлади ёки қизини отасига ташлаб, ўзи бош олиб чиқиб кетишига тўғри келади. Лекин ўз боласини кўчага ташлаб қўйган онани кўрганмисиз? Бизнинг ҳозирги ўрта даражадаги хотинларимиз эса ҳаётнинг мана шу томони билан жуда осон “тил топишиб” кетишяпти.

— Сен Дамаянтийни яхши билмайсан, — деди Ашок Пурий, — у жуда шафқатсиз аёл. У, боя ўзинг айтгандай, теримни шилиб, чирманда қилиб чалишдан, хиёнаткор эр қанақа бўлишини кўриб қўйинглар, деб оламга жар солишдан ҳам тоймайди.

— Сиз ҳам бир менинг гапимга кининг-а, Ашок Пурий, уйингизга бориб қаранг, тагин хотинингиз бегона одам билан айш қилиб ётган бўлмасин, — деди мийиғида кулиб Мадҳу.

— Кошкийди! — жавобан деди Ашок Пурий. — Ўша ялмоғизнинг кўнгли жойига тушармиди.

— Унинг ҳам кўнгили бергани бўлса керак, ҳойнаҳой. Бунақа хотинлар сен менга тегма, мен сенга тегмай қабилда иш тутадилар. Сен ҳам дўппингни яримта қилиб юравер, мен ҳам қандимни урай.

— Даммунинг ёруғ дунёда қизи Миннийдан бошқа қайғуси йўқ. Унга шу қизалоқ бўлса бўлди.

— Эрининг фоҳишахонада айшини суриб юрганини билиб, индамай қўядиган ҳинд хотини ҳали онасининг қорнидан тушгани йўқ.

— Телефонингга бошқа номер тушиб қолган, Мадҳу, ишонавер.

— Телефонда мен ўша сиз ишхонамга меҳмонларим келиб, ушланиб қолдим, деб айтган хотин билан гаплашдим, ўлай агар.

— Ана, айтмадимми, кейинги номер терганинга янглишгансан, деб.

— Янглишган мен эмас, Ашок жаноблари, сиз. Қўшни хонадаги телефон буниси билан параллел, тушундингизми? Сиз хотинингизга нима деган бўлсангиз, ҳаммасини эшитиб турган эдим. Дамаянтий трубкани қўйиб улгурмасдан мен у билан гаплаша бошладим. Ёлғон айтсам, худо урсин!

— Ишонмайман! Дамму бу гапдан хабар топгудек бўлса, ўзини томдан ташларди.

Мадҳу ноилож жим бўлиб қолди.

— Хўш, нима сабабдан ундай қилдинг, Мадҳу?

— Шунинг учунки, мен сизни севаман. — Мадҳунинг кўзларига ёш қалқди. Хонага оғир сукунат чўкди. Ашок Пурий титраб кетди.

— Яшаш жонимга тегди, — секин гапида давом этди Мадҳу. — Бир кун хурсанд бўлсанг, ўн кун хафагарчилик.

Ашок Пурий чорпоёга оҳиста чўкди-да, кўзидан дўвиллаб ёш тўкаётган Мадҳунинг қўлидан тутди.

— Сизни кўриб, юрагим тасалли топгандай бўлган эди, гап-сўзларингиздан ҳақиқат нишонларини кўргандай бўлган эдим. Сизга сал тегиб кетсам вужудим қалт-қалт титрарди. То ўзини бирон-бир эр кишининг ихтиёрига бутунлай топшир-

магунча аёл зоти она деган номга эга бўлмайди. Менинг ўнгимда ҳам, тушимда ҳам фақат сиз яшар эдингиз. Уйдагиларга фақат сиз ҳақингизда гапирганим-гапирган эдим. Улар мени мазах қилар, устимдан кулар, жинни бўлиб қолибсан дер эдилар. Уларнинг гапи менга хуш ёқарди. Сиз остона ҳатлаб кириб келган кунингиздан эшигим бошқалар учун тақа-тақ беркилди. Бу уйга фақатгина Ашок Пурий киришга ҳақли эди, холос. Ашок Пурий учун қадаҳлар тўлдирилиб, Ашок Пурий учун оёғимдаги кўнғироқчалар ёқимли шиқирлар, саройни тўлдириб қўшиқлар янграрди. Ашок келганда деразалар ланг очиларди, гулдондаги гуллар ороланиб, шам ва чироқлардан чор-атроф чароғон бўлиб кетарди.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, фоҳиша хотиннинг бировга кўнгил бериши қийин бўлади. Кимнингдир боласига она бўлиш эса унинг етти ухлаб тушига кирмайди. Фоҳишалар таомилига кўра бу гуноҳи азим саналади. Лекин мен одамларнинг таъна-маломатларига парво қилмадим, ўзимни сизнинг сотиб олган қулингиз деб билдим. На сиздан бошқасига назар солдим, на сиздан ўзга қаршисида қўшиқ айтдим. Ашок, аммо сиз жуда худо берган одам экансиз. Мени деб пулларингизни аямай совурдингиз. Келиб, мен билан ўтказган кечаларингиз қанчалик файзиёб бўлишини айтмайсизми! Бир оғиз “келинг” дейишимга маҳтал турардингиз. Қанот боғлаб учиб келаверар эдингиз. Кундан-кун сизга ишончим ортиб борди. Ахир бу ёруғ дунёда кимгадир ишониб яшашинг, кимгадир ўзингни бахшида қилишинг керак-ку. Мен учун ана шундай инсон сиз эдингиз ва бу менга тасалли берарди. Мен тўлқинланиб турган муҳаббат уммонингиз қаърига ўзимни отдим.

Бора-бора сиз ҳам бошқаларга ўхшаб, мени вақтинча кўнгилахушлик қилишга ярайдиган нарса деб қараётгандек туюла бошладингиз. Шуни англаган куним оёғим остидаги ер чаппа айланиб кетгандек бўлди. Ҳеч ким билан гаплашмай қўйдим, бағрим қон, дилим вайрон эди. Сиз умрбод меники бўлиб қоласиз деган орзум сароб бўлиб чиққанига ишона бошладим. Сиздан орттирган гумонамга она бўлишим аниқлигига қарамасдан сиз Дамаянтийдан воз кечмаслигингизни ҳис этдим. Миннийни-унутишингиз мумкин эмасди. Мен боши берк кўчага кириб қолгандай бўлдим, қадамларим чалишиб, юришим қийинлаша бошлади.

Охири Дамантий сизга бош хотин бўлиб, мен иккинчи хотин бўлишимга ҳам рози бўлдим. Дамаянтий мёндан юқори, мен Дамантийдан қуйи бўлиб қолавераман дея, тақдирга тан бердим. Минг афсуски, шу чала бахт ҳам менга насиб қилмайдиганга ўхшаяпти. Сўзларингиздан, хатти-ҳаракатларингиздан фаҳмладимки, ёруғ дунёда мени кимсан деб сўрагувчим йўқ, бир бандаи зор эканман. Умрим созандалар мақомига ўйнай-ўйнай сарф бўлиб, кўча-кўйда итдай ўлиб кетар эканман.

Шу нарсаларга имоним комил бўлгандан кейин жигаримга ёпишган зурриёдингизни ўзимдан соқит қилишга қарор бердим. Ўч олиш мақсадида эса бўлиб ўтган гапларни оқизмай-томизмай Дамаянтийга баён этишга аҳд қилдим. У қадамингизни бу ердан топиб, мен ҳаммасидан баравар қутуламан деб хаёл қилган эдим. Орада бир неча кун келмай қўйганингизга шу билан ишқ достоним ниҳоятинга етибди-да, деб ўйлаб ўтиргандим. Бироқ бугун яна даргоҳимда пайдо бўлиб, ярамни янгиладингиз.

Хўш, айтнинг-чи, энди мен нима қилай? Қаёққа борай? Мен на у ёқдикман, на бу ёқлик. Эй Оллоҳ, ишқ-муҳаббат балосидан ўзинг асра! Дунёда хотин киши ҳеч бир эркакнинг ишқ домига гирифтор бўлмасин экан. Ишқ деган бало ўлимдан ҳам ёмон бўлар экан. Хотин киши бу дардга асло чидай олмас экан...

Мадҳу ўзи гапириб, ўзи йиғлар эди. Ашок ағрайганча ундан кўзини узмай қараб ўтираркан, у бир нарсани тушунолмади ҳайрон бўларди: бу аёл қачон ҳақ эди — унга жисму жонини фидо қилишга тайёр бўлган пайтлардами ёки Дамаянтийга кўнғироқ қилиб, сирни фош қилгандами? Ёхуд қилмишларидан пушаймон бўлиб турган аини вақтдами?

Касаллик Миннийни бутунлай енгиб қўйганди. Гўё бир томчи ҳам қони қолмагандек ранги ошпоқ оқариб кетганди. Врач кунора укол буюрди. Бундан ташқари,

иштаҳа очадиган дорилар ичириб, ҳар ҳафтада тарозига солиб, вазнини ўлчатиб туриш зарурлигини уқтирди. Буларнинг ҳаммасига Дамаянтий бир ўзи қандай улгуради? Боз устига, қизалоқ инжиқ бўлиб қолган эди. Бўлар-бўлмасга хархаша қилаверар эди. Ўша куни клубдан қайтишда энди Миннийга “Рўжий хола” қарайдиган бўлган эди. Минг қилса ҳам ҳамшира, ўзи укол қилиб, ўзи дори ичиради.

Рўжийни Ашок Пурий машинасида ҳар куни ўзи олиб келар, укол, дори, овқат — ҳаммасини муҳайё қилиб, бир-икки оғиз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришарди-да, яна уйига олиб бориб қўярди. Минний ҳам “Рўжий хола”га тез ўрганиб қолди. Ҳамшира келадиган вақт яқинлашган сайин у айвондан бери келмай, “Рўжий хола, Рўжий хола” деб эси кетарди. Ўз навбатида Рўжий Дамаянтийга ҳам маъқул тушиб, у билан иноқлашиб кетди. У гоҳо кунлари шу ерда ётиб ҳам қоларди. Клубга борадиган бўлса, Рўжийни ҳам ёнига оларди. Хуллас, Рўжий Дамаянтий учун бир овунчоқдай бўлиб қолганди. Иложи бўлса, қизим Миннийга шу Рўжийни тарбиячи қилиб оламан, деб Дамаянтий кўнглига тугиб қўйди. Қиз бола тарбияси ҳазилакам иш эмасми. Рўжий билан ўртоқлашгандан бери эрининг уйга қачон келиб, қачон кетиши билан ҳам иши бўлмай қолди. У дилидаги гапларни Рўжийдан яширмас, рўзгордаги ҳар бир ишни у билан маслаҳат қилар эди. Рўжий эса Мўнани даволатиш зарурлигини, уни деб Ҳардев нималар қилаётганини қайта-қайта гапирар эди. Ҳардев ёзган хатлардан маълум бўлишича, бирдан-бир натижа кўзга ташланаётган эмиш. Ҳардевининг ўзига эса чет эл жуда ёққан эмиш.

— У ёқнинг одамларини жуда устаси фаранг бўлади дейишади. Тагин оқбилак хонимлар Ҳардевини илиб кетишмасин? — Дамаянтий сўз қотди.

— Ҳа, айтганингиздай, Ҳардев ҳам кўзга яқин, хипчиндай йигит-да, — деди Рўжий дугонасининг юрагига чертиб. Дамаянтий чуқур уҳ тортди. У Ҳардев билан муносабатимиздан Рўжий беҳабар деб ўйларди.

— Менга қара, Рўжий, бу, Мўна Ҳардевини қандай ўзига иситиб олди, а? — деб сўради Дамаянтий бир куни гап орасида.

— Мўна истараси иссиқ қиз эмасми, ҳар қандай эркакни бир қарашда сеҳрлаб қўяди, — деди Рўжий дугонасининг юрагини бадтар ўртаб.

— Шундай-ку-я, лекин бу ерда бошқа бир гап борга ўхшашпти.

— Хўш, хўш?

— Демокчиманки, Ҳардев осонликча тузоққа илинадиганлардан эмасди. Бунинг устига уйланиб ҳам олибди.

— Уйланиб ҳам олди, болалик ҳам бўлди. Агар бунақа ишлар бўлмаганда, бола онасининг қўлида бўларди.

— Ўша кунлари шўрлик онасининг тортган азоблари-чи. Бола бекордан-бекорга нобуд бўлди. Мен газетада учта-тўртта йўловчиларни тунайдиган безорилар ҳақидаги мақолани унга ўқиб бераётган эдим. Безорилардан бири баёнот бериб нима дебди денг: “Мисол учун бир неча ой муқаддам шаҳар боғида тун ярмида биз бир йигит билан қизни тутиб олдик. Биз уларнинг чўнтагини шилмоқчи эдик, холос. Йигитга бир шапалоқ туширган эдик, салласи бир томонга учиб тушди. Ёнидаги қиз бола экан. Исми — Мўна. У бизнинг кўзимизни бўямоқчи бўлибди. Иягидаги соқоли ҳам ясама экан. Кейин мен уни бутазор ортига олиб ўтдим ва тагин хавфли шахс бўлмасин деган хавотирда у ёқ-бу ёғини пайпаслаб кўрдим. Энди қўлимни баданига олиб боришим билан қиз ерга узала тушиб ётиб олсам!

Ёш бир қиз эр кишининг олдида шундай...” Шу ерга келганда Мўна бирдан қичқириб юборди. “Бўҳтон, бўҳтон” деганча ерга юз тубан йиқилди.

Натижада қорнидаги боласига зиён етиб, нобуд бўлди.

Бу ҳикояни эшитиб, Дамаянтий бақрайганча Рўжийга тикилиб қолди. Ахир ўша кунлари клубда бу гап катта шов-шувга сабаб бўлганди-да. Бўлиб ўтган воқеалар бир-бир Дамаянтийнинг кўз ўнгидан ўта бошлади. Ҳа, Ҳардев зиёфатга саллада келган эди. Бундан Дамаянтий норозилигини айтгач, у Мўнани етаклаб, зиёфатни ташлаб чиқиб кетган эди. Мана бу машъум воқеа худди Ҳардев билан Мўна иккаласига тааллуқли эканига Дамаянтийнинг шубҳаси қолмади.

Бироқ бу билан Дамаянтийнинг кўнгли тўлмади. Клубга турма бошлиғининг хотини келиб турарди. Ўша орқали минг машаққатлар билан ҳалиги безориларни

қидириб топишга муваффақ бўлди. Безори келтирган барча далиллар Дамаянтий шубҳаларини тўлиқ тасдиқлар эди.

Мана, нима учун Ҳардев Мўнани зудлик билан никоҳига олгани маълум бўлди! Никоҳ уларнинг фарзандли бўлиши учун ягона восита бўлиб хизмат қилиши лозим эди. Калаванинг учи шунга келиб тақаларди.

Рўжий билан Дамаянтийнинг яқиндагина барпо топган дўстликларига раҳна тушди. Рўжий ҳе йўқ-бе йўқ дугонасидан ўзини торта бошлаганди. Дамаянтий қайта-қайта уни телефонда чақирса ҳам Рўжий ҳадеганда келавермас, келганда ҳам зарур ишим бор эди қабалидаги баҳона билан тезда чиқиб кетар эди. Бу Дамаянтийни ўйлатиб қўяр, гоҳо эса гашини келтирарди. Миннийнинг Рўжий хола-сини кўмсашларини айтмаса ҳам бўлади...

Миннийнинг туғилган куни тантанасига ҳам Рўжий ҳаммадан кейин келди. Шунда унинг Ашок Пурийдан ийманаётганини Дамаянтий пайқаб қолди. Йўқса, илгари меҳр билан “ака” деб мурожаат қиладиган Рўжий тантана куни бу сўзни бир марта ҳам тилга олмаганини қандай тушуниш керак?

Эртасига Дамаянтий дугонасининг ётоқхонасига кўққисдан кириб борди ва йўқ деганига қарамай, уни машинасига ўтқазиб, уйига олиб келди. Дамаянтий қизни чинакамига қисти-бастига олди.

— Опажон, — деди ниҳоят сўроқларга тоб беролмаган Рўжий, — мен уларни ҳурмат қилиб “ака” деб юрсам, улар мени...

Дамаянтий дарҳол қўлини унинг лабига босди. Дилидаги шубҳани тасдиқлаш учун шугина сўз кифоя эди! Ер ёрилса-ю, Дамаянтий ерга кирса. Эрини бурда-бурда қилиб ташлагиси келиб кетди шу топда. Бироқ эри ҳозир ундан минг чақиримча узоқда юрарди — иш билан Бомбейга кетганди.

“Барибир қайтиб келганда ҳам бир оғиз гапиришимни худо билади, — кўнглидан кечирди Дамаянтий, — телефондаги гаплар-чи? Бир неча кун ишдан чиқиб тўғри уйга кириб келгани учун ҳаммасини дилингдан чиқариб юбординг. Ўзингни ўзинг шунақа алдаб, лақиллаб юравер”.

Унинг кўзига дунё қоронғу кўриниб кетди. Болам билан бош олиб чиқиб кетсаммикан, деди-ю, бироқ бу қоронғида қасққа ҳам борарди?

28

Дамаянтий тун бўйи ўз ёғига ўзи қоврилиб чиқди. Тонг ҳам отди. Қуёш ҳам кўтарилди. Минний онасини кутиб-кутиб, мактабга кетди. Бироқ Дамаянтийнинг эшиги очилмади. У на чой чақирди, на хизматкорнинг чақиригига товуш берди.

Шу топ ичкаридан телефон жиринглади. Дамаянтий истар-истамас гўшакни кўтарди.

— Хоним, дарҳол уйингизни тарк этиб, бир неча соат холи қолдиришингизни тавсия этамиз, — дерди ишхона кишининг овози, — эрингизнинг ишхонасидаги ишчилар иш ташлашди, ишхонага ҳеч кимни қўйишмаяпти. Улар намойиш қилиб, тўғри хонадонингизга йўл олишди.

Дамаянтийнинг қулоғи остида “пақ-пақ” отилган милтиқ садолари янграгандай бўлди. У юрагини чангаллаганча ўтириб қолди. Эри нега бўри қувлагандай шаҳардан жуфтакни ростлаб қолди деса, гап бу ёқда экан-да.

Яна телефон жиринглади.

— Ашок Пурий ўз котибаси Молтий билан дон олишади деган гапларга асло ишонманг, — дерди ишхона ишбошчиси. — Булар бир нодўст киши тарқатган миш-мишни дастак қилиб олганлар. Мен полицияга хабар қилдим. Ишхона ва хонадонингизни полициячилар муҳофаза қиладилар.

— Молтийнинг бўйида бор дейишяпти-ку, — деди Дамаянтий бутунлай саросимага тушиб.

— Душманларимизнинг найрангига учган одамлар шундай дейишяпти, — деди ишбошчи. — Улар атайлаб бу қизни идорамизга ишга жойлаштирган. Ашок Пурийнинг обрўсини тушириш ва идорамизни синдириш учун мана шундай макр ишлатишяпти.

— Бу... бу Молтий деган аёл ким ўзи? Илгари у ҳақда сира эшитмагандим-ку?

— Бир нотаниш аёл. Ўзи инглизчани яхши билади, машинкада яхши ёзади. Бундан ортиқ бошқа фазилати маълум эмас. Ўзи бориб турган тасқара. Оғзидан сгарета тушмайди. Хуллас, чалпакка ўраб берса, ит искамайди деганлари асли шу бўлади. Пурий жаноблари шундай бир таъвияга назар солишлари асло мумкин эмас. Бу душманларимиз тўқиган иғводан бошқа ҳеч нарса эмас.

Дамааянтий гўшакни жойига қўйиб, ўйга толди. Нега эри бу ҳақда унга илгари бир оғиз гапирмаганди? Ахир бутун бошли ишхонадаги котибани хўжайиннинг уйдагилар билмаслиги мумкинми? Йўқ, бу ерда бошқа сир борга ўхшаяпти. Ишхонада емга тўйган эр кечқурунлари бошқа охур қидириб юрмайди-ку.

“Бошингга қора булут соя соляпти! — тишининг орасидан ўзига-ўзи деди Дамааянтий ва сапчиб ўрнидан турди. — Тарадудингни кўр дарҳол! Ҳаял ўтмай намоийшчилар етиб келиб, ҳовлигни қуршаб олади.”

Дамааянтий юз-қўлини ювиб, ваннахонадан чиқди-ю, ҳовлида калтак кўтарган уч-тўртта полициячига кўзи тушди. Полициячилар дарвозани беркитишди. Деразалар ҳам маҳкам беркитилсин деб буйруқ берилди. Ҳеч ким дераза ва дарвоза яқинида турмасин. Намоийшчиларнинг дўқ-пўписасига қарамай, ичкаридан ҳеч қандай жавоб берилмасин дея қаттиқ уқтирилди. Бутун масъулиятни полициячилар ўз зиммаларига олишди.

Дамааянтий дуч келган кийимларини апил-тапил эгнига илди. Хизматкорлар полициячиларнинг кўрсатмаларини бажариб бўлдилар ҳамки, муюлишдан намоийшчилар кўриди. Улар “Ашок Пурийга ўлим! Яшасин инқилоб!” дея наъра тортиб келар эдилар. И-е, намоийшчилар Ашок Пурий билан бир аёлнинг (Молтий бўлса керак) қўлда ясалган сиймосини ҳам кўтариб олибдилар-ку. Аёл Ашок Пурийга таъзим қилиб турибди! Буларнинг ҳаммасини Дамааянтий дераза пардасининг бир чеккасидан кўриб турарди.

Ҳайқира-ҳайқира чарчаган намоийшчилар ялинишга ўтдилар. Барибир ҳаракатларидаги сохталикни сездириб қўймоқда эдилар. Жўрттага фарёд уриб, кўкракларига муштлар, жазавага тушиб, шовқин солар эдилар. Бироздан кейин улар Ашок Пурийнинг сиймосини ёқиб юборишди. Аёлнинг сиймосини эса кўкларга кўтариб, “Мисс Молтийга шон-шарафлар!” деб алқай бошлашди. Бу машмаша анчагача чўзилди.

Бир вақт полициячиларнинг раҳбари битта полициячи билан ҳовлига кириб келди. У миссис Пурийга талабнома борлигини эълон қилиб, хизматкорлар ҳам хўжайиннинг қилмишларини билиб қўйсин, деган ниятда талабномадаги гапларни битта-битта овоз чиқариб ўқий бошлади:

1. “Пурий энд санз (прайвейт) лимитед” компанияси директори жаноб Ашок Пурий ўз амалидан фойдаланиб, Молтий хоним билан номақбул алоқа ўрнатдилар. Молтий хоним ойликни компания ҳисобидан олса-да, қиладиган иши директорнинг кўнглини хушлаш бўлган.

2. Молтий хонимнинг Пурий жаноблари билан номақбул муносабатда бўлганлигига далил унинг қорнидаги боласидир.

3. Пурий жаноблари Молтий хонимга ё тезлик билан уйланишлари, ёки унинг боласига оталик қилишлари шарт.

4. Компания ишчиларининг уюшмаси расман тан олинсин.

5. Уюшма идораси учун компания хоналаридан бири бўшатиб берилсин ва телефон ўрнатилсин.

6. Уюшмага раҳбар тайин этилсин.

7. Келажақда Молтий хоним билан бўлган воқеа такрорланмаслиги учун компанияда уюшма учун битта ноиблик ўрни берилсин.

8. Мазкур талаблар адо этилмагунча, ишга ташлаш давом этаверади.

9. 15 кунгача уюшма билан шартнома тузилмаса, уюшма очлик эълон қилади.

10. Талабноманинг бир нухаси полиция маҳкамасига, бир нухаси шаҳар касба уюшмаси ташкилотига юборилмоқда”.

Талабнома миссис Пурийнинг қўлига топширилгач, намоийшчилар раҳбари яна “Яшасин инқилоб” дея ҳайқирди-да, Молтий хонимни ёнига олиб, қайтиб кетди.

Молтий йигирма-йигирма икки ёшлардаги новча, хушрўйгина қиз экан. Лекин кўриниши қиздан кўра кўпроқ илоннинг ёғини ялаган хотинларни эслатарди. Чех-

расида ҳеч қандай ташвиш ё ғам кўзга ташланмасди. Қандай дадил келган бўлса, шундай изига қайтиб кетди. На салом, на хайр деб оғиз очди.

Кечгача Дамаянтий эридан бирон-бир хабар келишидан умид қилиб, телефон ёнидан жилмади. Бироқ телефон жим эди. Ўзи телефон қилай деса, Пурий ҳеч қанақа адрес қолдирмаган эди. Дамаянтий аросатда қолди.

29

Бу воқеани эшитган Рўжий ишидан жавоб олиб, Дамаянтийнинг олдига учди.

Энг аввал бу машмаша ҳақида газеталарда хабар қилмаслик чорасини кўриш лозим эди. Бу Дамаянтийнинг хаёлига ҳам келмаганди. Барча чиқимларни бўйнига олиб, у газеталарнинг бирортасида ҳам намоиш ҳақида хабар ёритмасликка муҳаррирларни кўндирди. Албатта, бу борада таниш-билишдан кўра кўпроқ муллажиринг иш берганини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Рўжий, қандай қилиб бўлмасин, Молтий хоним билан бир учрашиш зарурлигини яхши тушунар эди. Чунки у билан боғлиқ айб шундай эдики, хоҳлашса Ашок Пурийнинг оёғини осмондан келтиришади, хоҳлашса ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверади. Ишнинг яхши томонга ҳал бўлиб кетиши учун Дамаянтий пулни истаганча совуришга тайёр эди.

Ўша куни шомдаёқ Рўжий билан Манорама Молтий хоним ҳузурида бўлишди. Аввалига унга хайрихоҳлик билдириб, ҳамдард эканликларини айтишди. Кейин, бола хусусида ҳар қанча ёрдам бўлса аямаймиз, деб ваъда беришди.

— Ундай бўлса, — деди Молтий хоним бир оз чиройини очиб, — менинг бир дугонамга холис хизмат қилсангиз. Гап шундаки, хатолик туфайли унинг бўйида бўлиб қолди. Чиқимини дугоналари кўтарамиз дейишяпти.

Рўжий билан Манорама дарҳол рози бўлишди.

Молтийнинг гапларидан шу нарса аён бўлдики, бўйида бўлган унинг дугонаси эмас, ўзи экан. Ўқиш баҳонаси билан бу ерга келиб қолган синглиси тез орада хусни ва зеҳни билан оғизга тушиб, машҳур бўлиб кетибди. “Ёш христиан хотин-қизлар уюшмаси”га аъзо бўлиб киргач, опа-сингил биргаликда ёш-ёш йигит ва ишратнараст кишиларни тузоққа илинтириш билан овора бўлиб кетишибди. Компания ходимлари Молтийни қўлга олиб, Пурийдан фалон миқдорда пул ундириб берамиз, деб уни қаттиқ ишонтиришибди.

— Фалон миқдордаги пул қанча экан, тахминан? — аста сўради Манорама Молтийдан.

— Ўн минг рупияча бўлса керак, — жавоб берди Молтий сигарета тортиб. — Ахир болани тушириш учун ҳам минг-икки минг рупия кетади-да.

Рўжий “ҳап қўлга тушдингми” дегандай энгил нафас олди ва Молтийни ресторанга таклиф қилди. Ҳаял ўтмай шаробнинг сеҳрли таъсиридан Молтий оғзидан гуллашга тушди. Ашок Пурий билан орадаги гапларни миридан-сиригача сўзлаб берди. Ана, Ашок Пурий қанақа одам экан! Пулим бор деб, одам ҳеч нарсадан тап тортмас экан-да? Молтийни кўнгил хушлаш учунгина ишга олгани ҳам чип-па-чин экан-а.

— Ашок Пурий аёл зотига жудаям ўч, — сўзида давом этди Молтий хоним, — унга қанақа аёл бўлса ҳам фарқи йўқ. Мен бу ёқда қолиб синглимга парвона бўлиб юрибди. Зўрға бунинг олдини олдим. Пул шунақа қутуртириб юборар экан одамни. Бир ҳисобдан яна шундайларга ачинасан ҳам, киши. Сабаби, хотинлари эрларнинг кўнглини яхши ололмасалар керак-да. Айниқса, Дамаянтийдай гўзал аёлнинг эри хотинига вафо қилмабдими, бу ерда бир гап бўлиши керак. Мен уни бугун биринчи бор кўрдим. У қандайдир маъюс, тажанг кўринарди.

— Эрига мана бунақа тухмат тошлари ёғилиб тургандан кейин маъюс бўлмай суюнадими? — деди Манорама.

— Аммо жуда ҳам қўхлик аёл экан. Айниқса, менга унинг кўзлари ёқди.

— Айтмоқчи, қорнингиздаги бола неча ойлик бўлди? — сўради Рўжий унинг кўнглига қўл солиб.

— Бор йўғи ҳафта-ўн кунлик, холос.

— Бўлмаса бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир деганлар, маслаҳатим шу:

гапимга киринг-да, иссиғида уни тушириб юборинг. Ҳозир айна пайти. Вақтни ўтказсангиз, ўзингизга қийин бўлади, — деди Манорама.

— Кошки бу биринчиси бўлса, — деди бепарволик билан Молтий. — Касбимиз шу-ку. Шартга биттасига тўнқаймиз-да, саккиз-ўн минг рупиясини шилиб оламиз. Бизнинг тўрт-беш кун ўйнаганимиз, бир шўрликнинг уйи куйгани қолади.

— У ёғи ихтиёрингиз, лекин мановини тезроқ гумдон қилинг. Бачадонга қайта-қайта тиф тегаверса, ракка гирифтор қилади. Ҳозир бир дугонаимиз шундай касал билан чет элда даволанаяпти. Ўзи ҳам энди пушаймон қилаяпти.

— Сизлар ўзингиз удалайсизларми буни? — сўради Молтий.

— Шунинг учун келиб турибмиз-да. Бошқа нимага ҳам келардик. Хўп десангиз, бугун тундаёқ бир ёқлик қилиб ташлаймиз.

— Ёнимда етарлича пулим ҳам йўқ... — деди Молтий ўйланиб.

— Шу ҳам гап бўлибди-ю! Дўстлик олдида пул нима деган нарса бўлибди? — Манорама кулди.

— Пул топилмайдиган матоҳ эмас-ку, — деди Рўжий ўзича.

— Бу ёқда Пурий жанобдан жарима пули ҳам ундиришим керак эди. Компаниядоғилар билишса, мендан қаттиқ хафа бўлишади, — деди Молтий.

— Буни уларга маълум қилиб ўтиришнинг сира ҳожати йўқ — азонда уйингизда бўласиз. Ҳатто эртага ишга чиқсангиз ҳам бўлавереди.

Кайфи ошган Молтий ёш боладай булар нима деса индамай рози бўлаверди. Ресторандин чиқиб ҳаммалари ётоқхонага келиши ва ҳаш-паш дегунча Молтийнинг қорнидаги гумонаси гумдон этилди. Молтий хоним икки-уч соат Манорама-нинг каравотида ётиб, ўзига келиб олди-ю, таксида уйига қайтиб кетди.

Рўжий билан Манорама эса дам сайин Дамаянтийга телефон қилиб, бўлаётган ишлардан уни огоҳ қилиб турди.

Эртасига каллаий саҳарлаб Рўжий кўзларини уқалаганча Дамаянтийнинг қошида ҳозир бўлди.

— Энди хотирингиз жам бўлаверсин, иш хамирдан қил суғургандай битди, — деди у Дамаянтийга. — Тағин Ашок Пурий билан сан-манга бориб ўтирманг.

— Сан-манга дейсан! Ундай одамнинг башарасига ўт тушсин! — жавоб берди Дамаянтий тутақиб.

— Жаҳлингиз чиққанича бор, хоним. Ашок Пурий сизга нисбатан хиёнаткорлик қилганлар. Бироқ қарс икки қўлдан чиқишини ҳам унутманг...

— Хўш, айбим нима экан менинг? — деди Дамаянтий Рўжийга тик қараб.

— Эри бировлар билан айш суриб юрар экан, бунга биринчи навбатда унинг хотини сабабчи бўлади.

— Бир чақага қиммат гаплар! — шартга рад этди Дамаянтий.

— Молтий сизни шунда айбляпти.

— Бузуқнинг гапи ҳам бузуқ бўлади.

— Шунча йиллардан бери битта ўғил фарзандга зор бўлиб келаётганингиз сир эмас-ку. Ашок жаноблари ўғил дардида шундай қилаётган бўлсалар-чи?

— Бўлмаса, уларнинг тўрт томони қибла, марҳамат, уйланаверсин. Мен боламни олиб, бошқа бўлиб оламан, — деди Дамаянтий деярли бақариб.

— Йўқ-йўқ, мен ундай демоқчи эмас эдим. Айтмоқчиманки, уйда кўнгиллари тўлмаётган бўлса... Ахир, бирон кишининг шундай қилганини на кўрганман, на эшитганман.

Дамаянтий, гўё эски яраси бирдан тирналгандек, оғир сукутга чўмди.

— Нима демоқчисан бу билан? — деди у гўлдираганча.

— Биласизми, кеча Молтий хоним билан суҳбатлашаётиб Пурий жанобларидан жаҳлимиз чиқиши ўрнига, аксинча, унга раҳимимиз келиб кетди. Улар Молтий хонимга қайта-қайта “умримда бир марта ҳам ёр висолидан баҳраманд бўлмасам-а, қандай бахти қаро эркакман,” деб нолибдилар.

— Уларнинг бу гапларига ишонса бўлади, — деди Дамаянтий эшитилар-эшитилмас гудраниб.

— Балки уларнинг қандайдир касаллари бордир? Менимча, эрингиз қайтиб келганларидан кейин Манорама ишлайдиган поликлиникада бир психологик кўрикдан ўтиб олсалар ёмон бўлмасди. Сиз нима дейсиз шунга?

Рўжийнинг саволига жавобан Дамаянтийнинг кўзларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди.

Эрим уйга қайтиб келса, юмма талайман, деган Дамаянтий Ашок Пурийни кўриши билан кўлидан тутди-да, ичкарига бошлаб, бидирлаб кетди:

— Рўжий билан Манорама иккаласи ҳалиги қизнинг боласини туширди, кейин Рўжий унга минг рупия бериб, ими-жимиди шаҳардан чиқариб юборди. Компаиди-ядагилар қизни қидира-қидира чарчаб, охири иш ташлаш ниятидан қайтишди. Энди адвокат билан маслаҳатлашиб, галаёнчилар устидан суд иши кўзгагишингиз мумкин. Бу энди сизнинг хоҳишингизга боғлиқ, албатта.

Ашок Пурий иш ташлаш тамом бўлгандан бошқа ҳеч қандай гапдан беҳабар эди. Бу ерда бўлиб ўтган можароларни миридан-сиригача эшитиб бўлгач, Дамаянтий унинг кўзига бамисоли фариштадай кўриниб кетди ва хотинини бағрига босиб, юзидан, кўзидан ўпа бошлади.

Телефон устма-уст жиринглар, чор атрофдан Ашок Пурийнинг дўстлари иш ташлаш хайрли тугагани билан табриклар эдилар.

Дамаянтий юмуш баҳонаси билан ётоғига кириб кетди. Пардоз столи олдидан ўта туриб тошойнадан ўзининг эмас, бир етти ёт бегона аёлнинг акси унга заҳархандалик билан қараб тургандек туюлиб кетди. Дамаянтий таққа тўхтаб, ойнага тикилиб қолди.

— Пасткаш хотин!

Ким бўлди бу? Уни бундай ҳақорат қилишга ким журъат этди? Дамаянтий атрофга аланглади.

Ёнвериди ҳеч зот йўқ эди.

— Беномус! Сен билан бозори хотин ўртасида қанчалик фарқ бор? Бу ер оила эмас, исловотхона! Сен эса шу исловотхонани гуллайтиб турувчи фоҳишасан!

— Йўқ, йўқ! — Дамаянтийнинг кўзларидан ёш қуйилди.

— Нега бўлмасам эрингга қарши бир оғиз гапиролмайсан? Нега бир қур унинг кирдикорини башарасига солмайсан?

— Қайси қилмишларини айтиб юзига солай? Қайси жабру жафоларини бир-бир санай? Дилимдаги қайси жароҳатлар учун оҳ уриб, фарёд чекай?

— Бунинг оқибатида оила шарманда бўлиб кетмайдими? Эр-хотиннинг ораси бузилиб, уриш-жанжал чиқмайдими? Рўзғорда ҳаловат қолмайди, ёган-ичганинг заҳар-заққум бўлади. Боз устига элга шарманда бўлиб, номмиз, ёмон-ичганинг заҳар-заққум бўлади. Боз устига элга шарманда бўлиб, номмиз, ёмон-ичганинг заҳар-заққум бўлади. Бир бегуноҳ нураида бошига бевақт мусибат солиб, бор буд-шудимиздан ажраб, уволига қоламиз.

— Сен ўзингдаги камчиликларни биласанми ўзи? Бирор марта қалбингга туюқроқ разм солиб қараганмисан?

— Хўш, менинг айбим нимада? Ҳардев эшигимга бош уриб келганда, мен уни кўксидан итариб, қайтариб юбордим...

— ... Чунки сен ҳамон уни юрагингдан чиқариб ташлаганинг йўқ. Юзида ташвиш аломатлари ҳақонинг қўришинг ҳамон нақд йиғирма минг рупияни кафтига тутқазганинг эсингдами?..

Дамаянтий жим.

— ... Чунки сен бировнинг фарзандини “бу сенинг боланг” деб эрингни лақиллатиб келяпсан, унинг тузи билан боқиб, вояга етказяпсан.

Дамаянтий жим.

— Чунки турмуш қурганингдан бери қанча сувлар оқиб ўтишига қарамай, ҳамон ўзингни шарий эрингга топширолганинг йўқ. Ҳамон юрагинг юрагига пайванд эмас. Ашок Пурийнинг шу дамгача сендан фарзанд кўрмаётганиги сабаби ҳам мана шунда.

Дамаянтий жим.

— ... Чунки сен ҳамон Ҳардездан умидингни узганинг йўқ, ҳамон унинг хотини бўлиш илинжида юрибсан...

— Йўқ-йўқ! Бу ёлгон! Бу бўҳтон! Бундай разолатга чидай олмайман! — Дамаянтий чинқириб юборди.

Хонага Ашок Пурий ўқдай учиб келди. Сочлари тўзғиган ва ранги девордай оқариб кетган хотинини кўриб, унинг кайфи учиб кетганди. Дамаянтий эрининг қучоғига беҳуш йиқилди.

Хайриятки, Минний мактабда эди. Бўлмаса онасини бу ҳолатда кўриб унинг ҳоли не кечишини айтиш қийин эди. Доктор бир марта укол қилди, яна бир марта қилди. шундан кейингина Дамаянтий ҳушига келди. Ҳа, Ашок Пурий хотинининг юрагидаги дард нақадар чуқурлигини яхши билар эди. Дамаянтий бир неча кун-гача тўшакдан бағрини узолмай ётиб қолди.

Ашок Пурий хотинининг оёғига бош уриб йиғлар, қилмишидан пушаймон бўлиб, кечирим сўрар, бахтсизлигидан худога нола қиларди. Охири Рўжий билан Манораманинг тахминларига иқрор келиб, руҳий касалликлар кўригидан ўтишга розилик берди. У ҳафтада икки марта шифохонага қатнай бошлади. У ерда Ашок Пурий барча қишмишларини бир-бир гапириб, хатоларини бўйнига олди.

Барибир Дамаянтий уни дилидан авф этишига ҳеч кимнинг кўзи етмасди, албатта. Кошки авф қилган билан ўрнига тушадиган гап бўлса бу. Шу боисдан ҳам у дилида бундан кейин қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақида ўзича режалар туза бошлади. Ҳа, пичоқ бориб суякка қадалганди. Аввал-бошданоқ Дамаянтий отасининг қишлоқдаги уйини мўлжалга олиб қўйганди.

Қишлоқликларнинг самимий чеҳралари, содда-содда гап-сўзлари, чуқур меҳр билан боқувчи кўзлари бутунлай уни маҳлиё қилиб қўйганди. Шундай одамлар ичида бўлса, умри беҳуда ўтмаслигига Дамаянтийнинг ақли етиб турарди. Жуда бўлмаганда мактабда ўқитувчилик қилар-ку, ахир. Хуллас, қиламан деса қишлоқда иш тўлиб-тошиб ётибди. Фақат қизи Миннийни бир амаллаб мана бу ботқоқдан фориг қилиб олса бўлгани эди. Унинг маъсум ва покиза жисмини киборлар дунёсининг чиркин ҳавосига зинҳор яқин йўлатмасди.

Бу орада яна бир кўнгилсиз воқеа рўй берди.

Бир куни кўзёш қилганча Дамаянтийнинг олдига Манорама кириб келди. Дамаянтий-ку, ўзи бир ҳолда ўтирганди, шунинг учун “нега йиғлаяпсан” деб сўрашга ҳам мажоли етмади. Унинг шу қадар юраги қонга тўлган эдики, салгина туртса, тамом, тарс ёрилиши ҳеч гап эмасди.

Шунга қарамай, Манорама йиғлай-йиғлай бўлган воқеани бир бошдан сўзлаб берди. Шунча кундан бери уларнинг клиникасига қатнаб даволанаётган Ашок Пурий бугун Манораманинг хонасида бўлиши лозим эди. Врач иш билан бир ёққа кетиб, уни кутишга тўғри келибди. Беморни зериктириб қўймаслик учун Манорама у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирибди. Бир вақт нимани баҳона қилиб Ашок Пурий Манораманинг кўлидан тутибди-да, ҳадеганда қўйиб юборавермабди. Манорама аввалига унинг нима мақсадда бундай қилаётганини тушунмабди. Шунда Ашок Пурий даст ўрнидан турибди-да, Манорамани кучоқлаб, ўпа кетибди. Қизнинг “қўйинг, қўйинг” деганига қарамай, шундай бағрига босиб тургани устига врач кириб келибди.

— Энди врачнинг юзига қандай қарайман? — деди Манорама ҳўнграб йиғлаганча юзини четга буриб.

... Бу воқеа энг сўнггиси бўлди. Дамаянтий дилида ўйлаб юрган режаларига нуқта қўйди.

31

Дамаянтий эри билан ҳеч бир шовқин-суронсиз, уруш-жанжалсиз, ими-жимида ажрашишга аҳд қилди. Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам, кўнглидан ўтказарди у қайта-қайта. У кийим-кечакларини йиғиштиришга тушди. Миннийнинг китобларини ҳам тартиб билан боғлай бошлади. Бироқ ўзи билан нимани олишу нимани олмасликка келганда у ўйланиб қолди. Баъзи нарсаларнинг баҳридан ўтай деса, кўзи қиймас, шунча йиллар кўзининг олдига туравериб, қадрдон бўлиб қолганди. Шунинг учун гоҳ у, гоҳ бу буюмни неча бор кўлига олиб, ерга қўяр, вақтни ўтказарди. Хуллас, тун бўйи мижжа қоқмай буюм тахлаб чиқди.

Тонг отди. Ёнидаги хонада Ашок Пурий ҳали уйқуни уряпти. “Бориб уйғотаман-да, шартта айтаман”, кўнглидан кечирди Дамаянтий. табиийки, эри Миннийни қолдирасан дейди. “Ким билан қолишни Миннийнинг ўзи айтсин” дейман, ўйлади Дамаянтий. Минний онасидан бир дақиқа ажралмаслигига унинг имони комил эди.

Дамааянтий кўч-кўронимни қишлоққа эримнинг машинасида олиб бораман, деб ўйларди. Кетишини ҳеч ким, ҳатто Рўжий билан Манорама ҳам билмагани яхши. “Ойни этак билан ёпиб бўлмайти, қачон бўлмасин, қидириб топиб боришади”, деб хаёлидан кечирди Дамааянтий. Бирдан телефон жириглади. Дамааянтий гўшакни олди. Ундан гап ўрнига пиқ-пиқ йиғи овози келарди, холос. Кейин гўшакни биров олди-да, (бу Манораманинг овози эканлигини Дамааянтий дарҳол пайқади), деди:

— Мўна оламдан ўтди, ҳозиргина телеграмма келди.

Гўшак Дамааянтийнинг қўлидан тарақлаб ерга тушди. Бир лаҳза у ҳанг-манг бўлиб қолди. Ва шилқ этиб диванга чўкди.

Дамааянтий ўзига келиб қараса, эри ҳали ҳам пишиллаб ухлаб ётибди. То биров бориб уйғотмагунча у ўлиқдай чўзилиб ётаверарди. Дамааянтий машинани гаржадан чиқарди-да, Рўжий билан Манораманинг олдига елдай учиб кетди.

Телеграммада “Ўтган куни кечқурун Мўна оламдан ўтди. Ойимга хабар қилинлар” деган қисқа хабардан бўлак ҳеч гап йўқ эди. Йиғлайвериб Рўжийнинг қовоқлари шишиб кетганди.

— Ҳардевнинг қари онасига бу хабарни қандай етказамиз? — деди Манорама ташвишланиб. Мўнанинг уйидагиларга Ҳардев ўзи хабар қилган бўлиши керак. Бечора Ҳардев! Не-не умидлар билан хотинини чет элга олиб кетган эди-я! Энди бир ўзи шумшайиб қандай кириб келаркан уйига...

Учала дугона гапни бир жойга қўйиб, Ҳардевларникага йўл олди.

— Ишқилиб Жанкий уйга келган бўлсин-да. Қари онасига тасалли бўлади. Йўқса бундай гамга кекса юрак бардош беролмайди, — дерди уч дугона бир-бирига.

Ҳардевнинг уйига қадам қўйишлари билан ичкаридан Жанкийнинг овози эшитилди. Яхшиям Жанкий уйда экан. Онасининг аҳволи оғирлашиб, у касал боқмоқда экан. Беморнинг оғир ҳолда ётганини кўриб, дугоналар нима дейишни билмай, ҳайрон бўлиб қолишди.

Жанкий аввалига, булар онамни кўргани келишган бўлса керак, деб ўйлади. Бироқ Дамааянтийнинг ҳам бирга келганини кўриб, бирон хушxabар олиб келган бўлса керак, деган хаёлга борди. Беморнинг ҳуши жойида бўлмай, одам танимас, ким келиб, ким кетганидан асло беxabар эди.

Дамааянтий ичкарига қадам босди-ю, қаршидаги деворда ўзининг суврати осиглиқ турганини кўриб, донг қотиб қолди. Бирпас ҳордиқ чиқаргани кирган хонада ҳам, бемор сўнгги нафасларини олиб турган хонанинг тангри Кришна сиймоси илиб қўйилган деворда ҳам у ўзининг суврати борлигини кўрди. Баъзилари ҳатто ардоқлаб кумуш рамкага солиб қўйилибди. Ҳамма сувратларда унинг аини дуркун палласи мана деб турарди. Дамааянтийнинг боши айланиб, кўзи тинди.

— Ҳозир доктор келиб кетувди, “оғир” деб кетди, — деди Жанкий кўзларига ҳалқа-ҳалқа ёш олиб.

Манорама қўлида тутиб турган телеграмма қоғози тўкилган кўз ёшларидан ивиб борарди. Уни Жанкийга кўрсатгани мажол қани?

Бу хонадонда ўзининг қанчалик азиз инсон сифатида ардоқланганини кўриб Дамааянтий ҳайратда лол қолмоқда эди. Агар ётоқхонадаги меҳроб устида осиглиқ тангри Кришна сиймосини ҳисобга олмаганда бу ерда Дамааянтийдан бошқа ҳеч кимнинг суврати кўзга ташланмаётганди. Қизиқ, хонадонда Дамааянтий сиймоси барқ урган бир пайтда Мўнанинг сиймоси шамдай ўчди! Дамааянтий йиғлаб юборди. У доктор қақриб келишни баҳона қилиб, ташқарига чиқиб кетди.

Жанкий ҳозиргина Дамааянтий туриб кетган жойга келиб ўтирди-ю, кўзи Манораманинг қўлидаги телеграммага тушиб, сўради:

— Телеграммами? Ким юборди?

Манорама, худди шуни пойлаб тургандек, шоша-пиша телеграммани унинг қўлига тутди. Жанкий телеграммани ўқиди-да, кўзларини катта-катта очганча Манорамага жавдираб қаради. Сўнг уччалалари нариги хонага киришди-да, бир-бирларини кучоқлаганча кўз ёш тўкишди. Барибир Жанкий кўксидан тошиб келаётган фарёдни тутиб турулмади. Фарёддан чўчиб тушгандек; шу он бемор онанинг жон қуши ҳам вужудини тарк этиб, фалакка учди.

Ташқаридан докторни бошлаб келаётган Дамааянтий кўринди. Бироқ кеч бўлган эди.

Энди яна бир муаммо кўндаланг бўлган эди: онасининг ўлими ҳақида Ҳардев-га хабар қилишини ёки йўқми? Мусофир юртида бошига тушган мусибат устига бу хабарни эшитса, кўтара олармикан? Манорама билан Рўжий сабр қилишни, бироз эсидан чиқариб келишини пойлаш керак, деб маслаҳат солди. Бироқ Дама-янтний бунга кескин қарши чиқди. Чунки, Ҳардев бутунлай қайтиб келмаслиги, ўша ёқда ишга жойлашиб қолиб кетиши ҳам мумкин эди-да. Дамааянтний Жанкийнинг қўлидан телеграмма ёздириб олди-да, почтага йўл олди.

32

Ҳафта ўтди, ўн кун ўтди, бироқ Ҳардеван ҳамон дарак йўқ. Ҳойнаҳой теле-грамма етиб боргунча у бирон ёққа кетиб қолган. Ҳамма Ҳардевни аллақачон уйи-га қараб йўл олган деб тахмин қиларди. Бироқ шунча кундан кейин ҳам қораси кўриनावермагач, йўлда бирон жойга қўнган бўлса керак, деган хулосага келди. Энди бирдан-бир умид унинг янги жойидан келиши керак бўлган хатда қолганди.

Бу сафар ҳам Ашок Пурийни ташлаб кетиши ҳаракати пучга чиққан Дама-янтний танама тақдир қўйишга мажбур бўлди. Асли пешонасига ёзилгани шу экан-да, деб отнинг бошини бўш қўйди. Кечаю кундуз тангрига нола қилиб, кунлари пушаймон билан кеча бошлади. Эрига унчалик рўйхуш бермас, унинг кунда қаер-га кетиб, қаердан келгани билан ҳам иш тутмай қўйганди. Ашок Пурий ҳам қил-мишлари туфайли хотинидан қаттиқ юзи куйганидан иложи борича унинг кўзига ташланмасликка тиришарди. Унинг бирдан-бир суянчиғи пул, мол-дунё бўлиб, гар-данидаги ҳар қандай ва ҳамма иллатларни шу билан хаспўшлар эди. Минний ка-салхонадан чиққан кундан бери Дамааянтний қизи билан ётар, эрининг ўрнини бошқа хонадан қилиб берганди. Овқатланиш пайтида ҳам Дамааянтний ғоят кам гапирар, клубга ҳам бир ўзи боришга ҳаракат қиларди. Ашок Пурий клубга борадиган бўлса, ишхонасидан тўғри ўтиб қўя қоларди. Рақс тушиш жисмоний тарбия ўрни-ни босади деб кимдандир эшитди-ю, шундан бери бегона аёллар билан даврада кучоқлашиб, алламаҳалгача айлангани-айланган эди.

Кечкурунлари Дамааянтний бир ўзи сайр қилгани чиқарди. Бир куни қараса, кучу-ги Шаббу сайр чоғи унга ҳамроҳ бўлишдан бош тортяпти. Бўсагадан тўрт-беш қадам узоқлашади-да, тўхтаб қолади. Дамбадам уй томонга қарайди. Дамааянтний отини айтиб чақирса, пича юради-да, яна тўхтаб, изига қайтади. Кечкурун эгам ишдан қайтганда қарши оламан деса керак жонивор, деб кўнглидан ўтказди Да-мааянтний. Бироқ Ашок Пурий уйга келиб, бир ўзи кўча айлангани чиққанда Шаб-бу унга ҳам ҳамроҳ бўлмади. Дам сайин Дамааянтнийнинг олдига келади-да, гўё бирга юришга даъват қилгандек, олдинги панжаларини унинг кўксига қўйиб, тик туриб олади. У Дамааянтнийсиз ҳам, Ашок Пурийсиз ҳам сайр қилишни истамаёт-ганди. Хуллас, бечора кучукнинг ҳаловатига путур етганди. Олдинги оёқларига бошини қўйганча хаёлга чўмиб ётган юввош Шаббуга қараб туриб, Дамааянтний-нинг раҳми келиб кетарди.

Охири Дамааянтний билан Ашок Пурий иккаласи яна биргаликда сайрга чиқа бош-лади. Шунда Шаббунинг суюнишини кўрсангиз! У ирғишлаганча, думини тез-тез ликиллатганча улар билан сайрга чиқаркан, олдинга чопқиллаб кетар, гоҳ орқада қолиб кетарди. Кейин ўқдай учиб келарди-да, Дамааянтнийга осилиб юзларини ялаб-ялаб оларди. Олдинги оёқларини Ашок Пурийнинг тиззаларига қўйиб, эр-хотинни ўзи билан биргаликда сайрга чиққанлари учун миннатдорчилик изҳор қилгандек бўларди.

Ашок Пурий ҳали ҳам ҳафтада икки марта клиникага бориб турарди. Доктор хо-нининг гапига кўра у анча ўзига келиб қолган. Ундаги ўзгаришни ҳатто хотини Да-мааянтний ҳам эътироф этди. Сўнгги пайтларда Ашок Пурий қўлидан келганча хоти-нини хурсанд қилишга, оиласини ўз измида сақлашга ҳаракат қила бошлаганди. Кел-гуси ойдан у Европа бўйлаб саёҳатга отланиши лозим эди. Шунинг учун ўзи билан бирга хотини Дамааянтнийни ҳам олиб кетиш нияти йўқ эмаслигига шама қилиб қўйди.

Доктор хоним Дамааянтнийга эрингизга муносабатингизни ўзгартиринг деб қаттиқ уқдирди. Унинг билишича, Ашок Пурий шу қадар ёмон одам эмас экан. Етти ёт бегона хониннинг эрини мақтаб гапириши негадир Дамааянтнийнинг бир оз ғашини келтирди.

Мана, неча кундирки, Ашок Пурий кечқурунлари уйида. Яна илгаригидай хотинига парвона-ю қизига бош-қош. Эрталаблари барвақт туради-да, ибодатхонага йўл олади. Ер-ошналаридаан ўзини тортиш учун у атайлаб шу йўлни танлади. Яқиндан борди-келди қиладиган ягона инсон оқбиллак доктор хоним эди, холос. Хоҳ уйига чақиртисин, хоҳ ўзи унинг қабулига борсин, ҳар икки ҳолда ҳам Дамаянтий эрининг пинжида бўларди.

Оқбиллак хонимнинг исми Урсала бўлиб, Дамаянтийга тенгдош насоро аёл эди. У кўпинча Дамаянтийга ҳазилми-чинми шундай дерди:

— Бизнинг касбимиз хўп касб-да, бемор касалликдан кутулиб, докторга мубтало бўлиб қолади. Аслида бизни қийнайдиган нарса ҳам шу. Ҳарҳолда ўта хушёрлик, зийраклик кўрсатмасак, қилган меҳнатимиз ҳайф кетади. Ҳаммадан ҳам менга қийин, чунки аёл кишиман. Бунинг устига анчагина кўзга яқинман. Беморларим менга ошиғи шайдо бўлиб қолган пайтлар кўп учраган. Ашок Пурийнинг дардлари ҳам шундан дарак бериб турибди.

Шу-шу эрининг қилиқларини касалга йўядиган бўлишса, Дамаянтийнинг зардаси қайнайдиган бўлиб қолганчи.

— Бу қандай гап, кўча-қўйларда биров билан дон олишиб юришни касалликка йўйиб, кечивер юбораверса, шу инсофданми? Ишқилиб, пулдорларнинг ҳамма иши узрли бўливерар экан-да, — кўнглидан ўтказарди у юраги эзилиб.

Ашок Пурийнинг Европага саёҳат қилиши тайин бўлди-ю, Дамаянтий ҳам ҳозирлик кўра бошлади. Уч-тўрт кун нима деган гап, қайтанга дунё кўргани қолади. Бироқ шуниси қизиққи, доктор Урсала хоним ҳам улар билан бирга боришга қарор қилган эди.

Буни эшитиб, Дамаянтийнинг кўнгли муздай бўлди.

Хотинининг бундан норози бўлгани Ашок Пурийга асло ёқмади. Ахир шунча вақт жон кўйдириб уни даволаган бўлса, энди саёҳатга бирга олиб кетса, бунинг нимаси ёмон экан? Ахир кунора иккаласи хонада соатлаб ёлғиз ўтирарди, гоҳ хонимнинг қўли унинг қўллари устида бўлар, баъзида эса докторнинг момиқ қўли алламаҳалгача Ашокнинг пешонасида қолиб кетарди. Саёҳатда-ку, Дамаянтий ёнларида бўлади, Дамаянтийни ташлаб кетишаётган бўлганда бошқа гап эди.

Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичар деганларидек, бу гапдан кейин оилага яна ола мушук оралади. Уйлай-уйлай Дамаянтий эри билан чет эл саёҳатига боришдан воз кечди.

Якшанба кун эрталаб улар айвонда нонушта қилиб ўтиришарди. Гап айланиб саёҳатга келиб тақалган эди, Дамаянтийнинг авзойи бузилиб шундай деди:

— Ўша мегажин билан бирга борадиган бўлсангиз, саёҳатингиз ўзингизга сийлов!

Кейин сапчиб ўрнидан турди-да, ичкарига кириб кетди. Шу ерда ўтирган Минний ҳаммасини кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитиб турарди.

Бир оздан кейин Ашок Пурий хотинининг орқасидан ичкарига кириб кетди. Не кўз билан кўрсинки, Дамаянтий оббо деб нарсаларини йиғиштиряпти. Ўзини суддан оқ, мусичадан увол деб билган Ашок Пурийга хотинининг бу қилиғи жуда хунук туюлиб кетди. Айниқса, қизи олдида Дамаянтийнинг зарда билан айтган паст-баланд гаплари... Кўп ўтмай ичкаридан эр-хотиннинг даҳанаки жанги қулоққа чалина бошлади. Бу уларнинг биринчи марта бақириб уришишлари эди. Жанжал босилиш у ёқда турсин, тобора авж оларди.

— Сен ўзинг ярамас хотинсан. Сенинг асли юрагинг кир бўлгани учун ҳамма-ни ҳам ўзингдай деб биласан, — деб бақирди Ашок Пурий.

— Бировга бош кўтариб қарагулик ҳолинг йўғу, нега менга кекирдагингни чўзасан, жўжахўроз? — дерди Дамаянтий кўзидан учқун сачраб.

— Сенга ўхшаган бадгумон хотинлар эрини ёмон йўлга юришга мажбур қиладди, — деб Ашок Пурий милтиқ билан ҳужум қилса.

— Сенга ўхшаган бетамиз эрлар на рўзғор тутишни, на хотин тутишни удда-лайди, — деб Дамаянтий замбарак билан жавоб қайтарарди.

— Йўқол даргоҳимдан, бетовфиқ! — наъра тортди Ашок.

— Йўқоламан! Башарангни кўришга тоқатим йўқ, — чинқириб деди Дамаянтий, тез-тез киймларини чамадонга жойлар экан.

— Эшак мия еган хотин!

— Шарманда эр!

— Қорангни кўрмай бошқа!

— Кўрмайсан ҳам қорамни!

Жанг шу тариқа қизгин тус олган бир паллада Минний аста ичкарига кириб келди ва бориб эр билан хотин ўртасига туриб олди. Унинг кўзлари жикқа ёш, гоҳ отасига, гоҳ онасига мўлтираб қарарди.

Бирдан Ашок Пурий ҳам, Дамаянтий ҳам бараварига Миннийни қучоқлаб олди. Ахир эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам кўзининг нури, кўнглининг чироғи шу қизгина эмасми? Меҳр ва ёшга лиммо-лим уч жуфт кўз бир жойга жам бўлганди.

Диллардаги губор тарқалиб, ҳаммалари яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

33

Ҳардевдан ҳамон на хат бор, на дарак.

Гарчи унинг ўзи бу ерда бўлмаса ҳам кечаю кундуз у кимнингдир юрагида мавжуд эди.

Ҳардевни кутиб Дамаянтий ҳалигача қишлоққа кетишни пайсалга солиб келарди. Кўчиб кетолмаётганимга Ҳардев сабабчи эмас-ку, деб ўзини-ўзи қанчалик ишонтирмасин, барибир ҳақиқатдан юз ўгириб бўлмасди.

Манорама Мўнанинг энг яқин дугонаси эди. Ҳинду эди, ҳалигача турмушга чиқмаган бўй қиз эди, чунончи, у ўзини Ҳардевнинг яккаю ягона харидори деб билар, Ҳардевга худога сифингандай сифинарди.

Мўна бўлмаганда Ҳардев фақат мени севган бўларди, деб ўйларди Рўжий ҳам. Мўнанинг хотираси ўчмаслиги учун у Ҳардевга турмушга чиқаман деб аҳд қилиб қўйган эди.

Дамаянтий эса Мўнани бир умрлик иснод чангалидан қутқариб қолиш учун Ҳардев унга уйланган деб ўзини-ўзи ишонтириб юрарди. Агар боғдаги ўша шармандала воқеа содир бўлмаганда Ҳардев ҳали-вери уйланадиган одам эмасди, деб ўйларди.

Ҳардевнинг бир суврати Манораманинг хонасига зеб бериб турарди.

Аслида бу сувратни Ҳардев Рўжийга тақдим қилган эди. Суврат унинг столи тортмасида ётарди. Қизиқ, суврат Манораманинг қўлига қандай тушиб қолди экан?

Рўжий билан Манорама гоҳо Дамаянтий билан суҳбатлашиб қолган чоғларида гапни айлантриб нуқул Ҳардевга тақар эдилар. Уларнинг бу шилқимликларидан Дамаянтийнинг жони ҳалқумига келгудек бўларди.

Ҳинду расм-русумларига эътиқоди баланд Манорама ҳар куни гул олиб келиб, Ҳардевнинг сувратига сочар, илгарилари сандал бутоғи кирмайдиган уйда энди худонинг бермиш куни хушбўй ҳид бурқсигани-бурқсиган эди.

Рўжий менга сандал дуди ёқмайди, димоғимни шамоллатиб қўяди, деб нолирди. Бирда-яримда ибодатхона ёнидан йўли тушиб қолса, оғзи бурнини маҳкам беркитиб оларди. Шу боисдан ҳозир ҳам у Манораманинг олдидан кетиб, хонасини бошқа қилиб олган эди.

Бу йккала қизнинг ҳаракатлари Дамаянтийни шубҳага солиб қўйганди. Қачон қарамасин, унисининг ҳам, бунисининг ҳам оғзидан сира Ҳардев тушмайди. Ҳардев уларга ким бўлибди ўзи?

Бир куни нима бўлди-ю, Рўжий билан Манорама бир-бири билан аразлашиб қолди. Рўжийнинг хонасида ўтирган Манорама унинг ёстиғи тагидан Ҳардевнинг сувратини топиб олибди! Рўжийнинг ёстиғи тагидан Ҳардевнинг суврати чиқиши шўрлик Манорамани шунақанги гангитиб қўйдик, минг ўзини босишга уринмасин, барибир чидаб туролмади.

— Бу сувратни қаердан олдинг? — сўради у вужуди титраб.

— Буними? Бу ўша тақсирим билдирмайгина кўтариб кетиб, катталаштирган суврат бўлади, — деди захархандалик билан Рўжий.

— Ёлғон! — деди Манорама.

— Бўлмаса сен қаердан олдинг уни? — сўради Рўжий ҳам ўчакишиб.

— Менга Ҳардевнинг ўзи тақдим қилган, — деди Манорама ёлғондан.

— Тушингдами?

— Албатта. Чунки мен уни ҳар куни тушимда кўраман. Одамларга ўхшаб сувратини бошқалардан яшириб юрадиган одатим йўқ. Мен уни ухлаганда ҳам бағ-

римга босиб ётаман, — деди-да, Манорама ёниб-тутаққан кўйи дугонасининг хонасидан чиқиб кетди.

Бироқ иккала дугона орасидаги араз узоққа чўзилмади. Чунки улар иккаласи ҳам Ҳардевни севар, аммо бу борада учинчи бир кишига оғиз очиб бир нарса дейиш амри маҳол эди.

Дамаянтий фақат бир нарсани пойларди. Ҳардев келса-ю, у эри билан ажрала қолса! Шу боис тоқати тоқ бўлиб кунларни бир-бир санар, Ашок Пурийнинг ҳар қандай хўрликларига сабр билан чидаб келарди. Гоҳо гап орасида у эрига қараб шундай дерди:

— Ашок, энди бизлар ажрашмасак бўлмайди. Ахир қачонгача одамларнинг кўзини бўйямиз?

Буни эшитиб, Ашок Пурийнинг тили танглайга ёпишиб қолар, кўзлари жавдираб, хотинига бақрайиб ўтираверарди.

— Шунгача чидаб келдик, энди пичоқ бориб устухонга қадалди. Қачонгача ўзимизни ўзимиз алдаб келамиз? Мен бўлмасам, кечалари уйга хоҳласангиз келасиз, хоҳламасангиз йўқ. Эркин қуш бўласиз-қўясиз.

Ашокнинг томоғидаги сиртмоқ таранглашарди.

— Шунда сиз ҳам куймайди, қабоб ҳам. Уруш-жанжалсиз орани очиқ қилиб оламиз. На сиз мени булғалаб сўкаси, на мен сизни аямай қаргайман. Ими-жи-мида, хўпми? Мен сиздан ҳеч нарса тама қилмайман, қишлоғимга бораман-да, оғирнинг устидан, энгилнинг остидан дегандай, бир кунимни кўриб юравераман.

Ашок тишини гижирлатганча хотини ёнидан туриб кетарди.

— Барибир бугун бўлмаса эртага, эрта бўлмаса, индинга ажрашишимиз аниқ, — орқадан Дамаянтийнинг юракни тешиб юборувчи овози эшитилади ва Ашок Пурий қасқадир ғойиб бўлади.

Ашок Пурий чиқиб кетиб, таңо қолган Дамаянтий хаёлан Ҳардев билан суҳбатлаша бошлайди: “Дебий, сенга қанчалар зулм қилганимни яхши биламан. Ҳа, жеркидим, кўпол гапирдим, аммо виждонимни пок сақладим. Мен сеникиман, дилимда фақат сен яшайсан, Ҳардев!..”

Худди шундай дард тўла оҳ-воҳлар айни пайтда Манораманинг ҳам, Рўжийнинг ҳам лабларидан учаётган бўларди.

34

Дамаянтий яна бир марта таслим бўлди: у чет эл саёҳатига рози бўлди. Ҳатто доктор Урсала хонимнинг ҳам бирга боришига монелик қилмади. Урсала хоним харажатларини ўзи кўтариб, эр-хотинга асло халал бермасликка тиришарди. Уларни бир-бирига кўпроқ кўникиши ва бир-бирини чуқурроқ тушунишга имконият тугдириш пайида куйиб-пишарди.

Уларнинг саёҳати Техрондан бошланди. У ердан Мюнхенга равона бўлдилар. Ҳозир эса Франфуртда туришибди. Шу бир неча кун ичидаёқ Урсала хоним борасидаги ўзининг дастлабки таассуротлари мутлақо нотўғри экани Дамаянтийга кундай равшан бўлди-қолди. Ўз ишининг жонкуяри бўлган бу аёл нуқул бировларнинг ташвиши билан яшар экан. Олдига келган ҳар бир кишига у жонини тиккудек бўлар, қўлидан келган ҳар қанча ёрдамни аямасди. Урсала хоним ўзининг хушрўйлиги ва кўхлигидан кўпроқ инсонийлиги ва самимийлиги билан кишини мафтун қиларди. Ўз қадр қиммати ва гурурини сақлашда ҳам тенгсиз эди. Унинг тўғрисида қандай беҳуда ўйларга борганидан Дамаянтий энди ўзини-ўзи койир, эридан ноҳақ хафа бўлганларини ўйлаб, пушаймон бўларди.

— Эрларининг ёмон йўлга кириб кетишларида баъзан хотинларнинг ўзи сабабчи бўлади, — деди бир кун Урсала хоним суҳбат асносида. — Жуда кўп эркаклар оғзидан хотиним мендан бекорга гумон қилавериш, охири йўлдан ёзишга мажбур қилди, деган гапни кўп эшитганман.

Бу билан “сен ҳам худди шундай қилгансан” дея таъна қилаётгандай тўюлиб, Дамаянтий ич-ичидан хижолат тортарди.

Франфуртда улар бир неча кун қолиб кетишди. Шаҳарда шу кунларда тайёр кийимлар кўргазмаси очилган бўлиб, Ашок Пурий уззукун ўша ерда қолиб кетар-

ди. Кечкурун бир дунё мол кўтариб келиб, Дамааянтийни бошдан-оёқ сарполарга кўмиб ташларди. Урсала хоним эса касалхоналардан бери келмасди. Дамааянтий Эйр Индия бошқармаси ёнидаги ҳинд моллари дўконига келиб, шу ердаги ватандошлари билан гаплашиб ўтириб, кунни кеч қиларди.

Ашок Пурийнинг оз-моздан спиртли ичимликка мойиллик кўрсатиши Дамааянтий учун чет элдаги биринчи янгилик бўлди. Урсала хоним азалдан ичкиликка ўрганган хотин эди. Дамааянтий ҳам илк бор мазасини тортгандан бери “қиттак-қиттак” қилишга ўрганиб қолганди. Меҳмонхонада бир ўзи ёлғиз қолиб, зериккан дамларда бир-икки қадаҳ “отиб” оларди. Европада бу нарса оддий таомилдаги ҳол экан. Эрталикми, кечликми, ҳар қандай овқат бирон-бир шаробсиз томоқдан ўтмас экан. Шу-шу бўлди-ю, Дамааянтий ажабтовур шаробхўрга айланди-қўйди.

Меҳмонхонадан сал наридаги вокзал қаршисида бир бозор бўлиб, Дамааянтий ҳар куни бирров ўша ердан ўтарди. Бозор эмасми, бозорда эртаю кеч одам гавжум бўлади. Бир куни Дамааянтийнинг кўзи кўчанинг ҳар икки томонига қатор қилиб осиб қўйилган яланғоч аёллар сувратига тушди. Аёлларнинг бири рақс тушар, бири турли муқомлар билан одамларни маҳлиё этар, яна бири баданини намойиш қилар эди. Тагин бир куни кечқурун Урсала хоним, Дамааянтий ва Ашок Пурий учовлари ўша жойдан ўтаётганларида бир одамнинг:

— Кеп қолинг, саҳнада яланғоч аёл билан яланғоч эркакни кўрмоқчи бўлганлар ичкарига марҳамат! Нархи фалон марка! — деганини эшитиб қолишди.

Дамааянтий нақ ерга кириб кетаёзди. Ашок Пурий билан Урсала хоним эса хириглаб кулиб қўйишди.

— Жуда яхши томоша бўлади-да, — деди Урсала хоним Дамааянтийга қараб, — мен бу тўғрида жуда кўп эшитар эдим.

— Франкфуртга келиб, шуни кўрмасангиз, Франкфуртни кўрмабсиз, — деди Ашок Пурий ҳам унинг гапини қувватлаб.

Улар ичкарига киришга аҳд қилишди.

— Йўқ, йўқ, ўлсам ҳам кирмайман бунақа жойларга, — Дамааянтий оёқ тираб туриб олди.

У шартта орқасига ўгирилди-да, шитоб билан меҳмонхонага юриб кетди. Меҳмонхона унчалик узоқ эмасди, бунинг устига бу йўл анчайин таниш бўлиб қолганидан Дамааянтий бир ўзи кўрқмай кетаверарди. Бу сафар у ҳалиги ватандошлари магазини орқали борадиган энг яқин йўлни танлади.

Дамааянтий бириччи муюлишдан ўтиб, иккинчи муюлишга етган жойда... не кўз билан кўрсинки, қаршисида Ҳардев турарди! Аввалига кўзига ишонмади. Рангги синиқ. Дамааянтий ҳушини жойига тўшпаганда, ўзини унинг кучоғида кўрди. Икки жисм, икки қалб алламаҳалгача унсиз йиғлаб, бир-бирига гам-андуҳларини ана шундай изҳор этди.

Ҳардев маъшуқасини қаршидаги ресторанга бошлади.

Қандай шамол учирди? Йўл бўлсин? Қандай қилиб шундай бўлди? Ҳардев бу ерда нима қилиб юрибди? Дамааянтий бу ерга қачон келди? — иккаласи бир-бирини шу кабидаги саволларга кўмиб ташлашди. Ҳардев Мўнанинг ўлими ҳақида ҳикоя қилиб берди. Учма куш эди, учди-кетди. Барибир ҳам ҳалиги дард уни йиқитиб, жонини олиб тинчибди.

Битта-яримта танишнинг кўзи тушиб, гап-сўз қилиб юрмасин деган фикрда иккаласи Дамааянтийнинг меҳмонхонасига йўл олди. Ўтириб виски ичишди. Ҳардев бу ердан унча узоқ бўлмаган Вейслер Хоф меҳмонхонасига қўнган, келганига икки кунгина бўлган экан. Яна уч-тўрт кун шаҳар айланиб, ватанига қайтиш ниятида юрган экан.

Нега энди дарров жўнаб кетаверар экан? Дамааянтий уни яна бир неча кун қолишга кўндирди. Ҳеч бўлмаса булар тургунча турсин. Эртасига Ашок Пурий ҳам, Урсала хоним ҳам ўз-ўзларининг иши билан қабққадир боришлари лозим эди. Дамааянтий Ҳардевни шу ерда куттишга ваъда берди.

Ҳардевни кўрганини Дамааянтий эрига айтиб ўтирмади. Урсала хонимга ҳам бу ҳақда оғиз очгани йўқ. Уларга гапириб ҳам нима қиларди? Ашок Пурий бўлса Ҳардевни яхши танимасди ҳам. У фақат Мўнанинг эри эканини ва Мўна ўлиб кетганини биларди, холос.

Эртасига нонуштадан сўнг Ашок Пурий хотинини зўрға таниди. Дамааянтий худди келинчаклардай тўкис ясаниб олган эди!

— Бугун Франкфуртга ўт қўядиган бўлдинг-ку, Дамму! — деди Ашок Пурий ҳайратини яширолмай. Сўнг такси кира қилиб, ишига жўнаб кетди.

Ашок Пурий тушган такси кўздан йўқолар-йўқолмас, Дамааянтий Вейслар Хоф меҳмонхонасига қараб йўл олди.

Урсала хоним тонгдаёқ чиқиб кетган эди.

35

Уч кундирки, Дамааянтий севиклиси Ҳардев билан! Гўё у саёҳатга эри Ашок Пурий билан эмас, хуштори Ҳардев билан чиққандай. Лекин Дамааянтий юрагининг бир четини гашлик кемаирарди. Гап шундаки, Ҳардевга онаси вафот этганини айтолгани йўқ. Эшитиши билан Ҳардевининг ватанига учиб кетишидан қўрқиб, у жўрттага сир тутиб келаётганди буни.

Уша куни икковлари чақ-чақлашиб ўтираркан, Дамааянтий тақрор-тақрор “Эй худо! Ашок Пурий билан Урсала хонимнинг юлдузларини бир-бирига тўғри қил, Ҳардев уларнинг қилмишидан кулиб юрсин”, дея худога ёлворди.

— Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, Ҳардев ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқади, — деди Дамааянтий энтикиб.

— Ҳаммани ўзимизга ўхшаган чаккибосар деб ўйлапсанми? — тўсатдан Ҳардев шундай жавоб қилди.

Дамааянтийнинг юрагини ўқ тешиб ўтгандай бўлди. Ҳеч қачон ҳозирчалик ўзидан-ўзи жирканмаганди! Унинг ўз хатосини яна ҳам зўрроқ хато билан хаспўшлайдиган галати одати бор эди. Чунончи, пешиндан кейин Дамааянтий Ҳардевини ҳалиги яланғоч аёлни саҳнада кўрсатадиган томоша жойга бошлаб борди.

... Қоп-қоронғи зал саҳнасида рақс тушганча бир аёл пайдо бўлди. Проектор нури уди ёритиб турарди. Рақс давомида раққоса аёл эгнидаги кийимларини битта-битта ечиб, саҳнанинг бир чеккасига итқитаверди. Белидан куйидаги кийимини ҳам ечиб итқитганда, Ҳардевининг нафаси бутунлай ичига тушиб кетди. Қип-яланғоч раққоса илондай тўлғониб, телбаларча рақс туша бошлади. Ўйнаб-ўйнаб, чарчагач, у томошбинлардан бирини ўзи томон чорлади. Томошабинлар бир-бирига қарарди. Ҳамма хижолатда, ҳеч ким унга яқин боргани жўрбат қилолмасди. Шу топ парда ортидан бир эркак киши кириб, рақс тушганча аёлга яқинлашиб келди. У ҳам кийимларини битта-битта ечиб, бир четга итқитаверди. Аёл сингари эркак ҳам онадан янги туғилган чақалоқдай бўлди-қолди. Энди эркагу аёл барабар рақс туша бошлади. Рақс асносида улар аста-секин бир-бирига қинлаша бориб, кейин бутунлай бирга бўлиб қолди. Бир оздан сўнг саҳна чирроғи сусайиб-сусайиб... томошабинлар кўз олдида эр-хотиннинг кўрпа остидаги ўйини намоён бўлди. Ҳардев ёқасини ушлаганча ўрнидан туриб кетди.

— Бу қандай гап ўзи, а, бу қандай гап?!

— Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас?!!

Залда ортиқ ўтиришга унинг тоб-тоқати қолмаганди. Худо билади бундан кейин улар тагин қанақа ҳунар кўрсатишади! Йўлақдаги расмлар бундан бешбаттар жирканч эди: эркаклар эркаклар билан, аёллар аёллар билан...

Меҳмонхонага қайтишар экан, Дамааянтий киноя қилиб деди:

— Бунақа томошани Ашок Пурий билан кўргандан кейин Урсала хоним суддан оқ, мусичадан увол бўлиб турсалар, унда у одам боласи эмас, кам деганда фаришта экан-да.

Ҳардев ҳамон ўзига келолмай, нуқул:

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! — деб тақрорларди, холос.

Бироқ Дамааянтийни бундай бўлиши мумкин эмаслигига ишонтириб бўларканми? Ахир, яланғоч одамларнинг қилиқлари ҳақида Урсала хоним худди латифа айтгандай завқланиб гапирганларини у оз эшитганми?

— Муздан совуқ хотин, — деди у Урсала хоним ҳақида.

— Тўғри, бундай томошалар шунақа муздан совуқ одамларнинг вужудини илитиш учун ўйлаб чиқарилган, — деди Ҳардев унинг фикрини қувватлаб.

Кечкурун Ашок Пурий ишдан қайтиб келди, бошқа шаҳарга отланамиз деб қолди. Бироқ хотини хурсанд бўлиш ўрнига яна бир кун-ярим кун турайлик деганини кўриб, ҳайрон бўлди.

— Чамаси, бу шаҳар хонимга ёқиб қолганга ўхшайди, а? — деди у кесатиб.

Дамаянтий худди шуни кутиб тургандек, бобиллаб берди:

— Сиз аллақасқларда уззукун айшингизни суриб юрганда менга бу шаҳар ёқиб қолган бўлса нима қилибди?!

Ашок Пурийнинг кайфи баланд эди, мусофир шаҳарда орттирган талайгина бойлигининг кайфи эса ундан ҳам баланд эди.

— Ашок Пурийнинг хотини бегона шаҳарда аллакимлар билан кўнгилхушлик қилгудек бўлса борми, худди жонини суғуриб ташлайди-я! — кўзини ола-кула ўйнатиб дағдаға қилди у.

— Кўча-кўйда чаккибосарлик қилиб юрган одамнинг бировга бош кўтариб қарагани юзи бўларканми? — деди икки қултумнинг кўчини намойиш қилиб Дамаянтий.

— Бўлмагур гапларни гапириб нима қиласан? — қичқирди Ашок Пурий.

— Агар шунақа ярамас одатларингизни ташламасангиз, меҳмонхона эгаларига айтаман — ҳайдаб чиқаришади сизни! — Дамантий эрига дўқ қилди.

Ашок Пурийники ҳам тутиб кетди:

— Ҳайдаб чиқаришади?! Ҳароми!! Аввал мен сени ҳайдаб чиқараман!

Шундай деди-да, Ашок Пурий хотинини гирбонидан тутиб, йўлакка судраб чиқди ва ўзи ичкарига кириб, эшикни қулфлаб олди.

Дамаянтий ҳанг-манг бўлиб қолди. Бу одамга бугун нима бўлган ўзи? Тун яримда энди у қаёққа боради? Дамаянтий эшикни тақиллатди, Ашок Пурий эшикни очмади.

Охири Дамаянтий Урсала хонимнинг бўлмасига қараб кетди. Бироқ хоним ҳали қайтмаган эди. Тарвузи қўлтигидан тушганча Дамаянтий тўғри Ҳардевнинг олдига йўл олди. Ҳардев аллақачон ухлаб қолган экан. Дамаянтийни бу ҳолатда кўриб, қаттиқ таажжубга тушди. Дарров ичкарига олиб кириб, иссиқ қаҳва берди, кўнглини кўтарди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, эшик тақиллади. Ҳардев бориб эшикни очиб қаради — остонада Ашок Пурий билан Урсала хоним турарди.

Дамаянтийнинг сири фош бўлганди. Ашок Пурий хотинини кўрди, Урсала хоним ҳам кўрди. Кейин иккаласи изига қайтиб кетди. Ўша кечаси Дамантий Ҳардевнинг ёнида қолди.

Дамаянтий эртасига эрталаб қайси юз билан эримнинг олдига бораман, деб хомуш ўтирган эди, Ашок Пурийнинг ўзи унга телефон қилиб қолди. Хуллас, Дамаянтий уйга қайтиб кетадиган, эри саёхатни ниҳоясига етказиб, кейин борадиган бўлди. Ўша куниеқ Ашок Пурий Урсала хонимни ёнига олиб, Римга учиб кетди.

Ихтиёри бутунлай ўзида қолган Дамаянтий билан Ҳардев ватанларига қайтиб кетиш режасини тузар эканлар, бирдан Дамаянтий Ҳардевнинг кўзларига кўзини тикканча меҳрибон оҳангда деди:

— Дебий, мен сендан бир гапни сир тутиб юрган эдим.

— Қандай гап экан?

— Агар мендан хафа бўлмасанг айтаман, — деди Дамаянтий унинг қўлини ўйнаб.

— Айтавер, — Ҳардев бир нарсани сезгандек юраги увушди.

— Ҳардев, худо сенга сабр берсин, онанг дунёдан ўтган...

— Йўқ!!! — Ҳардев қичқириб юборди.

— Мўна ҳақида телеграмма қўлимизга текканда, биз сизларникида эдик. Онангнинг аҳволи жуда ёмон эди. Ёрдам кор қилмади.

Дамаянтийнинг сўнгги гаплари унинг қулоғига киргани ҳам йўқ. Ҳардев болалардай хўнгир-хўнгир йиғлар, кўз ёшлари сел бўлиб оқарди.

— Шунча кундан бери нега айтмайсан, Дамаянтий? — бошини чангаллаб деди Ҳардев. — Онаси вафот топса-ю, ягона ўғли чет элларда машаққат қилиб юрса. Эй худойим! Бундан кўра ўлиб қўя қолганим яхши эмасми!

— Ҳардев, ахир сенга нима учун айтмаганимни биласан-ку...

— Бундан кўра заҳар ичиб қўя қолганим яхши эмасми! — фарёд қиларди Ҳардев.

— Дебий, мени кечир...

— Дамму, башарангни кўришга тоқатим йўқ! Она билан боланинг ўртасида девор бўлиб олган хотин хотин эмас, шайтон!

— Дебий! — Дамаянтий кўзларини катта-катта очиб, Ҳардевга тикилди.

— Онажон! Мени не азоблар билан катта қилдингиз, яна дийдоримни бир қарра кўришга зору интизор бўлиб ўтиб кетдингиз-а, ойижон! — ўзини уриб йиғларди Ҳардев.

— Чунки сен ўша Мўнани олиб чет элга кетиб қолган эдинг-да, — деди Дамаянтий ўзи нима деяётганини билмай.

— Сен ҳали марҳума Мўнага ҳам рашк қиласанми? — кўз ёшларини тиёлмай деди Ҳардев.

— Бўлмасам-чи! У менга нималар қилмади! — Дамаянтий бутунлай телба бўлиб қолган эди.

— Дамаянтий! — Ҳардев унинг бунчалик бўлишини асло кутмаган эди.

— Сиз эркаклар икки дунёда ҳам айбингизни бўйнингизга олмайсиз. Майли, сен мени ташлаб кетиш ниятида бўлсанг, марҳамат, йўл очиқ, — Дамаянтийнинг ҳар бир сўзи Ҳардевининг юрагини наштагардай тиларди.

Ҳардев бир дақиқа, икки дақиқа... Дамаянтийнинг юзига узоқ тикилиб қолди.

Ҳардевининг гурури кўзиб, шартта чамадони ва тугунини олди-да, хонадан чиқиб кетди. Дамаянтий турган жойида ҳайкалдай қотиб қолди.

— Дебий! — анчадан кейин ўзига келиб қақирди Дамаянтий ва лифтда пастга тушди. Ҳардев аллақачон таксига ўтириб, жўнаб қолган эди.

Осмон тешилгандай, ёмғир челақлаб қуярди. Тун бўйи ҳам, эртасига ҳам ёмғир тинмади. Маҳаллий кишилар, Франкфуртда бундай ёмғир яқин йиллар ичида бўлмаганди, деб эътироф қиларди.

Ўша кечаси ҳувиллаб қолган бўлма Дамаянтийни ютиб юборай дерди. Дамбадам Дамаянтий бошини деворга тираганча нола қиларди:

— Дамму, бахтиқаро Дамму, Ашок Пурийдан ҳам, Ҳардевдан ҳам маҳрум бўлдинг. Энди сен ёлғизсан. Ёлғиз бу дунёда куйгани, ёлғиз бу дунёда ўлгани қолдинг. Гўрга кирганинда бошингда бир қатра ёш тўккучинг, арвоҳингга чироқ ёққувчинг йўқ, йўқ, йўқ!..

36

Чет элдан қайтиб келганини ҳеч кимга билдирмай, Дамантий керакли буюмларини апил-тапил йиғиштирди-да, Миннийни олиб қишлоққа жўнади. Унинг ота уйидагилардан бошқа бирор киши ҳам шунча кун қаёққа ғойиб бўлганини билмасди.

Шундай қилиб, Дамаянтий ҳаётини янгидан бошлаб юборди.

Хотини билан ажрашиш учун Урсала хонимнинг гувоҳлик бериши, бўзчининг моксидай судга қатнаши, эр-хотин айбни биридан олиб-бирига тўнкаши каби ғавғолар кутиб турганидан Ашок Пурийнинг юраги безиллаб юрарди. Бироқ бундай бўлмади. Дамаянтий на бир нарса сўради, на кета туриб биронта буюмга қўлини теккизди. Бисотидаги зар-зеварларнинг ҳаммаси унинг ўзиники бўлиб, банкда ҳам ўзига тегишли пулларни ўз номига ўтказдириб олганди.

Ашок фақат қизи Миннийни кўзи қиймай, шунинг ташвишини чекарди. Бироқ унинг бу ташвишига ҳам Урсала хоним осонлик билан даво топди. Лондондалик пайтларида у аллақайси касалхонага ишга ўтиб олганди. Бўш вақтларини Ашок Пурий билан ўтказиш учун кўпинча унинг олдига келиб турарди. Ашок Пурий қизини қаттиқ соғинганини, тушларига кириб чиқаётганини унга кўп айтарди. Шунда Урсала хоним бир таниш орқали Миннийнинг барча сир-асрорини Ашок Пурийга фош этади.

— Кимнинг қизи эканини ҳеч ким билмайди, лекин у сизнинг қизингиз эмаслиги аниқ, — бу сўзлар Ашок Пурийнинг қулоғи остида жаранглагани-жаранглаган эди.

Қизи борасидаги ҳақиқатдан Ашок Пурий бир томондан хафа бўлса, бир томондан суюнди. Аввалига у юрагига ханжар санчилгандай ҳис қилди, кейингина эса дилидаги тугун ечилгандай енгил нафас олди.

Дамаянтий билан юзма-юз бўлиб, бу сирнинг тагига етиш истаги шу билан ўзидан барҳам еди.

Олдинга Ашок Пурий одамларга хотиним уч-тўрт кунга ўйнагани отасиникига кетди, деб баҳона қилиб юрди. Бироқ кўп ўтмай уларнинг ажрашганини билмаган одам қолмади. Одамлар оғзида эса, Пурий билан Урсала хоним бир-бирини яхши кўрармиш, деган “миш-миш”лар юриб қолди. Урсала хоним Лондондаги ишига жўнаб кетди-ю, одамлар ҳайратдан оғзини очганча қолаверди.

Рўжий билан Манорама эр-хотиннинг бу тариқа ажрашишидан кўра кўпроқ бошқа нарсадан ҳайратда эди: аввалбошданоқ бу хонадон вайрон бўлиши муқаррар эди, чунки қумдан девор тик бўлганини ким кўрган? Бироқ бу “қум девор” шу пайтгача қандай тик туриб келди?

Дамаянтий қишлоққа келиб, тирикчилик ташвишларига шу қадар боши билан шўнғиб кетдики, баъзан нима қилишини билмай, ганғиб қоларди. У айниқса, Миннийнинг саводини чиқаришга кўп вақтини сарфлади. Дамаянтий келгандан кейин бошланғич мактаб тўлиқсиз ўрта мактабга айланди. Ўша йили Сатлеж дарёси тошиб, қишлоқни сув босганди. Дамаянтий қишлоқ аҳолисига шунақанги жонкуярлик билан ёрдам қилдики, ҳамма унинг номига офаринлар ўқиди. Энди шаҳарлик танноз хотинларга хос бўлган кибр-ҳаво, ноз-фироқ деган гаплардан ном-нишон ҳам қолмаганди. Қишлоқдагилар нима еб, нима кийса, у ҳам шундай қилар эди. Қизи Миннийга ҳам шундай тарбия бермоқда эди. Бора-бора шаҳарда кечган ҳаёти бутунлай хотирасидан кўтарилиб кетди. .. Эндиликда уни шаҳар билан боғлаб турган биргина ришта қолганди. У ҳам бўлса, Миннийнинг энагаси ёки киндик қони тўкилган хонадон кишиларидан баъзилари бўлиб, улар қизалоқни кўргани ҳар замон-ҳар замонда бирров келиб кетишар эди. Кўпинча Дамаянтийга шу ҳам ортиқчадай кўриниб кетарди. У худога сифинишу қишлоқлик аҳолига хизмат қилишдан бошқа ҳамма нарсадан кўнгли узганди. Шу дамгача қилган гуноҳларини тоатибодат ва элга сидқидилдан хизмати билан ювишга бел боғлаганди.

Ҳардевни у гоҳ-гоҳида, гира-шира эслаб қўярди. Мусофир юртида ёлғиз ташлаб кетишга журъат қилган одамдан нима умид қилиш мумкин?

Минний улғая борган сайин Дамаянтий унинг отаси кирдикорларини ётиғи билан қулоғига куйиб борар, тўғрироғи, қизни отасидан совутишга ҳаракат қиларди. Умуман, она-бола шаҳарликлар тўғрисида камдан-кам ўйлар, уларни камданкам тилга олар эди.

Бироқ... бироқ кузнинг ўша тўлиной кечасидаги Ҳардевнинг сиймоси ҳамон Дамаянтийнинг юрагини зимдан ўртагани-ўртаган эди. Тўлиной нурлари остида Ҳардев бамисоли эртақлардагидай намоён бўлган эди. Шунини кўз олдига келтирди дегунча Дамаянтий Ҳардевнинг барча гуноҳларини кечириб юборар, юмуқ кўзларида унинг сиймосини томоша қилган кўйи оҳ чека бошларди. Кўпинча тўлиной нурларига маҳлиё бўлганча, айвонда узоқ-узоқ ўй суриб қоларди. Шунда кимдир келиб аста эшикни тақиллатаётгандек бўлаверарди. Бироқ у ўзини эшитмаганга солиб, миқ этмай ўтираверарди.

Дамаянтийни қишлоқ жамоаси — панчоятга аъзо қилиб олишди. Панчоят раҳбари қилиб тайинлашмоқчи ҳам бўлишди-ю, лекин Дамаянтий унамади.

У энди барча вақтини мактабда бола ўқитишга сафарбар қилган эди: Тўлиқсиз ўрта мактабни тўлиқ ўрта мактаб даражасига олиб чиқиш ташвишида юрарди. Ҳаммасига ўзи елиб-югурмаса, жон куйдирмаса, бу ишлар кошки ўзидан-ўзи бўлиб қолса? Қишлоқда ер мўл эди, шунинг учун у аввал бир мунча пул жамғариб, синфхоналарини кўпайтириб олишни, яна битта ўқитувчи топишни кўнглига тугиб қўйганди. Ҳозир ўқиётган ўқувчиларни олий мактабга ўқиш учун зимдан тайёрлаб борилаётганди. Ўқишга бормоқчи бўлганлар ичида Минний ҳам бор эди. Баъзан, шунча ҳаракатларим фақат қизим Минний учун бўлаётир-ку, деб ўйлаб, ич-ичидан суюниб қўярди. Нима иш қилса, ҳаммасига Миннийни тенг шерик қилиб, уни рўзгор юмушларига соларди. У сигирга терт қориб, емиш берар, соғар, кув пишар эди. Минний қудуқдан сув тортиш, эрта туриб ҳовли супурушларни ҳам аввал ўзи қилиб кўрсатар, сўнг кунт билан қизига ўргатарди. Ҳамма ишни

тиндириб бўлгандан кейин, ювиниб-тараниб ибодатхонага йўл оларди. Ёшига етгани учун Минний ҳам онасининг ёнидан қолмасди. Баъзан соатлаб калима ўгиришда онасидан ҳам ўтиб тушарди.

Дугоналари билан ўтириб, кашта тикиш, қатим тортиш, чарх йигириш, уларга жўр бўлиб қўшиқ айтиш, арғимчоқ учуш Миннийга ҳеч малол келмасди. Қайтанга завқи ошиб, ўч қилиб қўймоқда эди. Дугоналари билан дарё қирғоғида айлангани бир чиқиб кетганча, тун чўкканда қайтишарди. Ўйин-кулги, хушчақчақликка берилиб, вақт қандай ўтганини сезмай қолишарди. Шаҳардагидек газ қаёқда? Нон ҳам, овқат ҳам ўчоқда пишади. Бу тариқа ҳаёт Дамаянтийга ҳам, Миннийга ҳам ёқиб қолганди. Шундай тинч, кўнглили қишлоқ ҳаётини ташлаб, нега баъзилар шаҳарга кетиб қолишларини ўйлаб Дамаянтий таажжубланар эди. Қишлоқда битта номаҳрам бировнинг хотини ё қизига тик қараб кўрсин-чи. Бировнинг молига кўзини олайтирсин-чи. Нарсага бир нарса қўшиб сотиб, харидорга фириб беришни ўйласин-чи. Тоза сути, тоза қатиғи, тоза дони, тоза сабзавоти — мана шунақа кўнгли тўғри, дили пок одамлар бари.

Бир куни қишлоқда тўс-тўполон кўтарилиди. Кечаси қишлоқ оқсоқолининг уйига ўғри тушиб, оқсоқолнинг бутун топган-тутганини, жавоҳиротини кўтариб кетибди. Бу ҳам етмагандай, ўғри оқсоқолнинг ташқаридаги эшигига қуйидаги гаплар ёзилган қоғозни ҳам илиб кетибди: “Меҳнат қилиб топиб, майда чайнаб ейиш керак. Кимки меҳнат қилмай бойлик тўллар экан, ундай одамнинг бойлиги ўзига буюрмайди”.

Панчоётда бу хабарни эшитиб, Дамаянтий хангу манг бўлиб қолди. Бу бир юртбузуқининг иши бўлиб, илгарилари ҳам қишлоққа бир-икки келиб, шунга ўхшаган ҳунар кўрсатган эди. Одамлар ҳар сафар ўғрининг киши жонига қасд қилмаганига шукр қилиб қолаверар эдилар. Худо кўрсатмасин, лотиға оладиган бўлса борми, безориларга одам ўлдириш нима деган гап?

Дамаянтий тенглик бўлгани яхши, биров бойиб кетиб, биров камбағал бўлиб қолиши, дарҳақиқат, инсофдан эмас, деб бир томондан ўша безорининг ёнини олди ҳам.

— Бойлар ортиқча ерларни ихтиёридаги деҳқонларга бўлиб берсинлар, қўли қавариб ер чопган одамнинг бир парча ўз ери ҳам бўлиши керак-да, аммо бу тадбирни амалга ошириш учун кимдир жонини гаровга қўйиши шарт эмас, унда қон тўкилиб, жиноят содир бўлади, — деб Дамаянтий қайта-қайта ўқдиради.

Сикҳлар раҳнамоси Гуру Нанакнинг адолат йўриғи ўзи бир олам эди, ҳиндлар доҳийси Маҳатма Гандининг ҳуррият учун олиб борган кураши ўзи бир олам эди, қишлоққа келиб, қишлоқча яшай бошлаган Дамаянтийнинг ҳақиқат учун жонбозлик кўрсатиши ўзи бир олам эди.

37

Бир куни Рўжий билан Манорама Дамаянтийни кўргани қишлоққа кириб келди. Уларни кўриб Дамаянтийнинг боши кўкка етди. Уйда қишлоқ дурадгори ясаб берган яккаю ягона стул бўлиб, келган меҳмонни Дамаянтий шунга ўтқазарди. Кўпроқ меҳмон келса, чорпояга таклиф қиларди. Энг ёмон томони шунда эдики, ювиниб-чайиниш учун сувни у қишлоқ панчоятининг қудуғидан ташиб келтирарди. Чўмилиш учун эса, албатта, дарёга тушишга тўғри келарди. Дамаянтий меҳмонларини даставвал дарёни томоша қилдиргани бошлаб кетди. Ўша кунларда дарёнинг суви пасайиб тинч оқарди. Соҳилбўйи ҳавоси шу қадар ёқимли, тоза эдики, ҳаммалари тўйиб-тўйиб нафас олишди. Юрганда юмшоқ қумга оёқлари ботиб-ботиб кетар, балдоқлари сирғалиб, тўзғиган сочларини тартибга келтиролмай қийналар эдилар. Қумда оёқяланг юришдан маза нарса борми дунёда! Дугоналар роса яйрашди. Хоҳлаган жойда ўтиришди, хоҳлаган жойда чўзилиб ётишди. Рўжий кум орасидан чиганоқ терса, Манорама турли шаклдаги ранг-баранг тошларни сараларди. Унда-мунда билагузук парчалари ҳам топилиб қоларди.

— Дарёга мана бу билагузук синиқлари қаёқдан келиб қолдйкин? — ҳайрон бўлиб сўради Рўжий.

— Ўзи билагузуклар кўпинча дарё бўйида синади-да, — деб жавоб берди Манорама. Уччовлари хандон ташлаб кулиб юборишди.

Кўм-кўк экинзордаги қудуқдан¹ чиқаётган зилол сувни кўриб Рўжий билан Манорама шунақанги ҳайратда қолишдики, кўяверасиз! Ям-яшил либосга бурканган далаларни томоша қилиб дугоналарнинг кўзи тўймасди.

Сўнг Дамаянтий уларни қишлоқ панчоятига олиб борди. У қишлоққа биринчи бор келганда панчоятнинг бор-йўғи иккитагина ис бостан хонаси бўлар эди. Энди хоналар сон-саноксиз бўлиб, боз устига ҳаммаси пишиқ гиштдан қурилган, қум-сувоқдан чиққан эди. Мактабда эса ўғил ва қиз болалар битта синф, битта партада ўтириб ўқишарди. Ўқитувчиларнинг ҳам ярми эркак, ярми аёл эди. Синфхоналар кенг, ёруғ, жиҳозлари пухта. Шифтда елпаррак чирллаб айланади. Дамаянтий у ёқ-бу ёққа ўтганда, ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам одоб билан унга салом берадилар.

Уйга қайтишларида Дамаянтий меҳмонларни бозорга олиб тушди. Узоқ-яқиндан деҳқонлар олиб келган меваю сабзавотлар бир жойга тўпланиб, улгуржи нарх билан сотиб олинар, ҳар бир сават ҳисобидан эса ширинкома олинар эди. Ширинкомадан тушган пуллар қишлоқнинг ободончилигига сарф қилиниб, кўча-кўйлар чиннидай қилиб тозалаб қўйиларди. Йўлнинг ҳар икки чеккасидан қатор қўндирилган водопроводлар ҳам шундай жамғарма ҳисобидан бунёд бўлган эди.

Уйда Минний овқатни тайёр қилиб, меҳмонларга мунтазир ўтирарди.

— Дамму, Миннийнинг бирам қўли гул қиз бўптики, — деди Рўжий.

— Нимасини айтасан, мен ҳам унчалик овқатни ширин қилолмайман, — гурур билан жавоб берди Дамаянтий.

Уй суғи, уй сабзавоти, уй нони, уй овқати — бундай мазалик, хушхўр таомларни Рўжий билан Манорама яқин орада емаганди.

Овқатланиб бўлгач, Рўжий ўзини таппа чорпоёга ташлади-да, тўйган кўзичоқдай ухлади-қолди. Меҳмонлар шарофати билан бугун ўқишдан озод бўлган Минний кўшнилardan бириникига чиқиб кетди. Манорама билан Дамаянтий айвонга чиқиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Дамаянтий кўпдан бери Манораманинг унга айтадиган қандайдир гапи борлигини сезиб юрарди. Чунончи, гап айланиб-айланиб шунга келиб тақалди.

— Дамму, — деди Манорама аста мақсадга кўчаркан, — биламан, сиз Ашок Пурийдан хафасиз. Аммо улар сиз ўйлаганчалик ёмон одам эмаслар. Мен сўнгги пайтларда уларни яхшилаб синадим. Ашок Пурий юраги дарё одам экан. Юраги дарё одамдан асло ёмонлик соғинманг. Шу пайтгача сиз ҳақингизда мундоқ гап қилганларини эшитганим йўқ. Сиз тўғрингизда гап очилиб қолганда ҳам, улар яккаш, “ҳа, мен бахтиқароман-да”, деб кўядилар, холос. Мана, ҳалигача бошқа уйланганлари ҳам йўқ. Уйланаман десалар қиз топилмай қолибдими уларга? Молдунёлари ҳам етарли. Данғиллама ҳовли-жойлари, машиналари, ўнлаб хизматкору югурдаклари — ҳаммаси бажо. Тўғри, чакка сочларига бироз оқ оралаган. Лекин эркак киши қарир эканми? Бунинг устига у пулдор бўлса-чи? Хоҳласа бугун ўнта қизга уйланишга курби етади...

— Хўш, бу билан нима демоқчисан, Рамо? Муддаонг нима? Ашок Пурийни мендан бошқа ким яхши билади? — деди Дамаянтий тоқати тоқ бўлиб.

— Дамму... — деди-ю, Манораманинг гапи бўғзида қолди.

— Ҳа, нега тўхтаб қолдинг? Ё унга тегмоқчисан? — сўради Дамаянтий унинг дилидагини уқиб тургандай.

Манорама шолғомдай қизариб кетди. Пешонасида тер йилтиллади.

— Тегсанг тегиб олавермайсанми? Мен-ку, қачондан бери шуни пойлаяпман, — деб Дамаянтий кулишга уринди, бироқ томоғига бир нима келиб тикилди.

— Дамму, мана бу қоғозга имзоинг керак экан, — деди Манорама ҳам ёнидан машинкада ёзилган бир қоғозни чиқариб. — Сизнинг розилигингиз Ашок Пурий ҳеч нима қилолмас эканлар.

Дамаянтий қоғоздаги ёзувларга бир сидра кўз югуртириб чиқди-да, Манораманинг қўлидан ручкани олиб, имзо чекди.

¹ Ҳиндистонда кўпгина экин далалари қудуқдан суғорилади. (тарж.)

— Келиб, бекорга овора бўлибсизлар, — деди Дамаянтий ўзини бепарво кўрсатиб, — почтадан юбора қолмабсизлар-да. Бор йўғи бир имзо чекиш экан-ку.

— Йўқ, баҳонада сизни бир кўриб келай дедим-да, — деди Манорама бирдан чиройи очилиб ва қоғозни буклаб, яна ҳамёнига жойлади. — Ахир кўришмаганимизга ҳам анча бўлди.

— Аммо, Ашокка эҳтиёт бўласан, тагин у ёқ-бу ёққа бурун тиқиб юрмасин, — Дамантий насиҳатомуз деди, — уни мен яхши биламан.

— Бўлмасам-чи, менга ҳам клиникада бир хунарларини кўрсатмоқчи бўлвдилар.

— Урсала хоним нима бўлди?

— У ўшандаёқ чет элга жўнаб кетувди, саёҳат қилиб юрганида ишини пухта-лаб келган экан.

Дамаянтий бу гапни эшитиб тил тишлаб қолди, ахир у Ашок Пурий билан Урсала хонимни бир-бирига қўшиб қўйган эди-да.

Шу топ кўзини уқалаганча ичкаридан Рўжий чиқиб келди ва Манорама билан Дамаянтий жим бўлиб қолди.

Манорама севинчдан ўзини қўйгани жой тополмасди. У ишим шунча осон ҳал бўлади деб хаёлига ҳам келтирмаган, шекилли. Эзгу бир армони ушалади-ю, севинмай бўладими. Шу пайтда у Дамаянтийга гиргиттон бўлиб, оғзидан бол томмоқда эди.

Қўшни ҳовлилардан бирида тўй бўлиб, Минний у ерда қўшиқ айтгани бораётган эди. “Шу баҳонада бир қишлоқликлар қўшиғини эшитиб олай, қанақа бўларкин”, деб Манорама ҳам унга эргашди. Рўжий тўйга бормади.

— Мен Дамму опам билан гаплашиб ўтираман, — деди у. Минний билан Манорама кетгач, Дамаянтийга Ашок Пурийдан сўз очди.

— Дамму опа, тўғрисини айтинг, Ашок ҳақида нима деб ўйлайсиз?

Буни эшитиб, Дамаянтийнинг ранги кув ўчди. Нега Рўжий одатдагидай “Ашок бҳай” деб эмас, ҳеч бир ибосиз “Ашок” деб гапиряпти? Ахир бугун қоқ пешинда Манораманинг оғзидан шу гапни эшитмаганмиди?

— Биласизми, Дамму опа, — деб гап бошлади Рўжий, — нимагадир Ашокка нисбатан кўнглимда ёмон фикр йўқ. Фақат улар қандай бўлмасин бир ўғил фарзанд кўрсам, деган армон қилганлари-қилган. Шунча мол-дунёси, давлати бўлган эркак бир меросхўр қайғусида куйса, бунинг нимаси айб экан? Ўзлари ҳали қирчиллама ёшда, тўрт мучалари соғ бўлса. Сиз билан ажрашганларига неча йил ўтган бўлса, бирон марта бежо юрганларини на кўзим билан кўрдим, на қулоғим билан эшитдим. Бўлмаса шундай бир пулдор одам нима қиламан деса ихтиёри эди-ку. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, улар ичкилик ичишни буткул ташлаганлар. Бир ё икки қадаҳдан оширмайдилар. Клуб ва кечалардаги улфатлари келиб ялиниб-ёлборишади, лекин булар сира эргашмайдилар. Йўқса, бир-икки қадаҳ дегани нима деган гап. Биз хотин-қизлар ҳам бундан кўпроқ ичиб юборамиз гоҳо. Мен бир неча марта уларнинг ўзидан сўрадим, ичкиликни қандай ташладингиз, қандай чидайсиз, дедим. У киши нима дейдилар денг-а, “ичкиликбозлик дўсти бевафо бўлади деб ўзинг айтмаганмидинг” эмиш! Мен қачон шундай деганимни ўлай агар эслаёлсам. Сўнгги кунларда уларнинг бутун хаёллари менда бўлиб қолган. Ҳар уч-тўрт кунда телефон қилиб, “бугун нима қилмоқчисан?” деб сўраб турадилар. Мен бўлсам кулиб қўя қоламан. Уттиз яшар қариқиз ҳамширанинг нима иши бўларди...

— Менга қара, тўйларинг қачон? — сўради Дамаянтий унинг гапини бўлиб. Сабаби Рўжийнинг гапни айлантириб, нимага ишора қилаётганини фаҳмлаб турарди у.

— Дамму опа, ахир сизнинг розилигингизсиз тўй қилиб бўларканми? Ахир сизлар расман ажрашмагансизлар-ку, — журъатсизлик билан деди Рўжий.

— Эртами, кечми барибир бўладиган савдо бу. Биров келиб менга бир нарса дегани йўқ, — жавобан деди Дамаянтий кесатиб.

— Ундай бўлса, опажон, мана бу қоғозга имзо чекиб берсангиз, — деди Рўжий ва туриб, ҳамёнидан машинкада ёзилган талоқ хатини олиб Дамаянтийга узатди.

Бу ҳам бояги хатнинг ўзидан эди. Дамаянтий хатни ўқиб ҳам ўтирмай шартта қўл қўйиб берди ва хандон ташлаб кулиб юборди. У узоқ кулди, кулавериб кўзидан ёш чиқиб кетди.

Рўжий ҳеч нарсага тушунмай унга ажабланиб қараб турди-да, талоқ хатини икки-уч буклаб, ҳамёнига солиб қўйди.

38

Дамаянтий эшикни ёпиб қўймоқчи бўлиб ўрнидан турди ва бир-икки қадам юриб, тахтадай қотиб қолди: ҳовлида шу ёққа қараб... Ашок Пурий келарди. Дамаянтий аввалига туш кўряпман чоғи деб ўйлади, бироқ кўраётганлари туш эмас, ўнг эди. Ашок Пурий бир қўлида ҳўл мева тўла сават, иккинчи қўлида ширинликлар тўла қоғоз қути кўтариб олганди.

У билан изма-из иккала қўлида оғир-оғир чет эл чамадони кўтарган ҳайдовчиси Майкл келарди. Бир тўда қишлоқ болалари бадавлат шаҳарликка, у олиб келаётган антиқа буюмларга маҳлиё бўлганча эргашиб келарди. Жанобдан таралаётган хушбўй ҳид эса болаларнинг димоғини қитиқларди. Дамаянтий сорийси учини бошига ташлайман дегунча Ашок Пурий жуда яқин келиб қолган эди. Болалар уни нақ остонагача “кузатиб” қўйиб, аста изларига қайтиб кетишди.

Ҳайдовчи бошини эгиб, Дамаянтийга салом берди ва олдинга ўтди, иккала чамадонни айвонга қўйди-да, дарров изига қайтиб, кўчада қолдирган машинаси томон шошди. Болалар машинага тегиб, у ер-бу ерини чизиб қўймасин деб хавотирланган бўлса керак.

Ашок Пурий ўзи томон ҳайрат ва таажжубда қараб турган Дамаянтийнинг елкасига қўлини қўйиб, “қани, ичкарига кирайлик”, дегандай имо қилди. Эрини стулга ўтказиб, Дамаянтий ўзи чорпоёга чўқди.

— Менинг Минний қизим қани? — сўради Ашок Пурий.

— Мактабда.

Ашок Пурий атрофга кўз югуртирди. Қаршидаги деворда тақвим осифлиқ эди. Унда тафаккурга берилган Гуру Нанакнинг ўтирган ҳолати акс эттирилган эди. Унинг бир томонида файласуфнинг болалик, иккинчи томонида эса балоғатлик сиймолари гавдалантирилган, орқадаги бир дарахтда тўти солиб қўйилган қафас кўзга ташланарди.

— Нима ичасиз? — томдан тараша тушгандай сўради Дамаянтий.

— Ҳа-ҳа, сув бера қол, Дамму, бугун жуда кун исиб кетди, — жавоб берди Ашок Пурий ундан нигоҳини олмай ва кулиб қўйди.

Дамаянтий индамай челақни олди-да, сувга кетди. Хотинининг бу қадар ўзгариб кетганидан Ашок Пурий ҳайратда қолмоқда эди. Дамаянтийнинг чеҳрасидаги хотиржамлик унинг ақлини шошириб қўйганди. Уйнинг ичкараси шу қадар шинам ва озода, жиҳозлар шундай жой-жойини топиб қўйилган эдики, ҳавасинг келади, киши. Анови тоқчада Миннийнинг китоб-дафтарлари териб қўйиллибди. Айвоннинг бир бурчагида ёргучоқ ётибди. Ҳовлидаги нийм дарахт тагида бир семиз говмиш боғлоглиқ бўлиб, думини эринчоқлик билан гоҳ у, гоҳ бу томонга силтаб, пашша ҳайдарди.

Узоқдан челақда сув кўтариб келаётган Дамаянтий кўринди. Қудуқ суви ҳам яхдай, ҳам ширин эди. Ичиб, Ашок Пурий хўп мириқди. Дамаянтий гапга солиш мақсадида у чамадонларга ишора қилиб деди:

— Кўк чамадондаги буюмлар сенга, қизилидаги Миннийга. Ҳа, айтмоқчи, саватдаги меваларни олиб қўй, тагин бузилиб-нетиб қолмасин.

— Булар бари нимага экан? — гўё бу одамни энди кўриб тургандай қуруқ оҳангда сўради Дамаянтий.

— Шундоқ бир кўриб кетай деб келдим-да, қуруқ қўл билан кириб бормай дедим.

— Сувга деб ўлаётганимиз йўқ эди, шунча йилдан бери энди эсингизга келиб-миз-да, — деди Дамаянтий ниҳоят ёрилиб. Унинг кўзларидан ёш тирқиради, юзи чўғдай қизариб, тез-тез нафас ола бошлади.

— Дамму, хатолик ҳаммадан ҳам ўтади...

— Хатоликда ҳам хатолик бўлади, — уни қайириб ташлади Дамаянтий.

— Ҳа, иккаламиздан ҳам ўтди хатолик. Энди бир-биримизни кечиримиз керак. Қизимиз ҳам бўй етиб қолди.

- Миннийда ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, у менинг қизим. Ота бўлиб, жуда нима каромат кўрсатдингиз? — титраб-қақшаб деди Дамаянтий.
- Майли, сен айтганча бўла қолсин, — деди Ашок Пурий ва яқин келиб хотинини кучоғига олмоқчи бўлди.
- Бироқ Дамаянтий илон чаққандай сапчиб ўзини четга олди.
- Дамму, бу нима қилганинг, ахир мен Ашокман, сенинг эринг! — деди Ашок Пурий сурбетлик билан.
- Менинг ҳеч қанақа эрим йўқ, эрим бир неча йил бурун Франкфуртда ўлган.
- Бу гапни чакки айтаяпсан, Дамму.
- Нега айтмай? Озмунча хўрадингизми?
- Хўш, Франкфуртдаги ўзингнинг қилиқларинг ёдингдан чиқдимми?
- Мен шунақа ёмонман, мени ўз ҳолимга қўйинг. Мен қилган гуноҳларимнинг ажрини тортиб ётибман, — деди Дамаянтий вужуди титраб.
- Бегуноҳ — тангри. Демокчиманки, гуноҳ ҳар иккаламиздан ҳам ўтган, биз бир-биримизнинг гуноҳимиздан ўтишимиз лозим, — Ашок Пурий хотинига тушунтиришга уринди.
- Бу ёқдаги фоҳиша хонимларингиз-чи? Котиба қизларингиз-чи, ҳамшира қизларингиз-чи? Уларни нима қиласиз? — деди Дамаянтий эрини узиб-узиб.
- Ҳа, мен айбимдан бўйин товламайман. Ҳаммасига иқрорман.
- Ўғри қариса, сўфи бўлар эмиш.
- Менинг гуноҳларимни санаб битириш қийин, бироқ юрагимнинг Дамму учун асраган муқаддас жойи шундай турибди. Қанча сувлар оқиб ўтса ҳам, жаноб Пурий ҳамон жаноб Пурийлигича қолган.
- Менга қайта-қайта имзо чектириб олган хатлари-чи? Унга нима дейсиз?
- Буни энди имзо чектирган эмас, имзо чеккан одам билади.
- Энди тилёглама гапларга ишонадиган аҳмоқ йўқ.
- Дамму, ахир шунча узоқдан ҳузурингга бош уриб келдим. Мени афв эт.
- Энди тулкилигингиз ўтмайди.
- Сенга ҳеч ким тулкилик қилаётгани йўқ. Гап шундаки, менга қилган хиёнатингни мен кечиришга тайёрман.
- Мен ҳеч кимга хиёнат қилганим йўқ.
- Минний хусусида мени алдаб келганингга ҳам иқрор эмасмисан? — деди Ашок Пурий овозини кўтариб.
- Йўқ! Ахир, бола деб ўлган ўзингиз эмасмидингиз? Бормаган докторингиз, бош урмаган касалхонангиз қолмади-ку. Мен эса докторлар нимани буюрган бўлса, ўшани қилдим.
- Унда ўғил учун мен ўзимни ўтга-чўққа урсам, нега бу сенга ёқмайди?
- Ўзингизни ўтга урасизми, чўққа урасизми, ураверинг, марҳамат. Сизга ҳеч ким халақит бераётгани йўқ. Шуни деб-ку, мен бу ерга қочиб келдим.
- Ўзимни ўтга, чўққа уриб бўлдим, Дамму. Энди ҳолим қолмади. Шунинг учун мен сенинг олдингга келдим, — деди Ашок Пурий қўлларини қовуштириб, синиқ овозда.
- Сиз ҳали ҳам ўшандайсиз, хотирингиз жам бўлсин. Ўша хушторларингиз — Рўжий ҳам шу гапни айтди, Манорама ҳам шу гапни айтди.
- Бўлди, Дамму, бунчалик ерга ураверма, мен гуноҳқорман дедим-ку, ахир, — Ашок Пурий қайта-қайта қўл қовуштириб ёлворарди.
- Мен ўзимни шу қишлоққа абадий топширганман, — жавобан деди Дамаянтий.
- Истасанг, қишлоқни жаннатга айлантириб бераман.
- Мен энди бандасидан эмас, худодан умидворман.
- Дамму, мени ташлаб кетма, мени хонавайрон қилиб кетма.
- Ашок жаноблари, чучварани хом санабсиз. Сиз айтган толлар кесилиб кетди. Бу осойишта ҳаётни ҳеч ким тортиб ололмайди мендан.
- Ҳа, ҳа, гапинг тўғри. Чуник бу ерда ҳам ўзингга жазман орттириб олган бўлсанг керак-да, топдимми? — деди тарвузи қўлтиғидан тушган Ашок Пурий, заҳархандалик билан.
- Қандай ярамас одамсиз! — Дамаянтий деярли бақриб юборди.

Шу топ Минний мактабдан қайтиб келди ва уйда киши борлигини кўриб, ўзини айвон панасига олди.

— Ярамас бўлсам бордирман, Дамму, лекин шу нарсани унутмагинки, мен Миннийнинг отаси бўламан, — деди Ашок Пурий жиддий оҳангда.

— Муддаонгиз нима? — ҳамон қайсарлик билан сўради Дамаянтий.

— Муддаом шуки, мен қизимни олиб кетаман!

— Минний сизнинг қизингиз эмас!

— Сенинг гапинг билан у бошқа бировнинг қизи бўлиб қолмайди-ку. Минний менинг қизим, мен уни ўзим билан олиб кетаман.

— Қўлингиздан келмайди!

— Келади! Яхшиликча бермасанг, ёмонлик билан бўлса ҳам олиб кетаман. Тушундингми?

— Шунча вақтдан бери қаёқда эдингиз? Шунча йиллардан бери эсингизга келмаган, энди эслаб қолибсиз-да?

— Унда Минний бола эди. Бола вояга етгунча онасининг қўлида бўлишини қонун талаб қиларди. Энди уни отаси олишга ҳаққи бор.

— Бу қанақа зўравонлик?

— Бу зўравонликка кирмайди, аксинча, инсоф ва адолат шуни талаб қилади. Эртага жоним узилса, менинг шунча бойлигимга, давлатимга, пулимга ким эгаллик қилади? Ўзингга маълум, бир карра юрагим хуруж қилди. Иккинчи хуруждан кейин омон қолишим қийин.

— Бу ҳаргиз онадан қизни тортиб олишга ҳуқуқ беролмайди.

— Тортиб олинаётгани йўқ. Қиз ихтиёрий равишда отасиникига кетяпти.

— Бу қандай бедодлик! — фарёд уриб деди Дамаянтий.

— Бедодлик нимаси? Мана, қўлимда суднинг кўрсатмаси бор, — дея Ашок Пурий чўнтагидан бир қоғоз чиқариб кўрсатди.

— Йўқ!!! — чинқирди Дамаянтий.

— Дамаянтий хоним, — деди Ашок Пурий голибона оҳангда. — Хоҳласангиз шу қишлоқда яшаб қолаверишингиз мумкин. Аммо қизим мен билан кетади. Ана, ташқарида, кўчада машинам қараб турибди.

— Йўқ! Йўқ!!! — Дамаянтийнинг кўз ёшлари ҳам қотиб қолганди.

— Зинҳор сиз билан қетмайман! — ичкарига кириб кетган Миннийнинг кўнғирқдай овози жаранглади.

— Минний! Қизим! Жоним қизим! — Ашок Пурий шамшоддай қизини бағрига олмоқчи бўлиб у томон талпинган эди, Минний ўзини четга олди.

— Менга қўлингизнинг учини ҳам теккизишга ҳаққингиз йўқ, — деди Минний ғазабдан қизариб. — Мен онамдан бошқа ҳеч кимнинг қизи эмасман.

Ашок Пурий кўзларини пирпиратиб қизига тикилганча ҳазин товушда гапира бошлади:

— Минний, жоним қизим, ахир мен сенинг даданг бўламан.

— Менинг ҳеч қанақа дадам йўқ.

— Сени зўрлик билан ҳам олиб кета олишимни биласанми? — Ашок Пурий ялиниш иш бермагач, овозини ўзгартирди.

— Мен бир жонивор эмасманки, истаган одам етаклаб кетаверса. Ёқи бўлма-са, бозордаги матоҳ эмасманки, пулини тўлаб олиб кетаверсалар. Қанча йиллар бир чақага зор бўлмадик, ҳатто мен оғриб қолганимда ойим дорига пул тополмай қолган пайтлари бўлди. Мактабда эски-туски китобларни тутиб ўқидим. Бой бўлсангиз, бойлигингиз ўзингизга буюрсин. Бизга мана шуниси ҳам бўлаверади. Мен асли етимча эдим, ҳозир ҳам етимчаман, бундан кейин ҳам етимча бўлиб қолавераман.

Ашок Пурий бармоқлари билан иккала қулоғини бекитиб олди.

Хонага бир зум жимлик чўкди.

— Хўп, бўлмаса, мен кетдим, — деди Ашок Пурий ноилоҳ.

— Оқ йўл! — кестаиб деди Дамаянтий.

— Даданг қўлини бурнига тиқиб қайтиб кетаверсинми, қизим? — деди Ашок Пурий қизига мўлтайиб боқаркан.

— Нега энди иккала қўлингизни бурнингизга тиқиб қайтаркансиз? Олиб келган нарсаларингиз-чи? Ўшаларни олиб жўнайсиз.

Буни эшитиб Ашок Пурийнинг бошига тўқмоқ келиб тушгандай бўлди. У ҳеч ким билан хайр-маъзур ҳам қилмай ташқарига чиқиб кетди. Уни бу ерда тўхта-тиб қолувчи ҳеч ким йўқ эди.

39

Мағрурликда она-бола бир-биридан қолишмас эди. Кеч тушибди ҳамки, Ашок Пурий олиб келган совға-саломларга на она, на қиз қия боқди. Бу ҳам етмагандай, Минний шиппагини оёғига илди-да, қўшни дугоналариникига чиқиб кетди.

Миннийнинг йўқлигидан фойдаланиб, Дамаянтий чамадонларни кўтариб чор-поёга қўйди ва битта-битта очиб кўрди. Ундаги буюмларга қараб туриб Дамаянтий кўзларидан ёш қалқди. Бир-биридан ноёб атир-упа-эликлар... Ашок Пурий не яхши ниятлар билан уларни кўтариб келмаганди-я. У қизининг сепини олиб келган деса ҳам бўларди. Буюмлар шу қадар кўп эдики, Ашок Пурий уларни анчадан бери йнғиб юрганлиги кўришиб турарди.

“Сеп гайёр, энди темирни қизигида босиш керак”, деб дилидан ўтказди Дамаянтий. Ҳа, дарҳол қизига куёв топиб, ўзидан тиндириш лозим. Мана, имтиҳонлари ҳам тугай деб қолди. Ўзи бир йигитни мўлжаллаб юрибди. Мактаб директорининг ўғли. Ҳатто гаплашиб, зимдан ишни пухталаб ҳам қўйган.

Ашок Пурий хотини билан қизига атаб нималар олиб келганини намойиш қилиш мақсадида Дамаянтий ҳар иккала чамадоннинг қопқоғини кенг очиб қўйиб, Миннийнинг келишини пойлай бошлади. Дарвоқе буюмларда уники нима қилсин, энди бариси Миннийники. Минний ҳам бўйи чўзилиб, ҳаш-паш дегунча онасига етиб олди. Яқин бир йилдан бери иккаласи бирдай кўйлак кияди, бирдай пойафзал судрайди.

Минний нега бунча ҳаяллаб қолмаса? Унинг бунақа одати йўқ эди-ку. Дамаянтий уйига қулф солди-да, қизини қидириб кетди. Эшикка қулф солаётиб, унинг кўнглидан шундай гап кечди: қишлоққа келгандан бери кўни-қўшниникига чиқадиган бўлса эшикка қулф солмай, лўкидонини илиб кўяр эди. Бугун эса ичкарида Ашок Пурийнинг лиқ-лиқ чамадонлари туфайли эшикни қулфлаб қўйишга тўғри келяпти.

Дамаянтий энг аввал қизи тез-тез бориб турадиган дугонасиникига борди. Бироқ Минний у ерда йўқ экан. Бугун бу ерга келмаган ҳам экан. Энди Дамаянтийнинг юрагини ваҳима чулғай бошлади — бўлмаса қаёққа кетди. Уйдан “ҳозир келаман” деб чиқиб кетган одам етти хуфтонгача ҳам келмайди? Қишлоқдаги яна бир қалин дугонаси Сарнийнинг уйлари эса бу ердан анча узоқда, қишлоқнинг нариги чеккасида. Қоронғида Минний у ёққа бора олмайди ҳам. Шундай бўлса-да, Дамаянтий қизини қидириб топиш учун қишлоқ оралаб кетди.

“Минний Сарнийларникида ҳам бўлмаса-чи? — деган қўққис фикрдан Дамаянтийнинг юраги шув этиб кетди. Бемаҳалда у қаёққа бош уради?

Дамаянтий ўзининг ёшлик чоғларини эслай бошлади. Севғилиси билан учрашиш учун қанақа баҳонаю ҳийлалар ўйлаб топмасди. Оқшом чоғидаги висол лаззатлари... Қоронғилик қуюқлаша борган сайин бир томондан Дамаянтийни ваҳима босса, бошқа томондан ҳузур қиларди. Ҳар гал севғилиси билан учрашганда вақт алламаҳал бўлиб қолганини сезмай қоларди. Йигитининг ёнида қанча ўтирса, қанча юрса, қанча турса унга ҳали оздай, сира ундан ажрагиси келмасди. Хайрлашув чоғи эса гўё севғилисини кимдир ундан тортиб олаётгандай бўлаверарди. Ҳатто, кўпинча туриб-туриб севғилим билан номаълум ёқларга бош олиб кетсак қалай бўлар экан, деб мажнунона хаёлларга борарди. Уйдагиларнинг қидиришлари, эл-юртнинг таъна-маломатлари унинг учун арзимаган гаплар бўлиб туюларди. Гўё бу дунёда ундан ботир, ундан ҳасур одам йўқдай.

Шунда Дамаянтий юрагининг аллақасерида оналик меҳри жўш уриб, хаёлидан “балки қизимнинг кўнгил берган йигити бордир?” деган ўй лип этиб ўтди. Унинг ўзида бўлганидай қизининг ҳам ишқида девона бўлиб юрган биров бўлса-чи? Қизи ҳам ўша “бирова”нинг йўлида кўзи тўрт бўлиб, дилини интизорлик дарди ўртаётган бўлса-чи? Қизининг бир жилмайиб боқишига икки жаҳонни тикиб юборадиган

жўмарди бўлса-чи? Қизига, сен билан тирикман, сенсиз ўликман, деб бир умр яшашни, ваъда қилган вафодори бўлса-чи? Қизининг лаъли лабларидан, шахло кўзларидан, оппоқ бўйинларидан бўса олиб тўймайдиган ёри бўлса-чи? Балки, у йигит ҳар висол оқшомида қизининг тундай қора сочларини гоҳ ўзининг, гоҳ ой-жамол дилбарининг юзига ташлаб-ташлаб ўйнаса-чи?

Борди-ю, қизи Сарнийларникида ҳам бўлмаса, унда...

Унда Минний аллақерда далада бўлади. Унда Минний хилватда ўзи каби хушсуврат, ўзи каби дуркун, бир қундуз қошли йигит билан чақчақлашаётган, хандон ташлаб кулаётган бўлади. Кўзлари йигитнинг кўзларига тикилган, нафаслари йигитнинг нафасларига урилган, орзулари йигитнинг орзуларига туташган...

Йўқ, йўқ, йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! Дамааянтийнинг бутун вужуди титраб кетди. Дамааянтийнинг ўзидан-ўзи нафрати кўзиб кетди. Бундай бўлиши мумкин эмас! Минний ундай эмас, Минний тоза, беғубор гавҳар. У мусичадан увол, сутдан оқ, бокира қиз! Йўқ, йўқ, йўқ! Унинг оғзида тил-забони йўқ! Унинг овозини кўтариб гапирганини одам боласи эшитмаган. У умрида бировга кўзини кўтариб қарамаган. Йўқ, йўқ, йўқ! Дамааянтий ўзини қизининг ўрнига қўйиб кўрди. Шунда у ўзидан шунақанги нафрати кўзиб кетдики... Ҳатто, ўзидан бир бадбўй ҳид анқигандай ўхчиб юборди.

Дамааянтийга бутун ҳаёти кўрқинчли бир тушга ўхшаб кўрина бошлади. Ҳар қадамда тубанлик, мағлубият унинг оёғидан олди. У бир йигитга муҳаббат қўйди — орзуси ушалмади. У бир йигитга турмушга чиқди — худо билсин, нечанчи хотин бўлиб. У бир қиз фарзанд кўрди — номаҳрамдан. Қиз чоғида қиз бўлиб ота-онасига ўзининг беғубор фарзандлик кўзи билан тик қарай олмади! Севги ёшида эса севгилисига ўзини чинакам вафо тимсоли бўлиб номаён қила олмади! Хотин бўлиб ҳам эрининг кўзига бир хасми ҳалолнинг кўзи билан боқа олмади!

Охири шу қишлоққа келди-ю, унинг жони ором топди. Ўзидан тинчиди. Роҳат нималигини билди. Шу қишлоқ туфайли у очин-тўқин бўлса ҳам одамлардай кун кечира бошлади. Қизи Минний ҳам тоза ҳаводан нафас олиб вояга етди. Тўрт кундан кейин у ҳам бировнинг хасмига айланади. Тўрт кундан кейин у ҳам рўзғор тута бошлайди. Тўрт кундан кейин у ҳам уй бекаси бўлади.

Дамааянтий қараса, қизи Сарнийларникидан чиқиб келяпти!

— Ана, айтмадимми, — деди Минний узоқдан онасини кўриши билан, — Ойим ҳойнаҳой ташвишланиб ўтирган бўлсалар керак дедим-а. Сарнийларникига келгандим, ойиси овқат еб кетасан, деб сира қўймади. То овқати тайёр бўлиб, дастурхонга келгунча анча вақт ўтди. Ойиси “е,е” деб зўрлагани-зўрлаган. Кўп есам, Сарнийга ўхшаб семириб кетаман-да, деб ҳазиллашаман.

— Сен ҳам ўзгинамансан, — деди Дамааянтий, — қанча кўп овқат еганинг билан жир битмайди.

Уйга келгач, Дамааянтий чорпояда ётган чамадонларга ишора қилиб деди:

— Ана қизим, сепингни ҳам худо ўзи етказди. Бўйинингга гулчамбар тақадиган кун ҳам яқин қолди.

Минний шолғомдай қизариб кетди.

Дамааянтий тун ярмигача тақинчоқлар билан сорийларни бир-бир қўлига олиб, томоша қилиб ўтирди ва охири ҳаммасини авайлаб тахлади-да, қайта жойлаб қўйди.

Ўша кечаси Дамааянтий туш кўрди. Тушида Ашок Пурийнинг ҳовлиси чироқлар нуридан порлаб кетганмиш. Тизилиб турган енгил машиналар қаторининг охири кўринмасмиш. Шовқин-сурон, қийқириқлар зўридан одамлар бир-бирининг гапини эшитмасмиш. Боғда эса оркестр овозидан ҳаво ларзага келармиш. Худди бутун шаҳар кўчиб келгандай нина ташласа ерга тушмасмиш. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам шунақанги ажойиб кийимлар кийиб олганмишки, кишининг кўзи тиниб кетармиш. Ҳамма ёқда куй-қўшиқ, ёр-ёр, қадаҳлар жаранги, қаҳқаҳалар авжида эмиш.

Миннийнинг тўйи бўлаётган эмиш. Ана, Миннийга упа-элик сурилиб, қўл ва оёқларига хина қўйилаётибди. Аёллар чилдирма қоқиб ўлан айтишаётибди, йигитлар жазавога тушиб ўйнашапти.

Ана, Миннийга билагузук тақилди. Ана, Миннийнинг қайлиғи ҳам кўриниб қолди. Куёвни ясантиришапти. Унинг бурнига булоқи, қулоғига исирға, билагига

ҳалқалар, бўйнига мунчоқ, оёғига позеб тақияпти. Киройи куёв шунчалиқ бўлса-да. Қараб, томоша қилиб тўймайсан, киши. Куёв эмас, бир парча ой. Гўё моҳир мусаввир рангин бўёқларда чизган сеҳрли суврат.

Ие, бу Миннийнинг эмас, Ашокнинг тўйи-ку! Куёв либосида ўтирган Ашок Пурий-ку. Барча ташвиш-тадориклар, тўй-тантаналар Ашок Пурий томонидан бўлаяпти-ку. Ҳув анави ўтирган қиз Ашокнинг қайлиғи. Ўзиям шойи либосларга чирмалиб, тилла гавҳарларга кўмилиб кетибди. Баъзиларнинг гапига қараганда келин фоҳишахонадан чиққан Мадху исмли фоҳиша эмиш. Бошқа бировлар эса бу Ашок Пурийнинг шахсий котибаси Молтий дермиш. Яна биров ҳамшира қиз Рўжий деса, бошқа бири, йўқ, Рўжий эмас, Манорама дермиш. Бироқ шунча ҳаракат қилса ҳам Дамааянтий келинни таниёлмаганмиш. Кўзи қамашиб кетармиш.

Шу он Дамааянтий уйғониб кетди. Ёнидаги чорпояда Минний донг қотиб ухлаб ётарди. Қизининг юзи гул-гул ёнар, лабларида ним табассум ўйнар, афтидан ширин туш кўраётган эди.

Эртасига Дамааянтий Миннийни гаплашиб келди. Йигит қизга узук юборди, қиз йигитга. Қиз билан йигит узукка кўз қўйгандай бир-бирига муносиблигини кўриб, бутун қишлоқ ҳайрон қолди.

Дамааянтий тўйни шошира бошлади. Чунки, эрта-индин имтиҳонларни топшириб бўлса, Минний ҳамма ташвишлардан озод бўлади. Бироқ дунёнинг ишлари бир кишининг хоҳиши билан битганини ким кўрган? Йигит томондагилар ҳали тай-ёргарлигимизни кўрганмиш йўқ, келинни қишга бориб тушириб оламиз, дерди. Айниқса, йигитнинг онаси қаттиқ оёқ тираб олганди: “Биттаю битта ўғлимга кўнглимдагидай тўй қилиб бермоқчиман”.

— Менинг ҳам қизим пещонамга сиққан ёлғиз фарзандим, — дерди унга жавобан Дамааянтий. Бироқ кўнглида, менга сеп худди осмондан тушгандай бўлди, қудаларимиз эса ҳали шунча нарсани қиртишлаб йиғишлари керак, деб ўйларди. Хуллас, у тўйни бир неча ой орқага суришга розилик берди.

40

Дамааянтий билан Миннийни ҳеч ким она-бола деб хаёлига ҳам келтирмасди. Бунинг устига Минний бўйдорроқ эди. Қўшни хотинлар “Ҳой, Дамму, худо қизингни ҳеч нарсадан қисмаган, ҳусдан ҳусн, қоматдан қомат — ҳаммасидан берган” дея Миннийга суқ билан қараб қолар эдилар. Дамааянтий ҳам борлигидан ёшлик таровати барқ уриб турган қизининг таранг қадду бастига қараб туриб, кўнглидан фақат “менинг ўзгинам” деган фикрни ўтказарди. Дарҳақиқат, Дамааянтий сира ўзини олдирмаган, илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам ўша-ўша эди. Хўш, менга нима қипти? Ҳозир ҳам бир ишорам билан осмондаги ойни олиб бергувчилар йўқми? Ҳозир ҳам менинг фироғимда куйиб, висолимга етиш учун етти иқлим наридан бош уриб келувчилар топилмайдими, деб хаёл сурарди у.

Қизиқ, нега унинг киприклари ўз-ўзидан нам тортиб кетяпти? Қизи Минний бўй етди. Энди кап-катта хотин учун бундай беҳуда хаёлларга берилиш яхши эмас. Шунча йиллар ўзини тутиб, сир бой бермай келсин-да, бугун яна ўша юракни ўртовчи ҳисларга берилиб, ўзини-ўзи абгор қилиши дурустми? Йўқ, йўқ, яна бир ҳафтадан кейин, яъни келгуси ҳафтадаёқ Миннийнинг тўйини ўтказишга қудаларни бир амаллаб кўндиради! Бўлмаса бўлмайти!..

“Бугун кечаси у албатта келади!” бор имону ишончи билан ўйларди Дамааянтий. Ҳеч бир йил йўқки, кузнинг тўлиной кечаси у келиб Дамааянтийнинг эшигини тақиллатмай қолмасин. Ахир, доим шундай бўлиб келган. Бироқ бирон марта ҳам Дамааянтий унга эшигини очмаган. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди..

Дамааянтий яна ўша кунни, тўлиной кечасини кўз олдига келтира бошлади. Ўшанда анбаҳ дарахти остида рақс тушаётганда унинг сорийси йигитнинг биллигига чирмалиб юзи очилиб кетган Дамааянтий азбаройи уялганидан икки букилиб, ердан бошини кўтаролмай қолганди. Кейин йигит сорий учини оҳиста унинг елкасига ташлаб қўйганди.

Оҳ! Мана, у тагин сорийси учини ўшандай қилиб елкасига ташлаб олибди! Шунини ўйлаб, Дамааянтий сесканиб тушди...

Рўпарадаги йўлдан сарвқомат қизи Минний келарди. У шу қадар покиза, беғубор, тиниқ эдики, қўл теккизсанг доғ қоладигандай. У юзини яшириб олган, кўзларини ердан узмайди. Унинг овозини кўтариб гапирганини ҳеч ким эшитмаган. Минний ибодатхонадан қайтаётганди. Ҳа, ишқилиб, қилган дуолари мустажоб бўлиб, ниятларига етсин-да, тангри ўзи қўлласин-да.

Шуларни ўйлаб Дамаянтий беихтиёр жилмайди. Қизиқ, унинг қандай ниятлари бўлиши мумкин?

— Ойи, опоқ дадам билан опоқ оймлар келишмади-я? — Минний савол берди.

— Улар эртага келишса ҳам катта гап, қизим, ҳали қанча кам-кўстлар ётибди. Сарпо-суруқлар тўйда етса-ку яхши, етмай қолса, унда кўрасан томошани, — деди Дамаянтий қизига тушунтириб. Минний ўчоққа уннашдан олдин аста ойисига яқинлашди-да, унинг елкасидан рўмолини олиб, ўрнига ўзининг зар рўмолини ташлаб қўйди. Тагин шоҳи рўмол уриниб, кир бўлиб қолмасин.

Сорийсига шунақанги мос рўмолни топганки, қойил қолмай иложинг йўқ. Атрофни қоронғилик босиб келарди. Айвонда танҳо ўтириб, Дамаянтий хаёл сурарди. Шундай ёрғучоқлар бўладики, унни упадай майин қилиб чиқаради. Дамаянтий ҳам ўзини узоқ йиллардан бери тўхтовсиз айланаётган ёрғучоққа қиёс қилди. Шу қишлоққа келганидан бери бирон марта чакки оёқ босганини эслолмайди. Ўзини-ўзи шундай ювош, содда, қўй оғзидан чўп олмагандай ҳолга келтиргунча озмунча риёзат чекмади-да ўзиям!

Тўлинойнинг кумуш нурлари анбах шоҳлари орасидан сизиб ўтиб, унинг бошига ёғиларди. Тавба, бугун унинг хаёлини қандай ажибу нажиб фикрлар, хотиралар, ўйлар банд қилмапти-я! У бу хаёллардан, ўйлардан ўзини маст бўлаётгандек ҳис этмоқда эди. Тўлиной нурлари бошига ёғилди демагунча у доим шундай сирли ҳолатга туша бошларди.

Яна тўрт кундан кейин шу ҳовлида ит эгасини, мушук бекасини танимай қолади. Тўй маросимлари билан овора бўлиб кетади. Қизи Минний келин бўлиб кетади. Бошидан оёғигача қимматбаҳо тақинчоқларга кўмилган Минний кўёвга қандай кўринаркан? Қизиқ-а, етти ёт бир бегона одам отда келади-да, қизини тахтиравонга ўтқазиб, ўзининг уйига олиб кетади. Гўшангага олиб кириб, бўса олади, келин қўлларининг хинасини оқартириб юборади.

Дамаянтийнинг ҳам қўлларига хина қўйиб, келин бўлиб тушган дамлари худди кечагидек эсида. Лоақал унинг қўлини қўлига олиб, томоша қилмабди. Ҳориб-чарчаб ишдан қайтиб келарди-да, овқатини еб, таппа ташлаб уйқуга кетарди. Фақат ахён-ахёнда Дамаянтийнинг уйқуси келмай, юлдуз санаб чиққан дамларда, қоқ ярим тунда ўғил фарзанд иштиёқида уйқудан кўзини очарди. Бироқ эрининг армони ушалмади. Эр-хотинни бир-бирига қовуштириб турувчи ягона ҳалқа бу — Минний эди. Юзлари лўппи-лўппи, кўзлари тийрак-тийрак. Дамаянтийнинг кўзлари! Оппоқ ёноғи остида чиройли холи бор. Дамаянтийнинг холи! Сочлари узун-узун эди. Дамаянтийнинг сочлари! Дамаянтий, ҳаётда мен ниманики армон қилган, нимаики орзу қилган бўлсам, шуларнинг ҳаммаси қизим Миннийда тўлатўкис бор, деб ўйларди. Дамаянтий яна, мендаги ҳусну тароват, мендаги қадду қомат, менинг ўз вужудимда, жигаримда қайтадан бино бўлиб, Минний қиёфасида оламга келган, деб ўзига-ўзи тасалли берарди. Дамаянтий мудом бутун вужудида, томир-томирида, ҳужайраларида очлик, ташналик, иштиёқ ҳис қилар, бу ҳислар унинг борлигини тобора беҳол қиларди.

Тўлиной кечаси Дамаянтийнинг тўмоғидан ҳеч нарса ўтмасди. Минний қачонлар қозон-товоқларни саришталаб, эшик зулфинини солиб қўйиб, уйқуни уриб ётарди.

Тун шунақанги сўлим, сеҳрли эдики. Дамаянтий ҳайрон: қиш эшик қоқиб турса ҳам, заррача совуқни ҳис қилмаса-я. Тун ярмидан оғибди-ю, нега у бир ўзи айвонда ўтирибди? Кимни кутаётибди? Ана, ичкарида қизи Минний ухлаб ётибди. Қудалари бугун келамиз деб нега келишмади экан? Сабаби, бугун кузнинг тўлиной кечаси! Бу кечада Дамаянтий ҳар қандай зарур ишни ҳам орқага ташлайди. У даст ўрнидан турди-да, Миннийнинг зар рўмоли билан юз-кўзини тангиб олди. Зар рўмолининг заррин ишлари худди тубсиз осмон саҳнидаги юлдузлардай чарақлар, Дамаянтий ўзини шу юлдузлар орасида парвоз қилиб юрган фариштадай ҳис

қиларди. Қаршидаги анбаҳ дарахтидан аллақандай қушнинг сирли хониши қулоққа чалинарди. Ҳар гал шундай: кузнинг тўлиной кечасида қандайдир қуш тонг отгунча сирли оҳангда сайраб чиқади. Сайрайверади, сайрайверади, бироқ келиши лозим бўлган зотдан ҳамон дарак бўлмайди.

Бугун Дамаянтийга нима бўляпти ўзи? Балки, ёлғизлик туфайли у шундай олди-қочди хаёларга берилаётгандир? Нега энди ёлғиз бўларкан? Ичкарида бутун бошли бўйи етган қизи Минний ухлаб ётибди-ку. Янаги ҳафтада уни чиқаради. Бор йўғи уч-тўрт кун — сўнгра қизи она бағрини тарк этади. Ана ундан кейин Дамаянтий чиндан ёлғиз қолади. Ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи алвастига ўхшаб яшашини ўйласа, унинг бадани жимирлаб кетарди. Минний бир чиқиб кетганча умрбод қайтиб келмайди. У ўзининг уйига бориб истиқомат қилади. У ўз уйининг бекаси, безаги бўлади. Ҳа, Дамаянтий шундан кейин ёруғ оламда ўзи танҳо қолади.

Дамаянтий бир дақиқа ичкари хонага ўтди. Минний ҳеч нарсани билмай ухлаб ётибди. Безовта, асов ёшликнинг уйқуси шунақа қаттиқ бўлади. У қизил билагузук чурийларини ечиб, бош томонга қўйганча ухлаб қолганди. Бошқа ёнига ағдарилаётиб чурийларни тушириб юборса, чил-чил бўлади-я! Дамаянтий чурийларни олиб, токчага қўйиб қўймоқчи бўлди. Бироқ бундай қилмади, чурийларни ўзи тақиб олди. Олтитасини у қўлига, олтитасини бу қўлига тақди. Чурийлар ярқ-ярқ қиларди. Ахир Минний уларни кўчада устанинг тепасида ўтириб, ясаптириб олганига кўпам бўлгани йўқ эди-да.

Дамаянтий яна айвонга қайтиб чиқди. Бошида зар рўмол, билакларига чўғдай қизил чурийлар. Тўлиной кечасида Дамаянтий гўё бутун вужудини қандайдир ғайри табиий ҳис эгаллаб келаётгандек сеза бошлади.

Шу топ... шу топ даҳлиз эшигини кимдир чертди. Ҳа, ўша, ўша! Оҳиста, эҳтиёткорлик билан, журъатсизгина чертди — бу ўша! Худди ваъда қилганидек, ахийри ўз вақтида етиб келди-да! “Кузнинг тўлиной кечасида келиб эшигини чертаман. Хоҳла оч, хоҳла очма, бу ёғи ўзингга ҳавола. Йилда бир карра сенга муҳаббатимни эслатиб туришни мен ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан. Кузнинг тўлиной кечаси бизлар илк марта висол лаззатидан баҳраманд бўлганмиз, ахир!”

Тиқ, тиқ, тиқ... Қанчалик майин, қанчалик ёқимли, меҳру муҳаббатга тўлиқ бўлмаса бу овоз! Ҳа, бу унинг ўзи эди! Тўлиной кечасидаги қароқчи! Ой ҳам чўчиб булутдан юзига парда тортди. Атрофни зим-зиё қоронғулик чулғади. Булут устига булут босиб кела бошлади. Ва ой бутунлай кўздан йўқолди.

Қоронғулик қўйнида Дамаянтий даҳлиз томон бир неча қадам қўйди. Атроф зим-зиё тун, унинг боши чириллаб айланар, баданидан совуқ тер қуярди. У қалт-қалт титраётган қўли билан аста лўкидонни суриб эшикни очди ва унга муштоғу интизор турган кучоққа ўзини отди. Лаблар лаблар билан, тишлар тишлар билан пайванд бўлиб кетди, гўё неча йиллардан буён тўхтаб, дам бўлиб ётган тўғон бирдан очилгандай, гўё бир гул яроғини гирдоб ўз қаърига тортиб кетгандек бўлди.

Аста-аста юриб, қишлоқ чеккасидаги баргад дарахти тагига қачон ва қандай келиб туриб қолганларини Дамаянтий билмайди. Баргад дарахтидан сал наридаги экинзор марзасига қандай бориб қолганларини, қанча вақт у ерда бекиниб ётганларини ҳам Дамаянтий айтолмайди. Тонг бўзариб, ғира-шира қоронғулик ортидан машина ва аравалар шовқини қулоғига чалинганида кўзини очди. Дамаянтий аста унинг кучоғидан ситилиб чиқиб, юз-кўзини яширганча тез-тез юриб уйига қайтиб келди.

У чурийларни ечди-да, худди боягидай қилиб қизининг бош томонига қўйиб қўйди. Шойи рўмолини ҳам ечиб, чорпоysi устига ташлади ва ўзининг рўмолини олиб, ўрнига бориб чўзилди. Минг қилса ҳам ўзининг ўрни ўзиники экан, чўзилди-ю, ҳаял ўтмай кўзи илинди. У умрида шундай ширин ухламаганди.

Қуёш тиккага келгандагина Дамаянтий уйқудан бош кўтарди.

— Худди ёш боладай роса мириқиб ухладингизми, оий! — деди Минний унга киноя билан.

Жуда худо берган қиз-да, Минний. Уйдаги юмушларни аллақачон тиндирибди — ҳамма ёқни ёғ тушса ялагудай қилиб, супуриб-сидирган, нонуштани тайёрлаб қўйган, ўзи ювиниб-тараниб олган. Мана, энди дур шодасини рўмолига тўғнаб, имон-ихлосини тангрига изҳор этгани ибодатхонага отланиб турибди.

Минний ибодатхонага кетди. Дамаянтий эринчоқлик билан кўзларини уқалаганча айвонга чиқиб ўтирди. Ёқимли шабада эсарди. Тафти унча баланд бўлмаган куёш нури супадан пастга ина бошлаганди. Осмонни қандайдир оқиш парда қоплаб олганга ўхшарди. Шу кўринишида у Дамаянтийга сут тўла қозонни эслатди. Сут устида сонсиз нилуфар сузиб юрибди. Вужудини қитиқлаётган бир ажиб лаззатдан Дамаянтийнинг киприклари бир юмилиб, бир очиларди.

— Ҳой Дамаянтий, қани анови манжалақи қизинг?

Кутилмаганда бақириб берилган ҳақоратли саволдан Дамаянтий сапчиб тушди. Томирларида қон тўхтаб қолгандай бўлди.

— Бу қандай шармандалик ўзи-а? Кўз кўриб қулоқ эшитмаган гап бўлди-ку! Келин бўлишига тўрт кун қолганда бу ер ютгур қизинг бир оз сабр қилса ўлармиди?! — кўшни хотин Ложий кафтини уқалаганча Дамаянтийнинг ёнига келиб чўқди.

— Нима қилибди менинг қизим? Шундай бир бегуноҳ норасида-я — деди Дамаянтий баданини ўт олиб. У кўшни хотинга еб қўйгудек қаради.

— Ўша бегуноҳ норастанг ўтган кечаси тонг отгунча ўзини бир пул қилиб ётди.

Дамаянтийнинг қимирлашга ҳоли қолмаганди. У ўзини бўғин-бўғинидан тўкилиб тушаётгандек ҳис қилди.

— Кеча бу ёқда қоронғи тушаверди, у ёқда қизинг аллақандай ювуқсиз билан далага қараб кетди, — сўзида давом этарди Ложий. — Туни билан даҳлизинг эшиги очик қолди. Худо урсин, ўз кўзим билан кўрдим: қизинг даҳлиз ташқарисида турган бир одамни бағрига шундоқ ўзини отди. Мен зарурат билан чиққандим, бу аҳволни кўрдиму аста изимга қайтиб эшикни ёпдим. Кейин бу иккаласи бир-бирининг пинжига кириб, далага қараб йўл олди. Тонг отгунча мижжа қоққаним йўқ. Қиз сақлагунча туз сақла деб шунини айтар эканлар-да. Шу пайтгача ҳеч бир қиз ота-онасини бундай шарманда қилмаган. Шу дамгача ҳеч ким ўз қариндош-уруғларини бундай номусга қолдирмаган. Бизлар башарамизни бировга кўрсатармидик?

Шундай дея Ложий пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

Дамаянтий унинг гапларини эшитмас, ҳайкалдай қимир этмай ўтирарди.

Охири Ложий шилқ-шилқ йиғлаганча у ердан кетди.

Ложий кетиши билан қишлоқ қоровули Тару кўринди.

— Кенной! Ҳой кенной! — у Дамаянтийнинг бошига келиб бақириб-бақириб чақирарди.

— Нима дейсиз, Тару? — зўрға овоз чиқариб деди Дамаянтий ва қоровулни тепасида кўриб, сал ҳушини тўшлади.

— Кенной! Айтишга тил бормаиди, лекин ўтган кечаси қишлоғимизни наҳс босди. Мана, шу қоровулликда сочим оқарди, лекин бунақа шармандаликни умримда кўрмаганман. Қизингиз Минний биров билан баргаднинг тагида уят иш қилиб ётди. Ойдин бўлгани билан осмон қалин булут эди. Икки марта мен уларнинг яқинидан ўтдим. Бир-бирига маҳкам ёпишиб олганидан улар мени сезмади ҳам. Баргад тагида туриб-туриб чарчашди, шекилли, ундан дала томонга ўтиб яширинишди. Мен келдим-да, тонг отгунча кўз қулоқ бўлиб ўтирдим. Эшигингиз очик қолган эди. Эрта-индин бўладиган тўйга йиққан-терганингиз бордир деб ўйладим-да. Тонг отгандан кейин мен бу ердан кетдим. Қизингиз у ёқдан қачон қайтиб келганини билмадим. Ҳай безот-а, мен қанчалик уни бағримда кўтариб катта қилган эдим. Ўзимнинг қизим бўлганда-ку, бўғиб ўлдириб қўя қолардим. Орқа девордан ошиб ўтиб келдим бу ерга. Биров кўриб, каллаини саҳарлаб бу ерда нима қилиб юрибди демасин дедим-да.

Дамаянтий, худди азалдан тил-забони йўқдай, қоровулга жавдираб қарарди, холос.

Қоровул қандай келган бўлса, шундай кўздан ғойиб бўлди.

Қоровул кетди-ю, ҳовлига шердай ўқирганча йўгон сўйилни кўтариб Ратна заминдор кириб келди. У ҳаддан ташқари дарғазаб эди.

— Кўрсат менга қизингни! — даҳлиздан ичкарига бостириб кираркан, бўкириб деди у. — Қани у беҳаё бузуқи? У бўлмаган битта менинг далам қолган эдими?..

— Ратна ҳар гапирганда сакраб-сакраб тушарди. Дунёни бошига кўтариб, у бирпасда туманот одамни йиғди. Кўшни хотинлар ҳам келиб, бир сафга тизилиб олганди.

— Ўз кўзим билан кўрдим! Эрталаб қудуқ томон кетаётувдим. Ўз кўзим билан кўрдим — аввал у чиқди даламдан, бошига зар рўмол ўраган. Олдинига қизгина заруратдан шу ёққа чиққан экан-да, деб ўйладим. Бирпасдан кейин қарасам, нарёқдан у кишининг ёрлари келяптилар.

— Нега ёлғон гапирасиз, амаки? — оломонни ёриб, олдинга чиқиб келган Миннийнинг кўнгироқдай овози янгради. У ибодатхонадан қайтиб келиб, ҳалидан бери одамлар орасида бу ҳангомани кўриб-эшитиб турганди.

— Ҳали мен ёлғон гапиряпманми, беҳаё? Мен ёлғон гапириб қолибманми, ман-жалақи? Менинг даламда қолган мана бу синиқ чурийлар кимники бўлмаса?

Шундай дея заминдор чодрасининг барига тугилган қизил чурий бўлаklarини олиб, Миннийнинг кафтига қўйди. Минний кўзининг қири билан билагидаги чурийларни санади. Чурийлар ўн битта эди. Минний донг қотиб қолди. Кўз олдини қоронғулик қоплади.

Хотинлар энди бир-бирига қуни кеча Миннийнинг чурий ясаттирганини, ўнта-нинг устига яна иккита қўшганини, қизил рангини ўзи танлаганини баралла гапир-ра бошладилар.


Ҳовли одамга тўлган эди. Шу пайт оломонни ёрганча Дамаянтийнинг қудаси пайдо бўлди. Ёнида яна ҳамроҳлари ҳам бор эди. Улар тўй олдидан олган жамики буюм, сарпо-суруқ ва пулларни келтириб, Дамаянтийнинг оёғи остига улоқтиришди. Ҳамма ҳайрон бўлиб бир-бирига қаради. Аёллар нуқул “тавба, тавба” деб ёқа ушларди, холос. Бўйи етган қизлар бармоқларини тишлаган кўйи бу ҳангомаларни таажжуб ва ҳайрат билан кузатар эдилар.

Шу вақт қўшни ҳовлидаги қудуқ томондан “гум” этган овоз эшитилди. Ҳамма бир лаҳза жим бўлиб қолди. Кейин халойиқ ичини кўздан кечиришсаки, орала-рида фақат Дамаянтийнинг “беғуноҳ нораства”си кўринмасди, холос. Бояқиш қиз-нинг биров на овозини кўтариб гапирганини эшитган, на ножўя қадам ташлаганини кўрган эди. Қиз эмас, фаришта эди. Эртаю кеч тоат-ибодат қилишдан чарча-майдиган шундай бокира қиз энди йўқ эди.

Оломон бир қалқди-да, шовқин солганча қудуқ томонга югурди.

Дамаянтий эса бўм-бўш ҳовлининг қоқ ўртасида бир ўзи ўликдай чўзилиб ётарди...

*Ҳинд тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА таржумаси*



Николай ГУМИЛЁВ

Орзулар салтанати

* * *

Баъзан-баъзан ғамгин бўлиб
қоламан,
Унут бўлган, ғариб худоман, рости,
кўксимда хароба черковлар юрти,
кўксимда яп-янги қаср соламан.
Кўшкларни кукундан яратмоқ
мушкул,
шивирлайди қонсиз лаблар оҳиста.
Ёниб кул бўлгандир, кўрдир,
дилхаста,
Қадимий, Муқаддас Орзулар буткул.
Шунда бошим узра тилсим парвози,
Мовий кўк тубидан менга бўйлайди,
Оламшумул кураш ҳақда сўйлайди

Кимнингдир эҳтирос тўла овози:
“Ҳорғин ва юраги ўксик, биродар!
Тер тўк, риёзат чек она заминда,
Ярим тун қурбони бўлгай ёнғинда
шу тоғ кўчкилари, истасанг агар.
Истасанг, ястанар шу ойдин кенглик
Бемор кўнгулларнинг қошида
дилбар.
Улкан юрагингда қолмагай кадар
Қайгуларим унсиз кунларга боқ тик.
Қурбони бўл мовий субҳу сабонинг...
Бесагина ёнғил тубсиз зулматда...
Тонглар яқин, яқин келар ҳайратда
Умид Юлдузи бўл кўҳна дунёнинг!..”

АҚЛЛИ ШАЙТОН

Бу қўшиқни менга дўст Шайтон айтди,
У менга қадрдон, содиқ шу тобда: —
— Тун бўйи денгизчи сузди гирдобда,
Тонг отарда денгиз қаърига қайтди.

Пасаяр. кўпирар қайта ва қайта
Тўрт тарафда тўлқин девори қайноқ,
Денгиз томчисидан ҳам тоза, опшоқ
Буюк ишқи оқди роз айта-айта.
У сузиб кетаркан, бонг урилди, бонг:
“Сени алдамайман, о, менга ишон!..”
— Унутма, — ўтинди ақлли шайтон, —
У чўккан маҳалда отар эди тонг”.

Ойгул Суюндикова
таржималари

XX асрнинг дастлабки чораги Россия шеърияти майдонида Маяковский, Есенин, Блок, Брюсов сингари қатор забардаст истеъдод соҳиблари билан бирга Николай Гумилёв (1886-1921) ҳам қалам тебратди. Шўролар истибдоди қурбони бўлган шоирнинг ижоди узоқ вақт мобайнида оммадан “сир” тутилди. Фақат кейинги йиллардагина Н.Гумилёвнинг асарлари ўз юрти — Россияда қайта-қайта нашр қилинмоқда. Ўзбек тилида эса унинг туркум шеърлари илк марта чоп қилинаётир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

109

СУВ ПАРИСИ

Сув парисин маржони ял-ял.
Ёқут лаъллар гуноҳдан алвон.
Тушлар кўрар ғаройиб-нолон,
Карахт дунё, бемор ва беҳол.

Сув парисин кўзида милт-милт
Сўнган ярим кеча жамоли,
Ҳайқирганда денгиз шамоли
Гоҳ узоқ, гоҳ яқин ёнар ўт.

Мафтункордир пари нигоҳи,
Ул парининг кўзлари ғамгин.
Мен шу қизни севаман, туннинг
Сирларида нурланар чоғи.

Мен шу қизни севаман, Сўзда,
Нигоҳларда шафақ пардози,
Ёқут кўзнинг оловли нози...
Мени олиб чиқди денгиздан.

ҒАЛАБАДАН СЎНГ

Жингала сочимга қуёш зар тўкар,
Шамол-ла тиллашиб, гуллар узаман.
Нечун бахтлимасман шу гўдак
қадар?
Нечун ўзни шоҳдай нотинч сезаман?

Ёй иплари таранг, титраб толмайди,
Шивирлайди борлиқ шамшир шивирин,
У телба, оролни унутолмайди,
Мовий денгиздаги беадад қиргин.

Ўлим ҳозирлайсиз кимларга яна,
Эй қудратли қилич, эй учқур камон?
Ё билмайсиз: бизлар бизга дўстона
Эгишган ҳар қарич ерга ҳукмрон.

Не денгизлар кемам ўпдилар тоша,
Қирғоқларни ишғол этдик жанг
билан.
Наҳот замин ва кўк сарҳади оша
Сизга аён бўлди биз билмас душман.

ЎЙЛАР

Ўйлар меникига тўпланди нечун,
Тинч зулмат қўйнида ўғридай беҳос?
Бадқовоқ, даҳшатли калхатдай беун,
Нечун талаблари бешафқат қасос?

Умид ва орзулар зумда йўқолди,
Ҳаяжондан кўзим қинидан чиқди.
Хаёлот лавҳаси тинчимни олди,
Сўзим, ишим, фикрим жим ўқиб чиқдим.

Зафар қучганларни сокин нигоҳим
Билан кузатмоққа уринган эдим;

Беғуноҳ лабларга бу қайноқ лабим
Бокира ҳис билан суришган эди;

Омоч нелигини билмасдан ўтган
Нозик эди бу қўл, нозик бу бармоқ;
Дарбадар қаландар қўшиғин элтган
туйғу эзгин эди, аламли, янғроқ.

Қасос олмоқ вақти сабр ҳам тутар.
Қўрлар алдов қасрин бузар машшоқдай.
Ўйлар, сукунатнинг ўғриси, бўғар
Мени қоронғуда қолган қашшоқдай.

ЎЛИМ

Энгда майин, рангсиз ва кулранг либос,
Пайдо бўлди нозли қарашлар алвон.
Сени кўрмагандим бурун бу алфоз,
Шамшир рақси авжда, карнайлар нолон.

Кўзимга тилларанг сармаст кўриндинг,
Кучасан кўксимда лов-лов оловни.
Қонли туман ичра кўкка уриндинг
Ёриб йўлингдаги ҳар қандай ғовни.

Мангулик шайдоси Автрея янглиғ
Нигоҳларда ажиб теранлик қаъри.
Томирларда қонлар шиддатга тўлуғ,
Пишиқроқ эшилди қўл мускуллари.

Лек сени, гарчандки, ўзгасан ҳозир,
Танидим хув ўшал орзу-ҳасратда,
Жаннат қўшиғида сеҳрлар зоҳир,
Энди учрашамиз бизлар жаннатда.

ТУШИМДА

Тушимга кирибди: жон бердик бирга,
Ўтибмиз, ниҳоят, нигоҳлар нолон.
Иккита оқ, оппоқ қабрлар тўрга
Ўнма-ён кўйилган, шундоқ ўнма-ён.

Қачон жонимизга тегди барчаси?
Аввалданми, нени англатади бу?
Лек, ғалати, қалбда музнинг парчаси,
Юракда на оғриқ, на йиғи, қайғу.

Бу жонсиз ҳисларнинг жозибаси бор,
Донг қотган бу ўйлар ойдин, бекадар.
Лабларингга йўқдир менда истак, зор,
Гарчанд улар дилбар, ҳамиша дилбар.

Тақдир тақозоси: жон бердик бирга
Ўтибмиз, ниҳоят, нигоҳлар нолон.
Иккита оқ, оппоқ қабрлар тўрга
Ўнма-ён кўйилган, шундоқ ўнма-ён.

АҚЛЛИ ШАЙТОН


Яна бир бесамар кун,
Нокерак ва улуғвор!
Оромбахш соя, келгин,
Қалбга кийдиргин ридо,-
Ярашар бу инжу тўн.
Сен келдинг. Ўлдириб жим
Ваҳший қуш — ғамларимни.
Ғолиб қадамларингнинг

Нашидасини бир зум
Бузишга кимда ҳад бор,
О, сен тунги ҳукмдор!
Юлдузлар сукунати.
Ўрқин ой — билакузук.
Орзулар салтанати —
Тушимга кирар нозик
Бахт азалдан азадор.

ҚЎШИҚ

Таратгайсан хушбўй ислар,
ислар хушласанг,
Келмоқдасан порлаб-порлаб,
чақнаб мисли ой.
Муқаддасдир, қўлингга не,
неки ушласанг,
Уйғонажак, кўринажак энг
сирли Чирой.

Сени дея ташвишларнинг кўшклари
қулар,
Қадамингда оқар ором ёлқинларими?
Кўзларингда ғами тиниқ осмонни,
қўллар
Афсонага тўлуғ денгиз тўлқинларими?
Бу дунёнинг кўндир, хўбдир эркак, аёли,
Ёлғиз келдим сени истаб кўнглим хаёли.



Франсуа де ЛАРОШФУКО

Максимлар ва ахлоққа оид мулоҳазалар

300

Баъзи тентакликлар, юқумли касалликлардай, тез тарқайди.

301

Кўпчилик одам ҳаёт неъматларини ёмон кўради, бироқ деярлик ҳеч ким улар билан бўлишишга қодир эмас.

302

Номуҳим нарсалар ҳақида гап борганидагина биз само ёритқичларининг кучи ва таъсирига ишончсизлик билдиришга журъат этамиз.

303

Бизнинг шаънимизга ҳар қанча мақтов ёғдирмасинлар, биз уларда ўзимиз учун бирон янгилик топа олмаймиз.

304

Бизга малол келадиган одамларга нисбатан биз кўпинча хайрихоҳлик билан муносабатда бўламиз, лекин ўзимиз ўзгага малол келсак, ҳеч қачон уларга хайрихоҳ муносабатда бўлмаймиз.

305

Фарзгўйликни ҳамма жиноятларининг сабабкори деб айблашади.

Охири. Боши аввалги сонда.

Ҳолбуки, шуни унутиб қўйишадик, кўпинча у яхши ишларимиз учун мақтовга ҳам муносибдир.

306

Инсон яхшилик қилишга қодир экан, унга ношукурлик билан тўқнашув хавфи таҳдид солмайди.

307

Ўзгаларнинг ҳузурда ўз фазилатларимизни мақтаб кўкка кўтариш нечоғлик кулгили бўлса, одам ўзи ёлғиз қолганда уларни муносиб баҳолаш ҳам шунчалик оқилона ишдир.

308

Камсуқумликни эзгу сифат деб эълон қилишган экан, бундан кўзда тутилган мақсад — улуғ одамларнинг шуҳратпарастлигини жидовлаш ва молу мулки унчалик кўп бўлмаган ва фазилатлари ҳам унчалик зўр бўлмаган оддий одамларга тасалли бериш бўлган.

Шундай одамлар бўладик, аҳмоқ бўлиш азалдан уларнинг пешонасига ёзиб қўйилган. Улар нафақат ўз иштиёқлари билангина, балки тақдир иродаси билан ҳам тентаклик қилишади.

310

Ҳаётда шундай вазиятлар ҳам бўлиб турадики, улардан фақат анча-мунча

тентакликлар ёрдамидагина қутулиб кетиш мумкин.

311

Агар дунёда ҳеч қачон кулгили бўлиб кўринмаган одамлар мавжуд бўлса, бунинг боиси шундаки, ҳеч ким уларнинг кулгили жиҳатларини қидириб ҳам кўрмаган.

312

Ошиқ-маъшуқлар бир-бирлари билан бирга шунинг учун зерикишмайдик, улар ҳаммавақт ўзлари тўғрисида гапиришади.

313

Нима учун биз бошимиздан кечган воқеани барча тафсилотлари билан эслаб қолишга қодирмиз-у, лекин уни битта одамнинг ўзига неча марта гапириб берганимизни эслаб қолишга қодир эмасмиз?

314

Ўзимиз тўғримизда бағоят ҳузурланиб гапирганимиз бизда шубҳа туғдиrhoғи керак — суҳбатдошимиз ҳам бу гапни эшитиб ҳузур қилаётганмикин?

315

Ожиз характерли одамлар соддадил бўла олмайдилар.

316

Биз дўстларимиз билан тўла-тўқис ошқора гаплашмаслигимизнинг боиси — уларга ишончимиз йўқлигидан эмас, кўпроқ ўзимизга ўзимиз ишонмаслигимиздандир.

317

Ношукур одамнинг хизматини қилсанг ҳечқиси йўқ, бироқ аблаҳ одамнинг хизматини қабул қилсанг, бундан каттароқ бахтсизлик йўқ.

8—К-8388

318

Тентакликни даволаса бўлади, лекин қинғир ақлни тўғрилаб бўлмайди.

319

Агар биз дўстларимиз ва валинесьматларимизнинг қусурлари ҳақида оғзимизни тўлдириб, бемалол гапираверадиган бўлсак, уларга нисбатан кўнглимизда жўш уриши керак бўлган эзгу туйғулар кўпга етмаган бўларди.

320

Давлат бошлиқларини уларда йўқ фазилатлар учун мақтаб кўкка кўтариш — уларни ҳайиқмай ҳақорат қилиш билан баробар.

321

Бизни ўзимиз хоҳлаган даражадан кўра ортиқроқ яхши кўрадиган одамни севишимиздан кўра бизни ёмон кўрадиган одамни севмоғимиз осонроқдир.

322

Туриш-турмуши нафратга сазовор бўлган одамгина нафратдан қўрқади.

323

Бизнинг соғлом фикр юритишимиз ҳам худди бойлик каби тасодифга тобедир.

324

Рашқда муҳаббатдан кўра ўзига маҳлиёлик кўп.

325

Феълу атворимизнинг ожизлиги кўпинча бошимизга мусибат тушганда ақлимиз тасалли беришга ожизлик қилиб қолган кезларда жонимизга оро киради.

326

Масхара бўлиш, кулгига қолиш бизнинг номусимизга номуссизликнинг ўзидан кўра кўпроқ зарар етказади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

113

327

Кичкина қусурларимизни тан олар эканмиз, шу билан теварак атрофимиздагиларни бизда йирик қусур йўқ деб ишонтирмоқчи бўламиз.

328

Ҳасад — нафратдан ҳам мурасасизроқдир.

329

Баъзан одамлар ўзларига ўзлари хушомаддан нафратланадигандай кўринадилар, ҳолбуки улар хушомаднинг ўзидан эмас, унинг маълум бир шаклидан нафратланадилар, холос.

330

Одамлар севишда давом этар эканлар, кечиришда ҳам давом этаверадилар.

331

Эркакни изтироблар уммонига ботирадиган аёлдан кўра, унга бахт ато қиладиган аёлга вафодор бўлиш қийинроқ.

332

Аёллар ўзларининг карашмалари нечоғлик бепосён эканини англаб етмайдилар.

333

Феълу атворнинг ўзгармас даражада қатъийлиги — аёл табиатига ётдир.

334

Аёл кишига нозу карашмасини енгилдан кўра эҳтиросини енгил осонроқдир.

335

Севгида алдов ҳамаша ишончсизликдан кўра олдинроқ юради.

336

Шундай ҳам муҳаббат бўладики, ўзининг энг олий намоён бўлишларида рашкка ўрин қолдирмайди.

337

Баъзи бир фазилатлар кўз билан қулоққа ўхшайди: бу фазилатлардан маҳрум бўлган одамлар теваракдаги одамларнинг фазилатларини кўришга ҳам, баҳолашга ҳам қодир эмаслар.

338

Ҳаддан зиёд ўтқир нафрат бизни нафратланаётган одамимиздан тубанроқ қилиб қўяди.

339

Бахт билан бахтсизликни биз ўзимизга муҳаббатимиз даражасига қараб бошдан кечираемиз.

340

Кўпчилик аёлларда ақл-идрок уларнинг заковатини мустаҳкамлашга эмас, балки шўхликларини оқлашга хизмат қилади.

341

Қариликдаги лоқайдлик руҳни поклашга ёнликдаги жўшқинликдан ортиқ хизмат қилмайди.

342

Инсоннинг қалби ва ақлида худди нутқидаги каби у туғилиб ўсган юртининг муҳри бўлади.

343

Улуғ одам бўлиб етишмоқ учун тақдир тақлиф қилган нарсаларнинг ҳаммасидан моҳирлик билан фойдалана билмоқ керак.

344

Кўпгина одамлар ўсимликлар каби яширин хусусиятларга эга бўлади —

улар фақат тасодиф туфайлигина рўёб-га чиқади.

345

Фақат муайян шароитгина теварак атрофимиздагиларга бизнинг моҳиятимизни очиб кўрсатиб беради. Энг муҳими — ўзимиз ҳам кўриб оламиз.

346

Аёл кишининг савқи табиати унинг ақли-ю юраги билан тил топишган бўлмаса, аёлнинг ақли ва қалбида тартиб бўлмоғи амримаҳол.

347

Биз ҳамма масалаларда фикримизни маъқуллайдиган одамларнигина соғлом фикр эгалари деб ҳисоблаймиз.

348

Одам севган чоғларида тез-тез ҳаммадан ортиқ ишонган нарсасидан гумондор бўлиб туради.

349

Муҳаббатнинг энг буюк мўъжизаси шундаки, у нозукарашмадан даволайди.

350

Бизга муғомбирлик қиладиган одамлардан жаҳлимиз чиқар экан, бунинг боиси шуки, улар ўзларини биздан кўра ақллироқ деб ҳисоблашади.

351

Одамлар бир-бирларини ортиқ ёқтирмай қолганларида ажралиб кетмоқ учун баҳона топиш қийин бўлиб қолади.

352

Биз зерикмаслигимиз керак бўлган одамлар билан бирга бўлсак, ҳамиша зерикиб, диққинафас бўламиз.

353

Чинакамига фазилатли одам бутун борлиғи билан ақлсиз одамдай яхши кўриб қолиши мумкин. Лекин у аҳмоқ одамдай севмаслиги керак.

354

Агар моҳирлик билан фойдаланилса, айрим қусурлар истаган фазилатлардан кўра ёқимлироқ ярқирайди.

355

Биз баъзан яқинларимизни йўқотамиз-да, бундан қайғурганчалик таассуф чекмаймиз. Лекин шундай ҳам бўладики, биз йўқотганимиз ҳақида таассуфлансак ҳам заррача қайғурмаймиз.

356

Биз одатда ўзимизга қойил қолганларнигина чин юракдан чиққан мақтов билан мукофотлаймиз.

357

Майда ақл эгалари майда хафагарчиликдан қаттиқ таъсирланадилар. Катта ақл эгалари эса ҳаммасини сезади-лар-у, ҳеч нарсадан хафа бўлмайдилар.

358

Насроний фазилатларнинг энг чин белгиси — мутеълик. Агар мутеълик бўлмаса, ҳамма қусурларимиз ўзимизда қолаверади, такаббурилик эса уларни теварак-атрофимиздагилардан ва кўпинча ўз-ўзидан ҳам яширади, холос.

359

Бевафолик севгини ўлдирмоғи даркор эди. Рашк қилмоққа асос бўлганида рашк қилмаслик керак эди, чунки рашкни қўзғамасликка ҳаракат қиладиган одамгина рашкка муносибдир.

360

Ўзгаларга нисбатан ўта маккорлик билан қилинган бевафоликни биз қора-

лаймиз, бироқ ўзимизга нисбатан қилинган заррача бевафоликни ўн чандон ортиқроқ қоралаймиз.

361

Рашк — ҳамиша муҳаббат билан бирга туғилади, лекин ҳамиша ҳам у билан бирга ўлиб кетмайди.

362

Аёл киши севганидан айрилиб, ёш тўқар экан, кўпинча бу унинг ўз ошиғини яхши кўрганидан далолат бермайди, балки у ўзини севгига муносиб қилиб кўрсатмоқчи бўлганидан гувоҳлик беради.

363

Ўзимизни ўзимиз бирор нарсага мажбур қилганимиздан кўра баъзан агрофимиздагиларнинг кўниши биз учун осонроқ кўчади.

364

Ҳаммага яхши маълумки, одамга ҳадеб ўз хотини тўғрисида гапиравериш ярашмайди, лекин бошқа бир ҳақиқат ҳаммага ҳам яхши маълум эмас — одамга ҳадеб ўзи тўғрисида гапиравериш янада камроқ ярашади.

365

Туғилган чоғимиздан бери бизга хос бўлган айрим фазилатлар ўзгариб, қусурга айланиб кетмоғи мумкин, ҳаётимиз йўлларида ўзлаштирган айрим фазилатлар эса ҳеч қачон камолот босқичига кўтарилмайди; масалан, тежамкорлик ва эҳтиёткорликни бизга ақл-идрокимиз сингдирмоғи лозим, лекин эзгулик ва жасоратни эса табиат инъом этмоғи керак.

366

Суҳбатдошимизга ишончимиз ҳар қанча кам бўлмасин, улар биз билан суҳбатлашаётганларида бошқа ҳар қандай одам билан суҳбатлашаётганидан кўра самимийроқ бўлиб туюлади.

367

Ўзининг эзгу сифатларидаң тўйиб кетмаган боадаб аёл дунёда кам бўлади.

368

Деярлик ҳамма боадаб аёллар — биров қўл теккизмаган хазинадир. Уларга қўл теккизилмаганининг сабаби шундаки, бу хазинани ҳеч ким қидирмаган.

369

Севиб қолмаслик учун сарфлайдиган хатти-ҳаракатларимиз баъзан бизни маъшуқаларимизнинг шафқатсизлигидан кўра кўпроқ изтиробга солади.

370

Кўрқоқлар одатда кўрқувларининг бутун кучини англаб етмайдилар.

371

Маъшуқасининг севгисидан жудо бўлган одам одатда ўзи айбдор — буни вақтида пайқамай қолган.

372

Ёш-ялангларга кўпинча уларнинг хатти-ҳаракати табиийдай кўринади. Амалда эса улар тарбия кўрмаган ва дағал одамлар, холос.

373

Баъзан кўзёши тўкканимизда, биз бу билан нафақат ўзгаларни, балки ўзимизни ҳам алдаймиз.

374

Кимда ким ўз маъшуқасини унинг ўзини севгани учунгина яхши кўраман деб ўйласа, қаттиқ адашади.

375

Олисни кўролмайдиган одамлар ўзларининг тушунчалари доирасидан ташқарида бўлган ҳамма нарсага қоралайдилар.

376

Чинакам дўстлик ҳасадни билмайди, чинакам муҳаббат эса нозукарашмадан маҳрум.

377

Мақсадига эришмаган одамлар эмас, мақсадини пайқамай ёнидан ўтиб кетган одамлар зийракликдан маҳрумдирлар.

378

Ўзгаларга доно маслаҳат бериш мумкин, лекин ўзгаларни доно хулқ-атворга ўргатиб бўлмайди.

379

Чаппа кетган ишларнинг ҳаммаси бора-бора жозибасини ҳам йўқотади.

380

Ҳамма нарсалар ёруғда яхшироқ кўринганидек, бизнинг эзгу сифатларимиз ва иллатларимиз ҳам омад нурларида аниқроқ кўринади.

381

Жуда катта ҳаркатлар эвазига сақлаб қолинадиган садоқатдан ҳиёнат афзал.

382

Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз Буриме сатрларига ўхшайди. Ҳар ким уни ўзи хоҳлаган нарса билан боғлаб кетаверади.

383

Бизнинг самимиятимиз кўп жиҳатдан ўзимиз тўғримизда гапириш ва ўз нуқсонларимизни юмшатиброқ кўрсатиш иштиёқидан туғилган.

384

Биз ҳайрон қоладиган бўлсак, ҳамоно яна бирон нарсага эга бўлиш қобилиятига эга эканимиздан ҳайрон қолмоғимиз керак.

385

Жуда қаттиқ яхши кўрадиган одамнинг ҳам, ортиқ бутунлай севмай кўйган одамнинг ҳам кўнглини олиш бирдай қийин.

386

Ҳар нима бўлганда ҳам ҳамиша, албатта, ҳақ бўлиб чиқишни хоҳловчи одамлар кўпинча ноҳақ бўлиб чиқишади.

387

Аҳмоқ одам яхши одам бўла олмайди, бунинг учун унинг ақли ҳаддан зиёд камлик қилади.

388

Агар шуҳратпарастлик ҳамма фазилатларингизни гўрга тикмаганида ҳам, ҳарҳолда, уларни чайқатади.

389

Ўзганинг шуҳратпарастлигига тоқатимиз йўқ, чунки у бизнинг шуҳратпарастлигимизни камситади.

390

Кўнгилхушидан воз кечгандан кўра фойдадан воз кечган осонроқ.

391

Омад борасида тақдир кимгаки кулиб боқса, бу одам тақдирни сўқир деб ҳисоблайди.

392

Тақдир билан худди сиҳат-саломатликка ўхшаб муомалада бўлмоқ керак: тақдир бизга кулиб боққан чоғларда, бундан лаззатланмоқ лозим, тақдир инжиқлик қила бошлаганда эса бирон биҳ заруриятсиз қаттиқ таъсир қиладиган воситаларга мурожаат қилмай, бардош билан кутиш даркор.

393

Мешчанлик қилиқлари баъзан ҳарбийлар доирасида яшириниб юради, лекин улар ҳамиша саройда яққол сезилиб туради.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

317

394

Айёрлик билан бирон одамни алдаб кетиш мумкин, лекин бу билан дунёдаги ҳамма одамни алдаб кетиб бўлмайди.

395

Баъзан севган одамнингдан бор ҳақиқатни эшитгандан кўра унинг ёл-ғонларига дош бериш осонроқ бўлади.

396

Аёл киши агар яна битта хуштор топмаса, биринчи ошиғига анча вақтгача вафодор бўлиб юради.

397

Биз бедалил, беисбот: “биз ҳар қандай иллатдан фориғмиз-у, бизнинг душманларимиз биронта ҳам фазилатга эга эмаслар” деган фикрни айтишга журъат қилмаймиз, лекин айрим-айрим олинган ҳар бир ҳолатда биз бу гапга ишонишга деярлик тайёرمىз.

398

Биз ўзимизнинг бошқа қусурларимизни тан олгандан кўра бажонидил ялқовлигимизни эътироф этиб қўя қоламиз; негаки биз “ялқовлигимиз тинчликсевар эзгу сифатларимиздан келиб чиқади ва бошқа фазилатларимизга унча зарар етказмаган ҳолда уларнинг намоеън бўлишини бир қолипга солиб туради, холос” деган фикрни сингдириб олганмиз.

399

Одамларда баъзан тақдир саховати-га боғлиқ бўлмаган улуғворлик бўлади: бу улуғворлик одамнинг сохти-сумбатида, ўзини тутиш тарзида кўринади. У одамни бошқалардан ажратиб туради ва гўё унга нурли келажак ваъда қилаётгандай бўлади. Шунингдек, бу улуғворлик одамнинг беихтиёр ўз-ўзига берадиган баҳосида ҳам намоеън бўлади. Худди ана шу хислат атрофимиздагиларнинг ҳурматиани бизга жалб қилади ва бизни улардан юқори қўяди. Ҳеч қандай насл-насаб, ҳеч қандай мартаба

ва ҳатто олижаноб сифат ҳам бизни бу қадар юксакка кўтара олмайди.

400

Фазилатларга ҳаммавақт ҳам улуғворлик хос бўлавермайди. Лекин улуғворликка эса лоақал бир-иккита фазилат ҳаммиша хос бўлади.

401

Қимматбаҳо бош кийими ҳусндор аёлга қандай ярашса, улуғворлик ҳам эзгуликка шунча ярашади.

402

Хушторликда истаган нарсангиз бор, фақат муҳаббат йўқ, холос.

403

Бизни юксакка кўтармоқ учун тақдир баъзан қусурларимиздан фойдаланади: масалан, баъзи бесаранжом одамлар ҳар нима қилиб бўлса-да, қусурларидан фориғ бўлишга ҳаракат қилганлари учун ҳақли равишда тақдир томонидан тақдирланганлар.

404

Афтидан, табиат бизнинг қалбларимиз қаърига шундай қобилият ва истездодларни яшириб қўйганки, уларни биз тасаввур ҳам қилмаймиз; фақат эҳтиросларгина уларни уйғотиб, ҳаракатга келтиради ва баъзан уларга шундай зийраклик ҳамда қатъият бахш этадики, оддий шароитларда биз ҳеч қачон бу даражага эриша олмаган бўлардик.

405

Биз умримиз давомида ҳар хил ёшлар фаслига худди янги туғилган гўдакдай — ёшимиз қанча бўлишидан қатъий назар ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган ҳолда кириб борамиз.

406

Серкарашма аёллар ўзларини гўё ошиқларини рашк қилаётгандай кўрсатадилар. Ҳолбуки, бу билан улар бошқа

аёлларга ҳасад қилаётганларини яшир-моқчи бўладилар, холос.

407

Ўзгаларни лақиллатишга муваффақ бўлсак, улар бизга аҳмоқ бўлиб кўринади. Аммо ўзгалар бизни лақиллатишга муваффақ бўлишса, биз ўзимизга ўзимиз ўн чандон ортиқроқ аҳмоқ бўлиб кўринамиз.

408

Кекса аёллар бир замонлар жозибадор бўлганларини хотираларида сақласалар-у, аллақачон бу жозибадан маҳрум бўлганларини унутиб қўйган бўлсалар, жуда ҳам кулгили аҳволга тушиб қоладилар.

409

Агар атрофимиздагиларга бизни ҳаракатга келтирган сабаблар маълум бўлганида, биз кўпгина олижаноб ишларимиздан тез-тез хижолат бўлиб турардик.

410

Дўстимиздаги энг катта қаҳрамонлик унга ўз қусурларимизни намоён этиш эмас, балки унинг ўз қусурларига кўзини очишдир.

411

Бизнинг истаган қусуримиз шу қусурни яшириш йўлида қиладиган ҳар қандай муғомбирликларимизга қараганда кечирардидир.

412

Биз ўз шаънимизни ҳар қандай шармандалиқ билан қопламайлик, ихтиёримизда деярлик ҳамиша яхши номимизни тиклаш учун имконият қолади.

413

Ҳамиша бир хил тарзда ақлли бўлган одам узоқ вақт бировга хуш келмоғи душвордир.

414

Аҳмоқлар ва тентакларга бутун дунё ўз тентакликлари нурида кўринади.

415

Ақл-идрок бизга баъзан бемалол бемаъниликлар қилмоғимиз учун хизмат қилади.

416

Йиллар сари ортиб борадиган жўшқинлик тентакликка яқинлашиб қолади.

417

Севгидан биринчи бўлиб шифо топган одам ҳамиша тугалроқ даволанган бўлади.

418

Серкарашма тантиқ деб ном чиқаришни истамаган жувонлар ва кулгили кўринишни хоҳламаган ёши ўтинқираган эркаклар севги тўғрисида эҳтиёт бўлиб, гўё унга даҳллари йўқдай гапирмоқлари керак.

419

Биз ўз фазилатларимиздан тубанроқ рутбани эгаллаб туриб жуда салобатли кўринишимиз мумкин, лекин ўзимиз учун жуда юксак бўлган мартабада ўтирсак кўпинча жуда майда ва арзимас одам бўлиб кўринамиз.

420

Биз ўзимизга кўпинча бошимизга мусибат тушганда уни матонат билан енгиб ўта оладиган бўлиб кўринамиз. Ҳолбуки, амалда, эса биз эзилганмиз, холос. Биз кўрқоқ одамдай мусибатнинг юзига тик қараёлмай уни бошимиздан кечирамиз. Кўрқоқлар эса ўлсалар ўладиларки, лекин ўзларини ҳимоя қилишга юраклари дов бермайди.

421

Сухбатни ҳаммадан ортиқ жонлан-тирадиган нарса ақл-идрок эмас, ўзаро ишончдир.

422

Истаган эҳтирос истаган кишини хатолар сари етаклайди, аммо энг бемаъни хатолар сари севги етаклайди.

423

Кексалик санъатини эгаллаган кексалар дунёда нақадар кам.

424

Бизга ўзимизни амалда мавжуд бўлган қусурларимизга қарши мутлақо зид бўлган қамчиликлар эгаси қилиб кўрсатиш ёқади. Масалан, феъли-атвори заиф одамлар ўжарлиги билан мақтанишни яхши кўришади.

425

Зийраклик бизни ўзимизга шундай салобатли ва залворли қилиб кўрсатадики, бошқа ҳамма ақлий сифатларимизга қараганда бизнинг шуҳратпарастлигимизга кўпроқ хуш ёқади.

426

Янгилик латофати ва давомли кўникма ҳар қанча бир-бирига зид кўринмасин, дўстларимизнинг нуқсонларини кўришимизга бирдай баравар халақит беради.

427

Дўстларнинг кўпчилиги дўстликдан жирканишга, бетавфиқ одамларнинг кўпчилиги эса бетавфиқликдан кўнгил қолишига олиб келади.

428

Биз дўстларимизнинг қусурлари ўзимизга даҳлдор бўлмаса, бажонидил бу қусурларни кечириб юбораверамиз.

429

Севадиган аёл ошиғининг кичик бевафолигини кечиргандан кўра унинг бошқа бир катта қусурини — мақтанчоқлигини тезроқ кечиради.

430

Муҳаббат туфайли одамлар қариганда ўзлари кексайгандаги қаби азобуқубатлар учун яшада давом этадилар. Лекин улар энди ҳузур-у лаззат учун яшайдилар.

431

Табиий бўлмоққа табиий кўриниш истагидан ортиқроқ халақит берадиган нарса йўқ.

432

Яхши ишларни чин юракдан мақтамоқ — шу ишларда қай бир даражада иштирок этмоқликдир.

433

Юксак фазилатларнинг энг аниқ белгиси шуки, туғилган кундан бошлабоқ ҳасадни билмасликдир.

434

Биз дўстларимиз томонидан алдансак, улар дўстликларини ошкора этганда буни лоқайд қабул қилмоғимиз мумкин, бироқ биз уларнинг мусибатларига ҳамдард бўлмоғимиз керак.

435

Дунёни тақдир ва найранг бошқаради.

436

Хусусан, бир одамни танимоқ-билмоқдан кўра, одамларни умуман билмоқ осонроқдир.

437

Одамнинг фазилатлари тўғрисида унинг яхши сифатларига қараб эмас, балки бу сифатлардан қандай фойдаланишга қараб ҳукм қилмоқ керак.

438

Бизнинг миннатдорлигимиз баъзан шу қадар катта бўладики, биз дўстларимиз қилган яхши ишлари учун уларнинг ҳақини берар эканмиз, уларни яна ўзларимизга қарздор ҳам қилиб қўямиз.

439

Агар биз нима исташимизни ўзимиз аниқ билганимизда эди, эҳтиросли иштиёқларимиз жуда кам бўлур эди.

440

Аёлларнинг кўпчилиги дўстликка шунинг учун лоқайд қарайдики, муҳаббат билан қиёслаганда дўстлик уларга анча таъмсиз кўринади.

441

Дўстликда ҳам худди муҳаббатдаги каби бизга маълум бўлган нарсадан кўра билмаган нарсамиз кўпроқ бахт келтиради.

442

Биз тузатишни истамаган қусурларимизни ўзимизнинг хизматимиз сифатида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

443

Қари тентаклар ёш тентаклардан баттар бўлади.

444

Баъзан энг оташин эҳтирослар ҳам бизга жиндай дам беради, фақат шуҳратпарастликкина бир қадам орқада қолмай бизни мудом эзади.

445

Фельу авторнинг заифлиги эзуликдан — иллатдан кўра ҳам нарироқ туради.

446

Уят ва рашк бизга шунчалик қаттиқ азоб берадики, бу ўринда ҳатто шуҳратпарастлик ҳам ёрдам беролмайди.

447

Одоб — жамият қонунлари ичида энг номухимидир, лекин у ҳамма нарсадан ортиқ қадрланади.

448

Соғлом фикрлайдиган одам тентакларни бошқаришдан кўра уларга бўйсунишни осон деб билади.

449

Дабдурустан тақдир бизни етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган юксакликларга кўтарса, деярлик ҳамиша шундай бўлиб чиқадики, бу янги ҳолатда муқим туриб қолишга муносиб эмас эканмиз.

450

Биздаги мутакаббирлик кўпинча ўзимиз энгиб ўтишга муваффақ бўлган қусурлар ҳисобига ўсиб боради.

451

Ақл-идрокдан буткул маҳрум бўлмаган тентаклардан кўра бемаза-роғи бўлмайди.

452

Дунёда шундай одам йўқки, у ўзининг истаган хислатини бошқа одамдаги, ҳатто ўзи жуда ҳурмат қиладиган одамдаги худди шундай сифатга қараганда беқиёс даражада юқори баҳола-масин.

453

Жиддий ишларда қулай имкониятлар яратиш ташвишини қилиш керак эмас, ундан ҳам аввал бор имкониятларни қўлдан чиқармасликни ўйламоқ керак.

454

Агар одам тўғрисида ёмон гапирмаслик шарти билан у ҳақда яхши гапиришни ҳам тўхтатиб қўйишларини келишиб олсалар, ҳеч ким ютқазмас эди.

455

Одамлар нотўғри муҳокама юритишга ҳар қанча мойил бўлмасинлар, улар сохта фазилатларга нисбатан хайрихоҳлик кўрсатгандан кўра чинакам фазилатларга нисбатан камроқ даражада адолатсизлик кўрсатадилар.

456

Аҳмоқ одамлар баъзан бирон ақлли гап айтишлари ҳам мумкин, лекин улар соғлом муҳокама юритишга қобил эмаслар.

457

Биз ҳеч қачон ўзимиз кирмаган ва кирмайдиган қиёфада кўринишга ҳаракат қилмай, ҳамиша қандай бўлсак шундайлигимизча кўринадиган бўлсак, борлигимизча намоён бўлсак, одамларнинг назарида кўп нарса ютган бўлардик.

458

Бизнинг ўзимиз ҳақимиздаги мулоҳазаларимизга қараганда душманларимизнинг биз тўғримиздаги мулоҳазалари ҳақиқатга яқинроқ.

459

Муҳаббат дардига шифо бўладиган даволар кўп, бироқ биронтасига ҳам ишониб бўлмайди.

460

Назаримизда йўқдай кўринадиган қусурларни қоралашга бизни мажбур қиладиган мутакаббирлик бизда мавжуд бўлмаган фазилатлардан ҳам ҳазар қилишни буюради.

461

Кулфатга дучор бўлган душманларга ҳамдардлик кўпинча эзгулигимиз ва меҳрибончилигимиз туфайли эмас, мутакаббирлигимиз туфайли туғилган бўлади: бизнинг улардан устунлигимизни билиб қўйишлари учун уларга ҳамдардлик билдирамыз.

462

Шоду ҳуррамлик ва мусибатнинг шунақа даражалари мавжудки, улар бизнинг ҳис қилиш қобилиятимиздан ташқари туради.

463

Боқираликка, бегуноҳликка қараганда жиноятга ҳомий осонроқ топилади.

464

Кексалик шундай бир золимдирки, у ўлимни пеш қилиб, бизга ҳамма ёшлик лаззатларини ман этиб қўяди.

465

Эҳтиросларимиз бошимизга не кунларни солиши мумкинлигини биз тасаввур ҳам қилолмаймыз.

466

Ҳамма оташин эҳтирослар аёлларга ярашмайди, аммо муҳаббат уларга бошқалардан кўра кўпроқ ярашади.

467

Шухратпарастлик ақл-идрокимиздан кўра кўпроқ бизни ўз майлларимизга қарши боришга мажбур этади.

468

Баъзан ёмон сифатлардан улуг истеъдодлар таркиб топади.

469

Биз фақат ақл-идрокимиз билан интиладиган нарсамизга ҳеч қачон эҳтирос билан интилмаймыз.

470

Бизнинг ҳамма сифатларимиз — ёмонлари ҳам, яхшилари ҳам бирдай жуда ноаниқ ва шубҳалидир; деярлик ҳамиша улар тасодифнинг марҳамати-га боғлиқ.

471

Аёл киши биринчи марта севганида ўзининг ошиғини яхши кўради, ундан кейин эса у фақат муҳаббатнинг ўзинигина севади.

472

Такаббурликнинг ҳам бошқа эҳтиросларга ўхшаш ўз ажойиботлари бор: одамлар ҳозир рашк қилаётганларини яширадилар-у, лекин қачонлардир бир вақтлар рашк қилганларини ва бундан кейин ҳам рашк қилишга қобил эканликларини айтиб мақтанашади.

473

Чинакам муҳаббат ҳарчанд кам учрамасин, чинакам дўстлик ундан ҳам камроқ учрайди.

474

Фазилатлари ҳуснидан кўра узоқроқ умр кўрган аёллар дунёда кам.

475

Бировнинг раҳмини келтириш истаги ёки уни қойил қолдириш иштиёқи бизнинг ошкоралигимиз асосини ташкил қилади.

476

Бизнинг ҳасадимиз ҳамиша шу ҳасадни қўзғаган ўзганинг бахтидан узоқроқ яшайди.

477

Феълү атворнинг қатъийлиги одамларни севгига қаршилик кўрсатишга мажбур қилади, аини чоқда шу хислат муҳаббат туйғусини оташинроқ ва давомлироқ қилади: аксинча, заиф одамлар эҳтиросга ёниб берилдилар-у, лекин деярлик ҳеч қачон бошларини йўқотиб қўймайдилар.

478

Битта одам қалбида одатда баҳамжиҳат, иноқ яшайдиган шу даражада кўп миқдордаги зиддиятли туйғуларни

ҳеч қандай қудратли ҳаёлот ҳам ўйлаб тополмайди.

479

Фақат матонатли характерга эга бўлган одамларгина чинакамига юмшоқ бўлишлари мумкин; қолганлардаги юмшоқлик эса шунчаки номигагина — у кўпинча шунчаки оддий заифлик бўлиб, жуда осонлик билан аламзадалikka айланиб кетиши мумкин.

480

Кўрқоқликдан даволамоқчи бўлган одамнингизни кўрқоқликда айблаш гоят хатарлидир.

481

Чинакам меҳрибонликдан кўра кам учрайдиган сифат йўқ; ўзини меҳрибон деб ҳисоблайдиган кўпчилик одамлар фақат раҳмдил ёхуд ожиз одамлардир.

482

Бизнинг ақл-идрокимиз ўзининг ялқовлиги ва қотиб қолганига кўра одатда фақат ўзига осон ва ёқимли нарсалар билан банд бўлади. Бу одат бизнинг дунёни танишишимизни чеклаб қўяди. Ҳозирга қадар ҳеч ким ўз ақл-идрокини имкони даражада бойитиш ва кенгайтиришга уриниб ҳам кўргани йўқ.

483

Одамлар одатда бировга зарар етказиш хоҳиши билан эмас, шуҳратпарастликлари туфайли ғийбат қилишади.

484

Сўниб бораётган эҳтирос ҳамон бизнинг қалбимизни ҳаяжонлантириб турар экан, демак, у янги муҳаббатга мойил бўлади. Кейинчалик қалб тўла даволаниб кетгандан сўнг бундай бўлмайди, албатта.

485

Катта эҳтиросларни бошидан кечирган одам кейинчалик бутун умри даво-

мида шифо топганига ҳам хурсанд бўлади, ҳам унинг гуассасини чекади.

486

Ҳасадгўй бўлмаган одамлар беғараз одамларга қараганда янада кам учрайди.

487

Ақлимиз жисмимиздан ялқовроқ.

488

Бизнинг руҳий хотиржамлигимиз ёки эзилиб юришимиз ҳаётимизда содир бўладиган муҳим ҳодисаларга унча боғлиқ эмас, балки турмуш ташвишларининг биз учун омадли ёки ёқимсиз келишига боғлиқ.

489

Одамлар ҳар қанча ёвуз бўлмасин, эзгу сифатларни очиқ таъқиб қилишга журъат этолмайдилар. Шунинг учун унга ҳужум қилишга тайёрланар эканлар, ўзларини гўё уни мунофиқ деб ҳисоблайдигандай кўрсатишга ҳаракат қилишади ёки бир амаллаб унга бирон жиноятни ёпиштирмақчи бўлишади.

490

Одамлар тез-тез ғаразлари йўлида муҳаббатга хиёнат қилиб туришади, лекин ҳеч қачон муҳаббат йўлида ғаразларига хиёнат қилмайдилар.

491

Бемезор хасислик деярлик ҳамиша ўз чамаларида адашади: у бошқа эҳтиросларга қараганда кўпроқ ўзи интилаётган мақсаддан чалғиб кетади ва келажак ҳисобидан бугуннинг асоратига тушиб қолади.

492

Хасислик кўпинча бир-бирига қарма-қарши оқибатларга олиб келади: кўп одамлар бутун молу мулкларини олисдаги ва мужмал умидлар йўлига тўкиб солади, бошқалари эса бугунги майдачуйда даромадни деб келажакдаги катта фойдаларга беписанд қарайдилар.

493

Афтидан, одамларга ўзларининг нуқсонлари камлик қиладиган кўринади: улар турли-туман тентакликлар қилиб бу нуқсонлар сонини кўпайтиришдан ҳам тоймайди ва бундан ғурурланадилар ҳам. Бу қадар ҳафсала билан парваришлаб етиштирилган бу ғалатиликлар охир-оқибатда, табиий нуқсонларга айланади ва кейин улардан ҳалос бўлмоқнинг имкони қолмайди.

494

Одамлар ўз хатоларини қанчалик равшан тушуниши шундан ҳам кўриниб турадики, улар ўзгаларининг ҳулқ-атворлари ҳақида ҳикоя қилар эканлар, уни ҳамиша ўзларига маъқул тарзда ёритадилар; одатда уларнинг ақлини кўр қилиб қўядиган ўзига маҳлиёлик туйғуси бу ҳолда уларнинг ақлини шу қадар ўткир ва зийрак қилиб қўядики — улар тингловчиларнинг ишончсизлигини туғдиришга сабаб бўладиган ҳар қандай тафсилотни юмшатишга ёки яшириб қолишга муваффақ бўладилар.

495

Йигит-яланглар зодагонлар дунёсига биринчи марта қадам қўяр эканлар, улар тортинчоқ, ҳатто биров бесўнақайроқ бўлмоқлари керак; ўзига ортиқча ишониш, қилиқлардаги беписандлик одатда сурбетликка ўхшаб кетади.

496

Агар ҳамма айб фақат бир томоннинг зиммасида бўлганида, одамларнинг ўзаро можаролари узоқ давом этмаган бўларди.

497

Ёш, хунук бўлиш аёл киши учун чиройлиг-у, лекин ёши ўтинқираб қолгандан баттароқ.

498

Шундай енгилтак ва тутуриқсиз одамлар бўладики, уларда на йирик

қусурлар, на чинакам фазилатлар бўлмоғи мумкин.

499

Аёл киши иккинчи хушторни эгаллаб олгандан кейингина одамлар унинг биринчи ошиғини тилга олиб, ғийбат қила бошлашади.

500

Бутун фикри-зикри ўзи билан банд одамлар бор — улар бировни севиб қолсалар, севган одамлари бир ёқда қолиб, ўзларининг севгилари тўғрисида кўпроқ ўйлайдилар.

501

Муҳаббат ҳар қанча ёқимли бўлмасин, унинг зоҳиран намоён бўлиши бизга ўздан кўра кўпроқ шодухуррамлик бахш этади.

502

Сухбатдошининг ақл-идроки чекланган, лекин соғлом бўлса, чалкаш ақл-идрокдек толиқтирмайди.

503

Рашк изтироблари инсон ичида энг машаққатлисидир, бунинг устига бу изтиробни чекишга мажбур қиладиган одам камдан-кам ҳолларда хайрхоҳликка сазовор бўлади.

504

Кўпгина ясама эзгу сифатларга хос риёкорлик ҳақида айтилган ҳамма мулоҳазалардан сўнг ўлимни писанд қилмасликка хос риёкорлик тўғрисида ҳам бир неча оғиз гап айтиш лозим. Мен назарда тутаётган беписандлик даҳрийлар айтиб юрадиган беписандликдир. Улар бундай беписандликнинг манбаи яхши ҳаётдан умидвор бўлиш эмас, балки уларнинг ҳеч нарсадан кўрқмаслигидир деб мақтанадилар. Матонат билан ўлимни тан олиш-у, унга беписанд муносабатда бўлиш орасида жуда катта фарқ бор: биринчиси ҳаётда тез-тез учраб туради, иккинчиси эса, менинг фикримча ҳеч қачон самимий бўлмайди.

Тўғри, кишини ишонтирадиган кўп рисолалар ёзилган, уларда ўлим сира ҳам кўрқинчли эмаслигини исбот қилишга интилганлар. Энг ожиз одамлар ҳам шавкатли қаҳрамонларимиз каби минглаб мисолларда шундай қарашни тасдиқлайдиган намуналар беришган. Лекин менинг ишончим комишки, бу қарашга қўшиладиган биронта ҳам соғлом фикрлайдиган одам йўқ. Бу қарашнинг тарафдорлари уни ўзгаларга ва ўзларига сингдирмоқ учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилишмоқда. Шунинг ўзи ҳам бу иш унчалик осон иш эмаслигини кўрсатиб турипти. Тўғри, бирон бир сабаб билан ҳаётдан тўйиб кетиш мумкин, лекин ўлимдан нафратланиш мумкин эмас. Ҳатто ихтиёрий равишда ўз жонларига қасд қиладиган одамлар ҳам ўлимни унчалик арзимас нарса деб ҳисобламайдилар. Аксинча, қолган одамларга ўхшаб улар ҳам агар ажал унинг учун танлаб олган йўлдан эмас, бошқа томондан келса, бундан чўчийдилар ва ҳатто, баъзан уни рад ҳам этадилар. Анча-мунча жасоратли одамларнинг мардлиги ҳам баъзан дош беролмас экан, бу уларнинг ҳаёлотларида ўлим ҳар доим ҳам бир хил рангларда гавдаланмаслигидан далолат беради. Ҳамма гап шундаки, улар ўлимнинг нима эканини билмай туриб, ундан нафратланадилар. Унинг нима эканини билганларидан кейин эса уларни кўрқув туйғуси чулғаб олади. Имкони борича ўлим ва уни қуршаб олган ҳамма нарса ҳақидаги фикрларга ўрин бермаслик керак, акс ҳолда у бизга жуда катта мусибат бўлиб кўринади. Энг довурак ва энг оқил одамлар ҳар қандай сабаб-у баҳоналарни рўқач қилиб, ўлим тўғрисида ўйла-масликка ҳаркат қилишади. Ўлимни ҳаётда қандай бўлса, шу тарзда кўрган ҳар қандай одам ўлимнинг мудҳиш нарсаси эканини тушунади. Ҳамма замонлардаги файласуфлар учун матонатнинг бирдан-бир манбаи бўлиб хизмат қилган нарса — ўлимнинг муқаррарлиги бўлган. Улар бормасликнинг иложи йўқ маконга индамай боравериш зарур деб ҳисоблаганлар ва ўз ҳаётларини боқий қилишга кучлари етмагани учун, бутун куч-қувватларини сарфлаб, лоақал шон-шухратларини абадийлаштиришга ва асраб қолиш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ҳалокатдан олиб қолишга ҳаракат қилганлар. Иззатнафсимизга азият етказмаслик учун

Ўлим ҳақида нима деб ўйлашимизни ҳатто ўз-ўзимизга ҳам эътироф қилиб ўтирмайлик-да, ҳамма умидларимизни гўё ўлимга қўрқмасдан ёндошавериш кераклиги ҳақидаги ажойиб мулоҳазаларга эмас, руҳимизнинг бардамлигига қаратайлик. Ўлимни матонат билан қарши олган одамнинг шуҳратини қозониш, яқин ҳеш-ақраболарнинг куйиб-қайғуриши ҳақидаги тасалли берадиган фикр, ўздан кейин яхши ном қолдириш умиди, дунё ташвишларидан ва тақдир зарбаларидан халос бўлишга ишонч — буларнинг бари ёмон воситалар эмас, лекин уларнинг ҳеч қайсисини ишончли деб бўлмайди. Душман ўқлари остида очиқ даладан чопиб ўтиши керак бўлган аскарлар учун тахта девор нечоғлик пана бўлмаса, юқоридагилардан ҳам одам учун заррача наф йўқ. Ҳали тахта девор олис экан, у одамларга ўқдан пана бўладигандек бўлиб кўринади, аммо унга яқинлашганлари сари одамлар тушуна бошлайдими, унга умид боғлаб бўлмайди. Ўлим бизга жуда яқин келиб қолганида ҳам уни узоқдан кўрганамиздек кўз ўнгимизда намоён бўлади деб ўйласак ва синовлар ичида энг оғиридан ҳайиқмай, чўчимай ўтиб кетишимизга юрагимиздаги кўрқув деб аталган туйғу бемалол йўл қўйиб беради, деб хаёл қилсак, ўзимизга ҳаддан ташқари юқори баҳо бериб юборган бўлардик. Айни чоғда ўз-ўзига маҳлиёликка фақат унинг нималигини тушунмайдиган одамгина суюниши мумкин: у бизни ўз-ўзимизга маҳлиёликка ҳалокат олиб келадиган ҳодисага енгил муносабатда бўлишимизга мажбур қила олмайди. Ниҳоят, кўпчилик мадад топишга умид боғлаган ақлидрок ҳаддан ташқари заифдир, шунинг учун ўлим билан учрашганда биз унга таяна олмаймиз. Аксинча, у, айниқса, бизга кўп хиёнат қилади ва бизни ўлимдан нафратланишга ўргатиш ўрнига жамики мудҳиш ва жирканч нарсани яққол ёритиб беради. Унинг қўлидан келадиган ягона нарса шуки, ўлимдан нигоҳимизни олиб, бошқа бирон нарса устида жамлашга маслаҳат беради, холос. Катон билан Брут кўтаринки фикрларга мурожаат қилишганида, уларнинг яқинда эса аллақандай бир малай уни гилдиракка тортиб нимталашлари керак бўлган жойда роса мазза қилиб рақс тушибди. Воситалар ҳар хил эканига қарамай, натижа бир хил. Гарчи улуғ

одамлар билан оддий одамлар ўртасидаги тафовут жуда катта бўлса ҳам, сон-саноқсиз мисоллардан аён бўлмоқдаки, кўпинча улар ўлимни бир хил қабул қилишар экан. Айтганча, фарқи ҳам бор: улуғ одамлар шон-шуҳратга муҳаббат вадидан кўзлари кўр бўлиб қолгани учун ўлимга нафрат билан қарайдилар, оддий одамлар эса ўзларининг маҳдудликлари сабабидан ўлимдан нафратланадилар. Айни шу маҳдудлик уларни кутиб турган мусибатнинг бутун теранлигини билиб олишга йўл қўймайди ва ўлимга даҳли йўқ нарсалар тўғрисида ўйлашга имкон беради.

МУАЛЛИФНИНГ ВАФОТИ- ДАН СЎНГ БОСИЛГАН МАКСИМЛАР

505

Худо одамларга бахш этган истеъдодлар у бутун ер юзига сочиб ташлаган дарахтлардек турфа хилдир. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос сифатларга эга ва фақат ўзига хос бўлган самарани беради. Шунинг учун ҳам энг яхши нок дарахти ҳеч қачон биронта ҳам олма бермайди, энг истеъдодли одам эса энг жўн бир иш қаршисида ҳам чўчимоғи мумкин, чунки бу ишни бажариш фақат шу ишнинг ҳадисини олган одамнинг қўлидан келиши мумкин. Шунинг учун бу ишга лоақал заррача қобилиятга эга бўлмай туриб, ҳикматлар тўқишга киришиш пиёзи экилмаган пуштада лола униб чиқади деб кутишдек кулгилидир.

506

Шуҳратпарастликнинг турлари шунақа кўпки, санаб адо қилиб бўлмайди.

507

Дунёда ловияни масҳара қиладиган нўхатлар тўлиб-тошиб ётипти.

508

Кимда-ким зоти тозалигини ҳаддан ташқари юқори қадрласа, у бир замонлар зотини пайдо қилган ишларни етарли қадрламайди.

509

Инсоннинг илк бора қилган гуноҳи учун худо одамзотга ўзига маҳлиёликдан маъбуд ясаб олишга йўл қўйган — бу маъбуд уни ҳамма ҳаёт йўлларида мудом эзиб келади.

510

Гаразгүйлик — онгимизнинг қалбидир: жисмимиз қалбдан маҳрум бўлса, кўрмайди ҳам, эшитмайди ҳам, англамайди ҳам, ҳис ҳам этмайди ва ҳаракат ҳам қилмайди. Худди шунга ўхшаб, онгимиз ҳам, агар таъбир жоиз бўлса, гаразгүйликдан маҳрум бўлса, кўрмайди, эшитмайди, ҳис қилмайди ва ҳаракат ҳам қилмайди. Шунинг учун ўз фойдасини кўзлаб денгизларда изғиб, қуруқликда санғиб юрган одам ҳам яқинларининг манфаати ҳақида гап кўзгаши биланоқ тақа-тақ ҳаракатдан тўхтабди; шунинг учун ҳам биз ўзгаларга ўз ишларимиз тўғрисида гапириб берсак, уларни бирдан мудроқ босади ва улар гўё бошқа дунёга рихлат қилгандай бўлиб қоладилар. Аммо бизнинг ҳикоямизда сал-пал бўлса-да, ўзларига даҳлдор жойини ҳис қилиб қолсалар, худди шунақа тезликда қўққисдан уйғониб кетишади: Оқибатда шундай вазият вужудга келадик, бизнинг суҳбатдошимиз гап унинг манфаати тўғрисида кетяптими ёки унга мутлақо дахлсиз масалалар ҳақида боряптими — шунга боғлиқ равишда гоҳ ҳушидан кетади, гоҳ ўзига келиб қолади.

511

Биз оддий бандалар каби ҳамма нарсадан қўрқамиз ва мангулик билан мукофотланган одамлардай ҳамма нарсани истаймиз.

512

Баъзан шайтони лаъиннинг ўзи бизнинг эзгу хислатларимиз ҳудудига ял-

қовликни ўрнатиб қўйишни ўйлаб топгандай кўринади.

513

Биз яқинларимизнинг нуқсонлари ҳақидаги истаган гап-сўзларга дарров ишона қоламиз; чунки ўзинг хоҳлаб турган нарсага ишониш осон.

514

Рашкнинг давоси биз ҳамма нарсдан ортиқ қўрққанимиз ҳақиқат эканига тугал ишонмоқдир. Шундай ишонч бўлса у билан бирга ё муҳаббатимизга нуқта қўйилади, ё ҳаётимиз хотимасига етади. Гап йўқ — жуда бешафқат даво, бироқ доимий ишонмаслик ва шубҳа-ғумдан ортиқ шафқатсизлик эмас.

515

Умид бор жойда ҳадик ҳам бор; ҳадик ҳамиша умидга тўла, умид эса ҳамиша ҳадикка тўла.

516

Биздан ҳақиқатни яшириб қолган одамлардан хафа бўлиш керак эмас, чунки биз ўзимиз уни доимий равишда ўзимиздан яшириб юрамиз.

517

Биз одамлардаги эзгу хислатларнинг сохталиги ҳақидаги насиҳатлар тўғрисида ҳамиша нотўғри муҳокама юритаемиз. Чунки ўзимизнинг эзгу хислатларимиз ўзимизга ҳамиша чин ҳақиқатдай туюлади.

518

Ҳукмдорларга садоқат ўзига бино қўйишнинг бошқача кўриниши, холос.

519

Қаердаки эзгулик тамом бўлса, ўша жойдан ёмонлик бошланади, қаердаки ёмонлик тамом бўлса, ўша жойдан яхшилик бошланади.

520

Файласуфларнинг бойликни қоралашларига сабаб фақат шундаки, биз уни яхши эплаёлмаймиз. Бойликни ортириш ҳам, уни иллатни кўпайтиришга сарфламай ишга солиш ҳам фақат ўзимизгагина боғлиқ. Ўтин қалаб гулхани гуриллатиб турган каби бойлик ёрдамида ёвузликни кўллаб-қувватлаш ва унга озуқа бериб туриш ўрнига биз уни эзгуликка хизмат қилиш йўлига сарфлашимиз мумкин эди. Шундай қилинса, у бойликнинг шону шавкати ва жозибадорлиги ортган бўларди.

521

Инсоннинг ҳамма умидлари чиппака чиқса, бу унинг дўстларига ҳам, душманларига ҳам ёқади.

522

Бу дунёда энг бахтиёр одам озига қаноат қиладиган одамдир. Модомики, шундоқ экан, ҳукмдорлар ва шуҳратпарастларни дунёдаги энг шўрпешона одамлар деб ҳисоблаш керак, чунки уларнинг бахтиёр бўлмоқлари учун бу дунёнинг ҳисобсиз неъматлари керак.

523

Ҳозирги одам яратилган давридаги одам эмас. Бунинг исботи қуйидагичадир: у қанча ақлли бўла боргани сари ўзининг тентақлиларидан, пастлигидан ва туйғулари ҳамда майлларининг иллатга тўлалигидан шунча кўпроқ уялади.

524

Инсон қалбини яланғочлаб кўрсатиб берадиган муҳокамалар шунинг учун ҳам кўпчиликнинг ғазабини кўзгайдики, одамлар ўзларини қип-яланғоч бўлиб ёруғга солишдан кўрқадилар.

525

Биз яхши кўрадиган одамлар деярлик ҳаммавақт бизнинг қалбимиз устидан ўзимизга қараганда кўпроқ ҳукмдор бўладилар.

526

Биз кўпинча ўзгаларнинг нуқсонларини лаънатлаймиз-у, лекин уларга қараб, ўзимизни тузатмаймиз.

527

Инсон жуда аянчли маҳлуқ, чунки у ўзини ягона мақсадга — ўз эҳтиросларини қондиришга бахш этиб, кейин бу эҳтиросларнинг зулми остида яшаётганидан тўхтовсиз шикоят қилади. Уларнинг зулмига дош беришни истамайди ва шу билан бирга бу зулми елкасидан олиб ташлаш учун заррача ҳаракат қилмайди, у эҳтирослардан нафратланади, бироқ айна чоқда уларни даволайдиган дориларни ҳам ёмон кўради, хасталик изтиробларига қарши бош кўтарайди-да, айна чоғда даволаниш машаққатларига ҳам қарши исён қилади.

528

Биз хурсанд бўлар ёки қайғурар эканмиз, туйғуларимизнинг даражаси қисматимизга тушган муваффақият ёки кулфатларнинг қанақа эканлигига эмас, бизнинг ҳис қила билиш қобилиятимизга боғлиқ.

529

Муғомбирлик — саёз ақлнинг белгисидир.

530

Биз ҳаммага мақтовлар улашар эканмиз, кейинчалик улардан бирон фойда чиқариб олмақни кўзлаймиз.

531

Одамларнинг эҳтирослари инсонларга хос ўзига маҳлиёликнинг турли майллари, холос.

532

Узил-кесил зерикиб бўлсак, ортиқ зерикмай кўямиз.

533

Одамлар кўпинча нимани мақташ ёки қоралаш керак бўлса, шуни мақтаб, қоралайдилар.

534

Кўпдан кўп одамлар бетавфиқликни даъво қиладилар, лекин бўйинсиниш ҳеч кимни жалб қилмайди.

535

Жисмоний меҳнат руҳий изтиробларни унутишга ёрдам беради, шунинг учун қашшоқлар бахтиёр одамлардир.

536

Ўз-ўзини чинакамига қоралайман деган одам бу ишни ҳаммага эълон қилмай амалга оширади, акс ҳолда бу ишга шуҳратпарастлик аралашиб қолади.

537

Мутеълик — бизнинг қурбонлик келтирмоғимиз учун худога маъқул бўлган меҳробдир.

538

Доно одам озига қаноат қилиш билан бахтиёр, тентак учун эса ҳамма нарса озлик қилади. Шунинг учун деярлик ҳамма одамлар бахтсиздир.

539

Бизни бахтли бўлиш иштиёқи эмас, кўпроқ бахтли одам деб донг чиқариш иштиёқи қийнайди.

540

Иштиёқ туғдирадиган ҳамма вас-васларни қондиришдан кўра, иштиёқ янги туғилганда уни ўлдириш керак.

541

Саломатлик танга нима берса, равшан ақл ҳам руҳга шуни беради.

542

Бу дунёнинг улуғлари инсонга ва жисмоний саломатлик, на руҳий хотиржамлик бера оладилар. Шунинг учун
9—К-8388

инсон уларнинг ҳамма хизматларига ҳамиша жуда юқори баҳода ҳақ тўлайди.

543

Бирор нарсани қаттиқ хоҳлаб қолишдан аввал шу истаган нарсангизга ҳозир эгалик қилаётган одам бахтлими-йўқми эканини суриштириб кўрмоқ керак.

544

Ҳақиқий дўст — бу дунёнинг энг улуғ неъматидир, ҳолбуки, биз айна шу неъматнинг ортидан ҳар нарсадан камроқ қувлаймиз.

545

Ошиқлар эҳтирослари сўниб бўлгандан кейингина ўз машуқларининг нуқсонларини кўра бошлайдилар.

546

Оқиллик ва муҳаббат бир-бирлари учун яратилган эмас; муҳаббат қанчалик ўсиб борса, оқиллик шунчалик сусайиб боради.

547

Рашкчи хотин баъзан эрига маъқул ҳам келади — у лоақал севиб қолган аёли ҳақида гап-сўзларни эшитиб туради-ку!

548

Чинакамига севадиган за айна чоғда эзгу сифатларга эга бўлган аёлни ҳар қанча аясангиз арзийди.

549

Донишманд одам кўнглида қўзғалган иштиёққа қарши кейин курашиб юргандан кўра унга тўсиқ қўйиб, олдини олган осонроқ эканини яхши тушунади.

550

Китобларни эмас, одамларни ўрганиш фойдалироқдир.

551

Одатда бахт бахтиёр одамга, бахтсизлик шўрпешона одамга кулиб боқди.

552

Хушахлоқ, ҳалол аёл ҳаммадан пинҳона тугилган хазинага ўхшайди. Уни топиб олган одам ҳаммага гапириб мақтаниб юрмайди.

553

Кимда-ким жуда қаттиқ севса, аллақачон севилмай қолганини узоқ вақт сезмай юради.

554

Биз ўзимизни сўқар эканмиз, буни фақат бизни мақтасинлар деб қиламиз.

555

Бизнинг суҳбатимиздан мириқмайди-ган одамнинг суҳбати ҳамиша бизни ҳам зериктириб, диққинафас қилиб юборади.

556

Индамай туриш уят бўлган ҳолларда гапирмоқ ҳар нарсадан оғирроқ.

557

Инсон сўзининг сеvimли эканига ишончи нақадар табиий ва айни чоқда нақадар алдоқчидир.

558

Бизга валинеъматлик қиладиган одамларни эмас, бизнинг валинеъматимиздан баҳраманд бўлган одамларни кўрмоқ ёқади бизга.

559

Йўқ туйғуларимизни бордай қилиб кўрсатишдан кўра ҳақиқий туйғуларимизни яшириш қийинроқдир.

560

Қайта тикланган дўстлик ҳеч қачон узилмаган дўстликка қараганда кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик талаб қилади.

561

Ҳеч кимса ёқмайди-ган одамдан кўра ҳеч кимни ёқтирмайди-ган одам бахтсизроқдир.

562

Кексалик аёл киши учун баайни жаҳаннамдир.

МУАЛЛИФ БИРИНЧИ НАШРЛАРДАН ОЛИБ

ТАШЛАГАН МАКСИМЛАР

563

Ўзига бино қўйиш — инсоннинг ўзини яхши кўриши ва ўзининг фаровонлигини ташкил қилувчи ҳамма нарсани севишидир. У одамни ўз-ўзини илоҳийлаштиришга мажбур қилади. Агар тақдир унча кулиб боқса, у бошқалар устидан зулм қилади; у фақат ўз-ўзидангина мамнун бўлади, бошқа ҳамма нарсалар устига эса худди асалари гулга қўнгандай, фақат ундан фойда чиқариш таъмасида бир қўниб ўтади. Унинг истаklarининг тизгинсизлиги билан ҳеч нарса тенглаша олмайди. Ниятларининг яширинлигига, хатти-ҳаракатларининг маккорлигига ҳеч нарса бас келолмайди; унинг ялтоқилик қобилиятини, мослашиш маҳоратини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди; бир зумда қиёфасини буткул ўзгартира олади, ўзини мусаффо кўрсатиш қобилиятига эса ҳар қандай кимёгар ҳам ҳавас қилса арзийди. Унинг жарликларининг қаъри беқиёс, зулматлари қуюқ. Шу зулмат қўйнида қизиқувчан нигоҳлардан панада у ўзининг кўз илғамас кирдикорларини амалга оширади. Худди шу жойда у баъзан, ҳатто, ўзининг нигоҳидан яширин ҳолда, ўзи сезмаган тарзад турли-туман ёқимли ва ёқимсиз нарсаларни дунёга келтиради. Улар шунақа бир мудҳиш маҳлуқлар бўлиб чиқадики, кейин сами-

мий равишда уларни ўзи бино этганини тан олмайди ёки улардан буткул юз ўгириб қўя қолади. Уни чулғаб олган зулматдан ўз-ўзига бемаъни хушомадлар юзага келади, ўзи тўғрисидаги жоҳилона, кўпол, аҳмоқона хатолар туғилади, туйғулари ҳали мудроқ ҳолда бўлса ҳамки, улар ўлиб бўлган деган ишонч туғилади; агар у ҳозирги дақиқада истироҳат қилишга чоғланган бўлса, бошқа ҳеч қачон югуришни истамайман, деган эътиқод майдонга келади, агар унинг ҳамма хоҳишлари вақтинча қаноат топган бўлса, ҳар қандай нарсани иста қобилиятини йўқотдим деб ишонади. Аммо уни ўз-ўзидан яшириб турувчи қуюқ зулмат унга бошқаларни кўришга заррача ҳам ҳалақит бермайди. Бу жиҳатдан у бизнинг кўзларимизга ўхшайди, негаки бизнинг кўзимиз ҳам ташқи дунёдаги буюмларни зийраклик билан кўради-ю, ўзимизни кўришга келганда сўқир бўлиб қолади. Дарҳақиқат, унинг ардоқли ниятлари ёки амалга оширмақчи бўлган муҳим ишлари ҳақида гап борганда, у бир лаҳзада сергакланади. Ва ўз мақсадига эришиш йўлидаги эҳтиросли иштиёқининг турткиси билан кўради, ҳис қилади, эшитади, фаҳмлайди, тусмоллаб билиб олади, гумонсирайди, моҳиятига қиради ва бехато билиб олади. Шу даражада бехато биладики, балки нафақат унинг ўзи, эҳтиросларидан ҳар бири чинакамига сеҳрли бир зийракликка эгадек туюлади. Унинг алоқалари шу қадар кучли ва мустаҳкамки, улардан ҳалос бўлиш унинг қўлидан келмайди, ҳатто улар туфайли бошларига беҳисоб мусибатлар тушиши мумкин бўлса-да, ундан қутула олмайдилар. Бироқ баъзан у лол қоладиган енгиллик ва тезлик билан кўп йиллар мобайнида самарасиз курашиб келган туйғуларни бартараф қилади. Бундан тўла асос билан хулоса чиқариш мумкинки, кимнингдир ҳусни ва фазилатлари эмас, балки унинг ўзи ўз иштиёқларини ўт олдиради ва фақат уни ўзининг дидигина ардоқли буюмига солмоқни бахш этади ва унинг ташқи ялтироқлигини таъминлайди. У бирор нарсанинг орқасидан қувмайди, балки фақат ўзини-ўзи қувлайди ва унинг ўзиники бўлиши керак бўлган нарсага эришгач, шу нарса билан ўз табиатининг нафсини қондиради. Бу нигоҳ зиддиятлардан ташкил топган, у муте ва ҳоким, самийий ва риёкор, меҳрли ва

шафқатсиз, хуркак ва жасоратли, унинг турфа хил майллари бор, бу майллар турфа хил эҳтиросларга боғлиқ. Бу эҳтирослар узлуксиз равишда уни гоҳ шон-шуҳрат қозонишга, гоҳо бойлик орттиришга, гоҳида ҳузур ва лаззатни қўлга киритишга овлантиради. Бизнинг ёшимиздаги, фаровонлигимиздаги, тажрибамиздаги ўзгаришлар билан бирга у ҳам ўзининг мақсадларини ўзгартириб боради, аммо бу мақсадларнинг қанчалиги биттами, бир нечтами — бунинг унга аҳамияти йўқ, чунки унга керак бўлиб қолганда ёки ўзи истаб қолганда ўзини битта мақсадга ҳам, бараварига бир нечта мақсадга ҳам бахш этмоғи мумкин. У беқарор ва ташқи вазиятлар туфайли вужудга келган ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, тез-тез ўз қарбидан чиқариб, ўзгаришларни барпо этиб туради: у беқарорлигидан беқарор, енгилтакликдан, муҳаббатдан, янгилик иштиёқидан, ҳорғинликдан, жирканишдан туғилган беқарорлигидир. У анча ўжар, шунинг учун баъзан ҳордиқни билмай, сидқидилдан меҳнат қилади. Бу меҳнати билан ўзига бефойдалигини эмас, балки тўғридан-тўғри зарар келтирадиган, аммо чин кўнгилдан истаган нарсасини қўлга киритарди. У ғаройиботларга тўла ва кўпинча бутун хафсаласини арзимаган ишларга сарфлайди, ҳаддан ташқари зерикарли ишлардан лаззат олади, нафратланишга муносиб бўлган нарсалар билан мақтанади. У ҳар хил даражадаги бойликка ва ҳар хил даражадаги мавқега эга бўлган одамларда мавжуд. У ҳамма жойда яшайверади, ҳамма нарсага истеъмол қилаверади ва айни чоқда ҳеч нарсани истеъмол ҳам қилмайди, мўл-кўлчиликка ҳам, маҳрумиятларга ҳам тадбиқ қилиниши мумкин, ҳатто ўзига қарши кураш олиб борувчи одамлар қароргоҳига ўтиши, уларнинг ниятларини билиб олмоғи ҳам мумкин. Энг ҳайрон қоладигани шундаки, улар билан биргаликда ўзидан-ўзи нафратланаверади ҳам. Ўзига ҳалокат чоҳини қазийди, ўзининг маҳв бўлишига эришади, хуллас, ўзини ғамини еб, ўзининг ташвишини чекиб, ўзига-ўзи душман бўлиб қолади. Бироқ баъзан-баъзан у ўзини ўзлигидан кечишнинг тарафдори деб эълон қилса ва ўзини қириб ташлаш учун у билан иттифоқ тузса, бунга ҳайрон бўлиш керак эмас. Негаки, у бир қиёфада ҳалок бўлган ҳолда бошқа қиёфада яна тири-

лавереди. Бизнинг назаримизда у лаззатлардан воз кечгандай кўринаверади, амалда эса у лаззатларнинг муддатини чўзган ёки уларни бошқа нарса билан алмаштирган бўлади; биз уни мағлуб бўлди деб ўйлаймиз, у тўлалигича муваффақиятсизликка учрагандай кўринади, кейин эса тўсатдан маълум бўладикки, аксинча, ҳатто қуролларни топширгандан кейин ҳам у ғалабани тантана қилади. Бошидан-оёқ ташвишларга тўла ҳолда яшайдиган ўзига маҳлиёликнинг қиёфаси ана шунақа. Денгизда ҳампиша тўлқинлар ёпирилиб келиб, яна қайтиб туради — ўзига маҳлиёлик ҳам худди шунга ўхшайди — унинг эҳтирослари мангу толиқмас ҳаракатда ва иштиёқлари доимо бир-бирини алмаштириб туради.

564

Жамики эҳтиросларимизнинг кучи томирларимизда оқаётган қоннинг қайноқлиги ва совуқлигига боғлиқ.

565

Тақдир кулиб боққан одамнинг камсуқумлиги одатда ё мақтанчоқлик учун кулигига қолишдан кўрқиншир ёки бор-будидан айрилиб қолишдан хавотир олишидир.

566

Ҳаётдаги камсуқумлик еб-ичишдан парҳез қилишга ўхшайди — бажони дил яна еб-ичмоқ мумкин эди-ю, лекин хасталиқдан одам кўрқади.

567

Одамлар бизни қоралаганлари учун биз уларни қоралашни ёқтираемиз.

568

Мутакаббирлик — инсон комедиясида ҳамма ролларни кетма-кет ўйнаб бўлгач, ўзининг муғомбирликларидан толиққан каби тўсатдан юзидаги ниқобни кибр билан олиб ташлаб, очиқ юз билан намоён бўлади. Шундай қилиб, моҳиятан, ўзини кагга олиш ҳам ўша мутакаббирликнинг ўзи, фақат бу гал у ўзининг мавжудлигини ҳаммага баралла эълон қилмоқда.

569

Кичик нарсаларда истеъдодга эга бўлган одам характерининг сифатларига кўра улуг ишларга қодир бўлган одамга зиддир.

570

Бошига бахтсизликлар ёпирилиши мумкин эканини тушунган одам шунинг ўзи билан ҳам қай бир даражада бахтиёрдир.

571

Хотиржамликни ўз қалбидан топа олмаган одам бошқа ҳеч қаердан топа олмайди.

572

Одамзот ҳеч қачон ўзига туюлган даражада бахтсиз бўлмайди, шунингдек, ўзи истаган даражада ҳам бўлолмайди.

573

Бизнинг нақадар бахтсиз эканимизни одамлар кўриб турганини англашдан олинган хуфия мамнуният кўпинча бизнинг бошимизга тушган бахтсизликни тан олишга ундайди.

574

Тақдиримизни аввалдан қандай бўлишини билганимиз тақдирдагина биз олдиндан ўз хулқ-атворимиз қанақа бўлиши учун кафолат бермоғимиз мумкин.

575

Модомики, инсон ҳозир нима исташини тушунишга қобил эмас экан, у келажакда нимади истаяжанини комил ишонч билан айтиб бера оладими?

576

Севадиган одамнинг қалби муҳаббат учун тан бамисоли жомдай гап.

577

Севиб қолиш ёки севмай қўйиш бизнинг ихтиёримизда эмас, шунинг учун на ошиқ, ўз маъшуқасининг капалакмижозлигидан нолишга ҳақли, на маъшуқа унинг беқарорлигидан шикоят қила олади.

578

Адолатга муҳаббат бирор кимса бизнинг молу мулкимизни тортиб олиб қўймасин деган хавотир натижасида туғилган. Ана шу молу мулк одамларни яқинларининг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни ҳурмат қилишга, ҳеч қанақа адолатсиз хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка ундайди. Бу хавотирлик уларни зоти олийлари туфайли ёхуд тақдирнинг ўйини сабаб бўлиб, уларнинг маҳрига тушган неъматлар билан қаноатланишга мажбур қилади, агар шу хавотирлик бўлмаганда эди, одамлар тинимсиз равишда ўзларининг мулкига босқин яшаш билан шуғулланган бўлардилар.

579

Инсофли судьянинг адолатпарварлиги уни ўзининг юксак мавқеига муҳаббатидан далолат беради, холос.

580

Одамлар адолатсизликдан жирканганлари учун уни қораламайдилар, балки унинг манфаатларига зарар етказгани учун адолатсизликни тана-дашномларга кўмадилар.

581

Севгимиз бизни тарк этгандан кейин бизга хиёнат қилганлари учун хурсанд бўламиз, чунки бу билан бизни вафодор бўлиш заруриятидан халос этган бўлишади.

582

Дўстларимизнинг бахтини кўрганимизда дастлабки дақиқаларда бизни шоду хуррамлик чулғаб олса, бизнинг туғма меҳрибонлигимиздан ёхуд дўстларимизга яқинлигимиздан туғил-

ган эмас. Бу шоду хуррамлик биздаги худбинона умиддан туғилган, холос. Уларни кўриб, биз ҳам ўз навбатида бахтли бўламиз ёки жилла бўлмаганда уларнинг омадидан ўзимиз учун бирор фойда чиқариб оламиз, дея умидвор бўламиз.

583

Энг яхши дўстларимизнинг бошларига иш тушганида биз уларда ўзимиз учун ёқимли жиҳатларни ҳам топамиз.

584

Ўз сиримизни ўзимиз сақлай олмас эканмиз, қандай қилиб бошқалардан уни асрашни талаб қилишимиз мумкин?

585

Мутакаббирликнинг энг хатарли оқибати — сўқир бўлиб қолишимиздир. Мутакаббирлик сўқирлигимизни қўллаб-қувватлайди ва мустаҳкамлайди, бизга кулфатларимизни енгиллатишга ва иллатларимизни даволашга ёрдам берадиган воситалар топишга халақит беради.

586

Атрофимиздагиларнинг ақл-идрокни топишга умидимиз узилгандан кейин ўзимиз ҳам уни сақлаб қолишга ҳаракат қилмай қўямиз.

587

Ҳеч ким ялқовчалик бошқаларни шошириб қистамайди: ўзларининг ялқовликларига эрк бериб, улар серғайрат бўлиб кўринмоқчи бўладилар.

588

Файласуфлар ва биринчи навбатда Сенека ўзларининг панд-насиҳатлари билан одамлар ўртасидаги жинояткорона интилишларини маҳв этолганлари йўқ, балки уларни мутакаббирлик иморатини қуришга йўладилар, холос.

589

Дўстларнинг совиганини сезмаслик — демак, уларнинг дўстлигини унча қадрламасликдир.

590

Ҳатто энг оқил одамлар ҳам фақат номуҳим масалалардагина оқилдирлар; катта ишларда одатда уларнинг ақл-идроклари панд бериб қўяди.

591

Энг ғаройиб тентаклик одатда энг нозик ақлнинг самараси ўлароқ туғилади.

592

Емақдаги камсуқумлик ё саломатлик ҳақида қайғуришдан ёхуд кўп ейишга қобил эмасликдан туғилгандир.

593

Одамларнинг истеъдодлари дарахтга ўхшайди — уларнинг ҳар қайсиси ўз хусусиятига эга ва фақат ўзига мос мева-валарнигина етказиб беради.

594

Нима тўғрисида гапириб зериккан бўлсак, ўшани тезроқ унутиб юборамиз.

595

Одамлар ўзларини мақтовдан олиб қочар эканлар, бу уларнинг камтарлигини билдирмайди, балки уларнинг янада нозикроқ мақтовлар эшитгиси борлигидан далолат беради.

596

Одамлар фақатгина ғаразлари туфайлигина иллатни ёмонлаб, эзгуликни кўкларга кўтарадилар.

597

Мақтов лоақал шунинг учун фойдалидирки, у биздаги эзгу ниятларни мустаҳкамлайди.

598

Ҳусн, ақл ва жасорат мақтовнинг таъсирида гуллаб-яшнайти, барқамол бўлади ва шундай юксакликка кўтариладики, агар ҳеч ким сезмай ўз ҳолига қолиб кетаверганида, ҳеч қачон бундай чўққиларга кўтарила олмаган бўларди.

599

Ўзига маҳлиёлик шунақа нарсаки, уни ҳеч қандай хушомадгўй қондириб мақтай олмайди.

600

Одамлар қизиққонликнинг қизиққонликдан фарқ қилишини ўйлаб кўрмайдилар. Ҳолбуки, баъзи ҳолларда, айтиш мумкинки, қизиққонликнинг айби йўқ, уни батамом кечирса бўлади, чунки у феълу атвордаги жўшқинликдан туғилгандир. Бошқа ҳолларда эса — қизиққонлик гуноҳга ботирадиган иллат, чунки у тизгинсиз мутакаббирликдан туғилган.

601

Оддий одамларга қараганда эҳтирослари камроқ ва эзгу, сифатлари кўпроқ бўлган одамлар руҳан улуғвор бўлмайдилар, балки чиндан ҳам улуғ ниятларга эга бўлган одамларгина руҳан улуғворлик касб этадилар.

602

Қироллар одамларни тангани зарб қилгандек зарб қиладилар ва кўнгилларига сиққан тарзда уларнинг нархларини белгилайдилар. Ҳамма бу одамларни ҳақиқий қимматига қараб эмас, белгиланган қиммати бўйича қабул қилишга мажбурдир.

603

Ҳатто туғма йиртқичлик ҳам одамни худбинликка қараганда шафқатсиз кирдикорларга камроқ ундайти.

604

Бир итальян шоири одобли аёллар ҳақида “бу аёллар ўзларини кўпинча

одобли қилиб кўрсатишга моҳир” деган экан. Худди шу гапни бизнинг эзгу сифатларимиз тўғрисида ҳам айтса бўлади.

605

Одамлар одатда эзгулик деб айтадиган нарса — бизнинг иштиёқларимиз томонидан яратилган бир рўёдир, холос. Бу рўё шу қадар юксак номни кўтариб юрар экан, бундан мақсад — ўз иштиёқларини бемалол, қўрқмай рўёбга чиқармоқдир.

606

Биз ҳамма нарсани ўз фойдамизга хизмат қилдиришни шу қадар истаймизки, ҳатто зоҳиран бироз эзгуликка ўхшаб кетадиган иллатларни ҳам эзгулик ўрнида қабул қиламиз: ҳолбуки, у бизнинг худбинлигимиз томонидан либоси ўзгартирилган, холос.

607

Баъзи бир жиноятлар шу даражада улкан ва доврўқли бўладикки, биз уларни оқлаймиз ва ҳатто тилларда дoston қиламиз: масалан, хазинани ўмариб кетишса, буни уддабуронлик деб атаймиз, ўзгаларнинг юртини адолатсиз тарзда босиб олинишига эса фотиҳлик деб ном қўямиз.

608

Биз фақат шуҳратпарастлик тазйиқдагина ўз қусурларимизни тан оламиз.

609

Одамлар ҳеч қачон бемеъёр даражада ёмон ҳам бўлмайдилар.

610

Катта жиноятлар қилиш қўлидан келмайдиган одам бошқаларнинг шунақа жиноят қилишига қийинчилик билан ишонади.

611

Дафн маросимларининг зўр дабдабаси марҳумларнинг фазилатларини аба-

дийлаштирамайди, балки тирикларнинг шуҳратпарастлигини қондиришга хизмат қилади.

612

Гўё дунёда ўзгарувчанлик ва омонатлик ҳукм суради, дейдилар. Шу ўзгарувчанлик ва омонатлик замирида ҳодисалар алланечук яширин тарзда бир-бири билан чапишиб кетади, унинг замирида парвардигор томонидан аввалдан белгилаб қўйилган мангу тартиб бор. Шу тартиб туфайли ҳамма нарса аввалдан белгилаб қўйилган йўлдан оғишмай бораверади.

613

Фитна йўлига кирмоқ учун букилмас жасорат эгаси бўлмоқ керак, уруш хатарларига матонат билан дош бермоқ учун эса оддий мардлик ҳам кифоя қилади.

614

Кимда-ким зафарни сулоласига қараб аниқламоқчи бўлса, уни шоирларга эргашиб, само фарзанди деб атамоқ кўйига тушиб қолмоғи мумкин, чунки унинг илдиэларини ердан топиб бўлмайди. Дарҳақиқат, зафар жуда кўп хатти-ҳаракатларнинг самарасидир. Бу ҳаракатлардан мақсад зафарнир қўлга кириштиш эмас, балки шу ҳаракатларни амалга ошираётган одамларнинг хусусий фойдаларига эришмоқдир. Бунинг оқибатида шундай бўладикки, қўшинини ташкил қиладиган, одамлар фақат ўз фойдаларини ва юксак мартабаларга кўтарилишларини ўйласалар-да, шунга қарамай, улар кўпчилик учун жуда катта неъматларга ҳам эришадилар.

615

Умрида ҳеч қачон хавф-хатарга рўпара келмаган одам ўзининг довиюраклиги учун жавоб беролмайди.

616

Одамлар ўзларининг умид ва истакларидан кўра миннатдорликларини осонроқ чеклайдилар.

617

Тақлид ҳамиша энсани қотиради, қалбаки нусха эса асл нусхада бизни мафтун этган сифатларга эгалиги билан бизга маъқул келмайди.

618

Дўстларимиз қазо қилганда чекадиган изтиробларимизнинг теранлиги баъзан шу дўстларимизнинг фазилатларига мос келадиган бўлмайди, балки биз шу одамларга муҳтож бўлганимиз учун уларнинг фазилатларимиз тўғрисидаги юксак фикрларига муҳтож бўлганимиз учун қайғураемиз.

619

Мавҳум ва ҳаммага баравар тааллуқли яхши муомаладан муғомбирона уддабуроликни фарқлаш осон кўчмайди.

620

Яқинларимиз бизга ёмонлик қилсалар, бу жавобсиз қолмайди деб ўйлаган кезларидагина биз уларга нисбатан яхшилик қилмоғимиз мумкин.

621

Ҳамманинг ардоғига сазоворман деб ўйлайдиган одамлар бошқалардан кўпроқ ғашимизни келтиришади.

Бизнинг савиямиз доирасидан ташқарида ётган нарсага ишонмоғимиз қийин.

623

Одамнинг ўзига ишонмоғи бошқаларга ишонмоғи учун асос бўлиб хизмат қилади.

624

Баъзан жамиятда шунақа ўзгаришлар содир бўладики, улар жамият тақдирини ҳам, одамларнинг дидини ҳам ўзгартиради.

625

Чинлик — гўзаллик ва баркамолликнинг бирламчи асосидир. Гўзал ва бар-

камол бўлмоқ учун зарур бўлган сифатларнинг ҳаммасига эга бўлмоқ керак ва чиндан-да, қандай бўлмоғи керак бўлса, шундай бўлмоғи керак.

626

Баъзан гўзал асарлар ҳаддан ташқари интиҳосига етказиб ишланганидан кўра ҳали унча баркамол бўлмаган ҳолларида кўпроқ жозибадор кўринадилар.

627

Саҳоват гурурнинг олижаноб интилишидир. Унинг ёрдамида одам ўзини ўзи эгаллаб олади ва шу билан теваридагиларни ҳам эгаллайди.

628

Дабдаба ва меъёрдан ортиқ назокат давлат учун муайян ҳалокатдан нишонандир, чунки у шундан далолат берадики, ҳамма хусусий шахслар жамоа манфаатлари ҳақида заррча қайғурмай, фақат ўз фаровонликларини ўйлайдилар.

629

Ялқовлик — эҳтиросларимиз ичида энг бетайинидир. Гарчи унинг қудрати сезилиб турмаса-да, ундан етадиган зарар кўзимиздан яширин бўлса-да, ялқовликдан ортиқроқ оташин ва зарарли эҳтирос йўқ. Агар биз унинг таъсирига чуқурроқ эътибор берсак, ишонч ҳосил қиламизки, у бизнинг ҳамма туйғуларимиз, истаklarимиз ва ҳузур-ҳаловати-мизни эгаллаб оладиган даражада маккорликка эга: у катта кемаларнинг тагига ёпишиб олиб, уларни ҳаракатдан тўхтатиб қўядиган ёпишқоқ балиқларга ўхшайди.

Бир қарашда уни ўлик сукунатга ўхшатса бўлар. Бироқ ана шу ўлик сукунат энг муҳим ишларимиз учун ҳар қандай сувостни қоялари ва ҳар қандай денгиз бўронларидан хавфлироқдир. Қалбимиз ялқовлик оғриғида экан, бундан хуфия тарзда лаззатланади, худди ана шу роҳатни деб биз энг жўшқин иштиёқларимизни унутиб юборамиз, энг қатъий ниятларимиз эсимиздан кўтари-

лади. Ниҳоят, бу эҳтирос тўғрисида тугал тасаввур бермоқ учун илова қиламизки, ялқовлик — қалбнинг шундай бир ширин дунёсидирки, бу дунё ҳар қандай маҳрумиятлар чоғида қалбга тасалли беради ва унинг учун ҳар қандай неъмат ўрнини боса олади.

630

Баъзан тақдир одамларнинг турлитуман ишларини шу қадар моҳирлик билан танлайдики, улардан олижаноб фазилатлар туғилади.

631

Ҳамма ўзгаларнинг кимлигини тўла-тўкис билишни истайди, лекин ҳеч ким тўла-тўкис ошқора бўлмоқни истамайди.

632

Жуда қаттиқ тартиб асосида соғлигини авайлаб-асрашдан кўра зерикарлироқ хасталик бормикин?

633

Яхши кўриб қолиб, кейин севгингни тарк этгандан кўра, ҳеч кимни севмаган пайтингда севиб қолиш осонроқ.

634

Кўпчилик аёллар таслим бўлар эканлар, буни эҳтиросларининг зўрлигидан эмас, балки заифликларининг зўрлигидан қиладилар. Шунинг учун ҳам баъзи бир удабурон эркаклар жозибадорлик бобида энг пешқадамлардан бўлмасалар-да, одатда омадлари кулиб боқиб туради.

635

Бошқа одамнинг эҳтиросини аланглатишнинг энг тўғри йўли ўз қалбингдаги совуқликни сақлашдир.

636

Ошиқ-маъшуқлар бир-бирларидан кўнгиллари совуши билан буни дарҳол яширмай айтиш тўғрисида қасам ичишади. Бундан мақсад — кўнгил совиганидан дарҳол хабардор бўлиш эмас, балки бундай эътирофни эшитмасалар, улар ўзаро муҳаббатнинг ўзгармас эканига янада қатъийроқ ишонч ҳосил қиладилар.

637

Муҳаббатни жуда қаттиқ иситма билан қиёсласа тўғри бўлади, негаки ҳар икковининг оғирлиги ҳам, давомийлиги ҳам мутлақо бизнинг иродамизга боғлиқ эмас.

638

Энг носоғлом фикрловчи одамлардаги энг юксак донолик — бошқаларнинг оқилона кўрсатмаларига мутелик билан бўйсуниб, уларга амал қила билиш қобилятида кўринади.


639

Ташқарида бирортасига хушторлик қилиб қолишга тўғри келганда, севган одамингизнинг кўзига кўринишга юрагимиз бетламай қолади.

640

Ўз кирдикорларини мардона тан олишга қурби етган одам хотиржамлик касб этмоғи даркор.

Озод ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси



Пётр КАПИЦА

Ижодий “бебошлик” хақида

Даҳо ва итоаткорлик — бир-бири билан
қовушмайдиган икки нарсасидир.

Зигмунд ФРЕЙД.

Бизнинг кунларда Ломоносов ҳақида гап кетгудай бўлса, одатда унинг фан соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида гапиришади. Фан ўтган 200 йил мобайнида шу қадар олдинга силжиб кетдики, бу ютуқлар бизга тушунарлигина эмас, балки табиийдек бўлиб кўринади. Шу боисдан ҳам Ломоносов даҳосининг қудратини англамоқ учун ўзимизни ўша давр маданияти даражасида ҳис этмоғимиз лозим. Шундай қилиш мумкин, албатта. Бироқ бундан келадиган бирдан-бир фойда — бу фан ривожининг тезкор кўламини ва унинг инсоният маданиятига таъсирини ҳис этиш ва баҳолашдан иборат бўлади. Аммо бошқа томондан ҳам ёндошиш мумкин. Бу — даҳо билан жамиятнинг ҳамфикрлиги, яъни бир-бирларини тушуниши. Аини пайтда биз учун кераги ҳам шу.

Даҳолар ҳаётида абадий мавжуд бўлган, қимматини ҳеч қачон йўқотмайдиган аллақандай жозиба бор. Кишиларни турли даврларда яшаган улуг сиймоларнинг ҳаёти билан қизиқишга ўндайдиган оҳанграбо ҳам шу. Бу одамларгагина эмас, инсоният маданиятининг барча олий кашфиётларига ҳам тааллуқлидир. Пикассо Уйғониш даври ва ўрта аср рассомлари асарларидаги воқеалар мазмуни ҳозирги замон учун ўз қимматини аллақачон йўқотган, — деган эди. — Лекин Уйғониш даврининг буюк рассомлари асарларида инсоният даҳоси эришган улкан ютуқлар ўз ифодасини топган. Шу туфайли бу асарлар, яратилган даврдаги турмуш талабларининг аҳамиятини қанчалик тушунишимиздан қатъий назар, биз учун ўзининг сўнмас қадр-қимматини сақлаб қолаверади.¹

Даҳо ва жамият, фан ва санъатнинг ривожланишида кенг маданий жамоатчиликнинг роли, ижодий қобилиятли ёшларни танлаш ва тарбиялаш — бу мавзулар Пётр Леонидович Капицани ҳамisha теран қизиқтириб келган. У ўз маърузаларида, мақола ва мактубларида шу билан боғлиқ масалаларда такрор-такрор мурожаат қилган.

Мана, олимнинг шу мавзудаги яна мулоҳазалари — “ижодий бебошлик” ҳақидаги машинкада кўчирилган, Капицанинг ўзи айрим тузатишлар киритган, эпиграфни ҳам ўз кўли билан ёзган, ҳеч қачон ҳеч қаерда чоп этилмаган, бор-йўғи етти саҳифадан иборат кўлёзма. Лекин сарлавҳа кўйилмаган. Қачон ёзилгани ҳам қайд этилмаган.

“Ижодий бебошлик ҳақида” маъруза. У бирон ерда ўқилганми? Бу ҳам маълум эмас. Пётр Леонидовичнинг беваси Анна Алексеевна ҳам, йигирма тўққиз йил давомида Капица билан яшаб келган, ҳозир эса олимнинг шахсий архиви устида иш олиб бораётган референти ҳам бу ҳақда ҳеч нарса айта олишмади....

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

138

... Ломоносов билан бизнинг оралигимизда 200 йиллик жарлик ётган бўлишидан қатъи назар, Ломоносов сиймосида, унинг ҳаёти ва фаолиятида бизни ҳаяжонлантирадиган ва Ломоносовнинг қандай одам бўлганлигини англаб олишга ёрдам берадиган кўплаб қизиқарли ва фойдали лавҳаларни топиш мумкин.

Мен Ломоносовнинг даҳолиги намоеён бўладиган бир хислати ҳақида тўхталиб ўтишни ва бу ҳақда бугунги кун нуқтаи назаридан мулоҳаза юритишни истардим.

Диққатингизни Ломоносов ҳаётига доир ҳаммага маълум ҳаётий лавҳалардан бирига қаратмоқчиман... Олис Архангелск губерниясида оддий деҳқон оиласида туғилган. Ломоносов отасининг иродасига қарши ўлароқ фанимиз ривожлана бошлаган бир даврда ўз даҳоси қудратини фан хизматиға бағишлаш учун Москвага пиёда келади... Ломоносовнинг Фанлар Академиясида олий унвонга эришгунга қадар қандай қийинчиликлар-у тўсиқларга дуч келгани тўғрисида ҳатто мактаб дарсликлариди ҳам батафсил ҳикоя қилинган...

Энди менинг қуйидаги бир-мунча соддалаштирилган шаклдаги саволимга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Бугунги кунда ёшларнинг наинки Архангелск вилояти, балки Сибирнинг энг олис жойларидан (Ломоносовга хос қаҳрамонлик кўрсатмасдан) Москвага келиб олишлари ва ўзларини илм-фан йўлида хизмат қилишга баҳшида этишлари анча осон. Шундай экан, нима учун Ломоносовлар кўплаб етишиб чиқмаяпти?

Бу саволга энг содда ва табиий жавобни эҳтимоллик назарияси берадигандек туюлади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мамлакатимизда Ломоносовдек даҳонинг туғилиш эҳтимоли шу қадар камки, 200 йил давомида бундай ҳол бир марта ҳам такрорланмади. Қишлоқлар билан Фанлар Академияси ўртасига турган тўсиққа келсак, у ҳар қанча катта бўлмасин, даҳо учун уни бартараф этиш унчалик қийин эмас.

Бундай изоҳлашни мен асоссиз деб ўйлайман. Дарҳақиқат, инсониятнинг маданият тарихида шундай мисоллар борки, маълум бир мамлакатда айрим даврда бир йўла бир неча даҳо майдонга келган. Мисол учун, Италия инсониятга Микеланжело, Леонардо, Рафаэл, Тициан, Донателло, Тинтореттодек тенги йўқ даҳоларни етказиб берган бир даврни олайлик. Ёки бизга энг яқин бўлган, юз йил давомида инсониятга, ҳозирги замон жаҳон адабиётининг асосчилари, деб бутун дунё тан олган. Голстой, Достоевский ва Чеховдек даҳо ёзувчиларни етказиб берган Россияни олайлик.

Шундай қилиб, тарих бизга тескари томонлама ўргатади. Демак, ижоднинг исталган соҳасида даҳоларнинг пайдо бўлиши учун шунга жавоб бера оладиган тарихий шароит зарур экан. Италияда Уйғониш даврида санъатга қандай муносабатда бўлинганлигини Тэннинг “Фалсафа тарихи”ни ўқиган кишилар яхши билишади. Муаллиф буни ўта ёрқин ифода қилиб берган. Санъатни жамиятгина эмас, черков ҳам тушунган ҳолда унга чуқур манфаатдорлик билан ижобий муносабатда бўлган. Бу эса табиийки, ривожланиш учун қулай замин яратган.

Аммо олимнинг табиий салоҳияти тўлароқ ривожланиши учун фан ходимларига қандай замин зарурлиги тўғрисидаги масалани тарихчилардан бирон кимса кўтариб чиққанми? Бу, албатта, катта ва ўта мураккаб масала бўлиб, уни битта маъруза доирасида ҳал қилиб бўлмайди. Шундай эса-да, олимлик салоҳиятини ривожлантириш учун зарур бўлган битта шарт борлигини айтиб ўтмоқчиман. Бу шарт-шароит Ломоносов замонида мавжуд бўлган, бизнинг даврда эса, эҳтимол йўқдир.

Кимдир ҳазиллашиб, Ломоносов ҳозирги шароитда Москвада қола олмаган бўлур эди, негаки унга Москвада яшаш учун рухсатнома берилмаган, деган эди. Бу ҳам ҳақиқатдан ҳоли эмас, албатта. Лекин, ҳар қалай бунчалик жиддий сабаб бўлолмаса керак. Дарвоқе, мен ҳозир айтишга чоғланган нарса ҳам дастлаб ғайритабиий туюлиши мумкин.

Ломоносов табиатан тийиқсиз, кучли эҳтирос соҳиби бўлганлигини ҳамма билади. Мен сизга Ломоносовнинг кўп сонли эҳтирослари намуналаридан бирини эслатиб ўтмоқчиман. Бу воқеа Ломоносов Фанлар Академиясининг адъютанти, яъни бизнингча, айтайлик, катта илмий ходим, балки ҳатто мухбир аъзоси даражасига эришганидан кейин бўлиб ўтган. Хуллас, Ломоносовнинг қатор академиклар, айниқса, чет эллик олимлар билан келишмовчиликлари, баҳслари бизга маълум. Ана шундай тўқнашувлардан сўнг Ломоносов ҳаммага таниқли бўлган ил-

мий секретарь (котиб) академик Шумахерга рўпара бўлади. Шумахер ўша пайтда Фанлар Академиясида расман президентлик лавозимини эгаллаб турган граф Разумовскийдан кейинги иккинчи шахс бўлиб ҳисобланса-да, аслида барча ишларни шахсан у бошқарган. Хуллас, расмий ҳужжатда айтилишича, Ломоносов “бармоқларини беадаблик билан букиб, академик Шумахернинг бурни рўпарасида у ёқдан-бу ёққа тебратиб: — Ма, мана буни ебсан!”, дейди... Ундан кейинги сўзларни эса немис тилида гапирди. Маълумки, бу воқеадан сўнг, Ломоносов баъзи кўнгилсизликларни бошидан кечиради. Аммо айтарли даражада жазоланмайди. Чунки бу пайтга келиб, унинг даҳолиги тан олинган ва граф Шувалов, граф Воронцов ҳамда бошқа нуфузли кишилар Ломоносовни илм билан шуғулланишдан четлатишга йўл қўйишмайди.

Энди бир масалани ўртага ташлашга ижозат берсангиз: худди шундай воқеа ҳозирги даврда бизнинг Фанлар Академиямизда содир бўлиши мумкинми? Масаланинг бундай қўйилиши даставвал гайритабиий ва кулгили туюлади, албатта. Бизнинг кунларда Академиямизда бундай воқеанинг юз беришини, озгина бўлса-да, фараз қилиш учун гайритабиий тасаввурга эга бўлмоқ керак. Бу воқеа, аслини олганда, бизнинг кунлар учун ҳам талайгина тарбиявий аҳамиятга эга. Ахир даҳолик аввало бебошликда намоён бўлади-ку! Одам мавжуд нарсадан қаноат ҳосил қилмагандагина унга эргашмайди, янгисини қидиради. Павлов, Пирогов, Суворов ва Менделеевларнинг таржимаи ҳолидаги бебошликларни эсласак — бебошлик фанда, санъатда, адабиётда, фалсафада ҳамиша янгилик ахтарувчи ва кашф этувчи кишиларга хос хислат, деган хулосага келмай иложимиз йўқ. Шундай қилиб, кишининг салоҳиятини ривожлантирадиган шартлардан бири — бу эркин бебошлик, деган хулосага келиш мумкин.

Эркин бебошлик турли даврларда қай даражада бўлганлигини ҳамда у шахс билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга қай даража таъсир кўрсатганлигини эслаш қизиқарли.

Уйғониш давридан бир мисол: Медичанинг буюртмасини бажаришга киришган Микеланжело атрофидагилар билан кўрсроқ муомалада бўлади. Кунлардан бирида Медичлардан бири ўз суратининг унчалик ўхшамаганлигидан норозилик билдирар экан, Микеланжело: “Муҳтарам жаноблари, ташвишланманг, юз йилдан сўнг ўзингизга ўхшайди”, дейди. Рим папасига эса янада кескинроқ муносабат билдиради. У Римда папа Юлий Пнинг буюртмасини бажара бошлаганида 30 ёшда бўлади. Ромен Ролланинг ёзишича, Микеланжело кунлардан бирида хуржинини елкасига илиб ўзбошимчалик билан Римни ташлаб чиқиб кетади ва ўз ватани Флоренцияга қараб йўл олади. Бундан хабар топган папа дарҳол карета-аравага ўтириб мулозимлари қуршовида Микеланжелонинг орқасидан қувлаб кетади. Чегарага яқинлашиб қолганида унга етиб олади ва рассомни орқага қайтишга кўндиради. Кимсан, Худонинг ердаги ноиб даҳо Микеланжелодан ажралаиб қолмаслик учун унинг бебошлигини афв этишга ва ҳатто ундан кечирим сўрашга мажбур бўлган. Бу воқеа Уйғониш даврида черковнинг санъатга нисбатан қандай муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

Мана, яна фақат итоаткорлик даҳоликдан устун қўйилган Россия тарихидан бир мисол. Тарле ўз китобларидан бирида Николай Ининг Москва университетига ташриф буюргани ҳақида ҳикоя қилади. Университет ректори подшога энг яхши талабаларни таништирар экан Николай I қисқа сўхбатдан сўнг: “Менга донолар керак эмас, менга итоаткорлар керак”, дейди. Фан ва санъатнинг турли соҳаларида донолар ва итоаткорларга муносабат ҳар бир даврнинг ўзига хосдир. Николай Пушкинни итоаткор кимсага айлантirmoқчи эди. Бундай муносабат оқибатида Пушкин ҳалок бўлди.

Шундай бир савол туғилади: Айни ҳозирги бир даврда итоаткорлик билан муштакил ижоднинг қайси бирига ҳаёт дарвозаси кенгроқ очилган?

Ўз даври ҳақида ҳолис фикр юритиш кишилар учун ҳам қийин, ҳам хавфли. Шундай бўлса-да, бир нарсани айтишни лозим топаман. Бизда ижтимоий фанлар соҳасида эса, зотан даҳоликни намойиш этиш учун имкониятлар кўпроқ бўлса-да Ломоносов даражасидаги бебошликдан анча олисмиз. Мен бюрократик аппаратнинг муносабатлари тўғрисида эмас, албатта, кенг жамоатчилик ҳақида гапиряпман.

Энди ҳаммамиз учун ўрнак бўла оладиган бир воқеа ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Бу ҳикоямдан бизнинг кунларда ёш Ломоносовнинг қисмати қандай кечиши мумкинлиги тўғрисида баъзи тасаввурга эга бўлиш мумкин. “Журнал экспериментальной и теоритической физики” таҳририят мажлисида булутларнинг радионурланишига бағишланган ишни кўриб чиқдик. Мақола илмий жиҳатдан тўғри ёзилган, лекин журналда ёритиш учун етарли аҳамиятга эга эмаслиги сабабли ундан фойдаланиб бўлмас эди. Аммо мақола Москвага Архангелскага нисбатан бир мунча яқин, лекин ҳар қалай анча олисда жойлашган шаҳарда яшовчи, ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси томонидан ёзилганлиги диққатга сазовор эди. Бу мени шу қадар қизиқтириб қолдики, оқибат натижада йигитчанинг Москвага келишини ташкил этишга муваффақ бўлдим.

Моддий жиҳатдан анча чекланган оилада (отаси урушда ҳалок бўлган экан) туғилиб ўсган, гоят камтар йигитча экан... У ҳақиқатдан ҳам физика ва математикани жуда яхши кўрар, бўш вақтларини ўз билимини оширишга бағишлар ва мустақил равишда иш олиб борар экан. Хуллас, унга Москва олий ўқув юртларидан бирига ўқишга киришга кўмаклашишга қарор қилдик. Аммо Москвага келадиган фурсат яқинлашган бир пайтда ўртада алоқа узилиб қолди ва ҳатто унинг бошига иш тушгани тўғрисида нохуш хабар олдик. Таҳририятимиз ходими нима бўлганлигини аниқлаш учун зудлик билан ўша шаҳарга жўнаб кетди.

Бу гапларни нима мақсадда айтаётганим энди равшанлашади. Гап шундаки, йигитча радио ишқивозларидан бўлиб, ускуналарни ўзи ясар экан. Ана шундай ускуналардан бирини яшаш учун телефон аппарати зарур бўлиб қолади. Аммо сотиб олишга пул йўқ. Охир-оқибатда жамоат фойдаланадиган кўча телефонини қирқиб олган. Бу қилмиши жазосиз қолдирилмаган, албатта. Прокуратураимизга таъбириш керакки, гап нимадалигини тушунишган ва унинг устидан кўзғатилган ишни тўхтатишган. Мактаб эса бошқача йўл тутган. Педагоглар бебошлиги, шунингдек, қатор фанларни ўқитувчиларга нисбатан яхшироқ билгани туфайли ўз билимини дарс пайтларида намойиш қилиб тургани учун уни яхши кўришмаган. Йигитча билан прокуратура шуғулланганлиги уни етуклик аттестатига имтиҳон топшириш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда мактабдан ҳайдашга асос бўлган. Хуллас, у заводга бориб станокда ишлай бошлаган. Ходимимиз йигитчани ўша ердан топган.

Биз, албатта, ўртага тушдик. Ҳозир у университетни муваффақиятли тамомлаб илмий ходим бўлиб ишламоқда.

... Афсуски, мактабларимизда ёшларни тарбиялаш жараёнида салоҳиятдан кўра итоаткорликни кўпроқ қадрлашадилар. Ломоносовлар бизнинг мактабларимизда қай аҳволга тушяпти? Балки улардан кўпчилиги мактаблар томонидан илм-фандан четлатилгандир? Бу саволга жавоб бериш қийин. Ҳатто, бу яхшими ёки ёмонми, деган саволга жавоб бериш ҳам қийин.

Мамлакатимиз ривожининг айна тарихий бир оралиғида фан ёки санъатнинг маълум соҳасида қатъий бир тизим ва ташкилотчилик зарурми ёки туғма даҳоларнинг эркин фаолияти керакми, деган саволга аниқ жавоб бера олмаймиз. Эҳтимол, давримизнинг қудрати ва муваффақияти айрим салоҳиятли шахсларда эмас, балки ижтимоий тизимдадир. Шу боисдан ҳам ривожимизнинг айна босқичида фан, санъат ва адабиёт бўйича даҳолар керак эмасдир. Бу ғайриқонуний воқеа эмас, албатта, балки ривожимизнинг тарихий босқичи диалектикасидир. Даврни даҳолар яратишмайди, балки давр даҳоларни дунёга келтиради.

ТАРЖИМОННИНГ ЎЙЛАРИ

Яқинда кўп йиллардан бери тахланиб ётган “Наука и жизнь” журналининг 1987 йилги жилдларини олдимга қўйиб, бир чеккадан варақлар эканман, Капицанинг ушбу мақола — “маъруза”си билан қизиқиб қолдим. Ўз вақтида ўқиган эканман. Ҳатто ўзим учун қизиқарли туюлган кўпгина фикрларнинг тағига чизиб қўйибман. Шундай бўлса-да, гўё уни биринчи марта қўлимга олгандек, катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим, узоқ ўйланиб қолдим, мулоҳаза қила бошладим. Ва ниҳоят, уни ўзбек тилига ўгиришга жазм этдим. Чунки “маъруза” муаллифи унга қадар

ҳеч ким қаламга олмаган, “теша тегмаган” мавзуда фикр юритади. Шунингдек, йирик фан арбоби сифатида ўз мамлакатида ва, умуман, фан ва маданиятнинг ривож учун фидойилик билан (биз ижодкорлар учун намуна бўладиган даражада) жон куйдириб келган бир шахс сифатида намоён бўлади.

Олимнинг мазкур (бирон жойда ўқилмаган) “маъруза”си ўша пайтда айтилиши ёки мақола тарзида чоп этилиши мумкинми? Йўқ, албатта. Буни Ломоносов мисолида унинг ўзи ҳам аниқ ифода этган. Ҳатто 1987 йилда “Наука и жизнь”да босиб чиқарилиши ҳам кишини бир мунча ҳайратлантиради. Чунки СССРда, ошкоралик эълон қилинган бўлса-да, ҳали демократия тўлиқ амалга ошмаган эди. Аммо унда баён этилган айрим фикрлар, “маъруза”ни изоҳловчи П.Рубиннинг ёзишича, Резерфорднинг 100 йиллигида сўзланган нутқида, шунингдек, айрим мактубларда маълум даражада, баъзан бошқача шаклда айтилган. Бу ҳам — зотан Капица бутун дунёга танилган физик олим, Нобель ва бошқа мукофотлар совриндори бўлса-да, — ўша даврда катта жасорат эди. Дарвоқе, қатағон йилларида ўзимизнинг Ўзбекистонда ижодий “бебошлик”лари учун заҳмат чеккан олимлару ёзувчилар камми?

“Маъруза”даги айрим фикрлар, олимнинг ўзи эътироф этганидек, мунозарали бўлиши мумкин. Лекин энг муҳими, яъни биз учун ҳам фойдали томони шундан иборатки, муаллиф XVIII асрнинг даҳо олими Ломоносов ва ўз замондоши бўлмиш истеъдодли йигитча, шунингдек, бошқа кишилар мисолида салоҳиятли шахсларга хос “бебошлик”лар ҳақида гапирар экан, истеъдод соҳиблари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик зарурлигига урғу беради.

Бир ривоятда баён қилинишича, голландиялик машҳур рассомнинг устахонасига таниқли граф келиб, ўз суратини буюртма қилмоқчи бўлади. Рассом унамайди. Граф димоғдорлик билан тихирлик қила бошлайди. Шунда рассом уни иккинчи қаватдаги устахонаси деразасидан ташқарига отиб юборади. Граф қиролга бориб арз қилади. Қирол бир зум ўйланиб туриб:

— Истасам тўртта мужикка графлик унвонини бериб, графларим сонини оширишим мумкин, лекин тўртта графдан битта рассом ярата олмайман,- дейди.

Бу кимнидир камситиш мақсади-да эмас, қиролнинг ижодкорларни қай даражада қадрлаши ҳақидаги ривоятдир.

Маълумки, ҳар қандай давлатни ривожлантирадиган асосий омиллардан бири ўша мамлакатда тараққий этган фан ва маданиятдир. Шу боисдан ҳам гап ақлзаковати юксак Амир Темур бобомиз қайси мамлакатга бормасин, у ердан илм ва маданият арбобларини: олиму рассомларни, шоиру санъаткорларни, қурувчию муҳандисларни Самарқандга олиб қайтган.

Шу ўринда Франция давлатининг яқин тарихидан бир мисол келтириш ҳам жоиз бўлур. Франция ҳукумати биринчи жаҳон урушига ҳозирлик кўрар экан, зиёлиларни мамлакатнинг келажак ривож учун асраб қолиш мақсадида уларни ҳарбий кўшинлар сафига сафарбар этмайди. Дарҳақиқат, урушдан кейинги яқин ўн йил мобайнида Франция давлати фан, маданият ва ишлаб чиқаришнинг кўпгина тармоқлари бўйича ривожланган мамлакатларга нисбатан ўттиз йил олдинга ўтиб кетади.

Табийий бойликлари бўлмаган, лекин илм-фан ва техника тараққий этган Япония ва Жанубий Корёя давлатлари тарихан қисқа вақт ичида ривожланган мамлакатлар сафига ўтиб олишди ва жаҳон бозорида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келишмоқда.

Капица қайд қилганидек, “Даврни даҳолар яратишмайди, балки давр даҳоларни дунёга келтиради”... Лекин даҳо демай қўяқолайлик, умуман қайси соҳа (фан, маданият, сиёсат...)да бўлмасин, йирик арбобнинг шу соҳани ривожлантиришида тутган ўринини, инкор этиб бўладими? Шахснинг жамиятда, қолаверса, тарихдаги ролини бу ҳақда қанчалар баҳс бўлмасин, ҳеч ким инкор эта олгани йўқ-ку! Ахир маълум бир соҳа бўйича, мактаб яратадиганлар ҳам ана шундай арбоблар эмасми? Узоққа бормаи қўяқолайлик. Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрини олайлик. Мазкур даргоҳда саҳна санъати бўйича антиқа мактаб яратиб кетган йирик маданият арбобларини халқимиз яхши билади. Театрнинг ҳозирги жамоаси ҳам ўша мактабга хос услублару анъаналарни озми-кўпми давом эттириб келмоқда. Аммо ўзбек миллий саҳна санъатида бугунги кунда янги мактаб ярата оладиган ёки ўз салоҳияти ва ғоялари билан ақалли бир жамоани орқасидан эргаштира оладиган санъат арбоблари борми? Бўлса нега бонг урмаймиз.

Шуни эътироф этиш керакки, фидойиликда ҳеч бир соҳа вакили ижодкорларга тенглаша олмаса керак. Улар қаерда, қандай шароитда бўлишларидан қатъий назар, ижод билан шуғулланмасдан тура олмайдилар. Қамоқхона ёки сургунда ёзилган илмий ёки бадиий асарлар бунга мисол бўла олади. Мамлакатимизда бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан айрим иқтисодий қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳозирги кунда олим ва ёзувчиларнинг тинмай меҳнат қилаётганликлари ҳам бунинг исботидир. Чунки ҳақиқий ижодкор, Капица қайд этганидек, ўзи норози бўлган, келиша олмаган фикр ёки назарияга қарши ўлароқ янгилик яратавради, ўзининг ақлий билимларини халқни, айниқса, ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашга сарфлайверади. Масаланинг моддий томони ижодкор учун ҳаммиша иккинчи даражада турган. Фан, санъат ва адабиёт асосан ана шундай фидойилар эвазига ривожланиб келган. Лекин буни суистеъмол қилиш ҳам инсофдан эмас, албатта.

Баъзан айрим кишиларнинг, ҳозирги ёшлар илм билан қизиқмай қўйишди, уларнинг кўпчилиги номигагина ўқиб юришибди, дея нолиганини эшитиб кўнглим ҳижил бўлади. Қизиқ ҳар бир даврда ҳам ёшлардан нолиш айрим кишиларга хос иллатми, деб ўйлаб қоламан. Ёшлик чоғимда ҳам баъзи кексаларнинг ана шундай гапларини неча бор эшитганман. Шукрлар бўлсинки, ўша вақтдаги ибора билан айтганда, “бебош бўлиб кетаётган ёшлар” панд беришмади. Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига фан ва маданият ходимлари, давлат арбоблари, йирик саноат ва қурилишларга бошчилик қилиб келишаётган дарғалар ҳам ўша ёшлар эмасми!

Яқинда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг бош кутубхонасида бўлдим. Ҳар қачонгидек сокинлик ва ўзига хос аллақандай салобат ҳоким, у ёқдан-бу ёққа юрган одамлар кам кўринади. Зинадан иккинчи қаватга кўтарилдим у ёқув залида китобу дафтарларга мукка тушиб ўтиришган йигит-қизларни кўриб кўнглим яна бир карра таскин топди. Демак, билимга интилиш сўнмаган. Тўғри, юқорида зикр этилганидек, амал-тақал қилиб номигагина ўқиб юрганлар ҳам йўқ эмас.

Бошқа шаҳарда яшайдиган танишим ўғлини бир амаллаб институтга жойлаштириб қўйди-ю, Тошкентга зув қатнайдиган бўлиб қолди. Айниқса, имтиҳон бошланди дегунча, Тошкентдан оёғи узилмай қоларди. Хуллас, имтиҳонларни ўғил эмас, серпул ота “топширар” эди. Шу зайдда тўрт йилча ўтди-ю, танишимнинг ҳафсаласи пир бўлди ёки “қўли калталиқ” қилиб қолди, жўнашди. Ҳа, одамни кўп насага мажбур этиш мумкин, аммо зўрлаб билим бериб бўлмайди.

Республика ФАнинг иқтисодий илмий текшириш институтида аспирантура бўлими мудирини кутиб ўтирган бир йигит билан гаплашиб қолдим. Ангрендан келган экан. Гап-сўзлари бамаъни, камтар, ўрта ҳол бир оиланинг фарзанди бўлиб, аспирантурага кириш имтиҳонларини топшириб улгурган. Энди, натижасини билиш учун бир неча кундан бери Тошкентга қатнаётган экан.

— Тошкентда қариндошларингиз йўқмиди? — деб сўрадим.

— Йўқ.

— Поездда қатнайсизми?

— Автобуста... Поезд чиптаси қиммат. Бўлмаса-ку, қулай-а. Тезда олиб келиб қўяди.

Шу пайт аспирантура бўлимининг мудирини келиб қолди-ю:

— Табриклайман, — деди жилмайиб, — қабул қилиндингиз...

Бу хабардан мен ҳам астойдил хурсанд бўлиб, чин кўнглидан муборакбод этдим.

Ҳа, Республикаимизда фан ва маданият ривожланишда давом этмоқда. Фан ва техникани тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодий кучлар етарли, ўзларини илм соҳасига бағишлаган ёшлар ҳам бисёр.

Президентимиз турли соҳалар бўйича қобилиятли ёшларни тарбиялаш, уларнинг камол топишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ўқиш, билим эгаллаш, ҳунар ўрганиш, маълум соҳа бўйича тажриба орттириш учун чет элларга сафарбар этилаётган минглаб иқтидорли ёшларимиз бунга мисол бўла олади. Лекин...

Юртбошимизнинг қатор маърузаларида фан ва маданиятимизни ривожлантириш ҳақида, кадрлар масаласи тўғрисида жон куйдириб айтган гаплари, фикрлари бежиз эмас. 2000 йилнинг Соғлом авлод йили, деб эълон қилиниши эса, у ёш авлод ҳақида не чоғли қайғураётганидан далолат беради.

Муҳаммад ҲАЙРУЛЛАЕВ

Владимир МАУ

Зиёлилар: тарих ва инқилоб

ҲОЗИРГИ РОССИЯ ҲАЁТИДАН ОЧЕРКЛАР

УЧИНЧИ ОЧЕРК. ТИЛГА КЎП ТУШГАН ИНҚИЛОБ ҲАҚИДА

— Бу — энг гўзал давр эди, бу — энг расво давр эди, донолик асри, телбалик асри эди, имон кунлари, имонсизлик кунлари, нур замони, зулмат замони, умидлар баҳори, ночорлик изғиринлари...

Ч.ДИККЕНС, “Икки шаҳар қиссаси”.

Бизнинг ҳозирги муаммоларимизнинг характери ва динамикасини тўла-тўқис ва тўғри тушуниш учун Россиянинг ижтимоий-сиёсий ривожланишининг умумий даражасини эътиборга олишнинг ўзи етарли эмас. Ҳозирги замондаги вазият чиндан ҳам бениҳоя ўзига хос. Бунга амин бўлиш учун бу вазиятни нафақат Фарбнинг ривожланган мамлакатлари билан таққосламоқ керак, балки бошқа пост — коммунистик мамлакатларнинг кўпчилиги билан ҳам қийслаш лозим. Аммо бу ўзига хослик мутлақо тарих ва маданиятда эмас, Россия бошидан кечираётган ўзгаришларнинг инқилобий типидадир.

ИНҚИЛОБ ВА ЗАИФ ДАВЛАТ

Сўнгги ўн беш йиллик Россияда инқилобий ўзгаришлар даври бўлди деган хулоса жуда кўп эътирозларга сабабчи бўлди ва сўнгги пайтлардагина уни эҳтиётлик билан эътироф эта бошлашяпти.

Бошимизга қандай кунлар тушганини ва ҳозир нималарни кечирмоқда эканимизни ўтмишнинг улуғ инқилоблари тажрибаси галвирга солиб кўриб идрок этиш 1985-2000 йиллар воқеаларининг реал мантигини кўриш ва англашга имкон беради. Шунингдек, жиндай бўлса-да, келажакка нигоҳ ташлашга ёрдам беради.

Одатда инқилоб деганда давлат ва жамият ҳаётида юз берган жуда теран туб ўзгаришлар назарда тутилади. Россияда сўнгги ўн беш йил мобайнида худди шунанга ўзгаришлар рўй берганини исбот қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Лекин ҳар қандай тизимли ўзгаришларга ҳам инқилоб сифатида қаралиши мумкин эмас. Бақувват ҳукуматлар кўпгина теран ва кескин ўзгаришларни амалга ошириши мумкин. Бу ўзгаришлар шак-шубҳасиз инқилобий оқибатларга эга бўлсалар-да, ўз моҳиятига кўра ислоҳот бўлиб қолаверади (буни одатда “юқоридан қилинган инқилоб” деб айтадилар). Бу ўринда мисол тариқасида Японияда “Мейдзи реставрацияси” ни ва Германияда Бисмарк ислоҳотларини кўрсатиш мумкин. Кескин, тизимли ўзгаришлар урушларда мағлубиятга учраш ва хорижий қўшин-

Охири. Боши аввалги сонда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

144

ларнинг истилоси натижасида ҳам рўй бериши мумкин (Наполеон урушларидан сўнг Пруссияда шундай бўлган эди ёхуд Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Германия ва Японияда ҳам шундай бўлди).

Инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарадиган сабаб мамлакат ичидаги таназул жараёнлари бўлади. Бу жараёнлар муайян сиёсий ва мафкуравий инқилобий муҳитни шакллантиради, унда давлат билан бирга вайрон бўлиши мумкин эмасдай туюлган қадриятлар ҳам емирилади (монархиянинг муқаддаслигими, миллатнинг яхлитлигими ёхуд жаҳон коммунизмининг зафарига ишончми — барибир). Шунинг учун одатда, миллий-озодлик ҳаракатлари инқилоб бўлмайди — уларда ҳаммиша халқнинг тарқоқ кучларини бирлаштирадиган алланечук ўқ бўлади. Кенг кўламдаги ҳақиқий инқилоб бир-бирига қарши кураш олиб борувчи кўпдан-кўп ижтимоий кучлар (манфаатлар гуруҳи) жамиятни парчалаб ташлаган кезларда рўй беради. Бу кучлар муштарак қадриятлар ва манфаатларга эга бўлмайдилар. М. Горбачёвнинг энг яхши кўрган сўзларидан бири “консенсус” (муросаи мадора) эди. СССР Президенти уни кўп излади, лекин топа олмади. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, чунки Горбачёв даврининг охирига келганда муросаи мадора учун ижтимоий асос қолмаган эди. Турли ижтимоий гуруҳлар ва раҳбариятнинг турфа хил вакиллари ўзларининг келажagini бир-биридан тубдан фарқ қиладиган турлича ижтимоий тузумларда кўрмоқда эдилар. Булар орасида Шимолий Корея социализмидан (жиндай туркманча ранглар аралашган ҳолда) тортиб Оврўпо билан интеграция қилишгача (Балтияда) бор эди. Россия эса собиқ СССРнинг энг олақуроқ ва энг йирик қисми сифатида жуда зиддиятли ва шунинг учун ҳам анча беқарор аҳволга тушиб қолди.

Мустақкам заминга қурилган муросаи мадора бўлмаса сиёсий ҳокимиятдан маҳрум бўлиш у ёки бу манфаатлар гуруҳини тўла маҳв бўлиб кетишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бундай шароитда ҳокимият учун жуда кескин кураш ўта шафқатсиз тарзда бошланади ва жамият фаолиятининг бошқа ҳамма соҳаларини ўзига бўйсундиради. Бундай сиёсий шароитда ҳукумат мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти устидан назоратни жуда тез бой беради. Бу иқтисодий курснинг доимий теран ишларида ҳам, ўзаро рақобатлашувчи ҳокимият марказларининг пайдо бўлишида ҳам, илгари мавжуд бўлган сиёсий институтларнинг ғойиб бўлиб қолишида ҳам (бунинг натижасида сиёсий воситачилар вазифасини турфа хил ташкилотлар, шу жумладан, айрим корхоналар ҳам бажариши мумкин), лоақал жиндай тушуниб бўладиган “ўйин қоидалари”нинг йўқлигида ҳам намоен бўлади.

Шарқий Оврўпадаги “барқут инқилоблари” том маънодаги инқилоб бўлган эмасди. Улар ташқаридан мажбурлаб жорий қилинган тузумдан халос бўлдилар. Жамиятда ва раҳбариятда ҳар қанча теран ихтилофлар бўлмасин, у ерда тараққиёт мақсадларини тушунишда муштараклик мавжуд эди: ҳаракат Оврўпага қайтишга йўналтирилган эди. Марказий ва Шарқий Оврўпа мамлакатларининг Россиядан ана шу туб фарқни тушунмаслик бизнинг ривожимизни илк шартларини ва истиқболини нотўғри баҳолаш учун йўл очади, мамлакат зиёлиларининг бир қисми учун саросима манбаи бўлиб хизмат қилади ва жами ислоҳотларимизнинг натижаларига менсимай қарашни вужудга келтиради.

Тўғри, баъзан Россияда содир бўлаётган ўзгаришларнинг инқилобий характери масаласида шубҳа ҳам билдирилади. Бундай шубҳа билдирадиганлар бизда содир бўлаётган ўзгаришлар етарли даражада кескин эмас ва умуман, инқилоблар оммавий зўравонликлар билан амалга оширилмоғи керак, деган фикрга таянишади. Ҳолбуки, революция олиб кираётган ўзгаришлар фақат келажак авлодларгагина кескин бўлиб кўриниши мумкин, инқилоблар қаъридан чиқаётган жамиятни эса замондош одамлари кўпчилигининг аҳволи тубдан ўзгарган мамлакат деб эмас, балки эски тузумга пародия деб қабул қилади. Зўравонлик масаласига келганда эса шунини айтмоқ лозимки, жиддий тарзда инқилобни фуқаролар урушининг синоними деб қараш мумкин эмас. Шаҳарлашга ва юксак маърифатли аҳоли (ҳозирги Россиянинг аҳолиси эса айни шунақа) ўтмишдаги инқилоблар давридаги саводи камроқ қашшоқ деҳқонлардан фарқ қилароқ қиронларда кўп нарсасини бой беради. Шунинг учун у оммавий ғалаёнларга унча мойил эмас.

Давлат моҳияти тубдан заифлашиб қолса, бунинг оқибатида стихиячилик кес-

кин қўлайиб кетади: ижтимоий ривожланиш ўн икки-йигирма йиллар мобайнида (тўлақонли инқилобнинг давомийлиги айни ана шу муддатни қамраб олади) нормал, эволюцион ҳаёт шароитидагига қараганда анча камроқ даражада ҳокимиятнинг аниқ қарорларига боғлиқ бўлади. Бу стихиялилик инқилобларини ҳайрон қоладиган даражада ўзаро бир-бирига ўхшайдиган қилиб қўяди — бундай ўхшашлик уларнинг ривожланиш тарзларига ҳам, юзага келадиган муаммоларнинг харақтерига ҳам тааллуқли.

Сўнги ўн беш йил ичида Россия ўтмишдаги улуғ инқилоблар ўтган босқичларнинг ҳаммасини босиб ўтди. Булар қуйидаги босқичлардир:

“Навбаҳор” фасли. Ҳокимият тепасига биринчи инқилобий (меъёрда) ҳукумат келади, бутун халқ янгича яшаш иштиёқида иттифоқ бўлиб жинслашади. Фақат ўтмишдан жамики яхши нарсаларни олиб, янги ғоялар ва янги одамлар билан бирлаштириш кифоядек туюлади. Ҳукумат ўз имкониятларининг чексиз эканига ишонади, бу ишонч уни ҳар нарсадан аввал иқтисодий соҳада гаройиб қадамлар қўйишга ундайди (ичкиликка қарши кураш биринчи мисол бўлган эди, холос). Бу нарса умумий таназулни чуқурлаштирадиган қўшимча омил бўлади.

Қутбланиш. Аста-секин маълум бўладики, турли ижтимоий гуруҳларнинг ижобий мақсадлари бир-биридан фарқ қилар ва ҳатто бир-бирига бутунлай зид экан. Ҳокимият учун кураш кучайиб боради, асосий масалаларда муросан мадора йўқ бўлгани учун қолган жараёнлар (даставвал иқтисодий жараёнлар) сиёсий курашнинг асирларига айланиб қолади. Иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви сиёсий рақибларнинг зараркунандалигини исботловчи яна бир қўшимча далил бўлади. Иқтисодиёт борган сари назоратдан чиқиб кета бошлайди. Бу, айниқса, солиқларни йиғиш камайиб кетаётганидан ва трансакцион зарарларнинг кескин ўсишида (шунга мувофиқ иқтисодий фаолликнинг камайиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишида) яққол акс этади.

Радикализм. Меъёрдаги тузумнинг емирилиши консерватив ва радикал кучларнинг ошқора тўқнашувини туғдиради. Бунда агар консерваторларнинг қўли баланд келмаса, ҳокимият тепасига радикаллар келади. Улар эски тузум пойдеворини яқсон қилувчи жуда теран ўзгаришларни амалга оширадilar. Радикал ҳукмдорлар асосан жуда прагматик тарзда (гарчи мафкуравий либосларга бурканган бўлса-да) фаолият кўрсатадилар ва ҳамма имкониятларни янги тузумни асраб қолиш мақсадига йўналтирадilar.

Термидор ва инқилобнинг хотимаси. Радикализм мушкулотлари ва эски тузумнинг характерли белгилари аста-секин хотирадан ўчиб кетиши ижтимоий толиқишнинг йиғилиб қолишига ва ўтмишни қўмсаш туйғуларининг кучайишига олиб келади. Бунинг устига, инқилоб ўнгламас характер касб этиб боргани сари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барқарорлашишдан манфаатдор бўлган раҳбар табақаларнинг мавқеи кучая боради. Ҳокимиятнинг янгича таркиби шаклланади, меъёрий заминда раҳбар кучларнинг ўзаро яқинлашиши содир бўлади. Секин-аста янгича ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муросан-мадора шакллана боради.

Яна таъкидлайман — тавсифланаётган босқичлар сизга ҳар қанча таниш туюлмасин, улар ҳозирги Россиянинг тавсифигина эмас, улар XVII аср ўрталаридаги Англия инқилобидан бошлаб ҳамма улуғ инқилоблар учун хос бўлган сифатлардир. Ҳар бир инқилобий босқичга бир хил қолипдаги муаммолар мос келади, уларнинг ечими ҳам бир-бирига яқин бўлади. Ахир, чиндан-да, муайян мамлакат олдида кўндаланг бўладиган замон даъвати ва жамиятнинг бу даъватга тўғри жавоб топишга интилиши инқилобий жараёнларни бир-бирига ўхшаш қилади. Бунда тарихий ўхшашликлар ва тарихий таққосларнинг аҳамияти йўқ, балки механизмлар муҳимдир.

Давлат ҳокимиятининг заифлиги иқтисодиётдаги вазиятга жуда катта таъсир кўрсатади. Қонунларнинг бажарилишини таъминлай олмаслик бизнес учун шароитнинг кескин ёмонлашувига олиб келади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришда орқага кетишга ва ижтимоий мушкулотларнинг қўлайишига олиб келади. Кўп фурсат ўтмай маълум бўладики, инқилобий даврдаги ҳаёт шароити эски тузум давридагидан яхшироқ бўлиши бир ёқда турсин, очиқдан-олчиқ ёмонроқ экан.

Пул ва мулк — инқилобнинг азалий муаммоси. Инқилобий ҳокимият ҳамиша солиқларни йиғишга ноқобил бўлиб чиқади, бинобарин, у ўзининг молиявий маж-

буриятларини бажара олмайди. Молиявий таназзул борган сари кучайиб боради. Бу ҳаммадан аввал бюджет таназзули (ҳукумат тўловлар бўйича мажбуриятларини бажара олмайди) ва пул таназзули (миллий валютага ишонч пасайиб кетади) шаклида намоён бўлади. Ўзининг (нафақат сиёсий, балки жисмонан ҳам) омон қолмоғи учун янги раҳбарларни фавқулодда чоралар кўришга мажбур қилади. Тарих далолат берадики, инқилобни ижтимоий-сиёсий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқ учун ҳукуматнинг ихтиёрида икки хил йўл бўлади: матбаа машинаси (ва бюджет даромадларини ундирадиган бошқа ноанъанавий усуллар) ёки мулк масаласидаги турли тадбирлар.

Инқилобни молиявий таъминлашнинг инфляциян механизми биринчи марта оммавий кўламда Францияда 1790 йилларда синаб кўрилган эди. Ушанда қоғоз пуллар (ассигнациялар) чиқариш янги режимни молиявий таъминлашда энг муҳим манба бўлган эди. Ассигнацияларга даставвал давлат қарзларининг шаҳодатномаси сифатида қарашди ва ундан давлат ихтиёридаги кўчмас мулкни харид қилишда фойдаланишлари керак эди, аммо молиявий таназзул ўса боргани сайин инқилобий ҳукуматлар уларни қоғоз пул ўрнида фаол қўллаб бордилар.

Давлат харажатларини инфляциян молиялаштириш ўзининг ортидан стандарт (лекин ҳали у пайтларда маълум бўлмаган) иқтисодий оқибатлар занжирини етаклаб келди. Қоғоз пулларни таклиф қилиш ва кўпайгандан кейин нарх-наво жуда тез кўтарила бошлади ва тилла-кумуш пуллар муомаладан чиқиб кетди. Ҳукумат бунга пулнинг курсини мажбурий белгилаш билан жавоб берди, бунинг натижасида эса савдо аҳли қоғоз пулларни умуман олмай қўйишди. Шундан сўнг ҳукумат нарх-навони давлат томонидан бошқариш тўғрисида қарор қабул қилди — “максимум” нархлар белгиланди, шу йўл билан ассигнацияларнинг курсини кўтармоқчи бўлди ва тилла-кумуш пулдан фойдаланишни тақиқлаб қўйди. Бу фармойишни бузадиганларни ўлим жазоси кутадиган бўлди. Бунинг оқибати нима бўлиши маълум эди — пештахталардан товарлар ғойиб бўлди. Истеъмол молларини яширганни учун ҳам ўлим жазоси белгиланди ва бу қарорга мадад бўлсин учун истеъмол молларини ташқарига олиб чиқиш тақиқланди, озиқ-овқат маҳсулотларини ташқаридан олиб келишга давлат монополияси жорий қилинди. Аммо “максимум” тўғрисидаги қонуннинг таъсирида мамлакат ичкарасидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳалокатли тарзда камайиб кетди. Шафқатсиз жазоларга дучор бўлиш хавфига қарамай, нархларни тилла пул ҳисобида белгилаётган баққоллардан ташқари, қонун чиқарувчиларнинг ўзлари ҳам ўз маошлари тўғрисида қонун қабул қилишганда мўлжални олтинга қараб олишар эди.

Босма ускуна ва инқилобларда ҳам, даставвал Америка, Россия (1917-1922), Мексика инқилобларида бюджет харажатларини молиявий маблағ билан таъминлашда энг муҳим омил бўлган эди. 90-йилларнинг бошларида Россиядаги вазият буларга ўхшаб кетиши ўз-ўзидан аён кўриниб турибди.

Бундай сиёсатнинг муҳим макроиқтисодий оқибати халқ хўжалигининг тангасиз қолишига сабаб бўлди. Ҳозир бизда постсовет Россияда ЯИМда пул даражасининг кескин камайиб кетганини (тахминан 65%дан 15%га тушиб қолган) пеш қилиш одатга айланган. Бироқ бу жараён ўтмишдаги ҳамма машҳур инқилобларда содир бўлган. Яна шуниси борки, инфляция реал пул масаласининг камайишидаги омиллардан бири бўлган, холос. (Гап бу ўринда номинал пул масаласининг мунтазам равишда ўсиб бориши тўғрисида бораётгани йўқ — матбаа станокларининг иш суръати қанча тезлашса, пулнинг қадрсизланиши ҳам шунчалик кучайиб боради. Гап айти реал пул масаласи ҳақида бормоқда). Тангасизланиш жараёни инқилобий Англияда ҳам кўринган эди, ҳолбуки, унинг ҳукумати қўшимча пул чиқариш йўлини тутмаган. Гап шундаки, сиёсий беқарорлик ишбилармонлик соҳасидаги фаолликнинг пасайишига олиб келади, одамлар реал қимматга эга бўлган буюмларни кўпроқ жамғара бошлайдилар. Шунинг учун метал пуллар муомиллада сақланиб қолган тақдирда ҳам олтин ва кумуш муомиладан кескин камайиб кетади ва иқтисодиёт “пул очлиги”га рўпара бўлади.

Бундай курснинг иқтисодий оқибатлари ҳалокатли эканига қарамай, унинг сиёсий натижалари тўлалигича қониқарли эди: инқилобий тузумлар мустаҳкамланиб олади, бу эса вақти-соати билан инфляция тадбирларидан воз кечишга имкон беради. Аммо бир лаҳзалик муаммоларни ҳал қилишни таъминловчи оммабоп хат-

ти-ҳаракатларидан воз кечиш имконига эга бўлиш учун ҳокимият етарли даражада бақувват бўлмоғи керак.

Инқилобий ҳокимиятнинг омон қолишига имкон берувчи механизмлардан яна бири мулкни қайта тақсимлаш тадбиридир. Ҳамма инқилобий ҳокимиятлар ўз хатти-ҳаракатларини ерни (заводлар, фабрикаларни) халққа бериш билан боғлиқ юксак мафкуравий мулоҳазаларни изоҳлаб ёхуд адолатли ижтимоий-иқтисодий тизимни шакллантирамиз дея мулкни қайтадан тақсимлаб чиқади. Бироқ, жамики бундай ҳаракатларнинг реал мақсади ҳамisha янги тузум мавқеини мустаҳкамлашдан иборат бўлган. Айтиш керакки, бу ишлар қирол мулкларини секвестрлаш (яъни мулкдан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш) шаклида ёхуд мулкларни халқники деб эълон қилиш, хусусийлаштириш шаклида амалга оширилганми, барибир, бунинг аҳамияти йўқ.

Ҳозирги Россияда содир бўлаётган жараёнларни тушуниш учун мулкнинг инқилобий ўзгаришига хос икки хусусиятни англаш муҳим. Бу хусусиятлар тарихдан яхши маълум. Уларнинг бири ўтказилаётган тадбирларнинг қисқа ёки узоқ муддатга мўлжалланганлигининг нисбати ва иккинчиси мулкни қайта тақсимлаш механизми. Бу масалалар устида батафсилроқ тўхталсак ёмон бўлмас эди.

Янги замон тарихида биринчи марта мулкни қайта тақсимлаш вазифасидан инқилобий Англияда фойдаланган эдилар. Молиявий ресурслари чекланган ва сиёсий мададга муҳтож бўлган парламент ҳукумати, кейин эса Кромвель ўз манфаатлари йўлида ирланд исёнчиларига, реалистларга, черковга ва қиролга тегишли ерлардан фойдаланишга қарор қилади. Бу иш қисман ерларни нақд пулга сотиш йўли билан, қисман келажакда мулк сотиб олишга ҳуқуқ берадиган қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Ҳозирги даврдаги тадқиқотлар кўрсатишича, биринчи вариант сиёсий иттифоқчиларни сотиб олиш ва инқилобий ҳукмдорларга молиявий ҳамда ижтимоий таянч яратиб берувчи тадбиркорлар гуруҳлари манфаатларига хизмат қилишнинг ошқора усули бўлиб қолди. Мусодара қилинган ерларни биринчи бўлиб сотиб олганлар ҳукуматни молиявий маблағ билан таъминланган лондонлик савдогарлар, парламент учун жанг қилган маҳаллий дворянлар, парламент депутатлари ва мансабдорлари, инқилобий армиянинг генераллари — бўлди. Бошқача айтганда, ерларни сотиш Лондондаги сиёсий раҳбарият манфаатлари йўлида, уларнинг молиявий ва сиёсий иттифоқчилари манфаатлари йўлида амалга оширилган эди.

Худди шунга ўхшаш воқеалар Ирландиядаги ерларни сотишда ҳам рўй берган эди. Рост, бу ерларни қайта тақсимлаш жараёнида унга ўзига хос кучлантирувчи механизм ҳам қўшиб қўйилган эди: ерларни сотиб олишга ҳуқуқ берадиган қимматли қоғозлар чиқарилиб, бу қоғозлар экспедицион корпус аскарларига иш ҳақи ўрнида берилган. Шу билан ҳукумат ўзининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олди, армияда эса исённи бостириш йўлида бир илинж пайдо бўлди.

XVIII аср охирида Франциядаги инқилобий ҳодисалар жараёнида ер сотишнинг молиявий ва ижтимоий мақсадлари ўртасида кескин тўқнашувлар ҳам содир бўлди. Ўтқир молиявий таназзул ерларни имкон қадар қимматроқ сотишга ундар эди. Аммо кенг деҳқонлар оммасининг мададини қозониш учун ҳокимият ерни сотишни тезлаштиришга ва арзонлаштиришга кўнди. Бу мавзудаги мунозаралар тўхтовсиз давом этди. Аввалига, ҳади ҳамманинг шавқ-завқи яшнаб турган ва янги тузум омманинг маъқуллашига сазовор бўлган шароитда кўчмас мулкни сотишдан тузукроқ молиявий натижаларга эришишни кўзладилар. Шунинг учун ерни йирик-йирик бўлақларга бўлиб, тўлов муддатларини анча-мунча қисқартириб, илож борича нақд пулга сотдилар. Кейинчалик эса ижтимоий зиддиятлар кескинлаша боргани сари, бир қатор сиёсий инқирозлар содир бўлгач, давлат бюджетини моддий жиҳатдан молиялаштириш механизми кашф этилгач, хусусийлаштиришнинг ғазнавий мақсадининг аҳамияти сезиларли даражада заифлашади. Биринчи ўринга ижтимоий-сиёсий муаммолар чиқади: майда мулкдорлар томонидан ер харид қилинишини рағбатлантириш тўғрисида, тўлов муддатларини кескин тарзда узайтириш ҳақида (инфляцияни ҳисобга олганда ерни тақсимлаш салкам текин бўлиб қолади), пулни хуёсий қўлларга ўтказиш жараёнида асигнациялар ролини кучайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Большевиклар ва Мексика инқилоби шароитида мулкка эгаллик масаласининг

ижтимоий-сиёсий жиҳати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Миллийлаштириш (яъни “халқ мулки” деб эълон қилиш) инқилобий тузумнинг омон қолишини кўзлаб ўтказилган эди. Бунда аввал миллионлаб деҳқонларнинг мададини қозониш кўзда тутилди, кейин эса саноатда фуқаролар урушида куч ва маблағларни жамлаш учун шундай қилинди. Маълумки, мулкни дарҳол миллийлаштириш асосий дастурий талаблар қаторига кирмасди ва инқилоб арафасида бу масала иқтисодий сиёсатнинг биринчи навбатда хал қилиш зарур бўлган тадбири сифатида кўриб чиқилган ҳам эмас. Аммо сиёсий кураш натижасида вужудга келган шароит вазиятга мувофиқ келувчи муайян тадбирлар тизimini амалга оширишни тақозо қилди. Яна бунинг устига у тадбирлар умуман ўша даврдаги мафкуравий кайфиятга ва хусусан, коммунистик мафкурага мос келарди.

Мулкка эгалик масаласининг инқилобий ўзгариши бир қатор муштарак белгиларга ва оқибатларга эга. Аввало шуниси борки, мулкни савдога қўйиш ҳамма вақт ҳам кутилгандай самара беравермайди. Бу ерда гап мулкни қайта тақсимланишининг ғазнавий ва ижтимоий вазифалари ўртасидаги зиддиятдагина эмас, балки бундай зиддият натижасида инқилобнинг муайян босқичида (радикал босқичида) олди-сотдининг қиммати ҳамиша инқилобий суръатларга қурбон қилинади, ғазнавий натижа эса сиёсий натижага бўйсундирилади. Масаланинг моҳияти яна шундаки, мулкни сотишдан ғазнага тушадиган даромадни ҳисоблаганда бутун ҳисоб-китоб унинг инқилобдан аввалги, яъни анча юқори қимматига асосланган бўлади. Инқилобий шароитда эса унинг нархи анча тушиб кетган бўлади: бу ишда сиёсий беқарорликнинг таъсири яққол сезилиб туради (негаки, инқилоб мағлубиятга учрайдиган бўлса, мулкнинг олди-соттиси қайтадан кўриб чиқилади-да). Бундан ташқари мулкни оммавий тарзда улашиш-у бозорга қўйишнинг ўзи ҳам таклифни мўл-қўл қилиб қўяди ва бу эса нархни тушириб юборади. (Албатта, давлат мулкни сотиб олгандан кейин унинг учун тўлов муддатларининг узайтирилиши, савдо-сотикни аста-секин амалга ошириш жуда катта ғазнавий самара бермоғи мумкин, лекин ўзининг омон қолиш масаласини “шу ернинг ўзида ва дарҳол” ҳал қилаётган ҳокимият учун берилган вақт доим тифиз бўлади).

Инқилобий босқич учун муҳим бўлган яна битта ҳолат бор: қимматли қоғозлардан фойдаланишнинг ўзи ҳам кўчмас мулкнинг нархини тушириб юборади. Молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган ҳукумат бу қоғозларни керагидан ортиқ чиқаришдан ўзини тия олмайди, уларни олган фуқаролар эса анча-мунча ортиқ тўлаб бўлса ҳам қоғозлардан тезроқ қутулиш ҳаракатида бўлади (инқилобий сиёсий беқарорлик шароитида бу мутлақо табиий ҳолдир). Натижада инқилоб йилларида кўчмас мулк нафақат арзон-гаров сотилади, балки уларнинг кўп қисми чайқовчиларнинг қўлига ўтиб кетади ва кейинчалик яна бошқатдан сотиб юборилади. Табиийки, кейин сотишдан олинадиган даромад ҳукуматнинг киссасига тушмайди.

Бу жиҳатдан ирландлар тажрибаси гоят эътиборга лойиқ. Инглиз аскарларига исёнчиларнинг ерларини сотиб олишга ҳуқуқ берадиган далолатномалар тарқатилган эди. Уларнинг кўп қисми бир зумда шу кезларда аскарлар орасида фаол “иш олиб бораётган” молиячиларнинг қўлига ўтиб кетган: ахир, бу қоғозларга ерни ҳарбий ҳаракатлар тугагандан кейингина олиш мумкин эди, бу қоғозлар — ваучерлар учун эса дарҳол “нақд пул” олиш мумкин эди. Ўз-ўзидан аёнки, у ўз нархидан анча арзон бўлади. Ирландлар ғалаёни бостирилгандан кейин маълум бўладикки, ерларнинг кўп қисми инқилобий аскарларнинг қўлидан чиқиб, бир тўда бадавлат одамларнинг қўлига ўтиб кетибди. Ўтганда ҳам, арзон-гаров ўтибди.

Ҳозирги Россияда инқилобий йўллардан ўтган бошқа мамлакатлардаги каби мулк муаммосида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва молиявий масалаларнинг турли жиҳатлари мужассамлашган. Хусусийлаштиришни амалга оширганда, бу тадбир мамлакат иқтисодиётининг самарадорлигини кескин оширишни таъминлайди, жаҳондаги тараққий этган индустриал мамлакатлар билан орадаги жарликни енгиб ўтишга ёрдам беради, деб ўйлашганди. Албатта, натижа бутунлай бўлакча бўлиб чиқди. Агар, воқеаларнинг сиёсий авра-астарини инобатга олмай, гайри тарихан мулоҳаза юритадиган бўлсак, уларнинг ривожидан ҳафсаламиз пир бўлиб, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиши турган гап. Аммо Россиядаги ўзгаришларни

инқилобий жараён тарзида идрок этадиган бўлсак, бу ҳол таҳлилимизга жиддий аниқликлар киритиши мумкин.

Дарҳақиқат, хусусийлаштириш ижтимоий-иқтисодий вазифалардан ташқари (самарадор мулкдорни шакллантириш) бошқа масалаларни ҳам ҳал қилмоғи керак — инқилобий жараён нуқтаи назаридан уларнинг аҳамияти бошқаларникидан кам эмас. Булар — инқилобий ҳокимиятни қўллаб-қувватлайдиган, иттифоқларни шакллантириш ва давлат бюджетини тўлдириш кабилардир. Қолаверса, ҳали давлат ҳокимияти заифлигича қолаётган бир шароитда айна ана шу вазифаларни ҳал қилиш энг муҳим иш бўлиб чиқади, самарадор мулкдорни шакллантириш вазифаси эса сиёсий таназзул енгиб ўтилгандан кейингина долзарблик касб этади. шуниси ҳам аёнки, сиёсий вазият барқарорлашмагунча ва ҳокимият бақувват бўлиб олмагунча жиддий тадбиркорлар ўз маблағларини етказишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар, бинобарин, самарадор-мулкдор ҳам бўлмайди.

Айтилганлардан нима учун хусусийлаштиришнинг биринчи босқичларида Россияда кўпроқ бозор демократиясининг ижтимоий-сиёсий заминини мустаҳкамлаш вазифалари ҳал қилингани аён кўриниб турибди. Ваучер механизми самарадор бўлмади ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Буни ислоҳатчиларнинг ўзи ҳам тан олишди: қисқа муддатда олиб қаралса, у ҳокимиятга мадад берди, ўртача муддатда олиб қаралса янги рус иқтисодиётининг барқарорлигидан манфаатдор бўлган мулкдорлар синфини шакллантиришга ёрдам берди. Айна ваучер ёрдамида амалга оширилган хусусийлаштириш аксиломмунистик ва аксилинфляцион иттифоқни шакллантиришга имкон берди, бу эса макроиқтисодиёт ва сиёсий барқарорликнинг дастлабки вазифаларини ҳал қилишни таъминлади.

90-йилларнинг ўрталарида янги ҳокимият мустаҳкамлана боргани сайин ва бюджет таназзули чуқурлашиши муносабати билан хусусийлаштиришда диққат эътибор маркази ғазна билан алоқадор масалаларга кўчди. Инфляцион солиқдан маҳрум бўлган ҳукуматга пул керак эди. Хусусийлаштириш — пулнинг асосий манбаи бўлиб қолиши мумкин эди. Бу аввал шаклланиб қолган иттифоқнинг барқарорлигига путур етказа бошлади. Аммо ҳукумат ўзини янги манфаат гуруҳларига қарши тура оладиган даражада бақувват ҳис қилди ва бу 1997-1998 йилларда сиёсий курашни кучайтирган омил бўлди. Айна ана шу кураш асосида кейинги босқичга ўтиш учун зарур бўлган сиёсий шароит шаклланди. Бу босқич — инқилобдан чиқиш, сиёсий барқарорланиш ва вақти-соати келганда самарадор мулкдорнинг шаклланиш босқичи эди.

ИНҚИЛОБНИНГ ХОТИМАЛАНИШИ

Мамлакатда инқилоб хотималанмоқда. Радикаллар ҳукумати йиқилгандан кейин собиқ радикаллар билан мўътадиллар ўртасида муросаи мадорага асосланган тузум шаклланди. Бу мўътадиллар етарли даражада прагматик эдилар, шунинг учун ҳам инқилобий кўтарилишнинг бўронли йилларида омон қолдилар, ҳукумат таркибидан чиқиб кетишмади ёхуд ҳукуматнинг ёни-веридан унча узоқлашишгани йўқ. Ҳаёсиз муросалар замони, ҳаёсиз сиёсатбозлар замони келяпти. Бу сиёсатчиларнинг кўпчилиги шунчаки жон сақлаб қолгани йўқ, балки туппа-тузук бойиб ҳам олишди. Деярли ўн йил мобайнида тўхтамай, шитоб билан давом этган мулкни қайта тақсимлаш жараёни жуда ҳам уларнинг жонига оро кирди.

Аста-секин молиявий вазият ҳам тинчиди. Инфляция босиб қўйилди. Деярли бир вақтнинг ўзида ҳукумат ички қарзининг каттагина қисмига дефолт эълон қилди, бу билан ҳам кифояланмай, ҳукуматнинг ўзи қарзининг қанчасини кимга тўлашини, кимга эса тўламаслигини эълон қилди. Аммо ижтимоий вазият нохушроқ қолишда давом этди, халқ орасида эски тузумни, унинг бағридаги барқарорлик ва хотиржамликни қўмсаш кучайди. Ҳамма тинчликни, барқарорликни истади. Ҳамма буқувват ва оммабон раҳбарни кутади. Парламентда шиддатли баҳслар, ўткир мунозаралар бўлиб ётипти, лекин муросасиз сиёсий кураш вазиятнинг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келаётгани йўқ ва бу ошқора тарзда халқнинг ғашини келтиряпти.

Буларнинг бари бугунги Россия ҳақида эмас, балки 1795-1799 йиллардаги Франция тўғрисида Якобинчилар ҳукумати йиқилгандан кейин мамлакатда юза-

га келган Директория ўрнатган тузум ҳақида, аста-секин машҳур 18-брюмер тўнтарилиши учун шарт-шароитнинг пишиб етилиши тўғрисида. Маълумки, бу тўнтариш оқибатида Директория йиқилган ва Консуллар тузуми шаклланган эди. Амалда эса консуллар тузуми воситасида Напалеон Бонапарт шахсий ҳокимиятини ўрнатганди. Биринчи Консул бўлган Напалеон кейинроқ ўзини император деб эълон қилди.

Инқилобдан чиқиш жараёни давлат ҳокимиятининг мустаҳкамланиш жараёнидир. Бу турли-туман раҳбарий гуруҳларнинг мавқеини аста-секин яқинлаштиришни тақозо қилади, ижтимоий ҳаётнинг етакчи масалаларида мурсаи мадоранинг кучайишига олиб келади. Миллатнинг инқилобий қуввати бита боргани сари ҳукмрон элитанинг аста-секин жипслашиши содир бўлади ва у ўзининг хатти-ҳаракатлари учун кенгроқ майдонга эга бўлади. Жипслашган ҳокимият одамларга унча манзур бўлмайдиган, ҳатто оғир ботадиган, малол келадиган, лекин молиявий иқтисодий аҳволни соғломлаштириш учун мутлақо зарур бўлган тadbирларни амалга оширишга ўзида куч топади. Моҳиятан олганда, бу инқилобий можароларсиз, фавқуллодда ҳовлиқишларсиз нормал иқтисодий сиёсатга қайтишни билдиради. Шаклан бу ҳукуматнинг ўз маблағларига қараб яшашга интилишида, мамлакатнинг молиявий тузумининг барқарорлигини таъминлаш истагида намоён бўлади. Шунинг учун инқилобнинг сўнгги босқичи учун характерли белги ишлаб чиқаришнинг депрессив ҳолати ва бюджетдан озикланадиган соҳаларнинг чала молиялаштирилиши бўлади. Шуниси ҳам борки, инқилобий ҳукуматлар аввал инфляцион механизмдан нечоғлик фаол фойдаланган бўлсалар, унинг кетидан юз берадиган бюджет таназули шунчалик кескинроқ бўлади.

Бoshqача тарзда ҳам айтиш мумкин. Инқилобнинг сўнгги даврида умуман иқтисодий муаммоларнинг ва хусусан бюджет таназулининг кескинлашиши жипслашган элитанинг ва ўз кучларини тиклаётган сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос аҳволи билан боғлиқдир. Ҳокимият энди анча мустаҳкамланиб олган, энди у манфаат гуруҳларининг кўнглини олмоқ учун ўлиб-тирилмаса ҳам бўлаверади, эндиликда у ҳаммага хуш ёқадиган тadbирларни амалга оширмаслиги ҳам мумкин, лекин у ҳали анчагина заиф ва қашшоқ, у ҳали ўз олдида турган кўпдан-кўп вазифаларнинг ҳаммасини бажаришга ожизлик қилади.

Ҳозирги Россияда маълум тарихий сабабларга кўра “бақувват давлат” деганда одатда фирмаларнинг хўжалик фаолиятига фаол аралаша оладиган, молиявий ресурсларнинг анча-мунча қисмини бюджет орқали қайта тақсимлай оладиган давлат тушунилади. Менинг назаримда эса бақувват давлатни “Кичик шаҳзода” даги Қирол билан қиёсласа ўринли бўлар. Бу қирол куёшга чиқишни ҳам, ботишни ҳам буюра оларди, бироқ бу буйруғини фақат куёш чиқаётганда ёки ботаётганда берарди. Бунинг устига қирол жуда ақлли эди, у мутлақо ҳақли равишда улуг қирол ақлли бўлмоғи керак, у ўзининг имкониятларини ҳам, фуқароларинининг имконини ҳам соғлом баҳолай олмоғи даркор деб ҳисобларди. Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик — давлатпаноҳ баъзи яқинларининг илтимоси билан куёшдан ярим соат олдин чиқишни талаб қилса, баъзан аёнлари эса келаётган бир йил мобайнида куёшнинг ботишини бекор қиладиган фармонни имзолашни илтимос қилса, нима бўларди? Албатта, бу бемаъни гап, аммо қишлоқ тарафдорлари, саноатчилар, минтақалар ва ҳоказолар пулни қаердан олишни ҳисоб-китоб қилмай, даромаднинг қандай эканини суриштириб ўтирмай, бюджетга янгидан-янги харажат моддаларини киритишни талаб қилишлари бундан ҳам ортиқроқ даражадаги бемаъниликдир.

Шундай қилиб, бақувват ҳокимиятнинг энг муҳим белгиси ўз имкониятларини, кўли етадиган ресурсларини реал баҳолай билиш қобилиятидир. Алланечук норéal нарсаларни талаб қилишганда “йўқ” дея олиш иқтидоридир. Албатта, бақувват давлатнинг шаклланиши бир дақиқада содир бўладиган ҳодиса эмас. Бу жараён фурсат талаб қилади ва муайян босқичлар орқали ўтмоғи керак.

Давлат инқилобий давр учун характерли бўлган заифликни аста-секин енгиб ўтади. Аввалига гап хоббистларни чеклаш, харажат мажбуриятларини ҳокимиятнинг имконияти даражасидаги соғлом молиявий манбалар билан чеклаш тўғрисидагина боради. Бу ижтимоий ва сиёсий конфликтлар рўй бериши мумкинлигига

қарамай, давлатнинг қўшимча пул чиқармаслик қобилиятидир. Кейинроқ эса солиқ юкини ақл бовар қилмайдиган даражадан юқорига олиб чиқмасликдир.

Бақувват давлат муайян бақувват шахсининг мавжудлигини ҳам тақозо қиладди. Яна айтиш керакки, бу ўринда нафақат шахс, балки ҳокимият тепасига келиш механизми ҳам муҳим. Гап шундаки, бўлак-бўлақларга бўлиниб кетган, бир-биридан кескин фарқланувчи мақсадларга эга бўлган элитанинг ўзи бирлашмоққа қодир эмас. Амалда муросаи мадора дастурини шакллантиришнинг иложи йўқ: кўпинча мақсадларнинг ўзи буткул бир-бирига зид бўлади ва ҳар гал тарафдорларни бирлаштиришга уриниш ундан кучлироқ бўлган қаршилар уюшмасига тўқнаш келади. Раҳбариятдаги ҳар бир гуруҳ бошқа бир гуруҳнинг таъсири кучайишидан қўрқади. Шунинг учун раҳбарлик ўрнини эгаллаши мумкин бўлган ҳар бир номзод мўлжалга олиб қўйилган бўлади ва бу йўлда ҳаракат бошлаши билан рақобатчи ҳамкасбларининг аёвсиз танқидига учрайди. Худди шунинг учун ҳам инқилобнинг сўнгги босқичида ҳаммаша ҳаммага маълум-машҳур бўлган, лекин сиёсий раҳбарликка даъвоси бўлмаган сиёсатчи етакчи раҳбар ўрнига ўтиб қолади.

Энди яна бироз Директориядан Консулликка ўтиш давридаги Франция тўғрисида икки-уч оғиз гаплашайлик. Ҳокимият тепасига ҳамма кутган одам келди. Бу одам маълуми машҳур эди, одамлар ўртасида обрўи катта эди, лекин ҳеч ким ундан иқтидорли сиёсий раҳбар чиқади деб кутмаган эди. У раҳбариятни бирлаштира билди, бироқ — нима десак экан — салбий асосларда бирлаштирди. Узро чиқишмайдиган гуруҳларнинг раҳбарлари бир-бирларини кўрага кўзлари йўқ эди, лекин уларнинг ҳар қайсиси одамлар ўртасида обрўи катта бўлган генерал унинг сиёсий даъволарини рўёбга чиқаришда ва уларнинг сиёсий рақиблари билан курашда унинг йўриғидан чиқмайди, деб ўйларди. Лекин кейинчалик маълум бўлдики, Директория қаҳрамонларининг ҳеч қайсиси янги раҳбарга керак эмас экан: жуда қисқа муддат ичида улар реал ҳокимиятдан четлатиладилар ва сиёсат майдонида унутулиб кетдилар. Тўғри, уларнинг айримларига дағалроқ муомала қилинган бўлса (пойтахтдан бадарга қилинади), баъзилари фахрий унвонлар-у мукофотлар билан кузатиб қўйилди. Бироқ улар учун ҳам, булар учун ҳам сиёсий оқибатлар бир хил бўлган эди.

Бунда айтилган гаплар бир ҳолни кўп жиҳатдан изоҳлаб беради: бизда сўнгги йиллар мобайнида президент бўлишни мўлжаллаган сиёсатчи бир неча ой ичидаёқ ўзининг обрў-эътиборидан ажралиб қолаверди. 90-йилларнинг иккинчи ярмида олий ҳокимиятга даъвогар бўлган ҳар қандай номзод аёвсиз танқидлар бўронига рўпара келди. В.Путиннинг бахти шунда эдики, аввалига уни ҳеч ким ворис сифатида жиддий қабул қилгани йўқ. Бу ҳол ундаги сиёсий сезгирлик билан қўшилган тарзда янги сиёсий вазиятни шакллантириб улгуришга имкон берди. Бу шароитда ҳар бир арбоб дамини ичига ютиб, янги раҳбардан ўз режаларини рўёбга чиқаришни кутиб ётибди.

Ҳозирги Россиядаги ўзгаришларнинг инқилобий характерини англаш сўнгги ўн-ўн беш йил мобайнидаги ривожимиз тарзини ва бўлажак истиқболни тўғри баҳолаш учун фоятда муҳим аҳамиятга эга. Ахир, бошимизга тушган савдоларнинг ҳеч қайсиси бетакрору бемисл эмас, аксинча, улар фарб цивилизациясининг тажрибасига батамом мос келади.

НИҲОЯТ ХУЛОСА. АВВАЛЛАРИ АЙТИШГАНИДЕК, ЖОРИЙ КУНЛАР ҲАҚИДА

Россия инқилобни бошидан кечирди. Бу инқилоб куттилган натижани бермади. Кўпчиликнинг фикрига кўра, озодлик ҳаракатининг ижобий ютуқлари бизнинг кунларимизда ҳам кам деганда муаммолигича қолиб келмоқда.

С.Н.БУЛГАКОВ, “Қаҳрамонлик ва фидойилик”.

Бугунги кунда ўн йиллик ичидаги ривожимизнинг якунлари тўғрисида гапириш одобдан эмас, деб ҳисобланади. Ҳолбуки, бу натижалар кишини лол қолдирмас-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

лиги мумкин эмас: шунини эслаш кифояки, 1992 йилга келганда мамлакат давлат ҳокимиятининг асосий устуңларисиз қолган эди ва амалда уларни уюштиришнинг демократик аъналаридан маҳрум эди.

Инқилобий даврнинг ҳамма мушкулотларига қарамай, ўтган ўн йилликнинг асосий якуни шундаки, демократик Конституция бор, у ҳуқуқлар ва эркинликларни кафолатлайди. Россия фуқаролари илгари ҳеч қачон бунақа Конституцияга эга бўлган эмас. Айни ана шу Конституция шарофати билан мамлакатимизда 1993 йилнинг декабридан бери сиёсий барқарорлик ҳукм суриб келяпти. Айни ана шу Конституция сўнги йиллардаги жамики кескин сиёсий курашни раҳбарият доирасидан четга чиқармасликка имкон берди ва уни демократик механизмлар ҳамда жараёнлар ҳудудида ушлаб турди.

Мамлакатда чинакам сўз эркинлиги мавжуд. Бунақаси Россияда ҳеч қачон бўлган эмас. Бизнинг оммавий ахборот воситаларимизга бўлган ҳамма таънадашномларимизга қарамай, цензура остидаги матбуот замонларига қайтишга ҳеч ким рози бўлмаса керак.

Бизда амалдаги парламент мавжуд — у Россия тарихида биринчи марта ўлароқ умумий, бевосита, тенг ва яширин сайлов ҳуқуқи асосида шаклланмоқда. Ҳаётда чинакамига кўппартиялилик қарор топди. Федерация бор — тўғри, ҳали унинг зиддиятлари кўп, марказ билан минтақалар ўртасидаги муносабатлар тўла ва бекамму кўст ишга тушиб кетганича йўқ. Лекин шунга қарамай, бу реал Федерация — Россия тарихида бунақа Федерация ҳеч қачон бўлган эмас. Айтиш керакки, унинг тарқалиб кетишига йўл қўймасликка муваффақ бўлинди. Ҳолбуки, бу хавф 90-йилларнинг бошида чиндан-да, мавжуд эди.

Биз бозор иқтисодиётининг асосларини, унинг пойдеворини шакллантирдик. 20-йилларнинг ўрталаридан бери биринчи марта конвертация қилинадиган валютага эга бўлдик. Рубль етарли даражада барқарор эмас, лекин бу ҳақиқий пул, унга соатлаб ёки ҳатто йиллаб навбатда турмай, истаган буюмни харид қилса бўлади.

Россияда кўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган даражадаги хусусийлаштириш ўтказилди. Унинг натижалари жамики мунозараларга сабаб бўлмоқда, бироқ хусусийлаштиришни амалга оширишнинг ўзи батамом янгича иқтисодий ва сиёсий муҳитни вужудга келтирди. Хусусий мулкчилик яна ошқора яшаш имконига эга бўлди, бу эса ҳокимият масъулиятли сиёсат олиб борадиган бўлса, мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш учун туртки олишининг гарови бўлиб хизмат қилади.

Бир нарсани унутмайлик: буларнинг бари, сирасини айтганда, энг бошидан, ҳеч қандай тажрибасиз ва тарихий хотирасиз бошланган — тарихий хотирамиз ХХ асрнинг кўп қисми мобайнида бутунлай ситиб чиқарилган эди. Яна бир нарсани унутмайлик: сўнги ўн йилликнинг жамики мушкулотларига қарамай, биз берган қурбонлар ва талафотларни ватанимиз тарихининг аввалги босқичларидаги қурбонлар ва маҳрумийатлар билан қиёслаб бўлмайди. Бу босқичларда Россия ўз мавжудлигининг иқтисодий-сиёсий шароитини тубдан янгилаш вазифаларини бажарган эди. Биз аввалги сиёсий-иқтисодий тузумни амалда қонсиз (тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам) демонтаж қилишга муваффақ бўлдик. Шуниси ҳам борки, бу ишни тарихан жуда қисқа муддатларда, ислохотларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаган ҳолда ва мамлакатдаги сиёсий элитанинг аста-секин жипслашишига эришиб амалга оширдик.

Қолаверса, Россия бугун рўпара келишга мажбур бўлаётган муаммолар ва ҳатто инқирозларнинг характери бизнинг жуда жиддий тарзда олға кетганимиздан далолат беради. Эндиликда қуруқ пештахталар ва ялпи товар дефицити билан боғлиқ ғаройиб инқирозлар йўқ — улар ривожланиш даражаси паст бўлган, эскича хўжалик тизимига амал қиладиган мамлакатларга хосдир. Бизнинг бугунги муаммоларимиз ҳар қанча азиятли ва ёқимсиз бўлмасин, ҳозирги бозор иқтисодиётига асосланган тизимлар учун типик бўлган инқирозлардир. Бу инқирозларни енгиб ўтиш йўллари ҳам етарли даражада яхши маълум.

Ўтган ўн йилликнинг натижаларини баҳолаш эканмиз, фавқулодда муҳим бир хулосага келамиз: биз коммунистик давр меросига, коммунизмнинг “туғма доғларига” узил-кесил хотима қўя олдик.

Коммунистик иқтисодий-сиёсий тизимнинг энг муҳим хусусиятлари қуйидагича:

мулкни ялпи давлат ихтиёрида бўлиши. Хусусий мулкка ва фуқароларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятига йўл қўймаслик, ҳар бир одамнинг ҳаёти ва меҳнати тўлалигича давлатга қарам экани;

моҳиятан демократиянинг йўқлиги, тоталитар мафкурага асосланган сиёсий тоталитаризм;

бозор рағбатлари ва бозор механизмининг йўқлиги оқибатида туғилган товар дефицити. Товар дефицити ҳамма даврларда ва ҳамма мамлакатларда коммунистик тизимнинг ажралмас белгисидир.

Бугунги Россияда буларнинг ҳеч қайсиси йўқ. Бу эса қуйидаги хулосани чиқаришга имкон беради: Россияда ўтиш даври амалда ўз хотимасига етди. Россия бозор иқтисодиёти амал қиладиган ва демократик Конституцияга эга бўлган мамлакатга айланди. Россиянинг бундан кейинги ривожланиши, унинг муваффақиятлари ёхуд мушкулотлари, сакрашлари ва инқирозлари XX асрнинг сўнгги ўн йиллигининг ана шу фундаментал натижасига боғлиқдир.

Албатта, Россиянинг олдида ҳали кўпдан-кўп мураккаб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар турипти. Таназзул ҳали тўлалигича енгиб ўтилгани йўқ, иқтисодий жонланиш ҳамон беқарорлигича қолмоқда, сиёсий вазият ҳам анча-мунча мураккаб. Макроиқтисодий вазиятда барқарорликни мустаҳкамлаш, инвестицион фаоллик ва ўсиш учун қулай шароитларни яратиш, замонавий ижтимоий соҳани барпо этиш ва ҳоказолар талаб қилинади. Бироқ бу вазифаларнинг ҳеч қайсиси энди коммунизмдан чиқишга ўхшаган даражада радикал эмас. Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари олдида шунга ўхшаш вазифалар турган ва бугун ҳам туришда давом этмоқда.

Элитанинг жипслашиш жараёни бошланди. Агар, 1995-1996 йилларда етакчи партиялар ва президентликка номзодларнинг дастурлари бир-бирлариникидан кескин ажралиб турган бўлса ва бир-бирига сира мос келмайдиган тарзда бўлса, эндиликда аҳвол бутунлай ўзгарди. Маршалларни (сталинчиларга ўхшаган тоифаларни) бир чеккага қўйиб турсак, асосий сиёсий кучларнинг дастурлари эндиликда бир-бирига сира мос келмайди деб бўлмайди. Албатта, уларда муаммоларни талқин қилиш бир-бирдан кескин фарқ қилади. Аммо дастурий ҳужжатлар эндиликда бозор иқтисодиёти қонунлари руҳида ёзилган. Улардаги фарқлар эндиликда кўр одам билан кар одам ўртасидаги (тўғрироғи, соғ одам билан кўр, кар ва гунг одам ўртасидаги) мунозарани эслатмай қўйди, балки 1940-1950 йиллар оралиғида Британия лейбористлари билан консерваторлари ўртасидаги муросасиз курашга ўхшаб кетади (ўшанда лейбористлар жуда қизиқлашиб кетишган, консерваторлар эса янада консерватор бўлиб қолишганди, лекин на улар, на булар марксча-ленинча социализм қуришни хаёлларига келтиришган).

Ҳамма хусусий мулкчиликнинг муҳимлигини эътироф этади ва ҳеч ким жиддий тарзда кенг кўламда миллийлаштириш зарурлиги тўғрисида гапирмайди. Суд жараёнида дастлабки шарт-шароитларга амал қилинмагани аниқланган тақдирдагина хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқишга йўл қўйилади. Албатта, бу масала билан боғлиқ равишда жуда кўп саволларни ўртага қўйиш мумкин (масалан, “пролетариат диктатураси” шароитида судларнинг мустақиллик тўғрисида ёки минтақа кўламидаги авторитар раҳбар ҳақида), аммо ўз-ўзича олинганда масаланинг бундай қўйилиши “талончиликка ўхшаган хусусийлаштириш”нинг натижаларини ялпи қайта кўриб чиқиш ҳақидаги талаблардан тубдан ажралиб туради.

Ҳамма макроиқтисодий барқарорлик, ноинфляцияни пул сиёсатининг, бюджет барқарорлигининг муҳимлигини эътироф этади. Валюта назоратини ташкил қилиш масаласидаги келишмовчиликлар эса (рублини конвертация қилишни тақиқлаб қўйиш бобида ўртага ташланадиган айрим тақлифлар ҳар қанча гаройиб кўринмасин) XX аср ўрталаридаги ғарб демократияси учун ҳам буткул бегона эмас. Солиқ сиёсати бобидаги мавқеларида яқинлик бор, ташқи иқтисодиёт фаолият масалаларидаги қарашлар ўртасида ўтиб бўлмас жарлик йўқ.

Мавқеларнинг яқинлашганидан далолат берувчи янада ёрқин далил давлат ду-

масининг фаолиятидаги дастлабки кунлар бўлди (2000 йилнинг январидagi) Дума мажлиси очилган дастлабки дақиқадаёқ маълум бўлдики, ҳукуматга тарафдор кучлар билан коммунистлар ўртасида жиддийроқ келишмовчиликлар йўқ экан ва улар ўзаро осонгина бир бутунга келишлари мумкин экан. Йўл-йўлакай аён бўлдики, “ҳокимият партия”си билан РФКПни ажратиб турган асосий фактор — давлат раҳбари сифатида Б.Ельцин шахсиятининг ўзи экан, у билан коммунистик раҳбарлар ўртасидаги бир-бирига кескин нафрат экан. Ельциннинг кетиши билан маълум бўлдики, бошқа жиддийроқ тафовутларнинг ўзи тагида йўқ экан. Албатта, мунозаралар бўлади, бўлганда ҳам жуда кескин мунозаралар бўлади. Бироқ улар кўпроқ “эгардан тушиб қолмаслик” учун бўлади, шекилли, яъни “ҳукумат таклиф қилади, муҳолифот эса танқид қилади, кейин эса иккала томон ҳам бир-бирларининг елкаларига қўл ташлашиб, пиво ичгани отланишади” қабилда бўлади. “Ҳазрати олийларининг ҳукумати” ва “ҳазрати олийларининг муҳолифати” шундоқ бўлмоғи керак-да!

Ўз-ўзидан равшанки, бундай вазият демократия ёхуд коммунизмнинг ғоявий тарафдорларига унча маъқул келмайди. Аммо инқилобдан кейинги жипслашиш айна шунақа тарзда рўй беради ва бизга у ҳамиша ана шундай табиий тарзда ва нисбатан тинч-готув воқеа бўлишини орзу қилиш қолади, холос. 20-йилларнинг биринчи ярмида янги иқтисодий сиёсат авжи қизиб турган шароитда “онгли” ишчилардан бири танишига ёзган мактубида вазиятга шундай таъриф берган экан: “Тўғри, лекин жуда бемаза”. Ўшанда воқеаларнинг “тўғри, лекин бемаза” бориши янги иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини парчалаб ва “катта тозалашлар” ҳамда катта қон тўкишлар даврини бошлаб, турмушни яхшироқ ва хуррамроқ қилишни истаганлар томонидан барбод этилди.

Россиянинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривож истиқболи, умуман олганда, XX асрнинг сўнгги 30 йиллик тажрибаси ва хусусан олганда, инқилобларнинг хотималаниш тажрибасида яққол кўриниб турипти.

Шўро тузумининг инқирози жаҳондаги муайян ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар давридаги воқеа бўлди. Бу ўзгаришларнинг моҳияти индустриал жамиятларнинг постиндустриал жамиятларга айланишидадир. Шўролар Иттифоқи Ғарб билан мусобақалашар экан, постиндустриал давлатларга мослаша олмади ва ўзининг индустриал тизимининг оғирлигига дош беролмай қулади. Чунки бу тизим электроника ва информатикага эмас, чўян ва пўлат ишлаб чиқаришга, ҳозирги замон одамнинг эҳтиёжларини қондиришга эмас, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эди (ҳолбуки, ҳозирги замон одамисиз ҳозирги замон ишлаб чиқариши ҳам йўқ!) Шўро тизими постиндустриал қадриятларга йўналтирилган маълумотли инсонни шакллантирди, аммо унинг ана шу қадриятларни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган маъқул шароитларни яратиб бера олмайди.

Шунинг учун воқеалар маъқул тарзда ривож топганида (яъни сиёсий зилзилаларсиз ва арзон-гаров тажрибаларсиз) мамлакат ривожининг ишлаб чиқариш соҳасидаги истиқболи етарли даражада аниқ кўриниб қолади. Индустриал жамиятнинг постиндустриал жамиятга айланиш даври учун характерли структурал ўзгаришлар содир бўлади. 20-йилларда оғир инқироз ҳолатига қарамай, постиндустриализм учун характерли бўлган нисбатлар томон йўналган стихияли силжишлар бошланиб кетганди.

1980 йилда 37 фоизни ташкил қилган хизмат кўрсатиш соҳаси 90-йилларнинг охирига келиб, 49-51 фоизга етди. Хизмат кўрсатиш улушининг кўпайиши ва ишлаб чиқариш улушининг қисқариши ҳозирги замон иқтисодиётининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасидаги умумий салбий динамикага қарамай, автомобиллаштириш ва телефонлаштириш кўрсаткичлари ўсишда давом этди. Бу соҳада собиқ СССРнинг умумжаҳон кўрсаткичларидан ортда қолиши жуда салмоқли эди. Аҳолини телефон аппаратлари билан таъминлаш 2,5 марта кўпайди (ёки 100 та оилага ҳисоблаганда 3 баравар ошди), шаҳарлараро телефон кабелларининг узунлиги эса 50 марта (1985 йилдагига қараганда 35 марта ортди). 90-йиллар давомида фақат рўйхатга олинган факсларнинг ўзигина 2 миллиондан 111 мингга кўпайди, улик телефонларнинг сони эса 1994 йилдан 1998 йилгача деярли 30 бараварга ортди. (1999 йилнинг охирига келганда уяли телефон абонентларининг миқдори ҳар ойда

100 мингдан орта бошлади). Худди шу давр ичида телевизион станцияларнинг миқдори 3 барабар кўпайди. 1980 йилдан бошлаб, енгил автомобиллар сони 3,5 барабар ошди (фақат 90-йилларнинг ўзида эса 2 мартага кўпайди).

Компьютерлаштириш жуда тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда. 1997 йилда ўтказилган аҳолидан сўраш натижаларига қараганда мамлакатдаги оилаларнинг 3 фоизи уйда компьютерга эга экан, Москвада эса ҳар ўн оиладан биттасида компьютер бор экан.

Саноатнинг анъанавий секторларида ҳам анча муҳим структурал силжишлар содир бўлаётганини кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан қора металлургия соҳасидаги аҳвол диққатга сазовордир. Тахминан 20 йил мобайнида (70-80 йилларда биз юқори лавозимдаги раҳбарларнинг жуда кўп шикоятларини эшитар эдик. Улар прогрессив технологиялар жорий қилинаётганидан зорланишар, ҳатто собиқ СССРда қилинган ихтиролар ҳам (масалан, узлуксиз қуйишга ўхшаган) ишлаб чиқаришда татиқ қилинмаганидан, улар бизда эмас, АҚШ ва Японияда кенг тарқабганидан шикоят қиларди. 90-йилларда бурилиш юз берди: электропўлат ва кислородли-конверторли пўлат, умуман пўлат эритишдаги улуши 47 фоиздан 72 фоизга чиқди, узлуксиз қуйиш машиналари ёрдамида тайёрланадиган пўлат 23 фоиздан 47 фоизга кўпайди, тайёр прокатнинг пўлат эритишга нисбати эса (ишлаб чиқаришнинг самарадорлигидан далолат берувчи кўрсаткич) 71 фоиздан 78 фоизга кўтарилди.

Кимё саноатида ҳам замонавий маҳсулотларнинг кўпгина турларида ўсишни кузатиш мумкин. Бу ўсиш бутун халқ ҳўжалигидаги ва истеъмол секторидаги тузилма ва устивор тамойилларнинг ўзгаришини акс эттиради. 90-йиллар мобайнида шиналар, видеокассеталар (10 марта), компакт-дисклар (2 марта) ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди. Замонавий лак ва бўёқ материаллари ишлаб чиқариш улуши умумий ҳажмда 64 фоиздан 81 фоизга кўтарилди.

Бир одамга тўғри келадиган уй-жой сатҳи 1990 йилда 16 квадрат метрга, тўғри келган бўлса, 1997 йилда бу рақам 18,6 квадрат метрга етди, турар-жой фонди эса 2425 миллион квадрат метр эди. 1997 йилда эса бу рақам 2715 миллион квадрат метрга етди.

Россияда таълим ва маданият соҳасидаги орқага кетиш ҳақида ҳар қанча кўп гапирилмасин, 90 йиллар давомида мактаблар ва мактаб ўқувчиларининг миқдори ўсди (мактаблар 67,6 мингдан 68,5 мингга, ўқувчилар сони эса 20,3 миллиондан 21,7 миллионга етди). Олий ўқув юртларининг миқдори деярли икки барабар кўпайди (1990 йилда 514 та бўлган бўлса, 1998 йилда 934 та га етди), талабалар сони 27 фоизга, аспирантлар сони 90 фоизга, профессор-ўқитувчилар сони 15 фоизга ортган (220 мингдан 250 мингга етган).

Оғир молиявий инқирозга қарамай, музейлар, театрлар, спорт заллари, чўмилиладиган ҳовузлар сони кўпайган.

Мен бу мисолларни келтирар эканман, бу билан бизда ҳамма нарса яхши бўлиб қолди, деган гапни айтмоқчи эмасман. 90 йиллар давомида вазият жуда оғирлигича қолаверди. Ҳар битта ижобий мисол ёнида ўнлаб салбий мисолларни келтириш мумкин. Аммо бизда кузатилаётган ижобий силжишлар муҳим тамойилни акс эттиради: умуман, ишлаб чиқариш ҳажми қайта тикланаётгани йўқ (бунинг ҳожа-ти ҳам йўқ), балки ишлаб чиқариш ва истеъмолда шундай соҳаларнинг улуши кўпаймоқдаки, бу соҳалар индустриал жамият ҳудудини ёриб чиқиш билан боғлиқдир. Бу тамойилни сезмаслик кўп галати иш бўлур эди.

Бизда ҳали содир бўлажак структурал силжишларни яхшироқ тушунмоқ учун Испания ва Португалия каби мамлакатларнинг тажрибасига диққатни қаратса бўлади. 70 йилларнинг ўрталарида бу мамлакатлар мустабидликдан озод бўлган жон бошига ЯИМ кўрсаткичи жиҳатидан тахминан Россия даражасида турган. Улар ҳам замоннинг янги даъватларига мослашмоқлари керак эди ва улар босиб ўтган йўл тахминан бизнинг ҳам истиқболимиз қандай бўлишини кўрсатади. (Албатта, тегишли тузатишлар билан: шўро иқтисодиёти анъанавий индустриал гигантлар юки остида ҳаддан ортқ эзилиб кетганди — бу ўзгариш жараёнини қийинлаштиради, бироқ ҳозирги Россия эгалик қиладиган инсоний сармоянинг даражаси Испания ва Португалиядан юксакроқ экани бағоят ижобий омилдир).

Келгуси йилларда ижобий сценарийни рўёбга чиқариш учун энг муҳим — эли-

танинг жипслаша олиш қобилияти бўлади. Бунинг натижасида давлат мустақкамланиши керак. Юқориди кўрганамиздек, бу умуман, инқилобнинг хотималанувчи босқичининг энг муҳим муаммосидир. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳозирги пайтда давлатни мустақкамлаш зарур эканига коммунистлардан тортиб либералларгача ҳамма рози. Аммо бу тушунчага бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган, ҳатто бир-бирига буткул зид маънолар жойлашади. Баъзилар учун давлатнинг мустақкамланиши иқтисодиётга кенг кўламда аралашини тақозо қилувчи шўро амалиётини тиклашни, муайян корхоналар ва ишлаб чиқаришнинг хўжалик фаолиятига аралашини, уларни қисман давлат ихтиёрига олишни ва ҳамма молиявий оқимлар устидан давлат назорати ўрнатишни англашади. Бошқалар эса давлатни мустақкамлаш деганда ҳокимиятнинг ўзи амалга ошириши ва назорат қилиши қўлидан келадиган қарорларнигина қабул қилиш қобилиятини англайди.

Дарҳақиқат, иқтисодиётни бевосита тартибга солишдан олдин, қишлоқ хўжалигига, кўмир саноатига, машинасозликка ва ҳоказоларга маблағ беришдан аввал, давлат пулларининг талон-тарож бўлиб кетмаслигига амин бўлмоғи керак. Бунинг учун эса ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимини, судларни мустақкамлаш керак, минтақавий қонунларни федерал қонунлар билан мувофиқлаштириш лозим. Давлат аппаратыни ислоҳ қилмоқ зарур, ходимлар сонини қисқартириб, мансабдор шахслар меҳнатининг самарадорлигини (шу жумладан, молиявий самарадорлигини) кескин ошириш керак. Агар булар амалга оширилмаса, сон-санови йўқ назорат қилувчи маҳкамалар пора ундирувчи идоралигича қолаверади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашинга бўлган ҳар қандай уринишлари эса трансакцион харажатларнинг ўсишигагина (бизнес билан мансабдорлар муносабатини “эпақага келтириш”)га олиб келади холос.

Ишончли ҳокимият структураси барпо этилгандан кейин эса халқнинг назари “давлат” деганда “пора”ни англашга чек қўйилганда милиция ва судлар томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ишончли тарзда ҳимоя қилинганда булардан ташқари давлатнинг ихтиёрида кўшимча молиявий маблағлар мавжуд бўлганда, шундагина “Давлатнинг аралашмоғи” билан шуғулланса бўлади. Лекин шуниси ҳам борки, ҳокимият тизимлари соғлом бўлса иқтисодиётга аралашинга унчалик эҳтиёж ҳам қолмайди. Сиёсий барқарорлик, давлат ходимларининг ҳалоллиги, милиционерларнинг олижаноблиги Россияни инвестрлар учун жаннатга айлантиради ва сармоялар бу ерларга расмана дарёдек оқиб кела бошлайди. Қўшимча маблағларни эса ижтимоий соҳанинг ривожига сарфлаш, “инсоний сармоя”га етказиш мумкин.

Аммо бир омил борки, бу омил иқтисодий мақсадларни амалга оширишда панд бериб қолиши мумкин. Бу омил иқтисодиёт соҳасига эмас, сиёсий соҳага тааллуқлидир. Мен қатъиян аминманки, “Ельциннинг ворислари” учун ҳам, бизнинг ҳаммамиз учун ҳам Россияда сиёсий демократияни ва, айниқса, матбуот эркинлигини сақлаб қолиш гоётада муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шўролар замонида оғиздан-оғизга ўтиб юрган бир жумлани бошқачароқ қилиб айтганда, ҳозир демократия бизнинг жамиятимизнинг “асосий ишлаб чиқарувчи кучидир”.

Иқтисодиёт соҳасида қабул қилиш мумкин бўлган реалистик қарорлар доираси ҳар қанча чекланган бўлмасин, ўйлаб кўрилмаган ишлар непрофессионал қарорлар, хатолар хавфи сақланиб қолади ва улар ижтимоий “иқтисодий вазиятнинг ёмонлашини олиб келиши мумкин. Лекин ҳали бу ҳам ҳолва. Бундан бадтари шундаки, ҳатто хатти-ҳаракатларнинг мантиқи муайян сиёсий шароитларда ўз-ўзидан ривожланиб кетувчи характер касб этиши мумкин. Таназулнинг чуқурлашини етарли даражада тажрибага эга сиёсатчиларни зоҳиран самарадор қарорлар қабул қилишга ундайди, иқтисодиёт теварагида ўралашиб юрадиган “дуоғўйлар” эса бундай қарорлар оқибатида дарҳол мўъжиза рўй беришини кутишади. Натижа “ҳар доимдагидек” бўлиб чиқади, бироқ мураккаб қарорларни қабул қилишни истамаслик янги азайимхонларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Мамлакат эса тузоққа илиниб қолади.

Бунақа сиёсий шароитнинг вужудга келишига йўл қўймаслик муҳим. Мен буни четлаб ўтишнинг фақат битта йўлини биламан — сиёсий эркинликларни сақлаб қолмоқ керак. Унинг иқтисодиётдаги роли қандай эканини 1999 йил натижаларидан ҳам кўриш мумкин. Ҳозир Е.Примаковнинг донолиги тўғрисида гапириш расм


бўлган — унинг сиёсати иқтисодий ўсишга олиб келган эди. Бироқ унинг ҳукумати илк қадамларида қабул қилган қарорлар ва дастурий ҳужжатлар қандай бўлганини ҳозир кўпчилик одамлар унутиб юборишган. Уларни ўқиганлар дарҳол озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотларни ғамлашга бошлашган эди. Лекин ҳар қалай, бу кулфатга йўлиқмадилар: телеканаллар ва газеталар бир неча ҳафта давомида ҳар куни янги шўровий интиқом режалари амалга ошса нималар бўлишини ҳиж-жалаб тушунтирдилар. Раҳбарлар ОАВдан қаттиқ нолидилар, лекин уларнинг изоҳ-ларини тушундилар ва шунга яраша хатти-ҳаракатларига тузатишлар киритдилар. Бироқ бу шунинг учун рўй бердики, Б.Ельцин сиёсий эркинликларнинг реал гаранти эди ва ҳукумат ўз шаънига матбуотда айтилган танқидни тўхтата ол-масди.

Шу тариқа, сиёсий эркинликлар ва, айниқса, матбуот эркинлиги бугун нафа-қат муҳим мафкуравий устивор қимматга эга, балки Россиянинг барқарор иқти-содий ривожининг ҳал қилувчи омили ҳамдир.

Мақоланинг бошида биз айрилишда ё боши берк кўчага кириб қолганмизми деб савол бергандим, йўлнинг бошидамизми ё унинг охиридамизми деб сўраган-дим. Ҳозир мен жавоб бермоғим керак. Биз туннелнинг охиридамиз — рўпарамиз-да ёруғликни кўриб турибмиз. Бу куннинг ёруғими ёхуд паровоз чироғининг нури-ми — бу ўзимизга боғлиқ.

*“Новый мир” журналининг
2000 йил 5-сонидан олинди.*

АЗИЗБЕК
таржимаси



И.А.БУНИН

Нобел кунлари

Минг тўққиз юз учинчи йилнинг 9 ноябрь куни Прованснинг ўзи каби қадимий ва раҳмдил Грасс шаҳарчасида сокин, илиққина кеч кузнинг оддийгина кунларидан бири эди. Мен ўн йил давомида бу ерларда муқим яшаб келяпман...

Бундай кунларда қўлим ҳеч ишга бормайди. Шунга қарамай, одатимга кўра, мен эрталабдан ёзув столим ёнидаман. Нонуштадан кейин ҳам шу ерга ўтираман. Деразадан ташқарига қарасам, ёмғир ёғадиган. Йўқ, бунақа кунда ишлай олмайман. Бугун кинотеатрда кундузги намоёиш бўлади, ўша ёққа бораман.

“Бельведер” жойлашган тоғдан пастга тушаётиб шаҳарга разм солдим. Узоқдаги Каннга, бундай кунларда элас-элас кўринадиган денгизга, Эстерелнинг туман босган чўққиларига қарарканман: “Балки шу дақиқаларда Европанинг бир четида менинг тақдирим ҳал бўлаётгандир?” деган савол беихтиёр хаёлимдан ўтди.

Кинотеатрга кирганимда Стокгольмга кетган хаёлим яна унутилди. Танаффусдан кейин “Бэби” деган қувноқ бемаънигарчилик бошланса, мен экранга қаттиқроқ тикиламан: Александр Ивановичнинг қизи Киса Куприна томоша бераётган экан. Бироқ, қоронғиликда қандайдир безовталаниш бўлаётганини сезиб қолдим. Қўлчиноқ ёқилиб, кимдир елкамга кўлини қўйди-да, ҳаяжон ва тантана билан шивирлади:

— Стокгольмдан кўнғироқ қилишяпти...

Шу пайтгача ўтган ҳаётимнинг риштаси бирдан узилиб кетгандек бўлди.

Уйга одатдагидан тезроқ юриб кетяпман, дилимда Кисанинг ўйинларини охиригча кўролмади қолган армондан бўлак ҳеч нарса йўқ, менга ҳозиргина айтилган хабарга беғамлик билан қарамоқчи бўламан. Йўқ, ишонмаслик мумкин эмас: менинг тинчгина, бундай пайтларда Грасснинг тепасидаги тоғ ёнбағирларини қоплаб ётган зайтунзорлар орасида кўринмай ётадиган нимқоронғи уйим пастдан тепасигача чарақлаб ёритилган эди. Юрагим орзиқиб кетди... Ҳаётимда қандайдир бурилиш содир бўлди, чоғи...

* * *

Кечки пайт “Бельведер”да телефон кўнғироқлари тинмади. Бутун Европадаги пойтахтлардан кимлардир, турли тилларда бақириб-чақириб мени табриклашарди, почтачилар деярли бутун дунёдан (Россиядан ташқари!) табрик телеграммаларини пешма-пеш келтириб туришарди. Булар камлик қилгандек, уйим дастлабки ташриф буюрганларнинг, фотосуратчилар ва журналистларнинг шиддатига чидаб берди... Дақиқа сайин, соат сайин кўпайиб бораётган ташрифчилар ҳар томондан қўл узатиб қўлимни сиқишади, ҳаммаси ҳаяжонда, ҳаммаси бир сўз айтади. Уларнинг юз-кўзини эслаб қололмайман, ҳаммаси аралашиб, чаплашиб кетгандек. Фотосуратчилар ранг-қути ўчган қандайдир бир телбанинг тасвирини бутун дунёга ёйиш илинжида чироқларини олдинма-кейин чақнатишарди, бундан

кўзларим қамашиб кетарди. Бир томондан журналистлар саволларга кўмиб ташлашади...

- Россиядан қачон чиқиб кетгансиз?
- Йигирманчи йил бошидан муҳожирман.
- Қайтиб боришни ўйлаяпсизми?
- Ё, худойим-эй! Нега энди қайтишим керак экан?
- Сизни Нобел мукофотига сазовор бўлган биринчи рус ёзувчиси, дейишади.

Шу тўғрими?

- Тўғри.
- Бу мукофотни қачонлардир Лев Толстойга таклиф қилишганда, у рад этган экан. Тўғрими?
- Нотўғри. Бу мукофот ҳеч қачон, ҳеч кимга таклиф этилмайди. Мукофот бериш масаласи ҳамма вақт қатъий сир сақланади.
- Сиз Швеция академияси билан яқиндан муносабатда бўлганмисиз? У ерда танишларингиз борми?

- Ҳеч қачон, ҳеч ким!
- Қайси асарингиз учун мукофот беришди?
- Ҳамма асарларим учун бўлса керак.
- Мукофот берилишини кутганмидингиз?
- Номзодлар орасида борлигимни билардим. Менинг номзодим бир неча марта кўрсатилганидан хабарим бор. Асарларим ҳақида Вööк, Osterling, Agreell каби таниқли, скандинавиялик танқидчиларнинг мақтовли мақолаларини ўқиганман. Улар Швеция академияси билан яқин муносабатда эканларини эшитиб, менинг фойдамга бирор гап айтишлари мумкинлигини тахмин қилардим. Бироқ, ҳеч нимага қатъий ишонмаганман.

- Нобел мукофотларини бериш одатда қандай ўтади?
- Ҳар йили маълум бир вақтда: ўнинчи декабрда.
- Демак, сиз шу вақтда Стокгольмга етиб боришингиз керак?
- Эҳтимол, олдинроқ етиб борарман: узоқ сафарга чиқиш завқини тезроқ туйгим келяпти. Муҳожир сифатида ҳуқуқсизлигимдан, барча муҳожирлар каби “виза” деган нарсага эришиш қийинлигидан, маъна, ўн уч йилдирки, чет элга чиқолмайман. Фақат, бир мартагина Англияга бориб келдим. Бу, қачонлардир тинмай дунё кезган мендек одам учун катта айрилиқдир.
- Скандинавия мамлакатларида бўлганмисиз?
- Бўлмаганман. Кўп марта узоқ сафарларга чиққанман, фақат — шарққа, жанубга. Шуманни эса келажакка қолдирган эдим...

Шундай қилиб, кутилмаганда мени шиддатли бир тўлқин ўз домига тортиб кетди. Бу тўлқин тез кунда эс-ҳушидан ажралган мавжудликка ўхшаб қолди: эртдан кечгача бир дақиқа бўлсин эркинлик, тиним йўқ. Нобел мукофотининг ҳар бир соҳиби атрофида бўладиган одатий ташвишу ғимир-ғимирлардан ташқари, мен, дунёдаги ҳеч қайси лауреат дуч келмаган ҳолатларга учрадим, чунки мен муҳожирман, ғайри оддий ҳолатдаман, бутун дунёни ҳайратларга солган Россиядан чиққанман. Стокгольмнинг қарори Россиянинг ҳиссиётларини ҳақоратлаган ва камситган миллий миқёсдаги воқеа бўлди.

* * *

Учинчи декабрдан тўртинчига ўтар кечаси Париждан узоқларда эдим. “Шимоллий тезюрар”, биринчи классли алоҳида купе. Эҳ-ҳе, неча йиллар бўлди бундай шароитнинг ҳисларини туймаганимга! Тун ярмидан ўтганида Германияда эдим. Поездининг охири вагони майдончасида турибман. Ойнинг хира ёруғлигида вагон остидан, ён-веридан Россияни эслатадиган нимадир тинимсиз отилиб чиқиб, шиддат билан ортга кетарди. Булар — қордан ола-чалпоқ бўлиб ётган теп-текис ер, қор босган қандайдир дарахтлар эди...

Тонгда Ганноверга етдик. Кўзимни очиб, дераза пардасини тортсам, ойна музлаган. Рельсларни ҳам муз қоплаган. Платформада у ёқдан-бу ёққа ўтаётган одамлар мўйна қалпоқ, пўстин кийишган. Бундай манзараларни кўрмаганимга қанча вақт бўлди! Юрак унутмас экан!

Кечкурун бизнинг поездни “Густав V” параходига чиқариб, Швеция қирғоқларига аста олиб кетишади. Яна саволларга жавоб бериш, фотосуратчилар чироғининг тинмай чақнаши... Швецияда мен тушган вагонни фотосуратчилар ва журналистлар тўдаси қамал қилиб олди... Ниҳоят, тун қоронғисида яна ёлғиз қолдим. Дераза ташқарисида қалин, оппоқ қорга бурканган қоп-қора ўрмон кўринади. Мен эса, иссиққина купедаман, қачонлардир Николаев йўлидан кетаётганимдек...

* * *

Лауреатга мукофот бериш маросими донмо 10 декабрда, кечки соат роппа-роса бешда бошланади.

Шу кунни ётоқхонам эшиги одатдагидан барвақт тақиллатилди: саккиз ярим бўлмасдан уйғотинглар, деб қўйгандим. Дик этиб турдим у бугун қанақа кун эканлигини эсладим. Энг муҳим кун! Соат энди саккиз бўлибди. Шимол тонги энди ёришиб келяпти, деразамдан кўриниб турган канал қирғоғидаги чироқлар ўчмаган, Стокгольмнинг кўз ўнгимдаги қисми ўз миноралари, черковлари, саройлари билан Петербургни эслатади, тонг ва кун ботиш пайтида эртақлардаги каби гўзал бўлиб кетаркан.

Мен бу кунни барвақт бошлашим керак: ўнинчи декабр — Альфред Нобел вафот этган кун, тонгданоқ цилиндр кийиб, шаҳар ташқарисидаги қабристонга бориб, унинг қабрига, яқинда вафот этган жияни Эммануэл Нобел қабрига гулчамбар қўйишим керак. Кеча яна кеч ётдим — соат уч эди, ҳозир кийина туриб чайқалайман. Иссиқ ва аччиқ қаҳва, бошланиб келаётган тиниқ, аёзли кун, кечкурун мени кутаётган мисли кўрилмаган маросим, ҳаммаси мени сергаклантирди...

Тантанага расмий таклиф лауреатга бир неча кун илгари жўнатилади. У (француз тилида тузилган) шведларнинг барча маросимларидагидек ўзининг аниқ-таниқлиги билан ажралиб туради: “Жаноби лауреатлар Нобел мукофотини олиш учун 1933 йилнинг 10 декабр кун, соат тўрту эллик минутдан кечикмай Концерт Залига етиб келишлари сўралади. Аъло ҳазратлари қироллик уйи аъзолари ва сарой аъёнлари кузатувида Залга ташриф буюриб, тантананада иштирок этадилар ва соат роппа-роса бешда ҳар бир лауреатга мукофотни шахсан тошира бошлайдилар. Шундан сўнг Зал эшиклари ёпилиб, тантаналар бошланади”.

Шведларнинг қанақа бўлмаси таклифига на икки дақиқа кечикиб бориш, на икки дақиқа олдин бориш мумкин! Шунинг учун соат уч бўлмасданоқ кийина бошладим. Бир кори-ҳол бўлиб қолиши мумкин-да. Масалан, фрак-кўйлагимнинг илматугмаси дунёдаги ҳамма тугмаларга ўхшаб, бирданига қаёққадир ғойиб бўлар?

Соат тўрт яримда йўлга чиқдик.

Бундай пайтда шаҳар чироқлари, бир ҳисобда лауреатлар шарафига, яна бир ҳисобда, яқинлашаётган Рождество ва Янги йил муносабати билан чарақлатиб қўйилганди. Мукофотларни тарқатиш маросимлари ўтказиладиган улкан “Муסיқа уйи” томон ошиқаётган автомобиллар оқими шунчалик тигиз эдики, мўйна қалпоқ кийган ва бизни олиб бораётган забардаст ҳайдовчи ўзига йўл топишга қийналиб қолди. Бир саф бўлиб келаётган лауреатлар кортежини кўриб қолган полициячилар бошқа автомобилларни тўхтатиб қўйиб, жонимизга оро кирди.

Биз, лауреатлар ҳам “Муסיқа уйи”га оломон ичида кириб бордик, лекин вестибюлда бизни ажратиб олдилар-да, қандайдир йўлаклар билан бошлаб кетишди. Шунинг учун биз эстрадада пайдо бўлганимизга қадар парад залида нималар бўлишини одамлардан эшитганман, холос.

Зал кенглиги ва баландлиги билан ҳайратга солади. Ҳаммаёқ гуллар билан безатилган, одамлар лиқ-лиқ: марварид ва бриллиантлар билан безалган юзлаб аёл либослари, юзлаб фраклар, юлдузлар, орденлар, ранго-ранг тасмалар ва тантана белгилари. Ўн миноти кам бешда Швециянинг вазирлар маҳкамаси тўлалигича, дипломатик корпус, Швеция академияси ва Нобел қўмитаси аъзолари, таклиф этилганлар, ҳаммаси жой-жойига ўтириб, жимгина кутаяпти. Роса бешда ҳудайчи (жарчи) фанфара чалиб, монарх келаётганидан хабар берди. Фанфара товуши тиниқ, қаердандир, омондан қўйилаётган миллий мадҳиянинг гўзал оҳанги уланиб кетди ва монарх меросхўр шаҳзода билан қироллик уйининг бошқа аъзолари кузатувида Залга кириб келди. Уларнинг ортидан аъёнлар ва сарой аҳиллари келишар-

ди. Биз, тўрт нафар лауреатлар бу пайтда эстрадага ёндошган кичкина залда кутиб турибмиз.

Мана, биз ҳам чиқадиган вақт келди. Эстрададан яна фанфаралар товуши янгради ва биз ҳақимизда ёзилган маълумотларни ўқиб эшиттирадиган шведиялик академиклар ортидан эргашдик. Мен зиёфатда биринчи бўлиб нутқ сўзлашим керак экан, шунинг учун, ҳозир, маросимга кўра, эстрадага сафнинг охирида чиқаялман. Мени Академиянинг доимий котиби Пер Гальстрем бошлаб чиқаяпти. Эстрадага чиқаётиб залнинг, уни тўлдириб ўтирган одамларнинг ясанганидан ҳайратга тушдим. Таъзим билан чиқиб келаётган лауреатларни қаршилаб ҳамма, шу жумладан, монархнинг ўзи, қироллик уйи аъзолари, сарой аъёнлари ўринларидан туришди.

Эстрада ҳам улкан экан, қандайдир майда-майда, қизғиш анвойи гуллар билан безатилган. Ўнг томонга академиклар учун, чап томондаги биринчи қаторга лауреатларга атаб тўртта кресло қўйилган. Тепадаги девордан Швециянинг миллий байроғи полотнолари салобат тўкиб турибди. Одатда, эстрадага лауреат яшайдиган мамлакат байроғи ҳам осиб қўйилади. Қизиқ, мендек муҳожир учун қанақа байроқ илинган экан? Совет байроғини осиб мумкин эмаслиги учун Швеция байроғини олишибди. Олижаноб иш!

Тантаналарни Нобел жамғармаси раиси очди. У қиролни ва лауреатларни табриклар, маърузачига навбат берди. Одатга кўра, у ўз сўзини буткул Альфред Нобелга бағишлайди. Бу йил унинг туғилганига юз йил тўлади. Кейин ҳар бир лауреатни таърифлайдиган маърузалар ўқилади. Ҳар маъруза ўқиб тугатилгач, маърузачи лауреатни эстрададан тушиб қирол қўлидан мукофотни олишга таклиф этади. Мукофот Нобел дипломи солинган папка ва катта олтин медал солинган қутичадан иборат. Медалнинг бир томонига Альфред Нобел тасвири туширилган, иккинчи томонига лауреатнинг исми зарб қилинган. Антрактда Бетховен ва Григ мусиқалари янгради.

Григ — мен севиб тинглайдиган композиторлардан бири. Пер Гальстрем мен ҳақимдаги маърузани ўқишидан олдин Григнинг янграган мусиқасини ҳузур қилиб тингладим.

Охири дақиқа мени тўлқинлантириб юборди. Гальстремнинг нутқи гўзал бўлиши билан бирга самимий ҳам эди. У нутқни тугатгач, майин табассум билан менга француз тилида мурожаат этди:

— Иван Алексеевич Бунин, марҳамат қилиб, Залга тушиб, Олий ҳазратлари қўлларидан Швеция академияси Сизга атаган 1933 йил мукофотини қабул қилсангиз.

Шундан кейин Залга чўккан жим-житлик ичида мен эстрададан аста юриб, зинапоялардан оҳиста пастга тушиб, қирол томон юрдим. У менга пешвоз чиқди. Бу пайтда Зални тўлдириб ўтирганлар турдилар. Ҳамма нафасини ичига ютиб, қирол менга нима дейиши-ю, мен қандай жавоб қилишимни кутиб турди. Қирол мени ва мен орқали бутун рус адабиётини табриклар, илтифот билан қўлимни қаттиқ сиқиб қўйди. Мен унга таъзим қилиб, француз тилида жавоб қайтардим:

— Олийҳазрат, менинг чуқур ва самимий миннатдорлигимни қабул қилишга марҳаматингизни сўрайман.

Товушим қарсақлар ичида йўқ бўлиб кетди.

Қирол лауреатни мукофот берилган тантаналарнинг эртасига ўз саройига таклиф этиб қутлайди, бугун кечқурун тантаналар тугагач, Нобел қўмитаси уюштирадиган зиёфатга олиб кетишади.

Зиёфатда тахт вориси раислик қилади.

Биз этиб борганимизда, у ерда Академиянинг ҳамма аъзолари, қирол уйи аъзолари ва сарой аъёнлари, дипломатик корпус, Стокгольмнинг бадий дунёси намоёндалари ва бошқа таклиф этилганлар кутиб туришарди.

Столга биринчи жуфт бўлиб менинг хотиним билан валиаҳд яқинлашишди. Хотиним стол ўртасига, мен эса унинг ёнига ўтирдим. Менинг ўрним маллика Ингрид ёнида (у ҳозир Дания қироличаси), қиролнинг укаси шаҳзода Евгений рўпарасида (айтгандек, у Швециянинг таниқли рассомларидан ҳисобланади) эди.

Валиаҳд зиёфат нутқларини бошлаб берди. У Альфред Нобел хотирасига бағишлаб, жуда чиройли гапирди.

Кейин гапириш навбати лауреатларга берилди.

Шаҳзода ўз жойида туриб гапирарди, лауреатлар эса, зиёфат бериладиган залнинг ичкарасига қўйилган, Швециянинг қадимий меъморчилик усуллари билан ясалган каттакон минбар ортига ўтиб сўзлайдилар. Радио бизнинг сўзларимизни ана шу эстрададан бутун Европага олиб эшиттиради.

Мен француз тилида сўзлаган нутқнинг аниқ матни қуйидагича:

— Олий ҳазратлари, муҳтарам хонимлар, муҳтарам жаноблар! Тўққизинчи ноябр куни бу ердан олис бир жойда, Провансалнинг қадимий шаҳарчасидаги телефон қўнғироғи менга Швеция академиясининг қароридан хабар берди. “Бу менинг ҳаётимдаги энг таъсирли воқеа бўлди” деган одатий гапларни ҳозир сизларга айтсам, носамимийлик қилган бўламан. Улуғ файласуфлардан бири тўғри таъкидлаганидек, хурсандчилик ҳиссиёти, у қанчалик кучли бўлмасин, худди шунақа кучли қайғу олдида ҳеч нарса эмас. Хотирамда ўчмас из қолдирадиган ушбу байрам кунига қайғу аралаштиришни ҳечам истамаган ҳолда, мен кейинги ўн беш йил давомида тортган қайғуларим хурсандчиликларимдан анча ўтиб тушди, деб айтишга журъат этаман. Бу қайғулар шахсий эмас, бутунлай бошқача! Бироқ шуни қатъий таъкидлашим мумкинки, менинг ёзувчилик ҳаётимдаги хурсандчиликларим ичида замонавий техниканинг кичкина мўъжизаси бўлган телефоннинг Стокгольмдан Грассга узатилган қўнғироғи менда энг кўп қониқиш ҳосил қилди. Сизнинг ватандошингиз Альфред Нобел адабиёт учун таъсис этган мукофот ёзувчи меҳнатининг энг олий нишонидир! Шухратпарастлик деярли ҳамма одамга, ҳар бир муаллифга хос хислат ва мен ҳам ўта ваколатли ва қаттиққўл ҳакамлар қўлидан ушбу мукофотни олганимдан гурурланаман. Бироқ, ўша тўққизинчи ноябрда мен ўзим ҳақимда ўйлаганмидим? Йўқ, бу ўта худбинлик бўларди. Энг биринчи табриклар ва телеграммалар оқими ҳаяжонларини қизгин тарзда кечириб бўлгач, тунги ёлғизлик ва жим-житликда мен Швеция академияси қарорининг аҳамияти ҳақида ўйладим. Нобел мукофоти таъсис этилгандан буён сизлар ўн биринчи марта ўз ватанидан қувгин бўлган одамга бердингиз. Мен ким бўлибман? Франциянинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб, унга ўз миннатдорчилигини кўксида сақлаб юрган бир қувгинман. Академиянинг жаноби аъзолари, ўз шахсиятимни ва асарларимни бир четга суриб қўйай-да, сизларнинг бир ишорангизнинг ўзи қанчалар гўзал эканлигини айтишга ижозат этсангиз. Дунёда буткул мустақил соҳалар ҳам бўлиши керак. Шубҳа йўқки, ушбу стол теварагида турли-туман дунёқарашларнинг, фалсафий ва диний эътиқодларнинг вакиллари ўтиришибди. Бироқ, ҳамманинг бошини қовуштириб турган мустаҳкам бир нарса бор. Бу — фикр ва виждон эркинлиги, биз унга ўз маданиятимиз билан қарздормиз. Ёзувчи учун бундай эркинлик — аксиома, ақида. Сизларнинг ишорангиз эса, Академиянинг ҳурматли аъзолари, эркинликка муҳаббат Швециянинг ҳақиқий миллий маданиятли эканлигини яна бир қарра исботлади.

Нутқимни якунлаш учун яна бир неча сўз: сизларнинг қироллик уйингизга, мамлакатингиз, халқингиз ва адабиётингизга шу кундан бошлаб меҳрим тушиб қолган эмас. Санъат ва адабиётга муҳаббат Швеция қироллик уйи учун ҳам, сизларнинг олижаноб халқингиз учун ҳам доимо анъана бўлган. Шарафли жангчи асос солган Швеция династияси дунёдаги энг шухратли династиялардан биридир. Қирол олий ҳазратлари, рицар-халқнинг рицар-қироли, бегона юртлардан келган, Швеция Академиясининг эътиборини қозонган эркин ёзувчига юракдан чиққан ва эҳтиром тўла ҳиссиётларини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Кудрат ДЎСТМУҲАММАД

таржимаси



Улуғбек САИДОВ

Эдип айбдорми ёхуд инсонлик масъулияти хақида

“... Донолар кенгаш берганда,
Одамнинг мушқули бўлади осон”.

СОФОКЛ. “Шоҳ Эдип”.

Инсон ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, теварақида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар баъзан унинг ўз қарашларини ўзгартиришига туртки бўлади. Мияга турғун ўрнашиб қолган ва шу пайтгача эътироз уйғотмаган фикрлар тўсатдан заминини йўқотиб қулайди, равшанлик ўрнини зулмат эгаллайди. Шубҳа ҳомиласидан тўлғоққа тушган тафаккур эса янги фикрларни дунёга келтиради.

Гап Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедияси, унинг турли талқинлари ва турфа маъноси хақида.

Улуғ юнон шоири Софокл яшаган давр билан бугунги кунимиз ўртасидаги маъсофа — 2,5 минг йил. Ривоятларда ҳикоя қилинишича, спарталиқ лашкарбоши Лизандр маъбудлар учун азиз бўлган Афина шаҳрини забт этганда, тушига маъбуд Дионис кирибди ва бу гуноҳини маъбудлар эркаси Софоклга эҳтиром билдириш орқали ювишни буюрибди. Лизандр Софоклга атаб мақбара қурдирибди. Тарих тўфонларида мақбара йўқ бўлиб кетди, аммо Софокл сиймоси эҳромларга муҳтож эмас, у биргина “Шоҳ Эдип” трагедиясини ёзган тақдирда ҳам номи кишилик тарихида абадий қолажак. “Музалар ва Хариталар эркаси” ўз асарлари билан не-не авлодларни ҳаяжонга солмади. “Саҳнадаги файласуф”ни ўз аждоди билиб, ундан сабоқ олмаган халқ топилмаса керак дунёда. Ҳозирги кунда ҳам ҳалол Антигонанинг маъсул тилбарлиги, эрк ва ҳақиқат учун курашдаги қатъийлиги, Эдипнинг синмас иродаси, аянчли қисмат юзига тик қараган мағрур сиймоси дилларни ҳаяжонга солиб, ўзига ром этади.

Табиийки, яралгандан буён ўтган асрлар, минг йиллар давомида ўзида сўнгисиз маъно, мангу ғояларни мужассам этган Софокл асарлари ва, биринчи навбатда, “Шоҳ Эдип” трагедиясининг талқинлари ўзгаришсиз, турғун қолиши мумкин эмас эди. Софокл хусусида, унинг қаҳрамони Эдип хақида беҳисоб, баъзан бир-бирига зид фикрлар айтилган. Уларда Софокл гоҳо Афина давлати демократик тартибларининг куйчиси сифатида, бирида тушкунлик исканжасида ўртанган шоир сифатида, гоҳо мағрур, исёнкор, иродаси букилмас инсон образларини яратган ижодкор, гоҳо маъбудаларга эътиқодни сақлаб қолиш устида қайғурган динпараст сифатида намоён бўлади.

“Шоҳ Эдип” трагедиясининг талқинлари қаторини Эдип хақидаги асотирга мурожаат этиб, ўз Эдипларини яратган турли давр қаламкашларининг асарлари тўлдирди. Маърифатпарвар Вольтер Эдипда халқи учун жонини қурбон қилишни бахт деб билган идеал ҳукмдорни кўрсатган бўлса, ҳаётга қайғу ва саросима тўла кўзлар билан боққан XX аср дардчил адабиётининг вакили Дюрренматт Эдип ғожеасининг барча иштирокчиларда одамзотнинг энг паст эҳтиросу-интилишлар

ри намунасини кўрди. Эдип образига мурожаат этган тадқиқотчи ва санъаткорларнинг айримлари Софокл яшаган давр томирини тутиб, ўша замон билан туташ гоъларни тадқиқ этишга уринган бўлса, айримлари ўз даври нуқтаи-назаридан кўҳна асарга ёндошиб, унга ўз даври дунёқараши-ю муаммоларини пайванд қилишга интиланган, яна бошқалари эса вақт муҳрини эътиборсиз қолдириб, асардан инсоният учун доимо яқин ва азиз бўлган умуминсоний қадриятларни излашган.

Ҳар қандай буюк санъат асари сингари “Шоҳ Эдип” трагедияси ҳам қолипга тушмайди пурмаъно асар. Қайд этилган талқин ва нуқтаи-назарларда эса бир ёқламалик, туғилган фикрга асар мазмунини мослашга уриниш яққол кўзга ташланади. Қадим-қадимдан, инсоният онг етакчилигида ҳаракатга тушган даврлардан бошлаб одамзот айб, гуноҳ тушунчаларига рўбарў келди. Хато ва адашишларга тўла ҳаётда инсон қайта ва қайта фожийий ҳолатларга тушади. Ҳаёт мушқулини, яшаш машаққатини енголмаган дақиқаларда қайси бир инсон ўзи ёки ўзгаларга: “Ким айбдор?”, “Қайси гуноҳларим учун?”, “Айбим нимада?” — каби саволларни бермаган? Жавобини излаб азобга тушмаган? Фожиага доимий йўлдош саволлар. Эдипнинг инсон ва ҳукмдор сифатидаги фожиасини тўлиқ англаш учун айни шу саволларга жавоб излашдан бошламоқ тўғри эмасми?

САВОЛ ҚҶЙИЛДИ

Эдип айбдорми? Йўқ, дейди Эдип фожиасида қисмат фожиасини кўрганлар — ахир ўз қисматидан бохабар бўлган Эдип пешонасига битилганларни ўзгартиришга, аянчли тақдир исканжасидан қочишга уринди-ку. Маъбудлар ўз тақдирларини белгилай олмас эканлар, бандасига йўл бўлсин? Эдип айбдорми? Ҳа, дейди бошқа бировлар — зеро, қадимги юнонлар инсон устидан унинг субъектив ниятларидан эмас, балки бу ниятларни амалга оширмоқ учун қилинган ҳаракат оқибатларидан келиб чиқиб ҳукм чиқарганлар. Эдипнинг қилган ишлари абадий маънавий қонунлар олдида ўта оғир гуноҳ — отанинг қотили ва онага эр бўлган кимса жинояти учун жазоланмаса, дунё издан чиққан бўлур эди.

Яна бировлар “Шоҳ Эдип” трагедиясида гуноҳ муаммосини кўрмай, асосий масала сифатида инсоннинг ўз қилмишлари учун маъбудлар ва одамлар олдидаги жавобгарлиги масаласини кўрадилар. — Эдип Қисмат юзига тик боқади, айбни ўздан соқит қилмайди. Аксинча, жиноят фош бўлгач: “Ҳаёт ҳаром, нафас ҳаром, никоҳ ҳаром менга. Қонга булганганман, жирканчман, жирканч!” — дея китоб қилиб, ўз устидан ҳукм чиқаради.

Июкаста ҳикоясини эшитган ва қотил ўзи эканлигини гумон қила бошлаган Эдип, маликанинг: “Билмаганинг афзал зотингни, шўрлик!”- дея огоҳ этишига қарамай, машғум ҳақиқат томон оғишмай йўл солади, барининг тагига етишга ҳаракат қилади, токи бор ҳақиқат аён бўлмагунча — беҳабарлик “бахти” билим қайғуси билан алмашади — яна бир жавоб: “Шоҳ Эдип” — билим фожиаси.

Эдип ўз макони бўлмиш китоб саҳифаларини тарк этиб, мустақил ҳаёт кечира бошлаган Ҳамлет, Дон Кихот, Отелло, Дон Жуан каби қаҳрамонлар сирасига киради. Макон ва замони унут бўлган Эдип қадимдан то бугунги кунга қадар турли файласуфлар (Сукроту-Афлотундан тортиб Шиллергача) ва ҳатто инсон руҳияти устида бош қотирган психоаналитиклар (масалан, Фрейднинг Эдип комплекси ҳақидаги фикрларини эслаш кифоя) учун инсон ва ҳаёт ҳақидаги фалсафий фикрларни тасдиқловчи сиймога айланган. “Шоҳ Эдип” трагедиясида ўлмас гоъ, инсон маънавиятига оид сўнгсиз фикр яширин. Унинг теран маъносини англамоқ учун асар яратилган даврга қайтиб, ўша давр қарашларини йўлдош қилайлик.

Софокл Афина давлатида демократик тартиблар ғалаба қилган, афиналиклар ҳаётида бетиним ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда яшаган. Бундай шароитда на Олимп маъбудларига бўлган эътиқод ва на қоҳинлар сўйлаган илоҳий қонунлар давр вужудга келтираётган барча муаммоларнинг тайёр ечимини бера олмасди. Бу ечимларни одамнинг ўзи топиши, ўзи бир қарорга келиши лозим эди. Танланган йўл, хато ечим нотўғри бўлиб чиқса, инсоннинг билишга қодирлиги шубҳа остида қоларди. Бу эса, ўз навбатида, илоҳий ҳақиқатни даъво қилган (Эдип-

нинг: “Тақдир фарзандиман, ўн икки ой менинг биродарларим”, - деган сўзларини эслайлик) ҳукмдорларга ишончсизликни туғдирар эди. Тахтдан ағдарилган ва ёлғизликда ўлган Перикл, жангдаги хатоси учун қувғинликка маҳкум этилган Кимон, жанглардан бирини бой берган ва бунинг учун белгиланган жаримани тўлай олмай, қамоқда қуни битган Мильтиат ва яна бир қатор Афина давлати тикланаётган давр ҳукмдорлариёнинг қайғули қисмати бунга илова.

Ҳа, Афина демократияси шахсга кенг имкониятлар берди, лекин шу билан бирга уни ҳал қилиш зарур бўлган қийин муаммолар, мураккаб зиддиятларга рўбарў қилди. Халққа раҳнамоликни даъво қилган кимса бунинг учун зарур бўлган эътиборни қандай қозонмоғи мумкин? Демократия шароитида ҳокимлик ва халқ ҳокимияти мезонларини қандай мувофиқлаштириш мумкин? Тинимсиз ўзгариб бораётган, тасодифларга тўла ҳаётда ҳукмдор ўз фаолиятини, туриш-турмушини қай йўсинда ташкил этиши лозим? Тарих инсоният олдида бу ва бу каби муаммоларни такрор ва такрор қўйган. Уларни ҳал этиш мумкинми? Давр сиёсий, ижтимоий, маънавий тўқнашувлари домида бўлган, халқ диққат-эътиборининг марказида турган шахс учун зарур сифат ва маънавий меъёрларни, инсон ақлу заковатининг имкониятларини белгилашга Софокл ҳам уринган. Ҳукмдор, қолаверса, умуман инсоннинг маънавий қиёфаси, унинг халқ, ҳаёт, эл-юрт, ниҳоят, абадият олдидаги жавобгарлиги масаласи “Шоҳ Эдип” трагедиясининг марказий масаласидир. Шунинг учун ҳам Эдипнинг беҳос содир этган жинояти аён бўлганда, у аллақандай сирли қисматни эмас, балки ўзини айблайди ва: “Ҳаёт ҳаром, нафас ҳаром, никоҳ ҳаром менга. Қонга булганганман, жирканчман, жирканч!” — дея хитоб қилади. Бу кичик бир тафсилот. Аммо бу ва бундай тафсилотларни эътиборга олгандагина, яъни асар воқеаларини яхлит бир тизим сифатида таҳлил этгандагина ўзга, анъанавий талқинлар ортидан туғилажак саволларга жавоб ҳозир бўлади, фараз қилинган номувофиқликлар йўқолади. Улар эса талайгина. Мана уларнинг айримлари.

Софокл учун манба вазифасини ўтаган Эдип ҳақидаги кўҳна мифнинг кульминацияси кўр қисматнинг воқе бўлишида, яъни Эдипнинг отасини ўлдириши ва онасига уйланишида. “Шоҳ Эдип” трагедиясида эса воқеа анча кейин, Эдип аллақачон Иокастага уйланган ва тўрт фарзанднинг отаси бўлган, халқи олдида қайгурган одил ҳукмдор сифатида танилган вақтдан бошланади ва Софокл ўз асаридagi барча воқеалар тизимини ўзи қуриб, қаҳрамонини ҳақиқат томон етаклайди. “Яхши тузилган ривоят дуч келган жойдан бошланиб, яна дуч келган жойда тугамаслиги... лозим”, — дейди Аристотель. Шундай экан, Софокл қисмат фожиасини бермоқчи бўлса, нега тайёр ривоятга мурожаат этиб қўя қолмай, янги воқеаларни “ўйлаб топган?”

Аристотель учун “Шоҳ Эдип” трагедияси барча юнон трагедиялари ичида энг гўзали ва мумтоз намунаси бўлган ва унда “... трагедиядаги энг муҳим ва энг зарурий қисм — воқеаларнинг уйғунлашувини” (Аристотель) излаш табиийдир. Анъанавий талқинлар жавоб бермайдиган саволлар яна туғилади. Жумладан, ўзининг аянчли қисматини билган, Полиб ва Мeroпа эса унга ўгайлигидан бохабар Эдип нечун чорраҳа йўлда қарияни учратганда, “Отам шу эмасми? — дея ўйга толмади, нечун онаси тенг бева маликага уйланишдан аввал заррача шубҳага тушмади?”

Яна Аристотель таъкидлаганидек “... ривоят ечимини ҳам воқеаларнинг ўзидан келиб чиқиши керак”. Трагедиядаги воқеаларнинг тугуни эса фиваликларнинг бошига ёғилган офат. Сабаби ҳам аён — Лайнинг ўлдирилиши эса қотилнинг жазосиз қолгани. Жиноят фoш бўлгач, Эдипдан нажот сўраб келган оқсоқоллар (хор) эса Эдип ҳузурига нима учун келганларини, воқеа нимадан бошланганини унутгандек: “Бахти қаро Эдип, о, Эдип!.. Хотинига ўғил, онасига эр”, — дея Эдип Қисмати устида кўз ёш тўкадилар.

Аристотель талқинича, трагедия асосини фикр ташкил этади. Фикр эса “ишнинг моҳияти ва шароитларига тааллуқли бўлган нарсани сўзлай олиш маҳоратидир” (Аристотель). Анъанавий талқинлар нуқтаи-назаридан эса трагедиядаги Эдипнинг жинояти ва унга берилган жазо ўртасидаги уйғунлик, “тааллуқлилиқ” бузилади, зеро фиваликлар бошига ёғилган кулфатларнинг сабаби Креонт тили билан аниқ ва равшан ифода этилган:

“Бу юрт тупроғида бир қонли доғ бор,
Ювиб ташлаш керак газак олмасдан...
Сургун, ё қонга қон! Чунки шаҳарнинг
Мудҳиш қатл билан булғанган шаъни”.

Шундай экан, нега Софокл Эдипнинг “қўш” жиноятидан фақат унинг “хотинига ўғил, онасига эр” эканлигига урғу беради? Бу — яна бир савол.

“Тафсилотлар ўз ўрнига тушиши” учун асар воқеаларини яхлит бир тизим сифатида таҳлил этиш ва антик давр кишисининг дунёни идрок этишидаги ўзига хосликни эътиборга олиш зарур.

ЕЧИМ ТОМОН ЙЎЛ

Инсон тафаккури тўлғоққа тушган ўша қадим замонларданоқ уни қийноққа солган бир муаммо билан юзма-юз келди. Тафаккур йўқлик, ўлим билан келишишни истамасди. Абадиятни излади. Орзуларини ривоятларга солди. Гоҳ бой берилган олтин аср ҳақида қайғурди, гоҳ ёшартирадиган мева ўсадиган ўлкани излади, гоҳ абадий ёшлиқдан инсонни бенасиб этган илон ёхуд бошқа жонзотларни айблади. Ўртанган хаёлга малҳам тополмай, айбни ўзидан излаб, ўзини гуноҳкор ҳис қилди. Мозийшунос олям В.Б.Иорданский ҳақ гапни айтади: “Гуноҳ тушунчаси энг мураккаб бирламчи гоёлардан бири бўлиб, кўҳна қарашлар тизимида марказий ўринни эгаллайди”. Уни англамай туриб, инсон турмушини, хатти-ҳаракатларини, руҳиятини тушуниш амри маҳол.

Инсоннинг фоний жисми ва боқий руҳи ўртасидаги тафовут инсонни гоҳо абадият масканига етакловчи хайрли йўлларга, эзгу ишларга, иймонлилик томон етаклади, гоҳо эса ўткинчи дунёда “яшаб қолишга”, ҳаётнинг барча неъматларидан тотиб кўришга чорлади. Қандай бўлмасин, одамзот бахтиёрликни ваъда қилувчи шуҳрат, обрў-эътибор, тахт ва мансабга интилди. Юнон файласуфи Марк Аврелий ва Софокл ҳам Эдип тақдири ана шу умумий қонуниятнинг мисоли деб билганлар.

Бу қонуниятга асосан одамзотни ҳаёт сўқмоқларига худбинлик (албатта, бу ўринда манфий нисбатсиз) бошлайди. Ҳаёт пойгасида шуҳрат, давлат, обрў-эътибор ҳақида ўйламаган, улар ҳақида орзу қилмаган одам топилмаса керак. Айни худбинлик инсонни тараққиёт, ривожланиш сари етаклайди, кашфиёт ва ихтиролар қилишга ундайди. Бўрттириш бўлмаса, худбинликсиз одамзот ҳамон ибтидоий чўқморини кўтариб юрган бўлармиди? Аммо бу манзиллар инсон ерда исқаниб, энтикиб излаган орзуларининг озуқаси — абадиятга уни шерик қила олармикан? Софокл наздида “маъносиз ва бебақо дунё”нинг “фоний авлод” кўзлаган манзиллари ҳам бебақо, ёлғон, сароб.

Эдип айбдорми? Саволга жавоб беришдан олдин айб, гуноҳнинг ўзи нима эканлигига аниқлик киритиш керақдир. Аввало эл, юрт, халқ, давлатнинг “битилган” ва “битилмаган” қонунларига зид иш қилган одамни гуноҳкор, деб айтамыз. (Бу муаммони Софокл “Шоҳ Эдип”нинг давоми бўлмиш “Антигона” трагедиясида кўтарган.) “Шоҳ Эдип”да масала анча мураккаб қўйилган. Дастлаб қараганда трагедияда Эдипнинг субъектив ниятлари билан унинг қилган ишлари оқибатлари ўртасидаги тафовутдан фожиа келиб чиққандек туюлади. Ният ва оқибатни жўнги-на бир-бирига қарама-қарши қўйсақ, масала ҳамон осон ҳал бўлади, ё тақдир қўлида ўйинчоқ бўлган ва ихтиёрсиз жиноят қилган Эдип беғуноҳ бўлиб чиқади (унда Эдипнинг жазоланиши мантиқсиз бўлиб қолади ва асар инсоннинг барча ури-нишлари бесамарлиги ҳақидаги жўн фикр берувчи саёз асарга айланади) ёки ниятларидан қатъи назар, оқибатда жиноят қилган Эдип гуноҳкорга айланади (бунда эса “қўш жиноят”нинг иккинчи қисми, яъни унинг онага уйланганлиги ҳақидаги кераксиз тафсилот нари борса, ихтиёрсиз қилинган гуноҳ бўлиб чиқади). Бу ҳолатда трагедия “битта ва айни вақтда яхлит воқеанинг тасвири”ни (Аристотель) бера олмайди ва кўп тафсилотлар ўз маъносини йўқотиб, кераксиз, ортиқча бўлиб қолади.

Софоклнинг фикрини англамоқ ва Эдип айби хусусидаги саволга жавоб бер-

моқ учун даставвал “ният ва оқибат” дилеммасидан воз кечиш керак. Жавоб ни-ятнинг ўзиди. “Трагедия инсонни иллатлардан фориг этиши керак” (Аристотель) экан, иллатни Эдипнинг ўзидан изламоқ, фожа бошини қисматда эмас, Эдипнинг гуноҳида кўрмоқ табиий.

Эдип ҳақидаги кўҳна ривоятнинг мантиғига кўра, унинг гуноҳи отасини ўлдирганида эмас, балки онага эр бўлганида. Ҳомердан тортиб инсон табиати устида бош қотирган бир қатор юнон файласуфлари Эдип қисматининг мазмунини айнан шунда кўрганлар.

Антик дунё кишиси дунёқарашига хос рамзлар қаторида она — тахт ва ҳар қандай мувафақият рамзи. Далдианлик Артемидорнинг тушлар таъбирига бағишланган китобида айтилишича: “Тушида она билан қўшилмоқ ҳар қандай ҳукмдор ва сиёсий арбоб учун хосиятли туш, зеро, она — замин, тупроқ, юрт дегани ва туш кўргувчи ўнгида юрти, давлатига бош бўлади”. Афлотун “Давлат” номли рисо-ласида Сукротнинг тили билан ҳокимнинг тушдагидек ҳаёт кечирishi ҳақида гапиради. Эдип ҳам гўё уйқуда. Иокастанинг:

“Бўлади, одамлар баъзан тушида
Кўрармиш онаси билан ётгани,” —

дея айтган сўзларида ҳаёт, тақдир истеҳзоси, аччиқ ҳақиқат яширин.

Эдип учун ота аслида рақиб ва унинг ўлдирилиши ҳаром никоҳнинг амалга ошиши шартидир. Шунинг учун “Шоҳ Эдип” трагедиясидаги воқеаларнинг сабаби Лайнинг ўлдирилганлиги ва қотилнинг жазосиз қолганлиги бўлса-да, Эдип фожиасининг мантиқий тугуни унинг онасига уйланишидир. Она — тож-тахт, шўҳрат, ғалаба рамзи. Улар эса Софокл наздида фоний дунёнинг ёлгон манзиллари. Инсонни ром этгувчи бу дунё неъматлари абадиётга ошно инсон руҳини адашти-ради, йўлдан оздиради. Юнон файласуфи Солоннинг: “Ҳеч бир кимсани тирикли-гида бахтиёр деб атама”, — дея қилган хулосаси заминда айни шу каби мулоҳа-залар ётган бўлса, ажаб эмас. Унга Софокл ҳам жўр бўлади:

“Инсон, инсон! О, фоний авлод!
Маъносиз ва бебақо дунё!..
Сенинг хунук қиссангдан ҳисса:
Бу дунёда бахтли инсон йўқ!”


“Трагедия кўрқинч ва ҳамдардлик уйғотувчи воқеани акс эттириши керак”, — дейди Аристотель ва бундай ҳисларни уйғота олмайдиган “обрўли киши” ҳам, “ла-ёқатсиз киши” ҳам трагедия қаҳрамони бўлолмаслигини таъкидлайди. “Шоҳ Эдип” унинг учун трагедия жанрининг классик намунаси бўлган ва Эдипни жанр мантиғига зид ўлароқ обрўли киши”, яъни мутлақ пок одам сифатида талқин этиб бўлмайди, худди шунингдек, элпарвар, ниётлари соф, фидойи Эдипни “лаёқатсиз киши”лар қаторига ҳам қўйиб бўлмайди. Эдип “ана шу чегара ўртасида турган инсон... У лаёқатсизлиги ва нуқсон тугуни эмас, балки қандайдир хатоси тугуни бўлган бахтсизликка тушган” (Аристотель). Беҳабарлиги Эдипни оқлай олмайди, зеро, беҳабарлик сари етаклаган хато йўлга ўзи оёқ қўйди, ёлгон манзилларни кўзлади. Хатолари ўша машъум чорраҳа йўлдан бошланди. Дунёдаги кўп халқ-ларнинг эртагу ривоятларида ана шундай айри-чорраҳа йўлга рўбарў келадилар ва дунё неъматларини ваъда қилган йўлни эмас, фақат “борса келмас” йўлни тан-лаганлар муродига эришадилар. “Борса келмас” бу адолат ва эзгулик йўлида ўзи-дан, ҳузур-ҳаловатидан кеча олиш. Эдип ўзга йўлни танлади. Обрўталаблик қилиб, йўл беришни истамай, отасининг қотилига айланди. Қисматини била туриб, онаси тенг тул маликага уйланди ва бундан ҳушёр тортмади, чунки Иокаста Эдип ин-тилган шўҳратнинг рамзи Фива устидан ҳукмдорлик шarti, жасорати ва доноли-ги учун мукофот. Ахлоқ ҳақида фикр юритиб, Аристотель шундай дейди: “...би-рон бир қилмишнинг сабаби беҳабарлик бўлса ва инсон уни ўз ихтиёри билан со-дир этмаса, у адолатни бузғувчи эмас, лекин инсон ўзи беҳабарлигининг сабабчи-си бўлса ва бирон қилмишни билмай содир этса, уни ҳақли равишда адолатсиз деб атайдилар”.

Ўз қисматини била туриб, қўлини кўтарган қария отаси эканлигидан беҳабар-лигининг сабабчиси ҳам, Эдипнинг ўзи кўз тиккан маликаси она эканлигидан бе-

хабарлигининг сабабчиси ҳам ўзи. “Мен ўз ишларимда оқил ва соғломман”, — дея хитоб қилади Эдип. У Аждаҳо қўш топишмоғининг ҳеч ким тополмаган жавобини топгани, “донолиги”дан, шуҳратидан маст. Аммо оламнинг сиру-синаотлари қаршисида, маъбудларга аён ҳақиқат олдида унинг донолиги қанчалар шикаста. Муваффақиятдан кўзларини шира босган Эдип Аждаҳо қўш топишмоғининг жавоби — “инсон” — аслида бош жумбоқ эканлигини англамади. Ўзининг қисмати бу жумбоққа жавоб бўлди. Кўр “донолиги” уни тақдир қўлига тутқазди, ўсиб-улғайган уйдан қувди, отасига тўқнаш келган чорраҳа йўлга бошлади, онанинг қўйнига солди. Ҳаёт инсонга вафо қилмайди-ю, унинг бебаҳо неъматлари вафо қилармиди? Эдип бунга ибрат:

“Мушкулларни осон этган шон-шавкатли шоҳ эди,
 Ҳавас билан боқар эди йўлларига ҳар инсон,
 Энди эса бирдан чўкди балолар гирдобига!
 Бундан чиқди, инсон деган сўнгги нафасигача
 Виждон билан, омонликда яшаганлар — комрон!”

Яратган Инсонга илоҳий нур — ақл-фаросат ато этди, уни фаришталардан устун билиб, дунё ишларида ўзига ҳабиб қилди. Инсон бўлиб туғилмоқ — катта масъулият. “Ўзлигингни англаб ет”, — демоқдан мурод иймон, виждон, адолат, меҳр, мурувват. Ҳақиқий бахт, шуҳрат, обрў, тахт шулар ортидан келади. Софокл сўйлаган ҳақиқат, у берган сабоқ эскирмайди. Бугунги кунда “адашиш”, “беҳабарлик”, “хато” фожиасини бошдан кечираётганлар бунинг далили.



“Бобурнома” урду тилида

Буюк бобоколониимиз Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ўлмас асари “Бобурнома”нинг яратилганига 470 йил бўлди. Бобур Мирзо ҳаётлик чоғидаёқ мазкур китоб ўзга тилларга таржима қилинган бошланган эди. Асарнинг биринчи таржимони Шайх Зайн бўлиб, у 11 ойлик воқеаларни форс тилига таржима қилган. Бундан ташқари турли тилларга қилинган таржима ҳақида ҳам батафсил маълумотлар бор. Биз “Бобурнома”нинг урду тилидаги иккита таржимаси хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

“Бобурнома”ни асил нусха — туркий тилидан урду тилига биринчи марта Мирзо Насриддин Хайдар Кўрагоний таржима қилган¹. Қўлимиздаги таржима 1962 йилда Карачи шаҳрида “Бук Лэнд” нашриётида чоп этилган. Унвон варағида китобнинг номи “Бобурнома”, унинг тагида эса “Тузуки Бобурий” деб келтирилган. Китобнинг бошида алоҳида-алоҳида саҳифаларда Бобур Мирзо ва унинг биринчи рафиқаси Моҳим Бегимнинг рангли тасвирлари берилган. Кейин мундарижа, “Бобур ва Бобурнома” сарлавҳали сўзбоши келади. Китоб жами 426 саҳифадан иборат. Сўзбоши муаллифи Убайдулла

Қуддусий бўлиб, изоҳларни ҳам у таҳрир қилган ва тўлдирган.

“Сўзбоши” бир неча қисмга бўлиниб, уларга сарлавҳалар қўйиб чиқилган. “Давлат Низомига оид масалалар”, “Бобурнинг вафоти”, “Бобурнинг салоҳияти”, “Тузуки Бобурий” ва ҳоказо. “Бобурнома”нинг бошқа таржималари ва ушбу таржима ҳақида ҳам мухта-сар маълумотлар келтирилади. Хусусан, “Акбарнома”нинг муаллифи Абулфазлнинг “Бобурнома” ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Салтанатнинг ибтидо-сидан то интиҳосигача бўлган воқеаларни бағоят соф ва мукамал тарзда баён этган. Ушбу китоб жаҳондаги подшоҳлар учун дастуруламал ва қонундир, шоҳларнинг одил ҳамда муносиб фикрлашига кўмак беради, аёл ва тажриба орттирмоқчи бўлганларга яхши ҳамроҳ... Байрам Хон Хони Хонон ушбуни туркийдан форсийга таржима қилган”.

“Сўзбоши” муаллифи таржимага жуда юқори баҳо беради: “... таржима ниҳоятда равон ва аниқ, биронта сўз ҳам тушиб қолмаган...” Иш жараёнида таржимон Жон Лейден Уильям Эрскиннинг биринчи тўлиқ инглизча таржимасидан фойдаланганлиги, туркийча аслини ҳам ўқиганлиги ва уни сўзма-

¹ Покистонлик олим Муҳаммад Собир “Бобурнома”нинг урду тилида бундан ташқари яна бир неча тўлиқ бўлмаган таржималари бор”, деб ёзади (М.Собир “Бобур тилида урдуча сўзлар имлоси”, /урду тилида, 1965 й., Карачи ун-ти, 73-бет.). Лекин ўша таржималар тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтирмайди. Бошқа бир покистонлик олим доктор Зафар Иқболнинг фикрича, “Бобурнома”ни урду тилига биринчи бўлиб Навал Кишўр таржима қилган, янглишмасам ўша таржимани Патна шаҳри (Ҳиндистон)даги машҳур “Худобахш” кутубхонасида кўрганман, дейди. Бироқ урду тилида бизга маълумлари ҳозирча мана шу иккита таржимадир.

сўз таржима қилганлиги таъкидлаб ўтилади. “Шунинг учун, — деб ёзади муаллиф, — комил ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу таржима асл матннинг ўрнини боса олади ва таҳсинга сазовордир”.

Лекин юқорида номи зикр этилган доктор Муҳаммад Собир ушбу таржима ҳақида салбий фикр билдиради: “... таржима аслида форсий ва инглизча таржималар ёрдамида амалга оширилган, шунинг учун беҳисоб хато ва камчиликлар мавжуд”. Шу сабабли “Бобурнома”нинг мазкур таржимасидан илмий мақсадда фойдаланиб бўлмаслиги, у урду тилига қилинган дастлабки таржима сифатидагина аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб ўтади.

Шу нарса диққатга сазоворки, Бобур Мирзо даврида Форс тилидаги тарихга оид асарларда сарлавҳалар қўйиш удум бўлмаган. Лекин “Бобурнома”нинг муаллифи бу йўлдан бормаган — айрим-айрим воқеаларга сарлавҳа қўймасдан “Фалон йил воқеалари” дейиш билан кифояланган. “Бобурнома”нинг аслига энг яқин, деб тан олинган Ҳайдаробод кўлёзма (нусха)си ҳам, мавжуд ўзбек алифбосидаги 1960 йил нашри, ҳиндийча таржима ва япон олими И. Манў тайёрлаган танқидий матн ҳам шундай. Бироқ кўпчилик таржималарда воқеалар сарлавҳаларга ажратилган. А.Бевежининг инглизча таржимаси, америкалик шарқшунос олим У.Тэкстоннинг энг янги тўлиқ инглизча таржимаси ҳам сарлавҳаларга бўлинган.

Биз кўраётган урдуча таржимада ҳам худди шундай йўл тутилган — сарлавҳаларнинг умумий сони 380 дан ошди. Ҳижрий 933 йил воқеалари А.Бевежин таржимасида 60 га яқин сарлавҳа ва сарлавҳачалардан иборат бўлса, У.Тэкстоннинг таржимасида уларнинг сони 19 та, мазкур урдучада эса 18 тадир. Урдуча нашрда “Фаррухнинг туғилиши”, “Заҳарланиш воқеаси”, “Ҳасан Меватий ўғлининг қочиши ва унинг исёнчи-га айланиши”, “Ичкиликдан тавба

қилиш”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур фармони”, “Теварак-атрофдаги ғалабалар ва ерларни тақсимлаш” сингари сарлавҳалар бор.

Таржимада изоҳлар ҳам талайгина. Таржимон баъзи сўзлар, аталарни Лейден-Эрскин таржимаси билан солиштиради. Масалан, “Сангзор” деган жой номи ҳақида мана бундай изоҳ бор: “Жон Лейден матнда “Сангзор” деб ёзадида, бу сўз “Сангроз” ва “Сангзор” шаклларида бир неча марта учрайди”, дея изоҳ беради. Икковидан қайси бири тўғрилигини айтиш қийин. Биз кўрган Форсча таржималарнинг барчасида “Сангзор” ёзилган. Маъносига кўра ҳам (яъни “тошлоқ”) шу сўз тўғрига ўхшайди. Япон олими тайёрлаган танқидий матнда ҳам мазкур сўз шундай, яъни “Сангзор” шаклида келтирилган.

Бобур Мирзонинг заҳарланиши воқеаси яхши маълум. 1960 йил нашрида шу воқеа зикр этилган жойда мана бундай жумла бор: “... тафсили будурким, Иброҳимнинг онаси бу бадбахт эшитурким, Ҳиндистон элининг илигидан нима ейдурман”. Ушбу парчада “бу” олмоши туфайли маъно хийла шубҳалидир. Урдуча таржимада эса “... бадбахт Буъа, яъни Иброҳимнинг онаси...” тарзида берилганки, маъно дарров аён бўлади, яъни “бу” олмош эмас, султон Иброҳим онасининг исми “Буъа” экан! Ушбу имлони танқидий матн ҳам тасдиқлайди¹.

Шу икки мисолдан кўриниб турибдики, урду тили таржимони имло масаласига жиддий ёндошган. Лекин жой номлари, исмлар хато ёзилган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, “Шунқорхона” сўзи “Шуқорхона” шаклида ёзилган. Танқидий матн “Шунқорхона” деб берилган.

Энди иккинчи таржима ҳақида.

Бу таржима 1991 йил Лоҳур (Покистон) шаҳридаги “Санге мил” нашриётида чоп этилган. “Бобурнома”нинг бу нашри “Тузуки Бобурий” деб номланган, жами 287 бетдан иборат, таржимон — Рашид

¹ П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида шу исм ўрнига “Байда” ишлатилган.

Ахтар Надвий. Китобда мутаржим томонидан ёзилган салкам тўрт бетлик сўзбоши ва олти бетлик мундарижа мавжуд.

Сўзбошида “... ўз буюклиги ва улуғлиги биносини ўзи бунёд қилган, буюклик ва шон-шуҳрат йўлидаги темир тиканларни ўз қўли билан терган” Захириддин Бобур шахсиятга илиқ муносабат билдирилган. Жалолиддин Акбаршоҳ (1542-1605 йй.) даврида “Бобурнома” Байрамхоннинг ўғли Абдурахим Хони Хонон томонидан туркийдан форсийга ўгирилгани ҳақида ёзар экан, Р.Надвий бундай дейди: “... шундан кейин аҳли жаҳон биринчи марта буюк тождор (яъни Бобур — А.И.)нинг суҳан мулкининг ҳам шаҳаншоҳи эканидан хабар топди”.

Асар Бомбай (ҳозир Мумбай деб аталади) шаҳрида Мирзо Мухаммад Шерозийнинг “Читра Прабха Пресс” нашриётида чоп этилган форсча нашридан таржима қилинган. Бу форсча кўлёмма ўз навбатида Удайпур рожасининг кутубхонасидан топилган. 246 саҳифадан иборат тўлиқ бўлмаган мазкур форсча кўлёммининг кўчирилган йили ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди. “Биз таржима жараёнида, — деб ёзади урду таржимони, — ушбу китобнинг асл таржимони Абдурахим Хони Хонон сингари тер тўқдик, деб айта олмаймиз”. Шундан англашиладики, гап номи зикр этилган Абдурахим Хони Хонон таржима қилган ўша форсча таржима ҳақида кетаяпти.

Мазкур урдуша нашрда изоҳ ва шарҳлар йўқ, бу эса унинг илмий нашр эмаслиги ҳақида бир тўхтамага келиш имконини беради. Шундай бўлса-да, ундан “Бобурнома”даги қатор ҳиндча сўзлар имлосини аниқлашда бемалол фойдаланса бўлади. “Бобурнома”даги “ҳиндча сўзлар” ёки “Ҳиндистонга оид сўзлар”, “ҳинд” ёки “Ҳиндистон” атамалари деганимизда мавжуд жўғрофий ҳудудлар ҳозирги Покистон, Ҳиндистон эмас, балки Бобур давридаги тарихий ҳудуд, яъни Ҳиндистон ярим ороли кузда тугилади.

Мазкур таржимада ҳам бир қан-

ча хато ва камчиликлар кўзга ташланади. Чунончи, баъзи сўз, атамалар имлосида ҳар хиллик, баъзи жумлалар таржимасида чалкашликлар учрайди. Лекин таржима тили ўзининг раволиги билан ажралиб туради.

Ушбу нашр ҳам сарлавҳаларга бўлинган. Масалан, “Самарқандга ҳужум”, “Кобулга қайтиш”, “Агра томон”, “Ҳумоюннинг қайтиши ҳақида ҳукм”, “Дхўлпур ҳам қўлга кирди”, “Лашкарни тўплаш ҳақида фармон”, “Панипат жанги”, “Ҳижрий 912 йилнинг бошланиши”, “Ҳижрий 912 йил” каби 230дан зиёд сарлавҳа ва сарлавҳачалардан иборат. Сарлавҳалар китоб ҳошиясида берилган. Агар эътибор қилсак, сарлавҳаларда икки хиллик мавжудлигини кўриш мумкин. Улардан баъзилари учинчи шахс номидан берилган бўлса, баъзилари биринчи шахс, яъни Бобурнинг ўзи томонидан қўйилган. Масалан, “Иккинчи бор Андижонга ҳужум”, “Жаҳонгир Мирзо исён қилди”, “Ҳумоюннинг туғилиши”, “Менинг муваффақиятим”, “Уйланишим”, “Ҳиндистон тўғрисида Бобурнинг фикри” ва бошқалар.

Шу каби жузъий камчиликларга қарамай, мазкур урдуша нашр ҳиндшунослик ва умуман шарқшунослик борасида муҳим аҳамият касб этади.

Мирзо Насриддин Ҳайдарнинг таржимаси аввало биринчи тўлиқ таржима сифатида, қолаверса, Бобурийлар авлодининг вакили қаламига мансублиги билан аҳамиятлидир. Ҳар иккала таржима ҳам Бобур Мирзо ва унинг шоҳ асарини урдузабон халқлар орасида омалаштиришда маълум хизмат қилса, “Бобурнома”да келтирилган Ҳиндистонга оид беҳисоб сўз ва атамалар уларнинг асл кўринишини, демакки “Бобурнома”нинг мавжуд ўзбек алифбосидаги янги, тўғрилланган нашрини тайёрлашда муҳим манбалардан бири вазифасини ўтайди.

Ансориiddин ИБРОҲИМОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик
институтини ўқитувчиси

Беназир бастакор

Маълумки, XX-аср охирида жаҳоннинг бир қатор оммавий аҳборот воситалари, йирик телерадиокомпаниялари китоби зарварақларида битилишга муносиб оламшумул воқеалар ва эътиборга молик шахслар ҳақидаги сўровлар натижасини эълон қилишмоқда. Хусусан, бу “танловлар” да таниқли сиёсатчилар ва баъзи “дахо”лар санаб ўтилганлиги эмас, балки бутун аср илму фанини, адабиёт ва санъатни бойитишга ўз ҳиссасини қўшган заковат соҳиблари мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Альберт Эйнштейн ва Маҳатма Ганди, Пабло Неруда ва Зигмунд Фрейд, Дмитрий Шостакович ва Чингиз Айтматов... Борди-ю, Ўзбекистонда ҳам ана шундай сўровлар ўтказилса, айтайлик, бастакорлик ижодиёти соҳасида илк ўринлардан бирини, шубҳасиз Мутал (Мутаваккил) Бурхонов эгаллар эди. Зеро, шу ижодкоргина аввалбошданок оз бўлсину соз бўлсин қабилда иш тутиб, европача кўповозлик услубини ўзбек, кейинчалик Марказий Осиё (тожик, қозок, қорақалпоқ) ва бутун Яқин ва ҳамда ўрта Шарқ (уйғур, афгон, эрон, қурд халқлари меросига мос монодия хусусиятлари билан уйғунлаштиришга астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Ва бу изланишларини ҳозир, яъни ёши саксондан ўтганида ҳам давом эттираётганлиги нақадар ибратли!

М. Бурхонов ижоди билан шундай танишганлар юқоридаги фикр фақат бастакорнинг хор, аниқроғи, жүрсиз хорларга мўлжаллаб қайта

ишлаган халқ кўшиқларигагина таллуқли-ку, дея каминага эътироз билдиришлари мумкин.

Йўқ, бундай дейиш М. Бурхоновдек ўзига хос услубга эга улкан бастакор ижодига ғоят юзаки қарашни билдирган бўлур эди. Санъатшунос олима Наталя Янов-Яновскаянинг “Муталь Бурханов” (рус тилида) деб номланган монографияси¹ ҳар қандай юзаки фикрларга чек қўяди деб ишонман.

Монографиянинг энг афзал хусусиятларидан бири шундаки, унда бастакор ҳаётининг муҳим лавҳалари Ўзбекистоннинг Шўролар даврида кечган оғир қисматига қиёсан гавдалантирилади. Нафақат Марказий Осиё, балки иттифоқ мусиқий санъати Жаҳон мусиқа маданияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Эътироф этиш жоизки, илгари яратилган монографияларда (М. Аҳмедовнинг “Дони Зокиров”, “Ҳожи Абдулазиз Расулов”, Илёс Акбаровнинг “Юнус Ражабий”, “Тўхтасин Жалилов” рисо-лалари) биографик маълумотларга кўпроқ урғу берилиб, ўз манбалари тавсифи асосан Ўзбекистон, жуда бўлмаганда, қўшни Тожикистон, айрим ҳоллардагина Москва билан чекланган бўлар эди.

Н. Янов-Яновскаянинг аввалги (“Акрам Акбаров”, 1990) монографияси ва қатор мақолалари (айниқса, “Музыкальная Академия” саҳифаларидагиси) бошқаларидан хийла фарқли ўлароқ ўз қамрови кенглиги билан ажралиб туради.

¹ Китоб Сорос жамғармасига қарашли “Ўзбекистон — очик жамият” институти томонидан “Media land” нашриётида чоп этилган.

Шу билан қиёсий таҳлилларга бойлигини ҳам кузатиш мумкин. Табиийки, бундан фақат мусиқашуносларгина эмас, балки у билан мудом ҳамдам ва ҳамқадам ижодкор ҳам “ютади”. Серқатлам мумтоз меросимизу анъанавий монодия доирасида ижод қилиб келадиган ўзбек бастакорлари ва кўповозли (европазамин) жанрларидаги бастакорларимизнинг асарлари жаҳон мусиқа маданиятининг таркибий бир қисми эканлигини аллақачон эътироф этишимиз зарур.

Чунончи, М.Бурҳонов ижодида камида тўрт ёки беш муайян услубий анъаналар инъикосини кузатиш мумкин. Булар — ўзбек, тожик ва бошқа мусиқий услубдош халқларнинг фольклори хусусиятлари, айти шу халқларнинг мумтоз (аллома Фитрат таъбири билан айтганда — классик) мусиқа мероси анъаналари, яъни мақом, ашула, катта ашула каби мукаммал қатламларда шаклланиб келган тамойиллар, буюк ислом маданиятига тенгдош бўлмиш — қарийб ўн беш асрлик мусиқий тафаккурни мужассам эта олган миллий бастакорларимиз анъаналари ва ниҳоят, XIX асрдан Шарқ мамлакатлари, жумладан Марказий Осиёга ташқаридан кириб келган европа-ча бастакорлик ижодиётидир.

Н.Янов-Яновскаянинг мазкур китобида фольклор ва Европа тизими ҳақида М.Бурҳоновнинг у ёки бу асари мисолида кўплаб фикрлар баён этилган. Бундай ижодий омиллар бастакорларимиз шаклланишининг қайси палласида ва қай даражада намоён бўлганлигини аниқлаб, муайян хулосалар чиқариш муҳимроқ эди. М.Бурҳонов ижодий лабораториясига назар ташласак, яхлит бир асаргина эмас, балки унинг ҳар бир лавҳасининг юзага келиши ўзига хос мураккаб жараён эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шундай жараёнда бастакор ўзи бир вақтлар изчил ёндошган тамойиллардан воз кечиб, йиллар давомида ўзгача йўл тутган ҳолларни ҳам кузатиш мумкин. Китоб бошидаёқ “Давр. Ҳаёт. Ижод” сарлавҳаси остида М.Бурҳоновдек ўзбек бастакорининг му-

раккаб ҳаётӣ-ижодӣ фаолиятига ишора қилинган. Шу боис, ҳажман ихчам биринчи бобга бир мунча оғир мазмун юклатилган. Сабаби, унда бош қаҳрамоннинг таржимаи ҳоли, ҳаётӣ интилишларидан ташқари бўлажак бастакорнинг киндик қони тўкилган Бухорои шарифдек илму фан ва маданият ўчоғидаги ижодӣ муҳит атроғича ўз тавсифини топган. Бунда муаллиф М.Бурҳонов хотиралари билан бирга бу мавзуга тааллуқли илмий адабиёт, архив маълумотлари ва ҳатто бадиий адабиёт намуналаридан кенг фойдаланган. Бастакорнинг бобоси Бурҳон Али, унинг тўққиз ўғлидан тўнғичи, Мутаваккилнинг отаси Музаиниддин, амакилари Ҳожи Мазҳариддин, Мукамил ва Муаммирлар 1937 йилдаги қатағонга учраб, кетма-кет қурбон бўладилар.

Мутаваккил Бурҳонов уч яшарлигида отадан, ўнга қадам қўйганида онадан ажралади, катта акаси Мисбоҳ, худди амакилари каби қатағон қурбони бўлади, бунга чи-долмаган катта опаси Моҳида ўзини қудуққа ташлайди, кичик опаси Фотимаҳонимнинг ҳаёти аянчли кечади...

Қариндош-уруғлари Муталжонни қўлларидан келганча асраб-авайлашади, аввал Бухорода, сўнг Самарқанд, Тошкент, Душанбе каби маданият ўчоқларида ўша даврнинг йирик таълим масканларида билим олишига имкон яратишади.

М.Бурҳоновнинг етук асарлари қаторида “Ибн Сино” бадиий фильмига ёзган мусиқаси (1957), Фитратнинг “Нега тарк этдинг мени?” ғазалига басталанган (хонанда, виолончель ва фортепиано учун романси (1989)) — бевосита ўша давр таассуротлари билан йўғрилган.

Рисоланинг асосий қисми ҳисобланмиш иккинчи бобида Н.Янов-Яновская забардаст ижодкор битикларининг деярли барчасига қисқача таърифлар бериб ўтади.

Олима М.Бурҳонов ижодининг илк қадамлари ҳақида ёзар экан, кўпроқ асарлар тарихи, уларнинг юзага келиши сабабларига урғу беради. Дастлабки кўшиқлар Абулқосим Лоҳутий шеърларига ёзилган “Эй, булбул, гиря макун”, “Боти нозанинам” каби асарлар шулар жумласидандир.

М.Бурҳоновнинг талабалик йилларида ижод этган фортепиано триоси (скрипка, виолончель ва фортепиано учун биринчи опуси) 1939 йилнинг таҳлилида илмий-назарий ва тарихий мезонлар мувозанати уйғунлиги кўзга ташланади. Муаллифнинг шахсий кузатувлари ўзгалар кузатуви билан танқидий нуқтаи назаридан таққослашнининг гувоҳи бўламиз. Бир пайтлар (тахминан 1970 йилларда) мазкур асар ҳақида обрўли нашрлардан бирида катта авлод вакили Т.С.Визго, гўё унда, европача анъана бўлмиш созанда — уч солист, уч яккахон даражасида намоён бўлмаганлиги М.Бурҳоновнинг касбий “ғўрлигидан келиб чиққан” деган фикрни ўртага ташлаган эди. Бундан бир оз фарқли ўлароқ, Н.Янов-Яновская бундай “кузатув”ни инкор этмасда, бир муҳим қўшимча келтиради. “Балки, — деб таъкидлайди у, — бунга мусиқани авваламбор куй тарзида идрок этишдаги туғма одат сабабчидир”.

Бу ғоятда тўғри фикр, албатта. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бўлажак бастакор Бухоронинг ўзига хос муҳитида, чолғу-мушқилот йўллари биргина танбур бўлган, ашула-настр йўллари эса овоз, танбур ҳамда доира жўрлигида талқин этилиши жараёнида вояга етган. Бундай анъана кейинчалик тубдан ўзгартирилганлигига қарамай, ёш Мутаваккилнинг илҳомига қанот бағишлаб, деярли ҳозиргача ўз самарасини бериб келмоқда.

Биринчи бобнинг эътиборга молик хусусиятлардан бири шундаки, бастакоримиз мукамал таълимга ташна эканлигига ва тақдир қийинчиликларига қарамай, ўша

кезларда энг нуфузли махсус мусиқа ўқув юртларидан бири — П.И.Чайковский номидаги Москва Давлат Консерваторияси ҳузурида дастлаб ишчи факультети, сўнгра ўзбек опера студияси ва ниҳоят, олийгоҳнинг асосий бастакорлик куллиётида таҳсил кўрганлиги йилма-йил ёритиб борилади. Ишчи факультети (рабфак) М.Бурҳонов учун кўп йиллик ўқув жараёнида негиз вазифасини ўтаган. Бу пайтда ёш ижодкорга яхшигина устозлар раҳнамолик қилган эди. Композиция курси бўйича — Шарқ, жумладан ўзбек мусиқасидан яхшигина хабардор бўлган профессор С.Н.Василенкодан сабоқлар олади. Н.Янов-Яновская профессорнинг ўз шогирди ҳақида ўзбек опера студиясига йўллаган, бастакоримиз шахсий архивида сақланиб қолган тавсифномасида куйидаги сатрларга кўзимиз тушади: “Мутал Бурҳонов... нозик куй яратиш, аъло даражадаги нафис гармония ва қизиқарли оҳанглар соҳибидир. Бастакор сифатида энг юқори даражадаги қобилиятга эга”.

Атоқли устоз-бастакор, илк операларимиздан “Бўрон” ва “Буюк канал”нинг ҳам муаллифи бўлган С.Н.Василенконинг дастлабки ютуқларни эндигина намоён эта бошлаган М.Бурҳоновга бу тахлит юксак баҳо бериши бежиз эмас. Кейинчалик Ўзбек опера студиясида ва Консерваториянинг асосий курсларида ҳам бўлажак бастакорга ўзи раҳбарлик қилган эди.

М.Бурҳонов асосий сабоқларидан ташқари мусиқа тарихи, гармония, полифония, фортепиано ҳамда дирижёр санъатини эгаллашда ҳам кўзга кўринган устозлардан таълим олди. Дмитрий Шостакович, Николай Мясковскийдек жаҳоншумул ижодкорлар билан бирга озар А.Қора Қораев, туркман В.Мухатов, қирғиз М.Абдраев, татар Н.Жигановлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш ижодкорнинг ҳаётида ўчмас излар қолдирди.

Китобнинг “Сўнги сўзи”, аввал таъкидлаганимдек, “Муқаддима” сингари “Асрлар тўқнашуви” дея

бир хил номланган. Фақат бу гал Н. Янов-Яновская ўз тадқиқи объектига ретроспектив назар ташлаб, муҳим хулосалар чиқаради. Дарҳақиқат, XX асрнинг йигирманчи йилларида таваллуд топган Мутаваккил Бурҳонов, мана, учинчи мингйиллик арафасида биз билан ёнма-ён ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқдаки, бундан қувониш керак, албатта.


Кези билан Н. Янов-Яновскаянинг “Мутал Бурҳонов” китобида айрим мулоҳазали ўринлар ҳам йўқ эмаслигини айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Булардан энг муҳими, чамамда, иккита. Бири шундай сифатли қоғозу полиграфик жиҳозли монографияда бирорта ҳам нота мисолига ўрин топилмаганлигидир. Олима бутун тадқиқ жараёнида ўнлаб ўзга муаллифлар фикрини келтирган, баъзан буларга таянган ёки ўзининг баҳсли кузатувларини ўрта-

га ташлаган ҳолда айрим асарлар таҳлилида муаллиф хулосалари ниҳоясига етмаётгандек таассурот қолдиради.

Иккинчиси, деярли имло жиҳатидан аъло даражада терилган бўлишига қарамай, айрим нуқсонлар учрайди: Ф. Қиличев қаламига мансуб долзарб мақола “Мустиқилликнинг фожиали йўли” тарзида, шоира Космоий исми “Шамес” (Шамси) ёки “Ж. Оймирзаев” — “Айтмирзаев” тарзида, “Шаҳодат Раҳимова” — “Шаҳидат” тарзида чоп этилган.

Мутаваккил Бурҳоновдек забардаст бастакор ҳақида бир эмас, бир неча китоб аллақачон ёзилиши керак эди, бу мусиқашуносларимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Н. Янов-Яновскаядек тажрибали муаллифнинг бу тадқиқоти она тилимизда ижод қилувчи олимларимиз учун ибрат намунаси бўлади деган фикрдаман.

*Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ,
профессор, санъатшунослик
фанлари доктори*



Герберт Р.ЛОТМАН

Ротшильдлар — банкирлар қироллари

Йигирма тўртинчи боб

РОТШИЛЬДЛАРНИНГ БАНКЛАРИ

Урушдан кейинги Оврўпа антисемитлар учун анча нобоп жой бўлиб қолди. Одамларнинг хотирасида юз минглаб одамларни зўравонлик билан кўчиришлар, фашистларнинг ўлим лагерларининг мудҳиш излари ҳали сўнмаган эди. Францияда ирқчиликни тарғиб қилишни қатъиян тақиқловчи қонун қабул қилинди. Бу қонун яҳудийларни ёмон кўрадиган ашаддийлар учун сиёсат йўлини бутунлай беркитди.

Бироқ фанатизм ҳам инсоннинг тентаклиги каби инсон билан бирга мангу яшайди. 1952 йилдаёқ француз журналларидан бирида пайдо бўлди. У ярим аср аввал пайдо бўлган гийбатга жуда-жуда ўхшаб кетарди. Муаллиф илгари хўп чайналган ва аллақачон архивга ташланган “Дрейфус ишини” яҳудийларнинг француз антисемитларининг номига қора чаплаш мақсадида қилинган найранг дея такрорлаган эди. Бироқ бу ўтмишда бўлган эди. Ҳозир журнални кўпроқ ташвишлантираётган нарса — жуда тез суръатларда Ротшильдларнинг молиявий империясининг қайта тикланаётгани эди. Ахир, улар нафақат уруш йилларида кўрган талафотларни қайта тиклаб олдилар, балки ўз бизнесларини анча-мунча кенгайтиришга ҳам муваффақ бўлдилар.

Баронларнинг бадавлатлиги жамиятнинг муайян қисмига сира тинчлик бермай қўйганди. 1955 йилда Дрюмоннинг издоши Генри Косто “Ротшильдларнинг оилавий банки яна Франция иқтисодиётини назорат қилмоқда”, дея ваҳима кўтарди. “Яхшилаб эслаб қолмоқ керакки, бизнинг республикамызда президент ҳам, қирол ҳам бор. Қирол — месье де Ротшильд ким билсин — давлатимизнинг ҳақиқий раҳбари қасрда тураркин — Елисей далаларидаги қасрдами ёхуд Лафит кўчасидаги хос уйдаими?”, — деб айюҳаннос солган эди Г.Косто.

Ҳақиқатда эса Ги “Франциянинг қироли” эмас эди, унинг банки ҳам анчадан бери Франция иқтисодиётини назорат қилмай қўйганди. Аввалги улуғворликни тиклаш учун, бунақа орзуларни рўёбга чиқармоқ учун Ги, Ален ва Эли ўзларининг барча даромадларини умумий ишга харжлаб, бутун ғайратлари ва билимларини ишга солиб меҳнат қилмоқда эдилар.

Жорж Помпидунинг кетидан Лафит кўчасидаги қасрда янги ижрочи директор Жак Жито пайдо бўлди. Житолар оиласининг уч авлоди Ротшильдларнинг хизматини қилиб ўрганди. Помпидунинг талаби билан Житони унинг банкига ўтказдилар ва у молия бошқармасига бошлиқ бўлди.

Помпиду ўзи қайтадан ташкил этган инвестицион банкнинг бош йўлини белгилар эди. Бу банк қарз беришдан бошқа ҳамма иш билан шуғулланаверарди. Франция янги саноат даврига қадам қўйган эди. Бу — ўзининг ҳудудсиз мустамлакала-

Охири. Боши аввалги сонда

12—К-8388

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

177

ридан оладиган хом ашёни қайта тиклашга асосланган эди. “Де Ротшильд Фрэр” миллий саноатнинг тез суръатлар билан ривожланишида фаол иштирок этарди.

Помпиду тиниб-тинчимас, гайрати жўш уриб турадиган одам эди, Ги эса ўз банки директорининг батамом тескариси эди. Барон яқин дўстлари даврасида ўзининг тортинчоқлиги билан шуҳрат қозонган эди. Унинг ишдаги босиқлиги ана шу тортинчоқликнинг тескариси эди, холос. Қизиғи шундаки, у банк ишларидан кўра кўпроқ тоғ-кон ишларига қизиқарди.

“Де Ротшильд Фрэр”нинг ғолибона юришига 1958 йилда бутун сайёрани босиб кетган асилмустамлакачилик ҳаракати панд берди. Франция Жазоирга мустақиллик талаб қилиб чиқишлардан саракати мадда тушиб қолди. Жазоирнинг босиб олинганига юз йилдан ошганди. Французлар Жазоирни ўз мулки деб қарашга кўникиб қолишган эди. Бошланиб кетган мустамлака уруши мамлакатни иккига бўлиб ташлади. Жазоирдаги француз офицерлари Париждаги сиёсатчиларнинг қандай қарор қабул қилишларидан қатъий назар охиригача жанг қилишга қатъий аҳд қилишди. Уруш фуқаролар урушига айланиб кетиш хавфи туғилди.

1958 йилнинг 13 майида Жазоирда исён бошланди. Энди Францияда фуқаролар ўртасида тинчликни сақлаб қолишга иқтидори етармаган бирдан-бир одам генерал де Голл бўлиб қолди. У беш йил аввал сиёсий кураш майдонини бутунлай тарк этган эди. Июнь ойида у янги ҳукумат тузди ва ғалаёни бостирди. Де Голл ғалаёнга Тўртинчи республиканинг пойдеворини вайрон қилувчи бир ҳодиса сифатида қаради.

Ўша йили сентябрь ойида ўтказилган референдумда янги Конституция қабул қилинди. Бу Конституциянинг замирида мамлакатда президентнинг яқка ҳокимлиги принципи ётарди. 1959 йилнинг 8 январиди Шарль де Голл Бешинчи республиканинг президенти қилиб сайланди.

Де Голл Жорж Помпидуни ўз командасига таклиф қилди. Ги Ротшильдга Лафит кўчасидаги қасрни тарк этишга қарор қилганини маълум қилган Жорж Помпиду сиёсат билан жиддий шуғулланмоқчи эмас эканлигини ҳам айтди. Ҳозир мамлакатни қутқариб олмақ керак, лекин унинг хизматларига ҳукуматнинг эҳтиёжи битиши биланоқ у дарҳол банкка қайтади.

Помпиду ўзининг сўзида турди ва олти ойдан кейин яна “Де Ротшильд Фрэр”нинг бош идорасидаги ўзининг кабинетига қайтди. Бу унга де Голлнинг асосий маслаҳатчиси бўлиб қолишга халақит бермади. Лекин Помпиду ўзининг бутун диққат-эътиборини банкдаги ишига қаратди. Бу аҳвол 1962 йилнинг апрелигача давом этди. Ўша йили Жорж Помпиду Франциянинг бош вазири бўлди.

Помпиду мисоли ҳукумат билан йирик сармоя ўртасидаги муносабатларни тушуномқ учун бой материал беради. Француз компанияси “Ле Никел” никел ишлаб чиқаришда мамлакатда ҳукмрон мавқега эга эди. Аммо шунга қарамай, никелга талабнинг камайиб кетгани важдан бу компания оғир таназзулга тушиб қолди. Компания ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқ учун жуда катта пул сарфлаган эди, аммо инвестициялар салмоқли даромадлар келтира бошлайдиган кунларга етиб олмақ учун ҳозир компанияга қўшимча ёрдам бериш талаб қилинарди.

Худди шу пайтда де Голл пул ислоҳотини амалга оширди: франкнинг иккита ноли олиб ташланди. Ўшанда соф никелдан бир франклик янги тангани зарб этишга қарор қилинди. Шу сабаб билан “Ле Никел” компанияси қутқариб қолинди. “Ле Никел” — Янги Каледонияда Ротшильдларнинг асосий сармояси жойлашган йирик компания эди. Кейинчалик Америка Француз никелини ва ундан ясалган буюмларни мамлакатга олиб киришни тақиқлаб қўйди. (Америкаликлар бу маъдани Кубадан олишарди, Кубага эса никелни қазиб олишда собиқ Совет Иттифоқи ёрдам берарди). АҚШнинг бу қарори Францияда шахсан президент де Голлга ва унинг Шимолий Атлантика постига қарши юрилтаётган сиёсатига қарши ҳамла деб қабул қилинди.

Барон Эдмоннинг иккала ўғли ҳам 1957 йилда вафот этди. Аввал май ойида Британия парламентининг аъзоси Жеймс Арман вафот этди. Толмас Морис ўзининг акасидадан кейин кўп яшамади, у сентябрь ойида етмиш ёшда оламдан кўз юмди. Морис отасидан қолган мерос туфайли ва ўзининг чапдастлиги билан қавм-

даги энг бадавлат одам бўлиб олганди. Швейцарияда меросдан катта солиқ олинмайди, шунинг учун унинг бойлиги тўлалигича Эдмонга ўтди.

Эдмон II Франция пойтахтида тевараги боғ билан ўралган вилада беҳисоб мулозим хизматкорлар боқувида ўсиб-улғайган. У Жанба ва Парижда таҳсил кўрган. Йигирма икки ёшида Эдмон амакиси Гининг ёнида ишлай бошлади. У “Трансокаен”нинг импорт ва экспорт борасидаги ишлари билан шуғулланар эди. Компаниянинг ишлари билан у бутун Лотин Америкасини айланиб чиқди. Икки йил мобайнида оилавий бизнес манфаатлари йўлида хизмат қилганидан кейин Эдмон ўзи мустақил иш юритадиган вақти келди, деб ҳисоблади. У ўзининг сайрусаргардонликлари вақтида Буэнос-Айресда биринчи фирмага асос солган эди. Йигирма етти ёшида Эдмоннинг “Ля Компани Финансьер” деган хусусий банки бор эди. Ишлаб чиқаришга, фойдали қазилмаларни қайта ишлашга, юк ташишга маблағ етказадиган “Де Ротшильд Фрэр”дан фарқ қилароқ Мориснинг меросхўри ўртача бизнесменларга бошланғич инвестициялар беради ва корхона оёққа тура боргани сари лойиҳаларда ўзининг иштирокини камайтириб борарди. Эдмон почта орқали май ва музқаймоқ билан савдо қилувчи фирмаларга ҳам молиявий ёрдам кўрсатиб турарди. У онаси томонидан барпо этилган меҳмонхоналар тармоғига ҳам кўмаклашишда давом этди. Ҳатто Исроилда ишқий саргузаштларни бошидан кечираётган фурсатларда ҳам у “Изрәил Жнәрал Банк” деган навбатдаги тижорат корхонасини яратишнинг уддасидан чиқди.

Ишқ-муҳаббат борасидаги можаролар Ротшильдларнинг бу авлоди учун ўзига хос белги бўлиб қолди. Эдмон II ота-боболарининг юртини зиёрат қилиб келмоқчи бўлади. Ўз вақтида отаси бундай зиёратни қилишга муваффақ бўлмаган эди. Суҳбатларидан бирида Давид Бен-Гурион баронга “агар Ротшильд янги иш жойлари барпо қилиб берса, Исроил учун бундан ортиқ хизмат бўлмас эди” деган экан.

Эдмоннинг биринчи турмушидан ёлчимагани учун у яҳудий оиласидан чиққан тузукроқ бир қизга уйланишга қарор қилади. Аммо: “Мен қиламан ўттиз, Худойим қилади тўққиз”, деган гап бор. Бароннинг иккинчи хотини Надин Лопиталье деган аёл бўлди. У оддий ишчи аёлнинг қизи бўлиб, отаси ҳам маълум эмас эди. Унинг чиқиб келишига қараганда, бу қиз умрининг охиригача қашшоқлик ва муҳтожлик ичида ҳаёт кечирмоққа маҳкум эди. Аммо Надин жуда гўзал, қадди-қомаги келишган эди. У онаси каби бутун умрини фабрика дастгоҳи ёнида ўтказмоқчи эмасди. У расомларнинг қўлида ишлади, меҳмонхоналарда оқсочлик қилди, эстрада қўшиқчиси бўлди. Надим Эдмонга рўпара келган кезларда аллақачон йигирма саккизга кирган эди. Эдмон эса ўттиз уч ёшда эди.

Улар турмуш қурганида Надиннинг етти ойлик ҳомиласи бор эди. У тўшакдан турмасди. Уларнинг яҳудий таомиллари асосида ўтказилган никоҳ маросими тўғридан-тўғри Надиннинг хобхонасида ўтди. Икки йилдан кейин — 1963 йилнинг 30 июлида у ўғил туғди. Энди Надиннинг меҳмонхонама-меҳмонхона саргардон бўлиб юришига ҳожат қолмаган эди. Энди Жамва кўлининг соҳилидаги Прени қасри ҳам, Швейцарияга қарашли Алп тоғларидаги вилла ҳам, Парижда Елисей далаларида шундоққина президент саройининг рўпарасида жойлашган хос иморат ҳам Надиннинг ихтиёрида эди.

Ота-боболарининг юртига фойда келтиришга интилган Эдмон Исроил ҳукуматининг Франциядаги фйрирасмий вакили бўлиши мажбуриятини зиммасига олди, Надин эса Халқаро сионистик аёллар ташкилотининг раиси бўлди.

1967 йилда араблар Исроилга қарши ҳарбий таҳдид солиб турганида Синай ярим оролида исроилликлар биринчи бўлиб Мисрга қарши қақшатғич зарба беришди. Сурияга — Жолон тепаликларида зарба беришди. Иорданиядан Иордан дарёсининг ғарбий соҳилини тўлалигича тортиб олишди ва Қуддуси шарифни бутунлай босиб олдилар. Яҳудийлар шундай қилишга мажбур эдилар. Негаки, 1948 йил яҳудийларнинг эсидан чиққани йўқ эди. Ушанда эндигина барпо этилган Исроил давлатига араб қўшинлари ёпирилиб ҳужум қилишганди. Яҳудийлар ўз чегараларининг хавфсизлигини таъминламоқлари керак эди. Шунга қарамай, жаҳоннинг кўпгина сиёсатчилари, шу жумладан, де Голл ҳам исроилликларнинг ишини босқинчилик ҳаракати деб баҳолашди.

“Олти кунлик уруш”нинг охириги куни Эдмон билан Алән Исроилга келишди. Қуддуси шарифнинг араблар тасаввуфидаги қисмини Исроил солдатлари ишғол

қилганидан кейин ота-боболарнинг муқаддас тупроғига биринчи бўлиб қадам қўйган ноҳарбий одам Эдмон бўлган эди.

У пайтларда Франциянинг Бош вазири Жорж Помпиду эди. 1962 йилнинг апрелида у Лафит кўчасидаги ўзининг кабинетини иккинчи марта тарқ этди. Ишдан бўшаб кетаётганида Гининг хотини унга шундай деган экан: “Нима учунлигини изоҳлаб беролмайман-у, лекин назаримда, сиз бу ерга бошқа ҳеч қачон қайтиб келмайдиганга ўхшаяпсиз”. У чиндан ҳам башорат қилган экан.

Ротшильднинг банкдан кетгандан сўнг Помпиду олти йил Бош вазир лавозимида ўтирди, кейин эса республика президенти қилиб сайланди ва шу лавозимида вафот этди.

Помпидунинг бошқарувчилик вазифасидан кетиши банкнинг ишларига анча салбий таъсир кўрсатди. “Де Ротшильд Фрэр”нинг директори ўрнига бирор муносиб одам топиш амримаҳол эканини Ги яхши тушунарди. Бароннинг теварагидаги одамлар орасида яна битта Помпиду йўқ эди.

Жорж Помпидунинг Бош вазир этиб тайинланиши ҳамма томондан бир хил кутиб олингани йўқ.

Француз коммунистларининг “Юманите” газетаси “Ротшильд банкининг директори ҳукумат тузди” деган бир қулоч сарлавҳа билан чиқди. Роялистлар ва ашаддий ўнглларнинг газеталари ҳам шу руҳда мақолалар босишди. 1969 йилда Жорж Помпиду президент этиб сайланганда ўша “Юманите” газетаси шундай деб ёзган эди: “Ротшильдлар қавми Елисей қасрида. Ротшильдлар банки ўз мавқини сақлаб қолмоқда”. Эҳтимолки, банк ўз мавқеини сақлаб ҳам қолгандир, бироқ баронлар тўғрисида сира ҳам бундай деб бўлмасди. Помпиду давлатни бошқарган кезларда бошдан-оёқ француз-исроил муносабатлари мутлақо кўнгилдагидек бўлган эмас.

1974 йилда президент Помпидунинг вафотидан кейин Ги дўстининг мавқини тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Барон Жорж Помпидунинг ҳамшиша яҳудийларга ва Исроилга дўст бўлиб келганига одамларни ишонтирмоқчи бўлди. Голл Исроил билан савдо қилишга эмбарго жорий қилганида, Помпиду президентнинг “олти кунлик уруш”га қарашини ўзгартиришга ҳаракат қилди. Лекин унинг ўзи ёш Исроил давлатининг ўта такаббурлигини тушуна олмади.

Бош вазир бўлган кезларида Помпиду Ги Ротшильд билан дўстона муносабатларини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қиларди. У ҳар ойда бир марта Ротшильднинг Вандом майдонида жойлашган асосий идорасида тушлик қиларди. Баъзан бош вазир ҳордиқ кунларини Ферьер қасрида ўтказар эди. Тўғри, у президент бўлганидан кейин Гининг олдига камроқ келадиган бўлиб қолди ва Ротшильдларнинг шикоргоҳларида ов қилиб юрмоқ учун ҳам фурсат топилмайдиган бўлди. Бироқ улар бунинг ўрнига Елисей қасрида ва президент шикорларида тез-тез учрашиб туришарди.

Помпидудек истеъодли ходимнинг ишдан кетишига қарамай, Ротшильдларнинг иши муваффақият билан ривож топишда давом этди. Бароннинг энг катта ютуғи шу бўлдики, у ер ости бойликларини қазиб олиш билан шуғулланадиган ҳамма компанияларни битта “Ле Никель” концернига бирлаштирди. Концерн таркибига кирган “Рио-Тинто” компаниясига нафақат уран, мис, руҳ ва қўрғошин конлари, балки Шимолий ва Жанубий Африкадаги зумрад чиқадиган жойлар ҳам қарар эди. “Иметаль” компанияси Франция, Италия, Шимолий Африка, Бразилия ва чет элдаги қўрғошин ва руҳ заҳираларини кавлаб олиш билан шуғулланарди. 1884 йилдан бери “Ле Никель”га сармоя сарфлаб келаётган Ротшильдлар бу фирмани янгидан барпо этилган концерннинг мустаҳкам пойдеворига айлантиридилар.

Ротшильдлар инвестицияларининг муттасил ўсиб бориши ҳатто экспертларни ҳам лол қолдирарди. 1965 йилнинг охирида биринчи марта уларнинг банкининг баланс ҳисоботи эълон қилинди. Шунда маълум бўлдики, уларнинг активи бор-йўғи 4,5 миллион долларга тўғри келар экан. Бу рақамлар Ротшильдлар банкининг Франциядаги майда банк муассасалари қаторига тушириб қўярди. Ўзингиз таққослаб кўринг: “Лион кредити” банкининг активлари 22 миллиард долларни ташкил қилар эди. Лекин маълум бўлдики, оилавий банк аллақачон Ротшильдларнинг бутун жаҳон миқёсида иш олиб борадиган инвестицион гуруҳининг унсурларидан бирига айланиб бўлган экан.

Йигирма бешинчи боб

КАТТА ЎЗГАРИШЛАР

Урушдан кейинги йиллардаги бизнесда корхонанинг катталиги муваффақиятга эришишнинг бош омили деб қаралар эди. Экспертларнинг бари ҳамжиҳатлик билан ҳаммага берилиб кетган Ги Ротшильднинг “Компани дю Нор”нинг эътиборини оилавий банкка қаратди. Чиндан ҳам синчиклаброқ қараганда, баронларнинг молиявий империясининг афсонавий қуролидан амалда тўлалигича фойдаланмай қўйилган эди. Ишни оила манфаатларига заррача зиён етказмаган ҳолда тўғрилаш мумкин эди. Бунинг учун ўз маблағларини банкка қўйишга рози бўлган мижозларни жалб қилмоқ керак эди, холос. Шу тарзда банкка тушган пулларни айлантириб, Ротшильдлар ўзларининг бойликларини ҳам мижозларнинг бойлигини ҳам орттирар эдилар. Бу нафақат Парижда банкнинг янги бўлимларини очишни тақозо қиларди, балки бутун мамлакат бўйлаб минтақавий бўлимлар ҳам барпо қилиш керак эди.

Банкдаги ўзгаришлар Лафит кўчасидаги баронлар истиқомат қиладиган қасрни қайта қуриш билан бир вақтда амалга оширилди. Қаср майдонининг фақат чорак қисмидангина идора сифатида фойдаланилар эди. Баронлар “Харрисон Энд Абрамович” деган таниқли Америка фирмасидан мутахассислар таклиф қилишди. Улар замонавий офис талаблари асосида иморатни қайта қуриш лойиҳасини ишлаб чиқишди. Франция иқтисоди дадил қадамлар билан ривожланиб бормоқда эди ва Ротшильдлар замондан орқада қолишни хоҳлашмас эди.

1967 йилда Франциядаги Ротшильдлар банкига асос солинганга роппа-роса 150 йил тўлди. Апрельнинг охирида баронлар Лафит кўчасига матбуотни таклиф қилишди. Журналистлар катта залда тўпланишганда уларнинг олдига учта амаки-жиян чиқишди. Оилавий бизнеснинг бошлиғи сифатида Ги ўртада келар, унинг ўнг томонидан Ален, чап томонида эса Эли келарди. Барон тўпланганлар олдидан ўз банкида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида узоқ гапирди. Кейин зиёфат бўлиб, меҳмонларга осетра балиғи ва оилавий ертўлалардан олиб чиқилган шароблар тортди.

1968 йилнинг январиди “Де Ротшильд Фрэр” масъулияти чекланган акционерлик компаниясига айлантирилди ва унга “Банк Ротшильд” деб янги ном берилди. “Компани дю Нор” эндиликда банк акцияларининг 70 фоизига эгаллик қилар ва баронлар молиявий гуруҳининг асосий унсури бўлиб қолган эди. Ана шу компания янги ташкил қилинган “Банк Ротшильд”га молиявий жиҳатдан жуда катта ёрдам берди. Шу туфайли “Банк Ротшильд” тўлақонли депозит муассасага айланди. Шу муносабат билан Ги савдо банклари батамом эскириб кетди ва яқинда улар умуман йўқ бўлиб кетади, деди.

* * *

Ниҳоят, Ги анчадан бери кўнглида ардоқлаб келган орзусига эришди. Яна жиндай ҳаракат қилса, меҳнатларининг сарамасини кўриши мумкин. Аммо кўп ўтмай унга ўз тизимининг кемтиклари аён бўла бошлади. Банк ишининг келажаги фирмаларнинг бир-бирига қўшилиб кетуви, уларни харид қилиш ва кооператив молия билан боғлиқ эди. Шунга қарамай, ҳозирча шикоят қиладиган жойи йўқ эди. “Компани дю Нор” икки йил мобайнида ўз сармоясини 53 миллиондан 335 миллион долларга етипти. Ротшильдлар Франциядаги энг йирик инвесторларга айланиб қолди.

“Компани дю Нор” таркибига кирадиган тармоқлар бўйича тақсимлаб қўйилган эди. Масалан, молиявий тармоққа Францияда “Банк Ротшильд” ва Нью-Йоркда “Амстердам Оуверсис Корпорейшен” кирар эди. Уларнинг активлари 80 миллион долларча келар эди. Тоғ-кон тармоғида бу гуруҳ “Иметал” ва “Ле Никель” акцияларининг нисбатан унча кўп бўлмаган миқдорига эгаллик қилар эди. “Иметал” ва “Ле Никель” эса ўз навбатида йиллик айланма маблағи уч миллиард долларни ташкил қилувчи саноат гуруҳига кирар эди. Ротшильдлар ўзлари юз йил

аввал дастлабки инвестицияларини етказган соҳадан ҳам даромад кўрмоғини давом эттирмоқда эдилар.

Ҳамма иш жуда яхши бормоқда эди. 1968 йилнинг бошида “Компани дю Нор” қўшимча сармояни жалб қилмоқ учун акция чиқаришга тайёр турган эди. Бироқ шу пайт оммавий галаёнлар бошланиб қолди. Май ойида ўзларининг моддий аҳволдан норози бўлган ишчилар намоёиш қилишди. Уларга дарҳол таълим тизимини ислоҳ қилишни талаб қилувчи талабалар қўшилди. Май ойидаги воқеалар натижасида бутун мамлакат жунбушга келди. Ҳокимият тизгинсиз бўлиб қолди, завод ва фабрикаларда иш тўхтади, транспорт ва банк тизими қаттиқ шикаст еди. Аҳвол 1848 йилнинг баҳоридаги аҳволга жуда ўхшаб кетарди. Фақат у пайтларда барон Ротшильд акционерлар олдида ҳисоб бериши шарт эмас эди.

Кузда Ги журналистлар олдида баҳорги ҳодисалар унинг молиявий гуруҳига қаттиқ зарба берганини эътироф этди. Ушанда ҳамма йирик бизнесменларнинг назарида қисмат-қойим бўлгандай туюлган эди. Бўлиб ўтган воқеалардан барон жуда муҳим бир сабоқ олди: кичик бошқарувчилар ва оддий ходимлар ўзлари ишлаётган фирманинг муаммоларидан хабардор бўлмоқлари керак. У ёш авлодга кўпроқ эътибор бера бошлади. Ҳозир корпорациядаги ҳамма ҳокимият бошқарувчиларнинг қўлида эканини унутиб қўйиш Гига ярашмас эди. Фақат Ротшильдларгина ҳамма ишнинг хўжайини эмас эдилар, эндиликда оиланинг ҳукмронлиги бошқарув шайинларига реаллик билан эгалик қилишга эмас, кўпроқ анъанага асосланарди, холос.

1968 йил “инқилоби”нинг оқибатлари анча тез тугатилди. “Банк Ротшильд” фирмасининг 1969 йилдаги даромади бирламчи сармоянинг 20 фоизини ташкил қилди.

Янги тизимда Ги директорлар кенгашининг президенти бўлди. Ален билан Эли эса вице-президент бўлишди. Бундан ташқари, директорлар кенгашига Эвелин Ротшильд ҳам кирди — у сулоланинг Англиядаги тармоғининг вакили эди, Франциядаги Ротшильдлар унга таяниб, инглиз ва Америка молия бозорларида муваффақият билан иш олиб боришди. Гарчи янги депозит банкининг бўлимлари унча кўп бўлмаса-да, борлари шу қадар жойлашган эдики, натижада депозит омонатлари дарёдай оқиб кела бошлади. Бундан ташқари банк Франциядан ҳам, хорижда ҳам биржа олди-сотди ишларида анча муваффақиятли қатнашди. Янги очиқ инвестицион фонд ташкил этилди, у “Ротшильд-Экспансьен” деган рамзий ном олди.

Натижада Ротшильдлар XX асрнинг етмишинчи йилларига дадил қадамлар билан кириб боришди. Уларнинг музаффариятли юриши фақат 1973 йилдагина бироз сустлашди. Ушанда янги араб-исроил уруши туфайли нефтнинг нархи шу қадар осмонга чиқиб кетдики, натижада бутун Ғарб иқтисодиёти ҳанг-манг бўлиб қолди. Шунда Ғарб стагнация деган нарсанинг, яъни бозордаги депрессия билан бирга миллий валютанинг инфляцияси қўшилганда нима аҳволга олиб келишини ўз кўзлари билан кўрдилар. Бунақа оғир аҳволга фақат бир нечтагина бақувват банк бардош бера олди, холос. Уларнинг қаторида “Ротшильд-Экспансьен” инвестицион фонди ҳам бор эди. У нафақат ўз мавқеини сақлаб қола билди, балки ана шундай қийин шароитда муваффақият билан ривожланишнинг ҳам уддасидан чиқди.

Аммо фақат инсон қурби етадиган нарсаларнигина ўзгартириш мумкин. Ҳатто молиявий фаолиятнинг энг устаси-фаранглари ҳам никелга талаб камайиб кетиши каби иқтисодий ҳолатларга рўпара келишганда ҳеч нарса қилолмай қолишди. Франция иқтисодиёти тез суръатлар билан пасга қараб борарди ва ўзи билан Ротшильдларни ҳам судраб кетишга ҳаракат қиларди.

60-йилларнинг охирида америкалик миллиардер Генри Кайзер Ги билан бирга Янги Каледония пойтахти Нумеада никелни қайта ишлаш билан шуғулланадиган катта завод қурилишида иштирок этишга рози бўлди. Аммо қаҳри қаттиқ 70-йиллар бошланди. “Ле Никель” янги-янги молиявий мададларни талаб қиларди, бозорда эса мол аввалгидай чаққон кетмай қолган эди. Буни кўриб, “Кайзер Элюминийум”нинг раҳбарияти янги лойиҳада иштирок этишдан бош тортди. Нима бўлса ҳамки, аҳволни қутқариб қолиш учун барон “Ле Никел” акцияларининг 50 фоизини давлатга сотишга мажбур бўлди. Аммо тоғ-кон саноати устидан назоратни сақлаб қолмоқ учун банкирлар дарҳол янги саноат гуруҳини барпо этишди. “Иметал” деб аталган бу гуруҳ акцияларининг назорат пакети “Компани дю Нор”-

га қарар эди. Гининг режасига кўра, янги компания нафақат акцияларга эгаллик қилмоғи керак эди, балки у фаол инвестицион сиёсат юритиб, хом ашё бозорини бирин-кетин эгаллаб бормоғи керак эди.

“Ле Никель”нинг бир қисм акциялари сотилгандан кейин ҳам компанияда анчамунча маблағ қолган эди. “Иметал” янги лойиҳаларни харид қилишга пул харж-ламасликка, балки фойдали қазилмаларни қайта ишловчи заводларни сотиб олишга қарор қилди. Биринчи харид қилинган завод Питербургдаги пўлат қуювчи “Купервельд” заводи бўлди. Профсоюз бунга норозилик билдирди, ишчиларни: “Французлар, уйингга жўна!” деган шиор билан намойишга олиб чиқди. Шунга қарамай, Г. Ротшильд 80 миллион доллар тўлаб, корхонани сотиб олди. Бу иш баронга анча маъкул келиб қолди ва орадан кўп ўтмай “Иметал” “Ю.Кей. Лэд Индастриел Групп” акцияларининг 25 фоизини қўлга киритди ва Францияда уран ишлаб чиқарувчи хусусий корхона устидан тўла назорат ўрнатди. Бироқ муттасил иқтисодий таназзул белгиси остида ўтган машаққатли ўн йил, нефть нархининг баландлиги ва долларнинг сурункасига заиф бўлгани баронга ўзининг ички қувватини тўла рўёбга чиқаришига имкон бермади. Лекин ҳар қандай қийинчиликка қарамай, “Иметал” sanoat гуруҳи кенгайишда давом этарди.

Бу орада “Банк Ротшильд” акционерлик компанияси ҳали ҳам аввалгидек чоғроқ бир депозит банки эди, холос. Аммо унинг олдига имкониятларидан анча юқори турадиган вазифалар кўйилган эди. Шунинг учун 1975 йилда Ги банк орқали “Дисконт Банк Франс”нинг учдан икки қисмини сотиб олди. Кейин эса бирин-кетин яна тўртта молиявий муассасани харид қилди. Уларнинг ҳаммасини бир қўлга жам қилди. Натижада банк олақуроқ чодирга ўхшаб қолди.

“Банк Ротшильд”даги жиддий ўзгаришлар 1978 йилда Давид Ротшильд банкнинг бош директори, унинг ўғли Эли Натаниэл эса отасининг муовини бўлгандан кейин бошланди. Яхши бошланган иш хайрли бўлади дейишади.

Давид янги лавозимга ўтириши билан ишни шундан бошлашга мажбур бўлдики, у акционерларга нима учун ўтган 1977 йилда банкнинг даромади деярлик уч баравар тушиб кетганини тушунтириб беришга мажбур эди. У рақамларни қалаштириб ташлаб тингловчиларни толиқтирмай қўя қолди, унинг ўрнига жўнгина қилиб, улардан “наҳотки сизлар иқтисодий таназзул бизни четлаб ўтади деб ўйлагансизлар?” деб сўради.

Ўша йилнинг кузида баронлар “банк Ротшильд” билан “Компани дю Нор”ни бирлаштиришга қарор қилишди. Бунга сабаб бўлган нарса банкнинг заифлиги эмас, балки инвестицион гуруҳ кўрган талафотларнинг кўплиги эди. Давиднинг фикрига кўра, қўшилиш оилавий корхонанинг молиявий заминини мустаҳкамлайди ва таназзулни енгиб ўтишга ёрдам беради. Ёш бароннинг саъй-ҳаракати билан бор-йўғи бир йил мобайнида “Банк Ротшильд” ўз сармоясини уч ярим баробардан ортиқроққа кўпайтирди. Акционерларнинг ортиқ шикоятни учун ўрин қолмаган эди. Бироқ ҳеч нарсага ишонмайдиган ўжарларнинг огоҳлантиришича, баҳсли инвестицияларни “Компани дю Нор”дан “Банк Ротшильд”га кўчириш унинг мавқеини заифлаштириб қўймоғи мумкин. Бироқ, Ротшильдларнинг фикрига кўра, бу — ягона чора эди. Етарли миқдорда пул тўшлаб олишса, улар таназзулга дош беришлари мумкин эди. Бунинг учун вақт керак эди, аммо уларда айна шу вақт йўқ эди.

Омад анча инжиқ нарса. Шунча йиллар мобайнида у баронларга кулиб боққанидан кейин бирдан юзини ўгириб олди. Қавмнинг ичида гўё алпанарса сингандек бўлди: нафақат оилавий бизнес тушқунликка учрай бошлади, балки Ротшильдлар оиласининг ўзидан ҳам пугур кета бошлади. Ферьер қасрининг залларини омад тарк этган эди. Ги аста-секин сувратларни ва антиқа анжомларни сотишга киришди. Ален ҳам Елисей далаларидаги қасрини сотди, баронесса Жерменнинг вафотидан кейин эса унинг Фош кўчасидаги дангиллама уйи ҳам сотилди. Банклар афсус надоматларсиз, алланечук мутелик билан қасрлари ва яхталарини бадалат нефтчи шайхларга ва янги чиққан Америка миллионерларига сотиб юборишди.

1979 йилда Ги етмиш ёшга кирди. У банк бошқаруви раиси лавозимини тарк этди, унинг ўрнига олтмиш уч ёшлик жияни Эли ўтирди. Гидан атиги бир ёш кичкина бўлган Ален ҳам аввал бизнесни тарк этди, кейин яхудийлар Бош консисто-

риясининг Президентлиги лавозимидан ҳам кетди. Ҳар нима бўлганда ҳам кексалик ўз кучини кўрсатмоқда эди.

Уша пайтнинг ўзида яна бир масала кўндаланг бўлди — Ферьер қасрини нима қилмоқ керак? Уруш тамом бўлиши биланоқ Ги иккинчи хотини билан бирга қасрни таъмирлаб, замонавий шароитларга анча мослаб олган эди. Аммо етмишинчи йилларда қасрни таъмирламоқ учун жуда катта маблағ талаб қилина бошлади ва бунинг маъноси ҳам қолмади. Меросга тўланадиган солиқлар жуда катта бўлиб кетгани учун, уни Ротшильдларнинг кейинги авлодларига қолдириш малол кела бошлади. Очигини айтганда, кейинги авлодларга бу қасрнинг кераги ҳам йўқ эди.

Ҳамма томонини пухта ўйлаб кўргач, Ги Ферьер кўргонини қаср билан бирга Париж дорилфунунига мерос қолдиришга қарор қилди. Бароннинг нияти бўйича, бу ерда ҳар хил илмий симпозиумлар ва конференциялар ўтказилмоғи керак эди. Бизнинг кунларимизда бу қасрни ижарага беришади — у ерда ҳар хил тўйлар ўтказилади, эски замонлар ҳақидаги филмлар сувратга олинади. Ги билан Мари-Хелен чолу-кампирининг дидига тўла мос келадиган қилиб қурилган чоғроқ хос уйга кўчиб ўтишди. Бундан ташқари улар денгиз бўйидаги Девиль яқинидаги XV аср кўргонини ҳам ўзларига олиб қолишди. Бир вақтлар бу ерда оиланинг донғи кетган зотдор отлари парвариш қилинарди.

Ферьердан жудо бўлгандан кейин Ги юқорида зикр қилинганидек, Парижнинг қоқ марказида Сена дарёсининг бўйидаги бир иморатни сотиб олади. Бу иморатда бир замонлар нақд Вольтернинг ўзи яшаган экан. Бу ерда оила учун ҳам, бир замонлар Жеймс томонидан йиғила бошлаган санъат асарларининг машҳур коллекцияси учун ҳам етарли жой бор эди. Эдмон Ротшильд бу ғалваларнинг ҳеч қайсисига парво ҳам қилгани йўқ. Виночиликка таназуллар катта таъсир ўтказма олмайди, унинг ривожи учун ҳамиша зарур миқдорда пул топса бўлади ва бу соҳа франкнинг курси қандай бўлишидан ёхуд нефтнинг нарх-навоси қанақа эканидан қатъий назар ҳамиша тузуккина даромад келтираверади. 1972 йилда Шато Лафитнинг бир қисми бароннинг қўлига ўтиб бўлган эди. У узумзорларни ҳам сотиб олди. У 187 акр ердан бошлаган эди, беш йилдан кейин яна 138 акр узумзор сотиб олди. Эдмон аввалига энг олий нав ноёб вино чиқаришга ҳаракат қилади. У бутун куч-ғайратини энг оддий, кундалик жўн винолар ишлаб чиқаришга қаратди, лекин уларнинг рекламасига жуда катта эътибор берди. Бироқ вақт ўтиши билан унинг маҳсулоти Калифорния винолари билан рақобатлашишга ярамай қолди. Калифорния винолари замонавий технология асосида тайёрлангани ва йирик инвестициялар туфайли юқори сифатга эга эди. Шунда Эдмон ҳам бутун диққат-эътиборини ўз виноларининг сифатини яхшилашга қаратди. Унинг “Шато Кларк”и Франциянинг энг аъло нав винолари орасида муносиб ўрин эгалламоғи шарт эди. Натижада барон билан калифорниялик машҳур виночилик устаси Роберт Мондавининг савий-ҳаракатлари билан “Опус Уан” деган янги нав вино майдонга келди.

Йиғирма олтинчи боб

МИТТЕРАННИНГ ИНЖИҚЛИГИ

Мусодара интиқомининг қора фариштаси каби XX аср бошидан бошлаб хусусий мулк ва ишлаб чиқариш воситалари устига қора соя ташлаб турарди. Россиядаги Октябрь тўнтаришидан ва иккинчи жаҳон урушидан кейин коммунистлар Шарқий Оврупаннинг кўпгина мамлакатларида ҳеч қанақа товон тўламасдан саноатни мусодара қилишди.

Францияда бу воқеалар бошқачароқ тарзда кечди. Мулкнинг давлат қўлига ўтишидан олдин мулк эгалари билан узоқ вақт музокаралар олиб борилди ва уларга товон тўланди. Албатта, бундан мустасно ҳоллар бўлган эди. Масала, “Рено” автомобил заводлари немислар билан ҳамкорлик қилгани учун гап-сўзсиз ва товонсиз мусодара қилинган эди.

Социализм назариясига мувофиқ мусодара, биринчи навбатда, ишчилар синфини эзаётган ва унинг ҳисобига бойидиган капиталистларга дахлдор нарса эди. Халқ fronti ҳам 30-йилларда мулкни қайта тақсимлаш борасида кўрқа-писа баъзи

ишларни амалга оширган эди. Аммо урушдан кейинги йилларда мунтазам равишда йирик банкларни босиб олиш, суғурта компанияларини, энергия ишлаб чиқаришни кўлга киритиш бобида де Голл ҳукумати қилган ишлар олдида Халқ фронтининг ишлари ҳеч нарса бўлмади. 40-йилларнинг охирида мусодара қилинган корхоналар 90-йилларнинг бошларигача ҳам давлат мулки бўлиб қолаверди. Голлчилар идеализм касалига чалинган одамлар эди, лекин уларни зинҳор-базинҳор социалистларга хайрихоҳ деб айтиб бўлмас эди. Аммо 1981 йилда Францияда ҳокимият тепасига президент бўлиб социалист Франсуа Миттеран келди. У айни чоқда парламентда ҳам кўпчилик овозини эгаллашга муваффақ бўлди. Француз иқтисодиёти сурункали таназул ҳолатида эди. 1974 йилда сайланган собиқ президент Валери Жискар д'Эстен французларнинг умидини оқламади. Французлар энди нигоҳларини социалистларга тиккан эдилар. Франция социалистик партияси коммунистлар билан бирга сайловолди блоқи тўзган эди. Бу блок умумий дастурга эга бўлиб, уни Миттеран ва Франция компартиясининг етакчиси Жорж Марше ишлаб чиққан эди. 1973 йилдаги парламент сайловлари вақтидаёқ улар жуда кенг кўламада банклар ва йирик саноат гуруҳларини мусодара қилишга ваъда қилган эдилар. Унда сўл блок сайловда енгилган эди, лекин эндиликда Франсуа Миттеран бу ғояни амалга оширишга астойдил бел боғлаган эди.

Белгиланган ниятларни амалга ошироқ учун жуда катта миқдорда яхши таълим олган давлат хизматчилари талаб қилинарди. Улар мусодара ишларини сифатли қилиб ўтказгандан сўнг тортиб олинган корхоналарни бошқаришга ҳам қодир бўлмоқлари талаб қилинарди. Иқтисодий тушкунлик даврида бунинг учун жуда катта миқдорда пул зарур эди. Пул бўлмаса, ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражасини сақлаб қолиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Агар социалистлар хонавайрон бўлиш арафасида бўлиб турган компанияларни чиндан ҳам сақлаб қолиш ниятида бўлсалар, бунинг учун давлат маблағидан сон-сановига етиб бўлмайдиган даражада кўп пул сарфлаш зарур эди.

Ги Ротшильд мусодара масаласи теварагида кўтарилган ғала-ғовурни мамлакат аҳолисининг кўп қисми чалинган “сўллик асали” деб атади. Иқтисодий нуқтани назардан қараганда “Банк Ротшильд”га қилинаётган ҳужумлар амалда маъносиз эди, чунки у шу даражада кичик корхона эдики, уни мусодара қилиш умумий аҳволга жиддий таъсир кўрсата олмасди. Франциядаги вазият чиндан ҳам унчалик яхши эмас эди: савдо-сотик соҳасида кўрилаётган зарар ўсиб борар, саноат ишлаб чиқараётган ялпи маҳсулотнинг рақамлари эса тушиб борарди.

Ротшильдларнинг банкидаги аҳвол ҳам унчалик яхши эмас эди. Гарчи молиявий маблағларнинг айланиши аввалгидай ўсиб бораётган бўлса ҳам, ўсиш суръати шу қадар секин эдики, истаган вақтда бунинг акси бошланиб кетмоғи мумкин эди.

Бироқ яхлит олганда эса аҳвол ҳали узил-кесил ҳалокатли тус олиб улгургани йўқ эди. Давиднинг идораси ўз активида 1,2 миллиард доллар маблағга эга бўлиб, француз депозит банклари ичида у фахрли ўнинчи ўринни эгаллаб турарди. “Банк Ротшильд” компаниясининг инвестицион захираларида “Иметал” акцияларининг йиллик йиғилишида нутқ сўзлади. У шундай деди: “Бугун мен чуқур надоматлар билан сизга маълум қилмоғим керакки, янги ҳукумат бизнинг банкни мусодара қилиш ҳақидаги ниятини маълум қилгандан сўнг, бир неча кун ичида банкимиз акцияларининг қиммати 40 фоизга тушиб кетди”.

Социалистлар “Банк Ротшильд” акционерлик компаниясини мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни бу корхонанинг молиявий операциялари ҳаддан зиёд ошиб-тошиб кетгани учун қабул қилмаганлари очик-равшан кўриниб турарди. Афтидан, у Миттераннинг диққат-эътиборини бундан уч йил аввал, яъни у “Компани дю Нор”га қўшилиб кетган чоғидаёқ жалб қилган эди. У пайтларда зарур бўлиб қолганда иккала компанияни яна бир-бирдан ажратиб ташлаб, хавф-хатардан қутилиб қолиш мумкин, деган ўйда муайян жон бор эди.

Банк ходимларининг кенгашида барон иккита компания тузиш режасини баён этди. Уларнинг бири фақат банк операциялари билан шуғулланади, иккинчиси эса саноат корхоналарининг активларини бошқаради. Бу тўғридаги маълумотлар ўша заҳотиёқ матбуот саҳифаларида кўриниб қолди. “Юманите” Ротшильдни ўз бан-

ки ва саноат гуруҳини мусодарадан яшириб қолишга уринганликда айблади. Лекин қайта қуришларга фурсат қолмаган эди. Мусодара ҳақидаги қонун парламентда кўриб чиқиш учун тақдим этилган эди. Бу қонунга кўра депозити бир миллиард франкдан ошадиган банклар давлат мулкига ўтмоғи керак эди. Бундан хабар топган баронлар тушундиларки, уларнинг шахсий мулклари ҳам мусодарадан четда қолмайди.

Қонуннинг парламентдаги муҳокамаси ҳақиқий томошага айланиб кетди. Консерватив муҳолифат бу қонун лойиҳасини ўтказмаслик учун етарли миқдорда овозга эга эмас эди, бироқ у сон-саноқсиз тузатишлар ва қўшимчалар киритиш йўли билан бу қонуннинг жазоловчи кучини юмшатишга ҳаракат қилди. Бўлғувси мусодаранинг кўлами тўғрисида ҳатто социалистларнинг ўзлари ҳам ўзаро бир тўхташга келишлари қийин бўлди. Бироқ парламент раиси эттига йирик саноат гуруҳини, иккита молиявий компанияни (“Париба” ва “Сувайш”) ҳамда ўттиз тўққизта банкни давлат мулкига айлантиришга эриша олди.

Франция жамоатчилиги парламентнинг бундай қарорини маъқуллади, аҳолининг 29 фоизигина бунга қарши бўлди. “Юманите”нинг шодлиги чексиз эди — ниҳоят, Ротшильдларнинг оилавий банки давлат ихтиёрига ўтадиган бўлди. Гарчи Франциянинг хусусий банклари де Голл томонидан амалга оширилган мусодара жараёнидан кейиноқ иқтисодиётнинг бу қисмининг атиги чорак қисмини ташкил қилган бўлсалар-да, коммунистлар ва социалистларнинг сиёсий тарғиботларида одамларни кўрқитиш учун олабўжилик ролини ўйнашда давом этди.

1981 йилнинг 26 октябрь куни парламент 154 овозга қарши 332 овоз билан мусодара ҳақидаги қонунни қабул қилди. Бир неча ойдан кейин бу қонунни Конституцион суд кўриб чиқди ва матнга бир қанча тузатишлар киритди. Бироқ 1982 йилнинг 11 февралда қонун кучга кирди.

Ротшильдлар бунга дарҳол ўз муносабатларини билдирдилар. Овоз берилишидан кейин бир неча кун ўтгач, барон Ги газеталарда “Алвидо Ротшильд” деган рамзий сарлавҳа остида жуда катта мақола эълон қилди. Банкни тортиб олар экан, ҳукумат бунинг эвазига каттагина тоvon тўламоғи керак эди. Банк эгалари тахминан 130 миллион доллар олишди, шундан фақат 30 фоизигина баронларга тегилиди. Бу — уларнинг қўлидаги “Банк Ротшильд” акцияларининг миқдорига тўғри келар эди.

* * *

Ротшильдлар бўлмаса, уларнинг банки ўзининг аввалги номи билан аталмоғи мумкин эмасди. Ҳукумат бу фактга эътиборсиз қараёлмас эди, шунинг учун Лафит кўчасидаги иморатнинг пештоқида “Компани Эропъен де Банк” деган янги ёзув пайдо бўлди.

Ги Ротшильд учун энг сезиларли талафот шу бўлдики, у ўзи суйиб барпо этган “Иметал” саноат гуруҳи устидан қилаётган назоратидан маҳрум бўлди. “Иметал”нинг “Банк Ротшильд” эгалик қилган акциялар пакети ҳукуматнинг қўлига ўтди. Аммо гуруҳнинг ўзи мусодара қилингани йўқ, қавм аъзоларининг қўлида шахсан ўзларига қарашли бир неча миқдор акциялар қолганди. Ротшильдларнинг қўлидаги бу акцияларни ҳукумат тортиб ола билмади. Кейинчалик улар туфайли Давид “Иметал”нинг директорлар кенгашига қайта олди.

Ротшильдларнинг бу вазиятдаги феълу-атворлари биринчи қарашдаёқ ғалати-роқ кўриниши мумкин. Дарҳақиқат, нима учун улар Давид қилганидек, ўзларининг анчагина катта саноат гуруҳларини бир неча кичикроқ компанияларга ажратиб ташлашмади? Шундай қилишганда, уларнинг мулкларининг анчагина қисми сақланиб қолган бўларди-ку? Нима учун баронлар шундай қилишга уриниб ҳам кўришмади?

Гап шундаки, Ги Ротшильд тақдирга ишонадиган одам эди. Унинг ёшлиги Халқ fronti ҳукмронлик қилган йилларда ўтган эди. Халқ fronti эса банкирларнинг темир йўллари тортди олган эди. Шунинг учун барон мусодарани бир табиий офат деб билар ва унга қарши туриш мумкин эмас, деб ҳисобларди. Бу — шундай

Б. Локки, тишни-тишга қўйиб, унга бардош беришдан бошқа илож йўқ. Қолаверса, Ги Жискар д'Эстеннинг сайловолди компаниясига каттагина пул сарфлаган эди. Шунинг учун Миттераннинг галабаси унинг учун ёз осмонида гулдираган момақалдироқдек бўлди.

Сайловдан кейин эса банкни майдалаштириш учун фурсат бой берилган эди. Мабодо, Ротшильдлар шундай қилган тақдирда ҳам ҳукумат, барибир, уларни тинч қўймасди.

Назарий жиҳатдан қараганда, албатта, воқеалар бошқа йўлдан ҳам ривож топмоғи мумкин эди. Агар 1978 йилда “Банк Ротшильд” акционерлик жамияти “Компани дю Нор” билан бирлашмаганида социалистлар, албатта, банкнинг ўзини мусодара қилар эдилару, саноат гуруҳини қавмнинг ўзига қолдирардилар. Аммо Гининг эътироф этишига кўра, “шундай бўладиган бўлса, биз иккинчи даражали нарсани асраб қолар эдигу, аммо асосий нарсадан маҳрум бўлар эдик”. Отасининг хулосаларига Давид ҳам қўшилди. Банкнинг директорлар кенгашининг раиси сифатида у ҳукуматга жиддий қаршилик кўрсатиш учун уларда куч ҳам, фурсат ҳам йўқлигини тушунар эди. Лекин эътироф этмаслик мумкин эмаски, бу ишда Ротшильдларнинг табиий олғирлиги уларга панд берди. Бир қарашда Миттеран банкирларнинг иродасини мажақлаб, қаршилик кўрсата олмайдиган қилиб қўйгандай кўринар ва гўё улар бўғма илоннинг сеҳрига тушган куёндай мўлтираб туришдан бошқага ярамай қолган эдилар. Жеймс Ротшильднинг темир иродаси Франкфурт геттосининг машаққатли шароитида тобланган эди. Баронларнинг кейинги авлодлари Жеймс кўрган қийинчиликларнинг учқунини ҳам кўрмай ўсиб-улғайган эди.

Лекин шунга қарамай, Ротшильдлар жимгина қўл қовуштириб ўтираверишди, деб ҳам бўлмайди. Миттеран ҳокимият тепасига келганда, “Банк Ротшильд”ни учта директор Давид, Натаниэл ва Жак Жито бошқарар эдилар. Бошларига хатар тушганида уларнинг учови бир кишидек ҳаракат қилишга қарор қилишди. Мавжуд активларни кўздан кечирав эканлар, улар “Пари-Орлеан” холдинг компаниясига эътиборларини қаратдилар. Оила шу компания ёрдамида ўз банкни назорат қилар эди. Қайта ташкил қилингандан кейин бу фирма банкка хос бўлган баъзи бир сифатларни касб эга бошлади. “Банк Ротшильд” мусодара қилинганда баронлар ҳукуматдан товон ҳисобига олган маблағларнинг бир қисмини шу фирманинг ҳисобига ўтказишди. Эндиликда “Пари-Орлеан”нинг ҳисобида анчагина катта миқдордаги пул бор эди ва бу пул келгусида тикланиш учун асосий замин бўлиб хизмат қила оларди.

Қариндош-уруғлар янги тижорат банки барпо этиш ғоясидан дарҳол воз кечишди, чунки бунинг учун жуда катта сармоя керак. Савдо банкни барпо этиш бемалол қўлларидан келар эди, чунки бунинг учун катта молиявий маблағ харжлаш талаб қилинмасди. Бундан ташқари, йирик корпорацияларга маслаҳатлар бериб турмоқ ва доимий мижозларнинг омонатларини бошқармоқ учун оилага янги бўлимлар очиш, ҳамда катта маблағлар сарфлаш талаб қилинмасди. Нисбатан унча катта бўлмаган ва қиммат турмайдиган инфраструктурага эга бўлган ҳолда ана шу ишларнинг барини қилса бўларди. Давид Лафит кўчасидаги хизматчиларни ўзига олиб ўтиш ва мижозларни оғдириш пайдан бўлмади, у ишни бошидан бошлашга қарор қилди.

Бундан қирқ йилча аввал Ги бир марта чемоданини жойлаб, Америкага учиб кетганди. Энди Давид ҳам худди шундай қилмоқчи бўлди. Тўғри, бу галги “ихтиёрий” сургуннинг шарт-шароити бироз бошқачароқ эди. Агар Францияда қавми мағлуб бўлиб қолганлар қаторига қўйиш қаттиқ урф бўлиб қолган бўлса, АҚШ баронлар учун ҳали ишлов берилмаган даладай гап эди — у ерда хоҳлаган ишни қилса бўлар эди. Бундан ташқари, Ротшильдлар у ерда мўъжазгина бўлса ҳамки, муваффақият билан ривожланиб бораётган “Нью-Кот Секьюрити” деган инвестицион компанияга эга эдилар. Бу компания Британиядаги қариндошлар кўмагида ташкил қилинганди.

Ги ишни шундан бошладики, Англиядаги қариндоши Эвилен ёрдамида бу фирмани “Ротшильд Инкорпорейтед”га айлантирди. У Уолл-стритнинг донгдор арбобларидан бири Роберт Пирини ишга ёллади ва компания президенти бўлди. Пули

кўп бўлмаса-да, аммо бу кемтикни Ротшильдларнинг обрў-эътибори бутунлай қоплаб кетарди. Компания ходимлари таажжуб билан шундай дейишарди: “Биз “Нью Кот” фирмасида ишлаган кезларда мижозларимиз кўпчилик компаниянинг балансини кўрсатишимизни талаб қилишарди ва биз билан муомала қила бошлагандан аввал анчагача тайёргарлик кўришарди. Энди эса “Ротшильд Инкорпорейтед” бўлиб қолганимиздан кейин улар бундай саволларни бермай қўйишди. Шу номнинг ўзи энг яхши кафолат бўлиб қолди”.

Ги Ротшильдларнинг навқирон авлоди содир бўлаётган ҳамма воқеаларни шахсан ўзларига дахлдор деб билиб, қўлларидан келганча катталарига ёрдам беришга интилишларини кўриб жуда мамнун бўларди. Ротшильдлар ҳам нима қилиб бўлса-да, Америкада томир отиб, шу ерда ўсиб-унишга қарор қилишди.

Давид уруш пайтида Нью-Йоркда туғилган эди, мактабга эса озод қилинган Парижда қадам қўйди. У синфдошлари “Ротшильд” деган фамилияни эшитганларида қандай жилмайиб қўйишларини эслаб қолган эди. Бунинг ҳеч қандай таажжубланадиган жойи йўқ, негаки ўқитувчилар унга синфда: “Гарчи сен барон Ротшильд бўлсанг ҳам, сенда қандайдир фавқулудда бирон нарса йўқ. Сен ҳам бошқа болаларнинг баайни ўзисан. Бошқаларга ўхшаб, сенинг ҳам иккита қўлинг, иккита оёғинг, иккита кўзинг бор”, дейишарди. Ўрта мактабни ёш барон Нормандияда ўтади, чунки онаси билан бирга бу пайтларда Девил яқинидаги кўрғонда яшаган эди. Лицейни эса Парижда тамом қилди. Ўша ерда — Парижнинг ўзида Давид институтда иқтисодиётни ўрганди. Олган маълумотларини унинг ўзи кейинчалик анча ўртача маълумот, деб атади. Институтни битиргач, барон армия хизматиغا чақирилди ва у ерда француз ҳамжиҳатлигига кирадиган Африка мамлакатларига техникавий ёрдам кўрсатиш лойиҳалари билан шуғулланди. Белгиланган муддатда хизматини ўтаб бўлгач, Давид “Ле никел”нинг директори бўлди. Кейинчалик эса “Компани дю Нор”нинг бош директори бўлиб ишлай бошлади. Унинг қариндоши Эрик Давиддан икки ёш катта эди. У Нью-Йоркда етти ёшигача яшаган, кейин унинг отаси Ален ватанига қайтишга қарор қилган. Барон том маънода байналмилал таҳсил кўрди: бошланғич мактабни Англияда тугатди, ўрта мактабни Парижда ўқиди, олий маълумот олиш учун эса Цюрихга борди — у ерда машҳур Политехника мактабида ўқиб таҳсил олди. Оила учун Эрик “Сага” концернида ишлай бошлади. Бу ерда у бир неча йил мобайнида меҳнат қилди. Бундан кейин у оилавий банкда бир неча муддат хизмат қилди, лекин бу ерда унинг техник билимларини кўллаш учун тайинли бир соҳа топилмади, шундан сўнг у концернга қайтди ва бу гал энди президент лавозимида ишлай бошлади. Бу лавозимда у “Сага” “Сувайш канали компанияси”га сотиб юборилгунча ишлашда давом этди. Маълумки, Сувайш канали Ўрта Ер денгизи билан Қизил денгизни бир-бирига боғлаб турган энг йирик қон томири бўлиб, Миср ҳукумати унинг устидан ўз назоратини ўрнатгандан сўнг, бу можоралардан омон чиққан банклардан бири “Сувайш канали компанияси” эди. Бугунги кунда у энг қудратли банклардан биридир.

Америкада “Ротшильд Инкорпорейтед” иш бошлашга тайёр бўлган кунларда Эрик мамнуният билан оилавий бизнес ишларида иштирок этишга рози бўлди. Банк акцияларининг 50 фоизидан камроғи унга теғди, негаки у билан Давиддан ташқари Гининг иккинчи турмушидан туғилган ўғли Эдуард ҳам ишга шерик қилиб олинган эди.

Ишга яна бир шерик Натаниэл келиб қўшилди. “Банк Ротшильд”нинг бошини мусодара қиличи кесиб ташламасдан олдин Натаниэл ўттизга кирган эди. У Гарвард бизнес мактабини битирган, шунинг учун янги компания фаолиятининг иш режаларини тузиш борасидаги ишлар унинг зиммасига тушди. Натти — америкача типдаги классик бизнесмен эди. “Ротшильд Инкорпорейтед” компаниясида ишламоқ учун АҚШга келгандан кейин 1984 йилда Натанил кутилмаганда ўз қариндошларидан юз ўгиради-да, Яков Ротшильд билан бирга ўзининг оилавий қавмга қарам бўлмаган моливий империясини барпо этишга киришади. Бироқ орадан кўп ўтмай, у Яковдан ҳам юз ўгиради ва ўз фирмасини — “Натаниэль Ротшильд Холдинг”ни тузади.

Йигирма еттинчи боб

ЭДМОН ВА БОШҚАЛАР

Ги “Банк Ротшильд” компаниясини давлат мулкига ўтказиш ҳақидаги қарорни осонликча эсидан чиқаргани йўқ, негаки айти шу қарор уни иккинчи марта Францияни тарк этишга мажбур этган эди. Лекин ҳамма ҳам Гига ўхшаб ватанини тарк этгани йўқ — толмас Мориснинг ўғли Эдмон ватанида қолишга қарор қилди. У француз фуқароси эди. Тўғри, у мудом Жанвада истиқомат қиларди, лекин бу унинг Парижда “Компани Франце Бенжамин эт Эдмон Де Ротшильд С.А.”га эгалик қилишига ҳалақат бермас эди. Бу компания Эдмон Швейцарияда туриб бошқарадиган молиявий империянинг бир қисми эди, холос. Бу фирма Парижда “Компани Франце” ва “Соссьете Франсе дес Отель де Монтани” деган иккита холдинг компаниясини назорат қиларди. Уларнинг бири ўз навбатида энг олий даражадаги меҳмонлар ва ресторанлар тармоғига эгалик қиларди.

Газетчилар баронларнинг Франциядаги кечмишининг улуғворлигини эслатиб турувчи “ўтмишдаги ҳашамат парчаси” билан қизиқмасликларини мумкин эмас эди. Эдмон журналистларнинг саволларига бажону дил жавоб берарди.

У ҳукуматнинг нооқилона сиёсати туфайли анъанавий маънодаги банк бизнеси билан ортиқ шуғулланмай кўйганини гапириб берди. Эндиликда уни фақат шундай лойиҳалар қизиқтирардики, уларни амалга ошириш аввал бошида йирик инвестициялар ётқизишни талаб қилмаслиги керак эди. 1981 йилда унинг қариндошлари қисман хонавайрон бўлганларидан кейин Эдмонни Узоқ Шарқ билан Фаластин кўпроқ қизиқтириб қолди. Фаластинда яхшиликни ҳеч қачон эсдан чиқармайдиган яҳудийлар Ротшильдларни сира камситмас эдилар. Агар борди-ю, вақтисоати келиб баронларнинг исм-шарифи Париж қасрларининг тепасида яна зарҳал ҳарфларда ярқираб қолса, бу биринчи навбатда, уларнинг ҳаракати туфайли бўлади.

Ўзларининг виллалари-ю тўплаган санъат асарларини сотиб юборган Франциядаги бошқа Ротшильдлардан фарқ қилароқ Эдмон аввалгидай санъат асарларини харид қилишда давом этар ва ўзининг Жанва кўлининг соҳилидаги Пьерни қасрида яшарди. У бу қасрни чинакамига эртақлардаги ғорларга айлантириб юборган эди. Албатта, у ўзининг талонга учраган қариндош-уруғларига ачинарди, лекин ҳаётни бор бўйича қабул қилиб социалистлар билан ҳам алоқа қилиб турарди. Унинг директорларидан бири кейинчалик Пьер Моруа ҳукуматида вазир бўлган. Пьер Моруа эса Франсуа Миттераннинг қадрдон дўсти бўлиб, мусодара ишларининг ташаббускорларидан бири эди,

Эдмон Франциядаги Ротшильдлар ичида нафақат энг сўли, бадавлати ҳам эди. 1985 йилда у француз давлатмандлари рўйҳатида фахрли тўртинчи ўринни эгаллади. Унинг пуллари қанча эканини, албатта, ҳеч ким аниқ билмас эди, лекин тахминан, икки-икки ярим миллиард франк пули борлигини чамалар эдилар.

Ги ўзининг “атиғи” олти юз миллион франклик давлати билан бу рўйҳатда қирқ биринчи ўринда турар эди. Эдмон ярим ҳазил, ярим чин маъносида ўзини Ротшильдлар сулоласининг янги тармоғига асос солган одам деб ҳисобланарди. Четдан қараганда бу анча галати кўринар эди, чунки баронларнинг шажара дарахтига бир назар ташлашнинг ўзидаёқ Эдмоннинг қавм бошлиғи эканини билиб олиш учун кифоя эди. У ҳам худди Ги каби улуғ Жеймсининг эвараси бўлиб, ўзининг қариндошидан фарқли ўлароқ ишни тарк этмаган, аксинча ҳавас қилса арзийдиган ғайрат ва иштиёқ билан меҳнат қилишда давом этарди.

Бу пайтда Эдмоннинг ўғли Бенжамин ўн тўққиз ёшда бўлиб, Қўшма Штатларда ўқимоқда эди.

Эдмоннинг Париждаги компанияси аввалгидек инвестициялар билан шуғулланишда давом этарди. Бароннинг гапига қараганда, бу жуда кичкина бир банк бўлгану, 1984 йилнинг охирида унинг активи “атиғи” 4 миллиард франкдан иборат бўлган экан. Аммо Эдмоннинг мижозлари француз бизнесининг энг юқори тарафига мансуб одамлар ва компаниялар бўлгани учун даромаднинг йиллик ўсиши 20 фоиздан 50 фоизгача борган. 1989 йилга келганда барон еттита банкнинг фахрий раиси қилиб сайланди ва яна бешта йирик корпорацияларнинг дирек-

торлари кенгашига аъзо бўлди. Унинг “Компани Франсе”си яна бошқа элликта банк, инвестицион компания ва жамғармалар билан боғланган эди.

1974 йилда Давид Ротшильд уйланди. У ҳам отаси каби католик аёлни танлади. Орадан кўп ўтмай, улар қиз кўришди, онасининг хоҳиши билан қизалоқни ҳам католик динига киритдилар. Аммо 1980 йилнинг 3 декабрида туғилган ўгли Александр яҳудий бўлмоғи керак эди.

1983 йилда “Пари-мачит” журнали баронларнинг оилавий тушган сувратини эълон қилди. Сувратда Давид хотини италиян шаҳзодаси Альдобрандининг қизи Олимпия, етти яшар қизи Лавиния, беш яшар Степаниа ва чақалоқ Александр бор эди. Оилани Жокей-клубда сувратга олишган. Бу клуб Франциянинг энг юксак мартабали аслзодаларники бўлиб, бир замонлар Жеймс билан Эдмонни қабул қилишгандек, Давидни ҳам аъзо қилиб олишган эди.

Орадан бироз вақт ўтгач, яна кичик офиси Матиньен кўчасида жойлашган “Пари-Орлеан” холдинг компанияси савдо банки мақомини олипти деган бир хушхабар келди. Гарчи Франция банклар уюшмаси бунга эътироз билдирмаса-да, баронлардан ҳукумат рухсатномаси талаб қилинар эди, бундай рухсатномани олиш эса осон иш эмасди. Ротшильдлар чинакам хусусий банк таъсис этишга ижозат қилгунларича орадан яна бир йил ўтди.

Ниҳоят, ҳамма расмиётчиликлар бартараф қилинди ва янги банкка “Пари-орлеан Банк” деб ном беришди. Унинг акцияларининг 44 фоизи оилага тегди, 21 фоизини “Пари-Орлеан” холдинг компанияси олди. 12 фоизини эса британиялик “М.Н.Ротшильд” ва 10 фоизини Э.Ротшильднинг “Компани Франсе”си олди.

Шундай қилиб, баронлар яна ўз банкларига эга бўлдилар. Тўғри, уларга ўз фамилияларини ва банкнинг номини кўрсатишга рухсат беришмади. Бундан ташқари, Давидни мусодорадан кейин ишлари ҳаддан ташқари чаппасига кетган “Эропъен” билан рақобатлашмасликка ваъда беришга мажбур қилишди.

Социалистлар билан коммунистлар бир овоздан Ротшильдларнинг банк бизнесига қайтиши мутлақо мумкин эмас, деб уввос солдилар.

“Янги банкнинг очилишидан ишсизлар нима манфаат кўради?” — дея савол беради “Юманите”. Мусодара Ротшильдларни ҳеч нарсага ўргатмапти. Бу хонадон ҳамон аввалгидек ўз даромадларининг ташвиши билан яшамокда. Ҳамма ҳасадгўйларга қасдма-қасд Давид билан Эрик оилавий гербни янги банкнинг нишони қилиб олишди — энди муҳрларда ва идора қоғозларининг ҳаммасида бири-бирига чирмашиб кетган бешта камалак ўқининг тасвири жилоланиб турадиган бўлди. Буни уларга ҳеч ким тақиқлаб қўя олмасди.

Бу пайтларда Францияда ўнг марказ кучлари катта салмоқ касб этмоқда эдилар. Улар бирлашиб, 1986 йилдаги парламент сайловлари сари дадил қадамлар билан боришмоқда эди. Баронларнинг ҳамма умидлари ана шу ўнг марказ кучларига қаратилган эди. Мусодара қурбонлари тортиб олиб қўйилган нарсаларимизни консерваторлар қайтариб беришади, деб ишонишарди. Қолаверса, Давид ошқора тарзда янги ҳокимият давлат банклари ва саноат корхоналарининг акцияларини хусусий одамларга сота бошласа, уларни сотиб олишга тайёр эканини билдирди.

Ротшильдлар “Компани дю Норни” қайта тиклаш ниятида эмас эдилар, аммо мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида аввалгидай фаол иштирок этишга интилишарди. 1986 йилнинг мартига келганда “Пари-Орлеан Банк” 400 миллион долларлик омонатларни бошқарар ва 6 миллион долларлик кўчмас мулкка эга бўлган эди. Лекин Давид буларни етарли эмас, деб ҳисобларди: “Бизнинг банкимиз ҳали ҳам анча заиф, лекин 1988 йилга бориб биз даромад меъёрини 50 фоизга етказиш ниятидамиз”.

Ўнгла сайловда ғалаба қозонишди. Хусусийлаштириш думини тутқазмайди деган ҳасбдан ҳадемай кўзни ва дилларни қувонтирадиган реал воқеликка айланмоғи кутилди эди. Энди Франсуа Миттеран парламентда кўпчиликни ташкил этувчи консерваторлар қуршовида қолди. Айниқса, бош вазир Жак Ширак ва иқтисодиёт вазири Эдуард Баладюор иқтисодиётдаги социалистик ўзбошимчаликлар оқибатига барҳам беришга тантанали ваъдаларни аяшмади. Эрик, Давид ва Эдмон ўз сармояларини бирлаштирдилар — шундай қилишса, хусусийлаштирувчи корпорациялар акцияларини давлат “тутқун” лигидан қутқариб олиш учун маблағ

старли бўлади. Улар “Сен-Оноре-Матиньен” деган янги инвестицион компания туздилар ва унча қийналмай ўз банкларининг номини қайта тиклаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Энди уларнинг банки “Ротшильд эт Асосье Банк” деб атала бошланди.

Олти йиллик қувғинлардан кейин баронлар учун олтин аср бошланди. Ротшильдларнинг иккала компанияси ҳам Ширак ҳукумати ташкил қилган танловдан муваффақият билан ўтишди ва Оврупадаги энг катта савдо банкини хусусийлаштиришда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу “Париба” банки бўлиб, унинг 19 миллиард франк қимматга эга бўлган ақл бовар қилмайдиган даражада катта акциялар пакети ошкора савдога қўйилганди. Баронлар қавми худи самандар қушидай сўнги эллик йил мобайнида иккинчи марта кулдан туриб, қаддини ростламоқда эди.

Газеталарда “Ротшильдлар қайтмоқда” деган сарлавҳалар кўзга чалинадиган бўлиб қолди. Лекин бир неча йил мақаддам Францияни бутунлай тарк этгандай кўринган банкирлар қайтгани йўқ. Ги қариб, мункиллаб қолган ва ишларни батамом йиғиштириб қўйган, Эли бўлса Лондонга кўчиб ўтиб, у ҳам ишларни йиғиштириш тараддудига тушиб қолганди. Уларнинг ўрнига Ротшильдларнинг янги авлоди кириб келмоқда эди. Бир-бирларига жуда монанд ва муносиб бўлган Давид билан Олимпия қавмининг бошида туришарди. Эрик ҳозирча юлдузи юлдузига тўғри келадиган аёлни топганича йўқ, ҳали ҳам бўйдоқ эди. Ниҳоят, қирқ тўртга кириб, у ҳам уйланди. Унинг топгани қадимги неаполитан уруғига мансуб донна Мари-Беатрис Карачиоло ди Форини деган аёл бўлди. Эрикка турмушга чиқмоқ учун бу аёл яҳудий динини қабул қилишга рози бўлди.

Аммо бароннинг оилавий бахтига соя ташлайдиган кучлар ҳам топилиб қолди. Бир қатор яҳудий жамоаларида Шимолий Африкадан келган муҳожир яҳудийлар етакчилик қила бошладилар — улар анча чекланган эскича қарашларга эга эдилар. Цивилизация меваларидан олисроқда униб-ўсган Африка яҳудийларининг назарида Франциядаги яҳудий биродарларининг яшаш тарзи қоидага тўғри келмайдиганроқ туюлди. Уларнинг бошқа диндаги одамларга бемалол уйланиши ёхуд эрга тегиши ҳам жуда эриш кўринди. Ижтимоий жиҳатдан фаолроқ бўлган африкалик яҳудийлар Бош консистория кенгашида етакчи мавқеларни эгаллаб олишди ва яҳудийлар анъаналарини унутиб юборган Ротшильдларни қаттиқ танқид остига олдилар.

Аммо Эрик билан Мари-Беатрис бу ҳужумларнинг ҳеч қайсисига парво қилишмади. Улар Аленнинг каттагина қасрига жойлашиб олиб, роҳату фароғатда умргузаронлик қила бошлашди.

Мусодара натижасида Эрик Ротшильд Лафит кўчасидаги мулкларига муносабатини тубдан қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Анча вақтгача Лафитдаги тоқларда етишган узумдан ўртачароқ шароблар олинар эди. 1964 йилда қавм Шато Мюле де Корнаддаги узумзорларни сотиб олди. Бу узумзорлар жуда катта парваришни ва сармоя ётқиизишни талаб қиларди, шунинг учун 80-йилларнинг бошида Эрик бу узумзорларни “Домен Барон де Ротшильд” деган вино ишлаб чиқарувчи гуруҳга бирлаштирди ва қариндоши Филипп билан ошкора рақобатга киришди.

Аммо бу курашда ғалаба қозонишга унинг кучи етмади. Филипп 1988 йилда вафот этди. Вафотидан олдан эса жуда катта миқдорда вино сотди. Қизиғи шундаки, бу виноларни сотишда у узумнинг таъмини-ю, ширинлигидан кўра, ўзининг шухратидан, номдорлигидан кўпроқ фойдаланди. Ҳали ҳам “Шато Мюто Ротшильд” — унинг ифтихори эди, лекин “Мюто Калет” ҳам, “Шато Мюто барон Филипп” ҳам чакки эмас эди.

Бизнинг кунларимизда марҳум бароннинг қизи ўзининг моҳир қўллари билан бошқараётган узумзорлар ҳақли равишда бутун дунёда донг қозонган энг аъло нав узумларнинг ўндан ортиқроқ хилини беради.

Онаси вафот этгач ва Ферьер қасри сотиб юборилгач, Ги Ротшильд Вермеернинг “Мунажжим” деган машҳур сувратини Луврга туҳфа этди. Бу расм музей жамғармалари ичида энг дурдонаси бўлди. Мерос юзасидан тўланиши керак бўлган баҳайбат солиқлар ҳамон баронни қаттиқ ташвишга солиб келарди. Бу масалани қай бир даражада бўлса-да, ҳал қилмоқ учун у ҳукумат билан икки бора музокаралар олиб борди ва хорижда Гойянинг икки суврати билан Хальс ишла-

ган бир сувратни сотиш ҳуқуқига эришди. Баронлар қавми нафақат сувратлар туҳфа қилади, улар ҳар хил хайрия ишларига ҳам жуда катта миқдорда пул сарфлашда давом этишди. 1982 йилда 1986 йилгача Эрик Ротшильд таъсис этган жамғарма камбағал-қашшоқларга ёрдам учун 40 миллион франк харж қилди. Давид жамғармаси эса мол-ҳоли йўқ бечораларга турар-жой қуриш учун уч миллион франк пул берди. Аммо жамият ривожига аста-секин одамшинавандаларга бўлган эҳтиёжни қисқартириб бормоқда эди: камбағал бева-бечораларга ғамхўрлик қилиш ташвишини давлат ўз зиммасига олди, ижтимоий суғурта тизимини жорий қилиш эса камбағаллар учун хусусий касалхоналарга эҳтиёжни ҳам йўққа чиқарди.

Эдмон фирманинг ишлари билан тез-тез Исроилга бориб турар ва унинг бу сарфларида деярлик ҳамма вақт Бенжамин ҳамроҳлик қиларди. Фақат Эдмон қавмининг вакили сифатида тарихий ватанида шахсий манфаатларга ҳам эга эди ва у банк бизнеси билан жиддий шуғулланарди. Гининг синглиси Бетсабэ ҳам Исроилга тез-тез бориб турарди. У яҳудий бастакорларига ва мусиқачиларига ёрдам берарди. Унинг берган пулларига Тель-Авивда яҳудий миллий балети барпо этилган. Бу аёл ўз вақтида Сорбоннада биология бўйича бакалавр илмий даражасини олган бўлиб, эндиликда Исроилда табиий фанларнинг ривожига учун жуда катта миқдорда маблағлар етказмоқда эди.

Йигирма саккизинчи боб

ЯНГИ ЗАМОНЛАР

“Лазард Фрэр” компаниясининг директори Мишель Давид Уэйлл шундай деган эди:

“Ротшильдларнинг энг катта хатоси шунда бўлдики, улар Американинг молия бозорини мутлақо писанд қилмадилар. Агар сиз ҳақиқатан ҳам бизнес билан шуғулланмоқни истасангиз, бу ишни фақат Нью-Йоркда қилмоғингиз керак”. Бу мулоҳаза билан баҳслашса бўларди, лекин 80-йилларнинг охирига келганда унинг фирмаси ҳамма Ротшильдлар биргаликда топган пулдан каттароқ миқдорда даромад олди. Баронлар билан кўпдан рақобатлашиб келаётган Лазардлар қавми янги типдаги савдо банклари орасида яқка ҳоким эди. У айни вақтда ва донолик билан бизнесда қариндош-уруғчиликдан воз кечди ва дадиллик билан янги компаниялар барпо этди. Бу компанияларга турли-туман саноат соҳаларидан ва молия ишининг турли жабҳаларидан ўз ишини пухта биладиган экспертлар жалб қилинди.

Бундан ташқари, Лазардлар фурсатни бой бермай, ўз мулкларининг ўсиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилдилар. Эндиликда Атлантик океанининг ҳар икки томонида ҳам уларнинг мулклари мвжуд. Уларнинг Париждаги, Лондондаги ва Нью-Йоркдаги банклари бир-бирларидан қолишмайдиган даражада бақувват банклар.

Аммо Ротшильдлар Лазардларни ўрнатган бўла оладиган одамлар деб ҳисоблашмади. Давид очикдан-очиқ шундай деган эди: “Келажакда биз осонгина “Лазард Фрэр”га етиб оламиз, чунки жуда тез фурсатда унга даромадларини кўпайтириб бориш жуда ҳам қийин бўлиб қолади”.

Адолат юзасидан шуни айтмоқ керакки, бароннинг бу фикрини Америка бизнесменларининг кўпчилиги қўллаб-қувватларди. Улар ҳозирча, албатта, Лазардлар бақувват, лекин Ротшильдлар Ротшильдлар-да!” деб ҳисоблашарди. Давиднинг ўзи оиласи Францияда бой берган марраларни қайтадан эгаллаш жуда амри-маҳол, деб ҳисобларди, лекин шунга қарамай, келажак Ротшильдлар томонида эканига имони комил эди.

Ниҳоят, ҳаддан ташқари чўзилиб кетган иқтисодий таназул ботқоғидан саноат ҳам аста-секин ўрмалаб чиқа бошлади. Банкирлар учун қисқа фурсатларда ўз ишларини тўғрилаб олиш учун янги имкониятлар майдонга келди. Бу имкониятлардан бири “қўшилиш ва ютиб юбориш” деб аталарди. Бу ишларда Ротшильдлар билан бунақа операцияларда устаси фаранг бўлиб кетган Жимми Голдемит ҳамкорлик қиларди. 1986 йилда у Давиднинг кўмаги билан катталиги жиҳатидан

Францияда иккинчи ўринда турадиган матбуот синдикати “Пресс де ля Сити”га чанг солди. Уни бемалол ютиб, ҳазм қилиб юбориш учун банк аппаратида ишлайдиганлар бакуват, ўз ишининг усталари бўлмоғи керак эди. Давид Ротшильд унга ўз банкининг мададига таяниб, Американинг китоб нашр этувчи энг йирик компанияси “Харкот Брэйс Йованович”га чанг солиб қолди. Уша кезларда бу компания жуда жиддий моддий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда эди. Голдемит компания учун унинг эгаларига 1,7 миллиард доллар таклиф қилди. Бу пул рақобатчилар тўламоқчи бўлган маблағдан анча ортиқ эди. Компания менежерлари теварагида анчадан бери молия “наҳанглари” пайт пойлаб, айланиб юришарди. Менежерлар ишларни ўнглаб олмоқ учун жуда катта миқдорда қарз олишга қарор қилдилар. Шундай қилинса, компаниянинг умумий қиммати ошиб, молиявий қароқчиларнинг кучи етмай қоларди. Лекин компаниянинг ўзи ҳалокатнинг олдини олишга ортиқ қодир бўлмай қолган эди. Унинг банклардан ҳамма қарзларини қўшиб ҳисоблаганда 3 миллиард долларга тўғри келарди. Максвелл худди ана шундан қўрқиб кетди. Қарзнинг катталиги кейинчалик “Харкот Йованович”нинг бошига ҳам етди.

Аммо Максвелл бутунлай чекингани йўқ. аксинча, орадан кўп ўтмай, “Пири энд Ротшильд Инк”нинг ёрдамида сеvimли иши билан шугулланишда яна давом этди. Энди бу гал ноширлик фаолияти билан шугулланувчи бошқа бир йирик компания “Макмиллан Инкорпорейтед” унинг қурбони бўлди. Аммо уни ютиб, ҳазм қилиб юбориш фирма учун мақбул бўлгани Робертга “Лазард Фрэр” савдо банки билан жангга киришишга тўғри келди. Бу банк компания менежерларининг розилиги билан ўз акцияларини уларники билан айирбош қилмоқчи эди. Шундай бўладиган бўлса, “макмиллан”ни ютиб юбориш дўстона характер касб этарди. Лекин Максвелл ўйлаб қўйган ниятидан чекинишни лозим кўрмади.

Шунда компания омон қолишнинг чораларини излаб, харидорларга ўзидан ажралиб чиққан тўртта сердаромад фирманинг имтиёзли акцияларини таклиф қилишга қарор қилди. Шу тариқа компания раҳбарияти Максвеллнинг юрагига ҳадик солиб қўймоқчи бўлди, негаки, акцияларнинг энг қимматли пакети бўлмаса, компания унинг учун ҳар қандай жозибасини йўқотиб қўйиши аниқ эди. Бу эса ўз навбатида компаниянинг нархини шу қадар ошириб юбордики, у “Лазард Фрэр”га қимматга тушди. Охир-оқибатда, Роберт Максвелл икки ярим миллиард доллар тўлаб “Макмиллан Инк”ни суриб ташлади. Бу операция учун у ротшильдлардан ўн икки миллион доллар ҳажмида чўтал олди.

Мана шундай жанглар оқибатида Британия-француз ҳамкорлигининг самараси бўлган “Ротшильд Инкорпарейтед” банки АҚШнинг молиявий бозорида сезиларли салмоққа эга бўлди.

Максвелл баронлар учун “ўлжа” овлайдиган ягона “йиртқиш” эмас эди. Пири яна бир нечта йирик “наҳанг”ларни ишга жалб қилган, чунки у фирманинг асосий вазифаси, деб имкон қадар кўп миқдорда заиф Америка фирмаларини ютиб юбориш деб ҳисоблаган.

1988 йилнинг охирига келганда “Ротшильд Инк.” ҳаммаси бўлиб 19,4 миллиард долларлик ана шундай операцияларни амалга оширди, лекин шунга қарамай, у ҳамон Уоллстритда нисбатан чоғроқ молиявий компания ҳисобланар эди. Ҳамма гап шунда эдики, Ротшильдларнинг Нью-Йоркдаги банкига чинакамига катта ўйинлар қилиш учун маблағ етишмас эди.

Рақобатчиларнинг ишлари бошқачароқ эди. 40-йилларнинг охиридаёқ Пьер Давид Уэйлл “Лазард Фрэр” банки бошқарувининг энг юқори қатламини ўзига шерик қилиб олган эди. Бу том маънода мислсиз бир воқеа бўлган эди, чунки авваллари узоқ қариндош-уруғларни қўйиб туриб, энг яқин хеш-ақраболарни, жумладан, туғишган укаларни олганда ҳам, уларни компания эгаларининг тор доирасига кириши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Энди эса орадан қирқ йил ўтгандан сўнг Давид Ротшильд рақибларидан андоза олиб иш юритмоқчи бўлди. Оила бизнеси майдонга келиб амал қилаётган 170 йил ичида биринчи марта Ротшильдларнинг энг ардоқли, энг муқаддас жойига бегона одамнинг киришига га йўл очилди.

Истаган бошқарувчи ёхуд ташқаридан чорланган эксперт учун бу иш бобида — олга силжишга имкон берадиган жуда ажойиб рағбат эди. Хўжайин учун меҳ-

нат қилиш бошқа, яъни ўзинг учун меҳнат қилиш бутунлай ўзга нарса. Бундан ташқари, ходимларни ишга ёлловчи одам билан бир поғонада турар экан, бу унинг ижтимоий пиллапойда жуда юксакка кўтарилганини англатарди. Лекин “Лазард Фрэр” да қилингани каби Ротшильдлар бегоналар билан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бўлишиб олишмади. Улар чекланган шерикчиликни мутлақо етарли деб ҳисобладилар. Омади кулиб боққанлар фирмага ўз сармоясини қўйишмаган ҳолда, унинг фаолиятдан келадиган даромаддан унча катта бўлмаган ҳолда улуш олар эдилар-у, лекин қавмнинг тўлақонли аъзоси бўла олмадилар. Акцияларнинг контрол пакети, бинобарин, банкни бошқарув ишлари ҳам Ротшильдларнинг қўлида қолар эди. Четдан келган биринчи шерик Жак Жито бўлди. Унинг ота-боболари бир неча авлодлар давомида Ротшильдлар хонадонига хизмат қилган эдилар. У ишни аввалдан тусмоглаб била оларди, шунинг учун бунга ҳеч ким ажабланмади. Лекин иккинчи шерик еттиёт бегона — Жан-Шарль Наури бўлди. Ўттиз тўққиз яшар Наури гарчи Ротшильдлар билан бирга ишласа-да, ўзининг хусусий инвестицион компаниясига эга эди, бинобарин, мутлақо Ротшильдларга қарам эмас эди. У Гарвардни имтиёзли диплом билан битирган, шунингдек, Франциядаги Миллий маъмуриятчилик мактабини ҳам тугатган эди. Шундан кейин Наури вазирлар кабинети аъзоси Пьер Береговойнинг шахсий котиби бўлган эди. Давлатга хизмат қилиб юриб, керакли одамлардан ошна-оғайни орттиргач, Жан-Шарль “Эри” деган инвестицион компанияга асос солади ва орадан кўп ўтмай, нисбатан озроқ маблағ сарфлаб, катта даромад оладиган корхоналарнинг анча-мунчаси устидан назорат ўрнатади. Булар орасида машҳур “Канал-Плюс” ҳам бор эди.

Тўғри, бу иш ҳам Давид Ротшильднинг кўмагисиз битгани йўқ. Катта ишни амалга оширмоқ учун унга банк зарур бўлиб қолган эди-да. Наури баронга мурожаат қилди. Улар бир-бирлари билан чиқишиб қолишди — энди Давиднинг ўзи қаерга хотиржамлик билан пул етказиш мумкинлиги тўғрисида “Эри”га тез-тез ахборот бериб турадиган бўлди.

Ротшильдларнинг яна бир шериги Жан Клод Мейер деган кимса бўлди. Бу одам “Лазард Фрэр”дан ўтган эди. Давид уни Ротшильдлар оилавий банкининг Оврупа бўлимига вице-президент қилиб қўйди. Вақт ўтиб, маълум бўлдики, баронлар бу одамга ишониб чакки қилишмаган экан. Мейернинг саъй-ҳаракати билан 1990 йилда Ротшильдлар банки катталиги жиҳатидан бутун Францияда иккинчи ўринни эгаллади. Фақат “Лазард Фрэр”гина ундан ўзиб кетган эди.

1994 йилда Ротшильдлар сафида рақиблар томонидан ўтган яна бир қочоқнинг пайдо бўлиши молиявий доираларда катта шов-шувга сабаб бўлди. Христиан де Лябриф нафақага чиқиш арафасида ўзининг шериги Лазардни тарк этиб, Давиднинг қўлига ишга ўтган эди.

1992 йилнинг охирига келиб, Ротшильдлар банкида қавмга аъзо бўлмаган ўн иккита шерик ишлар эди.

Бу пайтларга келиб Ги ва Мари-Хелемнинг ўғли Эдуарднинг довуғи дoston бўла бошлаган эди.

У 1957 йилнинг 27 декабрида туғилган бўлиб, деярлик бутун ёшлиги Америкада ўтган эди. Шу ерда у Нью-Йорк қошидаги бизнес мактабида магистр даражасини олди ва бир неча муддат “Вертгейм инвестицион банки” да хизмат қилди. 1987 йилда Эдуард Лондонга кўчиб ўтди ва оилавий банкада меҳнат қила бошлади.

Давид отларга мутлақо бефарқ эди. Лекин Эдуард унинг акси бўлиб чиқди — отаси-ю бобосига хос бўлган отга ишқибозлик Эдуардга ҳам ўтган эди. У АҚШда ҳам, Ирландияда ҳам, кейинчалик эса Францияда ҳам зотдор отлар етиштириш билан шуғулланди. Барон йилқичилик билан инвестицион фаолият ўртасида муштараклик кўп, дейишни яхши кўрарди. Бирон ишга банк маблағларини етказадиган бўлсанг, беш ҳолатдан фақат биттасигина ўзини тўла-тўқис оқлаши мумкин. Худди шунга ўхшаш, ўнта зотдор тойчоқдан фақат биттасигина чемпион бўлади. Бундан ташқари, ҳар нима бўлганда ҳам мағлубиятга учраган чоқларда мардлик билан туриб бериш керак. Ҳамма нарсани жиддий қабул қилавермаслик лозим.

Эдуард Давиднинг еттинчи шериги бўлди, аммо қолган ҳамма шериклардан фарқ қилароқ оилавий бизнесда унга каттагина бойлик тегди.

Умуман олганда баронларнинг ишлари қай аҳволда эди! Яхлит олганда чакки

эмасди. “Ротшильд Континьюэйшен Холдинг” компанияси улар учун шундай бир қурол бўлдики, бу қурол ёрдамида оила дунёнинг ўн иккита мамлакатидagi банк-лари ва бўлимларини назорат қилар эди. “Франсрэл” инвестицион гуруҳи тоғ кон-лари соҳасига ва нефть саноатига сармоя етказиш билан шуғулланар эди. Оила, шунингдек, “Клуб Мэд” деган суғурта компаниясига ва зеб-зийнат буюмлари иш-лаб чиқарадиган машҳур “Гермес” фирмасига ҳам эгаллик қиларди.

1990 йилда Давид Ротшильд кимошди савдоси сигареталари ишлаб чиқаради-ган “Филипп Морис” инвестицион компаниясини ва Швейцариядаги машҳурлик-да ундан қолишмайдиган шоколад ва кофе ишлаб чиқарувчи “Якобс Шухард” компаниясини сотиб юборди. Шу ишнинг ўзида Давид беш миллиард доллардан ортиқроқ даромад қилди. Бу олди-сотдилар ишида Оврўпадаги энг каттаси бўлган эди. Шу сабабли Ротшильдлар банки Франциянинг савдо банклари ўртасида ол-динги қаторга ўтиб олди. Эндиликда баронлар ўзларини эски рақиблари Лазард-лардангина ортда эдилар.

Ана шу молиявий муваффақиятнинг меъмори Жан-Клод Мейер бўлган эди. Шу йилнинг ўзида у Ротшильдлар учун Финландия ва Швейцарияда жойлашган бир нечта йирик қоғоз саноати корхоналарини сотиб олди, шунингдек, Англияда катта йўллар бўйида жойлашган ресторанлар тармоғини ҳам харид қилди.

Албатта, Давид Ротшильд билан унинг шериклари “Якобс Шухард”нинг соти-лишини катта даромад келтирадиган тасодиф деб ҳисобламас эдилар. Бу жуда аниқ режалаштирилган операция эди. Бу жиҳатдан у энг йирик француз авиакомпания-си “ТАТ”ни харид этишди. Бу “Бритиш Эауэйз”га кўрсатилган ёрдамдай гап эди. Ёхуд акцияларнинг контрол пакетини “Гранд Метрополитен” компаниясига сот-ганда Маронэ-Чинзано қавмига ҳам шунга ўхшаш маслаҳат берилган эди. Янги ўн йилликнинг бошланиши билан Фарб иқтисодиёти қаршисида яна янгидан нав-батдаги таназул кўндаланг бўлганига қарамай, баронлар биргина 1990 йилнинг ўзида бир нечта жуда сердаромад ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди-лар. Ротшильдларнинг даромади 57 миллиард франкни ташкил қилди.

Орадан кўп ўтмай, банкирлар яна ҳаммадан ўзиб кетишди — улар мустақил Қозоғистон ҳукумати билан бу ёш мамлакатда мулкни хусусийлаштириш ва бо-зор муносабатларини ривожлантиришда иштирок этиш тўғрисидаги битимни им-золадилар. Ротшильдлар майдони жиҳатидан Франциядан беш баробар катта бўлган давлатда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

“Париба” банкини хусусийлаштириш ишига Ротшильдларни жалб қилиш во-қеаси ҳам ўзининг давомига эга бўлди. 1994 йилда Франция ҳукумати давлат му-лкнинг байроқдори — “Рено” автомобил заводларининг акцияларини хусусий қўлларга сотиш масаласида Давид Ротшильднинг банкни асосий маслаҳатчи қилиб тайинлади.

Гарчи баронлар Франциядаги фаолиятларини анча авж олдирган бўлсалар-да, Нью-Йорк ҳамон аввалгидай уларнинг диққат марказларида-турар эди. “Ротшильд Инкорпорейтед” молия соҳасида қавмнинг ҳам Франциядаги, ҳам Британиядаги тармоқлари билан иш олиб борса-да, АҚШда ҳам ҳар хил соҳаларга пул ўтка-зиш, сармояларни бошқариш ва кўчмас мулкнинг савдо-сотиғи билан шуғуллан-ишда давом этди. Шундай бўлдики, Франциядаги Ротшильдлар ўзларининг Анг-лиядаги қариндош-уруғларига қараганда янги дунё иқтисодиётига камроқ жалб қилинган бўлиб чиқдилар. Уларнинг Американинг иқтисодий ҳаётидаги иштиро-ки жуда арзимас эди. Эндиликда улар ўзлари учун Нью-Йоркнинг нечоғлиқ му-ҳим эканини тушуниб етдилар. Аммо АҚШда истиқомат қилмай туриб, у ерда биз-нес билан шуғулланиб бўлмасди.

Замонлар ўзгариб борарди. Ўзгарганда ҳам яхши томонга эмас, чаппасига ўзгармоқда эди. Агар нисбатан беғалва саксонинчи йилларда сергайрат директор-лар кенгашининг тиниб-тинчимас фаолияти туфайли “Ротшильд Инк.” оёқда мус-таҳкам турган бўлса, эндиликда жаҳон иқтисодиёти янги таназулга учради ва ишлаб чиқаришнинг умумий пасайиши Ротшильдлар оила банкнинг аҳволига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, иқтисодий таназул баронларга янги имкониятлар ҳам берди ва улар бу имкониятлардан фойдаланмай қолмадилар, ал-батта.

Бизнес дунёда иқтисодчилар акция эгаларини компания раҳбарияти ўтмишда йўл қўйган хатолар оқибатидан омон сақлаш учун, айниқса, синаш билан боғлиқ нохушликлардан асраш учун амалга ошириладиган операцияларни беозоргина қилиб реструктуризация деб атайдилар. “Ротшильд Инк.” дагилар ҳам худди шу иш билан шуғулланишга қарор қилишди. Қўшилишлар ва ютиб-ҳазм қилиб юбориш бўйича эксперт Роберт Пирининг ўрнини бош ижрочи директор Вилбар Л. Росс эгаллади. У жуда катта қарзлари бор ва жуда катта миқдорда чуви чиққан қисқа муддатли облигацияларга эга бўлган компанияларнинг сармояларини қайта жонлаштириш билан шуғулланар эди. Бунақа облигацияларни харид қилиш жуда қалтис иш, лекин омад юришиб қолса, уни харид қилган одам ақл бовар қилмайдиган даражада катта даромад оларди.

Росс ишни шундан бошлади. Нью-Йоркнинг таниқли корчалони Дональд Трампни ботқоқдан тортиб олди. Оилавий банк учун қўлида акцияларнинг 50 фоизини сақлаб қолиб, уни мулкларидан бутунлай маҳрум бўлиш хавфидан сақлаб қолди.

Бизнеснинг янги тури Ротшильдлар учун жуда сердаромад иш чиқиб қолди. У ҳар ойда ярим миллиондан чўтал тарзида даромад келтириб турди. Росс ҳам қуруқ қолгани йўқ, албатта — ана шу бир ярим миллион доллардан учдан бир қисми сийлов сифатида унга тегарди.

“Ротшильд Инк.” ишининг йўналишидаги ўзгариш компания раҳбариятида ҳам ўзгаришларга олиб келди. 1992 йилнинг ўртасида Пирининг ўрнини Геральд Голденит эгаллади. У бу банкда ўн йилдан ортиқроқ муддат давомида ижрочи директор лавозимида ишлаган, унгача эса Уолл-стритдаги “И.Эф. Хаттон” брокерлик уйида бошқарувчи бўлган эди.

Аммо анча салмоқли ютуқларга қарамай, “Ротшильд Инк.” ўзининг 140 ходими билан Америка бизнесининг долғали денгизда ҳамон майда балиқ бўлиб қолмоқда эди. Қўшилишлар ва ютиб-ҳазм қилиб юборишларнинг олтин даври қайтиб келишига жуда кам одам шубҳа қиларди, аммо ҳозирча йирик корпорациялар бирин-кетин синиб бормоқда эди. Бошқа тузукроқ имкони бўлмагач, Ротшильдлар реструктуризациядан пул чиқаришнинг пайдидан бўлдилар.

Бу даврда банк қилган ишларининг энг йириги кўчмас мулк соҳасида савдосотиқ қиладиган жуда катта корпорация “Олимпиада эдн Йорк”нинг ҳалокати бўлди. Бу корпорация нафақат АҚШда иш юритарди, балки Торонто билан Лондонда ҳам йирик бўлимларга эга эди. Корпорациянинг умумий қарзи ўн икки миллиард доллардан ортиқроқ эди. Росс “Оу энд Уай” компаниясидаги қарз берганларнинг манфаатини ҳимоя қиларди, Улар корпорацияга анча-мунча пул ўтказган эдилар ва энди бу пулларнинг лоақал бир қисмини қайтариб олишни ўйлардилар.

“Ротшильд Инк.” иштирок этган яна бир ғалвали иш 1993 йилда “Нэшнл Жипсэм Компани” фирмасининг синиши бўлди. Бу фирма қурилиш учун қоплама материаллар ишлаб чиқарар эди. Уларни чиқаришда асбестдан фойдаланишар, асбест эса дунёда рақни туғдирувчи энг хавфли материал деб тан олинганди. Бу ғалвада Вилбар Росс кичикроқ бир гуруҳга мансуб инвесторлар манфаатини ҳимоя қилди. Бу инвесторлар вайрон бўлиб, тундай тўкилиб бораётган компаниянинг лоақал бир қисмини асраб қолишни ўйлагандилар. Бунинг учун улар ишлаб чиқаришни тиббиёт талабларига мос тарзда қайта қурмоқчи эдилар.

Вировлар йўл қўйган хатолар оқибатини ковлаштириб ўтириш унчалик ёқимли иш эмас, аммо айни ана шу номақул иш шарофати билан “Ротшильд Инк.” банки иқтисодий ночорликлар замонидан эсон-омон ўтиб олди.

Йигирма тўққизинчи боб

РОТШИЛЬДЛАР ҲАҚИДАГИ РИВОЯТЛАР

Кундалик ризқи-рўзини топиб, тирикчилигини ўтказиш илинжида ўзгаларнинг бухгалтерлик китобларини титкилар эканлар, журналистларга ёлгон-яшиқ гапларни тўқиб чиқариш анча қийин бўлади. Негаки, ҳар қандай маъноли тухтам дарҳол расмий доираларни диққат-этиборини жалб қиларди. Шунинг учун журналистлар бошқача тарздаги фош қилишларга қаноат қилишга мажбур бўлишади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Масалан, матбуот кўққисдан ўлиб қолган Роберт Максвеллнинг вафотига жуда тез акс садо берди. Унинг молиявий империяси биржадаги талай найранглар заминноқ қурилган эди. Шунинг учун унинг фаолиятини текшириш бошланиши биланноқ жасади денгиздан топилди. Ишнинг бундай тус олиши ўз-ўзини ўлдиришга ўхшаб кетар эди. Албатта, бу ўхшашлик оммавий ахборот воситаларининг синчков-эътиборини жалб қилмасликка хизмат қилиши керак эди. Фақат хаддан зиёд бадавлат бўлган ва ҳозир ҳам ишлари ривожланиб, ўсиб бораётган Эдмон Ротшильднинг журналистика аҳли учун жумбоқлигича қолаверди, у ўзининг машҳур бобокалони Жеймсга қараганда анча-мунча одамови эди, бу эса у ҳақда турли хил миш-мишлар, тўқиб-бичилган ривоятлар туғилишига сабаб бўлди.

1992 йилда “Форчун” журнали Эдмоннинг фамилиясини дунёдаги энг бадавлат одамлар рўйхатида эълон қилди. Унинг давлатини 1,1 миллиард доллар, деб баҳоладилар ва баронга 223 кишилик рўйхатдан камтаргина 220-ўринни ажратдилар. Ўзининг хулосаларига изоҳ берар экан, журнал Эдмон “давлати 50 миллион доллардан ошмайди” деб “эътироф” этади дейди. “Бу рақам фақат шу ҳолатдагина тўғри бўлиши мумкин, барон ўзининг молу мулкини назарда тутиб гапирганда эмас, бобокалони Мейер Амшелнинг 1780 йилдаги сармоясини назарда тутиб гапиргандагина “50 миллион” деган рақамни тўғри, деб айтса бўлади”.

Бу ерда ким ҳақ — Ротшильдми ёки “Форчун”ми? Бу саволга жавоб топишда Эдмоннинг хотини Надимнинг мемуарлари ёрдам берса, ажаб эмас. Барон билан бирга ўтказган турмушига бағишланган китобда Надим уларнинг де Л’Элизе кўчасидаги хос уйлари батафсил тасвирлайди. Бу уй — ё том маънода Ротшильдча турмуш тарзининг сўнгги таянч нусхаси бўлган эди. Хос уйнинг қишки боғида чинакамига тропик кўл бўлган экан, унинг теварагида турфа хил анвойи ўсимликлар, гуллар ва дарахтлар бўлган экан, булар тўғридан-тўғри Африка чангалзорларидан олиб келинган экан. Бир куни Эдмон Алп тоғи ёнбағирларидаги уйига Рокфеллерларни меҳмонга чақирпти. Улар келгандан кейин маълум бўлдики, келган меҳмонларнинг ҳаммасини бемалол жойлаштириш учун қасрда жой етишмайди. Шунда Эдмон шу яқин ўртадаги каттагина бир уйни сотиб олиб қўя қолишини буюрган экан. Эдмон Англиянинг жанубий соҳилида, Корсикада, Исроилда, Австриядаги машҳур Ишль кўлида бири-биридан гўзал ва дабдабали қароргоҳларга эга эди.

“Қашшоқ бўлган Ротшильд банк бизнеси билан шуғуллана олмайди, у зеб-зийнат ичида бунақа дабдаба-ю асъаса билан ҳаёт кечиролмайди. Бинобарин, у ортиқ Ротшильд эмас”, деган экан Эдмон. Париж газеталари унинг бу гапларини оқизмай-томизмай ўз саҳифаларида эълон қилишди. Бошқа бир газетанинг ёзишича, Эдмон Ротшильд ўзининг қариндош-уруғларидан кам деганда ўн баробар бойроқ ва у Франциядаги энг бадавлат одам эди.

Муқим Швейцарияда истиқомат қилувчи барон зарур бўлиб қолган тақдирда бемаълум даромадидан келадиган фоизларга ҳам кун кечириши мумкин.

Эдмон молу мулкининг қиммати 500 миллион доллардан ошганини тан олар эди-ю, лекин унинг миқдори қанча эканини аниқ айтишни қатъиян истамасди. Албатта, 500 миллион ҳам кичкина рақам эмас — у “Форчун” журнали маълум қилган миқдордан ўн марта ортиқроқ эди. Гап бу ерда Ротшильдларнинг муғомбирлигида бўлмас керак — кўпинча жуда бадавлат одамларнинг ўзлари молу мулкларининг баҳоси қанча эканини аниқ билмайдилар. Ростдан ҳам, Прени қасрида осиглиқ турган Рубенс ишлаган расмларни аниқ қанчага баҳолаш мумкин? Ёхуд Жанва кўли бўйидаги ўзи истиқомат қилаётган жойдаги ернинг баҳоси қанча — буни ким айтиб бера олади?

Бу одамнинг кўлидан кўп нарса келарди. Бобокалонлари яшаган заминни кўшни араб давлатларининг кўлидан қайтариб олиш зарур бўлиб қолганда Исроил давлатига миллион доллар бериб юбориш унинг учун ҳеч гап эмас эди. У энди оёққа туриб келаётган Исроил иқтисодиётига маблағ етказувчи энг серсаховат одамлардан бири эди. Унинг “Изроил Женерал Банк”и эса мамлакатдаги энг салмоқли молиявий муассаса бўлди. Унинг бобоси турк ҳукуматидан Кесарияда ер сотиб олган эди; Эдмон шу ерда улкан савдо маркази қуришни режалаштирди. Эдмоннинг Париж банки хусусийлаштириш бобида жаҳон миқёсида етакчилик қилишга даъвогар эди. Бу масалада ундан олдинги учта ўринни фақат Британия

молия ташкилотларигина эгаллаб турарди. Бундан ташқари банк корпорацияларга профессионал маслаҳатлар бериш ва уларнинг бирлашуви ҳамда бир-бирини ютиб, ҳазм қилиб юборишини амалга оширишда ҳам дунёда олдинги ўринлардан бирини эгалларди.

Эдмон Ротшильднинг банк гуруҳи ўз таркибига ўндан ортиқ молиявий муассасани олар эди. Улар бутун ер курраси бўйлаб жойлашган эдилар. Барон ўзи ёлғиз иш юритадиган банкир эмас эди. У ўзининг Британиядаги қариндош-уруғлари билан бажону дил ҳамкорлик қиларди.

Давид билан Эрик оилавий банкни тиклаётганларида унга “Де Ротшильд Фрэр” деган номни қайтаришмоқчи бўлишди. Лекин Эдмон бунга қарши чиқди, чунки таркибида фақат Ротшильдларнинг ўзи бирга хизмат қиладиган банк шундай деб аталар эди. Модомики, вазият ўзгарган экан, янги барпо этилган банк ҳам бошқача аталмоғи керак. Банкни “Ротшильд энд Асосбе” деб аташди, кейинчалик у “Ротшильд энд К.” номини олди. Ўзаро акциялар пакетини алмаштириб олиб, қариндош-уруғлар ўз мамлакатлари ва ҳамёнлари манфаати йўлида ҳамкорлик қила бошлашди. Ротшильдларнинг иккита банкига Париж торлик қилиб қолди, лекин улар имкони борича бир-бирларига халақит бермасликка ҳаракат қилишарди. Кейинчалик Давид Швейцарияда ўзининг банкини очишга қарор қилганда, уни Цюрихда, очди, чунки Жанвани аллақачон Эдмон эгаллаб олган эди.

Аммо қавмнинг ўтмишидаги яқдиллигидан асар ҳам қолмаган эди. Қариндош-уруғлик муносабатларига, ўрталаридаги шахсий алоқаларнинг яхшилигига қарамай, банкларни қўшиб юбориш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Умуман олганда эса, Эдмонга Англиядаги жияни Якоб кўпроқ маъқул келарди, чунки у ҳам худди Эдмон каби ўзининг оилавий империясини барпо этиб, энди мустақиллик гаштини сурмоқда эди.

Ҳеч кимга сир эмас — Э.Ротшильд ўзининг банк тизимини бўлғувси меросхўрга мослашга ҳаракат қилмоқда эди. Унинг ёлғиз ўғли Бенжамин аввал Сан-Франциско дорулфунунда информатикани ўрганди, кейин эса телевидение ҳамда кино соҳасида продюссер бўлмоқни ихтиёр этди. 1993 йилда у энди ўттиз ёшда эди.

* * *

Ротшильдлар банк бизнесида ўзаро рақобатлашган эмаслар, аммо вино ишлаб чиқариш бобида имкони борича талашиб-тортишишган. Ишлаб чиқараётган винолари харидоргир бўлиши учун Эдмон ўз хўжалигида том маънода техник инқилобни амалга оширди.

Мато қўргони мерос сифатида Филиппга теккан эди. Бу ер шундай жой эдики, унда Филиппнинг муваффақият қозониши турган гап эди. Ундан фарқ қилароқ, Эдмон ишлаб чиқараётган “Шато Кларк” виноси Америка бозорида муқим ўрин эгаллаб олмоғи учун анча-мунча терлаб-пишишга мажбур бўлди. У америкаликларнинг пиводан ва вискидан ихлосини қайтаришга қатъий қарор қилди ва уларга қоринни тўқлаб тушлик қилгандан сўнг бир пиёла-ярим пиёла “ҳаёт шарбатидан” ичиб туриш одатини сингдирмоқчи бўлди. Лекин ҳозирча эса ишлар чаппасига кетмоқда эди. Одамларнинг винодан ихлоси борган сари қайтиб борар ва ҳатто Францияда ҳам уйларни вино сақлайдиган ертўлаларсиз курмоқда эдилар. Реклама соҳасида ҳар қанча фаоллик қилишига қарамай, Эдмон Филиппни қувиб ета олмади.

Лекин бизнес бизнеслигича қолди. Афтидан, Ротшильдлар учун вино ишлаб чиқариш оилавий спортнинг бир туридай гап бўлган кўринади. Узумзорларни биринчилардан бўлиб харид қилган банкир Натаниэл ҳам ўз вақтида улуғ барон билан мусобақалашган эди. У ўз “Мюто”сини Жеймсга “Лафит”га қараганда қимматроққа сотганидан болалардай хурсанд бўлиб, боши осмонга етган эди. Гарчи улар вино ишлаб чиқариш билан анча жиддий шуғулланган бўлишса-да, давлати миллиардлаб долларни ташкил қилувчи бу одамлар учун кўргонлар-у бепоён узумзорлар шунчаки бир эрмак бўлган, холос.

Эркаклар винофурушлик ўйинини ўйнаш билан банд эканлар, аёллар ўзлари-

га бошқа эрмак топишган эди. Гининг иккинчи хотини Мари-Хелен Париждаги зодагонлар жамоасининг маликаси бўлди ва эрининг таъбири билан айтганда, у бароннинг ўзидан ҳам ортиқроқ Ротшильд эди. Унинг зиёфатларининг донги бутун Парижга тарқалган эди. Уларда тождор сиймолар Оврўпа республикаларининг ҳукмронлари билан биргаликда кўнгилхушлик қилишарди.

Аммо зодагонларча кўнгилхушликлар даври аллақачон ўтиб кетган эди. Одамлар ортиқ кийинишда ҳашамга ва зеб-зийнатга эътибор бермай қўйишган ва упа-эликдан фойдаланишни ҳам унутиб юбормоқда эдилар. Мари-Хелен эски анъаналарни тиклашга кўп ҳаракат қилди, аммо унинг саъй-ҳаракати билан ўтадиган зиёфатлар тўлақонли кўнгилочар базмлардан кўра хайрия ва саховат йиғинларига кўпроқ ўхшарди. Базмларда йиғилган маблағлар шаҳарликларнинг ижтимоий эҳтиёжларига сарфланарди.

Агар отхонадаги юмушлар унчалик кўп бўлмаса, якшанба кунлари Ги Ферьерга борарди ва у ерда табиат кўйнида човган ўйнаб, шаҳар шовқинидан дам оларди. Унинг Сен-Луидаги қасри борган сари нафақахўр одамнинг осойишта кулбасига айланиб бормоқда эди. Баъзан бароннинг ҳузурига бош вазир Эдуард Баладюр келар ва улар бир шиша винони майдалаб ярим кечагача гурунглашиб ўтиришарди.

Давиднинг пойтахтда ўз уйи йўқ эди, у шаҳар марказида каттагина бир қасрни ижарага олганди, ўзи эса Рэ кўрғонида яшарди. Бу ерда 320 таноб майдонда унинг қишқи уйи ҳам, йилқичилик заводи ҳам бемалол жойлашган эди. Тўғри отларга хуши йўқроқ барон йилқи заводини ҳам унчалик қизиқмас эди. Давид катта шаҳарнинг шовқин-суронига тоқати йўқ эди. Агар Гини ё банкирлар даврасига, ё отлар қуршовида учратиш мумкин бўлса, унинг ўғли кўрғонининг шундоққина биқинида жойлашган чоққина Пон-Левик шаҳрининг мэри вазифасини бажонудил бажарар ва қишлоқ ярмаркаларига бориб турарди. Деярлик ҳар якшанбада барон шаҳарча маҳкамасига борар ва у ерда бошқа ходимлар билан бирга жамоа муаммоларини муҳокама қилар эди. Тоза қишлоқ ҳавоси Давидга Парижнинг машиналаридан чиққан заҳарли дудлар билан ифлосланган бўғиқ ҳавосидан кўра кўпроқ ёқарди ва овлоқ вилоятларда ўтган болалик йилларини тез-тез чин юракдан қўмсаб турарди.

Бу орада Элининг ўғли Натаниэл Нью-Йоркда ишлаб бошлади, унинг синглиси Нелли эса артистлик касбини танлади. Гининг иккинчи хотинидан кўрган ўғли Эдуард анча қатъиятли ва муваффақиятли равишда бизнес билан шуғулланмоқда эди. Унинг ўткир иқтидори, топқирлиги тилларда дoston эди. Ҳатто салмоқли иқтисодий журналлар ҳам барон гўғрисида “уни эшикдан ҳайдасанг, тешикдан кириб келади” деб ёзишарди. Эдуард хотини Ариэл Малар билан банкда баҳамжиҳат ишларди ва деярлик элу-юрт ўртасида кўриниш беришмас эди. Бу эса Ротшильдлар учун ғайри одатий бир эди.

Ўттизинчи боб ҚИРОЛ ДАВИД

Навқирон муҳожир томонидан таъсис этилган, молия худодарининг бегонани яқин йўлатмайдиган биқик дунёсини ёриб кира олган, кейинги юз йил ичида ҳукуматлар томонидан икки бор танланган банк ҳамон шундай бир бойликка эга эдики, уни тортиб олишнинг иложи йўқ эди. Бу — унинг номи, банк эгаларининг исми-шарифи, Ротшильдлар номи эди. Барон Ги Париждаги кўрғазмалардан бирида бошидан кечган бир фаройиб воқеани гапириб беришни ёқтирарди. Ротшильдлар банкнинг стени ёнига бир хотин келипти. Ундан: “Нега айна Ротшильдларга мурожаат қилдингиз?” деб сўрашганда, аёл шундай жавоб берипти: “Мен на хорижий, на хусусийлаштирилган, на яҳудий банклари билан иш юритишни истамайман. Шунинг учун ҳам сизни танлаб олдим”.

Ҳозирги замон Ротшильдларининг молиявий империяси илдизлари Франкфуртдаги яҳудий Амшелнинг чоққина уйига бориб тақалади. Амшел вужудга келган вазиятдан моҳирлик билан фойдаланиб бойиб кетган эди. Муболағасиз айтиш мум-

кинки, баронлар ўзларининг бутун бойликларига Наполеон туфайли эришганлар. Албатта, императорнинг ўзи Ротишльдларнинг молу дунёсини бойитишга кўмаклашишни хаёлига ҳам келтирган эмас, лекин у барпо этган сиёсий вазият Амшел учун бир имконият ҳосил қилганди ва бу уддабурон яхудий шу имкониятдан жуда яхши фойдаланган эди.

Энди орадан икки аср ўтгач, бешта бир-бирига чагишиб кетган камалак ўқлари тасвирланган герб остида ҳаракат қилувчи қавм банк бизнесида пишиқлик ва пухталикнинг, анъанавийликнинг рамзи бўлиб қолди. “Обрў-эътиборимиз туфайли биз ҳамиша ўзимизга керакли одамлар билан учраша оламиз”, деб таъкидлаган эди Давид гурур билан. Жак Жито банкни бошқаришда оилавий ворисликни сақлаб қолиш жуда катта аҳамиятга эга деб ҳисобларди. Янги ходимларни ишга қабул қилар экан, у ҳамиша уларга шундай деб тайинлар эди: “Шуни эсингизда тутингки, сиз Ротшильдлар клубига аъзо бўляпсиз. Сиз қандай лавозимни эгаллашингиздан қатъий назар, бу фамилия банк қабул қилган ҳар қандай қарорнинг тўғрилигига кафолат бера олади. Сиз ҳатто бу қарорга рози бўлмасангиз-да ва ўзингизнинг ҳақ эканингизга ишончингиз комил бўлса-да, барибир, банк ҳақ бўлиб қолаверади. Ҳатто шуни тушуна олмаганлари учун компаниянинг энг олий рутбали хизматчилари ҳам бизни тарк этишга мажбур бўлишган”.

Ротшильдларнинг янги авлоди баъзан ўзларининг қарамоғида бўлмаган улкан молия муассасаларини бошқаришда етакчи роль ўйнаймиз, деган хомхаёлга боришган эмас. Замонлар жуда ўзгариб кетди ва бугунги кунда Ротшильдлар банкида XIX аср ўрталарида мавжуд бўлган ардоқли молиявий тартиблардан деярлик ҳеч нарса қолгани йўқ. Бутун XX аср мобайнида Франциядаги Ротишльдлар ишига мунтазам бериб турилган зарбаларнинг чандиги исзис йўқолиб кетгани йўқ. Аммо бадавлат қариндошлари Эдмон ва Лондондаги “Н.М.Ротшильд” компанияси билан яқиндан ҳамкорлик қилишгани учун Франциядаги баронлар нафақат, чўкмай сув юзасида қолдилар, балки молиявий бўронлар ва қуюнлар шароитида ҳам ўзларини анча бардам ҳис қилдилар.

Оила ичида бу ҳамкорлик натижасида “Ротишльд Эсет Менежмент” деган дунё миқёсида иш юритадиган инвестицион гуруҳ вужудга келди. Унинг сармояси 15 миллиард фунт стерлигини ташкил қилиб, Парижда, Цюрихда, Нью-Йоркда, Токиода ва Сиднейда бўлимлари бор эди. Эндиликда дунёнинг ўн иккита мамлакатаида икки мингта юқори малакали ходим баронларнинг хизматини адо этарди. Давид билан Эрик ўзларининг Булок Британия, Франция ва Швейцариядаги банкларига нисбатан тез-тез “гуруҳ” сўзини қўллаб туришарди, чунки улар бу банкларга биргаликда эгалик қилишарди, шунингдек, банкларининг Германия, Италия, Испания ва Португалиядаги бўлимларига нисбатан ҳам “гуруҳ” сўзини қўллаверишарди. Париждаги ва Лондондаги Ротшильдлар Оврўпада ва Шимоллий Америкада бирга ишлашарди. Бундан ташқари, Лондон банки Осиедаги, Тинч Океан минтақасидаги ва Лотин Америкасидаги бўлимларини ўзи назорат қиларди.

Париждаги “Ротшильд энд К” хусусий омонатларни бошқариш билан шуғулланишда давом этди ва хусусийлаштиришда фаол иштирок этди. Унинг Британиядаги шериклари ҳам “консерваторлар даври” туфайли майдонга келган хусусийлаштириш жараёнида кўзга кўринарли роль ўйнади.

Жумладан, давлатга қарашли “Бритиш Петролеум”нинг қисмлари шахсий мулкка ўтказилаётганда Англиядаги Ротшильдлар маслаҳатчи бўлишган эди. Бундан ташқари, улар дунёга машҳур “Бритиш Телекомьюникейшн” акцияларининг хусусий қўлларга ўтишида ҳам кўмаклашган эдилар.

Цюрихдаги “Ротшильд Банк АГ” молиявий муассасалар билан ишлаган траст операцияларига ва сармояларни бошқаришга бутун диққат-эътиборини қаратди. Банк Испанияда, Италияда, Португалия ва Германияда бўлимларга эга эди. Унинг Германиядаги бўлими Майн бўйидаги Франкфуртда жойлашган бўлиб, Париж, Лондон ва Цюрихнинг ўзидаги учта оилавий банк мижозларига хизмат кўрсатар эди. Баронлар Франкфурт бўлимига алоҳида аҳамият беришар ва ундан имкони борича унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилишарди. Бу бўлим, масалан, итальян фирмаларининг улардан кўра қудратлироқ немис компаниялари томонидан ютиб юборилиши бўйича операцияларга жалб қилинган эди.

Ла-Маншнинг ҳар икки томонида Ротшильдлар ўртасида биродарона алоқалар ҳуқумрон эди, лекин уларни зинҳор тенг деб бўлмас эди. Лондон банки каттароқ, бақувватроқ ва табиийки, бу иттифоқда етакчи ўринда турар эди. Қолаверса, Лондондаги Ротшильдлар шунақа операциялар билан шуғулланар эдиларки, улар билан шуғулланишга Франциядаги Ротшильдларнинг кучи етмас эди. “Н.М.Ротшильд” компанияси хусусийлаштириш операциялари бўйича ва қимматбаҳо маъданлар савдо-сотиғи жаҳон бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллар эди.

Франциядаги Ротшильдлар ўзларининг Англиядаги қариндошлари ортидан изма-из боришарди. Охир-оқибатда, улар Америкада мустаҳкам ўрнашиб қолишди, ўз ватанларидан эса “Банк Париба”, “Лион Кредити” ва “Сувайш” банки каби қудратли банклар билан жиддий рақобатга киришдилар.

Аммо кўлами жиҳатдан Париждаги молиявий бозорни Лондонники билан қиёслаб бўлмас эди.

1992 йилнинг январида Давид Лондондаги “Н.М.Ротшильд эдн Санз”нинг вице-президенти қилиб тайинланди. Шу тариқа у сэр Эвелин Ротшильднинг расман вояси бўлди. Бу воқеа жилла бўлмаса, XX асрда беқийс воқеа бўлган эди. Энди барон Англиядаги Ротшильдлар банкида иккинчи одам ҳисобланар ва айни чоқда оиланинг Париждаги банкида бошлиқ ҳам эди. Қавмнинг Франциядаги тармоғининг вакили биринчи марта оиланинг ҳамма банк муассасаларини ўз назорати остига олган эди. Аллақачон халқаро банк мақомини эгаллаган Буюк Британиядаги асосий савдо банкининг бошқаруви ҳам, кўлами жиҳатидан улкан инглиз биродарининг ўндан бир қисмича келмайдиган “Ротшильд энд К” француз молиявий компаниясининг илови ҳам Давиднинг қўлида эди.

Унинг вице-президент этиб тайинланиши кўпгина инглиз иқтисодчилари ва бизнесменларини ҳайрон қолдирди. Нима учун бошқамас, айнан Давид? Англиядаги ўндан ҳам бошқа “тахт даъвогарлари” бор-ку: булар Эвединнинг икки ўғли ва унинг жияни Амшель. Бироқ Эвелин журналистларга “молиявий империяни ким бошқаришининг унча аҳамияти йўқ, энг муҳими — бошқарувчи одам Ротшильдлардан бўлса бас” деди. “Агар менга бирор нарса бўлиб қолса, менинг ўрнимни Давид эгаллайди. Худо кўрсатмасин, унга ҳам бирон нарса бўлиб қолса, Амшель компанияга бошлиқ бўлади. Биз ҳамма вақт оила бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлаганмиз”, — деди у. Унинг фикрича, янги иттифоқ ўтган асрда баронлар ўртасида оилавий бизнесни юритишда мавжуд бўлган битимга жуда ҳам ўхшаб кетади.

Шак-шубҳа йўқки, Ротшильдлар хонадони миқёсидаги интеграция жуда прогрессив характерга эга бўлган. Давиднинг банки Лондондаги банклар паҳлавонини ютиб юборди, деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келгани йўқ, Лекин Эдмон бу иттифоққа анча ишонқирамай қаради: “Эвелин қабул қилган қарор Яковга, Британиядаги қолган Ротшильдларга маъқул тушади, деб айта олмайман. Эдмон қариндош-уруғларининг бу ишини биринчи навбатда унинг ўзига қарши йўналтирилган фитна деб қабул қилди. “Қолганлар қандай бўлса, мен ҳам шундай Ротшильдман” — деди барон алам билан.

Четдан кузатганларнинг фикрига кўра Лондондаги банкирлар компаниясининг энг заиф жойи бошқарув тизимидадир. Кўпларнинг фикрига биноан омон ютиб чиқмоқ учун рақиблар бир-бирлари билан ҳаёт-мамот кураши олиб борадиган ҳозирги молия дунёсида компанияга эгалик қилишнинг оилавий шакли сира тўғри келмайди.

Ҳаётда ҳеч ким қачон Давидни қирол деб, ёхуд Ротшильд деб атамаган эди. Аммо воқеликнинг ўзи анча-мунча тузсиз нарса бўлади, инсон хаёлотигина унутурфа хил рангларга безашга ҳаракат қилади. Машҳур “икки юз оилага” бағишланган биронта ҳам тадқиқот Ротшильдларнинг фамилиясини тилга олмай ўтолмас эди. Қавм ортқ ўзига ўзи мансуб эмас эди, у аллақачон тарих мулкига, ривоятлар қаҳрамонга айланиб бўлган эди. Ҳақиқатан ҳам, Франциядаги деярлик ҳамма банкирлар сулоалари, ё яҳудий сулоалари, ёки протестант мазҳабидаги сулоалар эди. Аммо Шлюкюмберглар, Оттингезалар, Штернлар, Лазардлар ва Ротшильдларнинг аввалги салобати қолмаган эди. Улар Франция иқтисодиётида

ортиқ етакчилик ролларини ўйнамай қўйган эдилар. Сўнгги эллик йил мобайнида теварак-атрофда ҳамма нарса анча ўзгариб кетган эди.

Аммо яҳудийларга қарши кайфиятдаги кучлар сеvimли ўйинчоқларидан маҳрум бўлиб қолишни истамас эдилар. Улар эски қўшиқларини янги куйга солиб олдилар, холос. Саводсиз, авом одамларнинг ҳар қандай янгилик қаршисида кўрқувдан дир-дир қалтирашидан фойдаланиб, улар Оврўпа ҳамжиҳатлигини масонлар найрангининг самараси, деб эълон қилдилар. Энг сўнгги тахминларга қараганда, Ротшильдлар Франция манфаатларига зарар етказиб, Оврўпа манфаатларига хизмат қилишмоқда. 1992 йилда ашаддий ўнглрдан бўлган француз снєсатбози Жан-Мария Лепэн баронларни ана шундай айблади.


Ҳатто олис Японияда ҳам баъзи бир журналистлар Токио жамғарма биржасидаги қийинчиликларининг тепасида Ротшильдлар турган яҳудийлар фитнасининг самараси, деб изоҳладилар. Лекин бу ҳали ҳолва эди. Токиодаги китоб магазинларининг пештахталарида ҳозирги кунда ҳам шундай китобларни учратиш мумкин эдики, уларда жуда жиддий қиёфада 5 минг иенлик Япон пулида ҳар бир япон учун ардоқли Фудзияма эмас, балки Синай тоғининг тасвири туширилган деган гап айтилди. Бунақа гаплардан кейин Япония миллий банки тўлалигича Исроил фарзандларининг назорати остидадир, деган гаплар беозор ҳазилга ўхшаб қолди.

1944 йил қишининг охирида жамики Ротишльдлар хонадони сулолага асос солинганининг 250 йиллигини нишонлаш учун Мадн бўйидаги Франкфуртда тўпланишди. Яҳудийлар музейида бўлиб ўтган тантанали маросимда олмон канслери Гельмут Коль нутқ сўзлади. “Биз Мейер Амшелни на фақат бу шаҳарнинг улуг фарзанди сифатида, балки олмон яҳудийларининг энг ёрқин, энг ардоқли вакили сифатида ҳам ҳаммаша эсимизда сақлаймиз”, — деди у. Кейин қавм аъзолари Геттонинг қолдиқларига туташиб кетадиган кўҳна қабристонни зиёрат қилишди. Бу қабристонда дунёдаги энг қудратли молиявий сулолалардан бирига асос солган одамнинг ҳоки қўйилган эди.

Ротишльдлар ҳақида кўпдан-кўп ривоятлар тўқилган, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам яҳудийларни ёмон кўрадиган одамларнинг томонидан тўқилган эмас. Шоллом-Алейхем бизга Шарқий Оврўпадан чиққан бир қашшоқ яҳудий ҳақидаги фалсафий ҳикояни айтиб берган. Ўша яҳудий банкир Ротшильд билан учрашмоқ учун атайин Парижга борипти. Ниҳоят, йўлни топиб, Ротшильднинг ҳузурига киргач, унга: “Сизга айтадиган жуда муҳим гапим бор”, депти.

- Қулоғим сизда, — деб жавоб берипти барон.
- Монсеньер де Ротшильд, мен мангу яшаш сирини биламан.
- Жуда соз. Биз ҳам билсак бўладими?
- Мангу яшамоқчи бўлсангиз, сиз бизнинг қишлоғимизга кўчиб ўтмоғингиз керак. Бизнинг қишлоқни Касриленке дейишади.
- Нечук? Нима сабабдан? — деб сўрайди ажабланган Ротшильд.
- Нега десангиз, биз, яъни Касриленке аҳли шу пайтга қадар қишлоғимизда биронта ҳам бадавлат одамнинг вафот этганини кўрган эмасмиз, — деган экан яҳудий.

Озод ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси



Тарихий латифалар

Париж архиепископи ҳар қандай қилиб бўлса-да, қирол Людовик ХУ нинг сўнги беморлиги чоғида тавба қилдирмоқчи бўлибди, лекин улгура олмади. Ўзининг саяёқ саргузаштлари билан ном чиқарган маршал Ришелье архиепископга таскин бермоқчи бўлиб дебди:

— Агар ҳазрат бировнинг тавба-тазаррусини эшитишга жуда маҳтал бўлсалар, юринг, бирон хилватроқ жойга борайлик. Мен ҳамма гуноҳларимни айтиб тавба қиламан, лекин аминманки, менинг тавбамда ўткир жойлари кўпроқ бўлади.

* * *

Россиядан мағлуб бўлганидан сўнг Наполеон оддий чанага ўтириб ғарбга йўл олади. Аъёнлари билан бирга у Неман бўйида тўхтади. Шу ерлик деҳқон генералларни нариги соҳилга ўтказиб қўяди. Ҳамиша ҳамма маълумотларни ўз қулоғи билан эшитишга одатланган Наполеон қайиқчидан сўрайди:

— Нариги соҳилга қочоқлар кўп ўтдими?
 Деҳқон соддадиллик билан жавоб беради:
 — Йўқ. Сиз — биринчиси...

* * *

1914 йил сентябр ойининг бошларида Африкадаги Британия мустамлакаларидан биридаги гарнизоннинг комендантши Бош штабдан қуйидаги яширин телеграммани олади: “Уруш эълон қилинди. Нуқта. Сизнинг вилоятингизда истиқомат қилаётган душман давлатларига мансуб фуқароларнинг ҳаммасини дарҳол ҳибсга олинг”. Икки кундан кейин Бош штабга комендантдан телеграмма борибди: “Еттига немис, учта белгиялик, тўртта испан, бешта француз, эру-хотин шведлар, битта аргентиналик ва битта америкалик ушланди. Нуқта. Ким билан уришаётганимизни маълум қилишингизни сўрайман”.

* * *

Бир куни лорд Даббертон шаҳар ташқарисида сайр қилиб юрганида ўтлаб юрган бир буқа унга даф қилиб қолипти. Англия пәри ўтлоқни ажратиб турган тўсиқдан сакраб ўтиб, ҳайвоннинг ҳуружидан сақланиб қолипти. Тўсиқдан ошиб ўтишни биланоқ буқанинг эгасига рўпара келипти ва ундан гина қила кетипти.

— Бу ўтлоқ менинг мулким, — деб жавоб берипти буқанинг эгаси. — Менимча, бу ўтлоқда сайр қилишга менинг буқам сиздан кўра ҳақлироқ.

— Ҳой, менинг кимлигимни биласизми ўзи? — деб хитоб қилипти лорд. — Мен лордлар палатасининг аъзоси лорд Даббертонман!

— Шунинг буқага айтмабсиз-да, милорд!

* * *

Кунлардан бирида Бисмарк Мариенбад курортига дам олгани борганида маҳаллий врачнинг хизматидан фойдаланмоқчи бўлипти. Ҳақим Бисмаркнинг тахмин қилинаётган хасталиги тўғрисида бутун тафсилотларини эзмаланиб сўрай бошлапти. Тоқати тоқ бўлган “Темир канцлер” унга ўшқирипти.

— Бунақа эзмаланиб сўраб ўтиргандан кўра, менга бирон дори-дармон ёзиб берақолмайсизми?

Бу гапга жавобан ҳақим Бисмаркка маслаҳат берипти:

— Ундай бўлса, ҳазрати олийлари, сизга мол доктorigа мурожаат қилишни тавсия этар эдим. Чунки у ўзининг беморларига биронта ҳам савол бермайдиган ягона врач.

* * *

1918 йилнинг баҳори “Нойе Фрайе пресе” деган Вена газетасининг таҳририяти. Муҳаррир қизил гвардия отряди командирининг йўлини тўсиб турипти. Бу фаройиб учрашув. Иккала йигитнинг ҳам фамилияси — Киш. Улар — ака-укалар. Каттаси укасининг таҳририят биносига бостириб киришига қаршилик қилипти, укаси Эгон эса хоналарнинг қалитини талаб қилаяпти.

— Бермайман.

— Ўртоқлар, бу фуқарони ҳибсга олинглар.

Муҳаррир қараса, бу ўринда ҳазиллашиб бўлмайди. У оқариб-бўзариб, бир боғлам қалитни укасининг оёқлари остига ташлайди.

— Майли, мана, ол қалитларни. Лекин билиб қўй, уйга борганда ҳаммасини оймнга айтиб бераман.

* * *

Авсралия авиациясида учувчи бўлишни тилаган номзодлардан имтиҳон олувчилар қуйидаги мураккаб жумбоқни ечишни талаб қилишипти:

— Фараз қилийликки, сиз икки ўринли кичкина самолётда учиб кетяпсиз. Орқа ўриндикда ўтирган инглиз қироличаси бирдан ўтирган жойидан тушиб кетипти. Сиз нима қилмоғингиз керак бўлади?

— Унинг орқасидан сакрайман-у, қироличани ҳавода ушлаб оламан.

— Ўзимни-ўзим ўлдираман.

— Тезроқ гумдон бўлишнинг чорасини қиламан.

— Фамилиямни бошқа қўйиб оламан.

Бу жавобларнинг бирортаси ҳам маъқул бўлмапти. Тўғри жавоб бундай экан:

— Юкнинг бир қисми тушиб қолгандан кейин самолётнинг аҳволини тўғирлаб, учини бир текисга келтираман.

ШЕРЗОД
таржимаси

**“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” ЖУРНАЛИДА
2000 ЙИЛДА
ЧОП ҚИЛИНГАН АСАРЛАР**

НАСР

- ПИТЕР АБРАХАМС. Орол. *Роман*. №1.
АНОР. Дантенинг юбилеи. *Қисса*. №9.
ДАНИИЛ ГРАНИН. Ҳаммамиз учун ҳурматли Роман Авдеевич. *Қисса*. №4.
СЕРГЕЙ ДОВЛАТОВ. Ажнабий аёл. *Қисса*. №12.
КАРТАР СИНГҲ ДУГГАЛ. Кузнинг тўлиной кечаси. *Қисса*. №11,12.
ЖУРЖИ ЗАЙДОН. Ал-Амин ва ал-Маъмун. *Роман*. №4, 5, 6.
АНАТОЛИЙ КИМ. Корейс ҳангомалари. №6.
МАРИО ВАРГОС ЛЬОСА. Паломнино Молерони ким ўлдирди? *Қисса*. №10.
НАЖИБ МАХФУЗ. Родонис. *Роман*. №7,8.
У.С.МОЭМ. Нотаниш одам Парижда. *Роман*. №8,9.
АНАНТ МУРТИЙ. Икки жаҳон овораси. *Қисса*. №2,3.
ФАРХОД МУСАЖОН. Ўрганма юрак! *Ҳикоя*. №7.
УЧҚУН НАЗАРОВ. Муҳлат. *Роман*. №10,11.
Панднома. №6.
ГАБРИЭЛ РУА. Умр — оқар дарё. *Қисса*. №5.
РУДОЛЬФ СЛОБОДА. Кечиккан (лекин) зўр севги. *Ҳикоя*. №8.
ОСКАР УАЙЛЬД. Дориан Грейнинг портрети. *Роман*. №1,2,3.
СОТИМ УЛУҒЗОДА. Суғд ривояти. *Қисса*. №7.

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- Африка шеърияти. №11.
ЖОРЖ ГОРДОН БАЙРОН. Нурли оламлар. №12.
ОЯР ВАЦИЕТЕС. Баҳор гуллаган чорраҳа. №2.
НИКОЛАЙ ГУМИЛЁВ. Орзулар салтанати. №12.
ОТТО ЖУПАНЧИЧ. Мардлар қалбидадир толе дегани. №1.
Замонавий қирғиз шеърияти. №7.
АТИЛЛА ЙОЖЕФ. Қалбим баҳор ниҳоли. №1.
МОРИС КАРЕМ. Сархуш дамлар. №9.
ЖОЗУЭ КАРДУЧЧИ. Навқирон жавзо майъали. №7.
КВАЗИМОДО. Гуллаётган аёл. №11.
РЕДРЯД КИПЛИНГ. Жаранглади чилтор торлари. №5.
ЖОН КИТС. Орзуларга йўл очил раво. №4.
АЛЕКСЕЙ КОЛЬЦОВ. Кулиб боқсин бахт ва муддао. №5.
ПАБЛО НЕРУДА. Жануб офтоби. №6.
СЮЛЛИ ПРИДОМ. Қалбим тўла ажиб шеърлар. №3.
РОМИЗ РОВШАН. Камалак — кўкнинг туғи. №3.
ЖАЛОЛИДДИҲ РУМИЙ. Маънавий маснавий. №4.
АЛЬФРЕД ТЕННИСОН. Мальдуининг қўшиқлари. №9.
УБАЙДИЙ. Кўнгил сурури. №8.
ХИРКАТИЙ. Муҳаббатнома ва меҳнатком. №2.
КОМИЛ ХҲЖАНДИЙ. Ўзингдан ўзга йўқ дастгир. №10.
МИХАЙ ЭМИНЕСКУ. Ғазал ўқур булбуллар. №8.
РАСУЛ ҲАМЗАТОВ. Ишқ олдида ҳамма тенг. №6.

НАЗМ ДАФТАРИДАН

ОЛИМА НАБИЗОДА. Туркистон гупроқларида. № 3.
АЗИМ СУЮН. Сен менинг юрагим, сен менинг ўзим. № 10.

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

И.ГОЛЬДЦИГЕР. Ислом ҳақида маърузалар. № 6.
ПЕТР КАПИЦА. Ижодий “бебошлик” ҳақида. № 12.
ФРАНЦ КАФКА. Отамга хат. № 7,8.
ФРАНСУА ЛАРОШФУКО. Максимлар. № 11,12.
УБАЙДУЛЛА УВАТОВ. Калом илмининг алломаси. № 5.
ЭРИХ ФРОММ. Инсоннинг ҳозирги ҳолати. № 3.
СТЕФАН ЦВЕЙГ. Зигмунд Фрейд. № 2,3.

ДРАМА

МЕТЕРЛИНК. Сўқирлар. № 1.
ЖОРЖ ПУАРЭ. Ёлгонинг умри. № 4.

ПУБЛИЦИСТИКА

МАКСИМ ГОРЬКИЙ. Бемаврид мулоҳазалар. № 6.
ИГОРЬ ЕФИМОВ. Россиядаги катта қиргин-барот. № 6.
АЛЕКСАНДР ИВАШЧЕНКО. Деҳқонлар масаласи тугаб бораётган асрнинг уч кўзгусида. № 5.
БОРИС ИОФФЕ. Водород бомбасининг сирри. № 9,10.
ВЛАДИМИР МАУ. Зиёлилар: тарих ва инқилоб. № 11,12.
ГЕОРГИЙ НИЖАРАДЗЕ. Бизким, гуржилар... № 9.
ЕЛЕНА НОВ. Интернетга интилиб... № 6.
АБДУЛЛА УЛУҒОВ. Дунёни эзгулик қутқаради. № 1.
АЛЕКСАНДР ЦИПКО. Тутган йўлимиз маъқулмикан? № 2.
БЕГАЛИ ҚОСИМОВ. Сафар кундалиги. № 1.
ТЕМУР ҒИЁСОВ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. № 7.
ЁҚУБЖОН ХҲҲАМБЕРДИЕВ. Ўзимизнинг ўзбеклар. № 4.

АДАБИЙ ТАҢҚИД

АНДРЕ БРЕТОНЬ. Сюрреализм ҳақида. № 5.
СОЛОМОН ВОЛКОВ. Салтанат найранглари. № 10.
ЯКОВ КОЗЛОВСКИЙ. “Мени ёш гўзал қиз асрар ўлимдан”. № 1.
У.НОРМАТОВ. Р.РАҲМАТ. Назария ва адабий жараён. № 3.
УЛУҒБЕК САИДОВ. Эдип айбдорми ёхуд инсонийлик масъулияти ҳақида. № 12.
ИРВИНГ СТОУН. Биографик қисса ҳақида. № 8.
ГЕНРИ ТОРО. Эътиқодсиз ҳаёт. № 9.

ТУРКИЙ ДУНЁ БУЮКЛАРИ

ХУСАЙН БАРҒАН. Мақсуд Шайхзода. № 2.
ТЎРАБЕК ДОЛИМОВ. Оламшумул аллома. № 6.
ҲАБИБУЛЛА ЗАЙНИДДИН. Мавлоно Ҳофиз Тошкандий. № 7.
ЗИКИР МУҲАММАДҶОНОВ. Сирли қалб. № 3.

МОЗИЙДАН САДО

ГАЙ СВЕТОНИЙ. Гай Калигула. № 11.

НОБЕЛМАЪРУЗАЛАРИ

ИВАН БУНИН. Нобел кунлари. № 12.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ОРТИҚБОЙ АБДУЛЛАЕВ. “Бизким, ўзбеклар...” № 9.
ДИЛБАР АБДУРАҲИМОВА. Гўзаллик қомуси. № 5.
АНСОРИДДИН ИБРОҲИМОВ. Бобурнома урду тилида. № 12.
БАҲОДИР КАРИМОВ. Ибратли кўзгу. № 4.
ФУЛОМ КАРИМОВ. Муаррихнинг бадий дostonи. № 3.
ФУЛОМ КАРИМОВ. Тил — воситан робитан оламиёндур. № 10.
ҲАКИМЖОН КАРИМОВ. Бобур юрган йўлларда. № 1.
ҲАКИМЖОН КАРИМОВ. Маънавият осмонидаги юлдузлар. № 6.
ГУЛНОРА МУҲАММАДЁРОВА. “Маънавий, комолот сари.” № 6.
ЗОҲИДИЛЛО МУНАВВАРОВ. Эъзозли ҳазрат. № 8.
ОМОНУЛЛА МАЪДАЕВ. Мумтоз бадият малоҳати. № 11.
ОЛИМА НАБИЕВА. “Мен Оллоҳнинг бандасиман”. № 2.
ФАТХУЛЛА ЭРҒАШЕВ. БОБОҲОН ШАРИФ. Ўзлик қалити. № 7.
ТЎХТАСИН ҒАФУРБЕКОВ. Беназир бастакор. № 12.
БОТИРБЕК ҲАСАНОВ. Қадимги китоблар ҳаётидан. № 10.

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

РОБЕРТ БЛОХ. Қўғирчоқ. №1.
СТЕНЛИ ГАРДНЕР. Жилмайган горилла. №7,8,9.
ВЛАДИМИР КУНИН. Балойи нафс. №3,4.
НИКОЛАЙ КУН. Қадимги Юнонистоннинг афсона ва ривоятлари. №5.
ГЕРБЕРТ Р. ЛОТМАН. Ротшильдлар — банкирлар қироллари. №10,11,12.
УЭЛСЛИ О. ХЕГУД. Жон Кеннеди ва аёллар. №6.
СОДИҚ ҲИДОЯТ. Тахти Абу Наср. №2.

ЖАҲОНКУЛАДИ

АЛ ЖАҲИЗ. Хасислар китоби. №10
АБУЛ ФАРОЖ. Мароқли латифалар. №9
Курд латифалари. №2.
ТАРИХИЙ ЛАТИФАЛАР. № 12

OF SUMMARY

In this issue our readers can read the story «The strange woman» of the Russian writer Sergei Dovlatov who had to live in America. In the heading «Poem continents» readers can equantance with new Uzbek translations of Lord Byron and Russian poet Nikolai Gumiliev's works. For the first time Uzbek readers can read fully the Frency philosophers F. Laroshfuka's «Maximum». Readers can read Acadimician Petr Kapitsa's article «Abaut creative self-will». In this article of the pullicisit Vladimir Mau «The intelightsia: History and Revolution» is discussed about the Fate of Russian intelightsia. In this issue you can also read the articles about Urdu translations of the «Boburnoma», famous Uzbek compeser M. Burkhanov.

